

A graphic of a sunburst with many thin, parallel yellow lines radiating from a semi-circular white sun at the top center, set against a light blue background.

**МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН  
ТАРИХИ**

**УЎК: 94(575.1)**  
**КБК: 63.3(5Ў)64**  
**М 91**

**Мустақил Ўзбекистон тарихи.** Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи методик марказ. / Масъул муҳаррир т. ф. н. А. Сабилов / -Т.: Akademiya, 2013. 468 б.

ISBN 978-9943-368-75-0

УЎК: 94(575.1)  
КБК: 63.3(5Ў)64

**Таҳрир ҳайъати:** А.Мелибоев, А.Тошхўжаев, Х.Юнусова,  
Э.Нуриддинов, Р.Рўзиёв,  
С.Тиллабоев, У.Фофуров

**Масъул муҳаррир:** А.Сабилов

**Тақризчилар:** т.ф.д. А.Қирғизбоев  
т.ф.д. Б.Хасанов  
с.ф.д. Қ.Қуронбоев

Мазкур китоб Ўзбекистоннинг истиқлолга эришиш арафасидаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳолати, мустақилликни қўлга киритиш жараёнлари, Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларидаги тараққиёти ва ривожланиш босқичлари, истиқлол йилларида сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳалардаги ўзгаришлар, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ўрни ва мавқеи, ташқи сиёсатда, айниқса, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда олиб борган сиёсати, Президент Ислом Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва уларнинг натижалари асосида қўлга киритилаётган ютуқлар, республикада миллатлараро ва умуминсоний қадриятларнинг ривожланишига яратилаётган имкониятлар каби масалалар ёритилган.

Китоб илмий тадқиқотчилар ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг "Ўзбекистоннинг янги тарихи. Учинчи китоб. Мустақил Ўзбекистон тарихи" (И-2012-2-38) мавзусидаги инновация лойиҳаси доирасида тайёрланди.

ISBN 978-9943-368-75-0

© «Akademiya» нашриёти. Тошкент, 2013

## СЎЗ БОШИ

Мустақиллик Ўзбекистон халқи тарихини ҳолисона ўрганиш имконини берди. Бу омил тарихни мафкуравий ақидалар, бир томонлама ноҳолисона ёндашувлар таъсиридан халос этиш, тарихий воқеа-ҳодисалар қандай содир бўлган бўлса, шундайлигича тадқиқ этиш ва ундан тўғри хулоса чиқариш учун асос бўлди.

Энг янги тарих - жуда кўп илмий баҳс-мунозаралар предмети. Баъзан у тор маънода тушунилади, яъни сўнги ўн йилликлар ёки ушбу даврдаги бир авлоднинг тарихи сифатида; бошқа ёндашишда эса унинг бошланиши аввалги тарихий даврлардан фарқли бўлган асрнинг ўзига хос жиҳатлари билан белгиланади. Ўзбекистоннинг энг янги тарихи мазкур ёндашувларга мувофиқ келади, шу билан бирга, уни даврлаштириш масаласи юзага келди.

Энг янги тарихни даврлаштириш тамойиллари бўйича ҳам турли ёндашувлар мавжуд.

Баъзи олимлар "Энг янги тарих" деганда, "Янги давр"ни, яъни Европа ва Шимолий Америкада капитализмнинг қарор топиши ва ривожланиши даврини тушунишади. Маданиятшунослик ёндашувларига асосланган Фарбдаги тарих илмий мактаблари "Энг янги тарих"ни илм-фаннинг ўсиши, техникадаги ривожланиш, шунингдек, онгнинг секуляризацияси билан характерланган инсон ва жамият тафаккури ҳамда маданиятидаги ўзгаришлар билан асослашади.

Шу билан бирга, турли илмий йўналишларда энг янги тарих қуйидаги ҳолатлар билан боғланади:

- 1) чет эл ҳукмронлигидан озод бўлиш;
- 2) мустақил миллий давлат барпо этиш жараёни.

Президентимиз Ислом Каримов мустақил Ўзбекистон тарихини чуқур ўрганиш жуда долзарб вазифа эканини,

бугунги тинч-осойишта кунларнинг қадрига етиш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ҳақида тўхталар экан, ўсиб келаётган ёш авлод истиқлолимиз тарихини чуқур ўрганиши, бундай кунларга осонлик билан эришилмаганини тушуниб, англаб етиши зарурлигини<sup>1</sup> доимо таъкидлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорида ҳам "тарихан қисқа даврда мамлакатимизнинг ўтган аср охирида кескин ижтимоий муаммолар гирдобига тушиб қолган, аҳолининг ҳаёт даражаси бўйича собиқ СССРда энг охириги ўринлардан бирини эгаллаган, пахта яккаҳоқимлиги ҳалокатли тус олган, иқтисодиёти бир ёқлама ривожланган, қолоқ аграр республикадан бугунги кунда саноати тез суръатлар билан ўсиб, иқтисодий қудрати ва салоҳияти юксалиб бораётган замонавий давлатга айланганини очиб бериш"<sup>2</sup> масаласига алоҳида урғу берилди.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистоннинг янги тарихини чуқур ўрганиш, бу борадаги илмий тадқиқотларни, таълим-тарбия ҳамда маънавий-маърифий фаолиятнинг бутун тизимини янада юқори босқичга кўтариш муҳим аҳамиятга эга. Бу тарих фани олдида турган энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Янги тарихни ўрганишда яна бир муҳим омил борки, у бугунги кун бутун жаҳон тадқиқотлари тизимида устувор ўринни эгаллаб келмоқда. Бу "тарихдаги Инсон" мавзусини тадқиқ қилиш, бошқача айтганда, шахенинг, тарихий сиймонинг ҳамда оддий инсоннинг уни ўраб турган дунёдаги ролини ўрганишдир. Бу ҳам илмий, ҳам сиёсий маънога эга эканлиги, давлатимиз раҳбари кўп таъкидлаб ўтганидек, инсон - барча нарса ва қадриятларнинг бош мезони экани

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Инсон хотираси - боқий, қадр-қиммати - улуг. // "Халқ сўзи" газетаси, 2012 йил 10 май.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарори // "Халқ сўзи" газетаси, 2014 йил 2 июль.



билан боғлиқ. Биз муаммонинг айнан мана шу жиҳатини - ижтимоий муносабатлар тизимида инсон масаласини ўрганишимиз даркор. Энг муҳим вазифа, энг янги тарихни методологик ва илмий асосга таянган ҳолда тадқиқ этишдан иборат. Биз методологик асосни чуқур англаб етсак, тарихни сиёсийлаштириш, қалбакилаштириш ва бузиб кўрсатиш каби салбий ҳолатларнинг олдини олган бўламиз.

Истиқлол йиллари мобайнида Ўзбекистонда тарих фани ҳам муайян ўзгаришларга юз тутди. Совет мафкураси тўлалигича ва қатъиян рад этилиб, кўп омилли методологик ёндашувларга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу бир вақтнинг ўзида цивилизациялар назарияси, Макс Вебер назариясини англаб етиш, Арнольд Тойнбининг цивилизацияга оид услубларини ўзлаштиришдан иборат.<sup>3</sup> Шунингдек, миллий истиқлол ғоясига асосланган янги методологик ёндашувлар пайдо бўлди, илм-фаннинг муаммоли соҳаларига шу кунгача ўрганилмаган мавзулар кириб келди, кўплаб тарихий воқеаларга янгича изоҳлар берилди бошланди, янги-ча таълим стандартлари, дастурлар, дарслик ва методик қўлланмалар ишлаб чиқилди. Лекин, шунга қарамай, ҳали қилиниши лозим бўлган ишлар жуда кўп. Ўтган чорак аср мобайнида Ўзбекистон тарихидаги воқеалар кўлами ва ўсиш суръати фан ва таълим олдига уларни тизимли равишда ўрганиш вазифасини қўймоқда. Бу, бир жиҳатдан, мамлакатимиз кейинги 22 йил давомида иқтисодий-сиёсий, ижтимоий, маданий-маънавий соҳаларда эришган улкан ютуқлар етарли даражада ёритилмагани билан шарҳланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 27 январдаги "Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик кенгашини тузиш тўғрисида"ги Қарорининг қабул қилиниши энг янги тарихимизни тизимли ўрганиш нақадар муҳимлигидан далолат беради. Маз-

<sup>3</sup> Toynbee Arnold Joseph. A Study of history. Vol. 1: Abridgement of Volumes I-VI Oxford University Press 1987; Вебер М. Исследования по методологии наук. Ч. I. М., 1980.

кур Қарорда Ўзбекистоннинг энг янги тарихини тизимли равишда тарихийлик ва холислик принципларига асосланган ҳолда ўрганишни ташкил этиш, шунингдек, у тарихий-маданий меросга эга бўлган ва жаҳон цивилизациясининг ривожига улкан ҳисса қўшган ўзбек халқининг тарихий ўтмиши ва бугунги кунига баҳо беришда бир ёқлама ёндашувларга йўл қўймасликка йўналтирилган бўлиб, ҳужжатда Ўзбекистон илмий жамоатчилиги олдига ўқув, илмий, ўқув-методик адабиётларни тайёрлаш ва янги авлод нашрларини чоп этиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш, уларда Ўзбекистоннинг энг янги тарихини умумжаҳон ва минтақавий жараёнлар билан, аynи вақтда, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида шаклланган халқлар ва давлатлар цивилизациясининг тарихий-маданий мероси билан узвий боғлиқ ҳолда кўриб чиқишни таъминлаш каби вазифалар белгилаб берилган.

Ўзбекистоннинг янги тарихи мустақилликни қўлга кiritиш ва Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш тарихидир. Шу боисдан, бу тарихнинг бошланиш нуқтаси сифатида совет тоталитар тузумининг сўнгги ўн йиллиги даврида Ўзбекистон учун ўта хавfli воқеаларга бой бўлган 1989 йилни кўрсатиш мумкин. Ушбу воқеалар негизида эса инқирозга юз тутган маъмурий-бўйруқбозлик тизими, республикаларнинг миллий, иқтисодий, ижтимоий манфаатларини инobatга олмаслик сиёсати ва пахта яккаҳокимлиги оқибатида ижтимоий-иқтисодий ва экологик аҳволнинг, инсонлар ҳаёт даражасининг фожиали ёмонлашуви ётар эди. Ўзбекистон тарихининг энг мураккаб даврида сиёсат майдонига келган Ислom Каримовнинг жасорати, саъй-ҳаракатлари натижаси ўларoқ, республика манфаатлари қатъият билан ҳимоя қилинди, мамлакатни сиёсий ва иқтисодий парокандаликдан, ички ва ташқи низолардан сақлаб қолишга эришилди. Натижада 1991 йилда Ўзбекистон мустақил давлат деб эълон қилинди. Бу ўзбек халқи ва давлатчилиги ривожланишида янги, ҳал қилувчи нуқта бўлиб қолади.

Иккинчидан, Ўзбекистоннинг суверен давлат сифатида-

ги энг янги тарихи инсоният тарихи ривожланишидаги янги босқичга тўғри келди. Бу босқичда биз янги даврга қадам қўймоқдамиз, кўз ўнгимизда жаҳонда бутунлай янги тартиб ўрнатилмоқда. Ўзбекистоннинг энг янги тарихи эса инсоният энг янги тарихининг ажралмас қисми сифатида замонавий дунёнинг глобал воқеалари билан чамбарчас боғлиқ.

Бундан ташқари, энг янги тарихни ўрганиш тарихчиларнинг янги авлоди пайдо бўлиши билан изоҳланади. Бу, ўз навбатида, замонавий назарияда муҳим ҳисобланган бир савол - тарихчининг жамиятга бераётган ўтмиш ҳақидаги билимларига нисбатан жавобгарлиги масаласини юзага чиқаради. Ва ниҳоят, энг янги тарих - унинг замондошлари тарихи. Биз барчамиз - Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ушбу тарихнинг бевосита гувоҳлари ва ижодкорларимиз.

Умумлаштирган ҳолда айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йилларида босиб ўтган йўлининг мазмун-моҳиятини объектив баҳолаган ҳолда, Ўзбекистоннинг янги тарихини қуйидаги босқичларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ:

**1989-1991 йилларни қамраб олган биринчи босқич.** "Мустақилликка эришиш арафасида мамлакатимиз кескин ижтимоий муаммолар гирдобида қолиб кетган таҳликали бир пайтда мавжуд вазиятнинг ижобий томонга ўзгартирилиши"<sup>4</sup>, янги авлодга мансуб сиёсатчи Ислом Каримовнинг республика раҳбари лавозимида келиши, Ўзбекистонда мустақиллик ғояларининг пишиб етилиши, давлат мустақиллиги тарихий тасодиф таъсирида эмас, балки республикада юзага келган зиддиятли ва мураккаб вазиятдан чиқиш йўл-йўриқларини қидириш ҳамда собиқ Иттифоқ раҳбариятининг Ўзбекистон етакчиси Ислом Каримов сиёсатида қарши қаратилган фитналарининг олдини олиш йўлидаги курашлар билан характерланади. Мазкур йилларнинг алоҳида давр сифатида эътироф этилишида Президентимизнинг "Ўзбекистон мус-

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарори// "Халқ сўзи" газетаси, 2013 йил 15 июнь.



тақилликка эришиш остонасида" асаридаги хронологик ёндашув<sup>5</sup> концептуал асос бўлиб хизмат қилади.

**Иккинчи босқич – 1991 йилдан 2000 йилга қадар бўлган даврни ўз ичига олади.** Бу даврда миллий давлатчилик асослари ва ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилган ўтиш даврининг дастлабки ислохотлар жараёнига илк қадамлар қўйилди.

Шу даврдан бошлаб, бир неча авлод даврида шаклланиб келган ва одамлар онгига сингиб кетган коммунистик мафкура ақидасидан воз кечилиб, Президент Ислам Каримов томонидан илгари сурилган Миллий истиқлол ғоясининг асослари шаклланди. Бунинг таъсирида демократик қадриятларнинг ҳаётдаги ўрнини мустақамлаш имконияти туғилди, мамлакатни жаҳон ҳамжамиятига интеграциясиз тасаввур қила олмайдиган янги авлод вакиллари майдонга чиқди. Бу мамлакатда туб сиёсий, иқтисодий, маънавий-руҳий ўзгаришларнинг босқичма-босқич амалга оширилишида муҳим омил бўлди.

"Ўзбек модели"нинг ҳаётга жорий этилиши натижасида тарихан қисқа давр ичида маъмурий-буйруқбозликка асосланган эски совет тизими ўрнига миллий давлатчилик асосларини юзага келтиришга қаратилган ҳуқуқий база яратилди. Янги давлат бошқарув тизими - қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ташкил этилди ҳамда фуқаролик жамияти асослари яратилди, эркин бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни бошланди. Бу даврда мамлакат мустақиллигини мустақамлаш билан бир қаторда, миллий урф-одатлар, анъана ва қадриятларни сақлаш ҳамда тараққий эттириш масалалари давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

**2000-2010 йилларни қамраб олган учинчи босқичда** мамлакатда демократик янгиланиш ва модернизациялаш жараёнлари амалга оширилди. Ушбу босқичнинг асосий вазифаси сифатида ўтиш даврининг объектив эҳтиёжи ҳамда миллий давлатчилик асосларини мустақамлашга қаратилган кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамиятига босқичма-босқич ўтиш вазифаси кун тартибига қўйилди. Натижада,

---

<sup>5</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. -Т.: Ўзбекистон, 2011.



мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётида демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнлари чуқурлашди, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилувчи мустақил суд тизими мустаҳкамланди, фуқаролик жамияти асослари ривожланди, фуқароларнинг иқтисодий ва сиёсий фаоллиги ортиб борди.

Шу билан бирга, Президент Ислам Каримовнинг "... эришилган бундай марралар - барқарор ривожланиб бораётган иқтисодиётга асосланган, очиқ демократик ҳуқуқий давлат қуриш, инсон, унинг манфаати, ҳуқуқ ва эркинликлари сўзда эмас, амалда олий қадрият даражасига кўтарилган, жаҳон миқёсида обрў-эътибор қозонган жамият барпо этиш борасида биз ўз олдимизга қўйган юксак мақсадга қаратилган узоқ ва мураккаб йўлнинг бир қисми, холос"<sup>6</sup>, деган фикрлари юқоридаги мулоҳазаларимизни тасдиқлайди.

Демак, мустақил давлатимиз **2010 йилдан бошлаб янги - тўртинчи босқичга қадам қўйди.** Ушбу босқич демократик ислоҳотлар ва мамлакатни модернизациялаш жараёнини янада чуқурлаштириш босқичи ҳисобланади.

Бу даврда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизими, ахборотлаштириш соҳасини ислоҳ этиш, сўз эркинлигини таъминлаш, сайлов қонунчилигини такомиллаштириш, иқтисодиётни янада либераллаштириш мақсадида демократик бозор ислоҳотларини чуқурлаштиришга қаратилганлиги билан характерланади.

Ўзбекистоннинг энг янги тарихини билиш шу мамлакат ҳар бир фуқароси, шунингдек, ҳар бир соҳа мутахассиси учун жаҳон тарихи тизимида Ватанимиз тарихининг XX аср охири ва XXI аср бошларидаги муҳим воқеаларини, давлатимиз тараққиётининг ўта муҳим йўналишларини билиш ва теран англаб етишга, янги стратегик даврда Ўзбекистоннинг замонавий дунёдаги ўрни ва роли ҳамда давлатимиз раҳбари олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатнинг устувор вазифалари ҳақида тасаввур ҳосил қилишга кўмаклашиши лозим.

---

<sup>6</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси. 19-ж. - Т.: Ўзбекистон, 2011. Б-39.

Ўзбекистоннинг янги тарихи бўйича илмий адабиётлар яратиш долзарблигининг яна бир жиҳати шундан иборатки, глобаллашув шароитида Ўзбекистон ёшлари турли мафкураравий оқимлар таъсирига тушиб қолиши мумкин. Бу мафкуралардан баъзилари мустақил Ўзбекистон ва унинг сиёсатини онгли равишда пароканда қилишга йўналтирилгани яхши маълум.

Шу боис, илмий ва ўқув фани сифатида Ўзбекистоннинг янги тарихи ўз ичига ахборот хавфсизлиги тизимининг бир қисми сифатида ана шундай куч ва оқимларга қарши тарғиботни олиши шарт. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг энг янги тарихи - конструктив тарихий хотира, ватанпарварлик ва фаол фуқаролик позициясини шакллантирувчи восита ҳамдир.

Тарих, ҳуқуқ, иқтисод ва фалсафа соҳалари мутахассислари томонидан тайёрланган ушбу монографияда хронологик ёндашув асосида, мустақил давлатчиликнинг тадрижий ривожланиши, ижтимоий ва иқтисодий тараққиёт, янгича ҳуқуқ тизимининг шаклланиши, ташқи сиёсат, миллий муносабатлар ва маданиятга оид масалалар батафсил ёритилган. Юртбошимиз Ислом Каримовнинг давлат раҳбари сифатидаги кенг қиррали фаолиятига алоҳида ўрин берилган.

Мустақил Ўзбекистон тарихини ўрганишга қаратилган мазкур китоб Президент Ислом Каримов асарлари, давлатимиз ва ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, архив материаллари, мавзуга доир чет эл ва маҳаллий тадқиқот натижалари илмий-қийёсий таҳлиллар асосида қуйидаги муаллифлар томонидан тайёрланди: **Кириш** — т.ф.н. Сабилов А.; **I боб** - и.ф.н. Қобилов Ш., т.ф.н. Сабилов А., т.ф.д. Юнусова Х., и.ф.н. Толипова Н., т.ф.н. С.Тиллабоев; **II боб** - ю.ф.д. Исмоилов Б., ю.ф.д. Р.Рўзиев, т.ф.д. Х.Юнусова, ю.ф.н. Зулфиқоров Ш., ю.ф.н. Мухамедов Х., т.ф.н. Тиллабоев С.; **III боб** - ю.ф.д. Одилқориев Х., ю.ф.н. Миракулов М., ю.ф.н. Беков И., ю.ф.н. Ҳайитов Х., ю.ф.д. Аҳроров Б., ю.ф.д. Муҳитдинова Ф., ю.ф.д. Исламходжаев Х., ю.ф.н. Исмаилова Г., ю.ф.д. Маликова Г., ю.ф.д. Муҳаммаджонов О., ю.ф.н. Тультеев И., ю.ф.д. Саттаров А., с.ф.д. Алимов Р., Қодиров Қ., Иноятов И., Норбоев А., ф.ф.н. Дўстмуҳаммедов Х., Мелибоев А., ю.ф.д. Рўзиев Р., т.ф.н. Тиллабо-

ев С., т.ф.д. Агзамхўжаев С., т.ф.д. Бобожонова Д., т.ф.н. Исоқов Б., т.ф.н. Жураева Н.; **IV боб** - и.ф.д. Содиқов А., и.ф.н. Додиев Ф., и.ф.н. Муинов Ж., и.ф.н. Федяшева Г., Муҳитдинов З., т.ф.н. Раҳматуллаев Ш., и.ф.д. Аликориев О., и.ф.н. Саидахмедов Х., Гофуров У., т.ф.н. Тиллабоев С., и.ф.д. Мурадов Ч., и.ф.н. Соатова Х., и.ф.н. Батурина В., и.ф.н. Каримова С.; **V боб** - и.ф.н. Зокиров С., и.ф.н. Жунайдуллаев Д., т.ф.н. Тиллабоев С., Садриддинов И., т.ф.н. Жаҳонгиров Б., и.ф.д. Ахмедов Т., и.ф.н. Толипова Н., ю.ф.д. Холмуминов Ж., т.ф.н. Давлетов С.; **VI боб** - т.ф.д. Маврулов А., Мамажонов Д., с.ф.д. Эргашев И., Холов А., ю.ф.н. Нажимов М., ю.ф.н. Қодиров Э., т.ф.н. Тиллабоев С., ф.ф.н. Собирова М., т.ф.н. Абдуллаева З.; **VII боб** - т.ф.д. Нуриддинов Э., т.ф.д. Фармонов Р., ю.ф.д. Исламходжаев Х.С., т.ф.н. Тиллабоев С., Йигиталиев Ш.; **VIII боб** - Мелибоев А.

## **I боб. Ўзбекистон мустақилликка эришиш арафасида**

### **1.1. Президент Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" китоби - Ўзбекистоннинг энг янги тарихини ўрганишда муҳим методологик манба**

Мустақил Ўзбекистон халқи ўз олдига эзгу мақсадлар қўйиб, куч ва имкониятларига таяниб, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида улкан натижаларни қўлга киритмоқда. 2011 йилда Президентимиз Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида"<sup>1</sup> китобининг нашр этилиши мамлакатимизнинг сиёсий-ижтимоий, маданий-маънавий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Мустақилликка эришиш йўлида 1989-1991 йиллар мобайнида олиб борилган машаққатли курашлар ушбу китобнинг бош мавзусини ташкил этди.

Назарий ва амалий жиҳатдан катта тайёргарликни, улкан сиёсий тафаккур ва донишмандликни, бой ҳаётий билим ва тажрибани талаб қиладиган бундай мураккаб мавзунинг айнан истиқлолимиз меъмори, мустақил давлатимиз асосчиси, ўша пайтда юз берган ижтимоий жараёнларнинг марказида турган, уларнинг барчасини ўз юрагидан ўтказган инсон – Юртбошимиз Ислом Каримов томонидан ноёб тарихий ҳужжатлар ва теран таҳлил асосида ёритиб берилиши мамлакатимиз жамоатчилигининг ушбу китобга бўлган қизиқиш ва эътиборини янада оширмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг ушбу китобдан ўрин олган маъруза ва нутқлари, биринчи навбатда, ҳар томонлама чуқур ҳаётий ва мантиқий асосга эга экани, таҳлилий руҳи,

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. - Т.: Ўзбекистон. 2011.



муаллифнинг юксак интеллектуал салоҳияти, ҳар қандай шароитда ҳам Ўзбекистон манфаатини қатъий туриб ҳимоя қилишга қаратилган принципиал позицияси, нотиклик маҳоратини ёрқин акс эттириши билан ҳам алоҳида ажралиб туради. Асарнинг бугунлай бирламчи, асл манбалар асосида ёзилгани унинг тарихий ва илмий қийматини янада оширади.

Таъкидлаш керакки, "Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида" китобида истиқлол арафасида республикамизда ҳукм сурган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий вазият, халқимиз бошидан кечирган таҳликали воқеалар, ўша даврнинг сиёсий манзарасини тўлиқ акс эттирадиган чуқур таҳлиллар, яқин ва узоқ истиқболни кўзлаб илгари сурилган муҳим стратегик қарашлар, концептуал ёндашув ва хулосалар атрофлича баён этилади. Уларнинг барчасини мустақиллик гоёси бирлаштириб туради. Шунинг учун ҳам ушбу китоб халқимиз томонидан яхлит асар сифатида катта қизиқиш билан ўқилмоқда.

Чет эл оммавий ахборот воситалари Президентимиз Ислом Каримовнинг мазкур китобида билдирилган илмий қоида ва хулосаларни миллий мустақиллик назариясининг ажралмас қисми деб эътироф этишмоқда.

Ўша йиллардаги воқеа-ҳодисаларни ўз кўзи билан кўрган, уларга гувоҳ бўлган одамларнинг сафи бугунги кунда тобора камайиб бораётганини, униб-ўсиб келаётган ёш авлод эса бу тарихдан етарли даражада хабардор эмаслигини инобатга оладиган бўлсак, ушбу асар ўша суронли йилларнинг энг ишончли ҳужжати сифатида халқимизнинг истиқлол йўлидаги интилиш ва курашларини бор мураккаблиги билан намоён этиши аён бўлади.

Мухтасар айтганда, сиёсий-иқтисодий, гоёвий-мафкуравий, тарихий-маънавий тафаккур ва таҳлил усулларини ўзида мужассам этган кенг қамровли мазкур асар халқимиз ҳаётининг вақт ўтиши билан унутилиб, йўқолиб кетиши мумкин бўлган саҳифаларини тиклаб, истиқлол даври тарихимизни ҳаққоний асосда яратиш, бугунги ва келгуси авлодларнинг уни ҳар томонлама ўрганиб, англаб етишлари учун мустаҳкам замин яратади. Шу маънода, бу китоб ўтмиш ва келажак, аждодлар ва авлодлар ўртасидаги ворисийлик ришталарини кучайтиришда бебаҳо манба бўлиб хизмат қилади.

Китобдан жой олган материаллар билан танишар экансиз, собиқ Марказдаги империяпараст кучлар, мустабид тузумнинг шафқатсиз қатагон аппарати Ўзбекистон ва унинг янги раҳбарига нисбатан турли зуғум ва тазйиқларни тинимсиз кучайтириб борганини, "пахта иши", "ўзбеклар иши" деган сиёсий кампаниялар пайтида қизил империянинг марказий матбуоти эл-юртимиз шаънини таҳқирлаб, унинг бошига "қўшиб ёзиш", "юлғичлик", "кўзбўямачилик", "боқимандалик" каби туҳмат ва маломатларни ёғдирганини аниқ тасаввур этасиз. Китобхон шундай таҳликали пайтларда халқ дарадига дармон бўлиш ўрнига собиқ Марказнинг ноғорасига ўйнаган, мустақиллик ғоясини ниқоб қилиб, аслида ана шу муқаддас интилишга қарши чиққан баъзи кимсалар, дунёвий ва диний кўринишдаги радикал сиёсий гуруҳ ва оқимларга қарши Ислом Каримовнинг қандай катта жасорат, сиёсий вазминлик билан кураш олиб борганини, эл-юртимизга суяниб, унинг қалбига йўл топиб, вазиятни ўнглаш, юртимизни ҳалокатли инқироз гирдобидан олиб чиқиш, истиқлол сари бошлаш бўйича қатъий чора-тадбирлар, чуқур ислохотларни амалга оширганини ва ниҳоят 1991 йил 31 август куни Ўзбекистон мустақиллигини эълон қилганини ушбу китобнинг энг драматик, энг ҳаяжонли саҳифаларидан билиб олади.

2011 йилнинг август-сентябрь ойларида Ўзбекистон телевидениеси орқали намойиш этилган "Мустақиллик арафасида ёки шўроларнинг сўнгги талвасаси" ҳужжатли фильмида ҳам ана шу ҳақиқат яна бир бор очиб берилди.

Албатта, ўша пайтдаги пахта яккаҳоқимлиги, мустамлака тузумига хос, бир ёқлама ривожланган иқтисодиётнинг ҳалокатли оқибатлари, аввало, одамларнинг турмуш тарзида, энг муҳими, уларнинг жон бошига тўғри келадиган даромад даражасининг ўта пастлигида, томорқа ерларининг кескин камайиб боришида, миллатнинг саломатлиги ва генотипига салбий таъсирларнинг кучайишида, болалар ва оналар ўлимининг авж олишида, ўлкамизнинг экологик ночор ҳолати ва бошқа кўплаб масалаларда яққол намён бўлган эди. Лекин бу фожиаларнинг барчасини аниқ мисол ва рақамлар асосида, собиқ СССРдаги умумий кўрсаткич-

ларга қиёслаган ҳолда, мустабид империянинг баландпарвоз гоёлар билан ниқобланган мустамлака сиёсатининг аянчли натижалари сифатида ҳар томонлама чуқур таҳлил этиб, бутун моҳияти билан очиб берадиган китоб шу кунга қадар яратилмаган эди. Ижтимоий-сиёсий тафаккуримиз, тарихни англаш борасидаги изланишларимиздаги ана шу бўшлиқ, ниҳоят, мазкур фундаментал асар билан тўлдирилганини қайд этиш лозим.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг ушбу китоби билан яқиндан танишган ҳар бир инсон Юртбошимизнинг Ўзбекистон йўлбошчиси сифатида ўз мамлакати тақдирини дунё тақдири билан боғлиқ ҳолда ҳис қилганлиги ҳамда ўз давлати истиқболини жаҳон истиқболи билан уйғун ҳолда тасаввур этганлигини англайди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистоннинг ҳаётига дахлдор бўлган ҳар бир масалага комплекс ёндашиб, уларнинг ягона тўғри ва муқаррар ечими бу - мустақиллик ва фақат мустақиллик, деган мантиқий хулосага келади. Президентимиз Ислом Каримов бу фикрни собиқ Иттифоқнинг катта минбарларидан туриб баён этишдан чўчиб ҳам, тортиниб ҳам ўтирмаган давлат раҳбаридир. Жумладан, биз учун мустабид тузумнинг бутун даври давомида энг оғриқли нуқта бўлиб келган пахта хом ашёсини етиштириш ва халқимиз ўзининг машаққатли меҳнати учун муносиб ҳақ олиши, муносиб турмуш шароитига эга бўлиши ҳақидаги талабни собиқ Иттифоқ даврида дадил қўйиши Юртбошимизнинг маънавий жасорати эди.

Ушбу китоб билан танишган ўқувчиларда "Тадқиқот ва илмий ишларда ҳам учрамайдиган бундай далил ва рақамлар қаердан олинган, улар нимага, қандай манбаларга асосланган?" деган табиий савол туғилиши мумкин.

Маълумки, Юртбошимиз кўп йиллар давомида Давлат план (режа) комитетида масъул вазифаларда хизмат қилган, кейинчалик бу ташкилотнинг раиси, молия вазири, Министрлар Совети раисининг ўринбосари лавозимларида фаолият кўрсатган. Иш жараёнида минглаб расмий ҳужжатлар, жумладан, махсус статистик маълумотлардан фойдаланган.

Ислом Каримов республика раҳбари бўлиб сайланиши-



дан аввал - Давлат план комитетининг раиси бўлиб ишлаган вақтида мураккаб масалалар устида узоқ вақт давомли тарзда ишлаб, муҳим хулосани, яъни Ўзбекистон иқтисодиёти шу тариқа бир ёқлама ривожланишда давом этадиган бўлса, бу хатарли жараён охир-оқибатда ҳалокатли натижаларга олиб келиши муқаррар, деган чуқур илмий асосланган фикрни республика раҳбариятига ёзма равишда маълум қилади. Давлат ва халқ манфаатини ўйлаб, келажак ҳақида қайғуриб билдирилган бундай таклифга эътибор қаратиш ўрнига Марказ ва унинг республикадаги гуамашталари бундай мустақил ва дадил қарашлар билан чиққан раҳбарни пойтахтдан четлаштириб, уни Қашқадарё вилояти - ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан мураккаб аҳволда қолган минтақага раҳбар қилиб юборади. Бу — фикрлари теран, қарашлари асосли бўлган арбобнинг амалда пойтахтдан сургун қилиниши эди.

Тақдирнинг ана шундай қалтис ўйин ва синовларидан ўтган, қисқа давр ичида Қашқадарёдек катта вилоятдаги аҳволни тубдан ўзгартиришга эришган Ислом Каримовнинг Ўзбекистон раҳбари бўлиб сайланганининг эртасига, яъни 1989 йилнинг 24 июнь куни республика ҳукуматининг мажлисида "Биз бундан буён эскича яшолмаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймайди" деб, қатъий баёнот бериши унинг катта азму шижоат билан янги вазифага киришганидан далолат берар эди.

Республикамызда ўтган асрнинг 80-йиллари охири - 90-йилларнинг бошида вужудга келган ҳақиқий аҳволни инобатга оладиган бўлсак, "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" китоби истиқлол тарихимизнинг ҳозирга қадар атрофлича ёритилмаган саҳифаларини ҳар томонлама чуқур исботланган, рад этиб бўлмайдиган аниқ тарихий ҳужжатлар асосида тўлдириши билан, айниқса, эътиборлидир. Чунки ҳозирги вақтда турли уйдирмаларни усталик билан ишлатиб, бу бушлиқни гаразли мақсадда тўлдиришга, шу масалада кимларнингдир режа ва буюртмаларини бажаришга, бошимиздан кечирган тарихий воқеаларни бузиб талқин этишга уринаётган айрим кучларга ушбу асар ҳеч қандай имкон қолдирмайди. Зеро, Президентимиз Ислом Каримов



ибораси билан айтганда, "Миллатни асраш керак, миллатни асраш учун эса унинг ҳақиқий тарихини ўрганиш, авайлаб ҳимоя қилиш керак", "Ҳаққоний тарихни билмасдан туриб ўзликни англаш мумкин эмас"<sup>2</sup>.

## 1.2. Мустақиллик арафасидаги сиёсий вазият

XX асрнинг 80-йиллари охирида жамиятда ҳукмрон доиралардан норозилик кучайиб борди, халқ назарида обрўсизланиб бўлган бошқарув тузилмаларини, энг аввало, бутун шўро сиёсий тизимининг ядроси бўлган коммунистик партияди янгилаш эҳтиёжи сезилмоқда эди. Ўша даврдаги вазиятга Юртбошимиз Ислоҳ Каримов шундай баҳо беради: "Ижтимоий-сиёсий соҳада рўй бераётган жараёнлар ҳаммани ташвишга солмоқда. Қайта қуриш туфайли юзага келган демократия ва ошкоралик анархия ва сафсатабозликдан етарлича ҳимоя қилинган эмас... Интизом ва тартиб кўнгилдагидек эмас, жиноятчилик кўпаймоқда, одамларнинг шахсий ҳавфсизлиги, ҳуқуқлари ва қадр-қиммати кафолатлари бузилмоқда"<sup>3</sup>. Ана шундай шароитда юқори ҳўжалик вазифаларида ишлаб келган Ислоҳ Каримовнинг, сиёсий экспертлар таъбири билан айтганда, "соғлом технократизми ва прагматизми" уни ўша вақтда қабул қилинган кўпгина таомилларни четлаб, партия пирамидасининг чўққисига кўтарди.

1989 йил 23 июнда Ислоҳ Каримов Қашқадарёдан Тошкентга Ўзбекистон Компартияси Марказқўмининг биринчи котиби сифатида қайтиб келади. Қарийб уч йил давомида Ислоҳ Каримов мазкур вилоятда обрў-эътибор ва ишонч қозонган. Республиканинг ўша вақтдаги партия раҳбарияти нуноқ сиёсат юритгани туфайли Ўзбекистон фуқаролар уруши ёқасига келиб қолган эди. Ислоҳ Каримов қисқа муддат ичида республикадаги портлаш ҳавфи бўлган вазиятни ўнглаши, юзага келаётган фалокатдан у сақлаб қолиши керак эди.

Давлатимиз раҳбари ўз интервьюларидан бирида Ўзбекистон раҳбари этиб тайинланишини қуйидагича ҳикоя қила-

<sup>2</sup> Батафсил қаранг: Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-ж. - Т.: Ўзбекистон, 1999. - Б. 301.

<sup>3</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. - Т.: Ўзбекистон, 2011. - Б. 163.

ди: "Мен қандай қилиб Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиби бўлганман? 1989 йил июнь ойи эди. Даҳшатли кунлар эди. Қирғинлар, ёнғинлар, Фаргона, Қўқон, Қувасой, Гулистон, Паркент, Бука. Гуё портлаш юз бериб, буғ қозонининг қопқоғини улоқтириб ташлаганга ўхшайди. Хўрлик йилларида тўпланиб қолган алам тўлқинлари бутун республикани қамраб олди. Бошлиқлар вазиятни бошқара олмай қолди.

Мана шу бебошликларнинг ҳаммасига барҳам бера оладиган, республикани жар ёқасидан қайтара оладиган одамни кидиришмоқда эди. Изланишлар натижасида менинг номзодимга тўхталишди. Албатта, зиммамга нақадар катта масъулият олаётганимни тушунар эдим. Менинг карьерам эмас, балки ҳаётимнинг ўзи гаровга қўйилаётганини тушунар эдим. Шунчаки чиройли гап деб ўйламанг-у, аммо халқ мени тушунишига ва қўллаб-қувватлашига ишонардим. Ана шу нарса менга куч берди"<sup>4</sup>.

1989 йил 23 июнда Ўзбекистон Компартияси Марказқўмининг Пленуми бўлиб ўтди. Пленум Ислом Каримовни Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиби этиб сайлади.

Шу вақтдан Ислом Каримов бошчилигида ўзбек халқининг кадр-қимматини тиклаш ва уни ҳимоя қилиш ишлари бошланди. Ислом Каримовнинг республика раҳбарлигига келиши ва фаолиятининг бошланиши ҳам мустақиллик йўлида қўйилган илк дадил қадам эди.

Янги раҳбар танг вазиятни барқарорлаштиришга улкан ҳисса қўшди. Марказдан юборилган "кадрлар десанти" ўз обрўсини йўқотган эди, уларнинг "намоёндалари В.П. Анишев, В.И.Огарек, Б.Д. Сатин ва бошқа "казо-казолар" республикадан чиқариб юборилди.

Кадрлар сиёсатида жиддий ижобий ўзгаришлар юз берди, бу масалаларни ҳал этишда республика раҳбарияти ташаббусни ўз қўлига олди. Маҳаллий кадрларга бўлган талаб ва эътибор кучайтирилди. Кадрлар сиёсатида Марказ томонидан белгиланган ходимларни раҳбар этиб тайинлашга чек қўйил-

---

<sup>4</sup> Гафарли М. С., Касаев А. И. Ривожланишнинг ўзбек модели: тинчлик ва барқарорлик - тараққиёт асоси. - Т.: Ўзбекистон, 2001. - Б.12.

ди. Ислом Каримовнинг ташаббуси билан сиёсий мутеликдан қугулиш томон қадам қўйилди. Ўша даврда бундай ҳаракат улкан жасорат, "бошни кундага қўйиш"дек қаҳрамонлик эди<sup>5</sup>.

Таъкидлаш жоизки, Ислом Каримовнинг республика раҳбари этиб сайланиши мамлакатнинг жуда оғир - ижтимоий-иқтисодий ҳалоқат ёқасига келиб қолган даврига тўғри келди. Бу ҳақда Л. Левитин шундай ёзади: "Ислом Каримов ҳокимият бошқарувини қўлга олган пайтда Ўзбекистон ҳалоқат ёқасига келиб қолган эди. Энди ҳеч ким фожиали воқеалар оқимини ортга қайтара олмайдиганга ўхшарди. У ҳокимият тепасига мамлакатни балоқазолардан сақлаб қолувчи киши сифатида келди"<sup>6</sup>.

Ислом Каримов ўз раҳбарлик фаолиятининг дастлабки кунларидан мамлакатда, миллати ва динидан қатъи назар, одамлар Ўзбекистонни ўз Ватаним деб ҳисоблашларига нафақат даъват этди, балки бунинг учун шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор қаратди.

Ўзбекистоннинг турли минтақаларида вужудга келган этник низолар ва ижтимоий танглик ўчоқлари шахсан Президент Ислом Каримов иштирокида бартараф этилди. Унинг бошбошдоқлик жараёнларида қўрқмасдан, тез, қатъият билан дадил ҳаракат қилган ва республикада ижтимоий-сиёсий вазиятни издан чиқараётган носоғлом кучлар таъсирига қисқа муддатда барҳам беришга муваффақ бўлган етакчи эканлигини нафақат МДХ мамлакатлари раҳбарлари, балки чет эл экспертлари ҳам эътироф этдилар<sup>7</sup>.

### **1.3. Мустақиллик арафасида Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи**

Мустақилликка қадар давлатимиз раҳбари энг аввал Ўзбекистоннинг ҳаётига халақит бераётган хато ва камчиликларни аниқлаб олишга эътибор қаратди. Криминоген вазиятни кескинлаштиришга сабаб бўлаётган ижтимоий-иқти-

---

<sup>5</sup> Қаранг: Жураев Н. Агар оғоҳ сен.. Портретга чизгилар. Сиёсий эссе. - Т.: Ёзувчи, 1998. - Б. 17.

<sup>6</sup> Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. - Т.: 2001. - Б. 36.

<sup>7</sup> Қаранг: Шарифхўжаев М. Истиқлол истиқболлари. -Т.: Ўзбекистон, 1994. - Б. 66.



содий аҳволни тузатиш йўлида амалий ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш вазифасини кун тартибига қўйди. Чунки Ўзбекистон барча асосий ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича собиқ Иттифоқдаги ўртача даражадан анча орқада бўлиб, охириги ўринлардан бирини эгаллар эди.

Марказ босим ўтказаётган таҳликали шароитда ўша даврнинг оғир ва аянчли ижтимоий-сиёсий, иқтисодий манзарасига тўғри ва холис баҳо берган инсон Ислоҳ Каримов бўлди. Шу ўринда Президентнинг 1990 йил 4 июнда бўлиб ўтган Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездида сўзлаган нутқидан парча келтириш мақсадга мувофиқ.

"Шу нарса шак-шубҳасиз ва очиқ-ойдиндирки, - дейди Ислоҳ Каримов, - республика барча асосий иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар бўйича Иттифоқдаги ўртача даражадан ҳам анча орқада бўлиб, мамлакатда охириги ўринлардан бирида турибди. Биз бу рақамларни илгари ҳам неча марталаб айтганмиз, аммо бугун уларни яна бир бор идрок этмоқ керак. Ўзбекистон ҳар киши бошига ялпи ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича мамлакатда 12-ўринда турибди, аҳоли жон бошига миллий даромад ишлаб чиқариш бўйича кўрсаткич эса Иттифоқдаги ўртача даражадан икки ҳисса паст.

Саноатдаги меҳнат унумдорлиги жиҳатидан республика мамлакатдан 40 фоиз, қишлоқ хўжалигидаги меҳнат унумдорлиги жиҳатидан эса икки баробар орқада қолмоқда. Республикада аҳоли жон бошига халқ истеъмолчи моллари ишлаб чиқариш ўртача Иттифоқ даражасининг атиги 40 фоизини ташкил этади. Биз даромад даражаси, асосий турдаги маҳсулотларни истеъмол қилиш жиҳатидан иттифоқдош республикалар орасида энг охириги ўринлардан бирида турибмиз.

Ўзбекистон аҳолиси ўрта ҳисобда гўшт маҳсулотларини, сут ва сут маҳсулотларини, тухумни, умуман, мамлакат аҳолисига нисбатан икки баробар кам истеъмол қилмоқда. Ойига ўрта ҳисобда 75 сўмдан камроқ ялпи даромад оладиган аҳолининг улуши СССРда 12 фоиздан сал кўпроқ бўлса, бизнинг республикамизда 45 фоизга боради. Бир миллионга яқин киши ижтимоий ишлаб чиқаришда ўзининг қўлидан келадиган ишни топа олмаяпти.

Ижтимоий инфраструктура тармоқлари: соғлиқни сақлаш, халқ таълими, мактабгача таълим муассасалари жуда оғир



аҳволга тушиб қолган. Мактаб ва касалхоналарнинг 60 фоизи нобон биноларда жойлаштирилганини айтишнинг ўзи кифоя. Жуда ўткир иқтисодий ва ижтимоий муаммолар рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Буни, аввало, шундан кўрса бўладики, инсоннинг ҳар томонлама уйғун камол топиши, унинг шахс сифатида маънавий ривожланиши у ёқда турсин, кўпинча яшаш учун керак бўлган энг оддий нарсалар ҳам етишмаяпти.

Бундай аҳвол вужудга келганининг боиси нимада?

Шу қадар катта бойликларга, ишлаб чиқариш ва фан-техника имкониятларига, қулай табиий-иқлим шароитларига эга бўлган республикамиз асосий иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар бўйича мамлакатда охириги ўринлардан бирига - ҳақли равишда инқироз ҳолати, деб аталган аҳволга тушиб қолганининг сабаби нимада?

Республиканинг тақдири, унинг келажаги учун қайғураётган, ёш авлод тақдири учун куюнаётган соғлом фикрли ҳар бир киши ҳозир ўзига ўзи шу саволни бермоқда.

Назаримда, бунинг жавоби шундай бўлмоғи керак: 30-йилларнинг бошларида иқтисодиётга раҳбарлик қилишнинг маъмуриятчилик, буйруқбозлик усуллари галаба қозониб, Ўзбекистонни, унинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришга яроқсиз ёндашувлар тобора қарор топиб борди. Хўш, бу иллатлар нималарда намоён бўлди? Аввало шундаки, бизнинг республикамиз, асосан, хом ашё базаси, саноат министрликлари ва идораларининг мўмай хом ашё манбаи деб ҳисобланар эди. Ўлканинг маҳаллий, ижтимоий-иқтисодий хусусиятларига баъзан етарлича, баъзан мутлақо баҳо берилмади, баъзан эса бу хусусиятлар писанд ҳам қилинмади. Иқтисодий ва ижтимоий соҳани комплекс, жадал ривожлантиришнинг, умумиттифоқ меҳнат тақсимотида Ўзбекистон ССРнинг мавқеи ва ўрнини ўзгартиришнинг муқобил йўллари эътиборга олинмади"<sup>8</sup>.

Юқоридаги маълумотларни асослаш учун давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" китоби асосида шакллантирилган ушбу жадвални келтириш жоиз.

---

<sup>8</sup> Кримова И. А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. - Т.: Ўзбекистон, 2011. - Б. 166-168.

**Собиқ Иттифоқдаги ўртача ҳаёт даражасига нисбатан  
Ўзбекистондаги аянчли ижтимоий-иқтисодий ҳолат**

№	Аҳоли жон бошига	
1	Ялпи ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш	12-урин
2	Миллий даромад ишлаб чиқариш	2 хисса паст
3	Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш	40 фоиз
4	Саноатдаги меҳнат унумдорлиги	40 фоиз
5	Қишлоқ хўжалигидаги меҳнат унумдорлиги	50 фоиз
6	Гушт, сут ва сут маҳсулотлари, тухум истеъмоли	50 фоиз
7	Ойига 75 сўмдан кам ялпи даромад оладиганлар улуши (45 фоиз аҳоли)	2 хисса кўп

**1989 йилда Ўзбекистон аҳолиси жон бошига истеъмо  
қилинган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари миқдори  
(1 кишига килограмм ҳисобида)<sup>9</sup>**

№	Маҳсулот турлари	СССР	ЎзССР
1	Гушт ва гушт маҳсулотлари	67	31
2	Сут ва сут маҳсулотлари	363	201
3	Тухум (дона)	268	119
4	Картошка	98	25
5	Сабзавот ва полиз маҳсулотлари	95	95
6	Мева ва резаворлар	41	27
7	Нон ва нон маҳсулотлари	129	167

<sup>9</sup> Батафсил маълумот учун қаранг: Қобилов Ш. Р. Мустақиллик ғойибдан келган эмас... - Т.: Ўқитувчи, 2012. — Б. 31.

Болтиқбўйи республикаларида ўша даврда йилига аҳоли жон бошига гўшт ва гўшт маҳсулотлари истеъмол қилиш 95 - 110 килограмми ташкил қилганлигини<sup>10</sup> ҳам мисол тариқасида келтириш мумкин.

Бундай ҳолни келтириб чиқарган асосий сабаб барча маҳсулотларни тақсимлашнинг ўта марказлашганлиги эди. Шу ерда бир ҳолат киши эътиборини ўзига жалб қилади. Ўзбекистон аҳоли жон бошига 64,4 килограмм мева ва резаворлар етиштирилгани ҳолда, унинг истеъмоли Иттифоқ бўйича 41 килограммга, Ўзбекистонда эса 27 килограммга тенг бўлган. Ўша даврда озиқ-овқат маҳсулотлари тақсимотидан келиб чиққан бундай номутаносиблик Ўзбекистон аҳолисининг ҳақли эътирозини келтириб чиқарган.

Мустақилликка қадар мамлакатимизда суғориладиган майдонларнинг каттагина қисми пахта билан банд бўлиб, мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотлари кам етиштирилиши натижасида аҳоли истеъмол қиладиган озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий қисмини дон ва дон маҳсулотлари ташкил этган.

Иқтисодчи мутахассислар йиллик эҳтиёжимизни ҳисоблаб чиқиб, 1992 йилда 5 миллион тонна ғалла кераклигини маълум қилганлар. Ўша йиллари Ўзбекистонга четдан йилига ўртача 3 миллион тоннага яқин буғдой келтирилган. Табиийки, бундай миқдордаги ғалла республикамиздан олиб кетилаётган пахта толаси ва уни қайта ишлашдан олинadиган маҳсулотлар эвазига берилган. Собиқ Иттифоқ таназзулга юз тутгач, ғаллани четдан ўзимиз сотиб олишимизга тўғри келди. Бунинг учун, биринчи навбатда, валюта керак эди. Баъзи ғалла сотувчи давлатлар ўз сиёсий манфаатларини орага тиқиштиришга уринарди. Қолаверса, сотиб олинган ғаллани юртимизга олиб келиш учун катта миқдорда йўл харажатлари ҳам талаб қилинар эди. Шу боис мустақилликнинг дастлабки йилларида маълум шарт ва каттагина

---

<sup>10</sup> Юсупов Э., Баҳриддинов А. Ҳолва деган билан... // «Ҳаёт ва иқтисод» журнали. 1991. №4. - Б. 18-21.



маблағ эвазига четдан, яъни Москвадан бериладиган нарядлар асосида Самара (Россия) ёки Украина, Қозоғистоннинг Актюбинск вилоятидан дон келтириш муаммосига барҳам бериш давлатимиз раҳбарини кўп ўйлантирар эди. Шундай даврлар бўлганки, юртимизга Канада ва АҚШдан ун сотиб олишга ҳам тўғри келган. Минг-минг тонна маҳсулот юк кемаларида океан орқали Болтиқбўйи денгиз портларига келтирилар, у ерда катта қийинчиликлар билан вагонларга юкланиб, Ўзбекистонга ташиб келтирилар эди.

Республикамиз учун ўша пайтлар нафақат иқтисодий, балки ижтимоий-сиёсий вазият ҳам чигаллашган давр бўлди, бу ижтимоий кескинликни кучайтириши мумкин эди. Мамлакат жуда катта озиқ-овқат муаммосига дуч келган, мураккаб вазият гирдобида қолган эди.

Шу ўринда Президент И.А. Каримовнинг куйидаги фикрларини келтириш ўринли: "...Жуда оғир аҳволга тушиб, нақд очарчилик остонасида турибмиз... Халқимизни, иқтисодиётимизни таъминлаш масаласида жуда катта хавф туғилди..."<sup>11</sup>.

Бу гаплар ортида Ватан, халқ тақдири ётарди.

Ана шундай мураккаб шароитда Ислом Каримов озиқ-овқат таъминотида узилишлар юз бермаслиги учун барча чоратадбирларни кўрди. Хориждан сотиб олинган ғалла мамлакатимизга етиб келиши учун маълум вақт талаб қилинар эди.

Вазият жуда қалтис, яъни мамлакатимиз ғалла заҳирасининг "таги" кўриниб қолган ана шу йилларда Президент Ислом Каримов ташаббуси ва раҳбарлигида мамлакат аҳолисини ўзимизда етиштирилган дон билан таъминлаш юзасидан махсус дастур ишлаб чиқилди. Унинг босқичма-босқич амалга оширила бошлаши натижасида бир қатор муаммолар ўз ечимини топди. Жумладан:

- аҳолини кафолатланган тарзда дон маҳсулотлари билан таъминлаш имконияти юзага келди;

---

<sup>11</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-ж. - Т.: Ўзбекистон, 1996. - Б. 3-4.

- деҳқонлар учун янги иш жойлари ва қўшимча даромад манбаи яратилди;

- пахта майдонларининг бир қисми қисқартирилиб, бу майдонларга галла экилиши ҳисобига экинларни алмашиб экиш ва тупроқ унумдорлигини сақлаб қолиш имконияти яратилди;

- галладан бўшаган ерларга такрорий экин экиш ҳисобига сабзавот етиштириш ҳажми кўпайди, бу ҳам деҳқонларга қўшимча даромад олиш имконини берди;

- четдан галла сотиб олиш учун сарфланадиган валюта тежаб қолинди;

- Ўзбекистон дон ва дон маҳсулотлари бўйича ўзга давлатларга қарамликдан қутулди ва уни экспорт қиладиган мамлакатга айланди;

- чорва молларининг озуқа базаси янада мустаҳкамланди.

Кези келганда, ўша вақтларда билдирилган баъзи фикр-мулоҳазаларни ҳам эслаш жоиз. Бир қатор иқтисодчи олимлар ва хорижий давлатлар вакиллари "Ўзбекистоннинг ўзида галла етиштириш шартми? Ундан кўра, кўпроқ пахта етиштириб, толани экспорт қилиш ҳисобига галлани арзон нархларда четдан сотиб олган маъқул эмасми? Ахир, пахта етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги юқори-ку", дея эътироз ҳам билдиришган эди. Аммо уларнинг даъволари асоссиз эканлигини ижтимоий ҳаётнинг ўзи кўрсатди, эндиликда мустақил юртимиз ўз галласига эга бўлди.

Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолиси дон ва дон маҳсулотлари билан барқарор таъминланган. Бунга эса дон мустақиллиги дастурини изчиллик билан босқичма-босқич амалга ошириш эвазига эришилди. Булар нималардан иборат эди? Аввало, деҳқонларимизни галла етиштиришдаги моддий манфаатдорлик юқори даражага қўйилганлиги ютуқларнинг боши омили бўлди.

Ўз вақтида Ислом Каримов томонидан қишлоқ хўжалиги соҳасини, қишлоқ тараққиётини мамлакатимиз ривожининг етакчи кучи сифатида давлат сиёсатининг устувор йўналиши даражасига кўтаришга алоҳида аҳамият берилганлиги

боис бугун давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирузи шароитида иқтисодиётимиз негизларини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлганлигини таъкидлаш зарур.

Маълумки, 1960-1990 йилларда мамлакатимизда ўткир ижтимоий муаммолар туфайли миллатимизнинг генофонди ёмонлашиб, айниқса, нимжон ва касалманд болалар сони ортиб кетгани халқимизда қаттиқ ташвиш уйғотар эди. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистоннинг кўплаб ҳаётий муҳим манфаатларига етказилган зиён ҳақида афсус ва надомат билан Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездида сўзлаган маърузасида қуйидагиларни баён этган эди: "Пахта яккаҳокимлиги, илмий асосланган алмашлаб экишлар бузилганлиги, ернинг тинка-мадори қуриб кетганлиги, сув манбаларининг имкониятлари тобора камайиб борганлиги қишлоқ хўжалигига ҳалокатли таъсир кўрсатди. Натижада озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш чеклаб қўйилди ва аҳолини шу маҳсулотлар билан таъминлаш муаммолари кескинлашди. Орол денгизининг фалокати Қорақалпоғистон жануби учун бориб турган экологик кулфат бўлди, энди Оролни қутқариб қолиш учун зудлик билан фавқулодда чора-тадбирлар кўрилиши керак"<sup>12</sup>.

«Қирқ йил мобайнида Орол денгизи акваторияси 7 барабар қисқарди, сув ҳажми 13 марта камайди, унинг минераллашуви эса ўнлаб баробар ошиб, денгизни тирик организмларнинг яшаши учун яроқсиз аҳволга келтирди. Натижада қарийб барча ҳайвонот ва наботот олами таназзулга учради ва йўқолди»<sup>13</sup>.

Қишлоқ хўжалигининг экстенсив ривожланиши натижасида кўплаб сув омборларининг қурилиши, умуман, сув исрофгарчилиги туфайли Амударё, Сирдарё ва Зарафшон

---

<sup>12</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. - Т.: Ўзбекистон, 2011. - Б. 172.

<sup>13</sup> Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг мезонидир. -Т.: Ўзбекистон, 2001. Б -15.



дарёларидан Орол денгизига қўйиладиган сув ниҳоятда каммайиб кетди. Оқибатда денгиз 1960 йилдаги ҳолатига нисбатан 1990 йилда 14,5 метрга пасайди, сувининг ҳажми 54 фоизга қисқарди<sup>14</sup>. Сув қирғоқдан 70-100 км.га чекинган жойларда бўронлар натижасида йилига 50-70 минг тоннагача туз атмосферага кўтарилгани кўзатилади<sup>15</sup>. Орол бўйида экологик аҳволнинг ёмонлашуви, жумладан, аҳолини ичимлик суви билан таъминлашнинг ёмонлашуви, сувдаги микробларнинг ошиши натижасида қишлоқ аҳолисининг 87 фоизи ҳар хил касалликларга чалингани аниқланган. Масалан, Қорақалпоғистонда ич терлама юқумли касаллиги билан оғриганлар собиқ Иттифоқ даражасидан 23 баробар кўп бўлганлиги<sup>16</sup> мустабид тузум, бошқарувнинг маъмурий бўйруқбозлик усуллари авжига чиқиб, шафқатсиз тус олганлиги натижасидир.

Инсон тақдири, унинг ҳаётига дахлдор бўлган, унинг муносиб турмуш шароитига эга бўлиш билан боғлиқ талаблар айнан Ислом Каримовнинг раҳбарлик фаолиятининг илк кунларидан қатъий қўйилди. Кремлнинг жазаваларига қарамисдан, ҳақиқий мустақилликка қаратилган йўлни мардонавор туриб ҳимоя қилди. КПСС МҚнинг 1989 йил сентябрида Москвада бўлиб ўтган пленумида Ислом Каримов дадиллик билан "Биз марказ билан республиканинг ҳуқуқлари ва вазифаларини белгилаб олиш ва чегаралашни қатъий ёқлаймиз, биз республика мустақиллигининг ҳар томонлама мустаҳкамланиши тарафдоримиз"<sup>17</sup> деганини Ўзбекистон тараққиётининг мустақил йўли тамойиллари ишлаб чиқиш борисидаги ташланган қатъий қадамнинг амалий ифодаси, деб айтиш шарт.

<sup>14</sup> «Ҳисёт ва иқтисод» журнали, 1991. №2. - Б. 56.

<sup>15</sup> Шалимов А. И. Экология: тревога нарастает. - Л., 1989. - С. 53.

<sup>16</sup> Судьба природы - наша судьба. - М., 1990. - С. 223.

<sup>17</sup> Тиринг шохидлиги ва сабоқлари.// Масъул муҳаррир Д.А. Алимова. - Т.: Ширк, 2001. - Б. 103.

#### 1.4. Мустақиллик арафасида "пахта иши" ва унинг оқибатларини бартараф этиш борасидаги ҳаракатлар

Ўзбекистонда "пахта иши" деган сохта кампания - қатъий сиёсати таъсирида ноҳақлик ва адолатсизлик авжига чиққан, партия, совет ва давлат идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятида айниш бошланган, турли бузғунчи кучлар, диний ниқобдаги радикал оқимлар бош кўтарган, бу ҳам етмаганидек, ҳукмрон собиқ Марказдаги иккиюзламачи матбуот томонидан халқимизнинг бошига ёғдирилган бўғтон ва тухматлар одамларимизнинг руҳи ва кайфиятини туширган, халқ ўртасида эртанги кун ишончига жиддий путур етган эди. Кўрқув ва ваҳима кенг тарқалган ўша пайтда Ислоҳ Каримов "ўзбеклар иши", "пахта иши" деган сохта айблов билан ноҳақ қамалган одамларнинг хонадонига бирма-бир кириб борди, қатъий ишонч билан: "Худо хоҳласа, ҳаммаси яхши бўлади, ўғлингиз, турмуш ўртоғингиз, отангиз ҳадемай бағрингизга қайтиб келади"<sup>18</sup> деб, руҳан эзилган инсонларга таскин берди. Халқимизга нисбатан катта ноҳақлик бўлаётганлигини баралла айтиб, тенгсиз жасорат билан курашди ва халқпарвар раҳбар деган ном қозонди. Юртбошимиз: "Бир эсланг, шўро замонида, 80-йилларда собиқ марказ "ўзбек иши", "пахта иши" деган уйдирмаларни баҳона қилиб, ўзбек миллати вакиллари бутун дунёга қандай кўрсатарди? Сочи тақир қилиб олинган, қалпоқ кийган, белини боғлаган, соқол қўйган одамларни, мана, буларнинг башараси, деб, пешонасига тамға қўйиб, матбуот орқали намойиш этарди. Бугун шуни эслашимиз ўринли, деб биламан"<sup>19</sup>, деган эди. Ислоҳ Каримов давлат раҳбари сифатида ўз фаолиятини сиёсий беқарорлик, бошбошдоқлик ва бедодлик авж олган, ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиё-

<sup>18</sup> Равшанов П. Қашқадарё: истиқлол арафасида. - Т.: Маънавият, 2003. - Б. 112-113.

<sup>19</sup> Каримов И. А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳам-жиҳатлигимиз ва қатъий иродаимизга боғлиқ. 12-ж. - Т.: Ўзбекистон, 2004. - Б.255.

сий вазият ўта қалтис ва оғир даврда бошлаганлигини, айниқса, бугун таъкидлаш ва эътироф этишимиз лозим.

Шу ўринда Президент Ислон Каримовнинг 2011 йил 30 ноябрь куни халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқидан иқтибос келтириш жоиз: "Бугун собиқ Иттифоқнинг айрим ҳудудларида СССР деган империяни қандайдир янги шаклда тиклашни хаёл қилиб юрган, яқин тарихимизда содир бўлган ижтимоий жараёнларни бутунлай ўзгартириб, керак бўлса, сохталаштириб, одамларни, айниқса, у замонларни кўрмаган-билмаган ёшларни алдаб, тўғри йўлдан чалғитишга ури-наётган кучлар, афсуски, ҳали ҳам йўқ эмас"<sup>20</sup>.

"Озодлик ҳавосидан тўйиб нафас олган, ўз тақдири ва келажагини ўз қўли билан қураётган халқимизни энди эски мафкурага, эски замонга ҳеч қачон қайтариб бўлмайди, бутун халқимиз, жумладан, Қашқадарё эли, бу воҳадаги навқирон ёшларнинг бугунги азму шижоати, орзу-интилишлари, келажакка бўлган мустаҳкам ишончи шундай деб айтишга тўла асос беради... Ана шундай даҳшатли қатағоннинг қандай кенг тус олганини, ўйлаймизки, қуйидаги рақамлар яққол кўрсатади. Биргина "пахта иши" бўйича вилоятда 3 мингдан зиёд одам ҳибсга олинган, фақат 1985 йилнинг уч ойида вилоят раҳбарининг 3 та муовини, 8 та бўлим мудири, шаҳар ва туман партия қўмиталарининг 26 нафар котиби, вилоят ижроия қўмитаси раиси, унинг 4 нафар ўринбосари, масъул котиби, шаҳар ва туман ижроқўмларининг 12 нафар раиси, вилоят миқёсидаги йирик ташкилотларнинг 27 та раҳбари, колхоз ва совхозларнинг 99 нафар раис ва директорлари, яна қанча-қанча оддий меҳнаткашлар, бегуноҳ инсонлар жиноий жавобгарликка тортилган эди. Вилоятнинг собиқ раҳбарларидан бири ўз жонига қасд қилган, иккинчиси эса қамоққа олинган эди. Ҳибсга олинган ҳар бир одамнинг ортида эса 20-30 тадан оила аъзолари, қарин-

---

<sup>20</sup> Президент Ислон Каримовнинг халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи. // «Халқ сўзи» газетиси, 2011 йил 1 декабрь.



дош-уруғлари, бирга ишлаган кишилар тун-у кун суроқ бериб, маъмурий идораларнинг эшигида сарсон бўлиб юрганини Қашқадарё аҳли ҳеч қачон унутмайди"<sup>21</sup>.

"Яқин ўтмишда бошимиздан кечирган ана шундай машъум кунларни эслар эканмиз, бугунги эркин ва озод ҳаётимизни асраш, унинг қадрига етиш, ҳозирги ўта нотинч ва таҳликали замонда доимо ҳушёр, огоҳ ва сергак бўлиб яшаш зарурлигини янада чуқур англаймиз"<sup>22</sup>.

### **1.5. Ижтимоий-иқтисодий аҳволнинг кескинлашуви оқибатида юзага келган Фарғона, Бўка, Паркент ва Наманган воқеалари**

1989 йилнинг май-июнь ойларида Фарғона вилоятида фожиали воқеалар рўй берди. Ўша йилнинг 20 май куни Қувасойда туб аҳоли билан шу ерда истиқомат қиладиган месхети турклари ўртасида тўқнашув содир бўлди (СССР давлат мудофаа комитетининг 1944 йил 31 июль қарори асосида Грузиядан депортация (қувғин) қилиниб, 1944 йил ноябрь ойида 30 минг месхети турклари Ўзбекистонга мажбуран кўчириб келинган). Республика раҳбарияти бу воқеаларни ўз вақтида тўғри баҳолай олмагани туфайли вазият янада кескинлашди. Ўша йилнинг июнь ойида Тошлоқ ва Марғилонда шундай тўқнашувлар юз бериб, кейинчалик Фарғонанинг жанубига кўчди. 8 июнь куни Қўқон шаҳрида тинч намоёнчилик собиқ Иттифоқ ИИВнинг ички қўшинлари томонидан ўққа тутилди. Оммавий тартибсизликлар оқибатида 103 нафар киши ҳалок бўлди<sup>23</sup>.

Фарғона воқеаларининг бир қанча сабаблари бор эди. Бу вилоят раҳбарияти, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар

---

<sup>21</sup> Президент И.А. Каримовнинг халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи. // «Халқ сўзи» газетаси, 2011 йил 1 декабрь.

<sup>22</sup> Ўша манба.

<sup>23</sup> Ўзбекистон тарихи. // Масъул муҳаррир Қ. Усмонов. - Т.: Ўқитувчи. 2005. - Б. 321.

ходимлари ташкилотчилик ишларида жиддий хатоларга йўл қўйганлари, ижтимоий-сиёсий вазиятга объектив баҳо бера олмаганлари ва ёшларни иш билан таъминлашнинг чоратадбирлари белгиламаганлари билан боғлиқ эди.

1989 йилнинг май ойида Фарғона вилоятида бузғунчи кучлар томонидан ташкил этилган оммавий тартибсизликлар июннинг охирига келиб, янада авж олиб кетди.

Кечагина республика раҳбари этиб сайланган Ислом Каримов ишга киришган куннинг эртасигаёқ, яъни 24 июнь куни Ўзбекистон ССР Министрлар Советида катта мажлис ўтказди ва унда нутқ сўзлади. Ушбу нутқ, моҳият-эътиборига кўра, Ислом Каримовнинг Ўзбекистон раҳбари сифатидаги биринчи нутқи эканлиги билан ҳам аҳамиятга эга. Ушбу чиқишда Ислом Каримовнинг сиёсий етакчига хос бирча фазилатлари яққол намоён бўлди.

Ислом Каримов 1989 йилнинг 25 июнь куни жанжал-тўполонлар алангаси ичида қолиб кетган Фарғонага йўл олади. Ловуллаб ёнаётган уйлар, таҳлика ва саросимага тушган, қўх-қўрқатилган одамларнинг ичига дадил кириб боради. Улар билан чин дилдан, ҳеч нарсани яширмасдан очиқ гаплашади. Бу инсонларнинг шу вақтга қадар ҳеч ким эшитмаган оҳу нодаларини тинглаб, юракдан чиққан самимий ва ҳаққоний сўзлари билан бамисоли уларнинг қалбидаги жароҳатларга малҳам қўйгандек бўлади, кўнгилларида яхши кунларга умид учкунларини уйғотади. Тартибсизликлар, қон тўкилишининг олдини олиш бўйича бутун масъулиятни ўз зиммасига олиб, аниқ чора-тадбирлар кўради.

Ислом Каримов лавозимга киришганига икки кун бўлар-бўлмас оғир муаммо билан тўқнашади - 1989 йил 25 июнда Фарғонада вазият кескинлашади. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси тўполон бўлаётган жойга десантчиларни ташлаш тўғрисида кўрсатма бергани боис, кўчаларда БТРлар турган, автоматчилар одамларни текшириб ўтказиб бораётган бир пайтда Ислом Каримов ўша ерга етиб боради. Бундай шароитда, аввало, одамларни тинчлантириш, бунинг учун улар кўнглига ваҳима солиб турган қуроли кучларни олиб кетиш зарурлигини тушунган Ислом Каримов десантчиларни жойига қайтариш ҳақида топшириқ беради. Шу кун хавфсизлик хизматининг қаттиқ қаршили-

гига қарамай, Қўқонга етиб келади. Йўл-йўлакай бир-икки жойда одамларнинг рўй бераётган воқеалар ҳақидаги фикрини ўрганади.

Натижада шу нарса аён бўладики, одамлар ҳеч кимга ва ҳеч нарсага - давлатга ҳам, адолатга ҳам ишонмай қўйган, ниҳоятда аламзада аҳволда эди. Шунда Ислом Каримов уларга: "Мен сизлар билан биргаман, муаммоларни биргаликда ҳал этамиз, лекин сизлардан илтимосим, фақат ҳамма жойда тинчлик, тартиб-қоида бўлиши керак", дейди.

Фаргона водийси вилоятларини иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш, минтақадаги ижтимоий муаммолар ҳақида очиқ-ойдин ва ошкора гапиради, мавжуд кескин аҳволдан чиқиш йўли сифатида аҳолининг турмушини яхшилаш, жумладан, одамларни иш билан, томорқа ва уй-жой учун ер участкалари, чорва моллари билан таъминлаш масалаларини биринчи бор амалий нуқтаи назардан кун тартибига жиддий қўйиб, тегишли вазирлик ва идоралар, вилоят ва туман раҳбарларига аниқ топшириқлар беради.

Ислом Каримовнинг бевосита ташаббуси билан фашизмга қарши уруш йилларида Ватанидан қувиб чиқарилган қатор халқларга ўз юртига қайтишларида ёрдам бериш тўғрисида Декларация қабул қилинди ва СССР Олий Кенгашига тақдим этилди. Айтиш мумкинки, ўз вақтида катта сиёсий ва тарихий аҳамиятга эга бўлган бундай ҳужжат (у қандай ҳал этилганидан қатъи назар) фақат Ўзбекистонда қабул қилинди<sup>24</sup>. Бу ҳаракат республика раҳбариятининг жонқуярлиги ва адолатпарварлигидан далолат берарди.

Давлатимиз раҳбарининг ўша даврдан то шу кунгача турли чиқишларида айтган, миллионлаб кишилар кўнглига ишонч, билагига куч бахш этган сўзлари, яъни "Ўзбекистонда миллатлар ўртасида қон тўкилмайди", "Фаргона воқеалари бошқа қайтарилмайди", дея берган ваъдаси унинг ҳам лафзи қатъий раҳбар, ҳам улкан шахс эканини намоён этди. Ҳаётда инсон учун оиласи, умр йўлдоши, фарзандлари, уй-жойи, мол-мулки, обрў-эътибори, соғлиғи қанчалар қадрли бўлса, шуларнинг барчасидан у миллатлараро жанжал, қон тўкиш-

<sup>24</sup> Қаранг: Жураев Н. Агар огоҳ сен. Портретга чизгилар. Сиёсий эссе. - Т.: Ёзувчи, 1998. - Б. 25.



лар сабаб айрилиб қолиши мумкин. Бу шунчаки гап эмас. Буни чуқур тушуниш, тинчликни сақлаш ишида раҳбарни ёлғизлатиб қўймаслик, унга елкадош бўла билиш керак.

Ўзбекистон - муқаддас диёр. Шундай бўлмаганда, халқимиз Ватан мустақиллигига эришмаган, Ислом Каримовдек буюк, иқтидорли давлат раҳбарига эга бўлмаган бўлар эди. Қисқа вақт ичида Ислом Каримов раҳбарлигида республикада миллатлараро тотувлик, миллий кадрлар тайёрлаш каби долзарб масалалар ҳал қилина бошланди. Фаргона воқеаларида маҳаллий идора раҳбарларининг халқдан ажралиб қолганлиги, воқеаларнинг асл моҳиятидан беҳабарлиги, халқнинг дарду ҳасратига бепарволиги, лоқайдлиги яққол намоён бўлди.

Шундан сўнг, мамлакат раҳбарияти томонидан пахта яккаҳоқимлигига барҳам берилди, пахтага тўланадиган ҳақ қайта кўриб чиқилди, кам таъминланган ва кўп болали оилаларга моддий ёрдам берила бошланди. Айниқса, шахсий ёрдамчи хўжаликларни кенгайтириш мақсадида 720 минг гектарга яқин унумдор ерлар деҳқонларга муддатсиз топширилиши<sup>25</sup> каби тадбирлар республикада сиёсий-ижтимоий кескинликнинг камайишига олиб келди. Бундан ташқари, республикамизда шу пайтдан бошлаб мустақил ривожланишнинг назарий ва амалий асосларини ишлаб чиқишга эътибор қаратилди.

Агар ўша йиллар тарихига эътибор берадиган бўлсак, Фаргона воқеалари ҳақида шов-шув кўтарганлар, шундай қонли фожиа ҳисобидан обрў топиш, ўз ғаразли манфаатларига эришиш, халқимизни бадном қилишга уринган кимсшар кўп бўлган. Ислом Каримов бу борада куйиб-ёниб, ел ҳақиқатни катта дард ва жасорат билан баён қилади, фожиа оқибатларини бартараф этишнинг амалий ечимларини ишлаб чиқади ва изчил амалга оширади.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Фаргона вилоятида ижтимоий кескинликни келтириб чиқарган сабаблар ҳақида қуйидагиларни баён этган эди: "Боз устига, кейинчалик маълум бўлишича, кўпгина амалдор шахслар, жумладан,

<sup>25</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-ж. - Т.: Ўзбекистон, 1996. - Б. 341.

воқеалар ўт-оловдек чақнаб кетган Тошлоқ районидаги ана шундай шахслар қонун-қоидаларни бузишган, порахўрлик қилишган. Улар, аввало, ўзлари ва қариндош-уруғларига якка тартибда уйлар қуриш учун ер участкалари ажратиб беришган, ссудалар олишган, ҳолбуки, ер ва қарз олишга муҳтож бўлган 400 нафар оддий меҳнаткашга рад жавоби берилган эди.

Соғиш учун 319 та автомашина ажратилганида, шулардан 236 таси районда яшамайдиган, жумладан, бошқа республикаларда истиқомат қиладиган кишиларга ғайриқонуний тарзда тақсимланган, уй-жой тақсимлаш тартиби қўпол тарзда бузилган, газлаштириш, сув таъминоти, ишга жойлаштириш масалалари неча йиллар мобайнида ҳал бўлмай қолаверган"<sup>26</sup>.

Юртбошимиз Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг 1989 йил 19 августдаги XVI пленумида, кейинчалик Москвада бўлиб ўтган катта анжуманларда, шунингдек, матбуотдаги чиқишларида бу масалада қатъий позицияда туриб, қуйидаги фикрларни алоҳида таъкидлайди: "Ўзбек халқининг виждони пок. Фарғона воқеалари ўзбек халқининг иродаси билан содир бўлмади. Бу воқеаларга тутуриқсиз ва ғаразли мақсадларни кўзлаб, ким қандай бўёқ бермасин, тарих, албатта, ўзининг адолатли ҳукмини чиқаради. Байналмилалчилик, меҳмондўстлик, яхшилик, қалб саховати ҳамиша ўзбек халқига хос фазилат бўлиб келди. Халқимиз ҳеч қачон бошқа халқларга нисбатан душманлик кайфиятида бўлмаган. Бу қадимий ва ҳозирги тарихимиздан олинган қўпгина мисоллар билан исботланган"<sup>27</sup>.

Юртбошимиз Фарғона фожиалари ҳақида шундай деган эди: "Фарғона воқеалари, шунингдек, кейинги пайтларда рўй берган бошқа тартибсизликлар - буларнинг барчаси турли миллат одамларида бир-бирига ишончсизлик пайдо қилди. Шундай бўлишига ким сабабчи? Мен ҳозир аниқ-равшан

---

<sup>26</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. - Т.: Ўзбекистон, 2011. - Б. 179-180.

<sup>27</sup> Ўша манба. - Б. 52-53.

қилиб айтаман: жамики номаъқулчиликлар республикаимиз чеграсидан ташқаридадир”<sup>28</sup>.

Бундай ҳаққоний ва ҳароратли сўзлар эл-юртимизнинг дардига дармон бўлди, унинг тухмат ва маломатлардан эгилги бошини, руҳини кўтарди. Шундай кўплаб мисоллар асосида айтиш мумкинки, Ислом Каримовнинг барча муаммолар ҳақида - улар қанчалик оғир ва нохуш бўлмасин - очиқ гапириши, ҳамisha ҳақиқатнинг кўзига тик қараши унга нисбатан халқимизнинг ишончи, эътирофи ва эҳтиромини кучайтирди.

1990 йилнинг август-сентябрь ойларида Тошкент вилоятининг Бўка туманида жанжал-тўполонлар бўлиб ўтади. Ислом Каримов ушбу туманга келганида аянчли манзаранинг гувоҳи бўлади - йўл ёқасида машиналар ёнар, жунбушга келган ёшлар тўполон қилишар эди. Янги раҳбар уларнинг ёнига бориб, ўзини таништиради. Отга миниб, халойиқ орасига киради. Уларга мурожаат қилиб: "Нима талабларинг бўлса, менга айтинглар, ҳаммасига эътибор билан қараб, ҳил қилиб беришга ҳаракат қиламан", дейди. Марказ ҳақида ўзининг дангал фикрини айтади. Янги раҳбардан бундай жавобни сира кутмаган халойиқ бўшашиб қолади.

Фарғонадаги воқеалар тугаганидан сўнг ҳам ҳар хил миш-мишлар натижасида Тошкент вилоятининг Паркент ва Бўка туманларида баъзи кимсалар томонидан нохуш воқеалар уюштирилди. Масалан, 1990 йил 3 март куни Паркентнинг марказида оммавий тартибсизликлар туфайли шу ерлик М. Миртурсунов ҳалок бўлди. Ушбу ҳолат аҳолининг кайфиятига салбий таъсир этиб, норозиликларни кучайтирди. 1990 йил 2 декабрь куни Наманган шаҳрида ички қўшинлар ҳарбий хизматчилари билан маҳаллий ёшлар ўртасида келиб чиққан жанжал натижасида 5 нафар ҳарбий хизматчи ва 3 нафар маҳаллий миллатга мансуб фуқаро ҳалок бўлди<sup>29</sup>.

<sup>28</sup> Уша манба. - Б. 289.

<sup>29</sup> Батифсилроқ қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" китобини ўрганиш буйича укув-услубий қўлланма. - Т.: Ўқитувчи, 2011.



1991 йилнинг 9 декабрида Наманган шаҳрида бир гуруҳ қўпоровчи кучлар вилоят ижроия қўмитаси биносини эгаллаб олиб, Ўзбекистонни Ислом давлатига айлантиришни даъво қилиб чиқишади ва республика раҳбари билан учрашувни талаб қилишади. Ислом Каримов президентликка номзод сифатида эртаси куни тонгда Наманганга етиб келади ва онги ақидапарастлик гоялари билан заҳарланган, жазавага тушган оломон орасига соқчи ва ҳамроҳларсиз, бир ўзи, ҳеч иккиланмасдан, шижоат ва шиддат билан кириб боради. Республика раҳбарини кўришгач, ақидапарастлар бир оз довдираб қолишади. Юртбошимиз вазминлик билан сўз бошлайди ва уларнинг барча даъволарини аниқ фактлар билан рад этади.

Шуни айтиш керакки, Ислом Каримовнинг қатъияти ва жасурати бинони бошига кўтариб бақир-чақир қилаётган минглаб ашаддий экстремистларни ҳам саросимага солиб қўяди. Мамлакатимиз раҳбари ҳаяжонга берилмасдан, улар талаб қилаётган йўл қонунга мутлақо зид экани ва ҳеч қачон яхшилиқка олиб келмаслигини уқтиради, салобати ва иродаси билан вазиятни юмшатишга муваффақ бўлади.

Бебаҳо бойлик бўлган тинчлик ва осойишталикни сақлаш, уни кўз қорачиғидек асраш масаласи мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг фаолиятида доимо энг муҳим, энг устувор йўналиш бўлиб келмоқда. Буни ҳар хил бузғунчи кучлар, диний ва дунёвий ниқобдаги радикал оқимлар бош кўтарган ўша нотинч даврда, Ислом Каримовнинг чуқур изтироб билан 1992 йил 4 январь куни Олий Кенгашнинг IX сессияси минбаридан туриб халққа қилган мурожаатидаги, бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган, ушбу сўзлари яққол тасдиқлайди: "Азиз дўстлар! Нима керак бўлса, айтинг, ҳаммасини қилиб берамиз. Лекин, азиз оналар, опасингиллар, отахонлар, дўстлар, укажонлар, мен Президент бўлсам ҳам сиздан тиз чўкиб сўрайман, илтимос қиламан: шу масалада ёрдам қилинг! Ахир, Қуръони карим ҳам дўстликка, биродарликка чақиради, низо чиқаришни қоралайди. Жанжал чиққан юртдан худо ҳам юз ўтирар экан. Шу сабаб барака ҳам, ризқ-рўз ҳам насия бўлиб қоларкан. Бу

булда тинчлик, тотувлик йўлида бизни Аллоҳ таолонинг ўзи қўлласин, мадакдор бўлсин!"<sup>30</sup>.

Юқоридагиларга асосланиб шуни таъкидлаш жоизки, албатта, Президентимиз республика раҳбари сифатида Фарғона, Наманган, Бўка воқеаларининг сабаб ва оқибатлари ҳақидаги маълумотлар билан ўз кабинетида ўтириб ҳам таниниши, керакли қарорлар қабул қилиши мумкин эди. Аммо ўша пайтдаги аксарият партия арбобларига хос бўлган бундай хонашинлик, яъни кабинетдан чиқмай иш юритиш принципи Ислом Каримов учун мутлақо бегона эди. У ҳаётнинг қайноқ нафасини бевосита ҳис қилиш, яхши-ёмон кунларда халқ билан бирга бўлиш, эл-юртнинг дарду қувончига доимо шерик бўлишни ўзининг ҳаётгий маслаги, олий инсоний бурчи деб билди. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ислохотлар ғояси "сокин кабинетларда" яратилмаслигини ўз фаолиятининг бош мезонига айлантирган давлат раҳбари эканлигини ҳаётнинг ўзи тасдиқлади.

Ҳали давлат мустақиллиги эълон қилинмасдан олдин Ислом Каримов раҳбарлигида Ўзбекистон тараққиётининг мустақил йўли тамойиллари ишлаб чиқилиб, амалга оширишга бошланди. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан XX асрнинг 80-90-йиллари давомида чиқарилган фармонлар ва унинг таклифи билан республика Олий Кенгаши ҳамда ҳукумат томонидан қабул қилинган қонунлар ва қарорлар бевосита сиёсий, иқтисодий мустақилликни таъминлашга қаратилди. Бу жараёнларнинг аниқ ифодаси 1989 йилда ўзбек тилига давлат мақоми берилганлиги, 1990 йил 24 мартда Президентлик институтининг жорий этилиши халққа миллий маънавият, анъаналар ва урф-одатларнинг қайтариб берилганлиги бўлди.

Мустақиллик арафасида, яъни 1989 йилнинг 19 октябрь кунини ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш масаласи Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши сессияси муҳокамасига қўйилгани ҳам давлатимиз раҳбари Ислом Каримов номи билан боғлиқ. Ўша қалгис сиёсий-ижтимоий шароитда ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш масаласи кескин

<sup>30</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. - Т.: Ўзбекистон, 2011. -Б. 431.

ва муросасиз баҳс ва тортишувларга сабаб бўлган. Ўша вақтда айрим сиёсий гуруҳлар Ўзбекистон шароитига мутлақо тўғри келмайдиган, бир-бирига бутунлай зид ва қарама-қарши фикрларни олға сурган, шунинг ҳисобидан ўзига обрў топиш, одамларни ортидан эргаштиришга уринган эди. Нега деганда, тил билан боғлиқ муаммолар орқали миллий туйғуларни рўқач қилиб, улардан ғарзли мақсадларда фойдаланиш мумкин эди.

Ислом Каримовнинг ўша пайтдаги ҳар томонлама пухта ўйланган, мулоҳаза қилиб, барча сиёсий ва ижтимоий гуруҳларнинг талабларини қондирадиган, энг муҳими, халқимиз ва Ватанимиз манфаатларига жавоб берадиган вазминлик сиёсати орқали ягона тўғри йўлни топишга эришилди. Натижада халқимизнинг муқаддас қадриятларидан бири бўлмиш она тилимиз ўзининг қонуний мақоми ва ҳимоясига Мустақилликка қадар - 1989 йили 21 октябрида эга бўлди.

**1990 йил 24 март куни бўлиб ўтган республика Олий Кенгашининг биринчи сессияси тарихига бир назар.** Гарчанд Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги юридик тарзда 1991 йил 31 августдан эътироф қилинса-да, мустақиллик учун интилиш, кураш анча аввалроқ бошланган эди. У бир неча босқичларда амалга ошди, дейиш мумкин.

Биринчи босқич - 1990 йил 24 мартда мустақиллик йўлидаги жуда муҳим ҳамда масъулиятли қадам қўйилди. Шу куни ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг биринчи сессиясида Иттифокдаги республикалар орасида биринчи бўлиб Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозими жорий этилди. Бу тарихий воқеа эди. Шу ўринда айтиш жоизки, бундан ўн кун олдин, яъни 14 март куни СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари учинчи съездида СССР Президенти лавозимини таъсис этиш тўғрисидаги қонун қабул қилиниб, Михаил Сергеевич Горбачев бу вазифага сайланган эди.

СССР таркибида (худудида) иккинчи Президентнинг пайдо бўлишини Марказ ва унинг раҳбарияти қандай қабул қилганликларини бугун тасаввур қилиш қийин эмас, албатта.

1990 йил баҳорида Ислом Каримов горбачёвча қайта



қуриш боши берк кучага кириб қолганини англаб етди. Ҳа вақтда СССР сиёсатчилари орасида бундай одамлар камдан-кам эди. Россия ва бошқа иттифоқдош республикаларда тобора кучайиб бораётган тартибсизликлар Ўзбекистонда ҳам юз беришига йўл қўймаслик учун қатъий чоралар кўриш керак эди. Ўзбекистонда ҳокимиятнинг озгина бўлса-да заифлашуви республика ичида миллатлараро низолар янги-дан бошланиши, ижтимоий портлашларга олиб келиши мумкин эди. Шу сабабли 1990 йил мартда, Горбачёв ва унинг атрофидагилар норози бўлишига ва қаршилик кўрсатишига қарамай, Ўзбекистон Олий Совети республика Президенти лавозимини таъсис этди ва унга Ислон Каримовни сайлади. Мамлакат аҳли Ҳа вақтда ҳаракати тобора сусайиб, чўкаётган кемага ўхшаб қолган КПССга бундан буён кўр-кўрона эргашмаслигини, кўп миллионли халқ коммунистик мафкура тазйиқига учрамасдан, ўзининг мустақил давлатида яшашни истаётганлигини ўз Президенти Ислон Каримов орқали очиқ-ойдин айтди.

1991 йилнинг 19-21 августда Совет Иттифоқида давлат тунтариши содир этилди. Мамлакатда фавқулодда ҳолат жорий этилиб, ҳокимият ГКЧП (Фавқулодда вазиятлар давлат кўмитаси) қўлига ўтди. Ана шундай вазиятда Ўзбекистон раҳбарияти вазминлик билан оқилона йўл тутди. Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раёсати, Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси 1991 йил 21 августда кўшма мажлис ўтказиб, унда "СССР ГКЧПнинг Ўзбекистон ССР Конституцияси ва қонунларига зид ҳужжатлари Ўзбекистон ҳудудида амал қилмайди", деган қарор қабул қилди.

1991 йил августдаги воқеалардан кейин Ислон Каримов ташаббуси билан Ўзбекистон Компартияси тубдан ислоҳ қилиниб, мафкураси ва сиёсати мутлақо Янги бўлган Халқ демократик партиясига - парламент типидagi партиёга айлантирилди. Ҳокимият аста-секин, аммо оғишмай партия маҳкамаларидан бошқача бошқарув тизимига: президент - ҳукумат - маҳаллий маъмурият (ҳокимиятлар) тизимига ўта бошлади.

Ўзбекистонда президентлик институтининг жорий этилиши давлатимиз раҳбари Ислон Каримов томонидан Ўзбекистоннинг давлат суверенитети ва мустақиллигига эришиш

йўлида қўйилган тарихий қадам бўлиб, чинакам сиёсий ва маънавий жасорат намунаси эди.

Ўзбекистон халқининг манфаатларини кўзлаб Ислом Каримов ташаббуси билан амалга оширилган дастлабки тадбирларнинг ўзиёқ президентлик бошқарувининг ўз вақтида таъсис этилганидан далолат беради. Хусусан, 1990 йил 20 июнда республика Олий Совети томонидан Мустақиллик декларацияси қабул қилинади. Бу мустақил давлатчилик сари интилишимизнинг иккинчи босқичидир.

1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди. Мазкур Қонун Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик декларациясига ва Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисидаги Баёнотига асосланиб, қабул қилинди. Қонуннинг 1-моддасида қайд этилганидек, "Ўзбекистон Республикаси ўз таркибидаги Қорақалпоғистон Республикаси билан бирга мустақил, демократик давлатдир". Қонунда Ўзбекистон халқи давлат ҳокимиятининг бирдан-бир асоси экани белгилаб қўйилди. Хусусан, унда "Ўзбекистон Республикасининг халқи суверендир ва у республикада давлат ҳокимиятининг бирдан-бир соҳибидир У ўз ҳокимиятини ҳам бевосита, ҳам вакиллик идоралари тизими орқали амалга оширади" (2-модда), дейилди.

Давлат ҳокимиятининг конституциявий бўлиниш принципи Қонунда ўз ифодасини топди: "Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва унинг қонунлари устундир. Ўзбекистон Республикаси давлат идораларининг тизими ҳокимиятни қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятига ажратиш тартиби асосида қурилади" (5-модда). Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур Қонунга конституциявий мақом берилган<sup>31</sup>.

1 сентябрь - Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги куни - умумхалқ байрами деб эълон қилинди.

Ўзбекистон раҳбарияти 1990 йил мартдан то 1991 йил августигача республиканинг суверен ҳуқуқларини кенгай-

---

<sup>31</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. —Т.: Ўзбекистон, 2011. -Б. 405.

тириш ва уларни амалда таъминлаш борасида тинимсиз кураш олиб борди. Бу, аввало, Ўзбекистоннинг иқтисодий, молиявий, пул-кредит муносабатлари, шунингдек, давлат қурилиши ва бошқаруви соҳаларидаги эркинлиги ва мустақиллигини таъминлаш учун бўлган кураш эди. "Марказ" (яъни, СССР давлатининг марказий аппарати, айниқса, КПСС Марказий Комитети) иттифоқдош республикаларнинг суверенитетини фақатгина "қоғозда" қолдириб, амалда эса, умуман, йўққа чиқариб қўйган эди. Масалан, Ўзбекистон неча гектар ерга, қанча пахта экади? Ундан йилига қанча ҳосил олади? Ҳосилнинг ҳаммасини қандай нарҳда СССР давлати хазинасига топширади? Шунингдек, бошқа бирча иқтисодий, ижтимоий, молиявий, қурилиш масалалари ҳам марказ томонидан белгилаб берилар эди.

Мустақиллик декларациясидан то "Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисида"ги Қонун қабул қилингунча бўлган даврда Ислом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон раҳбарияти мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш учун фаол саъй-ҳаракат олиб борди. Аввало, "пахта яккаҳокимлиги"га қарши кураш бошланди. Бунинг маъноси шуки, Ўзбекистон халқининг турмуш ва меҳнат тарзи фақат пахта етиштириш билан чекланиб қолиши мумкин эмаслигини, нормал ҳаёт кечириш учун бошқа турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳам етиштириш зарурлиги ва нимани қанча, қачон экишни республиканинг ўзи белгилаши кераклигини, йиғилган ҳосилни эса жаҳон нархлари даражасида шартнома асосида эркин сотиш имконияти республика ихтиёрига берилиши кераклигини Марказга сабот билан узоқ исботлашга тўғри келди. Бу иқтисодий мустақилликка эга бўлиш йўлидаги илк қадамлар эди.

Ўзбекистон раҳбарияти, шунингдек, СССР давлат бюджети таркибида тасдиқланган Ўзбекистон ҳиссасини ташкил этувчи пул маблағларининг республика тасарруфига берилишини ва пул обороти республика ҳудудида мустақил айланishiга руҳсат берилишини талаб қилиб чиқди. Марказ олдида Ўзбекистоннинг ижтимоий, таълим-тарбия, маданий-маиший ҳамда республика ва маҳаллий давлат бошқаруви соҳаларида республиканинг суверен ҳуқуқларини кенгайтириш талаблари ҳам қўйилди.



1991 йил 12 февралда Президент Ислом Каримовнинг ташаббуси билан Ўзбекистонда инсоний қадриятларни янада камол топтириш, ўзига ишонч руҳи ва миллий гурурни мустақкамлаш, дўстлик, биродарлик, ҳамжиҳатлик, меҳр-шафқатни улуғлаш, маданий ва тарихий анъаналарни давом эттириш ҳамда ривожлантириш, асрлар давомида шаклланган урф-одатлар ва удумларни эъозлаш мақсадида Наврўз байрамини кенг нишонлаш ҳақидаги фармон имзоланиб, 21 март дам олиш куни деб белгиланди. Наврўзни янгичасига, катта умумхалқ байрами сифатида тантана билан ўтказиш ҳақидаги қарор ўша даврда халқимизни жипслаштиришда муҳим роль ўйнади.

Республикаimiz Президентининг "Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш ҳақида"ги Фармони мамлакатимизда ягона ғоя - инсонни улуғлаш, миллий гурурни юксалтириш, ҳамжиҳатлик, биродарлик, меҳр-шафқат, тинч-тотувлик мақсадлари ва ғоялари билан йўғрилганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Президент Ислом Каримовнинг энг катта ютуғи шундаки, у одамлар билан юзма-юз туриб гаплашди, рост гапирди, ёлғон ва баландпарвоз ваъдалар бермади. Халқ эса аччиқ бўлса-да, рост гапга муҳтож эди. Чунки у йиллар мобайнида ҳаёт ҳақиқатидан маҳрум бўлиб, уйдирма ва ҳавойи шиорлар гирдобига ғарқ этилган эди. Ҳукумат раҳбари сифатида Ислом Каримов халқ кўнглига қараб, ҳаётнинг кемтик жойини тўлдиришга киришди. Халқ ўзининг даҳосига, унинг яратувчилик қудратига ишонди, унга таянди. Улкан йиғилишларнинг бирида, мамлакатимизнинг олий минбаридан туриб Юртбошимизнинг исёнкор қалбидан Чўлпоннинг йиллар мобайнида ўқиш ман этилган оловли сатрлари отилиб чиқди:

Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир,

Халқ исёндир, халқ оловдир, халқ ўчдир...

Халқ қўзғолса куч йўқдирким тўхтатсин,

Қувват йўқким, халқ истагин йўқ этсин.

Мамлакат раҳбарининг халқ билан очиқ, юзма-юз туриб гаплашиши жамиятда ижтимоий-сиёсий муҳитнинг бир оз барқарорлашишига олиб келди. 1989-91 йиллар, айтиш мумкинки, бир неча минг йиллик тарихимизда шиддат билан

бошланаётган Миллий Тикланиш, Миллий Уйғониш ва Миллий Тараққиёт даврининг муқаддимаси бўлди. Худди ана шу йилларда Наврӯз миллий байрам сифатида кенг нишонланди, бу оммавий тадбирда биринчи марта ҳукумат раҳбарлари ва шахсан Ислоҳ Каримов халқ билан бирга иштирок этишди.

Бу воқеаларни бугун - орадан бирмунча вақт ўтгач, хотиржам эслаш осон. Ўша пайтларда ҳар бир кишининг қалбида аллақандай ҳадик, ифодалаб бўлмас кўрқув, унга қоришиб кетган севинч ва ҳаяжон бор эди. Бу воқеаларни ҳар ким ўзича тушунди, ўзича талқин этди. Бироқ, Ўзбекистон раҳбарияти ўз сўзида собит турди. Турли ҳийлаю найрангларни, игво ва маломатларни қатъият ва амалий иш билан енгди.

Мустабид тузум даврида халқимизнинг ҳақиқий тарихи, бой маданий мероси, урф-одат ва анъаналари, Наврӯз байрами, Рамазон ва Қурбон ҳайитларини нишонлаш, динга ҳурмат билан муносабатда бўлиш тақиқлаб қўйилган эди. Имом Бухорий, Имом ат-Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд ва бошқа азиз авлиёларимиз, Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Бобур сингари улуғ аждодларимиз меросига нисбатан адолатсизлик ҳукм сурди.

Айрим маҳаллий раҳбарлар ҳам амал пиллапоясидан кўтарилишга ҳаракат қилиб, бунинг илинжида ўз аждодлари, миллий қадриятларни рад этишгача боришди. Халқимизнинг урф-одат ва анъаналари, маданияти оёқости қилинди, она тилининг қўлланиш соҳаси сунъий тарзда чеклаб қўйилди. Ҳатто, шундоқ ҳам миллий анъаналардан анча олисда бўлган айрим сўзлар турлари ҳам кимларгадир мақбул бўлмай қолди ва уларни ингилашга уриндилар. Ҳатто миллий либос ҳам қораланди.

Президент Ислоҳ Каримов сиёсати ва иш услубининг ўзига хослигини Ислоҳ динига муносабатда ҳам кўриш мумкин. Давлатимиз раҳбари мустақилликка қадар ва мустақиллик йилларида Ислоҳ маданияти ва маърифатини кенг тарғиб қилишга катта аҳамият берди. Марказий Осиё тарихида биринчи марта Қуръони карим ва ҳадислар, қолаверса, бир қатор бошқа диний китоблар ўзбек тилида чоп этилди.

Президент Ислоҳ Каримов динга муносабатининг ғоят нисонпарварлик мазмуни ва новаторлик кучи шундаки, у

мамлакат аҳолиси турли табақаларининг - турли дин ва ақидаларга дахлдор бўлган кишиларнинг коммунистик мафкура таъсирида чекланиб, биқиниб қолган онгини кескин ўзгартириб юборди. Уларнинг тафаккурида бурилиш ясади. Ҳар бир тирик жонга қандайдир азиз бўлган, у муҳтож ва чанқоқ бўлган энг нозик, энг ҳаётбахш, энг лаззатли ҳисларни ҳады этди.

Ислом дини, нафақат инсон одоби ва унинг турмуш тарзи, балки давлат ва жамият, давлат ва фуқаро ўртасидаги муносабатлар, юрт пешвосининг маънавий қиёфаси, жамиятдаги ўрни, сиёсатдаги адолат мезони, сўз ва фикр эркинлиги каби мураккаб ижтимоий масалалар хусусида ҳам сабоқлар беради. Шу боис ҳам бу ўлмас қадриятлар ҳаётий тажриба сифатида бугунги янги давлатчилигимиз қурилишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Агар биз босиб ўтилган истиқлол йўлимизга бир назар ташлайдиган бўлсак, унинг илк йиллариданоқ динга муносабат, давлат ва диний ташкилотлар ўртасидаги алоқаларни тўғри йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилди.

Шунинг учун ҳам бугун кўпмиллатли мамлакатимизда ҳеч қайси дин вакиллари камситмаган ҳолда, айни вақтда диний ҳиссиётларни авж ҳам олдирмасдан, бу болада босиқ-вазмин, узоқни кўзлаган сиёсат амалга оширилмоқда.

Бу сиёсат моҳияти илк марта Президентимиз томонидан аниқ-равшан белгилаб берилган эди: "Дин одамзотни ҳеч қачон ёмон йўлга бошламайди. Бу дунёнинг ўткинчи эканини таъкидлаб, одам боласини ҳушёр бўлишга, яхши бўлишга, яхши из қолдиришга ундаб туради.

Биз динга бундан кейин ҳам барча шарт-шароитларни яратиб берамиз, диний расм-русумларга, байрамларга, диний тарбия ва таълимга доимо жиддий эътибор берилади. Айни замонда биз дин пешволарига, ўзимизга ўхшаган мусулмон биродарларимизга бир нарсани такрор ва такрор уқтирмоқчимиз: дин ўз йўли билан, давлат ўз йўли билан. Диний партиялар тузиб, ҳокимият таллашиб юришлар Худога ҳам ёқмайди. Ислом дини инсонларни камтарликка, камсукумлиikka ундайди. Мусулмон фарзанди кечиримли бўлади. Мусулмон фарзанди бировни кофир, бировни художўй



деб тоифаларга ажратмайди... Сабаби, бандасининг устидан бандаси эмас, Худонинг ўзи ҳукм чиқаради. Шундай экан, бир-биримизни беҳуда айблаб, мен мусулмон, сен кофир деб талашиб юришлар бизга тўғри келмайди.

Ҳамма аҳил, ҳамма покиза бўлиб яшасин, кимнинг фазили қанча, кимнинг гуноҳи қанча эканини Яратганнинг ўзи ажрим қилиб беради".

Президент Ислон Каримов сиёсий вазият ниҳоятда қалтис ва нозик бир пайтда оташин нутқ ва маърузалари билан одамларнинг нозик туйғуларига таъсир этди, уларни узоқ йиллик қарахтлик ва ғафлатдан уйғотди, фикрлашга, ўз тақдири ва фарзандлари истиқболи ҳақида қайғуришга даъват этди. Бу билан у, биринчидан, мамлакат аҳолисининг руҳий-маънавий покланишига эришди. Иккинчидан, мамлакатдаги тинчлик, осойишталик ва барқарорликка ўзига хос замин яратди.

Кремлнинг асабий жазаваларига қарамай, юртимиз ҳали советлар исканжасида турган оғир кунларда Президент Ислон Каримов халқ хоҳиш-иродасига қулоқ тутиб, унутилмас бир тарихий ҳужжатга имзо чекди. Бу Фармон юртдошларимиз руҳиягида улкан ижобий ўзгариш ясади. Бу Фармон мазлум халқнинг кўксига ҳалемай шамол тегажигидан бир нишона бўлди.

Фармонда, жумладан, шундай дейилган эди:

«Мусулмонларнинг Саудия Арабистонига ҳаж қилиши тўғрисида:

1. ...Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармасининг Ўрта Осиё региониди истиқомат қилувчи 500 кишидан иборат бир гуруҳ мусулмонларни 1990 йил 19 июнидан бонлаб 10 июлигача ҳаж қилувчилар сифатида Саудия Арабистонига юбориш тўғрисидаги илтимосига розилик берилсин.

2. Ўзбекистон Граждан авиацияси бошқармаси ҳаж қилувчиларни келишилган маршрут бўйича Жидда шаҳрига (Саудия Арабистони) олиб бориб қўйиш ва олиб келишни ташкил этсин. Ана шу мақсадлар учун Ил-86 ва Ил-62 самолётлари ажратилиб, уларни доимий истиқомат жойларига ўтказиб қўйишни ҳам таъминласин.

3. Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги рухсатномалар ва қайд этиш бўлими, Ўзбекистон Ташқи ишлар ми-

нистрлиги, Ўзбекистон Республикаси божхонаси СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Ўзбекистон ССР бўйича диний ишлар кенгаши билан биргаликда тегишли йўл ҳужжатларининг жадал расмийлаштирилишини таъминласинлар.

4. Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ҳаж қилувчиларга зарур дори-дармонлар ажратиб, ҳаж жойларида бўлиш даврида уларга малакали тиббий хизмат кўрсатилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси билан биргаликда ёдгорлик буюмлари, эсдалик совғалари харид этишда ҳаж қилувчиларга кўмаклашсин.

6. Тошкент шаҳар ижроия комитети мусулмонлар диний бошқармасининг талабномасига кўра ҳаж қилувчилар жўнаб кетиши олдидан ва Саудия Арабистонидан қайтганидан кейин уларнинг Тошкент шаҳридаги меҳмонхоналарда жойлаштирилишини таъминласин.

Ўзбекистон Совет Социалистик

Республикасининг Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 1990 йил 2 июнь».

Президент Ислом Каримов ана шундай мураккаб ва оғир шароитда ўз халқининг дардига қулоқ солиш, унинг муаммоларини ҳал қилиш орқалигина мамлакатни танглик ва бўҳрондан олиб чиқиш мумкинлигини англаб етди ва бу мушкул вазифани адо этишга зўр қатъият ва шижоат билан киришди.

1990 йил 2 майда қабул қилинган Фармонга кўра, мусулмонлар ҳаётидаги қутлуғ саналар - Қурбон ва Рамазон ҳайитлари дам олиш кунлари деб эълон қилиниши ҳам айнан халқимиз кўнглидаги иш бўлди. Эл-улус ўзининг янги етакчиси амалга ошираётган халқпарвар сиёсатни қўллаб-қувватлай бошлади.

Бу борада Ислом оламининг забардаст алломалари - буюк ватандошларимиз имом Абу Исо ат-Термизийнинг 1200 йиллиги, Маҳмуд аз-Замаҳшарийнинг 920 йиллиги, Нажмиддин Кубронинг 850 йиллиги, Баҳоддин Нақшбанднинг 675 йиллиги ва Хожа Аҳрор Валийнинг 600 йиллиги кенг кўламда нишонланиши юртимизда имон, дину диёнат қайтадан юксалаётганига ёрқин далил бўлди. Бу азиз ва му-

каррам зотларнинг бебаҳо асарлари қайта чоп этилди, номлари абадийлаштирилди.

Жамият аъзоларининг виждон эркинлигини таъминлаш, уларнинг ўз диний маросим ва урф-одатларини эмин-эркин адо этишлари учун барча зарур шарт-шароитлар вужудга келтирилди. Янгидан-янги масжид ва мадрасалар қуриш, эскиларини тиклаш-таъмирлаш бўйича улкан тadbирлар амалга оширилди, бу жараён ҳозир ҳам давом этмоқда. Айни пайтда мамлакатимизда 4.504 та масжид фаолият кўрсатмоқда.

Диний асарларни нашр этиш кескин суръатда ошди. 1990 йилгача Мовароуннаҳр мусулмонлари идораси "Совет Шарқи мусулмонлари" журналининг 5 тилда нашр қилар эди. Унинг мазмун-мундарижаси ўша давр талабларига мос эди, албатта. Мустақиллик шарофати билан "Ислому нури" ҳафтанома-си дунёга келди, кўплаб диний-ахлоқий адабиётлар чоп этила бошланди. Жумладан, Имом ал-Бухорийнинг тўрт жилддан иборат, Имом ат-Термизийнинг бир жилдди ҳадис китоблари, бошқа алломаларнинг қатор асарлари юз минглаб нусхаларда чоп этилди. Қуръони карим саккиз марта, жами бир миллион нусхада нашр этилди. Бу муқаддас китоб юрти-мизда илк бор Алоуддин Мансур томонидан ўзбек тилига таъдил қилинди ва уч марта, жами 300 минг нусхада босмадан чиқарилди. Бундан ташқари, ҳадис ва шаръий илмларга доир қўлгина асарлар она тилимизга ўтирилди ва минг-минглаб нусхаларда чоп этилди.

Айни пайтда мамлакатимизнинг ҳар бир вилоятида камда биттадан диний мадраса, Тошкент шаҳрида эса Имом ал-Бухорий номидаги Ислому олий маъҳади, Эшон Бобоҳон номидаги аёллар мадрасаси, Абулқосим ва Кўкалдош мадрасалари ишлаб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 19 майдаги қарори билан Тошкент шаҳрида Ислому таълимоти ва фалсафасини, ўзбек халқининг диний, тарихий ва маданий меросини чуқур ўрганиш мақсадида Халқаро Ислому тадқиқот маркази ташкил этилди. Мазкур марказнинг асосий вазифаси диёримиз мусулмонларига миллий қадриятларимизни, ҳақиқий Ислому таълимотини етказиш, мавжуд ислому осори атиқалар тарихини ўрганиш, нодир



қўлёзма асарларни тадқиқ этиш, улар билан кенг жамоатчиликни таништириш, дарслик ва қўлланмалар, луғатлар тайёрлаш ва нашр қилишдан иборат бўлиб келмоқда.

Мафкуранинг инсон онги ва руҳияти билан узвий боғлиқлиги сабабли унинг ғоявий илдизлари диний таълимотларга бориб тақалади. Бу ғоялар Имом ат-Термизий, Имом ал-Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Абдулҳолиқ Гиждувоний, Хўжа Аҳрор Валий каби буюк аждодларимизнинг бой маънавий мерослари орқали ўрганилиб, улардан жамиятимиз тараққиёти йўлида кенг фойдаланилмоқда.

Ўзбекистонда диний бирлашмалар фаолияти учун барча шароитлар яратилган. Масалан, бугунги кунда мамлакатимизда 16 та диний конфессия (уюшма) фаолият кўрсатмоқда.

2007 йилда Ислом конференцияси ташкилотининг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича тузилмаси - ISESCO томонидан "Тошкент - Ислом маданияти пойтахти" деб эълон қилинди. Бу халқимизнинг Ислом дини ривожланишига қўшган ҳиссасига берилган катта баҳо эди.

1992 йил 16 декабрда Президентимиз Ислом Каримовга Ислом дунёсидаги энг нуфузли олийгоҳ - Қоҳирадаги "Ал-Азхар" университетининг доктори фахрий унвони берилди. Фақатгина Ислом оламининг забардаст уламоларига бериладиган бу унвон Юртбошимизга бежиз тақдим этилмади. Университет илмий кенгаши ушбу унвонни Ислом Каримовга "Ислом динининг ҳимояси ҳамда мусулмон олий ўқув юртлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш борасидаги хизматлари учун" беришни лозим топди<sup>32</sup>.

**Миллий армиянинг шаклланиши.** Юртбошимиз Ислом Каримов Ўзбекистон ҳали мустақилликка эришмасдан аввал миллий армияни шакллантириш масаласига муҳим эътибор бера бошлаган эди. Мустақиллик эълон қилинган бўлса-да, СССР Мудофаа вазирлиги ва унинг қуролли кучлари сақланиб турган бир пайтда бундай кучга қарши тик бориш оғир оқибатларга олиб келишини яхши тушунган Президентимиз ҳарбий соҳада ишни босқичма-босқич ҳал этиш йўлидан борди.

<sup>32</sup> Қаранг: Азизхўжаев А. Чин ўзбек иши. -Т.: Ўзбекистон, 2011. - Б. 167-175.

1991 йил 6 сентябрда эълон қилинган "Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлигини тузиш тўғрисида"ги Президент Фармони бу йўлдаги биринчи қадам бўлди. Бу янгиликни "ҳазм қила олмаган" Кремль Ўзбекистон Республикаси Президентига тазйиқ ўтказишга уриниб кўрди.

Уша вақтда СССР Мудофаа ишлари вазирлиги ва унга бўйсунувчи Туркистон ҳарбий округи ҳар қандай вазиятда республика Мудофаа ишлари вазирлигини тан олмаслигини кўрсатишга ҳаракат қилди. Бу пайтда Туркистон ҳарбий округи қўмондонлик таркибининг фақат икки-уч фоиизигина ўзбекистонлик бўлиб, қолганлари четдан келган эди. Шунинг учун ҳам янги ташкил топган, на қўшини, на қуролли кучлари, на ҳарбий техникаси ва қурол-аслаҳасига эга бўлган республика Мудофаа вазирлиги Туркистон ҳарбий округи билан ўз муносабатларини эҳтиёткорлик билан олиб бориши лозим эди. Президент Мудофаа вазирини ўз ҳузурига чақириб, республикада осойишталикни сақлаб қолган ҳолда, мудофаа қудратини оширишнинг чуқур ўйланган йўлини кўрсатиб беради. Бу ишларни ортиқча ҳиссиётга берилмасдан, босиқлик билан амалга ошириш зарурлигини уқтиради. Мамлакатимиз дахлсизлигини таъминлаш учун биринчи галда қуйидаги ишларни бажаришни топширади:

1) Ҳарбий комиссариатларни республика ихтиёрига ўтказиб, собиқ Иттифоқ армиясига аскар юборишни тўхтатиш;

2) Собиқ Иттифоқнинг турли ҳудудларида хизмат қилаётган ўзбекистонлик аскар ва зобитларни республикага қайтариб олиб келиш;

3) Ўзбекистон ҳудудида жойлашган барча ҳарбий гарнизон ва қисмларни республика тасарруфига ўтказиш.

Шундан сўнг фақат ўзбекларгина эмас, ўзларини Ўзбекистон фуқароси, Ўзбекистонни Ватаним деб билган турли миллат вакиллари бўлган офицер ва прапоршчиклар ҳам Ўзбекистонда хизмат қилиш истагини билдира бошлади.

Ҳарбий хизматчиларнинг ўз юртига қайтиши, бир қарашда осон ишдек туюлиши мумкин, аслида уларнинг ижтимоий ҳимояси, уй-жой билан таъминланиши каби мураккаб масалаларни ҳам ҳал қилиш зарур эди. Ортга суриб бўлмайдиган бу вазифа юзасидан Президентимиз Ислон Каримовнинг аниқ кўрсатмаси асосида ҳарбий хизматчилар, улар-

нинг оилаларини ижтимоий ҳимоялаш ҳуқуқий таъминланади<sup>33</sup>.

Маълумки, ҳар бир давлатнинг мустақиллиги, хавфсизлиги, чегаралари дахлсизлигини, аввало, унинг армияси, Қуролли Кучлари ҳимоя қилиши зарур. Шу боис ҳам истиқлолнинг илк йиллариданоқ мамлакатимиз мудофаасини кучайтириш масаласи давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди. Дастлаб 1991 йил 25 октябрдаги қарорга биноан, унинг ҳуқуқий мақоми, таркибий тузилиши ва низомлари тасдиқланди. Шунингдек, Мудофаа ишлари вазирлиги Бош штаби ва бошқармалари тузилди. Ўша вақтдаги энг жиддий муаммо - армиядаги кадрлар масаласи бўлиб, ҳарбийлар сафида маҳаллий кадрлар жуда оз эди. Буни 1991 йилда маҳаллий офицерлар юртимиздаги ҳарбий кадрларнинг атиги 0,6 фоизини ташкил этгани ҳам тасдиқлайди. Ушбу масалани ҳал этиш учун Президентимиз ғоялари асосида янги ҳарбий ўқув муассасалари, Қуролли Кучлар академияси барпо этилиб, уларда ҳарбий ишга салоҳияти бор Ўзбекистон фарзандларини тайёрлашга киришилди.

1992 йил 14 январь куни мустақил давлатимиз тарихида яна бир муҳим воқеа юз берди - мамлакатимиз ҳудудидаги барча ҳарбий тузилмаларни Ўзбекистон тасарруфига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Юртбошимиз ташаббуси билан эълон қилинган ушбу ҳужжат туфайли мамлакатимиз хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган ва келиб чиқаётган хавф-хатарларни ҳар томонлама таҳлил этиш асосида армиямизни ислоҳ қилишнинг узоқ муддатли дастури ишлаб чиқилишига йўл очилди. 14 январь юртимизда "Ватан ҳимоячилари куни" деб эълон қилинди.

Ўтган давр мобайнида ҳаётга татбиқ этилган кенг қўламли ислохотлар туфайли мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган, ҳар қандай тажовуз ҳамда ғаразли ури-нишларнинг олдини олишга қодир бўлган ихчам, тезкор, замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминланган, юксак тайёргарликка эга миллий армиямиз шакллан-

<sup>33</sup> Қаранг: Азизхўжаев А. Чин ўзбек иши. - Т.: Ўзбекистон, 2011. - Б. 156-159.



тирилди. Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучларининг қуйидаги ҳарбий округлари ташкил топди:

1. Шимоли-ғарбий ҳарбий округ (Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти, округ штаби Нукус шаҳрида);

2. Жануби-ғарбий ҳарбий округ (Бухоро, Навоий, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари, округ штаби Қарши шаҳрида);

3. Марказий ҳарбий округ (Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари, округ штаби Жиззах шаҳрида);

4. Тошкент ҳарбий округи (Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти, округ штаби Тошкент шаҳрида);

5. Шарқий ҳарбий округ (Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари, округ штаби Марғилон шаҳрида).

2012 йилнинг 13 январида Ўзбекистон Республикаси Президенти - Қуrolли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислон Каримов Ўзбекистон Қуrolли Кучларининг 20 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табригини йўллади.

Байрам табригида "Мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилишга қодир, ихчам, тезкор, замонавий қуrol-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминланган миллий армиямиз шаклланиши", "армиямиз ҳозирги кунда нафақат Ватанимиз chegarаларини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилмоқда, айна вақтда мустаҳкам ирода ва характер, мустақил фикрлаш қобилияти шаклланидиган, жисмоний чинқиш ва юксак инсоний фазилатлар камол топадиган ҳақиқий амалий профессионал малака ошириш мактабига айланганлиги" таъкидланди.

Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари охирида Ўзбекистонга собиқ Иттифоқнинг турли минтақаларидан юборилган кадрлар келиб, турли нуфузли лавозимларни эгаллади. Аммо уларнинг аксарияти республика аҳлига ҳамдард бўлиш у ёқда тургани, балки партия, совет ва ҳуқуқни муҳофаза этиш органларида ўзларининг раҳбар лавозимларига тайинланишларини ўзбошимчалик қилиш учун берилган ёрлиқ деб билдилар. Халқнинг жуда бой тарихи ва маданиятини, ўлканинг ўзига хос ноёб хусусиятларини билмаган ва билишни ҳам истаманган бу одамлар республика ҳаётини босиб-янчиб,

қинғир ўзанга солишга киришдилар. Халқнинг кўп асрлик анъаналари, маданияти, урф-одатлари ва маънавий қадриятларини менсимаслик элни жуда ранжитди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг бевосита ҳаракатлари ва кўрсатмаси билан республика ИИВнинг масъул лавозимларига малакали маҳаллий кадрлар қўйилди. Тизим раҳбарлиги халқ тақдирига бефарқ бўлмаган, унинг орзу-армонлари билан яшайдиган кишилар қўлига ўтгач, ишда жиддий ижобий ўзгаришлар юзага келди. Уюшган жиноятчилик, босқинчилик, автомашиналарни олиб қочиш сингари ўнлаб жиноятларнинг пайи қирқилди. Собиқ Иттифоқда авж олган автомашина ўғирлигини оладиган бўлсак, агар 1990-1991 йилларда бир кунда ўртача 154 та жиноят расмий рўйхатга олинган бўлса (рўйхатга тушмаган жиноятларнинг эса саноғи йўқ эди!), айти масалада Президентимиз кўрсатган қатъият туфайли 1992 йилга келиб бир йилнинг ичида бундай бемазагарчиликларга чек қўйилди. Икки йил ичида 6 мингга яқин жиноятчи гуруҳлар, шу жумладан, 500 уюшган жиноятчилик гуруҳи фош этилди<sup>34</sup>.

1990 йил 31 октябрида Президент имзолаган Ўзбекистон ССРнинг "Милиция ходимларини ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтириш тўғрисида"ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 25 октябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг ИИВ тўғрисида"ги 270-сонли қарори бу тадбирларнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилди. Мазкур ҳужжатларнинг қабул қилиниши билан ИИВ фаолиятига доир энг муҳим масалалар ўз ечимини топди. Уларда ички ишлар ходимларининг асосий вазифалари, ҳуқуқ ва бурчлари аниқ кўрсатиб берилди, уларнинг иқтисодий ва ижтимоий муаммоларини ҳал этиш чоралари белгиланди. Ҳар бир мансабдор шахснинг ҳуқуқ ва масъулияти алоҳида кўрсатилиб, вазирликнинг янги структураси тасдиқланди. Энг муҳими - бу тизим фаолиятини молиялаш, ходимларга унвонлар бериш ва лавозимларга тайинлаш республика ихтиёрига олинди. Шу тариқа юртимиз ички ишлар тизими ўз мустақиллигини қўлга киритди.

---

<sup>34</sup> Қаранг: Ижтимоий-сиёсий назария очерклари. - Т.: Ўзбекистон, 1991. - Б. 121-122.

1984-1989 йилларда "Ўзбекистонда социалистик қонунчиликни тиклаш" шиори остида республика барча ҳуқуқ-тартибот идораларига Марказдан минглаб одамлар жунатилган. Бу идоралар орасида шахсий таркиби, ҳаракатланиш ҳудуди ва таъсир кучи нуқтаи назаридан энг йириги ҳисобланган Ўзбекистон ССР ИИВга собиқ Советлар мамлакатидан 150 та ходим келди. Йиллар бўйича қарайдиган бўлсак, 1984 йилда 5 та, 1985 йилда 33 та, 1986 йилда 86 та, 1987 йилда 27 та, 1988 йилда 2 та, 1989 йилда 3 та "осойишталик посбони", бировдан сўраб-сўрамай, Ўзбекистонга "ташриф буюрган". Бу "кутилмаган меҳмонлар"нинг асосий мақсади - социалистик қонунчиликни таъминлаш эмас, балки ўзбек халқини таҳқирлаш эвазига хизмат пиллапояларидан кутарилиш эди<sup>35</sup>.

Ўзбекистон ССР ИИВ таркибида ишлаган шовинистик кайфиятдаги бу кимсалар ўзлари каби прокуратура ва суд тизимига туширилган "десантчи"лар билан тил бириктириб, сиёсат юритишган. Гдлян ва Иванов бошчилигидаги "десант" амалга оширган қонли терговлар қанча-қанча инсонлар, бутун-бутун оилалар бошига чексиз хўрлик, кулфатлар келтирди.

Юртбошимиз Ислон Каримов ўз раҳбарлик фаолиятининг бошиданоқ мамлакатда тартиб ўрнатишга киришди. У Ўзбекистоннинг аввалги раҳбарлари айби билан 80-йиллар охирида кучсизланиб қолган бутун ҳокимиятни мустақамлаш учун қатъий чоралар кўрди: ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар - милиция, давлат хавфсизлик хизматини мустақамлади. Президент мамлакатда вужудга келган аҳволни эътиборга олиб ва республика манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида республика Ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлиги комитетини Ўзбекистон ССРнинг қонуний тасаруфига олиш тўғрисидаги махсус Фармонга 1991 йилнинг 25 августида имзо чекди. Бу Фармон Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимизнинг тўла мустақиллиги йўлида тамал тошини қўйган яна бир тарихий ҳужжат эди.

Ушбу Фармон халқда эртанги кунга ишонч уйғотди. Са-

<sup>35</sup> Азизхўжаев А. Чин ўзбек иши. - Т.: Ўзбекистон, 2011. - Б. 266-277.



баби ўша дамларда жиноятчиликнинг кўпайиб бораётгани, жамиятга қарши кучларнинг вазиятни кескинлаштиришга уринишдан, миллий адоватни кучайтириб, оммавий тартиб-сизликлар келтириб чиқараётганлигидан халқимиз ташвишга тушиб қолган эди. Бунинг оқибатида, халқ қанчадан-қанча моддий ва маънавий зарар кўраётган эди. Ушбу Фармоннинг яна бир хусусияти шундаки, унга кўра, давлатимизнинг, жамиятимизнинг сиёсий-маънавий асосларига қарши ҳар қандай уринишларга чек қўйиш, фуқароларнинг ор-номуси ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, тартиб ва интизомни мустаҳкамлаш, энг муҳими, мустақилликни мустаҳкамлаш борасидаги вазифалар аниқ белгиланган эди.

1991 йил 12 июнда Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг бешинчи сессиясида республиканинг иқтисодий мустақиллик ва бозор иқтисодиётига ўтиш масалалари хусусида нутқ сўзлади.

Юртбошимиз Ислом Каримовнинг ушбу кенгашда сўзлаган нутқида "Ўзбекистон келажакда тенг ҳуқуқли ва суверен давлат сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўладиган кун келишига аминман. Бу — бизнинг қонуний ҳуқуқимиздир, бу халқаро қонунларга асосланган давр талабидир, жафокаш ўзбек халқининг, республикамизда яшовчи барча эрксевар фуқароларнинг истагидир. Ўзбекистон суверен давлатлар Иттифоқига тенг ҳуқуқли давлат сифатида кириши мумкин. Бундан бошқа йўл йўқ. Бундан бошқа йўлни халқимиз рад этади"<sup>36</sup>, деган буюк ва муқаддас ғояни катта минбардан туриб, ўз халқига қатъий ишонч билан эълон қилади.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ўша таҳликали дамларда нафақат Ўзбекистонни жаҳонга олиб чиқиш, балки Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлиш борасидаги чораларни кўриш, тайёргарликни бошлаш масаласини ҳам вазифа этиб белгилаган эди. Чунки Юртбошимиз учун ўша даврдаги энг муҳим масала — ўз халқининг ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш, мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш, Ватан равнақи учун, сармоя учун кафолатлар яратиш эди.

---

<sup>36</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. - Т.: Ўзбекистон, 2011. - Б. 343.

Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат сифатида 1992 йилнинг 2 мартда БМТ аъзолари сафидан жой олди. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Ўзбекистон БМТга аъзо бўлиши ҳақидаги қатъий ишончи рўёбга чиқди. Илгари ўзининг бир томонлама хом ашё етиштиришга йўналтирилган иқтисодиёти, ҳалокатли пахта яккаҳокимлиги авжига чиққан, қолоқ ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаси, жон бошига истеъмол даражаси паст бўлган мамлакатимиз мустақил ривожланиш йилларида янги ва улкан марраларни қўлга киритди, бунинг натижасида унинг қиёфаси тамомила ўзгарди, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллади. Энг муҳими, Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Мингйиллик декларациясида белгиланган мақсадларга эришиш йўлида кенг кўламли ишларни амалга оширди.

Мамлакатимизда барқарорлик ва сармоя учун кафолат масалаларига жиддий эътибор берилаётгани боис мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиётида жами 162 миллиард доллардан зиёд миқдорда инвестиция ўзлаштирилди. Шундан 56 миллиард АҚШ доллари чет эл инвестициясидир.

Ўзбекистонда 1991 йилда ялпи ички маҳсулот таркибида хизмат кўрсатиш соҳаларининг улуши 25,9 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилда бу кўрсаткич 53 фоиздан ошди. 2012-2016 йилларда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти таркибида бу соҳанинг улуши 54-56 фоизга етказилиши мўлжалланмоқда. Саноатнинг улуши 1991 йилдаги 25,4 фоиздан 2000 йилда 14,2 фоизга камайиб, 2013 йилда мамлакатимиз иқтисодиётидаги таркибий ўзгаришлар ҳамда модернизация стратегиясини амалга ошириш натижасида 24,2 фоизга ўсди.

Бугунги кунда аҳолини тоза ичимлик суви ҳамда табиий газ билан таъминлаш даражаси 85 фоизга етди.

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги ва миллий истиқлолга эришуви халқимизнинг буюк тарихий ютуғидир. Мустақиллик - аждодларимиз берган мислсиз қурбонлар эвазига қўлга киритилган улуғ неъмат. "Мустақиллик бизни мустабид ва мафқуралашган тузум кишанларидан озод қилди, ўзбек халқига ўз юртида бошини баланд кўтариб юриш, ўз

маданиятини ва анъаналарини, кадр-қиммати, дини ва эътиқодини, она тили ва маънавиятини қайта тиклаш имкони-ни берди"<sup>37</sup>.

2014 йилнинг июлида Жаҳон банки иқтисодий ривожланиш даражаси бўйича мамлакатларнинг янги рейтингини эълон қилди. Жаҳон банкининг харид қобилияти паритети ҳисобга олинган баҳолаши бўйича бу кўрсаткич Ўзбекистонда 5340 АҚШ долларини ташкил этди. Бу 2010 йилдагига нисбатан 1110 долларга кўп бўлиб, 2004 йилдан буён эса икки баробар ошганини кўрсатади. Ўзбекистон дунёнинг 190 мамлакати орасида 66-ўринни эгаллади. 2010 йилда Ўзбекистон ушбу кўрсаткич бўйича 72-ўринда қайд этилган эди.<sup>38</sup>

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, дунёда, айниқса, ривожланган мамлакатларда давлатнинг ташқи қарзи кўпайиб бораётгани жиддий хавотир туғдираётган бир пайтда, Ўзбекистоннинг ташқи қарзи 2013 йилда ялпи ички маҳсулотнинг 11 фоизидан ошмаганлиги мамлакатни демократлаштириш бўйича ўз тараққиёт моделининг изчил амалга ошаётганидан далолат беради.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда яшаш шарт-шароитлари яратиш устувор вазифа этиб белгиланди. Натижада, 2008 йилда бошланган жаҳон глобал молиявий-иқтисодий инқирози Ўзбекистонга унчалик салбий таъсир ўтказмади. Бу мамлакатимиз иқтисодиётининг ҳар қандай вазиятларга қарши тура олишини кўрсатиб берди.

Мустақиллик йилларида Юртбошимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистон дунё мамлакатлари билан тенглар ичра тенг шериклик қиладиган ишончли, келажаги буюк давлатга айланди.

\* \* \*

Юқорида қайд этилган фикр-мулоҳазалар, тарихий воқеликлар таҳлили асносида қуйидагиларни масала моҳиятига хулоса тарзида тайёрлаш мақсадга мувофиқ бўлар эди. XX асрнинг 80 - йилларида республикадаги мураккаб ва зидди-

<sup>37</sup> Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби. 5-ж. -Т.: Ўзбекистон, 1997. - Б. 104.

<sup>38</sup> "Халқ сўзи" газетаси, 2014 йил 17 июль.



ятли ижтимоий-иқтисодий вазият, офир экологик аҳоли турмуш тугаб бораётган мустабид тузум даврининг машъум мероси сифатида намоён бўлди. Республикалар ва иқтисодий районлар хўжалигининг миллий ўлкалар табиий иқтисодий шароитларини ҳисобга олмай ривожланиши, ўз навбатида, Ўзбекистон ССРни ҳам ягона иқтисодий ҳудуддаги ўрнини белгилаб қўйди. Натижада, Ўзбекистон ССРни ишлаб чиқариш бўйича ихтисослашуви анъанавий тарзда ривож топган қишлоқ хўжалик тармоқлари билан бир қаторда саноатнинг янги тармоқлари - рангли металлургия, газ, кимё саноати, ишлаб чиқариш ихтисослашуви бўйича тармоққа айланган туқимачилик саноати ривожланди. Ихтисослашган бу тармоқларнинг ривожланиши Ўзбекистон ССРни бошқа республикаларнинг асосий таъминотчисига айлантириб қўйди.

Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни бир меъёрга тушириш мақсадида бошлаган ёндашув яққол кўзга ташлана бошлаган эди. Аҳоли турмуш тарзини яхшилаш борасида Ўзбекистонда амалга оширилиши лозим бўлган асосий вазифалар асосий масала сифатида кун тартибига қўйилди. Хусусан, якка тартибдаги ёрдамчи хўжаликлар, уй-жой қурилиши, аҳолига ажратилган томорқаларни кенгайтириш билан боғлиқ бўлган қатор долзарб масалаларни биринчи навбатда ҳал этилиши лозим бўлган масалалар сирасига киритилди. Шу муносабат билан қишлоқ хўжалиги соҳасида озик-овқат дастурини бажариш учун шахсий хўжаликлар сони, уларга ажратиладиган ерлар миқдорини кўпайтириш, уй-жой танқислигини ҳал этиш, кишиларга якка тартибда уй-жой қуриш учун керакли қурилиш материалларини етказиб беришни ташкил этиш, ишсизлик муаммосини ҳал этиш учун хўжаликларда гишт пиширадиган, дурадгорлик ва бошқа тегишли қурилиш материалларини тайёрлайдиган корхоналар қуриш, аёлларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, ижтимоий-сиёсий барқарорлик масалаларини ҳал этиш, ёшларни иш билан таъминлашни тезлаштириш каби масалалар белгиланган эди. Таъкидлаш жоизки, қишлоқ аҳолисининг ўз меҳнат самарадорлигидан бевосита манфаатдор бўлиши, ишлаб чиқаришни интенсив усулда ташкил этиш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга интилиши жаҳон тажрибасида синалган йўл эди. Зеро,

қишлоқда ишлаб чиқаришни такомиллаштириш йўлларидан бири - турли шаклдаги кооперативларни ташкил этиш, яқка тартибдаги меҳнат фаолиятига кенг имкониятлар очиш, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш кабиларни ўз ичига қамраб олар эди.

Айни пайтда XX асрнинг 80-йилларига келиб эса совет давлати "совет халқи" вужудга келганлиги ҳақидаги хаёлий фаразларни тасдиқлаш учун ўзга халқ ва миллат маданиятлари, диний эътиқодлари, уларнинг тарихий-маънавий мероси, қадриятларига қарши мафкуравий курашни юқори поғонага олиб чиқишга ҳаракат қилинди. Бу йилларга келиб ўзбек халқи миллий маданияти, қадриятлари, диний эътиқоди ва қадриятларига нисбатан кескин ва муросасиз кураш бошланди. Шундай вазиятнинг юзага келишида, жумладан, Ўзбекистон собиқ раҳбариятининг масъулиятсиз ва лоқайдларча позицияси ва марказдан юборилган десантчи "кадр"ларнинг фаолияти ҳам тегишли роль ўйнади.

80-йиллар ўрталарига келиб мамлакатда миллатлараро муносабатлар борасида ҳам юзага келган кескинлик натижасида йиллар давомида бу соҳада йиғилиб қолган муаммолар эндиликда ўз аксини намоён эта бошлади. Совет давлати қатағон сиёсати қурбони бўлган кам сонли халқлар тақдирида ушбу масала яққол намоён бўла бошлади. СССР раҳбарияти, ДХҚ ва бошқа тегишли органлар миллий муносабатлар негизида можароларни чиқариб, кўрқув ва даҳшат солиш йўли билан мамлакат парчаланиши олдини олмоқчи бўлдилар. Воқеаларнинг таҳлили миллатлараро муносабатлар борасидаги туқнашув ва фожеаларнинг асл илдизлари анча чуқур ва мураккаб эканлигидан далолат берди. Бағрикенг ва меҳмондўст ўзбек халқи ўз тарихи давомида ҳеч қачон миллий асослардаги фожиа ва қирғинларда қатнашмаган. Аммо, миллий можароларни ташкил этган ташқи кучлар республикадаги оғир ва мураккаб иқтисодий-ижтимоий вазиятдан, устамонлик билан фойдаландилар. Аниқ ишланган сценарий бўйича амалга оширилган можаролар натижасида марказ республикаларга кучли дахл қилиш ва бошқарувни ўз зиммасига олиши, фавқулодда вазиятни жорий қилиши ва ҳарбий кучларни республикага олиб келиниши мустақиллик сари интилаётган ҳаракатларга зарба бериши

лозим эди. Шу пайтдаги республика раҳбарияти эса масалага масъулиятсизлик ва лоқайдлик асносида ёндашиб бораётган жараёнлардан тегишли хулосаларни чиқара олмади. Бу вақтда Ўзбекистон миллий кадрларни қатағон қилиш масканига айланган, минглаб давлат ва партия раҳбарлари, ўрта бўгин раҳбар ходимлар кадрларга ноҳақ жавобгарликка тортилганлар оилалари ҳам бевосита мазкур жараёнларнинг қурбонига айландилар. Шу тариқа XX аср 80-йилларида Ўзбекистонда кечган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар, тарихий меросга бўлган муносабат жиддий ижтимоий, сиёсий синовлардан ўтди. Бу йилларда янги сайланган Ўзбекистон раҳбарияти эндиликда марказ билан ўзаро муносабатларни ўзгартирмай туриб, ижобий силжишларган эришиб бўлмаслигини эътироф этди.

Халқаро меъёрий-ҳуқуқий нормалар, қадриятлар ва демократик принципларга амал қилган ҳолда юзага келган Мустақиллик декларациясидаги вазифалар аста-секинлик билан, лекин мунтазам тарзда амалга ошира бошланди. Гарчи, СССР таркибида бўла туриб, республиканинг миллий равнақи ва ўзига хос тараққиёт йўли бўлиши мумкин бўлма-са-да, янги раҳбарият Ўзбекистон тараққиёти келажагини белгилайдиган асосий омиллар, хусусан, иқтисодиётни кўтариш, ижтимоий ҳаётни янгидан изга солиш, маданий - маънавий ҳаётни юксалтириш, тарихий ҳақиқат, таъқиб остида бўлиб келган урф-одат, анъаналарни қайта тиклаш каби-ларга етарли даражада эътибор қаратди. И.А. Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон раҳбарияти ижтимоий-иқтисодий таназзулдан чиқиш чораларини илк маротаба марказдан мустақил равишда белгилаш йўлини тутди. Табиийки, бундай йўл хом ашё манбаига айланиб қолган республика учун оғир эди. Шунга қарамай, Ўзбекистон РСФСРнинг айрим ҳудудлари, иттифоқдош республикалар билан ҳам мустақил иқтисодий алоқаларни ўрнатишига муваффақ бўлди. Ўзбекистонда иқтисодиётнинг самарали тараққий этишига йўл очилди ҳамда халқ фаровонлигининг ўсишига имконият яратувчи турли кўринишдаги мулкчилик шаклларига рухсат берилди. Натижада мол-мулкни асраш ва уни кўпайтириб бориш учун барча зарурий шарт-шароитлар яратиб берилди, уларнинг барчаси республика номидан чиқарилган қонунлар билан



мустақамланиши билан тартибга солинадиган бўлди. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, бу ҳаракатлар халқ хўжалигини барқарорлаштириш ва бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш орқали вужудга келган мураккаб аҳволдан қутулишнинг амалий йўли эди. Таъкидлаш жоизки, 1989 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб И.А. Каримов бошчилигидаги республика янги раҳбариятининг ҳокимиятга келиши, ушбу раҳбарият томонидан тараққиётнинг янги йўли устувор вазифаларининг белгилаб берилиши, Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий, маънавий ҳаётида бурилиш даврини бошлади.

Ўзбекистоннинг янги раҳбари И.А. Каримовнинг саъй-ҳаракатлари билан мустақилликнинг биринчи тамал тошини қўйган ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши ва коммунистик мафқуранинг яккаҳокимлигига асосланган мафқуравий зўравонлик сиёсатининг тил масаласидаги мағлубияти эса нафақат ўзбек тилининг ривожланиши ва мақомини янада мустақамлаш учун зарур шарт-шароитлар яратди, балки тарихий хотирани тиклаб, Ватан тарихини, шонли ўтмишини билишга интилишни кучайтирди. Шу тариқа ўзликни англаш, маънавий янгиланиш жабҳасига кенг йўл очилди. Бу билан Ўзбекистон раҳбари собиқ иттифоқдош республикалар орасида илк бора ўн йиллаб шаклланган сиёсий тафаккур оламида тўнтариш ясади, сиёсий демагогияга барҳам бериш кераклигини биринчилардан бўлиб айтди. Ўзбекистон раҳбари сифатида ижтимоий-иқтисодий бўҳронлар, маънавий-руҳий парокандаликлар, сиёсий ва ғоявий таназзулларни ҳаммадан олдин кўра билди, катта жасорат билан унга қарши чиқди. Шу тариқа жамиятни тубдан янгилаш ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни қатъий равишда илгари сурди.

## II боб. Мустақил Ўзбекистон давлатининг ташқил топиши

### 2.1. Давлат мустақиллигининг эълон қилиниши ва уни умумхалқ томонидан қўллаб-қувватланиши

Республика раҳбариятининг Ўзбекистоннинг сиёсий суверенитетини таъминлашга қаратилган қатъий позицияси ўтган асрнинг 80-йиллари охиридан бошлаб бир неча марта кун тартибига қўйилди. Ислон Каримов 1990 йилнинг бошларида Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақилликка эришишининг асосий йўллари кўрсатиб: "Сиёсий системани янгилаш масалаларига Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллиги муаммоларидан ажралган ҳолда қараш мумкин эмас. Бизда бундай мустақиллик учун шарт-шароит бор"<sup>1</sup>, деган фикрни билдирди.

1991 йил август ойида Москвада давлат тўнтариши содир этиш учун бўлган ҳаракатлар совет давлатининг тўла инқирозидан далолат берди. Марказ ва республикалар ўртасидаги муносабатлар таранглашиб, марказ бошқарув қобилиятини йўқотган, ҳар бир минтақа, ҳар бир жумҳурият ўз ҳолига ташлаб қўйилган бир шароитда тарихий вазиятни тўғри баҳолай билиш қобилиятига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Олий Кенгаш сессиясини чақириш ва унда Ўзбекистон Мустақиллиги ҳақида Қонун қабул қилиш ташаббуси билан чиқди. Чунки ҳар бир миллий жумҳуриятнинг чинакам тенг ҳуқуқлилиги ва мустақиллиги таъминлангандагина таназулдан чиқиш мумкин эди. Бунинг учун ҳақиқий мустақиллик йўлидаги барча тўсиқлар олиб ташланиши, ҳар бир жумҳурият сўзда эмас, балки амалда тенглар орасида тенг бўлиши лозим эди.

Айни шу мақсадларни кўзлаган Ўзбекистон Олий Кенгашининг XII чақириқ навбатдан ташқари сессияси 1991 йил 31 августда ўз ишини бошлади.

<sup>1</sup> "Совет Ўзбекистони" газетаси, 1990 йил 24 март.

Ўзбекистоннинг мустақил давлат деб эълон қилинишида мазкур сессия муҳим тарихий аҳамият касб этганини алоҳида таъкидлаш лозим. Унда "Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида"ги Қонун<sup>2</sup> кун тартибига қўйилиб, қизгин муҳокама қилинди.

Сессияда Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисида Президент Ислон Каримов маъруза қилди. У ўз нутқида 1991 йил ўрталарида Марказий ҳукумат олиб бораётган ички сиёсатни таҳлил қилар экан, 19 - 21 август кунлари Фавқулотда ҳолат давлат комитети аъзолари республикалар мустақиллигини кишанламоқчи бўлганини халққа рўйи-рост очиб берди. Ўзбекистоннинг ўз йўли ва аниқ мақсади борлиги, халқ манфаатига мос бу йўлдан қайтмаслигини таъкидлади.

Шунингдек, Ислон Каримов маърузада мустақил давлатлар мақомига тўхталиб, «Бўлажак мустақил давлатлар... эркин, мустақил ва тенг ҳуқуқли бўлиб қолишлари, ўзларининг миллий давлат тузиш, ташқи бозорга чиқиш, ўзи маъқул топган барча мамлакатлар билан халқаро муносабат ўрнатиш, дипломатик ва консуллик алоқалари масалаларини мустақил ҳал этишлари керак. Яна таъкидлаб айтаман, бу ҳеч кимнинг буйруғисиз ва аралашувисиз мустақил амалга оширилиши керак. Мана шу шароитга, сабабларга асосланиб, халқимиз хоҳиш-иродасини бажо келтириб, Олий Кенгаш диққатига фақат бир масалани қўймоқчиман: Ўзбекистоннинг мустақиллиги ҳақидаги қонунни муҳокама этиш ва уни қабул қилишни таклиф этаман. Бу қонунда қадимий ва янгиладан янги диёримизда истиқомат қилаётган барча кишиларнинг хоҳиш-иродаси ўз ифодасини топган. Халқимизнинг бу эзгу хоҳиш-иродаси биз учун муқаддасдир»<sup>3</sup>, - деган фикрни билдирди.

Мамлакат Президенти томонидан қабул қилинган яна бир муҳим ҳужжат - 1991 йил 29 августдаги "КПССнинг Ўзбекистон ССР ҳудудидаги мулки тўғрисида"ги Қарор ҳисобланади. Ушбу Қарорда Совет Иттифоқи Коммунистик

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1991, 11-сон, 246-модда.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг нашри. Хабарнома, 1992, 3-сон. - Б. 9.



партиясининг Ўзбекистон ССР ҳудудидаги бутун мулки республика мулки, яъни умумхалқ мулки деб эълон қилинди.

Мана шу оламшумул ишлар ва қабул қилинган ҳужжатлардан келиб чиқиб таъкидлаш мумкинки, халқ ва фуқаро эрку озодлигининг тарафдори ва жонкуяри бўлган Президент Ислоҳ Каримов миллий мустақилликнинг забардаст ижодкори бўлиб қолди. Бу халқимиз асрий орзулари ушалишини ўз зиммасига олган халоскорнинг сиёсий чигал вазиятда тарих саҳнасига чиқиши эди. Бу вазиятлар оқилона, вазминлик билан, энг муҳими — эртанги кунни кўзлаб амалга оширилди ва изчил ислоҳотлар ёрдамида ўз ечимини топа борди.

Олий Кенгашнинг 1991 йил август ойида бўлиб ўтган ўн иккинчи чақириқ олтинчи сессиясида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини эълон қилди. 1 сентябрь республикада Мустақиллик куни, умумхалқ байрами сифатида нишонланадиган бўлди. Айнан шу куни мустақиллигимизнинг ҳуқуқий асоси, 17 моддадан иборат "Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида"ги тарихий Қонун<sup>4</sup> қабул қилинди.

Ушбу Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимиз тақдирида туб бурилиш ясади. Зеро, ушбу Қонун мамлакатимизнинг ички ва ташқи муносабатларида мустақил сиёсат юритишни белгилаб берувчи энг асосий, энг муҳим, айтиш мумкин бўлса, мустақил давлатчилик асосларини барпо этган ҳуқуқий ҳужжат бўлди.

Мазкур Қонуннинг 2-моддасида: "Ўзбекистон Республикасининг халқи суверендир ва у республикада давлат ҳокимиятининг бирдан-бир соҳибидир. У ўз ҳокимиятини ҳам бевосита, ҳам вакиллик идоралари тизими орқали амалга оширади", деб белгиланди. Унинг 5-моддасида эса Конституция ва қонуннинг устунлиги ҳамда давлат ҳокимияти ваколатларининг тақсимланиши каби қоидалар мустаҳкамланди.

Эришилган буюк тарихий ғалабани мустаҳкамлаш мақсадида, 1991 йил 8 ноябрда Олий Кенгаш VIII сессияси Ўзбекистон Рес-

---

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашнинг Ахборотномаси. 1991, 11-сон, 246-модда.

публикаси референдумини ўтказиш туғрисида қарор қабул қилди<sup>5</sup>. Унга мувофиқ, 1991 йили 29 декабрда "Сиз Олий Кенгаш томонидан Ўзбекистон Республикасини мустақил давлат деб эълон қилинишини маъқуллайсизми?" мавзуида референдум ўтказишга катта тайёргарлик кўрилди. Референдумни уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида Марказий сайлов комиссияси томонидан 13 та округ, 7 мингта участка сайлов комиссиялари тузилди. Улар жойларда референдум ўтказиш ҳақидаги қарорнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш борасида катта ташкилотчилик ишларини олиб бордилар. Умумҳалқ референдумида 9 миллион 898 минг 707 киши ёки сайлов рўйхатига киритилганларнинг 94,1 фоизи қатнашди. Ўзбекистон Республикасининг мустақил давлат деб эълон қилинишини ёқлаб 9 миллион 718 минг 155 киши ёки референдумда қатнашганларнинг 98,2 фоизи овоз берди.

Ўзбекистоннинг мустақил республика деб эълон қилиниши нафақат мамлакат халқи, балки жаҳон жамоатчилиги томонидан ҳам қизғин кутиб олинди. Мустақилликнинг дастлабки кунларида Ўзбекистон Республикаси Президенти номига Америка Қўшма Штатларининг ўша пайтдаги Президенти Жорж Буш номидан телеграмма келди. Унда шундай дейилган эди: "Қадрли жаноб Президент. СССР тарқатилгандан сўнг, Сизнинг мамлакатингизда юз берган тарихий ўзгаришлар муносабати билан шуни маълум қилиш менга қониқиш берадики, Америка Қўшма Штатлари Ҳукумати Ўзбекистонни мустақил давлат сифатида тан олди"<sup>6</sup>.

Швеция Бош вазири Карл Билодт ўз телеграммасида: "Швеция ҳукумати номидан Швеция ҳукумати Ўзбекистон Республикасини суверен ва мустақил давлат сифатида тан олиш ҳақида қарор қилганлигини маълум қилишдан бахтиёрман. Шу муносабат билан Швеция ҳукумати номидан Ўзбекистон халқига эзгу ишларида муваффақиятлар тилайман"<sup>7</sup>, - деган истаклар билдирди.

Ўзбекистон мустақил давлат деб эълон қилинган кунда-ноқ мустақил давлатнинг рамзларини жорий қилиш юзаси-

---

<sup>5</sup> Ўзбекистон мустақил давлатининг туғилиши. - Т.: Ўзбекистон, 1992. - Б. 11.

<sup>6</sup> Ўша манба. -Б. 64

<sup>7</sup> Ўша жойда -Б. 66.

дан амалий чоралар кўрилди. Аввал, Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида, Давлат гербининг нусхаси ва Давлат мадҳиясининг мусиқий баёни ҳақида махсус қарор қабул қилинди. Унда Конституция комиссиясининг эксперт гуруҳи зиммасига Давлат байроғининг вариантлари устида ишлашни давом эттириш, Олий Кенгашнинг тегишли қўмиталарига Конституция комиссияси ижодий гуруҳи билан ҳамкорликда Давлат байроғи, мадҳияси ҳақида қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиб, навбатдаги сессияга тақдим этиш вазифаси топширилди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида давлат бошқарувининг янги, замонавий ва самарали тизими - бошқарувнинг Президентлик шакли жорий этилди.

Президентни сайлаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуни билан белгиланди<sup>8</sup>. Унда бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ Ўзбекистон Республикасининг Президенти бўлиши мумкин эмаслиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат қурилиши соҳасидаги тажрибасидан унумли фойдаланиш мақсадида ваколати тугаши муносабати билан истеъфога чиққан Президент умрбод Конституциявий суд аъзоси лавозимини эгаллаши кўзда тутилди.

Халқимиз узоқ йиллик мустамлакачиликдан сўнг том маънодаги мустақиллик рамзи сифатида биринчи бор 1991 йил 29 декабрда умумхалқ хоҳиш-иродаси билан мустақил Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлади. Бу тарихий воқеа жуда катта меҳнат, сиёсий фаоллик, миллий бирдамлик, ғоялар ва мақсадлар муштараклиги маҳсули бўлди. Ушбу шарафли иш Марказий сайлов комиссияси, 13 та сайлов округи ва 7 мингта участка сайлов комиссияси томонидан амалга оширилди. Асосий вазифа "Ўзбекистон Республикаси референдуми тўғрисида"ги ва "Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш ҳақида"ги қонунлар талабла-

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1992, 1-сон, 34-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1998 й, 3-сон, 38-модда; 1999, 9-сон, 206-модда; 2000, 5-6-сон, 153-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004, 51-сон, 514-модда; 2008, 52-сон, 510-модда.



рини амалга ошириш, бир томондан, миллионлаб фуқароларга ўз конституциявий ҳуқуқидан фойдаланишга, хоҳиш-иродасини эркин билдиришга, иккинчи томондан, президентликка номзодларга уларнинг сайловолди курашида тенг шароит яратиб беришдан иборат эди.

Марказий сайлов комиссияси референдум ва сайловга тайёргарлик жараёнида, энг аввало, сайловга доир барча хужжатларни марказлаштирилган ҳолда тайёрлаш ва жойларга ўз вақтида етказиш чораларини кўрди. Бу вазифа муваффақиятли ҳал этилди. Хусусан, референдум ва Президент сайловига доир бюллетенлар барча сайловчиларга етadиган миқдорда - ўн бир миллион нусхада чоп этилди.

Президентликка номзодлар ҳар бирининг сайловолди дастурлари акс эттирилган 301 минг нусхадан иборат плакат, номзодлар ҳар бирининг 40 минг нусхадан иборат сайловчиларга мурожаатномалари чоп этилди<sup>9</sup>.

Марказий сайлов комиссияси сайловолди кампаниясида номзодлар учун тенг шароит яратиш, уларга ўз сайловолди дастурларини оммавий ахборот воситаларида эълон қилишга бир хил имкон яратиш масалаларига "Президент сайлови ҳақида"ги Қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда алоҳида эътибор берди.

Умумхалқ Президент сайлови мамлакат тарихида илк бор ўтаётгани, сайловчиларимизда ҳали етарли тажриба ва кўникма йўқлигини инобатга олиб, уни уюшқоқлик билан, кўтаринки руҳда ўтказиш мақсадида тадбирга фаоллар кенг кўламда жалб қилинди. Сайлов комиссиялари ишида 75 мингдан зиёд киши қатнашди. Сайлов комиссияларига ёрдам тариқасида Олий Кенгаш ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари самарали фаолият кўрсатди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови муқобиллик асосида ўтди. Олий лавозимга икки номзод - Ўзбекистон Халқ демократик партияси ва Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерацияси номзоди Ислон Каримов ва "Эрк" демократик партияси вакили Салой Мадаминов (Муҳаммад Солиҳ) номзоди қўйилди.

---

<sup>9</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи // Тузувчилар: Н.Жўраев, Т.Файзуллаев. -Т.: Шарқ, 2000. - Б. 42.

Сайлов якунига кўра, 8 миллион 514 минг 136 овоз ёки овоз беришда қатнашганларнинг 86 фоизи Ислом Каримов номзодини, 1 миллион 220 минг 474 сайловчи (12,3 фоиз) Салой Мадаминов номзодини ёқлаб овоз берди<sup>10</sup>.

Марказий сайлов комиссияси округ комиссиялари мажлис баёнларини кўриб чиқиб, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 35-моддасига асосан Ислом Абдуғаниевич Каримовни Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланган, деб ҳисоблаш ҳақида қарор қилди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, республиканинг барча ҳудудида сайлов уюшқоқлик билан, қонунларга қатъий амал қилингани ҳолда сайловчиларнинг юксак фаоллигида ўтди. Сайлов пухта ташкил этилгани, унинг ўтказилиши ва натижаларини ҳисоблаб чиқиш қонун асосида адолатли ташкил этилгани МДХ мамлакатлари, шунингдек, АҚШ, Туркия, Малайзия ҳамда бир қатор халқаро ташкилотлардан келган бетараф кузатувчилар томонидан эътироф этилди.

Сайлов натижалари ўзбек халқининг мустақил тараққиёт ва ривожланиш йўлида кўлга киритган барча ютуқлари Ислом Каримов шахси, унинг доно сиёсати, ташаббускорлиги ва фидойилиги билан боғлиқлигининг яққол далили эди.

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгач, халқаро талаблар ва меъёрлар доирасида ўз қиёфасини намоён этмоғи, учун мавжуд имкониятлари, ўзига хос жиҳатларини ифодаловчи давлат рамзларига эга бўлмоғи лозим эди. Одатда, рамзлар шунчаки ранглар йиғиндисидан иборат шакллар бўлмаслиги, балки улар айнан шу давлат ва шу мамлакат фуқароларининг ўзлигидан келиб чиқмоғи, қолаверса, давлат сиёсатининг мазмун-моҳиятини ўзида мужассам этмоғи керак.

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг дастлабки кунларида-ноқ ана шу муҳим сиёсий ҳодисага алоҳида эътибор билан қаради. Чунки жуда қисқа фурсатда ўз мустақиллигини қонун билан мустаҳкамлаб, унинг жаҳон ҳамжамиятида тан олинishi, шундай мамлакат борлиги эътироф этилишига эришиш осон иш эмас эди. Бир қатор ёш мустақил мамлакатларда турли сиёсий қарашлар жазавага тушиб, фикрлар чу-

---

<sup>10</sup> Уша манба.- Б. 43.

валашиб, "калаванинг учи топилмай қолган" бир пайтда Ўзбекистон ўзининг истиқболига қатъий ишонч билан қаради.

1992 йил 9 декабрь куни давлат ҳокимиятининг конституциявий асослари бузилмаслигига асосланиб ҳамда халқ қонуний тарзда сайлаган ҳокимият идораларига қарши қаратилган фаолиятга йўл қўйиб бўлмайди деб ҳисоблаб, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ўзбекистон Республикасининг "Ҳокимиятнинг конституциявий идораларини қўриқлаш тўғрисида" Қонун қабул қилди.<sup>11</sup> Қонунга биноан, "Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясида ҳамда улар асосида қабул қилинган қонунларда белгилаб берилган ҳокимият конституциявий идораларининг ваколатларини ўзлаштиришга ҳеч ким ҳақли эмас.

Ҳокимият конституциявий идораларининг фаолиятини тўхтатиб туриш ёки тугатиш ёхуд Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясида кўзда тутилган тартибдан фарқли ўлароқ тарзда ҳокимият тузилмаларини тузиш Конституцияга хилоф ҳисобланади ҳамда қонунга биноан жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

Ҳокимият конституциявий идораларининг ваколатларини ўзлаштириб олган идоралар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан тарқатиб юборилиши лозим".

Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотлар натижасини, давлатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори, жаҳон тараққиётига қўшаётган муносиб ҳиссасини бугун мамлакат фуқаролари ҳам, хориждаги сиёсатдонлар ва давлат арбоблари ҳам тан олмоқдалар.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг кун тартибида ҳуқуқий демократик давлат қуриш, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий соҳада туб ислохотларни амалга ошириш, уларни қонун билан мустаҳкамлайдиган ҳуқуқий тизимни вужудга келтириш вазифаси турар эди. Чунки собиқ тузумга хос ижтимоий муносабатлар ва жараёнлар эндиликда республикада барпо қилинажак янги жамият манфаатларига

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1993, 1-сон, 9-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1995, 6-сон, 121-модда; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2004, 51-сон, 514-модда.



мос келмас эди. Мулкчилик, мулкка эгалик ва уни бошқариш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, бозор механизми, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини нормал изга солиш ана шундай жиддий янгилашниларни тақозо этар эди.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, жаҳонда ҳамма мамлакат учун мос бўлган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тамойиллари, барча учун тавсия этиш мумкин бўлган тайёр андозалар йўқ. Шу билан бирга, ривожланишнинг маданий, маърифий, тарихий жиҳатдан асрлар мобайнида шаклланган анъаналари мавжуд бўлган Ўзбекистондай қадимий маконда ўзига хос йўл танлаш учун анча-мунча изланиш, бироқ вақтни бой бермай, тезкорлик билан иш тутиш лозим эди. Шунинг учун ҳам, Президент таъбири билан айтганда, "мустақил Ўзбекистон туғилган кунидан оёққа туришга, ўзи юришга мажбур эди"<sup>12</sup>.

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки куниданоқ, "Жаҳон ва ўзимизнинг амалиётимиздан олинган барча унумли тажрибани рад этмаган ҳолда ўз ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий тараққиёт йўлини танлаб олишга киришди"<sup>13</sup>.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўлини ишлаб чиқар экан, ўтмишдан, собиқ совет тузумидан мерос бўлиб қолган тажрибадан сабоқ чиқарди. Айни чоғда, 1990 йиллар бошида, яъни мустақил тараққиётнинг дастлабки йилида амалга оширилган янгилашниш жараёнларини чуқур таҳлил қилди. Шу асосда сохта инқилобий сакрашларсиз, фожиали оқибатларсиз ва кучли ижтимоий ларзаларсиз, эволюцион йўл билан нормал, маданиятли тараққиётга ўтиш танлаб олинган йўлнинг асосий мазмун-моҳиятидир, деган хулосага келди.

Ўзбекистоннинг чинакам мустақиллигини таъминлаш йўларини ишлаб чиқишда, аввало, республикани ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари ва шарт-шароитлари ҳисобга олинди. Шунинг учун ҳам Ислом Каримов 1992 йил 2 июлда Ўзбекистон Олий Кенгашининг X сессиясида "Истиқлол йўллари ва муаммолари" мавзусида нутқ сўзлар экан, "Биз ижтимоий тараққиёт ва янгилашниш борасида ўз йўли-

---

<sup>12</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-ж. -Т.: Ўзбекистон, 1996. - Б. 4.

<sup>13</sup> Ўша манба - Б. 40.

миз бор, деб эълон қилдик. Бозор иқтисодиётига ўтар эканмиз, миллий-тарихий турмуш тарзимизни, халқимиз урф-одатларини, анъаналаримизни, кишиларнинг фикрлаш тарзини ҳисобга оламиз»<sup>14</sup>, дея туб ислохотларни амалга ошириш борасида дастлабки тамойилни белгилаб берди.

Хулоса сифатида таъкидлаш мумкинки, Давлат мустақиллиги осмондан тушган инъом эмас, балки бутун халқнинг, миллионларнинг узоқ йиллик интилиши, кураши туфайли қўлга киритилган буюк ғалабадир. Унинг натижасида:

биринчидан, Ўзбек халқи ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга бўлди, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир соҳиби, эгаси, хўжайини бўлиб қолди;

иккинчидан, Ўзбекистон мустақиллиги республикада адолатли, демократик, инсонпарвар жамият қуриш учун йўл очиб берди, ўз миллий давлатчилигимизни барпо қилишга имконият яратди;

учинчидан, мустақиллик туфайли Ўзбекистон халқаро миқёсда ўзини танитиш, айни чоғда, халқаро ҳуқуқ меъёрлари асосида жаҳондаги барча давлатлар билан тенг ҳамкорлик қилиш имкониятини қўлга киритди. Жаҳон харитасида Ўзбекистон янги, ёш мустақил давлат сифатида ўз ўрнига эга бўлди;

тўртинчидан, иқтисодиётда туб ўзгаришлар қилиш учун имконият яратилди, яъни жаҳон амалиёти исботлаган бозор иқтисодиётига ўтиш учун шароит барпо этилди. Мулкка муносабат тубдан ўзгариб, жамиятда янги мулкдорлар синфини шакллантириш учун имкон вужудга келди;

бешинчидан, мустақиллик халқнинг маънавий уйғониши учун тўла имконият берди. Юрт тарихи, қадимий маданият тиклана бошлади. Халқнинг азалий урф-одатлари, маънавий қадриятлари қайтариб берилди. Динга муносабат мутлақо ижобий томонга ўзгарди.

## **2.2. Ислom Каримов - миллий давлатчилик асосчиси ва Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президенти**

Ислom Каримов республика раҳбарлигига сайланиши биланоқ, Марказ билан ўзига хос, яъни тенг муносабатга

<sup>14</sup> Ўша манба. - Б. 18.

киришди, "миллат манфаатига кўпроқ ён босгани, республика ички ҳаётидаги вазиятга чуқурроқ кириб боргани сарин КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросида ҳам, СССР Олий Кенгаши ва Иттифоқ идораларида ҳам унга нисбатан муносабат кескинлаша бошлади. Қатор марказий нашрларда Ўзбекистон ва унинг раҳбариятига нисбатан ивгогарликлар уюштирилди. Бундай оғир, зиддиятли бир шароитда ишлаш республика раҳбаридан кучли асаб, ниҳоятда вазминлик, пўлатдек мустаҳкам иродани талаб этарди"<sup>15</sup>.

Тарихдан маълумки, ўша пайтда мавжуд жараёнларни чуқур ўрганмай, таҳлил этиб улгурмай туриб, "Бирлик" халқ ҳаракати ва "Эрк" демократик партияси вакиллари "Каримов ўз позициясини эълон қилмаяпти. Унинг аниқ дастури йўқ", деб таъна тошларини отиб, турли митингбозликларда очиқдан-очиқ ҳужумга ўтдилар. Ислоҳ Каримов уларнинг фикрларини эшитиш, ижобий хулосалар чиқариш, халқ ва республика манфаати учун ҳар қандай ивгогарликлар, тазйиқлару зўравонликлар, қолаверса, мақтовлару хушомадгўйликларга бир хилда муносабатда бўлиш, фақат ақл-идроқка таяниб иш тутиш зарурлигини бир сония ҳам унутмади.

1989-1991 йилларда Ислоҳ Каримов ўз танлаган тараққиёт йўлининг тўғрилигига қатъий ишонди ва миллионлаб юртдошларимизни бунга ишонтира олди.

XX асрнинг 80-йиллар охири ва 90-йиллар бошларидаги таҳликали пайтларни ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий нуқтаи назардан чуқур таҳлил қилган Президент Ислоҳ Каримовнинг қатъий, ҳал қилувчи позицияси қуйидагилардан иборат:

Янгилик билан эскилик ўртасида ҳамма вақт кескин курашлар, зиддиятлар ва қарама-қаршиликлар бўлган. Ҳаётда эса кўпинча янгиликдан кўра эскилик, яхшиликдан кўра ёмонлик, эзгуликдан кўра ёвузлик яшовчан бўлади?! Ана шу ҳаётий фалсафадан келиб чиқиб, турмуш тарзига айланган ва кундалик ҳаёт қобифида ўралиб қолган муте қарашларни ўзгартириш осон иш эмас эди?!

Юрт мустақиллиги учун курашаётган етук сиёсатчидан

---

<sup>15</sup> Жўраев Н. Агар огоҳ сен... - Т.: Ёзувчи, 1997. - Б. 34.



ниҳоятда кучли ирода, мустаҳкам асаб, сабот ва матонат талаб этиларди. Бу интиҳосиз изтироблар жараёнида ҳаётининг ҳар дақиқасини эътиқод ва ғоя учун қурбон қилишдек фидойилик ва олий даражадаги шахсий қатъият мустаҳкам фазилат зарур эди!

Жамият ва одамлар ҳаётида юз берадиган туб бурилишлар пайтида етакчи маънавий-руҳий кечинмалар қуршовида қолади. Ўзбекистон ана шундай жараённи бошидан кечирмоқда. Мустақиллик - янгилик билан эскилик ўртасидаги жарликни тўлдириш, яъни аста-секинлик билан одамлар сиёсий онги ва дунёқарashiда, тафаккурида бурилиш яшаш афзалликларини шакллантириш демак.

Давлат ва сиёсат арбоблари турли сиёсий гуруҳлар - мухолифлар ҳаракатлари билан бирга, бир-бирига зид қарашлар ва ғояларни енгиб ўтиши, халқимиз онги ва қалбида беқиёс янгиланишни амалга ошириши - жамият ҳаётида жиддий сифат ўзгаришлар - истиқболга олиб келди

Инсоният тарихи турли даврларда, ҳар хил шаклларда уйғониш ҳодисасини бошидан кечирган. Бир неча асрлик мустамлакачиликдан сўнг ёхуд миллий таназзул изтиробларидан кейин шундай ҳодисалар юз берадики, одамлар ўзларини англай бошлайдилар. Фикрий мудроқликка чек қўядилар. Ҳаётни, олам ранг-баранглигини ўзлаштирадилар. Тафаккур қудрати билан яшашга эҳтиёж сезадилар. Ва бунинг оқибат-натижаси - Мустақилликдир<sup>16</sup>.

Шундай қилиб, миллий давлатчилик масаласи Президент Ислом Каримовнинг фаолиятидаги бош сиёсий масала эди.

1992 йил 8 декабрда Президент Ислом Каримов раҳбарлигида қабул қилинган Асосий Қонунимиз — мустақил давлат Конституциясининг муқаддимасида шундай дейилади: «Ўзбекистон халқи:

инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб,

ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятини англаган ҳолда,

ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таяниб,

---

<sup>16</sup> Муаллифларнинг Юртбошимиз асарлари асосидаги умумлашмаси.

демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини намоён қилиб,

ҳалқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда,

республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиб,

инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаб,

фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсадида,

ўзининг мухтор вакиллари сиймосида Ўзбекистон Республикасининг мазкур Конституциясини қабул қилади».

Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритган вақтдан бошлаб, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш йўлини танлаб олган ҳолда мазкур йўналишнинг ҳуқуқий асосини яратиш ва фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлаш борасида катта ишлар олиб бормоқда.

Асосий Қонунимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари қафолатланди. Унинг 43-моддасида белгиланганидек, "Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди". Юртдошларимиз ҳуқуқ ва эркинликларининг бундай юксак даражада белгиланиши 1948 йилда қабул қилинган "Инсон ҳуқуқларининг умумжаҳон декларацияси" руҳига тўла мос келди.

Шунингдек, мустақил Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг жаҳон андозасига тўғри келишининг ўзи катта ютуқ эди. Юртимизнинг истиқлолга эришгани қанчалик улкан сиёсий воқеа бўлса, энди унинг тараққиётида Конституция ҳам шу қадар муҳим ўрин тутди. Мамлакат равнақи, барча соҳалар ривожининг ҳуқуқий асосини ташкил этаркан, уларнинг қанчалик адолатли, ҳаққоний, ҳуқуқий жиҳатдан мукамал эканлиги ҳам Бош Қомусимизда ўз ифодасини топган. Зотан, Конституция миллий давлат ривожига беқиёс роль ўйнайди.

Шуни таъкидлаш керакки, давлатнинг демократик таъмоиллари универсал бўлиб, АҚШ, Россия, Хитой ёки Германияда қандай бўлса, бизда ҳам шундай бўлиши керак, деб тушуниш тўғри бўлмайди. Яъни, уни вужудга келтирадиган, шакллантирадиган ижтимоий-иқтисодий, маънавий-

сий, тарихий-ҳуқуқий, географик, геостратегик шарт-шароитлар ўзига хос хусусиятларига эга бўлиб, турли халқлар ва давлатлар ҳар хил даражада ривожланиш жараёнини бошидан кечиради. Демак, ривожланиш жараёнлари миллат руҳиятидан келиб чиқади. Мамлакатнинг, аҳолининг ривожланиш тенденциялари миллий давлатнинг демократик жараёнларини белгилаб беради.

Миллий давлатчилигимизнинг демократик принциплари Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда. Юртбошимизнинг: "Истиқлол биз учун тараққиётнинг бутунлай янги, кенг уфқларини очди. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан яратадиган бўлдик. Ҳаётимиз ва умумий хонадонимизни миллий манфаат ва қадриятларимизни умумэтироф этилган демократик мезонларга монанд қилиб қуришдек ноёб тарихий имкониятга эга бўлдик",<sup>17</sup> деган фикрлари миллий давлатчиликнинг ривожланиш тамойилларини белгилайди.

Ўтган давр мобайнида миллий давлатчиликнинг ривожланиш жараёни бутунлай ижобий томонга ўзгарди. Шубҳасиз, ҳуқуқий давлатнинг энг асосий тамойили - қонун устуворлиги таъминланди. Шу билан бирга, инсон ҳуқуқлари умуммажбурий бўлишини таъминлашда ҳуқуқий давлат асоси - ҳокимиятлар бўлинишининг конституциявий принципи муҳим аҳамиятга эга бўлди. Чунки давлат ҳокимияти турли органлар ваколатлари бўлинишига нисбатан инсон ҳуқуқларининг институционал кафолатларини яратади.

Президент Ислом Каримов қайд этганидек: "Ўзбекистон Республикаси миллий давлат қурилмасида ҳокимият учга ажратилади - қонунчилик, ижрочилик ва суд ҳокимиятига"<sup>18</sup>. Бу фикр Конституциянинг 11-моддасида ўз аксини топган: "Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципитига асосланади"<sup>19</sup>. Яъни: "Ҳокимиятлар бўлинишининг конституциявий тамойили давлат ҳокимиятини ташкил этиш ва амалга оширишда бир-бирини тийиб туриш ва мувозанатни сақлаш механизмнинг ўрна-

<sup>17</sup> "Халқ сўзи" газетаси. 1994 йил 30 август.

<sup>18</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-ж. -Т.: Ўзбекистон, 1996. -Б.15.

<sup>19</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон. 2012. - Б. 5.



тилишини назарда тутади, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органларининг мустақил фаолият кўрсатиши ва ҳамкорликда ишлашини таъминлайди. Шу сабабли, давлат авторитар ва тоталитар интилишларнинг ривожланишига қаршилик қиладиган жамиятда барқарорликни, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлайдиган зарурий ҳуқуқий кафолатлар юзага келади"<sup>20</sup>.

Миллий давлатимиз ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари, пировард натижада, Ўзбекистонда янги ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этишга қаратилган. Демократиянинг муросачилик ва яқдиллик маданияти давлат ички ҳаётида ҳам, ташқи сиёсатида ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Жумладан, жамият фуқаролари ўртасидаги муносабатлар қанчалик самимий ва илиқ бўлса, умумхалқ ва умумдавлат манфаатлари йўлида бирлашиб, муаммоларни ҳал этишда оқилона фаолият кўрсатса, барча учун умумий вазифалар олдида масъулият чуқур ҳис қилинса, бу, аввало, демократиянинг мамлакат ички ҳаётидаги маданиятини белгилайди.

Тўғри ва ҳақиқий бунёдкорлик ғоясини фақат миллий давлатнинг демократик қарашлари орқали амалга ошириш мумкин. Ҳозирги даврда жаҳон давлатлари эришаётган ютуқлардан орқада қолмаслик, замонавий технологияларни эгаллаб, уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш учун изланиш, янги-янги ихтиролар қилишга қодир бўлиш, мустақилликни мустақамлаш ва уни ривожлантириш – миллий давлатимиз тараққиётининг муҳим йўналишларини ташкил этади. Ўзлигини англаган халқ мустақилликка, ўз тақдирига, фарзандларининг келажагига истиқбол кўзи билан қарайди. Жаҳонда ўзига хос ўринга ва нуфузга эга бўлаётган Ўзбекистон давлати ана шундай миллий демократик йўлдан бормоқда.

Умуман олганда, давлат ва миллий давлатчилик масалалари ҳозирги глобаллашув даврида, айниқса, долзарб аҳамият касб этмоқда. Президент Ислам Каримов асос солган миллий давлатчилигимиз бундан кейин ҳам узоқни кўзлаган дастур асосида равнақ топаверади.

---

<sup>20</sup> Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"ни ўрганиш бўйича маъруза матни. - Т.: Адолат. 2011. - Б.8.

### 2.3. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва давлат рамзларининг қабул қилиниши

Конституция энг олий қонун сифатида Ўзбекистоннинг мустақиллиги ва суверен ҳуқуқларини мустаҳкамлаш ҳамда амалда таъминлашнинг ҳуқуқий негизи бўлиб хизмат қилади. Республиканинг жамият ва давлат қурилиши, унинг иқтисодий ва сиёсий тизимининг асосий тартиб-қоидалари, фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинлик ва бурчлари, давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг миллий-давлат ва маъмурий-худудий тузилиши, давлатнинг ички ва ташқи сиёсати масалаларига оид барча вазифалар Конституцияда ўз ифодасини топган.

1990 йил 24 мартда бўлиб ўтган ўн иккинчи чакириқ Ўзбекистон Олий Кенгашининг биринчи сессиясида "Ўзбекистон ССРда Президентлик лавозимининг таъсис этилиши ва Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" Қонун қабул қилиниши, Олий Кенгашнинг қарори билан Ислон Абдуганиевич Каримов Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти этиб сайланиши сиёсий ислохотларни чуқурлаштириш, конституциявий қурилишни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва ҳавфсизлигини таъминлаш, юқори давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг ўзаро алоқаларини такомиллаштириш учун имконият яратди. Давлатимиз бошлиғи томонидан янги Конституцияни ишлаб чиқиш зарурлиги ҳақидаги гоё ҳам илк бор ушбу сессиясида илгари сурилди.

Ўзбекистон Олий Кенгашининг 1990 йил 20 июнда бўлиб ўтган иккинчи сессиясида қабул қилинган Қарорга асосан, Республика Президенти Ислон Каримов раислигида 64 кишидан иборат Конституция комиссияси тузилди. Комиссия таркибига давлат идоралари ва жамоат ташкилотларининг таниқли арбоблари, халқ депутатлари ва фан вакиллари киритилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 2 июлдаги Қарори билан Конституция комиссияси таркиби қисман ўзгарди.

Конституция лойиҳаси устида олиб бориладиган иш мутлақо янги, аҳамияти жиҳатидан оламшумул мустақил дав-

латнинг дастлабки Конституциясини яратишдан иборат эди. Шу боис Конституция комиссиясининг зиммасига ўта масъулиятли ҳамда шарафли вазифа юкланган эди.

Амалда Конституция устида ишлаш Конституция комиссияси ташкил этилишидан анча илгари бошланган эди. Конституция комиссиясининг биринчи мажлиси 1991 йил 21 апрелда бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Конституцияси лойиҳасини ишлаб чиқишга оид барча тайёргарлик ишларини мувофиқлаштириш мақсадида комиссия аъзолари, шунингдек, етакчи олимлар ва мутахассислар иштирокида 32 кишидан иборат ишчи гуруҳи тузилди. Ўзбекистон Конституциявий назорат комиссиясининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги Ш.З.Ўразаев гуруҳ раҳбари этиб тасдиқланди.

1991 йил август ойида Конституция комиссиясининг раиси Ислом Каримов комиссиянинг ялпи мажлисида "Ўзбекистоннинг янги Конституцияси концепциясининг лойиҳаси тўғрисида" маъруза қилиб, ишчи гуруҳ олдида қўйилган вазифаларни бажаришда жаҳон тажрибасини ўрганиш ва унга амал қилиш, бошқа мамлакатларнинг инсон ҳуқуқлари борасида, демократия ва қонунчилик соҳасида қўлга киритган ютуқларини ҳисобга олиш, кишилар дилига яқин ва уларга тушунарли бўлган иборалар воситасида сиёсий ва юридик ҳужжат яратишга ҳаракат қилиш лозимлигини таъкидлаб ўтди. Конституция комиссиясининг раиси комиссия ишининг дастлабки кунларидан бошлаб Конституциянинг лойиҳасини тайёрлаш ишига бевосита раҳбарлик қилиб турди.

Конституция комиссиясининг аъзоси академик Ш.З.Ўразаев шундай хотирлайди: "Президентимиз шундоқ ҳам жуда тақчил вақтидан фурсат ажратиб, Конституция лойиҳасини тайёрлаш бўйича тузилган ишчи гуруҳнинг аъзоларини қабул қилар, лойиҳани қайта-қайта ўқиб чиқар, унинг матнини чуқур мушоҳада қилар ва унга тузатишлар киритарди. Бу кишининг ғоят ажойиб таҳлил қобилияти, келажакни олдиндан кўра олиши, нозик ҳис этиш истейдоди бизни ниҳоятда ҳайратга соларди. У меҳнатга доимо тайёр, ҳамisha изланишда, ишнинг моҳиятини тушунишга ва у бўйича энг мақбул қарор чиқаришга интиларди. Конституция комисси-



ясининг раиси лойиҳанинг ҳар бир жиҳатига жиддий эътибор берар, унга ўз қўли билан тузатишлар ва аниқликлар киритарди, ишга астойдил ёндашиш, ишбилармонлик ва билимдонлик намунасини кўрсатар эди."<sup>21</sup>

1991 йилнинг ноябрь ойигача Конституция лойиҳасининг 158 моддадан иборат биринчи варианты тайёр бўлди. Ислом Каримов лойиҳанинг мазкур варианты билан танишиб чиқиб, унга мазмуни, шакли ва таҳрири жиҳатидан жиддий ўзгартишлар киритди. Лойиҳанинг иккинчи варианты 149 моддадан ташкил топди. Президент кўрсатмаси ва шахсан таҳрири билан лойиҳанинг учинчи варианты 137 моддадан ташкил топди. Матбуотда эълон қилиш олдидан лойиҳа яна бир бор диққат билан ўрганиб чиқилиб, 127 моддага келтирилди.

Ўзбекистон Конституциясини тайёрлаш жараёнидаги Президентнинг хизматлари ҳақида Н. Мишин шундай ёзади: "Ислом Каримов Асосий Қонунда инсон ҳуқуқлари ва давлат мустақиллиги гоёларига содиқлик, ҳозирги ва келажак авлодлар олдида чуқур масъулиятни ҳис этиш, ўзбек давлатчилигининг тарихий тажрибаларига таяниш, демократия ва қонунийликка ҳурмат, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларини тан олиш, Ўзбекистоннинг муносиб ҳаётини таъминлаш, инсонпарвар ҳуқуқий давлат яратиш ва ниҳоят, фуқаролараро мустаҳкам тинчлик ҳамда миллий тотувликни таъминлаш каби эзгу ниятларни мужассамлаштиришга ҳаракат қилди"<sup>22</sup>.

Конституция комиссиясининг қарори билан лойиҳа 1992 йил 26 сентябрда умумхалқ муҳокамаи учун матбуотда эълон қилинди. Муҳокама давомида комиссияга унинг асосий бўлимлари, боблари ва моддалари юзасидан тегишли таклифлар келиб тушди. Республика матбуотининг ўзида Конституция лойиҳасига бағишланган юздан ортиқ материал эълон қилинди. Таклифларнинг сони 6 мингдан ошиб кетди.

Конституция лойиҳаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти каби

<sup>21</sup> Уразаев Ш.З. Как готовился проект Конституции Республики Узбекистан // «Народное слово», 1992 год, 26 декабря.

<sup>22</sup> Мишин Н. Взгляд из Москвы. Ислам Каримов - первый Президент Республики Узбекистан. Штрихи к портрету // Ислам Каримов. Стабильность и реформы. Статьи и выступления. - М.: "Палей", 1996. - С. 19-20.

нуфузли халқаро ташкилотлар ва АҚШ, Буюк Британия, Франция каби демократик давлатлар мутахассисларининг синчков экспертизасидан ўтказилди<sup>23</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг лойиҳаси 1992 йил 21 ноябрда яна бир бор матбуотда эълон қилинди. Бундан мақсад фуқароларни Конституция лойиҳасига киритилган ўзгартишлар ва тўлдиришлар билан таништириш ҳамда уларни ҳисобга олган ҳолда муҳокамани давом эттиришдан иборат эди. Лойиҳанинг янги нусхаси эълон қилиниши билан яна янги таклифлар кела бошлади. Қорақалпоғистон Республикасида халқ ноиблари иштирокида бўлиб ўтган йиғилишда лойиҳа бўйича айрим истаклар билдирилди. Конституциявий комиссияга келиб тушган кўп сонли таклифлар, мулоҳазалар, фикрлар ҳар томонлама ўрганилиб, Конституция лойиҳасига 80 га яқин ўзгартиш, қўшимча ва аниқликлар киритилди.

Ислом Каримов Конституция лойиҳасини аёллар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги, давлатнинг маданий ёдгорликлар, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ҳақидаги моддалар билан тўлдиришни таклиф қилди, асосий этиборни Конституциянинг инсон ва фуқаролар эркинликлари ҳамда бурчларини қонуний мустаҳкамловчи моддаларига қаратди. Президент Конституция лойиҳасини биринчи марта эълон қилгунча тўрт марта, кейинги эълон қилинганча эса яна икки марта таҳрир қилди. Фуқароларнинг аниқ таклифлари ва мулоҳазаларини ўрганиб чиқиб, Олий Кенгаш сессиясидан аввал лойиҳани қўлида қалам билан яна бир бор кўриб чиқди.<sup>24</sup>

Мустақил Ўзбекистон давлатининг Конституцияси Ўзбекистон Республикаси XII чақириқ Олий Кенгашининг XI сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинди. У олий мақомли Қонун сифатида биз қураётган жамиятнинг равнақи учун, унинг ҳар бир аъзоси кундалик турмушига, фаолиятига мадад, муқаддас орзу-умидларини рўёбга чиқиши учун ишончли ҳуқуқий ҳужжат сифатида хизмат қилмоқда.

---

<sup>23</sup> Қаранг: Саидов А.Х. Проект Конституции Узбекистана глазами французского юриста // «Народное слово», 1992 год, 28 ноября.

<sup>24</sup> Уразасв Ш.З. Как готовился проект Конституции Республики Узбекистан // Народное слово, 1992 год, 26 декабря.

Конституциямизнинг энг муҳим томони шундаки, фуқаролар манфаатининг устунлиги қонуний равишда мустақамланган ва қафолатланган, инсон ҳуқуқлари, унинг камолоти учун зарур бўлган шахсий дахлсизлик, сиёсий эркинлик, ижтимоий ва иқтисодий имкониятларга эга бўлиш каби умуминсоний қоидаларни ўзида акс эттирган.

Республикамизда мустақил давлатимиз Конституцияси асосида демократик ҳуқуқий жамият асослари фаол равишда ривожланмоқда. Аввалги партиявий яккаҳоқимликка асосланган тизим иллатлари қатъиян тугатилиб, кўппартиявийлик, ғоялар ва фикрлар хилма-хиллигига йўл очилди. Ягона мафкуранинг яккаҳоқимлигига барҳам берилди. Умумбашарий қадриятларнинг устуворлиги, чинакам демократия, инсон эркинликлари ва ҳуқуқларининг бугун дунё тан олган меъёр ва қоидалари ҳаётимизда тобора мустақам қарор топмоқда.

Ўзбекистон халқи ўз Конституцияси асосида қисқа вақт ичида сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳаларда улкан ютуқларни қўлга киритди: ички ва ташқи давлат сиёсати барқарорлигига эришилди, давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг демократик тизими шакллантирилди, маҳаллий кенгашлар, маҳаллалар ҳозирги осойишталик ва барқарорликнинг пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда. Парламентимиз ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига кўппартиялик асосида ўтказилган сайловлар мустақил давлатимизнинг халқаро миқёсдаги обрўсига обрў қўшмоқда. Ўзбекистон миллий парламенти - Олий Мажлиснинг икки палатали тизимга ўтиши республикамиз Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан амалга оширилган сиёсий ислохотларнинг манتيқий давоми бўлди.

Конституциямиз мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлидаги барча ғалабаларимизни ифодаловчи ҳамда келажак йўлимизни кўрсатувчи муҳим қонундир.

Конституциямиз қабул қилингандан кейин йигирма йилдан ортиқ вақт мобайнида ҳаётимизнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳаларида улкан ва жиддий ижобий ўзгаришлар юз берди.

Конституцияга ўзгартириш киритиш учун ўрнатилган тартиб бошқа оддий қонунларга ўзгартириш киритишдан



жиддий фарқ қилади. Буни жаҳон қонунчилик тажрибаси ҳам исботлайди. Шундай экан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш Конституциянинг 127-моддасига мувофиқ амалга оширилади. Унда шундай дейилган: "Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиришлар тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги томонидан қабул қилинган қонун ёки Ўзбекистон Республикасининг референдуми билан киритилади".

Ҳар қандай жамятда ижтимоий муносабатлар ривожланиб бориши натижасида давлат ва жамят ҳаётида муҳим ўзгаришлар қилиш зарурияти вужудга келади. 1993 йил 28 декабрда Конституцияга биринчи бор ўзгартиш ва қўшимча киритилган бўлиб, "Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунга асосан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддаси 1-қисми (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 150 нафар депутатдан иборат)даги "150 нафар депутатдан" деган сўзлар "депутатлардан" деган сўз билан алмаштирилди<sup>25</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти 2000 йил 25 май кuni Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ иккинчи сессиясида доимий асосда ишлайдиган икки палатали парламент тизимига ўтиш ва 2004 йилда бўладиган сайловларда парламентни икки палатали қилиб ташкил этиш ҳақида таклиф киритди. Олий Мажлиснинг навбатдаги саккизинчи сессиясида бу масаланинг дастлабки муҳокамаси бўлиб, 2002 йил 4 апрелда "Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида"ги Конституциявий қонун<sup>26</sup> қабул қилинди.

Мазкур Қонун асосида 2003 йил 24 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва

<sup>25</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси. 1994. 1-сон, 5-модда.

<sup>26</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2002, 4-5-сон, 60-модда.

қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун<sup>27</sup>га мувофиқ Конституциянинг XVIII, XIX, XX, XXIII бобларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. р/с

Конституциянинг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси" деб номланган XVIII боби илгари бир палатали парламентга бағишланган бўлса, эндиликда мазкур боб икки палатали парламент - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси (қўйи палата) ва Сенати (юқори палата)га бағишланган. Киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга мувофиқ Конституциянинг 76-моддасида: "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатадан - Қонунчилик палатаси (қўйи палата) ва Сенатдан (юқори палата) иборат. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати ваколат муддати - беш йил", деган қоида мустақамланди.

Конституциянинг Ўзбекистон Республикасининг Президентига бағишланган XIX бобига ҳам ўзгартиш киритилди. Киритилган ўзгартишга мувофиқ, Конституциянинг 89-моддасидан "Ўзбекистон Республикасининг Президенти Вазирлар Маҳкамасининг раиси ҳисобланади", деган қоида чиқариб ташланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси юқори палатаси - Сенатга ўтказилди. Жумладан, Конституциянинг 93-моддаси 6-бандига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлаш учун номзодларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига тақдим этиши, шу модданинг 23-бандига кўра эса, амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига тақдимнома киритиши белгиланди.

Конституциянинг Вазирлар Маҳкамасига бағишланган XX бобига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга мувофиқ,

---

<sup>27</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2003, 3-4-сон, 27-модда.

илгари Конституциянинг 98-моддасида: "Вазирлар Маҳкамаси таркибини Ўзбекистон Республикаси Президенти тўзи ва у Олий Мажлис томонидан тасдиқланади", деган қоида мавжуд бўлган бўлса, киритилган ўзгартишга кўра, 98-модданинг иккинчи қисмида: "Вазирлар Маҳкамаси таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан шакллантирилади. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади. Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари Ўзбекистон Республикаси Бош вазири тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади", деган қоида Асосий Қонундан жой олди.

Шунингдек, Конституцияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ваколатлари кенгайтирилиб, 98-модда 5-қисмига "Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини ташкил этади ва унга раҳбарлик қилади, унинг самарали ишлаши учун шахсан жавобгар бўлади, Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларига раислик қилади, унинг қарорларини имзолайди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириғига биноан халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси номидан иш кўради, Ўзбекистон Республикаси қонунларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларида назарда тутилган бошқа вазифаларни бажаради", 6-қисмига эса "Ўзбекистон Республикаси Президенти ушбу Конституциянинг 89-моддаси ва 93-моддасига асосланган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида раислик қилишга, Вазирлар Маҳкамаси ваколатига кирувчи масалалар юзасидан қарорлар қабул қилишга, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларини, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири фармойишларини бекор қилишга ҳақли" деган қоидалар киритилди.

Мазкур киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирга Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдим қилиш ваколати берилди.

Конституциянинг "Сайлов тизими" деб номланган XXIII



бобига ҳам ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Илгари 117-модда 2-қисмидаги: "Ўзбекистон Республикасида Президент сайлови, ҳокимиятнинг вакиллик органлари сайлови умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар", деган қоида ўрнига "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов тегишинча уларнинг конституциявий ваколат муддати тугайдиган йилда – декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида ўтказилади. Сайловлар умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар", деган қоида киритилди.

Шу модданинг 3-қисми "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқори Кенгесига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишинча қўшма мажлисларида мазкур депутатлар сайланганидан сўнг бир ой ичида улар орасидан яширин овоз бериш йўли билан сайланадилар", деган қоида билан тўлдирилди.

Шунингдек, Конституциянинг 6-бўлимига ҳам ўзгартиш киритилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг дастлабки 127-моддасида: "Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиришлар тегишлича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси жами депутатларнинг учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги томонидан қабул қилинган қонунлар билан киритилади", деб белгиланган эди.

Киритилган ўзгартиш ва қўшимчалардан сўнг мазкур моддада "Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиришлар тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги томонидан қабул қилинган қонун ёки Ўзбекистон Республикасининг референдуми билан киритилади" деган қоида ўз ифодасини топди.

Шунингдек, давлат бошқарувини янада демократлаштириш, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи тармоқлари, ҳукумат ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг улар зиммасига Конституция билан юклатилган ваколатларини амалга оширишдаги роли ва масъулиятини ошириш, мамлакат Президенти ваколатларини аниқ-равшан белгилаш ҳамда ҳуқуқий метёрлар доирасида чеклаш, шунингдек, юқорида кўрсатиб ўтилган ислохотларни амалга оширишда, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилишда сиёсий партияларнинг роли ҳамда таъсирини кучайтириш мақсадида 2007 йил 11 апрелда "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-модда, 93-модда 15-бандига, 102-модда иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. Мазкур Қонун 2008 йил 1 январдан кучга кирди. Киритилган тузатишларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 89-моддаси: "Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди", деган таҳрирда, 93-моддасининг 15-банди: "Вилоятлар ҳокимларини ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимини қонунга мувофиқ тайинлайди ҳамда лавозимидан озод этади", деган таҳрирда, 102-моддасининг 2-қисми "Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қонунга мувофиқ тайинланади ҳамда лавозимидан озод этилади", деган таҳрирда баён этилди<sup>28</sup>.

2008 йил 25 декабрдаги "Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун<sup>29</sup> билан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 77-моддасининг биринчи қисми (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ҳудудий сайлов округлари бўйича кўшпартиявийлик асосида сайланадиган бир юз йигирма депутатдан иборат)га ўзгартиш киритилди. Ушбу Қонун 2009

<sup>28</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборот-номаси. 2007, 4-сон, 162-модда.

<sup>29</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2008, 52-сон, 510-модда.

йилнинг 1 июлидан кучга кирди. Унга кўра, мазкур модданинг биринчи қисми "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси қонунга мувофиқ сайланадиган бир юз эллик депутатдан иборат", деган тахрирда баён этилди.

5  
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 12 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" номи маърузасида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир қатор моддаларига ўзгартишлар киритиш юзасидан таклифлар билдирилган. Мамлакатимиз раҳбари томонидан қонунчилик ташаббуси тартибида киритилган мазкур таклифлар 2011 йил 18 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)"ги Қонун<sup>30</sup>да ўз ифодасини топган. Қонуннинг асосий мақсади демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, давлат ҳокимиятининг учта субъекти: давлат бошлиғи - Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлаш, шунингдек, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотларни амалга оширишда, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилишда сиёсий партияларнинг роли ҳамда таъсирини кучайтиришдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддаси 6-бандига киритилган нормага мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси раисини тайинлаш тўғрисидаги Фармонини тасдиқлаш ваколати берилди. Шунга мувофиқ, Конституция 93-моддаси 12-бандидаги: "Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва" деган сўзлардан кейин "унинг ўринбосарлари" деган сўзлар

---

<sup>30</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборот-номаси. 2011, 4-сон, 100-модда.



чиқарилиб, уларнинг ўрнига "Ҳисоб палатаси раисини" деган сўзлар билан тўлдирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколатлари мустақамланган Конституциянинг 93-моддаси 8-бандидан: "ижро этувчи ҳокимият девонини тузади ва унга раҳбарлик қилади" деган сўзларни чиқариш юзасидан киритилган ўзгартиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунда Конституциянинг 89-моддасига кўра, "Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди". Шу нуқтаи назардан, Бош вазирнинг Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини ташкил этиши, унга раҳбарлик қилиши ва унинг иши самарадорлиги учун шахсан жавоб бериши, давлат бошлиғи бўлган Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлаш учун зарур шарт-шароитларни юзага келтириш асносида ҳам Асосий Қонунимиздан ушбу норма чиқарилди.

Киритилган яна бир муҳим ўзгартиш Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 15-бандини "Вилоятлар ҳокимларини ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимини қонунга мувофиқ тайинлайди ҳамда лавозимидан озод этади", деган сўзлардан олдин "Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимига биноан", деган сўзлар билан тўлдириш борасида. Ушбу норманинг киритилиши, аввало, давлат бошқарувини янада либераллаштириш бўйича амалга оширилаётган изчил ислохотларнинг мантиқий давомидир.

Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 96-моддаси янги таҳрирда баён этилди. Унга кўра: "Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Президенти ўз вазифаларини бажара олмайдиган ҳолатларда унинг вазифа ва ваколатлари вақтинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг зиммасига юклатилади, бунда уч ой муддат ичида "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонунга тўлиқ мувофиқ ҳолда мамлакат Президенти сайлови ўтказилади". Таъкидлаш жоизки, мамлакат Президенти турли сабабларга кўра ўз вазифасини бажара олмайдиган вазият юзага келган тақдирда ноаниқликка,

ушбу моддани турлича талқин этишга йўл қўймаслик мақсадида мазкур модданинг янги таҳрири берилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига киритилган қўшимчаларга мувофиқ, демократик тартиб-қоидаларга жавоб берадиган янги конституциявий қоида жорий этилди. Унга қўра, "Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан таклиф этилади". Ушбу қўшимчаларнинг киритилиши тарихий аҳамиятга эга бўлиб, мамлакатимизда демократик ислохотларни янада ривожлантириш, ҳуқуқий демократик давлат ва очиқ фуқаролик жамияти қуришда янги босқичнинг бошланиши ҳисобланади. Конституцияга киритилган яна бир муҳим ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳуқуқининг берилиши билан боғлиқ. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасида белгиланишича, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ўртасида доимий зиддиятлар келиб чиққан тақдирда Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисми томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига расман киритилган таклиф бўйича Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳақидаги масала Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлиси муҳокамасига киритилади.

Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади. Бундай ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазирни лавозимидан озод этиш бўйича қарор қабул қилади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бутун таркиби Бош вазир билан бирга истеъфога чиқади. Мазкур норма давлат

ҳокимияти тармоқлари ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлаш билан бир қаторда, давлат аҳамиятига молик муҳим масалаларни ҳал қилишда сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтиради ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг давлат ҳокимияти органлари тизимидаги ўрнини оширади.

2011 йил 12 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 90-моддасига тузатиш киритиш тўғрисида" - ги Қонун<sup>31</sup> билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 90-моддасига тузатиш киритилди. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддати етти йилдан беш йилга қисқартирилди.

Хулоса ўрнида таъкидлаб ўтиш лозимки, мамлакатимизда қандай ютуқ ва марраларга эришаётган бўлсак, бунинг замирида шак-шубҳасиз Конституциямиз турганлигини алоҳида эътироф этиш лозим.

Ҳар қандай мустақил давлат сингари Ўзбекистон Республикаси ҳам ўз олий давлат ҳокимияти томонидан белгиланган ва Асосий Қонун - Конституциянинг 5-моддасида мустақамланган давлат рамзлари - Байроғи, Герби ва Мадҳиясига эга. Давлат рамзларининг мавжудлиги Ўзбекистоннинг амалда мустақиллигини яққол тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи, герби ва мадҳиясининг ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниш жараёни икки ярим йил давом этди. Давлат байроғи, герби ва мадҳиясини қабул қилиш юзасидан конституциявий комиссия тузилиб, у томонидан тайёрланган лойиҳалар умумхалқ муҳокамасидан ўтказилди. Бунда, айниқса, Президент Ислом Каримовнинг умумхалқ муҳокамаси давомида тушган таклифларни умумлаштириб, давлат байроғидаги учта асосий рангни — мовий, оқ ва яшил йўлларни чизиб, комиссияга тақдим этгани ва бу таклиф Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг қабул қилинишида асос бўлганлигини таъкидлаш жоиз. Ўзбекистоннинг давлат рамзлари муқаддас

---

<sup>31</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. 2011, 12/1-сон, 343-модда.



булиб, уларни ҳурмат қилиш, қонунда белгиланган тартибда эъзозлаш ҳамда улардан фахрланиш мамлакатимиз фуқароларининг бурчидир.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи 1991 йил 18 ноябрда Олий Кенгаш томонидан қабул қилинган Қонун билан тасдиқланган. Ушбу Қонунга 1992, 1999, 2004 ва 2010 йилларда қатор қўшимча ва ўзгартишлар киритилди<sup>32</sup>.

«Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги Қонуннинг 2-моддасида кўрсатилганидек, "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи Ўзбекистон Республикаси давлат суверенитетининг рамзидир".

Юқоридаги Қонуннинг 3-моддасига биноан байроғимиз халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикасининг тимсоли бўлади. Бинобарин, байроғимиз халқаро майдонда Ўзбекистон Республикаси делегацияларининг хорижий мамлакатларга сафари чоғида, халқаро ташкилотларда, конференцияларда, жаҳон кўرғазмаларида, спорт мусобақаларида кўтарилиб, юртимизни улуғлайди. "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги Қонунда байроқ кўтариладиган жойлар ва унинг кўтарилиш вақтлари аниқ ва равшан белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи Қонунда белгиланган тегишли жойларда доимий равишда ҳилпираб туради. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи унга нисбатан лозим даражадаги ҳурмат таъминланган ҳолда умуммиллий байрамлар ва тантанали тадбирлар вақтида кўтарилиши мумкин.

Қонун бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг тасвири туширилган белгилар: Ўзбекистон Республикаси Фуқаро ҳаво кемалари давлат реестри ёки Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳаво кемалари реестрига киритилган ҳаво кемаларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Авиация маъмурияти ҳисобида турувчи экспериментал ҳаво кемаларига; қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда автомобилотранспорт воситалари ва улар тиркамаларининг

---

<sup>32</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси. 1992, 1-сон, 27-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 1999, 5-сон, 124-модда; 2005, 1-сон, 18-модда.

давлат рўйхатидан ўтказиш рақам белгиларига; Ўзбекистон Республикасининг асосий чегара белгисига қўйилади.

Қонунда байроғимизнинг қандай шакл ва кўринишда бўлиши ҳам аниқ кўрсатилган. Чунончи, Қонуннинг 4-моддасига биноан: "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи — байроқнинг бутун узунлиги бўйлаб ўтган тўқ мовий ранг, оқ ранг ва тўқ яшил рангли учта эндан таркиб топган тўғри тўртбурчак шаклидаги матодир. Байроқнинг узунлиги 250 сантиметрга, кенглиги 125 сантиметрга тенг. Мовий ранг, оқ ранг ва яшил рангли энларининг кенглиги бир хил. Ҳар бир эн 40 сантиметрга тенгдир. Байроқнинг ўртасидаги оқ рангли эннинг четларидан кенглиги 2,5 сантиметрга тенг қизил ҳошиялар ўтказилган.

Байроқнинг юқори қисмидаги мовий рангли эннинг юз томони ва орқа томонида дастага яқин жойида оқ рангли янги ой ва унинг ёнида ўн иккита оқ рангдаги беш қиррали юлдуз тасвирланган. Янги ой ва юлдузларнинг тасвири мовий рангли юқори эннинг ўртасидан 70x30 сантиметрга тенг тўғри тўртбурчакка сиғадиган қилиб жойлаштирилган. Янги ой вертикал ҳолатда дўнг томони дастага қаратилган, дастадан 20 сантиметр масофада жойлаштирилган бўлиб, диаметри 30 сантиметрли доирага сиғади.

Юлдузлар диаметри 6 сантиметрли доирага сиғади. Доиралар орасидаги масофа 6 сантиметр. Юлдузлар узунасига ва тиккасига қуйидаги тартибда жойлашади: юқори қаторда учта, ўрта қаторда тўртта ва қуйи қаторда бешта юлдуз. Қуйи қатордаги юлдузлар янги ойнинг пастки учидан 3,5 сантиметр масофада жойлашади".

Қонунда Давлат байроғининг қачон, қандай воқеалар муносабати билан, қай вақтда, соат нечадан нечагача, қандай тартибда кўтарилиши аниқ кўрсатиб қўйилган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи билан бир вақтда бошқа давлатнинг байроғи кўтарилса, қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи (бинонинг олд томонига қараб турганда) ўнг томондан, бошқа давлатнинг байроғи чап томондан кўтарилмоғи керак. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи билан бир вақтда Қорақалпоғистон Республикасининг Давлат байроғи кўтарилганда, Ўзбекистон Республикасининг

Давлат байроғи (бинонинг олд томонига қараб турганда) чап томондан кўтарилиши керак.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистонда яшаб турган бошқа шахслар Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғини ҳурмат қилишлари шарт. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғини беҳурмат қилган шахс Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда жазоланади.

Мамлакатимизда Конституция ва қонун билан ўрнатилган ҳамда тасдиқланган давлат рамзларидан бири - давлат гербидир.

"Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида"<sup>33</sup>ги Қонун 1992 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши томонидан қабул қилинган. Унга 1999 йил 15 апрелда, 2003 йил 25 апрелда, 2004 йил 3 декабрда ва 2010 йил 24 декабрда қабул қилинган қонунларга мувофиқ қўшимчалар киритилган.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби давлатимизнинг сиёсий, миллий, ҳўжалик, жуғрофий, этник ва бошқа ўзига хос хусусиятлари ҳамда бой тарихий анъаналарини мужассамлаштирган. Шунингдек, гербимизда Ўзбекистоннинг ижтимоий ва давлат тузилиши тамойиллари ўзига хос тарзда ифода этилган. "Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида"ги Қонунга биноан, Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби республика давлат мустақиллигининг рамзидир.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистонда яшаб турган бошқа шахслар Ўзбекистон Республикасининг Давлат гербини ҳурмат қилишлари шарт. Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади. Ўзбекистоннинг давлат герби

---

<sup>33</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси. 1992, 9-сон, 328-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 1999, 5-сон, 124-модда; 2003, 5-сон, 67-модда; 2005, 1-сон, 18-модда.



ҳам республиканинг расмий белгиси сифатида фақат қонунда кўрсатилган объектларга туширилади.

Ўзбекистоннинг конституциявий тарзда мустаҳкамланган Давлат байроғи, Давлат герби билан бир қаторда Давлат мадҳияси ҳам мавжуд. Зеро, дунёдаги ҳар қандай мустақил давлат ўз мадҳиясига эга.

Ўзбекистоннинг давлат мадҳияси узоқ ижодий изланишлар натижасида атоқли шоир Абдулла Орипов томонидан ёзилган, унга санъат арбоби Мутал Бурхонов куй басталаган. Мадҳиямизда ўзбек халқининг фикр-уйлари ва ҳис-туйғулари ўз ифодасини топган. 1992 йил 10 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида"ги Қонунга биноан, Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси Ўзбекистон Республикаси давлат суверенитетининг рамзидир. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳиясига зўр эҳтиром билан қараш Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг ватанпарварлик бурчидир. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси қонунда белгиланган вақтларда ва маросимларда ижро этилади.

Юртбошимиз ҳақли равишда таъкидлаганидек, "Давлатимиз рамзлари — байроқ, тамға, мадҳия Ўзбекистон халқларининг шон-шарафи, ғурури, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида мужассамлашгирди. Мана шу рамзларни эъозлаш — ўзининг қадр-қимматини, ўз мамлакатига ва шахсан ўзига бўлган ҳурматни мустаҳкамлаш демакдир"<sup>34</sup>.

\* \* \*

Мустақил Ўзбекистон давлатининг ташкил топиши ўзбек халқи азалий орзусининг рўёбга чиқишидир. Мустақилликни қўлга киритиш мақсадида ўтган асрнинг 80-йиллари охиридан бошлаб Ислом Каримов бошчилигидаги республика раҳбарияти Ўзбекистоннинг сиёсий-иқтисодий суверенитетини таъминлашга қаратилган ўзининг қатъий позициясини назарий ва амалий жиҳатдан асослаб берди. Хусусан, республика раҳбари шундай деган эди: "Бўлажак мустақил дав-

---

<sup>34</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-ж. - Т.: Ўзбекистон, 1996. -Б. 84.

латлар... эркин, мустақил ва тенг ҳуқуқли бўлиб қолишлари, ўзларининг миллий давлат тузиш, ташқи бозорга чиқиш, ўзи маъқул топган барча мамлакатлар билан халқаро муносабат ўрнатиш, дипломатик ва консуллик алоқалари масалаларини мустақил ҳал этишлари керак...Ўзбекистоннинг мустақиллиги ҳақидаги қонунни муҳокама этиш ва уни қабул қилишни таклиф этаман. Бу қонунда қадимий ва янгиланаётган диёримизда истиқомат қилаётган барча кишиларнинг хоҳиш-иродаси ўз ифодасини топган. Халқимизнинг бу эзгу хоҳиш-иродаси биз учун муқаддасдир".

Мустақиллик йилларида миллий давлатчиликнинг ривожланиши бутунлай янгича ижобий жиҳатларни юзага келтирди. Демократик ҳуқуқий давлатнинг асосий тамойили - қонун устуворлиги таъминланди, Конституциянинг 11-моддасида белгиланганидек, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципи асосланди. Мустақил Ўзбекистон давлати жаҳон харитасидан муносиб ўрин олди, жаҳон ҳамжамиятининг изчил ривожланаётган мамлакатларидан бирига айланди.

### **III боб. Ўзбекистонда сиёсий ислохотларнинг бошланиши ҳамда миллий демократик давлат ва жамият бошқарувининг ўрнатилиши**

#### **3.1. Ўзбекистонда ҳуқуқий тизимнинг шаклланиши**

Демократик тамойил ва қадриятларга асосланган замонавий ўзбек суверен давлатчилигининг қарор топиши мамлакатимизнинг XX аср сўнги ўн йиллигидаги буюк тарихий воқеа бўлди.

Ўзбекистон мустақил давлат сифатида дунё саҳнасиغا чиққач, моҳият-мазмуни жиҳатидан тамомила янги миллий ҳуқуқий тизим яратилди. Ҳуқуқий тизим мамлакатимизда суверен давлатнинг қарор топиши ва босқичма-босқич ривожланиб бориши баробарида унга мутаносиб тарзда шаклланди. Зеро, Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигига эришиши натижасида мамлакат ижтимоий-сиёсий тузумида юз берган ўзгаришлар, шунингдек, вужудга келаётган муносабатларни тартибга солиш янги ҳуқуқий воситаларни шакллантиришни тақозо этди. Мазкур вазифани ҳал этиш янги ҳуқуқий тизим концепциясини назарий жиҳатдан ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этишни биринчи даражали заруриятга айлантирди. Бу эса нафақат ҳуқуқий муаммоларни оқилона ҳал қилишни, балки ҳуқуқнинг ўзига хос янгича ёндашувни назарда тутар эди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов турли маъруза ва нутқларида, шунингдек, "Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли", "Ўзбекистон: бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли", "Ўзбекистон буюк келажак сари", "Ўзбекистон-келажаги буюк давлат" каби фундаментал асарларида суверен давлатнинг замонавий ҳуқуқий доктринаси асосларини баён этиб берди. Ушбу ҳуқуқий доктринанинг негизини адолат, тенглик, эркинлик мезонлари асосида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини устувор таъминлаш ташкил этади.



Демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш жараёнида ҳуқуқнинг марказий ўрин эгаллаши исбот талаб этмайдиган ҳақиқатдир. Ҳуқуқий тизим қарор топаётган янги демократик жамият муносабатларини тартибга солишда мавжуд ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий муҳит талабларига ҳамда уларга мос ҳуқуқий принципларга таянилади. Табиийки, ҳуқуқий тизимнинг мазмун-моҳиятини, унинг шаклланиш тенденцияларини давлатнинг истиқлол мафқураси, инсонпарвар ҳуқуқий сиёсати белгилаб беради. Бошқача айтганда, янгиланаётган ҳуқуқий тизимнинг қарор топишида давлатнинг йўналтирувчи, фаол бунёдкорлик роли алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳуқуқий тизим жамиятда амал қилувчи норматив тизимлар ичидаги энг мураккаб, кўп қатламли, серқирра ҳодисадир. Мамлакат ҳуқуқий тизими жамиятдаги барча ҳуқуқий институтлар, нормалар, принциплар, жараёнларнинг ўзаро алоқадор бир бутун йиғиндиси сифатида намоён бўлади. Шунингдек, миллий ҳуқуқий тизим муайян давлатнинг ички ҳуқуқи (барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар йиғиндиси), тарихи, иқтисодий ва сиёсий тизими билан бевосита боғлиқ бўлган ҳуқуқ тизими, ҳуқуқий мафкура, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий муносабатлар, ҳуқуқий сиёсат, ҳуқуқий амалиёт кабиларни қамраб олувчи доимий ҳаракат ва ривожланишдаги ижтимоий-ҳуқуқий воқеликдир.

Ўзбекистон Республикасининг миллий ҳуқуқий тизими шаклланишининг тарихий хронологияси ва динамикасини яққол тасаввур қилиш учун қонунчилигимизнинг босқичма-босқич яратилиши ва ривожланишининг устувор йўналишларини таҳлил этиш лозим.

Аввало, республикамызда мавжуд барча норматив-ҳуқуқий актлар Конституция асосида қайта кўриб чиқилиб, ислоҳ қилина бошланди. Шу билан бирга, ҳуқуқий тизимнинг барча соҳалари бўйича янги қонунлар яратишга киришилди. Жумладан, мустақиллик йиллари мобайнида ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ўн битта сессия ўтказди. Парламент 1991 йилнинг август-декабрь ойларида 13 та қонун, 1992 йилда 52 та қонун, 1993 йилда 53 та қонун, 1994 йилда 22 та қонун қабул қилди. Жами қонунлар 145 тани ташкил этиб, улардан 98 таси янги

қонунлар, 47 та қонунга эса қўшимча ва ўзгартиришлар киритди. Янги сайланган биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1995-1999 йилларда ўн бешта сессия ўтказиб, 10 та кодекс, 2 та миллий дастур, 138 та қонун, 468 та қарор қабул қилди. Бу даврда 216 ҳолатда амалдаги қонунчиликка қўшимча, тўлдириш ва ўзгартиришлар киритилди<sup>1</sup>.

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қуйидаги қонунларни қабул қилди: «Ўзбекистон Республикасида депутатларнинг мақоми тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий доктринаси тўғрисида», «Концессиялар тўғрисида»ги қонунлар, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, шунингдек, "Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида", "Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида", "Давлат мукофотлари тўғрисида", "Марказий банк тўғрисида", "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида", "Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида", "Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида", "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида", "Депутатларни чақириб олиш тўғрисида", "Акциядорлик жамияти ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида", "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида", "Муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида", "Ноширлик фаолияти тўғрисида", "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида", "Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида", "Сиёсий партиялар тўғрисида", "Нотариат тўғрисида", "Адвокатура тўғрисида", "Давлат уй-жой сиёсатининг асослари тўғрисида", "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида", "Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида", "Олий

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1999 йил 19 августдаги "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва унинг раҳбариятининг 1995-1999 йиллардаги фаолияти юзасидан ҳисоботи тўғрисида"ги 806-1-сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 1999. 9-сон. 203-модда.

Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида", "Табий монополиялар тўғрисида", "Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида", "Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида", "Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида", "Таълим тўғрисида", "Давлат божхона хизмати тўғрисида", "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини тайёрлаш тўғрисида", "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида", "Фермер ва деҳқон хўжалиги тўғрисида", "Чет эл инвестициялари тўғрисида", "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида", "Давлат ер кадастри тўғрисида", "Автомобиль транспорти тўғрисида", "Қимматли қоғозлар бозорига депозитарийлар фаолияти тўғрисида", "Реклама тўғрисида", "Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида", "Лизинг тўғрисида", "Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида", "Ўрмон тўғрисида", Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, Божхона кодекси, Жиноят-ижроия кодекси, Хўжалик-процессуал кодекси, Фуқаролик-процессуал кодекси, Ер кодекси, Оила кодекси.

Қонунчиликнинг муайян тармоғида кодекснинг қабул қилиниши тегишли соҳада алоҳида ҳуқуқ тармоғи шакллانганлигини англатади. Мамлакатимизда 1994–2008 йиллар давомида 15 та кодекс қабул қилинганлиги тегишли ҳуқуқ тармоқлари қарор топиб, улар ўзининг асосий ўзак қонунига эга бўлганлигини ифода этади. Масалан, фуқаролик ҳуқуқи тармоғининг бош қонуни – Фуқаролик кодекси. У фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг ҳуқуқий ҳолати, интеллектуал фаолияти натижалари, уларнинг мулкӣ, у билан боғлиқ шахсий номулкӣ муносабатларни тартибга солади. Энг муҳими, мазкур Кодекс бозор иқтисодиёти муносабатларига пойдевор вазифасини ўтади. Аввало, Фуқаролик кодексида хусусий мулк ҳуқуқи ва уни муҳофазалаш механизмлари мустаҳкамланди. Шунингдек, унда қуйидаги фуқаролик-ҳуқуқӣ институтлар қонунӣ жиҳатдан расмийлаштирилди: шахс (жисмонӣ ва юридик шахс)лар, битимлар, вакиллик ва ишончнома, даъволар ва уларнинг муддати, мажбуриятлар, шартномалар, мерос ва ворислик, маънавий зарарни қоплаш институтлари. Эътиборлиси шунда-



ки, фуқаролик ҳуқуқи соҳасида қатор янги мавзулар, яъни кўчмас мулкни сотиш институти, рента ва мулк ижараси институти, лизинг (молия ижараси), қарз ва кредит, банк омонати, тадбиркорликни лицензиялаш, суғурта, ҳужалик ширкатлари ва фирмалар тузиш, интеллектуал мулк ва уни муҳофазалаш каби янги институтлар қарор топди.

Меҳнат ҳуқуқи соҳаси ҳам давр руҳига мос тарзда шаклланиб, меҳнат муносабатларини эркинлашиш (либераллашиш) йўлидан ривожланаётганлигини акс эттирди. Унинг ўзак қонуни - Меҳнат кодекси бўлиб, у мазкур соҳадаги қатор анъанавий ва янги институтларни мустақамлади. Жумладан, меҳнат шартномаси, ишсизликни эътироф этиш ва ишсизлик нафақаси, иш берувчи ва ходимнинг ҳуқуқий мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш, меҳнат интизоми, меҳнатни рағбатлантириш, ходимга етказилган зарур учун моддий жавобгарлик, меҳнатни муҳофаза қилиш, аёллар меҳнатининг кафолатлари, аёлларга оилавий вазифаларни бажариш бўйича қўшимча кафолатлар, ёшлар меҳнатининг кафолатлари, меҳнат низоларини кўриш, давлат ижтимоий суғуртаси, пенсия таъминоти, ходимнинг меҳнат ҳуқуқларини суд тартибида муҳофазалаш каби институтларни эътироф қилиш мумкин. Энг муҳими, меҳнат муносабатларининг замонавий ҳуқуқий базаси сифатида бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқ хусусиятларни ўзида акс эттирди.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йилда қабул қилинган Оила кодекси мамлакатимизда янги, мустақил оила ҳуқуқи тармоғи шаклланганлигини юридик жиҳатдан расмийлаштирди. Ушбу ҳуқуқ соҳаси оиланинг моҳиятини, унинг ижтимоий вазифасини ифодалаб, жамиятнинг бошланғич бўғини сифатидаги аҳамияти, оилавий муносабатларда фуқароларнинг тенг, эркин ва ихтиёрий фаолият юритиши масалаларини тартибга солишга қаратилган. Унда никоҳ тузиш, эр-хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, оилада фарзанд тарбияси, оилада мулкий муносабатлар ва уларнинг кафолатлари, фарзандликка олиш, васийлик ва ҳомийлик масалалари, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш институтлари, шунингдек, халқимизнинг миллий хусусиятларини акс эттирувчи янги институтлар: никоҳ шартномаси, никоҳ тузувчи тарафларнинг тиббий кўрикдан ўтиши,

яқин қариндошлар ўртасида никоҳни тақиқлаш ҳамда қон-қариндошлик ва болаларнинг насл-насабини белгилаш кабилар Оила кодексидан ўрин олган.

Жиноят ҳуқуқи тармоғи ҳуқуқнинг анъанавий муҳим соҳасидир. У ўзининг қонуний асосини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси (1994 й.) тимсолида топган. Унда шахснинг ҳаёти ва соғлиғига қарши қаратилган жиноятлар, тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлиғига қарши қаратилган жиноятлар, иқтисодий соҳадаги (мулкка қарши) жиноятлар, экология соҳасидаги жиноятлар, бошқарув тартиби ва одил судловга қарши жиноятлар, жамоат тартибига қарши жиноятлар, ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар ва бошқа институтлар мавжуд.

2001 йил 29 августда Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов ташаббуси билан жиноят учун жазо тайинлаш сиёсатини либераллаштириш масаласи ўртага қўйилди. Шу асосда парламент "Жиноий жазоларни либераллаштириш муносабати билан Жиноят, Жиноят-процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" Қонун қабул қилди. Бу ҳуқуқий тизим демократлашуви ҳамда инсонпарварлашуви тенденциясининг яққол ифодаси эди. Жиноий жазо тизимини эркинлаштиришга доир чора-тадбирлар улкан ижтимоий ва сиёсий аҳамиятга эга бўлди. Бунинг натижасида оғир ва ўта оғир жиноятларнинг 75 фоизга яқини ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилди. Жиноят кодексидаги жиноят содир этган шахс етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплаган тақдирда, суд томонидан унга нисбатан озодликдан маҳрум этиш тариқасида жазо тайинланишига йўл қўймайдиган нормалар анча кенгайтирилди. Мазкур ўзгаришлар қабул қилинганидан сўнг судлар томонидан озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазонинг тайинланиши 2010 йилда 2000 йилга нисбатан қарийб 26 фоизга камайди. Шунингдек, ярашув институти жорий этилгани ҳам бу борада муҳим қадам бўлди. Мазкур институтнинг самарадорлиги ҳамда ўзбек халқининг раҳмдиллик ва кечиримлилиги каби кўп асрлик анъаналарига мослиги унинг изчиллик билан кенгайиб боришига асос бўлмоқда. Ҳозирги кунда 53 та жиноят таркиби бўйича ярашув инс-

титутини қўллаш имконияти мавжуд. Ярашув институтининг жорий этилиши натижасида ўтган давр мобайнида 100 минг нафарга яқин фуқаро жиноий жавобгарликдан озод этилди<sup>2</sup>.

Мамлакатимиз Президенти 2005 йил 1 августда ва 8 августда "Ўзбекистонда ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида", "Фуқароларни қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини прокуратурадан судларга ўтказиш тўғрисида" Фармон қабул қилди. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти шундай деган эди: "Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 1 январидан мамлакатда ўлим жазосини бекор қилиш, шунингдек, фуқароларни қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини прокуратурадан судларга ўтказиш тўғрисида қабул қилинган қонунлари халқаро ҳамжамият томонидан ижобий кутиб олинди ва бутун дунёда катта акс-садо берди"<sup>3</sup>.

Процессуал ҳуқуқ тармоқларидан бири бўлган Фуқаролик-процессуал ҳуқуқи фуқаролик процессуал муносабатлар ва уларнинг субъектлари, фуқаролик процессуал муддатлар, фуқаролик ишларида судловга тааллуқлилиқ, суд харажатлари ва жарималари, даъво ишини юритиш, шикоят ва аризаларни судда кўриш жараёнларини тартибга солади. Унинг асосий манбаи Фуқаролик-процессуал кодексиدير. Мазкур ҳуқуқ соҳаси ҳар бир шахснинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, мансабдор шахслар ва жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Моҳияти жиҳатидан фуқаролик процессуал ҳуқуқи фуқаролик ишлари бўйича одил судловни амалга оширишни, суд қарорларининг ижро этилиш тартибини белгиловчи ҳуқуқ тармоғидир. У фуқаролик, меҳнат, оила, молия ҳуқуқи соҳалари билан узвий алоқадорликда бўлиб, Фуқаролик-процессуал ҳуқуқининг манбаи - Фуқаролик-процессуал кодекси 5 бўлим, 40 боб, 391 моддадан иборат.

Ҳўжалик-процессуал ҳуқуқи иқтисодиёт соҳасида корхо-

---

<sup>2</sup> Қаранг: Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. 19-ж. -Т.: Ўзбекистон, 2011. -Б 63.

<sup>3</sup> Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. 16-ж. -Т.: Ўзбекистон, 2008. -Б.41.



на, муассаса, ташкилотлар ва фуқароларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқларини ҳужалик судларида кўриб чиқиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солади. Ушбу ҳуқуқ тармоғининг асосий манбаи бўлган Хўжалик процессуал кодекси 5 бўлим, 24 боб ва 226 моддадан иборат бўлиб, 1997 йил 30 августда қабул қилинган, 1998 йил 1 январдан кучга кирган.

Жиноят-процессуал ҳуқуқи соҳаси республика ҳудудида жиноят ишларини юритиш тартибини, жиноят процесси иштирокчиларининг мақоми, ваколатлари, ҳуқуқлари ҳамда процессуал мажбуриятларини ўрнатади. Жиноят-процессуал ҳуқуқи тармоғи қонунийлик, ошкоралик, одил судловни фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга ошириш, шахснинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, айбисизлик презумпцияси, процессуал ҳаракатлар ва қарорлар устидан шикоят қилиш ҳуқуқи каби принципларга асосланади. Жиноят-процессуал ҳуқуқининг асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжати бўлган Жиноят-процессуал кодекси 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган, 1995 йил 1 апрелдан кучга кирган.

Ҳуқуқий тизимнинг шаклланиши ва такомиллашуви унинг таркибига кирувчи бошқа элементларнинг ривожланишини ҳам назарда тутаяди. Мустақиллик йилларида фуқароларнинг ижтимоий-ҳуқуқий онги, ҳуқуқий маданияти ҳам ўсиб, ислоҳотлар даври билан ҳамоҳанг тарзда юксалмоқда. Президент буни "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"да шундай эътироф этган: "Жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муваффақияти, кўп жиҳатдан, одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқдир. Юксак ҳуқуқий маданият — демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг етуқлик кўрсаткичидир"<sup>4</sup>. Шунингдек, мамлакатимизда миллий

---

<sup>4</sup> Каримов И.А. Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш — мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. 19-ж. -Т.: Ўзбекистон, 2011. -Б 69-70.

ҳуқуқий тизимнинг бошқа бўғинлари, яъни ҳуқуқ ижод-корлиги, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими, юридик фан, юридик муассасалар, юридик амалиёт, ҳуқуқий муносабатлар тизими ва бошқалар ҳам изчил ривожланиб бормоқда.

Шундай қилиб, мамлакатимиз ҳуқуқий тизими демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришдек стратегик мақсадларга эришишга йўналтирилган ислоҳотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаб, истиқлол даври талабларига мос тарзда босқичма-босқич шаклланиб, жамият юксалиши баробарида такомиллашиб, мазмунан бойиб мунтазам мукаммаллашиб бораётган серқирра ижтимоий организмдир.

### **3.2. Ўзбекистонда Президентлик институтининг жорий қилиниши ва такомиллашуви**

XX асрнинг 80-йиллари иккинчи ярмида собиқ Иттифокда рўй берган таназзул Ўзбекистонда Президент лавозимини таъсис этиш заруриятини келтириб чиқарди.

Президент лавозимининг жорий этилиши республика мустақиллиги учун кураш кучайган ва миллий давлатчилик ривожда принцип жиҳатдан янги босқичга ўтилаётганлигини англатар эди.

Шу билан бирга, республикада президентлик институти ҳокимият механизмининг самарадорлигини, мамлакатдаги барқарорлик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботнинг самарадорлигини қатъиян ошириш воситаси бўлиб хизмат қилиши лозим эди. Айниқса, Ўзбекистон каби кўп миллатли мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ҳолат оғирлашиб бораётган бир даврда жамиятни жипслаштириш янада муҳим эди. Бундай шароитда сиёсий тизимнинг янгиланаётган механизми, аввало, шунга қўмаклашмоғи, бу тизимнинг ишларида ички ва ташқи сиёсат, стратегик йўналишлар ва уларни амалга ошириш соҳасидаги амалий ишлар мужассамлашиб, яхлит ҳаракатга айланиши лозим эди.

Президент ўзининг амалий иши билан турли ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар ўртасида ижтимоий мулоқотни ривожлантириш учун шароит яратиши, мамлакатда тинчлик ва миллатлараро тотувликни таъминлаши, шунингдек, фавқулодда

вазиятларда — табиий офатларда, жамоат тартиби жиддий бузилган ҳолларда олий ваколатлар соҳиби бўлган ташкилотчи ва мувофиқлаштирувчи арбоб сифатида иш кўриши керак эди. Айни вақтда Президент лавозими таъсис этилган тақдирда ҳам Олий Совет давлат ҳокимиятининг олий органи бўлиб, у қонун чиқарувчи, ҳукумат-ижрочи-бошқарувчи орган бўлиб қолаверади. Президент эса мазкур тизимда қонун чиқарувчилик билан ижрочилик фаолиятини ўзаро боғлайдиган мустақкам бўгин вазифасини бажаради.

1990 йилда мазкур лавозим таъсис этилаётган вақтда бу лавозимнинг жорий этилиши Министрлар Советининг ваколатини чеклаши мумкин, деган хавотир ҳам бўлди. Бироқ, ҳукуматнинг ваколатлари амалда ўзгармай қолди. Шу муносабат билан Министрлар Совети ўз иши тўғрисида ҳар йили Олий Советга ҳисоб берибгина қолмай, бу ҳақда Президентни мунтазам хабардор қилиб туриши белгилаб қўйилди. Айни пайтда ҳукумат, вазирликлар ва давлат қўмиталари қонунлар билан бир қаторда ўз фаолиятида Президент фармонларига амал қилишлари шарт эканлиги мустақкамланди. Президент хузурида ташкил этилган орган - Президент Кенгаши давлат ваколатлари билан таъминланди.

Давлат бошқарувининг мазкур замонавий ва самарали шаклини юзага келтиришда халқимизнинг давлатчилик соҳасидаги кўп минг йиллик тарихий тажрибалари, диёримизнинг муайян шарт-шароитлари, халқнинг анъаналари ва менталитети, ўзига хос хусусиятлари, шунингдек, ҳозирги замон илғор давлатларининг тажриба ва ютуқлари назарда тутилди. Қайд этиш жоизки, бугунги кунда БМТга аъзо бўлган 193 та давлатдан 143 тасида<sup>5</sup>, яъни қарийб 75 фоизида Президент лавозими таъсис этилган.

Республикамизда президентлик лавозими мураккаб вазиятда таъсис этилди. Қайта қуриш, ошкоралик вазиятида халқ хўжалигини ривожлантириш, аҳолига зарур турмуш шароитларини яратиб беришда кўплаб мураккаб, ҳал қилинмаган муаммолар борлиги аниқланди. Айрим вилоятларда

---

<sup>5</sup> Қаранг: Интернет сайти: <http://en.wikipedia.org/wiki/President>.



ижтимоий-сиёсий вазият издан чиққан, қонунни бузиш ҳоллари кўпайган эди. Халқ бундай ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг зудлик билан пайини қирқишни талаб қилаётган эди. Буларнинг барчаси президент лавозимини кечиктирмасдан жорий этишни талаб қилди. Ўзбекистон ССРнинг биринчи Президенти истисно тариқасида республика Олий Советининг 1990 йил 24 мартдаги сессиясида сайланди. Ислом Абдуганиевич Каримов яширин овоз бериш йули билан Ўзбекистон ССРнинг Президенти этиб сайланди.

Л.Левитин ва Д.С.Карлайлнинг "Ислом Каримов – янги Ўзбекистон Президенти" номли китобида шундай дейилади: "1990 йилнинг март ойида Ислом Каримов ўша пайтдаги иттифоқдош республикалар раҳбарлари орасида биринчи бўлиб Президентликка сайланди. Москва буни жуда салбий қабул қилди. Горбачёв очиқдан-очиқ газабланди. Бошқа республикалар раҳбарлари эса, Каримовнинг Президентликка сайланганини қалбан қўллаб-қувватласа-да, унга ҳавас қилса-да, телевидение ва минбарларда Горбачёвнинг "16 президенти бор давлат қандай давлат бўлади", деган сўзларини қайтариш билан банд бўлдилар. (Бу Горбачёвнинг навбатдаги мантиқий фикри эди - янгидан пайдо бўлаётган давлатлар иттифоқида 16 та парламент раислари бўлиши мумкин эмишу, 16 та Президент бўлиши мумкин эмас эмиш). Каримовдан қутулиш учун тазйиқнинг барча йўлларидан фойдаланиб кўришди. Горбачёв уни ўтакетган амалпараст деб айблади. Бу вақтда, мен ишонаманки, Каримов ҳақоратланган ва хўрланган Ўзбекистоннинг обрўсини кўтариш ҳақида ўйларди. "1990 йилнинг 26 мартада Ўзбекистон Олий Совети Президентликни жорий этди ва мени шу лавозимга сайлади. Шундан сўнг мен Москвага – СССР Давлат Кенгаши йиғилишига келдим. Горбачёв мени Ўзбекистон Президенти дея пичинг, ҳақоратомуз сўзлар билан кенгаш аъзоларига таништирди ва тартибга солиб қўйишга ваъда берди. Бу ерда у президентликни бекор қилишни назарда тутди. Мен унга шундай жавоб бердим: "Агар суҳбат шундай давом этадиган бўлса, мен Кенгашни ташлаб кетаман". Сўнг Москва ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам мени олиб ташлашга уринди,

аммо ҳеч нарсага эриша олмади. Кучлар энди бошқача эди. Мени қўллаб-қувватлаган халқ ҳам бошқача фикрлай бошлаганди". Бу курашда Каримов ўзи ва халқи учун ҳамма нарсага тайёр йўлбошчи сифатида ғолиб чиқди"<sup>6</sup>.

Мамлакатимизда президентлик институтининг ҳуқуқий асослари шаклланиши ва ривожланишини икки даврга ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Давлат ҳокимиятининг муҳим субъекти сифатида Президент лавозимининг жорий этилиши, унинг давлат функцияларидан келиб чиқиб ўз вазифаларига эга бўлиши, давлат механизмида, хусусан, ҳокимият тармоқлари тизимида ўз ўрни ва ролини топиши ҳамда фаолият юритишининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш билан боғлиқ биринчи гадаги ислохотлар ва ўзгаришларни ўз ичига олган дастлабки босқич — 1990-2000 йиллар мамлакатимиз, халқимиз ҳаётида улкан из қолдирган ўтиш даври, том маънода, тарихий аҳамиятга эга бўлган давр бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимини таъсис этиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунига кўра, Ўзбекистон Республикасининг Президенти лавозими демократия жараёнларини янада ривожлантириш, сиёсий ўзгаришларни чуқурлаштириш, конституцион тузумни, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий органларининг ўзаро алоқасини такомиллаштириш мақсадида таъсис этилди. Қонунда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Конституция ва қонунларга риоя этилишига кафил бўлиш, республиканинг суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этиш, миллий давлат тузилиши масалаларига доир қарорларни амалга ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш, мамлакат ичкарисида ва халқаро ташкилотларда республика но-

---

<sup>6</sup> Левитин Л., Карлайл Д.С. Ислом Каримов — янги Ўзбекистон Президенти. - Т.: Ўзбекистон, 1996. -Б 11.

мидан иш куриш, Олий Кенгашга ҳар йили республикадаги ҳолат ҳамда ички ва халқаро ҳаётнинг энг муҳим масалалари юзасидан маърузалар тақдим этиш, айрим шахсларни лавозимга тайинлаш ва озод қилиш бўйича ваколатлар, республика олий ҳокимият ва бошқарув органларининг баҳамжиҳат ишлашини таъминлаш, ҳукуматнинг қарорлари ва фармойишлари ижросини тўхтатиб қўйиш, қонунларни имзолаш, фахрий унвонлар бериш, фахрий ёрлиқлар билан мукофотлаш, республика фуқаролигига ва сиёсий бошпана беришга оид масалаларни ҳал этиш, судлар томонидан ҳукм қилинган шахсларни афв этиш ва бошқалар Президент ваколатлари сифатида қайд этилди.

Ўзбекистон Республикасида президентлик институтининг вужудга келиши мамлакатимиз миллий давлатчилигининг ривожланишида мутлақо янги босқични бошлаб берди.

Халқаро тажрибадан маълумки, жаҳонда президентлик институтининг вужудга келиши ва ривожланишининг ягона, универсал модели, схемаси мавжуд эмас. Ҳатто, энг яхши деб топилган моделни кўчирган давлатларда ҳам аслидагидек самара бермаслиги мумкин. Буни АҚШ моделини олган Лотин Америкаси давлатлари мисолида ҳам кўра бўлади. Шунинг учун ҳар бир мамлакатда президентлик институтининг вужудга келиши, фаолият юритиши ва ривожланишига бир қатор омиллар ўз таъсирини ўтказди. Уларни шартли равишда объектив ва субъектив омилларга ажратиш мумкин. Кенг маънода — устувор ва асосий объектив омилларга сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, тор маънода — субъектив омилларга ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий онг, аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти кабиларни киритиш мумкин. Объектив омилларнинг негизини иқтисодий ва ижтимоий масалалар ташкил этади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда Президент Ислам Каримов томонидан дунёнинг бирон-бир давлатида ҳали қўлланилмаган йўл тутилди. Яъни, юртимизда аввал иқтисодни яхшилаб, мустаҳкамлаб, сўнг ижтимоий, сиёсий, маданий соҳада демократик ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Муайян иқтисодий ютуқларга эришиш янги ижтимоий-сиёсий, социал ислоҳотлар-



ни, демократик янгилианишларни жорий этишга шароит яратмоқда. Чунки иқтисодий ислоҳотлар фуқароларнинг турмуш даражасини, фаровонлигини яхшилади. Айниқса, фуқаролик жамиятининг ядроси бўлган хусусий мулк эгалари сафи ва сифатининг ошиши ҳаётга янгича кўз билан қарашга, мамлакат ҳаётини модернизация қилишга имкон яратади.

Ислоҳотларнинг дастлабки босқичида асосий ваколатлар давлатнинг, энг аввало, ижро этувчи ҳокимиятнинг ихтиёрида бўлишини тақозо этди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов бу ҳақда шундай дейди: "Айни замонда, агар кучли ижрочилик ҳокимияти бўлмас экан, энг одил ва энг оқил қонунлар ва қарорлар ҳам бажарилмай, шунчаки қоғозда қолиб кетиши мумкин. Бу ҳол қонунларни жорий этишга, фуқаролар ҳуқуқларини ва эрklarини муҳофаза қилишга, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни ўтказишга қодир президентлик ҳокимиятини кучайтиришни тақозо этади"<sup>7</sup>.

Дарҳақиқат, кучли ижроия ҳокимияти бўлмаса, ҳатто энг демократик йўл билан қабул қилинган қарорлар ҳам бажарилмасдан қолиб, тартиб, ижро интизоми сусайишига сабаб бўлар эди. Бундай салбий ҳолатларга йўл қўймаслик, қонуний қарорларни ҳаётга жорий этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш вазифаси сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар турмушга татбиқ этилишини таъминлайдиган президентлик ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришни тақозо этди. Кучли президентлик ҳокимияти қонунларнинг аниқ ва оғишмай бажарилишининг ишончли гарови сифатида қабул қилинди.

1990 йил 1 ноябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасида ижроия ва бошқарув ҳокимиятининг тузилишини такомиллаштириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни билан давлат бошқарувининг уйғун тизимини яратиш,

---

<sup>7</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-ж. - Т.: Ўзбекистон, 1996. - Б. 15.

қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятини бири-биридан қатъий фарқлаб қўйиш, давлат органлари фаолиятида параллелчилик ва бир-бирининг ишини такрорлашга, бир органнинг бошқа органлар вазифасини бажаришига барҳам бериш мақсадида ҳамда бозор муносабатларига ўтиш шароитида ижро ҳокимиятини бутун чоралар билан мустақамлаш, давлат, хўжалик ва социал-маданий қурилишнинг ҳамма жабҳаларида интизом ва тартиб ўрнатиш муҳим эканлигини ҳисобга олиб, президентлик ҳокимияти билан Министрлар Советининг ижроия-бошқарув ҳокимияти қўшиб юборилди. Ўзбекистон Республикаси Министрлар Совети Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасига айлантирилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти айна вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси бўлиши, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Министрлар Советининг аппарати Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги битта аппаратга бирлаштирилиши белгиланди.

— Мазкур Қонун мамлакатимизда давлат бошқарув шакли — президентлик республикасига асосланишини мустақамлаб қўйди. Ўтиш даврида давлат бошқарувининг президентлик республикаси шаклининг ўрнатилиши Ўзбекистон Республикасида олиб борилган барча ижтимоий соҳалардаги изчил ислоҳотлар муваффақиятли кечишининг гарови бўлди. Ўтиш даврида кучли ижро ҳокимиятига асосланган давлат бошқаруви, бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат ва ижро ҳокимияти бошлиғи сифатидаги ўрни, Конституция ва қонунлар устуворлиги тамойилининг амалда бўлиши ва бу тамойил қонунлар ижросининг таъминла-нишида таянч бўлди<sup>8</sup>.

Демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамия-тининг пойдеворини барпо этиш ҳамда давлатнинг бош ис-

---

<sup>8</sup> Аббосхўжаев Ш.А. Демократик давлат қуриш шароитида президентлик институтининг ҳуқуқий асослари: Юрид. фанлар номзоди дисс... автореф. - Т.: 2008. 18-19-бет.

лоҳотчи бўлиши зарурати ўтиш даврида Президент зиммасига катта масъулият ва стратегик вазифаларни ҳал этишни юклаш баробарида унинг етарли ваколатларга эга бўлишини ҳам тақозо этди. Президент давлат, аynи вақтда, ижро этувчи ҳокимият бошлиғи сифатида ислоҳотларнинг ташаббускори, янгилашни ва ўзгаришлар жараёнини ҳаракатга келтирувчи асосий кучга айланди.

Давлат ва жамият ҳаётида президентлик институтининг тутган ўрнидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, юртимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти деганда, халқ ирода-сини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қиладиган, ички ва ташқи сиёсатнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқиб, умуммиллий ва стратегик вазифаларни белгилаб, давлат ва жамиятни олий мақсадларга чорлайдиган, ўз сиймосида давлат ва миллатни бирлаштирадиган, жипслаштирадиган, давлат ҳокимияти органлари ва одамларни миллий ғоя асоси бўлмиш - юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги сари сафарбар қиладиган, уларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлайдиган, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этилишига кафил бўладиган, миллат ва давлатнинг тинчлиги, осойишталиги, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этадиган шахс гавдаланади.

"Мен давлат раҳбари, Президент деганда, фақат хорижий ўлкаларга бориб, у мамлакатларнинг бошлиқлари билан учрашиб қўл олишадиган кишини эмас, балки ўз давлатининг, ўз халқининг миллий манфаатларини тўла ифода эта оладиган ва қатъият билан ҳимоя қила оладиган одамни тасаввур қиламан", деганда Юртбошимиз мутлақо ҳақ эди.

Ислон Каримовнинг фикрича, "Юртбоши - ниҳоят даражада оғир, мураккаб ва масъулиятли бир вазифани ўз зиммасига олиб, унга ишонч билдирган одамларнинг умидини оқлаш учун - бу баландпарвоз гап бўлиб туюлмасин - шу



олий мақсад йўлида ўз ҳаётини фидо қилишга ҳам тайёр туриши зарур”<sup>9</sup>.

Биринчи босқичга хулоса ясаб шуни таъкидлаш жоизки, бу босқич учта муҳим жараён амалга ошгани билан аҳамиятли. Биринчи жараён — 1990 йил 24 мартдаги президентликнинг жорий этилиши, иккинчиси эса - 1991 йил 29 декабрдаги муқобиллик асосида ўтган сайловлар, учинчиси — президентлик институтини “легитимизация”си ҳамда президентлик институтининг “марказлашуви” — кучли ижро ҳокимияти билан уйғунлашган ҳолатидир.

Иккинчи босқич (2001 ва ундан кейинги йиллар). Демократик ҳуқуқий давлат қуриш бўйича муайян тажриба орттирилганидан сўнг, фуқароларнинг сиёсий, ҳуқуқий онги ўсгани сайин кучли президентлик ҳокимиятининг роли мувозанатлашиб, кўп масалалар парламент ва ҳукумат ваколатига ўтиши мазкур босқичнинг ўзига хос хусусиятига айланди.

Бу даврда миллий давлатчилигимиз ва биз учун янги бўлган эркин бозор иқтисодиёти шаклланаётган ва қарор топаётган дастлабки йилларда Президентга берилган ҳуқуқ ва ваколатларнинг бир қисмини ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи тузилмаларига ўтказиш ишлари изчиллик билан олиб борилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 4 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларини ишлаб чиқиш, кўриб чиқиш ва имзолаш тартиби тўғрисида”ги 2118-сонли фармойишига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти қарор ва фармойиш қабул қиладиган энг муҳим йўналиш ва масалаларнинг рўйхати, асосий қоидалари мажбурий тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишиладиган Вазирлар Маҳкамаси қарор ва фармойишлари рўйхати, Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишиб олишга тақдим этиладиган принципаал параметрлар, муҳим баланслар ва соҳалараро ҳисоб-китоблар рўйхати тасдиқланди. Бу

<sup>9</sup> Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. 8-ж. - Т.: Ўзбекистон, 2000. - Б. 127-128.

ҳам Президентнинг айрим ваколатлари босқичма-босқич ҳукуматга ўтаётганлиги, мамлакат ҳаётида ҳукуматнинг роли ва таъсирини кўтариш, ваколатларни аниқлаштириш, ҳукуматда ташаббускорлик ва масъулиятнинг янада ошишига хизмат қилди.

Икки палатали парламент шаклланиши билан Президент ваколатларининг катта қисми Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига ўтказилди.

Ўтган асрнинг 90-йилларида Президент кўп вазифаларни, масъулият ва жавобгарликни ўзига олишга мажбур эди.

Одамларнинг сиёсий, ҳуқуқий онги ва савияси қанчалик юксалса, демократия йўлида қанча кўп ижобий ўзгаришларга эришсак, давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасида эркинлаштириш жараёнлари ҳам шунча тезлашади. Шу асосда Президент 90-йиллардаги мураккаб бир шароитда ўз зиммасига олишга мажбур бўлган ваколатларни тегишли тузилмаларга бериши учун имкон туғилди.

2003 йил 25 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз ваколатларини, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ, самарали амалга ошириши учун зарур шароит яратиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, шунингдек, конституциявий ваколат муддати тугаб ёки соғлиғи ҳолатига кўра истеъфога чиққан Ўзбекистон Республикаси Президентига зарур шароитлар ва кафолатлар яратиб бериш мақсадида "Ўзбекистон Республикаси Президенти фаолиятининг асосий кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди.

2005 йилда мамлакатимизда икки палатали парламентнинг иш бошлаши, шунингдек, Президентнинг конституциявий вазифаларидан аввал Вазирлар Маҳкамасининг Раиси лавозими, кейинчалик эса ижро ҳокимиятининг раҳбари мақоми чиқарилганидан сўнг, Президентнинг ҳуқуқий ҳужжатларида ишлатиб келинган фармон ва фармойиш сўзлари қаторига, Президент қарори амалиёти ҳам қўшилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари, асосан, ижро ҳокимиятининг ташкилий тузилмасини, ҳукуматлар-

аро халқаро шартномаларни, бир қатор кадрларни тасдиқлаш, давлат мукофотларини бериш, ҳарбий хизматга чақириш ваколатларини амалга ошириш учун қабул қилина бошлади.

2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"ни баён этиб, бу билан давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш бўйича таклиф этилган ташаббуслари орқали президентлик институтининг ривожланишида муҳим босқич бошланишига замин яратди, сиёсий тизимни модернизация қилиш жараёнида мамлакатимизни ислоҳ этиш ва демократлаштиришнинг янги босқичини бошлаб берди. Концепцияда мамлакатимиз аҳолисининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий онг даражасининг ўсиб бориши, жамиятни демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларининг жадал ривожланиши, юртимизда кўппартиявийлик тизимининг тобора мустақамланиши давлат ҳокимиятининг учта субъекти, яъни давлат бошлиғи бўлган Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлаш учун зарур шарт-шароитларни юзага келтираётганлиги таъкидланди<sup>10</sup>.

Мазкур Концепциядан келиб чиқиб, 2011 йил 19 апрелда матбуотда эълон қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)"ги Қонуни билан Конституциянинг Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколатларига бағишланган 93-моддаси 8, 15-бандлари, 98-мод-

---

<sup>10</sup> Каримов И.А. Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш - мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. 19-ж. - Т.: Ўзбекистон, 2011. - Б. 45-46.



дасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди, яъни "ижро этувчи ҳокимият девонини тузади ва унга раҳбарлик қилади" деган сўзлар чиқарилди, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ваколатига вилоятлар ҳокимларини ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимини қонунга мувофиқ тайинлаш ҳамда лавозимидан озод этиш учун Президентга тақдим этиш ҳуқуқи берилди, Президент ваколатларидан Вазирлар Маҳкамаси ваколатига кирувчи масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи чиқарилди, Конституциянинг 96-моддаси янги таҳрирда ифодаланиб, унга кўра, мамлакатнинг амалдаги Президенти ўз вазифаларини бажара олмайдиган ҳолатларда унинг вазифа ва ваколатлари вақтинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг зиммасига юклатилиши белгиланди. Конституциянинг 98-моддасига киритилган қўшимчаларга биноан, Бош вазир номзодини тақлиф этишни янада демократик конституциявий тартиби жорий этилди. Яъни, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини кўлга киритган бир неча сиёсий партиялар томонидан тақлиф этилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 89-моддасига кўра, "Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди". Бундан келиб чиқалики, агар аввал Президент давлат ва ижро ҳокимиятининг бошлиғи вазифаларини қўшиб олиб борган бўлса, эндиликда у ҳокимият тармоқларининг ўз функциясини бажариши, ўзаро ҳамкорлик қилишини тўлақонли равишда назорат қилиш ваколатига эга бўлди. Бу эса Президентга давлат ҳокимиятининг барча тармоқларига нисбатан тегишли муҳим таъсир воситалари, тийиб туриш механизмларига эга бўлишни тақозо этади. Яъни, агар бирон-бир ҳокимият тармоғи ўз вазифасини бажармаса ёки ваколатини

суистеъмол қилса, Президент зудлик билан бундай ҳолатнинг олдини олиш ёки бартараф этиш, тизимда узилишлар бўлишига йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўради.

2011 йил 12 декабрда Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 90-моддасига тузатиш киритиш тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди<sup>11</sup>. Мазкур Қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг қонунчилик ташаббуси билан қабул қилинган бўлиб, унга кўра, бугунги кундаги объектив воқелик, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг мантиғи ва изчиллигидан келиб чиқиб, Президентнинг сайланиш муддатини етти йил ўрнига беш йил қилиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига навбатдаги сайловга тайёргарлик кўриш, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг принциплари ва талабларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш мақсадида ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормаларини ҳисобга олган ҳолда, 2012 йил 9 апрелда "Давлат ҳокимияти вакиллик органларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг навбатдаги сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонуни қабул қилинди. Мазкур Қонуннинг 2-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг навбатдаги сайлови 2015 йилнинг биринчи ярмида - Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов яқунлари бўйича қарор чиқарган кундан эътиборан 90 кун ўтгандан кейинги биринчи якшанбада, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонунга тўлиқ мувофиқ ҳолда ўтказилиши белгилаб қўйилди. Ушбу Қонунда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ҳамда давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов муддатлари бир пайтга тўғри келиб қолган

---

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборот-информаси. 2011. 12/1-сон. 343-модда.

тақдирда давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ваколат муддати бир йилга узайтирилишига оид қоида чиқариб ташланиши белгиланди<sup>12</sup>.

2011 йил 18 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4295-сонли Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг низоми ва тузилмаси тасдиқланди.

Юқоридагиларни умумлаштириб айтиш мумкинки, мамлакатимизда президентлик институтининг вужудга келиши ва ривожланиши мамлакатимизнинг давлат мустақиллигига эришишида ҳал қилувчи аҳамият касб этди; тараққиётнинг дунёга машҳур "Ўзбек модели"нинг ишлаб чиқилиши ҳамда у асосида мустақил давлатнинг янги давлат ва жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ соҳаси, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий тизими барпо қилинишига сабаб бўлди; мамлакатнинг мустақил ички ва ташқи сиёсати шаклланиши, мудофаа ва хавфсизлик тизими, миллий армиянинг вужудга келишига асос солинди; иқтисодиётнинг юксак суръатлар билан ўсиши, тинчлик, осойишталик, миллатлараро тотувлик ҳамда диний бағрикенглик муҳити ўрнатилишига муҳим пойдевор яратилди; давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритиши ҳамда ҳамкорлигини таъминлашнинг мустаҳкам тизими яратилди; фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг узлуксиз ҳамда изчил механизми йўлга қўйилди; давлат ва жамият ҳаётида сиёсий-ҳуқуқий бўшлиқлар вужудга келмаслигининг, шунингдек, ислоҳотларнинг ўз вақтида ҳамда тезкорлик билан ҳуқуқий асосларини шакллантириш ва самарасини таъминлаш тизими яратилди.

---

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборот-номаси. 2012. 4-сон, 104-модда.



### 3.3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси. Ўзбекистонда парламентаризм асосларининг шаклланиши ва ривожланиши

Мустақиллик қўлга киритилган дастлабки кунлардаёқ Ўзбекистонда демократияни тараққий топтириш учун ҳозирги замон жаҳон стандартларига жавоб бера оладиган самарали ва ишчан парламентни шакллантириш зарурати юзага келди. Аммо бир ижтимоий тизимдан иккинчи тизимга ўтиш шароитида бу жараён ғоят мураккаб кечиши аниқ эди.

Парламентаризмнинг ривожланиши босқичма-босқичлик тамойили асосида олиб борилди. Акс ҳолда ижтимоий-сиёсий беқарорлик ва ҳокимиятлар мувозанати йўқ пайтда эндигина фаолиятини бошлаётган ёш парламент демократик институт доирасидан чиқиб кетиб, сиёсий инқироз келтириб чиқарувчи воситага айланиши мумкин эди. Бундай шароитда қонунчилик иккинчи даражали вазифага айланади, у фақат сиёсий курашни давом эттириш ёхуд лоббилар фаолияти учунгина ишлатиладиган қўғирчоққа ўхшаб қолади. Бундай парламентдан элнинг, халқнинг қор-қолига ярайдиган, миллий манфаатларга жавоб берадиган, етти ўлчаб бир кесилган, чуқур ўйланган қонун ва қарорлар кутиш қийин бўлиб қолади. Шунга кўра, парламент ҳокимиятларни тақсимлаш тизимида тўлақонли иш юритиши учун шундай шароит яратиш зарур эдики, бир томондан, у ҳокимиятнинг барча тармоқларига маълум даражада таъсир ўтказсин, иккинчи томондан, давлат тизими ичида ҳам, давлат билан фуқаролик жамияти ўртасида ҳам, очиқ ва ҳар қандай қарама-қаршиликни енгиб ўта оладиган сиёсий маҳкамга айлансин. Энг муҳими - мамлакатга ишчан, қобилиятли, қонунчилик ва вакиллик вазифаларини тўлиқ адо эта оладиган, жамиятни ажратиб ташлайдиган эмас, балки бунёдкорлик йўлида одамларни, фуқароларни жипслаштира оладиган парламент керак эди. Зеро, мамлакат олдида улкан - янги демократик давлатчиликни яратишдек вазифа турарди. "Парламентдаги ўринлар учун партиялар кураш олиб борса, қандайдир тартиб кўзга ташланади. Борди-ю, ҳар бир

депутат уни, овозини ким сотиб олишини кутаётган бўлса, бу ниҳоятда даҳшатли. Ана шундай парламентнинг қўлидан ҳар нарса келиши мумкин. Шунинг учун ҳам мен жамики гоёлар, ижтимоий қатлам ва манфаатлар мужассамланган парламент тарафдориман"<sup>13</sup>, деб таъкидлаган эди мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов.

Ўзбек парламентаризми тарихига назар солсак, 1990-1994 йилларда мамлакатимиз парламенти Олий Кенгаш номи билан аталиб, 150 депутатдан иборат эди. 1995-2004 йилларда Олий Мажлис номи билан аталган 250 депутатдан иборат бир палатали парламент шакллантирилди. Бир мандатли ҳудудий сайлов округларидан сайланган депутатлар таркибида Халқ демократик партиясидан, "Адолат" социал-демократик партиясидан, "Ватан тараққиёти" партиясидан, "Миллий тикланиш" партиясидан депутатлар бор эди. Парламент фракциялари илк бор ташкил этилди. Бундан ташқари, депутатларнинг маълум бир қисми Қорақалпоғистон парламенти, вилоятлар ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан сайланди. Шунга кўра, фракциялар билан бир қаторда парламент фаолиятида ҳокимиятларнинг вакиллик органларидан келган 120 депутатлик блоки ҳам бор эди. Депутатларнинг ярмидан кўпи йилда 4 мартаба бўладиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессиялари вақтида қонунчиликни амалга ошириб, аввалги иш ўринларида ўз вазифаларини адо этардилар. Олий Мажлиснинг мунтазам ва самарали иш фаолиятини унинг Кенгаши (президиуми), қўмиталари, комиссиялари, шунингдек, доимий асосда ишлайдиган депутатлар таъминлаб турарди.

Бу даврда демократик парламентаризм маданиятини ривожлантириш учун шароит яратилди, профессионал депутатлар, парламентда хизмат қилувчи юксак малакали ходимлар тарбияланди, парламентнинг обрў-эътибори ошди, қонунчиликнинг илмий базаси ҳам ривожлана бошлади. Пар-

---

<sup>13</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. -Т.: Ўзбекистон, 2011. - Б. 291.

ламент механизмининг равнақи, бир қатор парламентлик вазибаларининг кучайтирилиши, парламентга қўшимча ваколатларнинг берилиши турли назариялардан келиб чиқиб эмас, балки тўпланган тажриба асосида амалга оширилди.

Парламент фаолиятини кучайтиришга, шу жумладан, қонунчилик жараёнини тўла профессионаллаштиришга, қабул қилинаётган қонун ва қарорларнинг сифатини янада оширишга бўлган эҳтиёж икки палатали парламент тизимига ўтишни тақозо этарди. Бундан ташқари, тақсимланган вакилликларга ҳам эҳтиёж туғилди, яъни қуйи палата партиалар вакиллари билан шакллантирадиган, юқори палата жойлардаги ҳокимият органлари вакиллари (Қорақалпоғистон, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги депутатларнинг маҳаллий кенгашларидан 6 кишидан) ва мамлакат Президенти тайинлайдиган фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият ҳаётида катта амалий тажрибага эга бўлган алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролардан иборат 16 нафар депутат (жами 100 нафар сенатор) билан тўлдириладиган бўлди.<sup>14</sup>

Бу ўзбек парламентаризми тарихидаги муҳим давр эди, зеро, айнан мана шу даврда қонунчилик ҳокимиятини амалга оширувчи олий давлат вакиллик органининг ишида бирмунча юксак профессионал даражани таъминлашга доир имкониятлар аниқлаб олинди. Бундан ташқари, бу давр мураккаб тузилмали парламентга, ҳокимиятнинг барча шоҳобчаларида барқарорлик ва иш меъёрларини сақлаган ҳолда қонунчилик, давлат бошқаруви ва ташқи сиёсат соҳасида кучли конституциявий ҳокимиятнинг парламенти даражасига босқичма-босқич ўтиш энг тўғри йўл эканлигини ҳам тасдиқлади.

Олий Мажлис 2001 йил 6 декабрда қабул қилган "Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш тўғрисида"ги қарорига кўра, 2002 йил 27 январда референдум ўтказилди. Унинг яқунлари асосида "Референдум яқунлари ҳамда

---

<sup>14</sup> Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10 - ж. -Т.: Ўзбекистон, 2002. - Б. 184.



давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида"ги Конституциявий қонуннинг қабул қилиниши қонун чиқарувчи ҳокимиятни тубдан ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб берди.

2002 йил 12 декабрда Олий Мажлиснинг 10-сессиясида "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида" ва "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги Конституциявий қонунлар ҳамда уларни амалга ошириш тўғрисида қарорлар қабул қилинди. 2003 йилнинг 24 апрелида эса "Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" Қонун қабул қилинди. Дунёнинг ривожланган мамлакатларида тўпланган парламентаризм тажрибаси, ўзбек халқининг қадриятлари ва менталитетини ҳисобга олган ҳолда, ишлаб чиқилган ушбу қонунлар икки палатали парламентимиз ваколатлари ва фаолиятининг ташкилий шаклларини аниқ белгилаб берди.

Шундай қилиб, мамлакатимиз тарихида илк бор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатадан - Қонунчилик палатаси (қуйи палата) ва Сенатдан (юқори палата) иборат тарзда иш бошлади.

Мамлакат парламентининг босиб ўтган йўлини тарихий нуқтаи назардан таҳлил этар эканмиз, уни учта асосий даврга бўлиш мумкин. Биринчи давр – 1991-1994 йиллар, иккинчи давр – 1995-2004 йиллар, учинчи давр – 2005 йилдан ҳозирги пайтгача.

Биринчи давр – 1991-1994 йиллар. Ўтиш даври парламенти деб аташ мумкин бўлган охириги – 12-чақириқ Олий Кенгаш депутатлари давлат бошқарувининг мутлақо янги органларини ташкил этишнинг, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган демократик жамият қуришнинг ҳуқуқий негизи бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилди. Парламент ёш давлатнинг суверенитетини мустаҳкамлашга қаратилган "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида"ги,

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"-  
ги, "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғри-  
сида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби  
тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Давлат мад-  
ҳияси тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг давлат  
тили ҳақида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажли-  
сига сайлов тўғрисида"ги ва мустақиллигимизни ҳуқуқий  
жиҳатдан мустаҳкамлашга қаратилган ниҳоятда муҳим  
бўлган бир қатор қонунларни қабул қилди.

1989

Олий Кенгашнинг ўн иккинчи сессияси 1994 йил 23 сен-  
тябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига биринчи  
сайловни 1994 йил 25 декабрда ўтказиш тўғрисида қарор  
қабул қилди. Уч босқичда (1994 йил 25 декабрда, 1995 йил 8  
ва 22 январда) бўлиб ўтган сайлов якунларига биноан 245  
нафар депутатдан иборат таркибдаги парламент шаклланти-  
рилди. Сайлов кўп партиявийлик асосида ўтказилди.

Иккинчи давр - 1995-2004 йиллар. Олий Кенгаш ўрнига  
Ўзбекистон Республикасининг бир палатали парламенти -  
Олий Мажлис шакллантирилди. Биринчи чақириқ (1995-1999  
йиллар) Олий Мажлис таркибида Ўзбекистон Халқ демок-  
ратик партиясидан 69 нафар, "Адолат" социал-демократик  
партиясидан 47, "Ватан тараққиёти" партиясидан 14, "Мил-  
лий тикланиш" демократик партиясидан 7 нафар депутат  
бўлиб, депутатларнинг қолган қисмини ҳокимият вакил-  
лик органларидан кўрсатилган шахслар ташкил этди.

137  
7  
?

Иккинчи чақириқ (2000-2004 йиллар) Олий Мажлисга  
сайлов ҳокимият вакиллик органлари билан бир қаторда беш-  
та сиёсий партия ва сайловчилар ташаббускор гуруҳлари  
иштирокида бўлиб ўтди. Иккинчи чақириқ Олий Мажлисда  
11 нафар депутатни бирлаштирган "Адолат" социал-демок-  
ратик партиясига фракцияси, 10 нафар депутатдан иборат  
"Миллий тикланиш" демократик партиясига фракцияси, 20  
нафар депутатга эга бўлган "Ватан тараққиёти" партиясига  
фракцияси, 34 нафар депутатни ташкил этган "Фидокор-  
лар" миллий демократик партиясига фракцияси, 49 нафар де-  
путатдан иборат Халқ демократик партиясига фракцияси, 107  
нафар кишидан иборат ҳокимият вакиллик органларидан

231  
16  
247

сайланган депутатлар блоки ва 16 нафар сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар блоки рўйхатга олинди. Кейинчалик "Ватан тараққиёти" ва "Фидокорлар" партиялари битта "Фидокорлар" партиясига бирлашганлиги муносабати билан иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг иккинчи сессиясида уларнинг парламентдаги фракциялари аъзолари ҳам бирлашиб, 54 нафар депутатни бирлаштирган битта фракцияни ташкил этдилар.

Учинчи давр - 2005 йилдан ҳозирги пайтгача. Миллий парламентаризм ривожланишининг учинчи даври Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январдаги қўшма мажлисидан бошланиб, бунда янги икки палатали Олий Мажлис депутатлари ва сенаторлари амалда ўз ишларига киришдилар. Мамлакатимиз қонун чиқарувчиларининг мазкур тарихий анжуманида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов жамиятимизни демократлаштириш ҳамда янгилаш юзасидан дастурий маъруза қилиб, мамлакатимизни 2005 йилда ва узоқ муддатли истиқболда ислоҳ этиш ҳамда модернизация қилиш бўйича асосий вазифаларни илгари сурди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида Президентимиз таъкидлаганидек, "Икки палатали миллий парламентимизни ташкил этиш масаласи бўйича 2002 йил 27 январда ўтказилган референдум яқунлари ва шу асосда "Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида"ги Конституциявий қонуннинг қабул қилиниши қонун чиқарувчи ҳокимиятни тубдан ислоҳ қилишнинг асосларини белгилаб берди".

Бугунги кунга келиб, Олий Мажлис палаталари фаолиятининг ҳуқуқий асослари тўла шаклланди. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг салоҳияти ўсиб, сифат жиҳатдан ўзгарди. Бу йилларда кўп партиявийлик асосида қонун чиқарувчи ҳокимиятга сайловлар натижасида Ўзбекистонда замонавий қонун чиқарувчи ҳокимият қарор топди.

Таъкидлаш жоизки, икки палатали парламент ташкил



этилгач, Ўзбекистон Республикасида қонун чиқарувчи ҳокимият ўз тараққиётида янги поғонага кўтарилди. Энг асосийси, гарчи қонунчилик жараёни анча мураккаблашган бўлсада, қабул қилинган қонунларнинг сифати сезиларли даражада ошди. Қонунларни қабул қилишда сиёсий партияларнинг роли кучайди. Қонун лойиҳаларини партияларнинг фракцияларида олдиндан кўриб чиқиш, Қонунчилик палатаси ялпи мажлисларида ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини муҳокама қилишда уларнинг фикрларини эътиборга олиш амалиёти шаклланди.

Ўзбек миллий парламенти фаолиятида ҳам демократик давлатларнинг парламентларига хос бўлган хусусиятлар, вакиллик, қонунчилик, ҳокимият устидан назоратни амалга ошириш, шунингдек, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатида асосий йўналишларни белгилашдек универсал вазифалар намоён бўлди. Мана шу вазифаларнинг амалга оширилиши баробарида халқ ҳокимиятчилиги ва давлатнинг қонунийлигини таъминлаш, давлатнинг демократик, дунёвий, ижтимоий ва ҳуқуқий хусусиятлари муҳим аҳамият касб эта бошлади.

"Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизациялашда сиёсий партиялар ролини кучайтириш ҳақида"ги Конституциявий қонун ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг баъзи моддаларига (89-модда; 93-модданинг 15-параграфи; 102-модданинг 2-қисми) ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги Қонун лойиҳаларининг шарҳларида қайд этиладики, "Бу борада айрим хорижий мамлакатлар давлат-ҳуқуқий, сиёсий тизимида янгитдан сайланган парламентда мутлақо кўпчилик ўринни эгаллаган партиянинг ҳукуматни шакллантириш ҳуқуқини қўлга киритиши ва унинг етакчиси ёки вакили Бош вазир лавозимига даъвогарлик қилишини назарда тутадиган тажриба ҳам мавжуд. Бундай модель демократик ривожланишнинг узоқ йўлини босиб ўтган ва электорати етарли даражадаги юксак сиёсий ва ижтимоий тафаккурга эга бўлган давлатлардагина қўлланилади.

*Биздан ҳам. Ҳажинг кўпчилик мақсу...*

Бир сўз билан айтганда, мамлакатда парламент ислоҳотларининг ривожлантирилиши масаласи икки палатали парламентнинг ташкил топиши ва унинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида тобора мавқеи ошиб бораётганлигида аниқ намоён бўлаётганини кузатиш мумкин. Икки палатали парламентнинг шакллантирилиши, унинг фаолият юритиши масалаларига доир ҳуқуқий асосларнинг, шунингдек, сайловларнинг демократик андозалар асосида янада такомиллаштирилиб борилиши, ниҳоят, номарказлаштириш, маъмурий ислоҳотларнинг жадаллик билан олиб борилиши мамлакат сиёсий модернизациялашув жараёнининг асосини ташкил этди.

Хуллас, мамлакатимизда миллий парламентни шакллантириш жараёни қисқа бўлса-да, таркибий-тузилмавий ва сифат жиҳатидан муҳим босқични босиб ўтди. Барча соҳаларда бўлгани каби бу йўналишда ҳам Президент Ислам Каримов раҳнамолигида жаҳон халқлари эришган ижобий тажрибалар билан бирга, мамлакатимиз, халқимизнинг ўзига хос хусусиятлари, менталитети, шарт-шароитлари, тарихий анъана ва қадриятлари ҳисобга олинди. Айти пайтда парламент ривожининг босқичма-босқич амалга оширилиши "Ўзбек модели"нинг ҳаётийлигини яна бир бор тасдиқлади.

#### **3.4. Ўзбекистонда демократик тамойиллар асосида миллий давлат бошқарув тизимининг яратилиши ва мустақамланиши**

Ўзбекистон Республикасида давлат мустақиллигига эришилгандан кейин ўтган йиллар давомида барқарор ривожланаётган иқтисодиёт ва кучли фуқаролик жамиятига эга демократик ҳуқуқий давлатни шакллантириш йўналишида давлат бошқаруви соҳасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди.

Мустақилликнинг йигирма уч йиллик ривожланиш та-

рихи — қисқа муҳлат, аммо бу даврда Ўзбекистон эришган ютуқлар - объектив воқелик. Ўзбекистон ўз давлатчилигини шакллантиришга ҳамда янги минг йилликда тобора жадаллашиб бораётган тўғри стратегик йўналишни танлашга муваффақ бўлди. Жамиятнинг тараққиёти узлуксиз ва тўхтовсиз олға интилиш орқали таъминланмоқда.

Давлат бошқаруви соҳасидаги аниқ мақсадли вазифалар, бир томондан, қонунларни ҳаётга изчил татбиқ этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари амалга оширилишини кафолатлаш, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга қодир давлат ҳокимияти ва бошқарувининг ҳам вертикал, ҳам горизонтал самарали бўлган тизимини яратишни талаб этарди. Иккинчи томондан, бу даврда бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик тизимига барҳам беришга; ижро ҳокимияти айрим вазифаларини марказий органлардан жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига аста-секин ўтказишга, ижтимоий йўналтирилган иқтисодиёт талабларига жавоб берадиган, қонунчилик ва суд ҳокимияти, шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорлик қилувчи бошқарувнинг уйғун тизимини яратишга йўналтирилган чора-тадбирлар белгиланиб, босқичма-босқич амалга оширилди.

Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий ривожланиши давлат бошқаруви ва қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг асосий босқичлари, қонунчилик ҳокимияти родини кучайтириш ва кўп партияли тизимни шакллантириш, шунингдек, суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш билан узвий боғлиқ ҳолда кечди.

Мустақиллик йилларида давлат бошқарувининг шаклланиши ва ривожланишида бир неча босқични ажратиб кўрсатиш мумкин.

Биринчи босқич (1991-2000 йй.) — ўтиш даври ва миллий давлатчилик асосларини шакллантириш билан боғлиқ биринчи галдаги ислоҳот ва ўзгаришларни ўз ичига олади. Ушбу босқичда ўтиш даврида ҳокимият тақсимланишининг конституциявий тамойили асосида давлат бошқарувининг тубдан янги тизими яратилди ҳамда иқтисодий ривожланиш, ижтимоий-маданий ва маъмурий-сиёсий қурилиш соҳасида



янги бошқарув тузилмалари шакллантирилиб, мустаҳкамланди. Бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик тизимидан воз кечиб, ижро ҳокимиятининг бутун тизими ва механизмини босқичма-босқич ислоҳ қилишга киришилди. Биринчи босқичга хос асосий хусусият ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг янги тизимига ўтиш, ўтиш даврида миллий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш билан боғлиқ бўлган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий ўзгаришларни амалга ошириш мақсадида ижро этувчи ҳокимиятнинг кучли, марказлашган тизимини барпо этишдан иборат эди. Энг муҳим масала янги тузумга ижтимоий ларзаларсиз, инқироз ҳолатларига йўл қўймай ва вазият устидан назоратни сақлаган ҳолда ўтишни таъминлашдан иборат эди.

Мазкур босқичда мамлакат олдида иккита асосий вазифа турар эди: бозор муносабатлари ва демократия талабларига мувофиқ равишда давлат аппаратини қайта ташкил этиш, аynи пайтда, барқарорликни сақлаб, самарали ислохотлар учун шарт-шароит яратиш.

Ушбу босқич давомида тоталитар тизимдан демократик тизимга, қатъий маъмуриятчилик ва буйруқбозликдан иқтисодий дастаклар ва рағбатлар асосида ўзини ўзи бошқариш ва ўзини ўзи тартибга солишга мураккаб, баъзан оғриқли ўтиш амалга оширилди. Биринчи босқичда давлат бошқарувининг янги тизими яратилди. Миллий шарт-шароитлар талабига жавоб берувчи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 9 январдаги "Тошкент шаҳри ҳокими (мэри) лавозимини бажаришга киришиши тўғрисида"ги фармойиши асосида ҳокимлик институти яратилди, у жойлардаги вакиллик ва ижро ҳокимиятининг ягона тўлақонли органи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳокимиятнинг қонунчилик, ижро ва суд тармоқларига бўлиниши белгилаб қўйилган ва уларнинг ҳар бири мустақил деб таъкидланган. Конституциявий тамойиллар ҳисобга олинган ҳолда, Вазирлар Маҳкамаси фаолиятининг мақоми, ваколат ва тамойиллари белгиланди. Вазирлар Маҳкамасининг таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан шакллантирилиб, Олий Мажлисда тасдиқланадиган бўлди. Вазирлар Маҳкамаси иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларнинг

самарали фаолият юритишини, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон ва фармойишларининг ижросини таъминлайди.

1993 йилда "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши ҳукуматнинг ҳуқуқий мақоми белгиланиши борасидаги ишларнинг мантиқий давоми бўлди.<sup>15</sup> Ушбу Қонунда ва қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда Вазирлар Маҳкамаси фаолиятининг асосий тамойиллари, таркибини шакллантириш тартиби, ҳукуматнинг ваколатлари ва давлат ҳокимиятининг бошқа органлари билан муносабатлари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси апаратини такомиллаштириш масалалари мустақкамланди.

Вазирлар Маҳкамаси таркибига, қонунга мувофиқ, Бош вазир, унинг ўринбосарлари, вазирлар, давлат қўмиталарининг раҳбарлари, шунингдек, давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органлари раҳбарлари киритилди.

Давлат апарати ислохотларнинг биринчи босқичида давлат бошқарувини мақбуллаштириш, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг бошқарувнинг бозор ислохотлари усулларига ўтиш билан боғлиқ бўлган шарт-шароитларда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг фаолияти самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Жойлардаги давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг демократлаштирилиши ҳокимлик апарати функциялари, таркиби ва ходимлар сонини мақбуллаштириш, шунингдек, халқ депутатлари Кенгашларининг родини кучайтириш йўналишида олиб борилди.

1993 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ,<sup>16</sup> жойлардаги вакиллик ва ижроия органлари бош-

---

<sup>15</sup> Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида"ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1993. 5-сон. 202-модда.

<sup>16</sup> Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1993. 9-сон. 320-модда.

лиқларини сайлаш ва бўшатиш, жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқа маъмурий-ҳудудий тузилмаларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан муносабатлари, вилоят, туман ва шаҳар мол-мулки ва молиявий ресурсларни шакллантириш тартиби, халқ депутатлари Кенгаши ва ҳокимнинг бюджетга оид ҳуқуқлари, вилоят, туман ва шаҳар бюджетининг даромади ва харажатлари каби масалалар тартибга солинди.

1994 йилда "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг<sup>17</sup> қабул қилиниши жойлардаги давлат ҳокимияти вакиллик органлари тизимини мустақамлаш соҳасидаги ислоҳотларнинг мантқий давоми бўлди.

Ушбу даврдаги асосий вазифа давлатнинг иқтисодиётга аралашувини чеклашга имкон берувчи самарали давлат бошқарувини ташкил этиш учун шарт-шароитларни яратишдан иборат эди. Макро даражада бу рақобат муҳитини, бизнесни ривожлантириш, мамлакатда хорижлик инвесторлар учун қулай инвестиция муҳитини яратишни англатади.

Биринчи босқичда кўп сонли тармоқ вазирликлари, иқтисодиётни давлат томонидан режалаштириш, савдо, моддий-техник таъминот ва хизмат кўрсатиш соҳасини бошқариш тизими тугатилди. Бозор иқтисодиётига хос бўлган давлат бошқарувининг янги институтлари: монополияга қарши органлар, мустақил статистика органлари, солиқ ва божхона қўмиталари, корхоналар банкротлигини назорат қилувчи органлар ташкил қилинди. Иқтисодий муносабатларнинг янги тизимига хос бозор институтлари: банк тизими, сугурта, лизинг, аудиторлик компаниялари, товарларни биржа орқали сотиш тизими шаклланди.

Шу тарзда, давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш жараёнида қатъий давлат назорати мамлакатда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва фуқаролараро ҳамжиҳатликни таъминлаш, бозор ислоҳотларини амалга ошириш учун мус-

---

<sup>17</sup> Ўзбекистон Республикасининг "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1994. 5-сон. 125-модда.



таҳкам иқтисодий замин ва қонунчилик базасини шакллантириш имконини берди. Бу даврда бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик тизими барҳам топди, Вазирлар Маҳкамаси, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, жойлардаги вакиллик ва ижро органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари яратилди.

Иккинчи босқич (2001-2010 йй.) - иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, қонунчилик, суд-ҳуқуқ тизими ва ижтимоий-гуманитар соҳаларни ислоҳ қилишни таъминлашда ғоят муҳим роль ўйнаган давр бўлди. Давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилишнинг ушбу босқичидаги энг муҳим вазифалар сифатида бошқарув тузилмаларининг вазифаларини ўзгартириш, уларнинг ҳокимиятга оид, тартибга солиш ва назорат қилишга оид ваколатларининг тўхтатилиши ва тубдан қисқартирилиши, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига аралашув ва тартибга солишга йўл қўймаслик каби вазифалар белгиланди.

Ислоҳотларнинг мантиғи ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштиришга интилиш давлат функцияларининг микро даражада, яъни муайян хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти ва ҳудудларни ривожлантириш даражасида қисқартирилишини тақозо этмоқда эди. Бошқача айтганда, корхоналар ва аҳоли бозор ислоҳотларига мослашиб боргани сайин давлат органларининг уларнинг қонуний фаолиятига аралашуви тадбиркорлик, ишбилармонлик, умуман, иқтисодиёт ривожланиши йўлидаги жиддий тўсиққа айланмоқда эди. Ушбу даврда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Республика давлат бошқаруви органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги<sup>18</sup> ва "Хўжалик бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги<sup>19</sup> Фармонлари Ўзбекистонда маъмурий ислоҳотларнинг мутлақ янги босқичини бошлаб бе-

---

<sup>18</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2003. 23-сон. 229-модда.

<sup>19</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Хўжалик бошқарув органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2003. 24-сон. 236-модда.

риш асносида, давлат ва ҳужалик бошқаруви мақомини, уларнинг асосий вазифалари ва ушбу ташкилотларнинг (вазирликлар, давлат қўмиталари, агентликлар, қўмиталар, марказлар ва инспекциялар) рўйхатини меъёрий-ҳуқуқий белгилаш асосида уларнинг функцияларини ажратиб берди.

2003-2004 йилларда ўтказилган маъмурий ислоҳотлар жараёнида 20 га яқин давлат бошқармаси қайта ташкил қилинди, 40 мингга яқин бошқарув ходимларининг штат birlikлари қисқартирилди. Бу, маълум маънода, корхоналар ва тадбиркорлик тузилмаларини уларнинг фаолиятига бюрократик аралашувларнинг турли шаклларида ҳам қилиш имконини берди. Иқтисодиёт, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш борасидаги янги вазифалар, барча ҳокимият тармоқларининг мустақиллигини кучайтириш зарурияти давлат бошқаруви органларини муносиб такомиллаштирилишини тақозо этар эди.

Давлат, ижтимоий-иқтисодий қурилиш, мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларни чуқурлаштириш масалаларини ҳал қилишда Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг роли ва мустақиллигининг кучайтирилиши 2003 йилда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига тузатишлар киритилиши<sup>20</sup> ва улар асосида "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳрирда қабул қилинишига<sup>21</sup> сабаб бўлди.

Ижро ҳокимиятини модернизациялаш мақсадида илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти эгаллаган Вазирлар Маҳкамаси Раиси лавозими бекор қилинди. 2003 йилда Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан мамлакат Президенти бир пайтнинг ўзида Вазирлар Маҳкамаси Раиси ҳисобланишини белгиловчи норма чиқариб ташланди. Қонунчиликдаги ўзгаришларга мувофиқ, Бош вазир номзодини

---

<sup>20</sup> Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" ги Қонуни / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2003. 9-10-сон. 67-модда.

<sup>21</sup> Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида" ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2003. 19-сон. 169-модда.

қуриб чиқиш ва тасдиқлаш Олий Мажлиснинг икки палатаси ваколатига киради. Ўзбекистон Республикаси Президенти Олий Мажлис палаталарига қуриб чиқиш ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг номзодини тавсия қилади.

Олий Мажлис томонидан Бош вазир лавозимига номзод икки марта рад этилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазир вазифасини бажарувчини тайинлайди ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисини тарқатиб юборади. 78-моддага киритилган тузатиш Олий Мажлис палаталарига мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш ваколатларининг берилишини кўзда тутаяди. Ушбу қоида ижро этувчи ҳокимият фаолияти устидан парламент назоратини сезиларди равишда кенгайтиради.

Янги шакллантирилган Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда Олий Мажлис палаталарига ўз ваколати давридаги фаолият дастурини тақдим қилади; Ўзбекистон Республикаси ижтимоий ва иқтисодий ривожланишининг асосий йўналишларини ва унга киритиладиган ўзгаришларни ишлаб чиқади ҳамда мамлакат парламентига қуриб чиқиш учун тақдим этади.

Иқтисодий ислохотлар чуқурлашиб, иқтисодиётни бошқаришнинг замонавий бозор усуллари шакллантириляётган, моддий хўжалик соҳасининг давлат томонидан тартибга солиниши тизими такомиллашиб боргани сайин ижро ҳокимияти органларини ислох қилиш, жумладан, унинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси каби олий органларнинг ваколатлари мустақиллигини кенгайтириш, масъулиятини ошириш бўйича шарт-шароитлар яратилди.

Давлат бошқаруви ислохотларнинг ушбу босқичидаги энг муҳим натижаларни бошқарув тузилмалари функцияларининг ўзгариши, уларнинг ҳокимиятга хос, тартибга солувчи ва назорат ваколатларининг тўхтатилиши ва тубдан қисқартирилиши, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига тўғридан-тўғри аралашув ва тартибга солишга йўл қўймаслик ташкил этади. Ушбу босқичда вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ҳокимликлари фаолиятининг



самарадорлигини ошириш ва таркибини такомиллаштириш, уларга юклатилган вазифаларни бажариш учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар мажмуаси амалга оширилди.

Давлат бошқаруви органлари фаолиятини, шунингдек, ҳуқуқий ҳимоя тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорлик субъектларининг молиявий масъулиятини эркинлаштиришга йўналтирилган қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Адлия органлари билан ҳамкорликда тадбиркорликни, 2005 йилдан бошлаб эса прокуратура органларини ҳуқуқий ҳимоялаш тизими яратилди. Ушбу чоралар давлат ва назорат органларининг корхоналарнинг молиявий-ҳўжалик фаолиятига аралашувини тубдан қисқартириш ва тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий эркинлик ва ҳуқуқларини жиддий тарзда кенгайтиришга олиб келди.

Тадбиркорлик ва хусусий мулкни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат органлари ташкил қилинди, ушбу органларнинг тадбиркорлик субъектларини моддий-техник ва хом ашё ресурслари билан таъминлаш борасидаги фаолияти такомиллаштирилди.

Ушбу даврда, қабул қилинган қарорларга мувофиқ, ижро ҳокимияти марказий органларининг айрим ваколатлари жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ихтиёрига ўтказилди. Жойлардаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларни бошқариш, бозор усулларига асосланган, замонавий бошқарув тамойилларини ҳаётга кенг жорий қилиш чоралари амалга оширилди, оила, оналик ва болаликнинг ижтимоий ҳимояси кучайтирилди, маълум ҳудудда истиқомат қилувчи фуқароларнинг бандлигига кўмаклашиш, шу жумладан, касаначиликни йўлга қўйиш чора-тадбирлари амалга оширилди.

2011 йили Ўзбекистон Республикаси Конституциясига янги тузатишлар киритилди,<sup>22</sup> улар давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштиришга, шу жумладан, ижро

---

<sup>22</sup> Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (78, 80, 93, 96 ва 98-моддасига) ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Конституциявий қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2011. 16-сон. 159-модда.

ҳокимиятини янада модернизациялашга қаратилган эди. Конституциянинг янги таҳрирдаги 93-моддасига кўра, Президент ваколатларидан ижро этувчи ҳокимият девонини тузиш ва унга раҳбарлик қилиш ҳуқуқи, шунингдек, Бош прокурор ўринбосарларини лавозимига тайинлаш ва бўшатиш ҳуқуқи чиқарилди.

Тузатишларга мувофиқ, Президент эндиликда фақат Бош вазир тақдимиغا биноан вилоятлар ҳокимларини ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимини қонунга мувофиқ тайинлаши ҳамда лавозимидан озод этиши кўзда тутилди. Бундан ташқари, давлат раҳбари ваколатларига Ҳисоб палатаси раисини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш киритилди.

Асосий Қонуннинг 98-моддасига кўра, Бош вазир лавозимига номзод кўрсатиш ва уни тасдиқлашнинг янги тартиби ўрнатилди. Эндиликда Бош вазир номзоди Қонунчилик палатасига сайловларда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партиялар томонидан таклиф этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентини тақдим этилган Бош вазир лавозимига номзодни кўриб чиққанидан кейин ўн кун муддат ичида уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун таклиф этади. Бош вазир номзоди унинг учун тегишлича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг ярмидан кўпи томонидан овоз берилган тақдирда тасдиқланган ҳисобланади.

Ишончсизлик вотуми институти Ўзбекистоннинг ҳуқуқий тизимида янгилик бўлди. Бунда, Бош вазир билан Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олган ҳолда, Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми тегишлича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади.

Ишончсизлик вотуми билдирилган тақдирда Президент Бош вазирни лавозимидан озод этиш бўйича қарор қабул қилади.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бутун таркиби Бош вазир билан бирга истеъфога чиқади.

Янги Бош вазир номзоди Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги барча сиёсий партиялар фракциялари билан тегишли маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг парламент палаталарига кўриб чиқиш ва тасдиқлашга тақдим қилиш учун таклиф этилади.

Мазкур ўзгартиш ва қўшимчалар ўз ичига мамлакатни ислоҳ қилиш бўйича босиб ўтилган йўлнинг комплекс таҳлилини қамраб олган, жамият ва давлат ривожланишининг мақсадли вазифалари ва мўлжалларини белгилаб берувчи «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»нинг мантиқий давоми бўлди.

Хусусан, Конституциянинг 78-моддаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг парламент назоратини амалга ошириш бўйича ваколатларини конституциявий мустақамлашга йўналтирилган қоида билан тўлдирилган. Қонунчилик органининг ижроия органлари фаолияти устидан назорати уларнинг қонунлар ва парламент қарорларининг амалга оширилиши бўйича масъулиятини янада оширади, шу орқали фаолиятининг сифати яхшиланишига хизмат қилади. Ижроия ҳокимият томонидан қонунларнинг керакли тарзда бажарилиши демократиянинг мустақамланишига олиб келади, зеро халқ иродасига асосланган қарорларнинг бажарилиши халқ томонидан ушбу иродага мувофиқ ҳокимиятнинг ягона манбаи сифатидаги роли англанишига хизмат қилади ҳамда унинг давлат сиёсати таъсир қилишга интилишини кучайтиради.

Бундан ташқари, парламент назоратини амалга ошириш бўйича ваколатларнинг конституциявий мустақамланиши парламентда ўз вакилларига эга сиёсий партияларга ижро ҳокимиятининг бутун тизими - ҳокимиятдан тортиб маҳаллий ҳокимият органлари устидан назоратнинг самарадорлигини ошириш ҳамда уларнинг жамият ҳаётидаги ролини кучайтириш имконини беради. Энг муҳими, бу сиёсий партияларга ўз электорати манфаатларини ва ўз дастурий вазифаларини ишонч ва қатъият билан ҳимоялаш имконини беради.



"Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари" та- мойилини амалга ошириш ва давлат органлари устидан жа- моатчилик назоратини таъминлаш бўйича яхлит тизимнинг шакллантирилиши доирасида жамоатчилик назорати инсти- тутига ҳам конституциявий мақом берилган, бу эса давлат ривожланишига оид ўта муҳим вазифаларни амалга оши- ришда фуқаролик институтларининг ролини ва аҳамиятини жиддий равишда кучайтиради.

93-моддага киритиладиган ўзгаришлар ҳокимиятнинг бўлиниши ва уларнинг самарали ҳамкорлик қилишига оид конституциявий принцип механизмни такомиллаштиради. Жумладан, эндиликда Президентнинг вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органлари- ни тузиш ва тугатиш ҳақидаги қарорлари Ўзбекистон Рес- публикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақдимида сўнг қабул қилинади, шу масалага доир фармонлар кейинчалик Ўзбе- кистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари тас- диғига киритилади.

Мамлакатнинг сиёсий ва конституциявий ривожланиши мантиғи Вазирлар Маҳкамасининг мустақиллиги ва масъу- лиятини оширувчи ҳуқуқий нормаларнинг қабул қилини- шига сабаб бўлди. 98-моддага Вазирлар Маҳкамасининг масъ- улиятини конституциявий мустақамлаш, шунингдек, фао- лияти соҳаларини аниқлаштириш мақсадида қўшимчалар киритилди. Хусусан, ҳукумат зиммасига самарали иқтисо- дий, ижтимоий, молиявий, пул-кредит сиёсатининг юри- тилиши, фан, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш ҳамда иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг бошқа тармоқларини ри- вожлантириш бўйича дастурларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш учун жавобгарлик юклатилган. Вазирлар Маҳ- камаси давлат ва хўжалик бошқаруви органлари фаолияти- ни мувофиқлаштиради ва йўналтиради, унинг устидан на- зоратни таъминлайди.

Айни пайтда, киритилган янги нормага қўра, Бош вазир лавозимига номзод парламентда унинг номзоди кўриб чи- қилаётганда ва тасдиқланаётганда Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастурини тақдим этади. Ушбу қўшимча сиёсий партияларга ҳукумат дастури ёки унинг алоҳида йўналишлари бўйича ўз

нуқтаи назарини белгилаш бўйича пухта ўйланган қарор қабул қилиш имконини беради. У демократик жамиятнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган кўппартиявийлик тизимини, партиялараро рақобат ва фракциялараро курашни янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, 103-моддага қўшимчалар маҳаллий Кенгашларда сиёсий партиялар ва уларнинг депутатлик гуруҳлари, шунингдек, вакиллик депутатлик органлари ролини оширишга қўмаклашади. Уларга кўра, вилоят, туман ва шаҳар ҳокими тегишли халқ депутатлари Кенгашига вилоят, туман, шаҳар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисоботлар тақдим этади, улар бўйича халқ депутатлари Кенгаши томонидан тегишли қарорлар қабул қилинади.

117-моддага киритилган қўшимчалар Марказий сайлов комиссиясини демократик шакллантириш тизими ва фаолиятининг асосий тамойилларини конституциявий мустақамлашга йўналтирилган бўлиб, улар фуқароларнинг давлат ҳокимияти органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқининг янада тўлиқ амалга оширилишини таъминлайди, шунингдек, уларнинг ўз иродасини эркин ифодалаш ҳуқуқлари кафолатланишини кучайтиради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига Президент Ислом Каримов томонидан илгари сурилган юқоридаги тuzатишларнинг киритилиши ижро этувчи ҳокимиятни модернизация қилишда, моҳиятан, мамлакатимизни ислоҳ қилиш ва демократлаштиришда янги босқич бўлди.

### **3.5. Мустақил Ўзбекистон Республикаси суд ҳокимияти**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддасида "Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши" белгилаб берилган. Судларнинг алоҳида ҳокимият сифатида белгиланишидан мақсад Ўзбекистон Республикасида шахс ҳуқуқи ва эркинликларининг холис орган сифатида фақат суд орқали таъминланишига эришиш ва судни аввалги жазоловчи органдан шахс ҳуқуқ

ва эркинликларини тўлақонли ҳимоя қила оладиган органга айлантиришдир. Суд ҳокимиятига нисбатан ишонч билан қараш, бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилишда суд органларидан тегишли ёрдамга эриша олишни, содир этилган ҳуқуқбузарлик ёки жиноятларга нисбатан қонун доирасида давлат чораларини суд орқали таъминлаш суд ҳокимиятининг моҳиятини белгилаб беради. Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти суд тизими орқали амалга оширилади. Суд тизими суд ҳокимиятининг алоҳида ҳокимият тармоғи сифатида мавжуд.

Мустақиллик туфайли Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти мустақил, турли мафкуралардан ҳоли бўлган, фақат қонунга бўйсунадиган тизим сифатида шаклланди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 106-моддасига мувофиқ, "Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади".

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йилларида қабул қилинган бир қатор қонунлари ва Президент фармонлари суд ҳокимиятини шакллантиришга қаратилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги Қонуни, Жиноят-процессуал, Фуқаролик процессуал, Хўжалик процессуал, Жиноят, Фуқаролик, Меҳнат, Оила, Уй-жой кодекслари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси хўжалик судларининг таркибини такомиллаштириш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судини ташкил қилиш тўғрисида"ги Фармонлари ана шу мақсадга хизмат қилмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги, "Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссиясини тузиш тўғрисида"ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси судлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори, "Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган "Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси тўғри-



сидаги низом"ларда ҳам суд ҳокимиятини такомиллаштириш мақсадлари қўйилган.

Суд ҳокимиятини шакллантиришнинг муҳим ютуғи сифатида суд томонидан конституциявий назорат қилишнинг жорий этилганлиги алоҳида эътиборга лойиқ. Таъкидлаш жоизки, суднинг ҳуқуқни қўллайдиган субъект сифатида асосий вазифаси одил судловни амалга ошириш орқали Конституция ва қонунлар устуворлигини таъминлашдир. Давлат мустақил суд ҳокимиятига эга бўлгандагина мустақил ва холис бўлиши мумкин. Конституциявий назорат қилиш вазифасининг амалга оширилиши давлат ҳокимиятининг бошқа тармоқларига, улар томонидан қабул қилинган қарорларни бекор қилиш орқали таъсир этишга имкон беради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 107-моддасига мувофиқ, Ўзбекистонда қуйидаги учта кичик тизимни ўз ичига олган суд тизими ташкил этилиб, у ўз фаолиятини амалга ошироқда:

1) Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди.

2) Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судлари, шунингдек, ҳарбий судлардан иборат бўлган умумий юрисдикция судлари. Ҳарбий судлар тизими, ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ҳарбий ҳайъати, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди, округ ва ҳудудий ҳарбий судлардан иборат.

3) Хўжалик судлари. Мазкур судлар Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судларидан иборат.

**Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди**

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида Конституциявий судни таъсис этиш назарда тутилган бўлиб, 1995 йил 30 августда "Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди

---

<sup>23</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1995. 9-сон. 178-модда.

тўғрисида"ги Қонун<sup>23</sup> қабул қилинди. Мазкур Қонунга мувофиқ, Конституциявий суд конституциявий суд ишини юритиш воситасида суд ҳокимиятини мустақил ва холис тарзда амалга оширувчи конституциявий назорат судлов органи ҳисобланади. У, айна вақтда, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият ҳужжатларининг конституциявий-лигига оид ишларни кўради.

2003 йил августда "Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида"ги Қонунга мамлакатда амалга оширилаётган парламент ислоҳоти, икки палатали парламентга ўтириши муносабати билан қатор ўзгартишлар киритилди.

Конституциявий суд ишларини юритиш Ўзбекистон учун мутлақо янги ҳуқуқий институт бўлиб, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият чиқарган ҳужжатларнинг конституциявийлиги тўғрисидаги ишларни кўриш йўли билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг устуворлигини таъминлашга йўналтирилган.

Конституциявий даражадаги суд ишларини юритиш деганда, кенг маънода, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди билан бошқа ҳуқуқ субъектлари ўртасидаги, Конституциявий судга тааллуқли ишларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш билан боғлиқ процессуал ҳаракатларни ҳамда шу аснода юзага келадиган конституциявий процессуал муносабатларнинг мажмуини конституциявий қонун ҳужжатлари нормалари билан тартибга солиш тушунилади. Тор маънода айтганда эса, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг ўзига хос белгилари қуйидагилардан иборат:

ихтисослаштирилган орган тузиш;

Конституциявий суднинг қарорлари умум мажбурийлик хусусиятида бўлиши;

одил судловни амалга оширишнинг мустақил процессуал шакли;

судьяларнинг ўта юқори малакали таркиби.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди конституциявий-ҳуқуқий институт сифатида таркиб топганига унча кўп бўлгани йўқ. Конституциявий суд, умуман олганда, Ўзбекистондаги ҳам суд ҳокимиятининг, ҳам давлат ҳокимиятининг муҳим бўғинларидан бири, унинг қарорлари миллий ҳуқуқ тизимида тобора салмоқли ўрин эгалламоқда. Конс-

титущиявий суд ишларини юритишнинг ҳуқуқий асослари "Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан белгиланган. Бу асослар Конституциявий суднинг 2004 йил 30 январдаги 1-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг регламенти»да<sup>24</sup> муфассал баён этилган. Регламентда белгиланганидек, Конституциявий суд ишларини юритишнинг асосий вазифаси фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқлари ва эркинликларини, шунингдек, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя этиш мақсадида ишларни тўғри ва вақтида кўриб чиқишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси ҳамда "Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида"ги Қонуннинг 1-моддасига мувофиқ, Конституциявий суд:

- Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларининг, ҳукумат ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг, Ўзбекистон Республикасининг давлатлараро шартномавий ва бошқа мажбуриятларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мослигини аниқлайди;

- Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқлиги тўғрисида ҳулоса беради;

- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари нормаларига шарҳ беради;

- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан берилган ваколат доирасида бошқа ишларни ҳам кўриб чиқади.

Конституциявий суд томонидан Конституцияга номуво-

---

<sup>24</sup> Конституционный суд Республики Узбекистан // Сборник нормативно-правовых актов. - Т.: Узбекистан, 2006. С. 83-107. Конституциявий суднинг биринчи регламенти мазкур суднинг 1996 йил 5 июлдаги 1-сонли қарори билан тасдиқланган // Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ахборотномаси, иккинчи чиқарилиши. 86-107-бет.



фиқ деб топилган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинган пайтдан юридик кучини йўқотган деб ҳисобланади. "Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида"ги Қонунга биноан Конституциявий суд:

1) ўзига берилган қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини Олий Мажлисда амалга ошириш ҳақидаги;

2) Конституциявий суд судьясининг ваколатларини тўхтатиб қўйиш тўғрисидаги;

3) Конституциявий суд Регламенти тўғрисидаги;

4) Конституциявий суд ҳузуридаги илмий маслаҳат кенгаши ҳақидаги масалаларни ҳам кўриб чиқади.

Конституциявий суднинг барча қарорлари, хулосалари ва бошқа тўхтамлари оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шу пайтдан кучга киради. Конституциявий суд қарори узил-кесил ҳисобланиб, шикоят қилинмайди. Лекин бу Конституциявий суднинг қарори умуман қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас экан, деган маънони англатмайди. Жумладан, "Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида"ги Қонуннинг 58-моддасида Конституциявий суднинг қарори, башарти, қарор қабул қилиш пайтида Конституциявий судга маълум бўлмаган янги муҳим ҳолатлар очилиб қолган бўлса ёки ушбу қарорни қабул қилишда асос бўлган конституциявий норма ўзгарган бўлса, ўз ташаббуси билан қайта кўриб чиқиши мумкин. Конституциявий суд қарорига суд ишини юритишнинг белгиланган тартиби бузилган ҳолда қабул қилинган деб, эътироф этган тақдирда ҳам қайта кўриб чиқилиши мумкин.

#### **Умумий юрисдикция судлари**

Ўзбекистон Республикасида суд тизимини шакллантиришнинг ҳуқуқий базаси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 107-моддасида кафолатланган. Айни шу конституциявий норма 1993 йил 2 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинишида асос бўлиб хизмат қилди.

Мазкур Қонунга мувофиқ, умумий юрисдикция судлари тизими қуйидаги бўғинлардан ташкил топди:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди;

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоятлар судлари ва Тошкент шаҳар суди;

туманлараро, туман (шаҳар) судлари;

ҳарбий судлар (Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди, округ ва ҳудудий ҳарбий судлар).

**Ўзбекистон Республикаси Олий суди.** Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 110-моддасига биноан, "Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик, жиноий ва маъмурий суд ишларини юритиш соҳасида суд ҳокимиятининг олий органи ҳисобланади". Мазкур суд томонидан қабул қилинадиган ҳужжатлар қатъий тарзда Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида бажарилиши мажбурий. Президент И.А.Каримов "... суд ҳокимиятини босқичма-босқич мустақамлаб бориш, суднинг мустақиллигини таъминлаш, уни собиқ тузумда бўлгани каби қатағон қуроли ва жазолаш идораси сифатидаги орган эмас, балки инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя ва муҳофаза этишга хизмат қиладиган том маънодаги мустақил давлат институтига айлантиришга қаратилган кенг қўламли ташкилий -ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди",<sup>25</sup> деб таъкидлаб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси суверен давлат бўлиши билан судлар ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи тармоқларидан, сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотларидан мустақил ҳолда иш олиб бориш имконига эга бўлди.

Ҳозирги кунга келиб, Олий суднинг ҳуқуқий мақоми "Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг 2000 йил 14 декабрдаги таҳрири I бўлимининг нормалари ҳамда кейинчалик киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар<sup>26</sup>, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси ва Жиноят-

---

<sup>25</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2010. -Б. 16.

<sup>26</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2001, 1-2-сон. 10-модда; 2002. 1-сон. 20-модда; 2004, 1-2-сон. 18-модда; 2005, 1-сон. 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. 2007. 7-сон. 324-модда.

процессуал кодексининг бир қатор қоидалари асосида тартибга солинмоқда<sup>27</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг<sup>28</sup> 144-моддасига кўра, Олий суд қонунда белгиланган ваколати асосида, фуқаролик ишларини кўриб чиқади, шунингдек, алоҳида ҳолатларни ҳисобга олиб, ҳар қандай фуқаролик ишини Ўзбекистон Республикасининг исталган судидан олиб, биринчи инстанция суди сифатида ўзининг иш юритишига қабул қилиб олиш ёки бир суддан бошқа тегишли судга ўтказиш ваколатига эга.

Ўта мураккаб ва муҳим ишлар Жиноят-процессуал кодексининг 389-моддаси билан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судловига тегишли эканлиги белгилаб қўйилган. Табиийки, ўзи чиқарган қарорларга нисбатан янги очилган ҳолатлар юзасидан ишларни кўриб чиқиш ҳам Ўзбекистон Республикаси Олий суди ваколатига киради.

Суд назоратини амалга оширишнинг юқорида санаб ўтилган шакллари билан бир қаторда Олий суднинг ихтиёрида бу борада билвосита назорат шакли, бинобарин, унинг суд амалиёти юзасидан тушунтиришлар бериш ваколати ҳам бор.

Олий суд Пленуми тушунтиришлари одил судловни амалга оширишда қонунларнинг аниқ қўлланишини таъминлашга қаратилган бўлиб, ана шу тушунтиришларда умумлаштирув натижалари асосида шарҳлар берилади.

Одил судловнинг Асосий Қонунимизда мустаҳкамлаб қўйилган демократик принциплари, хусусан, фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги, айбсизлик презумпцияси, айбланувчининг ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланиши сингари конституциявий принциплар мазмуни Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қўпгина тушунтиришларида чуқур ва муфассал очиб берилган. Аксарият тушунтиришлар судларнинг қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашдаги, жавобгарликни табақалаштириш ҳамда жазоларни индивидуаллаштиришдаги, ҳаётга, соғлиққа, шахс-

<sup>27</sup> Мингбоев У.К. Суд - адолат посбони // «Ҳаёт ва қонун». 2001. 5-сон. 7-8-бет.

<sup>28</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997. 9-сонга илова.



нинг озодлиги ва қадр-қимматига қарши рецидив жиноятлар учун жавобгарликни кучайтиришдаги ролига тааллуқли.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Олий суд Пленуми, Олий суд Раёсати, Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати, Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати ва Ҳарбий ҳайъатдан иборат таркибда фаолият олиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленуми барча умумий юрисдикция судлари қарорларига нисбатан олий судлов инстанцияси бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьялари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари раисларидан иборат таркибда фаолият юритади.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раёсати Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьялари орасидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми томонидан белгиланадиган миқдорда ташкил топади. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг мажлислари ҳар ойда камида бир марта ўтказилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсати аъзоларининг кўпчилиги ҳозир бўлган тақдирда ваколатли саналади. Раёсатга ишларни назорат тартибида, суд амалиёти умумлашма материалларини, судлов ҳайъатлари ишини ташкил этиш масалаларини, шунингдек, вилоятлар судлари ва уларга тенглаштирилган судлар раисларининг маърузаларини тинглаш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш ваколати берилган.

Умумий юрисдикция судлари тизимидаги ҳарбий судлар, уларнинг вазифалари ҳамда ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 28 февралдаги "Ҳарбий трибуналлар ва ҳарбий прокуратура органлари туғрисида"ги Фармони<sup>29</sup> билан республика Қуролли Кучларида қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш мақсадида ҳарбий трибуналлар мамлакатимиз суд тизимига кириши ва барча ҳарбий қисмларда, қўшилмалар ва бирлашмаларда, ҳарбий ўқув юртлари ва муассасаларда, республика ҳудудидаги бошқа ҳарбий тузилмаларда одил судловни Ўзбекистон Республикаси номидан амалга ошириши белгилаб қўйилди. Мазкур Фармон билан собиқ Туркистон ҳарбий округи Ҳарбий

<sup>29</sup> "Халқ сўзи" газетаси, 1992 йил 29 февраль.

трибунали ўрнига Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Ҳарбий суди ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 3 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибида Ҳарбий ҳайъат ташкил этиш тўғрисида"ги Қарори билан шундай ҳайъат тузилиб, унинг зиммасига алоҳида аҳамиятдаги ишларни биринчи инстанция бўйича, шунингдек, ишларни кассация ва назорат тартибида кўриш ваколатлари юклатилди. Айни бир вақтда Ўзбекистон ҳудудида жойлашган, илгари белгиланган тартиб асосида сайланган ҳарбий судларнинг судьялари ваколати тасдиқланди<sup>30</sup>.

Суд тизимини ислоҳ қилиш асносида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 23 сентябрдаги Фармони билан мамлакатимиз Қуролли Кучлари судлари Ўзбекистон Республикаси ҳарбий судларига айлантирилди<sup>31</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги Қонунининг 4-боби ҳамда Олий Мажлиснинг 2000 йил 14 декабрдаги Қарори билан тасдиқланган «Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Низом» ҳарбий судлар ваколатлари тизимини ҳамда уларнинг фаолият соҳасини белгилаб берди<sup>32</sup>.

Ўзбекистон Республикаси ҳарбий судлари тизими Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ҳарбий ҳайъатидан, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судидан, округ ва ҳудудий ҳарбий судлардан таркиб топади. Ҳарбий судлар фаолияти устидан олий даражадаги назоратни Ўзбекистон Республикаси Олий суди амалга оширади.

#### **Ҳўжалик судлари**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 111-моддасига мувофиқ, "Мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ўртасидаги, шунингдек, тадбиркорлар ўртасидаги, иқтисодийёт соҳасида ва уни бошқариш жараёнида вужудга келадиган ҳўжалик низоларини ҳал этиш Олий ҳўжалик суди ва ҳўжалик суд-

<sup>30</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1992. 9-сон. 366-модда.

<sup>31</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси. 1999. 9-сон. 246-модда.

<sup>32</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси. 2001. 1-2-сон. 10-модда.

лари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилади"<sup>33</sup>.

Умумий юрисдикция судларидан фарқли равишда бу судлар бошқа органларнинг юритувига киритилган ҳар қандай низоларни кўриб чиқади.

Мамлакатимизда хўжалик судлари ваколатлари билан умумий юрисдикция судлари ваколатларининг низо хусусиятига қараб фарқлаш, ажратиш муайян аҳамиятга эга. Хўжалик судларида ишларни кўриб чиқиш ва муҳокама этиш тартиби, асосан, юридик шахсларга мўлжалланган.

1991 йил 20 ноябрда қабул қилинган "Ҳакамлик суди ва хўжалик низоларини ҳал этиш тартиби тўғрисида"ги Қонун<sup>34</sup> билан арбитражлар тугатилди, тadbиркорлик фаолияти жараёнида фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи низолар (иқтисодий низолар) ёки бошқарув соҳасидаги муносабатлардан келиб чиқувчи низоларни ҳал этиш ваколатлари ҳакамлик судларига берилди. Ҳакамлик судлари ягона тизими Ўзбекистон Республикаси Олий ҳакамлик суди, Қорақалпоғистон Республикаси Ҳакамлик суди ва вилоятлар ҳакамлик судларидан таркиб топди.

1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳакамлик (арбитраж) судларининг ҳозирги хўжалик судларига айланишида асос бўлиб хизмат қилди. Айтиш керакки 1993 йил 2 сентябрдаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси тасдиқланди<sup>35</sup>. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августдаги Қонуни билан Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг янги таҳрири тасдиқланди ва у 1998 йил 1 январдан эътиборан амалга киритилди.

Ўзбекистон Республикасининг хўжалик судлари икки бўғинли тизим сифатида иш кўради. Биринчи бўғинга Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик суди, вилоятлар ва Тош-

---

<sup>33</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон. 2012. 31-бет.

<sup>34</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1992. 2-сон. 86-модда.

<sup>35</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1993. 10-сон. 371-модда.



кент шаҳар ҳужалик судлари киради. Иккинчи бугин Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик судидан иборат.

### **Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди**

Олий ҳужалик суди Конституциявий суд ва Олий суд билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг олий судлов органлари мақомига эга. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди судлов тизими сифатида мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин шаклланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик судига ушбу суд раиси бошчилик қилади. Олий ҳужалик суди беш йил муддатга сайланадиган Олий ҳужалик суди раиси, унинг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари, судлов ҳайъатларининг раислари ва судьялардан иборат бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик судининг судьяси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига биноан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан сайланади.

Олий ҳужалик судида судьялар орасидан фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни кўрувчи судлов ҳайъати ва маъмурий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни кўрувчи судлов ҳайъати тузилади. Судлов ҳайъатларининг раислари ва таркиби Олий ҳужалик суди Пленумида тасдиқланади.

Олий ҳужалик суди таркибида Олий ҳужалик суди Пленуми ва Олий ҳужалик суди Раёсати ҳам фаолият кўрсатади.

Олий ҳужалик суди Пленуми олий судлов инстанцияси бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди раиси, раис ўринбосарлари, судьялари ва Қорақалпоғистон Республикаси Ҳужалик суди раисидан иборат таркибда иш олиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик судининг Пленуми кўриб чиқиладиган масалалар юзасидан қарор қабул қилади. Олий ҳужалик суди Пленуми мажлисларида баённома юритилади. Олий ҳужалик суди таркибида Олий ҳужалик суди раиси, унинг ўринбосарлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди Пленуми томонидан белгиланадиган миқдордаги судьялардан иборат Олий ҳужалик суди Раёсати иш олиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди Раёсати ҳужалик судларига тааллуқли ишлар юзасидан олий назорат инстанциясидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик судининг судлов ҳайъатлари ишларни биринчи инстанцияда ва кассация тартибида кўради.

Суд апелляция тартибида ишни кўриб чиқиб, қарорни ўзгартиришсиз, шикоятни эса қаноатлантиришсиз қолдиришга; қарорни тўлиқ ёки қисман бекор қилишга ҳамда янги қарор қабул қилиш ёки қарорни ўзгартиришга; қарорни бутунлай ёки қисман бекор қилиб, иш юритишни тўхтатишга ёки даъвони тўлиқ ёки қисман кўрмасдан қолдиришга ҳақли.

### **3.6. Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларининг ташкил этилиши**

Мамлакатимиз истиқдолга эришган кунданоқ Ўзбекистон миллий давлатчилиги, унинг ҳудудий яхлитлиги, аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш давлат сиёсатининг бош масалаларидан бири бўлиб кун тартибига қўйилди. Ислон Каримов раҳбарлигида миллий хавфсизликнинг кенг қамровли концепцияси ишлаб чиқилди, унинг ҳуқуқий асоси яратилди. Бу йўналишда, авваламбор, "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг асослари тўғрисида"ги Қонунда мудофаа тизимини вужудга келтиришда мамлакат ҳарбий сиёсатининг белгиланиши, 1996 йил 24 апрелда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бешинчи сессиясида маъқулланган "Миллий хавфсизлик тўғрисида"ги Қонун, 1997 йил август ойида Олий Мажлис IX сессиясида қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик концепцияси" алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

Маълумки, Туркистон ҳарбий округи кўшинлари таркибида 3200 дан ортиқ кўшилма, ҳарбий қисм ва муассасалар бўлган, ҳарбий хизматчиларнинг умумий сони 108000 кишини ташкил этган. Миллий ўлкалардан ҳарбий хизматга чақирилганлар, асосан, Россиянинг чекка ҳудудларига ёки Иккинчи жаҳон урушидан сўнг социализм тизими ўрнатилган, совет давлатининг сиёсати ҳамда Қуроли Кучлари тазйиқи остида Варшава шартномасига тортилган Шарқий Европа давлатлари ва Осиёда Мўғилистон, Америка қитъасида Куба давлатларига юборилар эди.

Собиқ Иттифоқ давридаги адолатсиз сиёсат ҳарбий соҳада ҳам яққол кўринар эди. Жумладан, Ўзбекистондан чақи-

рилувчиларнинг аксарияти шу даврда Совет давлатида асосий мулоқот тили бўлган "рус тилини билмасликлари", "жисмоний жиҳатдан ривожланмаганликлари", "билим даражаси паст бўлганликлари", "техникани ўзлаштира олмасликлари" каби баҳоналар билан кўп ҳолларда таъминот ҳамда қурилиш қисмларига юборилар эди.

Иккинчи томондан, ҳарбий хизматчиларнинг этник таркибидаги номутаносибликлар ҳам катта муаммоларни келтириб чиқарарди. Муддатли ҳарбий хизматдаги аскарларнинг кўпчилиги, аниқроғи, 1985 йилда 49 фоизи, 1989 йилда 60 фоизи Ўрта Осиё вакиллари бўлишига қарамасдан, совет армиясида минтақанинг туб аҳолисига мансуб офицерлар жуда оз эди<sup>36</sup>. Буни 1990 йилда маҳаллий офицерлар юртимиздаги ҳарбий кадрларнинг атиги 0,6 фоизни ташкил этгани ҳам тасдиқлаб турибди.<sup>37</sup>

Авваламбор, армия бошқарувидаги номутаносиблик, иккинчидан, XX асрнинг 80-йилларида жаҳондаги ҳарбий-сиёсий вазиятнинг кескинлашуви, Афғонистондаги уруш ҳаракатлари Совет Иттифоқида армиянинг сон жиҳатдан ўсиб боришига сабаб бўлди. Шу боис жинсий жавобгарликка тортилганлар ҳам муддатли ҳарбий хизматга чақирилиб, аксарият ҳолларда ҳарбий қурилиш қисмларига юборилди. Бу, ўз навбатида, ҳарбий қисм ва бўлинмаларга жазони ўташ колонияларидаги салбий ҳолатларнинг кириб келишига, ҳарбий хизматчилар ўртасида ҳарбий низом қоидаларига зид бўлган ноқонуний ҳатти-ҳаракатларнинг кучайишига олиб келди.<sup>38</sup> Тинчлик даврида ҳарбий қисмлардаги "оқсоқоллик", таҳқирлаш ва ҳарбий Низомга зид бўлган ҳатти-ҳаракатлар натижасида ҳарбий хизматчиларнинг ҳалок бўлиш ҳолатлари кўпайди.

Мазкур шароитда Ўзбекистон раҳбарияти ҳарбий тизим

---

<sup>36</sup> Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар давлат музейи материаллари.

<sup>37</sup> Каримов И.А. Биз танлаган йўл — демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-ж. -Т.: Ўзбекистон, 2003. -Б. 161.

<sup>38</sup> О ходе выполнения постановления ЦК КПСС и Совета Министров СССР "О подготовке молодежи допризывного и призывного возрастов к действительной военной службе в Вооруженных Силах СССР" // Известия ЦК КПСС 1990. № 4. -С.9.



соҳасини тубдан янгилаш масаласига алоҳида аҳамият қаратди. Бунда дастлабки қадам Ўзбекистон ССР Олий Советининг "Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида"ги СССР Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга доир таклифлар ҳақидаги қарор бўлди. Мазкур қарорга асосан, Қуролли Кучларни тубдан ислоҳ қилиш ва армияда, ички ва чегара қўшинларида хизмат қила олмайдиган йигитлар учун қўшиндан ташқари (муқобил) хизматни жорий этиш зарурлиги, Ўзбекистондан ҳарбий қурилиш қисмларига чақирилувчиларни ҳарбий хизматни ўташи учун фақат республика ёки Туркистон Ҳарбий округи ҳудудидаги ҳарбий қисмларга юбориш ўртага ташланди.<sup>39</sup>

Ўзбекистон Президентининг 1990 йил 4 сентябрдаги "Жумҳурият ёшларини армияга чақиришни ва уларнинг ҳарбий хизматни ўташини такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармониغا биноан 1990 йил кузги чақириқдан бошлаб ўзбекистонлик йигитларни Ўзбекистондан ташқарида жойлашган ҳарбий қурилиш қисмларига чақириш тўхтатилди.

ЎзССР Олий Советининг 1990 йил 19 июндаги қарорига асосан, Ўзбекистонда Мудофаа масалалари ва ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш комиссияси тузилди<sup>40</sup>. Комиссияга ҳарбий хизматга чақириш ва уни ўташининг амалдаги қоидаларини қайта кўриб чиқиш, унинг айрим жиҳатларини такомиллаштириш, ҳарбий қисмлардаги ахлоқий-руҳий муҳитни яхшилашга доир республиканинг таклифлари билан Ўзбекистон ССР халқ депутатлари гуруҳини СССР Мудофаа вазирлигига ва СССР Олий Советининг Мудофаа масалалари ва давлат хавфсизлиги қўмитасига юбориш вазифаси қўйилди<sup>41</sup>.

---

<sup>39</sup> Ўзбекистон ССР Олий Советининг "Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида"ги СССР Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга доир таклифлари ҳақида"ги қарори. // ЎзССР Олий Совети Ахборотномаси. 1990. 10-11-сон. 42-44.

<sup>40</sup> Ўзбекистон ССР Олий Советининг "Мудофаа масалалари ва ҳарбий хизматчиларни социал ҳимоя қилиш комиссиясини тузиш тўғрисида"ги қарори. 1990 йил 19 июнь. // Ўзбекистон ССР Олий Совети ведомостлари. 16-18-сон. 1990. 10-11-бет.

<sup>41</sup> Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг "Ўзбекистон ССР Олий Совети мудофаа масалалари ва ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш комиссиясининг Ўзбекистон ССР Олий Советининг "Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида"ги СССР Қонунига ўзгартириш ва



19 - 21 август кунлари собиқ Иттифоқ пойтахти Москва шаҳрида рўй берган давлат тўнтариши сабабли мамлакат даҳшатли ҳалокат гирдобига келиб қолди. Шундай шароитда Ўзбекистон ўзи танлаган мустақиллик йўлини мустаҳкамлаш, ногинч сиёсий ўйинлар бошланган бир пайтда мамлакат ҳудудий яхлитлиги, аҳоли тинчлиги ва осойишталигини қуролли ҳимоя қилиш йўлида янги қадамлар қўйди. Ўзбекистон Президентининг 1991 йил 25 августдаги Фармони асосида Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлиги комитетининг республика тасарруфига ўтиши, СССР Ички ишлар вазирлигининг юртимиздаги қўшинлари республика Президентига бўйсундирилиши, ҳуқуқ-тартибот органларида, Ички ишлар вазирлигининг ҳамда Туркистон ҳарбий округининг Ўзбекистонда жойлашган қўшинларида партия ташкилотларининг тугатилиши ана шундай биринчи қадамлардан бўлди.<sup>42</sup>

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 31 августда бўлиб ўтган навбатдан ташқари ўн иккинчи сессиясида қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида"ги баёнотда "Давлат мустақиллигини, ҳудудий яхлитлигини, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқи ва эркинлигини ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлиги ва миллий гвардия тузилади. Республика ҳудудида жойлашган СССР Ички ишлар вазирлиги, СССР Давлат хавфсизлик комитети ҳамда Ички қўшинлар Ўзбекистон Республикаси юрисдикциясига олинади" деб кўрсатилди. "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида"ги Қонунда ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди, унинг 6-моддасида "Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлигини тузиш, Миллий гвардия ва ноҳарбий (муқобил) хизматни ташкил этиш ҳуқуқига эга", деб мустаҳ-

---

қўшимчалар киритишга доир таклифлари ҳақида"ги Ўзбекистон ССР Олий Совети биринчи сессия Қарорининг бажарилиши тўғрисида"ги ахбороти" тўғрисида"ги Қарори. Ўзбекистон ССР Олий Совети ведомостлари. 1990 . 22-24-сон. 6-бет.

<sup>42</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. - Т.: Ўзбекистон, 2012. - Б.370.

камланди<sup>43</sup>. Бу ёш республика учун ўз ҳарбий сиёсатини белгилаш ва амалга оширишнинг ҳуқуқий асосини яратди, Қуrolли Кучларини тузишга асос бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 1992 йил 10 январда "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган СССР Ички ишлар вазирлигининг ҳарбий қисмлари ва ўқув муассасаларини Ўзбекистон Республикаси тасарруфига олиш тўғрисида"<sup>44</sup>, 1992 йил 14 январда "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмлар ва ҳарбий ўқув муассасалари тўғрисида"<sup>45</sup> қарорлар қабул қилди. Ушбу қарорларга мувофиқ, собиқ СССР Қуrolли Кучларининг республика ҳудудида жойлашган қисмлари, кўшилмалари, бирлашмалари, ҳарбий ўқув юртлари, муассасалари, ташкилотлари ва бошқа ҳарбий тузилмалари қонуний асосда Ўзбекистон Республикаси юрисдикциясига олинди. Мазкур қарор қабул қилинган кун - 14 январь Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 29 декабрдаги Қонунига мувофиқ, "Ватан ҳимоячилари куни" деб эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 18 майдаги "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ҳаво десанти кўшинлари, ҳарбий транспорт авиацияси, разведка кўшинлари, таъминот қисмлари ҳақида"ги, 1992 йил 12 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ҳаво ҳужумига қарши ҳарбий қисмлар ҳақида"ги, 1992 йил 13 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган кимёвий ҳарбий қисмлар ҳақида"ги Фармонлари билан мамлакатимиз ҳудудида жойлашган мазкур турлардаги кўшинлар республика тасарруфига олинди ва сифат жиҳатидан такомиллаштирилди<sup>46</sup>. Мудофаа вазирлиги тасарруфида қуруқликдаги кўшинлар, ҳарбий ҳаво ҳужумидан мудофаа

---

<sup>43</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. - Т.: Ўзбекистон, 2012. - Б.406.

<sup>44</sup> Ведомости Верховного Совета Республики Узбекистан. № 11(1187) 1991. С. 61.

<sup>45</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Қарори. № 527 -XII. 14.01.1992.

<sup>46</sup> Иноятов И.Ю. Ватан ҳимояси - муқаддас бурч. - Т.: Ўзбекистон, 2001. - Б. 17.



қўшинлари, ҳарбий ҳаво кучлари, махсус ва муҳандислик-қурувчилик қўшинлари, Миллий гвардия ташкил этилди. Айна вақтда ҳар бир қўшин турининг аниқ вазифалари белгиланди.

Мустақилликнинг илк даврида Ўзбекистон Республикасида миллий хавфсизлик хизмати қайта тузилди. Дастлаб сон жиҳатидан жуда оз, лекин мустаҳкам миллий хавфсизлик бошқармаси яратилди. Унинг асосий вазифаси - давлат тузумини ҳимоя қилиш, разведка ва контрразведка фаолияти деб белгиланди. Хавфсизлик бошқармаси зиммасига иқтисодий вазифалар ҳам юклатилди.<sup>47</sup>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 24 мартдаги Фармони билан Миллий хавфсизлик хизмати тасарруфида Чегара қўшинлари бошқармаси ташкил этилди. 1993 йил 26 апрелда давлат чегараларини мустаҳкамлаш, қўшинларни бошқаришни мукамаллаштириш ва уларнинг хавфсизлигини ошириш мақсадида Бошқарма Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг чегара қўшинлари Бош бошқармасига айлантирилди ва унинг зиммасига давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш соҳасидаги давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш вазифаси юкланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 30 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини қўриқлашни кучайтиришнинг ташкилий тадбирлари тўғрисида"ги Қарори давлат чегаралари ҳимоясини ташкил этишни янада такомиллаштиришда муҳим омил бўлди. Қарорга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш Концепцияси тасдиқланди. Концепцияга мувофиқ, чегара қўшинларининг янги ташкилий-штат таркиби аниқланди: бешта чегара минтақаси яратилди, чегара отрядлари, комендантуралари ва чегара заставалари қайтадан ташкил этилиб, мутаносиб равишда чегара районларига, база ва постларига айлантирилди.

1999 йилнинг 13 январида Ўзбекистон Республикаси Пре-

---

<sup>47</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-ж. - Т.: Ўзбекистон, 1996. - Б. 7-8.

зидентининг Фармони билан чегара қўшинлари Бош штаби негизда Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита ташкил этилди. Миллий хавфсизлик хизмати таркибидан чегара қўшинлари чиқарилиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита тасарруфига берилди. Шу Фармон билан Қўмита бевосита Ўзбекистон Республикаси Президенти буйсунувига ўтказилди.

Мамлакатимиз чегараларини қўриқлаш "Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида"ги 1999 йил 20 августда қабул қилинган Қонуни асосида ташкил этилди. Қонунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Миллий хавфсизлик хизмати, Ташқи ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлашдаги ваколатлари ва иштироки аниқ белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси мудофаасини ташкил этиш мақсадида Ички ишлар вазирлигининг махсус қисм ва бўлинмалари қайта ташкил қилинди. Мазкур қўшинларга мамлакат ички тинчлиги, хавфсизлигини таъминлаш, муҳим давлат объектлари, ахлоқ тузатиш колонияларини қўриқлаш, махсус юкларни кузатиб бориш, жиноий жавобгарликка тортилган шахсларга суд жараёнларида соқчилик қилиш, махсус ҳарбий операцияларда қатнашиш, террорчиларга қарши кураш каби вазифалар юклатилди.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларини малакали кадрлар билан таъминлашни йўлга қўйиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президенти - Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони ташаббуси билан янги ҳарбий ўқув муассасалари ташкил этиш, уларда тайёрланадиган мутахассисларни кўпайтириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Бу йўналишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 12 февралдаги Фармонида асосан Тошкент электротехника ва алоқа институтининг махсус факультети<sup>48</sup>, Вазирлар

---

<sup>48</sup> Тошкент Ахборот технологиялари университетининг махсус факультети. 1993-2003. Қисқача маълумотлар. - Т.: 2003. - Б.3.

Маҳкамасининг 1994 йил 15 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академиясини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар Академияси<sup>49</sup>, 1994 йил 18 мартда Жиззах авиация олий ҳарбий билим юрти ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 26 январдаги "Профессионал ҳарбий хизматчиларни тайёрлашга ихтисослаштирилган сержантлар тайёрлаш мактабларига асос солиш ҳақида"ги Фармони асосида Марказий ва Тошкент ҳарбий округларида, 2001 йили Шарқий ва Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округларида, 2007 йилда Шимоли-ғарбий ҳарбий округида сержантлар тайёрлаш мактаблари ташкил этилди. Бу мактабларда Мудофаа, Ички ишлар вазирликлари, чегара қўшинлари учун мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилди, замонавий услублар асосида моделлаштириш жараёнларини ўз ичига олган янги таълим усуллари жорий этилди.

Ўзбекистон Қуролли Кучлари фаолиятининг ҳуқуқий негизини яратиш мақсадида XII чақириқ Олий Кенгашининг 1992 йил 3 июлдаги X сессиясида Ўзбекистон Республикасининг "Мудофаа тўғрисида"ги, "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги, "Муқобил хизмат тўғрисида" ги қонунлари қабул қилинди. Мазкур қонунлар асосида мамлакат мудофаасини ташкил этиш, фуқаролар ҳарбий хизматни ўташларининг ҳуқуқий асослари яратилди. "Мудофаа тўғрисида"ги Қонунга биноан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари бўйича вазирлиги Мудофаа вазирлигига айлантирилди.

Мазкур сессияда Ўзбекистон Қуролли Кучлари сафига киришда ҳарбий хизматчилар томонидан қабул қилинадиган Ҳарбий Қасамёднинг матни ва қасамёд қилдириш тартиби тасдиқланди<sup>50</sup>. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда ҳарбий қасамёд жангчиларнинг ахлоқий-руҳий, маънавий ва жанговар кодексига айланди. Мазкур ҳужжатларнинг қабул қилиниши мамлакат Қуролли Кучлари фаолиятининг

<sup>49</sup> Қаримов И.А. Бунёдкорлик йўлида. 4-ж. - Т.: Ўзбекистон, 1996. - Б. 20-21.

<sup>50</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1992, 9-сон (1197). 67-бет.



ишончли ҳуқуқий негизини яратди, мудофаа асослари ва мақсадларини ҳамда мустақил давлат армияси қурилиши та-мийилларини белгилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида Қуролли Кучлар ҳуқуқий мавқеи узил-кесил ва энг юксак даражада мустақкамланди. Унинг 125-моддасида: "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилади"<sup>51</sup>, деб белгиланиши давлат Қуролли Кучларининг асл мақсад ва вазифаларини дунё ҳамжамияти олдида яна бир бор намоён этди. Конституция асосида Ватан ҳимояси мамлакатнинг ҳар бир фуқароси учун муқаддас ва шарафли бурч экани белгиланиб, 52-моддада мустақкамлаб қўйилди. Унга асосан, "Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш - Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир"<sup>52</sup>. Ушбу модда Ўзбекистон Республикаси "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Қонуннинг 1-моддаси билан мустақкамланди. Мазкур моддада "Ўзбекистон Республикасини ташқаридан бўладиган қуролли тажовуздан ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг конституциявий бурчи", деб кўрсатилди. Ушбу конституциявий бурчни адо этиш Ўзбекистон Республикасининг "Мудофаа тўғрисида"ги Қонуни билан мустақкамланди. Ўзбекистон Қуролли Кучлари фуқароларнинг умумий ҳарбий мажбуриятлари асосида ҳарбий хизматга чақириш ҳамда фуқароларнинг шартномага асосан ҳарбий хизматни ўташи белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 9 октябрдаги Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Ички хизмат, Интизом, Гарнизон қоровуллик хизматлари низомлари тасдиқланди. 1996 йил 14 октябрда эса Мудофаа вазирининг буйруғи билан Саф Низоми ҳарбий ҳаётга жорий этилди.

Мамлакат мудофаасининг ҳуқуқий базасини ташкил этишда 1995 йил 6 майда Ўзбекистон Республикаси Олий

---

<sup>51</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2012. - Б. 33-34.

<sup>52</sup> Ўша манба.

Мажлисида мамлакат Ҳарбий Доктринаси лойиҳасининг биринчи ўқишда маъқулланиши ва мазкур ҳужжатни умум-халқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилиниши<sup>53</sup> ҳамда шу йил 30 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VIII сессиясида қабул қилиниши<sup>54</sup> катта аҳамиятга эга бўлди. Мазкур ҳужжат муҳокамасида кенг халқ оммасининг иштирок этиши мамлакат мудофаа тизимини яратиш ва мудофаани ташкил этиш умумхалқ иши эканлигини яна бир бор кўрсатди.

Мамлакатдаги мудофаа соҳасидаги туб ўзгаришлар, Марказий Осиё минтақасидаги ҳарбий сиёсий вазиятдан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг "Мудофаа тўғрисида"ги (янги таҳрири, 2001 йил 11 май) ва "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги (2002 йил 12 декабрь) қонунлари қайта ишлаб чиқилди ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинди.

Амалга оширилган бу ишлар Қуролли Кучларни ҳар томонлама такомиллаштирди, унга жанговарлик бахш этди, шахсий таркибни жипслаштирди, ҳарбий хизматчиларнинг мавжуд ҳарбий-сиёсий вазиятда масъул вазифаларни бажаришга қодирлигини оширди, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ижтимоий ҳимоясини янада кучайтирди, кадрлар тайёрлаш тизимини жаҳон андозалари даражасига кўтарди, армияни мамлакатда ҳамда минтақада тинчлик ва барқарорлик кафолатига айлантирди.

### **3.7. Мустақил Ўзбекистонда ички ишлар идораларининг тикланиши ва ривожланиши**

Бир неча минг йиллик тарихга эга бўлган Ўзбекистоннинг давлатчилиги тараққиётида хавфсизликни таъминлаш ва барқарор ривожланиш ҳамisha устувор аҳамият касб этиб келган. Мамлакат сарҳади тинчлигини таъминлаш Қуролли Кучлар билан бир қаторда, унинг ички ҳаёти ва фуқаролар-

---

<sup>53</sup> Ўзбекистон Республикасининг Ҳарбий Доктринаси асослари. // "Ватанпарвар" газетаси, 1995 йил 8 июнь.

<sup>54</sup> "Ватанпарвар" газетаси, 1995 йил 30 август.

нинг тинч-осойишта ҳаётини таъминловчи ҳуқуқ-тартибот органлари фаолиятига ҳам бевосита боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов собиқ СССР парчаланганидан кейинги вазиятни шундай таърифлаган эди: "Ички ва ташқи хавфсизликни таъминлаш тизимининг парчаланиши натижасида жамиятда ҳуқуқий бўшлиқ вужудга келгани, миллатлар ва динлараро, ҳудудий ва турли гуруҳлар, уруғ-аймоқлар ўртасидаги зиддиятларнинг авж олиб кетиши хавфи, радикал кайфиятларнинг, айниқса, ёшлар ўртасида кучайиши ғоят жиддий хатарга айланган эди. Қисқача айтганда, туб илдиэлари совет давлатининг сўнгги йилларига бориб тақаладиган ички ва ташқи можаролардан мамлакатимизни асраб қолиш талаби ўта кескин бўлиб турар эди".<sup>55</sup>

Ана шундай мураккаб вазиятда ички ишлар идоралари мамлакат бўйлаб турли низолар бўлмаслиги учун барча чораларни кўрди. Ҳамдўстликка кирган мустақил давлатлардан биринчи бўлиб Россия, Беларусь ва Қозоғистонда бозор иқтисодиётига ўтишнинг тезлаштириб юборилгани, тўғрироғи, бу ишни ҳар томонлама уйғунлаштириб олиб бормаи, нарх-наволар кўтарилгани халқнинг машаққатли турмушини янада оғирлаштирди. Нисбатан арзонроқ баҳода товар харид қилиш мақсадида Ўзбекистонга бошқа республикалардан келаётган кишилар сони ҳаддан зиёд кўпайиб кетди. Бу республиканинг таъминот балансини издан чиқарди. Бозор қимматлашиб, нарх қисқа давр ичида 3-4 барабар ошиб кетди. Энг зарур маҳсулотлар дўконлар пештахталарида кўринмай қолди.

Бу вақтда Ўзбекистонда ҳуфёна иқтисодиётда савдо мафияси бошлиқларининг, моддий ва молия ресурсларини тақсимлаш тармоғидаги наҳангларнинг, яширин жиноий гуруҳ етакчиларининг "нуфузи" жуда баланд эди. Бу кучлар бирлашиб, ҳар лаҳзада ҳар қандай жараёнга таъсир ўтказиши мумкин эди. Республикада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг қонуний асослари тўлиқ шаклланмаган эди. Ма-

---

<sup>55</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг нашри. - Т.: Хабарнома 4-сон. (Пресс-бюллетень). 2007 йил, октябрь, ноябрь, декабрь.



салан: "Божхона", "Чегара қўшинлари", "Прокуратура", "Мудофаа", "Суд", "Миллий хавфсизлик", "Миллий гвардия" тўғрисидаги ҳужжатлар қабул қилинмаган эди. Шу сабабли республика чегараларини мустақамлаш ва уни қўриқлаш ички ишлар идораларига топширилди.

Шуни қайд этиш лозимки, мавжуд қийинчиликларга қарамадан, республикада мустақилликнинг биринчи йилдаёқ энг оғир жиноятлар ўсишини тўхтатишга, ҳатто улар сонини камайтиришга эришилди. Масалан, танга оғир шикаст етказиш 1990 йилга нисбатан 1991 йилда 6 фоизга, 1992 йилда 18,3 фоизга, номуста тегиш жинояти 1991 йилда 10,5 фоизга, 1992 йилда 17,0 фоизга, босқинчилик 1991 йилда 15,2 фоизга, 1992 йилда 0,8 фоизга, талончилик 1991 йилда 5,7 фоизга, 1992 йилда 6,3 фоизга камайди. Жиноятчилик республикамиз мустақиллигини мустақамлаш, ҳуқуқий ва адолатли жамият куриш учун ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида, айниқса, маънавий соҳада амалга оширилиши лозим бўлган ислоҳотларга тўсқинлик қила бошлади. Шунинг учун Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн иккинчи сессиясида сўзлаган нутқида шундай деди: "Биз жиноятчиликка қарши аёвсиз кураш бошладик. Республика Президенти девони ва бошқа давлат ташкилотларига бу ишларимизни маъқуллаб, уларни дадил давом эттиришимизни талаб этиб, минглаб хат ва телеграммалар келиб турибди. Халқ вақтинчалик давом этаётган қийинчиликларга чидаши мумкин, лекин билиб қўяйлик, такроран айтаман: адолатсизликка чидамайди"<sup>56</sup>.

Президент ташаббуси билан бошланган жиноятчиликка қарши аёвсиз кураш натижасида, 1993 йилда Ўзбекистонда охирги йиллар ичида биринчи марта жиноятчиликнинг ўсишини тўхтатиш, ҳатто унинг умумий сонини 1992 йилга нисбатан 3,9 фоизга камайтиришга эришилди. 1993 йилда вояга етмаганлар жиноятчилиги 1992 йилга нисбатан 8,8 фоизга, жиноятларнинг оғир турлари хисобланган қотил-

---

<sup>56</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, снёсат, мафкура. 1-ж. -Т.: Ўзбекистон, 1996. - Б. 179.

лик 0,6 фоизга, танга оғир шикаст етказиш 6 фоизга, босқинчилик 16 фоизга, талончилик 18 фоизга, давлат ва жамоат мулкни ўғирлаш 35,4 фоизга, шахсий мулкни ўғирлаш 14,4 фоизга камайтирилди.

Умуман олганда, ички ишлар идораларини такомиллаштириш бўйича бир неча босқичли ислохотлар амалга оширилди.

Биринчи босқич: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тўғрисидаги Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 25 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳақида"ги 270-сонли қарори билан тасдиқланди. Шунингдек, ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятини Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 8 январдаги "Ички ишлар органларида хизмат ўташнинг вақтинчалик низомини тасдиқлаш тўғрисида"ги 16-сонли қарори ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солина бошланди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва унинг жойлардаги хизматлари ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари тизимига киритилди, Ички ишлар вазирлиги "Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳақида"ги Низомга асосан ҳамда Конституция ва Мустақиллик декларациясига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг давлат бошқарув органи ҳисобланиши белгиланди.

Иккинчи босқич: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги "Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш Концепцияси тўғрисида"ги қарори республикада тинчлик ва озодаликни сақлаш, мустақиллигимизни асраш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш тизимида туб ислохотларни амалга оширишни тақозо этди. Мазкур концепция асосида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг ташаббуси билан жамиятда жамоат тартиби ва хавфсизликни таъминловчи янги тизимни шакллантиришга қаратилган ислохотлар амалга оширилди.

Учинчи босқич: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 27 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси ички

ишлар идоралари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ва унинг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 21 апрелдаги "Криминал, уюшган жиноятчилик, терроризм ва наркотрафикка қарши курашни кучайтириш тўғрисида"ги, 2001 йил 7 майдаги "Жиноятчиликка қарши курашда ИИВнинг тергов хизматлари ролини кучайтириш ҳақида"ги, 2001 йил 15 майдаги "Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш чоралари тўғрисида"ги, 2001 йил 31 майдаги "Ўзбекистон Республикасида патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш фаолиятини такомиллаштириш чоралари тўғрисида"ги, 2001 йил 6 июндаги "Жиноятчиликка қарши курашда профилактика хизмати ролини кучайтириш чоралари тўғрисида"ги, 2001 йил 25 июндаги "Ўзбекистон Республикасида ёнғин хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" қарорлари шулар жумласидан<sup>57</sup>.

Тўртинчи босқич: Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони республикамизда жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашни ташкил қилишда жуда катта аҳамиятга эга бўлди.

Мазкур Фармонда ички ишлар идоралари фаолиятини янада такомиллаштириш вазифалари белгилаб берилди. Жумладан, ички ишлар идоралари тизимида кадрлар тайёрлаш ҳамда ички ишлар идоралари ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоялашни такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил сентябрдаги "Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида ички ишлар идораларида мутахассислар тайёрловини такомиллаштириш чоралари тўғрисида"ги Қарори ҳамда 2004 йил октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоялашни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари қабул қилинди.

---

<sup>57</sup> Пулатов Ю.С. С чего начинается реформирование органов внутренних дел? //Хукуқ-Право-Law. 2004. №4. с. 80-84.



Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясига ички ишлар идоралари учун бир неча мутахассислик йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлаш вазифаси белгилаб берилди.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётида юз берган ўзгариш ва янгилинишларда, юксалишларда ички ишлар ходимларининг ҳам ўзига хос ўрни ва ҳиссаси бор, албатта. Ички ишлар идоралари ҳуқуқ-тартибот хизматлари билан ҳамкорликда эл-юрт осойишталиги, бунёдкорлик меҳнати, ҳақ-ҳуқуқи ҳимоясини мустақкам таъминлаб келмоқда.

### **3.8. Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлик стратегиясининг шаклланиши. Ички ва ташқи таҳдидлар ҳамда мафкуравий тазйиқларга қарши кураш**

Мустақиллигимизнинг биринчи кунлариданоқ Ўзбекистон Президенти хавфсизлигимизга нисбатан мавжуд бўлган реал таҳдидлардан давлатни, жамият ва унинг аъзоларини ҳимоя қилишга қаратилган миллий хавфсизлик стратегиясини шакллантиришга киришди. Миллий хавфсизлик стратегиясининг мақсади халқнинг фундаментал мақсадлари билан ҳамоҳанг бўлиб, унинг амалга оширилишига давлатнинг барча сиёсий имкониятлари, умуммиллий даражадаги воситалар ва ресурслар сафарбар қилинди.

Мустақилликка эришилгач, ёш давлатимиз олдида улкан вазифалар турар эди. Уларнинг энг асосийлари - қўлга киритилган она-Ватанимиз мустақиллигини мустақкамлаш, давлатимиз чегаралари дахлсизлигини таъминлаган ҳолда, унинг ҳудудий яхлитлигини сақлаб қолиш ва босқичма-босқич иқтисодни ривожлантириш орқали бозор муносабатларига ўтиш, дунё мамлакатлари билан тенг, ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатиш эди. Бу вазифаларни тўлақонли амалга оширишга таҳдид солаётган кучлар, хавф-хатарлар ҳам йўқ эмас эди.

Ўзбекистоннинг жуғрофий-сиёсий жиҳатдан жамоавий хавфсизлик тизими изчил йўлга қўйилмаган Марказий Осиё минтақасида жойлашганлиги ҳам миллий хавфсизликка таҳдид солувчи асосий омиллардан бири эди. Шу билан бирга,

айнан шу минтақада дунёдаги йирик куч марказларининг, жумладан, Россия, АҚШ, Хитой, Европа Иттифоқи ва Япониянинг бир-бирига мос келмайдиган манфаатлари тўқнаш келган бўлиб, уларнинг ҳар бири ёш мустақил давлатларни ўз таъсир доирасига олишга ҳаракат қиларди. Минтақа атрофида жойлашган йирик давлатлар - Ҳиндистон, Эрон, Покистон, Туркия ҳам бу ерда ўз манфаатларига эга эди.

Собиқ совет империясининг парчаланиб кетиши, хавфсизлик тизими бирмунча заиф бўлган мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши терроризм, диний экстремизм, наркобизнес, уюшган жиноятчилик, мафкуравий қўпурувчилик каби трансмиллий иллатларнинг бош кўтаришига сабаб бўлди.

Ушбу таҳдид ва хавф-хатарлар, энг аввало, навқирон, мустақил Ўзбекистоннинг мудрофаа қудратини ошириш, унинг чегаралари дахлсизлигини таъминлаш, ички ишлар ва миллий хавфсизликнинг тўлақонли тизимини шакллантиришни талаб этар эди.

Собиқ иттифоқ парчаланиб кетгандан кейин, унинг ҳудудида жойлашган давлатлар Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ)ни ташкил этдилар. МДҲга аъзо бўлган давлатларнинг ҳар бири ўз Қуролли Кучларига эга эди. Кун тартибида Қуролли Кучлар ўртасида ҳамкорликни ташкил этиш масаласи турар эди. Бу борада ҳукуматлараро келишувларнинг имзоланиши натижасида Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий тасарруфига янги ҳарбий бирлашма ва қисмлар ўта бошлади.

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллиги пойдеворини мустаҳкамлаб, миллий хавфсизлик тизимини шакллантириб борар экан, ўша пайтда собиқ Туркистон ҳарбий округини, ҳатто МДҲ Қуролли Кучларини сақлаб қолиш зарур, деганлар ҳам бўлди. Улар Ўзбекистон ўзини ҳарбий техник жиҳатдан таъминлай олмайди, учувчилар, малакали ҳарбий алоқачилар ва шу каби ўта муҳим ҳарбий мутахассисликлар бўйича кадрлар танқислигига дуч келади, бу, ўз ўрнида, Қуролли Кучларни инқирозга олиб келиши мумкин, деб бонг ура бошладилар.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларидаги илк ҳарбий ислохотлар янги кўринишдаги ташкилий тузилмага ўтишдан бошланди. Бошқарувдаги қийинчиликлар туфайли

дивизия ва уларни ташкил этган полклар қисқа муддат ичида сон жиҳатдан кам бўлган бригадаларга айлантирилди. Уларни бошқариш учун учта армия корпусининг қўмондонлиги ва штаби тузилди.

Бошланган ислохотлар Қуролли Кучларимиз фаолиятининг ҳуқуқий базаси яратилишини талаб этар эди. 1992 йилнинг 3 июлида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши "Мудофаа тўғрисида"<sup>58</sup>ги, "Ҳарбий қасамёд тўғрисида"ги, "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги, ҳамда "Муқобил хизмат тўғрисида"ги Қонунларни<sup>59</sup> қабул қилди. Шу тариқа миллий армиянинг ҳуқуқий пойдевори яратилгач, республика ҳудудида қолган ҳарбий қисм ва бўлинмаларни Ўзбекистон ихтиёрига ўтказиш ишлари давом этди.

Мустақил Ўзбекистон Қуролли Кучларини шакллантиришдаги энг мураккаб муаммолардан бири малакали зобитларни тайёрлаш масаласи эди. 1992-1994 йиллар давомида Мудофаа ишлари вазирлиги қисмларидан мингдан зиёд зобитлар, жумладан, собиқ Иттифоқнинг бошқа республикаларидан келган зобитлар аста-секин ўз юртларига жўнаб кета бошлади. Шу билан бирга, бошқа республикаларда ўз хизмат вазифасини ўтаётган ўзбекистонлик зобитларнинг юртимизга қайтиб, миллий армиямиз шаклланишидаги фаол иштироклари кузатила бошланди. Лекин улар сон жиҳатдан жуда ҳам озчиликни ташкил этар эди.

Мамлакат ҳарбий ўқув юртларида зобитлар асосан уч йўналиш - Тошкент олий умумҳарбий қўмондонлик билим юрти - ҳарбий қисмлар взвод командирларини, Тошкент олий танк қўшинлари қўмондонлик билим юрти - танк взводлари командирларини, Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик билим юрти - автомобиль взводлари командирларини тайёрлар эди. Аммо бу ҳарбий билим юртлари Қуролли

---

<sup>58</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ахборотномаси. 1992. 10-сон. 398-модда.

<sup>59</sup> Ўзбекистоннинг янги қонунлари. - Т.: Алолат, 1994. Т.:6. 176, 212, 230-бетлар.



Кучларимиздаги турли йўналишдаги зобитлар танқислиги масаласини ҳал қила олмас эди. Шу сабабли мамлакатимизда Қуролли Кучлар Академияси, бир неча олий ҳарбий ўқув юртлари, тегишли олий ўқув юртлари қошида алоқачи-зобитлар тайёрлайдиган махсус ҳарбий факультет, ҳарбий тиббиёт факультети ташкил этилди<sup>60</sup>.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида ИИВ ички қўшинлари оғир аҳволда эди. 1991-1994 йилларда қўшинлардан 800 дан зиёд зобитлар кетди. Сабаби, уларнинг аксарият қисми бошқа республика фуқаролари эди. 90-йилларнинг бошларида бошқа республикаларда хизмат килиб турган миллий кадрларимиз ўз она-юртларига қайта бошлади. Республикага қайтган, лекин ҳали ўқиш муддати яқунланмаган курсантлар Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртида ўқишни давом эттирдилар. Чунки, 1992 йилнинг январидан бошлаб, Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти республика Ички ишлар вазирлиги ихтиёрига ўтказилди<sup>61</sup>. Шу вақтдан бошлаб, ушбу олий ўқув юрти мамлакат ички ишлари органлари учун малакали ҳарбий мутахассисларни тайёрлаш ишларини йўлга қўйди. Амалга оширилган ишлар натижасида 1994 йилнинг охирига келиб, ички қўшинларнинг зобитлар билан таъминланганлик даражаси анча ўсди. Зобитларнинг аксарият қисмини миллий кадрлар ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси мамлакат миллий хавфсизлигини таъминлаш борасида давлат сиёсатини амалга ошира борар экан, мазкур соҳанинг энг ишончли посбони бўлган идора ташкил этилиши зарурлигини англади. 1991 йилнинг 26 сентябрида собиқ Иттифоқ Давлат хавфсизлик қўмитасининг Ўзбекистондаги идораси негизда Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати (МХХ) ташкил этилди<sup>62</sup>.

---

<sup>60</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси: энциклопедия. - Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2006. - Б. 219.

<sup>61</sup> Ўша манба. - Б. 464.

<sup>62</sup> Тюриков В., Шагулямов Р. По пути независимости. - Т.: Гафур Гулям, 2000. - С.4.

Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлигини таъминлаш борасидаги асосий вазифалардан яна бири - мамлакат чегараларини халқаро ҳуқуқ талабларидан келиб чиққан ҳолда белгилаб олиш эди. Зеро, Марказий Осиёнинг янги, мустақил давлатлари билан Ўзбекистон ўртасидаги аниқ чегарани белгилаб олиш давр талаби эди. Узоқ ва мураккаб кечган келишувлардан сўнг Ўзбекистоннинг Давлат чегаралари белгилаб олинди. Шу тариқа давлат чегарамизнинг умумий узунлиги 6221 километр. Жумладан, Қозоғистон билан чегара - 2203 км., Туркменистон билан - 1621 км., Тожикистон билан - 1161 км., Қирғизистон билан - 1099 км., Афғонистон билан - 137 км.дан иборат.<sup>63</sup>

Аниқ чегараларнинг белгилаб олинishi ҳам сиёсий, ҳам ҳуқуқий аҳамиятга эга эди. Чунки бу даврда айрим давлатлардаги сиёсий партия ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари "ҳақиқий чегараларни ўрнатиш масаласи"ни кўтариб чиқиб, сиёсий сафсатабозлик билан шуғуллана бошлаган эди. Ҳамдўстликдаги айрим давлатлар МДХ ташқи чегараларини қўриқлаш учун ягона чегара қўшинларини тузиш таклифи билан ҳам чиқди.

Бу даврда минтақадаги ҳарбий-сиёсий вазиятга салбий таъсир этувчи бир неча омиллар мавжуд эди. Сув заҳираларининг танқислиги, Орол муаммоси, минтақада тўлақонли коллектив хавфсизлик тизимининг мавжуд эмаслиги, янги мустақил давлатлар ўртасидаги чегараларнинг ноаниқлиги, минтақадаги айрим давлатлар ҳудудида ноқонуний ҳарбий гуруҳларнинг мавжудлиги, наркобизнес ва бошқалар шулар жумласидан.<sup>64</sup>

Минтақавий можаролар ҳам Ўзбекистон миллий хавфсизлигига нисбатан мавжуд бўлган энг асосий таҳдидлардан бири эди. Масалан, 1993 йилда Афғонистонда сиёсий майдонда "Толибон" Ислоҳ ҳаракатининг пайдо бўлиши нати-

---

<sup>63</sup> Мустақиллик: изоҳли илмий-оммабоп лугат / Абдуллаев М., Абдуллаева М., Абдуллаева Ф. ва бошқ. - Т.: Шарқ, 2006.- Б. 85.

<sup>64</sup> Қаранг: Алимов Р.М. Центральная Азия: общность интересов. - Т.: Шарқ, 2005. - С. 127-158.

жасида фуқаролар уруши янгича тус ола бошлади. Бурҳониддин Раббоний ҳукумати муаммоларни бартараф этиш йўлларини топа олмади. 1996 йилга келиб, толиблар мамлакат ҳудудининг 90 фоизини ишғол этгани ҳолда, Ўзбекистон чегараларига яқин келиб қолди. Афғонистондаги ҳарбий-сиёсий вазият тубдан ўзгарди. "Толибон" ҳаракати ўз сиёсий курашларининг биринчи кунлариданоқ диний-экстремистик ва террорчилик гоёларининг тарафдорлари эканлигини яққол намоён қилди. Бу вақтда Мозори Шариф, Таҳор, Кундуз, Қобул, Қандаҳор, Жалолобод шаҳарларидаги ҳарбий лагерларда халқаро террористик гуруҳлар, жумладан, ўзларини "Ўзбекистон Ислом ҳаракати" деб номлай бошлаган жангарилар тўдаси қўним топди"<sup>65</sup>.

Афғонистондаги ҳарбий-сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жараёнларнинг кескинлашуви, бинобарин, қуролланган гуруҳларнинг хуружлари, чегара орқали қурол-ярог ва гиёҳванд моддалар контрабандаси, чегараолди ҳудудларидаги миграцион жараёнлар Ўзбекистоннинг жанубий сарҳадларидаги аҳволни анча мураккаблаштирди.

Қўшни Тожикистондаги аҳвол ҳам ўзининг беқарорлиги билан барчани ташвишга солар эди. 1992 йил Тожикистон тарихида энг огир йиллардан бири бўлди. Аслида маъмурий-буйруқбозлик тизимига қарши бошланган кураш давлат ва давлатчилик асосларининг барбод бўлишига олиб келди.

МДҲ жанубий сарҳадларидаги ҳарбий-сиёсий вазиятнинг кескинлашуви қатор мамлакатларни ҳам ташвишга солиб қўйди. Қўшни давлатлар ҳудудида содир бўлаётган воқеалар 1992 йилнинг май ойида Тошкент шаҳрида Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги Шартноманинг имзоланишига туртки бўлди<sup>66</sup>. Бу Шартномани Арманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Россия ва Ўзбекистон давлатлари имзолади. Мутахассислар ушбу Шартномани "Тошкент Шартномаси" деб атадилар.

<sup>65</sup> Центральная Азия: геоэкономика, геополитика, безопасность. - С.159.

<sup>66</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-ж. - Т.: Ўзбекистон, 1996. - Б. 159.



Республика ҳукумати мамлакатимиз миллий хавфсизлигини таъминлаш масаласи Марказий Осиё минтақасидаги тинчлик ва барқарорликнинг ҳолати билан бевосита боғлиқ эканини яхши англади.

Шу боис, 1993 йил 28 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов Марказий Осиёни ядро қуролидан ҳоли ҳудуд, деб эълон қилиш тўғрисидаги ташаббусни илгари сурди. Ушбу тарихий ташаббуснинг моҳиятини давлатимиз раҳбари 1996 йил 3 декабрда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХХТ)нинг Лиссабон саммитидаги нутқида очиб берар экан, дунё афкор оммасини Ўзбекистонни қўллаб-қувватлашга чақирди<sup>67</sup>. Ўзбекистоннинг бу ташаббусини БМТ, ЕХХТ, МАГАТЭ каби халқаро ташкилотлар бир овоздан қўллаб-қувватлади.

1997 йил 15-16 сентябрь кунлари Тошкентда "Марказий Осиё - ядро қуролидан ҳоли ҳудуд" мавзуида халқаро анжуман бўлиб ўтди<sup>68</sup>. Шу даврда, дунё миқёсида турли диний экстремистик ташкилот ва ҳаракатларнинг фаоллашуви кузатила бошланди. 90-йилларнинг ўрталаридан бошлаб, халқаро терроризм ўз нигоҳини Яқин Шарқдан Жанубий Осиёга, аниқроғи, Марказий Осиёга қарата бошлади.

1995-1999 йилларда Марказий Осиё ва унинг атрофида мураккаб ҳарбий-сиёсий ҳолат юзага келган эди. 1995 йилнинг май ойида давлат ва жамият хавфсизлигини таъминлаш, мамлакат миллий хавфсизлик стратегиясини шакллантириш ва уни изчил ҳаётга татбиқ этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Миллий хавфсизлик кенгаши тузилди<sup>69</sup>.

Миллий хавфсизлик кенгаши Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги маслаҳатлашув органи сифатида таш-

---

<sup>67</sup> Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. 5-ж. - Т.: Ўзбекистон, 1997. - Б. 251-252.

<sup>68</sup> Тюриков В., Шагулямов Р. По пути независимости. - Т.: Гафур Гулям, 2000. - С. 433-434.

<sup>69</sup> Тюриков В., Шагулямов Р. По пути независимости. - Т.: Гафур Гулям, 2000. - С. 23.

кил этилиб, унинг зиммасига қатор вазифалар юкланди. Хавфсизликни таъминлаш борасидаги мамлакат ички ва ташқи сиёсати муаммоларини ҳал этиш, хавфсизликнинг барча турлари, жумладан, давлат, сиёсат, иқтисодиёт, жамият қурилиши, мудофаа, ахборот-коммуникация, табиатни муҳофаза қилиш ва бошқа соҳалардаги хавфсизликни таъминлаш муаммоларининг стратегик ечимларини ишлаб чиқиш, фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш чора-тадбирларини қўллаш, мамлакатда барқарорлик ва ҳуқуқ ҳимоясини таъминлаш вазифалари шулар жумласидан<sup>70</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига кўра, ушбу Кенгашнинг раиси ҳисобланади. Миллий хавфсизлик кенгаши ўз мажлисларига Ўзбекистон Республикасидаги ҳар қандай мансабдор шахсни таклиф этиши мумкин. Кенгаш мажлиси давомида билдирилган таклиф ва мулоҳазалар кўпчилик овоз билан қабул қилинади ва мамлакат Президенти тегишли қарорни тасдиқлагандан сўнг кучга киради.

Истиқлолимизнинг биринчи йилларидаги асосий вазифалардан бири давлатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш ва мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашига эришиш эди. Бунга мамлакат мудофаа қудрати ва миллий хавфсизлигини таъминлаш, бу борада ягона давлат сиёсатини ўтказиш билангина эришиш мумкин эди. 1995 йилнинг 30 августида умумхалқ муҳокамасидан сўнг Ўзбекистон Республикасининг Ҳарбий доктринаси қабул қилинди<sup>71</sup>. Бу - давлатнинг мудофаа соҳасидаги барча тадбирларини ўзида мужассам этган ҳужжат.

Ҳарбий доктринада Ўзбекистон ўзининг ҳарбий қурилиш соҳасидаги мақсад ва вазифаларини очиқ баён қилди. Унда ҳарбий сиёсат асослари, ҳарбий фаолият ва ҳарбий

---

<sup>70</sup> Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-ж. - Т.: Ўзбекистон, 1996. - Б. 52-53.

<sup>71</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1995. 9-сон. 180- модда.

қурилишнинг устувор йўналишлари ҳамда принциплари, шу йўналишдаги давлат стратегияси белгилаб берилди.

Ҳарбий қурилиш ва мудофаани режалаштиришнинг самарали тизимини шакллантириш мақсадида Мудофаа вазирлигининг Бош штаби 1998 йилнинг августда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Бош штаби сифатида қайтадан ташкил этилди.

Собиқ Иттифоқ даврида Ўзбекистон ҳудудидаги ҳарбий қўшинларнинг асосий қисми Афғонистон билан чегарадош ҳудудларда жойлашган эди. Бу ҳолат республиканинг бошқа ҳудудлари хавфсизлигини таъминлаш масаласини анча мураккаблаштирарди. Шу сабабдан, мамлакат ҳудуди янгидан ҳарбий округларга бўлиб чиқилди. Ҳарбий округлар белгиланган стратегик ва операцион йўналишларда мамлакатнинг ҳудудий яхлитлиги ва хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини кўриш ҳамда амалга оширишнинг муҳим ҳарбий-маъмурий қисмларига айланди.

1998 йилнинг ёзига келиб, қўшни Афғонистондаги ҳарбий-сиёсий вазият янада мураккаблашди. "Толибон" диний экстремистик ҳаракатининг қуролланган гуруҳлари Ўзбекистон чегараларига яқин келиб қолди.

Ушбу оғир кунларда Ўзбекистон ҳукумати МДҲ давлатларига, жумладан, Коллектив хавфсизлик Шартномасига аъзо давлатларга ёрдам сўраб бир неча бор мурожаат қилди. Лекин Ўзбекистон ҳеч кимдан амалий ёрдам ололмади.

Айнан шу даврдан бошлаб Қуролли Кучлар ислоҳотининг кейинги босқичи амалга оширила бошланди. Ўзбекистон хавфсизлигини таъминлаш вазифалари ва янги тарихий шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда, мамлакат Қуролли Кучларида чуқур сифат ўзгаришларини амалга ошириш зарурати туғилди. 1998 йил охирига келиб, Ўзбекистон ҳукумати томонидан сон жиҳатидан ихчам, юксак маҳоратли ва махсус операцияларни ўтказишга қодир бўлинмалар ташкил этиш бўйича қарорлар қабул қилинди. Бу тариқа бўлинмаларни ташкил этиш вақтида ўзининг тузилиши, қурол-аслаҳалар билан жиҳозланиши ва ҳарбий тайёргарлик даражаси билан тер-



ролизм ўчоқларини бартараф этишда ноанъанавий усуллар билан фаолият олиб борадиган Россия, АҚШ махсус операция кучларининг ҳамда НАТО мамлакатлари махсус бўлинмаларининг тажрибаси эътиборга олинди.

Миллий хавфсизликни таъминлашнинг энг муҳим омилларидан бири бўлган Қуролли Кучлар ислоҳотини изчил давом эттирар экан, Ўзбекистон ҳукумати унинг таркибий қисми бўлган ҳарбий-ҳаво кучларини такомиллаштириш масаласига ҳам эътибор қаратди.

1994 йилнинг март ойида ташкил этилган Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртини ўнлаб мутахассис-учувчилар, штурманлар, ҳарбий муҳандислар ва ҳарбий бошқарув зоти битириб чиқди.

90-йилларнинг ўрталарига келиб, собиқ Иттифоқ даврида фаолият кўрсатган радиолакацион тизим мутлақо ишдан чиққан эди. Шу сабабли МДХнинг кўплаб давлатлари, жануб йўналишидан келиши эҳтимол бўлган таҳдидларнинг олдини олиш мақсадида радиолакацион тизимни қайта тиклашга қарор қилишди. 1995 йил 10 февралда Арманистон, Белоруссия, Грузия, Қозогистон, Қирғизистон, Россия Федерацияси, Тожикистон, Туркменистон, Ўзбекистон ва Украина давлат раҳбарлари МДХга аъзо давлатларнинг бирлашган ҳаво мудофаасини ташкил этиш тўғрисидаги Битимга имзо чекдилар<sup>72</sup>.

МДХ давлатлари раҳбарлари Кенгашининг қарори билан Битимни имзолаган мамлакатларга, жумладан, Ўзбекистон Республикасига ҳаво мудофааси тизимини яратиш ва ривожлантириш тадбирларига молиявий чегирмалар ажратиш режалаштирилган эди. Аммо бу маблағ ажратилмади. Бирлашган ҳаво мудофааси тизимининг самарасиз фаолияти, мавжуд хавф-хатарга қарши курашиш учун вақти келганда керакли ёрдам олинмаганлиги кейинчалик Ўзбекистон Республикасининг Коллектив хавфсизлик Шартномасидан чи-

---

<sup>72</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов фаолияти хроникаси. - 1-ж. (1989-2005 - йиллар). - Т.: Ўзбекистон, 2006. - Б. 65.

қишига сабаб бўлди. Шунга қарамасдан, Ўзбекистон Республикаси зикр этилган Шартномага аъзо бўлган давлатлар билан икки томонлама алоқаларни давом эттираверди.

Ўзбекистон ҳукумати миллий хавфсизликни таъминлаш борасидаги сиёсатини амалга оширар экан, фуқаролик муҳофаази тизимини такомиллаштириш масаласига ҳам алоқидда эътибор билан қаради.

1996 йилнинг 4 мартида "Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигини ташкил этиш тўғрисида"ги ҳукумат қарори қабул қилинди<sup>73</sup>. Вазирлик зиммасига мамлакат аҳолиси ва ҳудудини тинчлик ҳамда ҳарбий можаролар вақтида юзага келиши эҳтимол бўлган фавқулодда ҳодисалардан самарали ҳимоя қилишни таъминлаш вазифаси юклатилди.

Фавқулодда ҳодисалар миллий хавфсизликка таҳдид солувчи омиллар сифатида баҳоланар экан, шу тариқа ҳодисалар чоғида аҳоли ҳимоясининг самарали механизмларини ишлаб чиқиш талаб этилар эди. Бу эса ўз ўрнида фавқулодда ҳодисалар тизимини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган дастур яратилиши зарурлигини кун тартибига қўйди. 1995-2000-йиллар оралиғида бу каби ишлар муваффақиятли амалга оширилди ва ҳаётга татбиқ этилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2000 йил 26 майда "Фуқаролик ҳимояси тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди<sup>74</sup>.

1999-2000 йиллар Ўзбекистон учун хавфсизлик борасида мураккаб йиллар бўлди. Диний-экстремистик ташкилотлар ва жиноий гуруҳларнинг раҳбарлари асосий эътиборларини Фарғона вилоятига қаратган эди. Уларнинг мақсади бу ердаги сиёсий ва ижтимоий вазиятни кескинлаштириш, Фарғона водийсини террористик-экстремистик гуруҳларнинг маконига айлантириш эди. Уларнинг режаларини барбод этиш, Фарғона водийси вилоятлари ўртасидаги автомобиль қатнов

---

<sup>73</sup> Ўша манба. - Б.192.

<sup>74</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2000. 5-6 - сонлар. 151- модда.

йўллари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида "Ангрен-Қўқон" йўналишидаги йўллارни қуриқлаш ишлари кучайтирилди.

Навбатдаги вазифа Ўзбекистоннинг қўшни давлатлар билан бўлган чегараларида халқаро ҳуқуқ меъёрлари асосида делимитация ва демаркация ишларини амалга ошириш эди. Шу мақсадда 1999 йилнинг ноябрида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тузилган ҳукумат комиссияси халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва талабларига асосланиб, давлат чегарасини босқичма-босқич делимитация ва демаркация қилиш жараёнига киришди. Натижада 2003 йилга келиб, Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги бир неча баҳсли ҳудудлар масаласи ўз ечимини топди, икки давлат ўртасидаги делимитация ишлари якунига етди<sup>75</sup>. Бу йўналишдаги музокаралар бошқа қўшни давлатлар билан ҳам давом эттирилди.

1995 йилнинг 15-16 сентябрь кунлари Ўзбекистон ташаббуси билан Тошкентда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг шафелиги остида "Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик" мавзуида илк бор йирик халқаро конференция бўлиб ўтди. Конференция ишида 30 дан зиёд мамлакатлар ва 20 га яқин халқаро ташкилотларнинг вакиллари иштирок этди<sup>76</sup>.

Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш йўлидаги муҳим босқичлардан бири - Ўзбекистоннинг ташаббуси билан БМТ раҳнамолиги остида "6+2" мулоқот гуруҳининг ташкил этилиши бўлди<sup>77</sup>. 1999 йилнинг июль ойида мамлакатимиз пойтахтида ушбу гуруҳнинг Тошкент учрашуви бўлиб ўтди. Бир томондан "Толибон" вакилларининг, иккинчи томондан, толибларга қарши коалиция раҳбарларининг Тошкентда, бир давра атрофидаги учрашувлари ўзбек

---

<sup>75</sup> Қаранг: Алимов Р.М. Центральная Азия: общность интересов. - Т.: Шарк, 2005. - С.39.

<sup>76</sup> Тюриков В., Шагулямов Р. По пути независимости. - Т.: Гафур Гулям, 2000. - С. 413.

<sup>77</sup> Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз.8-ж. - Т.: Ўзбекистон, 2000. - Б. 33.



дипломатиясининг улкан муваффақияти эди. Анжуман иштирокчилари олдидаги ўз нутқида Ўзбекистон раҳбари мамлакатимизнинг Афғонистоннинг бундан кейинги ривожланишига нисбатан бўлган ёндашувини очиб берди. "Биз Қобулда миллий тотувлик ва ички барқарорликни таъминлашга қодир бўлган, халқаро ҳуқуқ меъёрларини ҳурмат қиладиган ва чегарадош мамлакатлар билан яхши қўшничилик муносабатларини таъминлашга кафолат берадиган барча томонлар вакилларидан иборат нуфузли ва кучли ҳуқуматни куришни истаймиз", деди Президент Ислоҳ Каримов.<sup>78</sup>

1991-2005 йиллар оралиғида Ўзбекистон ҳуқумати Ўзбекистон Республикаси МДХ давлатлари, жумладан, Россия, Украина ва бошқа республикалар билан икки томонлама ҳарбий ҳамкорлик юритишни бирламчи вазифалар сифатида белгилаб олди.

Юқорида зикр этилган Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги Шартноманинг 1992 йили имзоланиши янги геосиёсий ўзгаришлар шароитида МДХ давлатларининг миллий хавфсизлигини таъминлаш борасидаги муҳим қадам эди<sup>79</sup>.

Бироқ, имзоланган Шартнома кези келганда ўз самардорлигини тўлиқ намоён қила олмади. Ўзбекистон Республикаси 1999 йилнинг апрель ойида ўзининг ушбу Шартнома доирасидаги фаолиятини вақтинчалик тўхтатди. Орадан бир оз вақт ўтиб, ушбу Шартномадан Озарбайжон ва Грузия давлатлари ҳам чиқиб кетди. 2002 йилнинг май ойида Москва шаҳрида бўлиб ўтган юбилей саммитида Коллектив хавфсизлик Шартномаси асосида янги сиёсий-ҳарбий ташкилот - Коллектив хавфсизлик шартномаси Ташкилоти (ОДКБ) тузилди<sup>80</sup>.

Ўзбекистоннинг ҳарбий-техник соҳадаги халқаро алоқа-

---

<sup>78</sup> Ўша манба.

<sup>79</sup> Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-ж. - Т.: Ўзбекистон, 1996. - Б. 50-51.

<sup>80</sup> См.: Иванов С. Вооруженные силы России и ее геополитические приоритеты // Россия в глобальной политике. - 2004. - № 1 (январь - февраль). - С. 40-41.

лари тўғрисида гап борар экан, Шимолий Атлантика Шартномаси Ташкилоти - НАТО билан олиб борилган муносабатларга тўхтаб ўтиш жоиз. Ушбу ҳамкорликка 1991 йилнинг 21 декабрида асос солинди. 1994 йилнинг 13 июлида Ўзбекистоннинг "Тинчлик йўлида ҳамкорлик" дастурига қўшилиши тўғрисидаги ҳужжат имзоланди<sup>81</sup>.

НАТО билан ҳамкорлик доирасида республика Қуролли Кучлари зобитларининг хорижий тилларни эгаллашларига қаратилган ишлар ҳам амалга оширилди. Зобитлар Германия, Буюк Британия ва бошқа мамлакатларнинг Қуролли Кучлари қисмларида тил ўргандилар.

Ўзбекистоннинг саъй-ҳаракатларига қарамасдан, минтақадаги ҳарбий-сиёсий вазият ҳамон мушкуллигича қолмоқда эди. 1999 йил 16 февралда қуролланган бир неча террористлар Тошкент шаҳрида портлашларни амалга оширдилар. Бунинг натижасида 16 нафар бегуноҳ инсон ҳаётдан кўз юмди, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва қатор давлат идоралари ва тинч аҳолининг турар-жой биноларига жиддий шикаст етди<sup>82</sup>.

1999 йилнинг август ойида Ўзбекистон Республикасининг Қирғизистон ва Тожикистон билан тугашган жануби-шарқий чегараларида яна нотинч вазият юзага келди. Террористик гуруҳлар Боткен ва Сўх туманлари орқали Ўзбекистонга сукулиб киришга уриндилар. Террористларнинг манзил-маконлари ва режаларини аниқлаш, уларнинг жинояткорона хатти-ҳаракатларига чек қўйиш мақсадида Миллий хавфсизлик хизмати, Мудофаа вазирлиги ва Ички қўшинларнинг махсус бўлинмаларидан ташкил топган гуруҳлар тузилди. Муваффақиятли ўтказилган махсус ҳарбий операциялар натижасида террористик гуруҳлар тор-мор қилинди<sup>83</sup>.

---

<sup>81</sup> Қаранг: Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-ж. - Т.: Ўзбекистон, 1996. - Б. 327-331.

<sup>82</sup> Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-ж. -Т.: Ўзбекистон, 1999. -Б. 335.

<sup>83</sup> Ўш вилоятининг Боткен туманидаги воқеаларга доир // «Халқ сўзи» газетаси, 1999 йил 24 август.

1999 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида бир неча террористлар Ангрэн тоғ тизмалари орқали республика ичкарасига киришга ва бу ерда нотинч вазиятни юзага келтиришга уриндилар. Уларни излаб топиш ва йўқ қилишда Махсус операция кучлари батальони ҳамда Ички ишлар вазирлигининг махсус бўлинмалари фаол иштирок этди<sup>84</sup>.

Террористик гуруҳлар ва уларнинг чет эллардаги раҳнамолари Ўзбекистондаги барқарорликни издан чиқариш йўлидаги қабих ниятларидан қайтмади. 2000 йил август ойида Сурхондарё вилоятининг Сариосиё тумани тоғли ҳудудларига Тожикистон орқали жангарилар гуруҳи кириб келгани аниқланди. Икки ой давом этган қидирув ишлари ва ўтказилган ҳарбий операциялар натижасида Сариосиё ва Узун туманлари ҳудудига жойлашиб олган жангарилар гуруҳи йўқ қилинди<sup>85</sup>.

2000 йилнинг август ойида Тошкент вилоятининг тоғли Бўстонлиқ туманига ҳам жангарилар гуруҳи бостириб кирганлиги аниқланди. Ички ишлар вазирлиги қўшинларининг Тошкент махсус тезкор ҳаракатлар батальони ҳарбийлари томонидан Бўстонлиқ ва Оҳангарон туманларининг тоғли ҳудудларида амалга оширилган операциялар натижасида 15 нафар жангари йўқ қилиниб, катта миқдордаги қурол-аслаҳа ва ўқ-дорилар қўлга киритилди<sup>86</sup>.

Мамлакатнинг миллий хавфсизлигини таъминлаш ва ҳудудий яхлитлигини сақлаб қолиш мақсадида Ўзбекистон раҳбарияти барча керакли сиёсий ҳамда ҳарбий чора-тадбирларни амалга оширди. Дунёнинг қатор давлатлари, жумладан, Россия, АҚШ ва Марказий Осиё республикалари билан кўп томонлама ҳарбий-техник алоқалар йўлга қўйилди.

Мамлакатимизнинг хавфсизлик борасида амалга ошираётган стратегиясини доимий равишда такомиллаштириб бориш

---

<sup>84</sup> Босқинчилар ҳужуми // "Халқ сузи" газетаси, 1999 йил 17 ноябрь.

<sup>85</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов фаолияти хроникаси. 1-ж. (1989 - 2005 йиллар). - Т.: Ўзбекистон, 2006. - Б. 196.

<sup>86</sup> Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-ж. - Т.: Ўзбекистон, 2001. - Б. 84.



мақсадида 2000 йилнинг 29 сентябрида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Бирлашган шгаби тузилди<sup>87</sup>.

2001 йилнинг 11 майида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси "Мудофаа тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунни қабул қилди<sup>88</sup>. Ушбу ҳужжатда мустақиллик йилларида ҳарбий қурилиш соҳасида амалга оширилган ва оширилаётган ўзгаришлар ўзининг қонуний ифодасини топди. Янги таҳрирдаги ушбу Қонунда мудофаа соҳасидаги давлатимиз сиёсатининг асосий принциплари очиқ берилди<sup>89</sup>.

2000 йилнинг 21 апрелида Тошкент шаҳрида Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон раҳбарлари томонидан "Терроризм, сиёсий ва диний экстремизм, трансмиллий уюшган жиноятчилик ва мамлакатларнинг хавфсизлиги ва барқарорлигига нисбатан мавжуд бўлган бошқа таҳдидларга қарши биргаликдаги хатти-ҳаракатлар тўғрисида"ги Шартноманинг<sup>90</sup> имзоланиши ХХI аср бошларида Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик тизимини шакллантириш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

2000 йилнинг 15 декабрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги Қонунни қабул қилди<sup>91</sup>. Қонунда "терроризм" тушунчасига таъриф берилди, бу иллат билан мурасасиз кураш борасидаги давлат муассасалари, жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг ваколатлари ҳамда бурч-вазифалари белгилаб берилди. 2001 йилнинг 12 майида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси "Терроризмни молиялаштиришга қарши кураш ҳақидаги халқаро конвенцияни ратификация қилиш тўғрисида" қарор

---

<sup>87</sup> Ўзбекистон Республикаси: энциклопедия. - Т.: "Ўзбекистон Миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2006. - Б. 218.

<sup>88</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2001. 5-сон, 80- модда.

<sup>89</sup> Ўша манба.

<sup>90</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2000. 5-6-сон, 156-модда.

<sup>91</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2001. 1-2-сон, 15-модда.

қабул қилди<sup>92</sup>. Бу Ўзбекистон Республикасининг халқаро терроризмга ва уни молиялаштиришга қарши олиб бораётган изчил сиёсатининг ёрқин намоёиши эди.

2001 йилнинг 30 августида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси "Терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш ҳақидаги Шанхай Конвенциясини ратификация қилиш тўғрисида"ги навбатдаги қарорни қабул қилди<sup>93</sup>. Бу билан мамлакатимиз Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, Афғонистонда тинчликни қарор топтириш борасида нафақат бонг ураётганлигини, шу билан бирга, амалий ҳаракатлар қилаётганлигини ҳам исботлаб берди.

2000 йилнинг сентябрь ойида бўлиб ўтган БМТ Бош асамблеясининг "Минг йиллик" юбилей саммитида Ўзбекистон ушбу нуфузли халқаро ташкилот фаолиятининг асосий тамойилларидан бири бўлган хавфсизлик яхлитлиги тамойилини тўлиқ қўллаб-қувватлашини билдирди. Ўзбекистон раҳбари анжуман минбаридан туриб, БМТга, Хавфсизлик Кенгаши ва бутун халқаро ҳамжамиятга мурожаат қилиб, "Афғонистон ҳозирги пайтда халқаро террорчилик ва экстремизмнинг полигони ҳамда таянч базасига, миллиардлаб даромад келтираётган ва халқаро террорчиликни озиқлантираётган гиёҳванд моддалар ишлаб чиқаришнинг дунё миқёсидаги асосий манбаи - базасига айлангандир... Афғонистонда давом этаётган уруш фақат Марказий Осиё минтақаси давлатлари хавфсизлигига эмас, балки бутун жаҳон хавфсизлигига ҳам таҳдидир"<sup>94</sup>, деган қатъий фикрни билдиради.

2001 йил 11 сентябрда Америка Қўшма Штатларининг Нью-Йорк ва Вашингтон шаҳарларида амалга оширилган террористик хатти-ҳаракатлар, унинг оқибатида 3 мингдан зиёд кишининг дунёдан кўз юмиши, келтирилган мислсиз

---

<sup>92</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2001. 5-сон, 93 - модда.

<sup>93</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2001. 9-10-сон, 185 - модда.

<sup>94</sup> Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-ж. - Т.: Ўзбекистон, 2001. - Б. 107.

талофатлар бутун дунё афкор оммасини ларзага келтирди. Афсуски, ана шу мудҳиш воқеалар бўлиб ўтгандан кейингина халқаро ҳамжамият ўз нигоҳини Афғонистонга қарата бошлади, у ердан дунёга ёйилаётган терроризм, диний экстремизм ва гиёҳвандлик каби иллатларнинг оқибатини англаб етди. Ваҳоланки, Ўзбекистон бу иллатларга қарши курашиш учун 90-йилларнинг бошларидан бери жаҳон афкор оммасини чақириб келар эди.

11 сентябрь воқеаларидан сўнг Ўзбекистон биринчилардан бўлиб, АҚШ бошчилигида тузилган аксилтеррористик коалицияга қўшилди. Қашқадарё вилоятидаги "Хонобод" аэродроми Афғонистон ҳудудида инсонпарварлик ва қутқарув-қидирув ишларини амалга ошириш учун халқаро аксилтеррористик кучлар ихтиёрига берилди.

Мамлакат миллий хавфсизлигини таъминлаш ва унинг ҳудудий яхлитлигини сақлаш мақсадида Ўзбекистон раҳбарияти сиёсий ҳамда ҳарбий характерга эга бўлган барча чоратадбирларни амалга оширди. Жумладан, 2000-2005 йилларда Ўзбекистон Республикаси вакиллари бир неча маротаба ҳарбий дала машқларида иштирок этди. Ушбу ўқув машқларида, асосан, тинчликсевар операцияларни ўтказишда, табиий офат ва техноген ҳалокатларнинг оқибатларини бартараф этишда ҳарбий бўлинма ҳамда штаблар ўртасидаги ҳамкорлик масалалари ўрганилди. Масалан, 2003 йилнинг апрель ойида Фарғона вилояти ҳудудида НАТО кучлари билан ҳамкорликда ўқув машғулоти ўтказилди<sup>95</sup>. Шу йилнинг ўзида республикада ташкил этилган Махсус операциялар кучларининг вакиллари АҚШ рейнджерлар мактабида, Германия ва Швейцариянинг ҳарбий тайёргарлик марказларида малака оширилди. 2002 йили Ўзбекистонда Тинчликпарвар кучларнинг батальони ташкил этилди. Батальон ҳарбийлари Арманистонда ўтказилган "Бест Эффорт-2003" ўқув машғулотида муваффақиятли қатнашди.

2002 йилнинг 22 ноябрида Чехия пойтахти Прага шаҳрида Евроатлантика ҳамкорлик кенгашининг мажлиси бўлиб

<sup>95</sup> Фавқулодда вазиятларга қарши ҳаракат бўйича халқаро "Фарғона - 2003" машқларининг қатнашчиларига // "Халқ сўзи" газетаси, 2003 йил 29 апрель.



ўтди<sup>96</sup>. Ўзбекистон Президенти ўз нутқида анжуман ишти-  
рокчиларининг диққат-эътиборини яна бир бор Марказий  
Осиёдаги минтақавий хавфсизлик муаммоларига қаратди.  
НАТОнинг Ўзбекистон ва минтақа давлатлари билан олиб  
бораётган сиёсатига баҳо берар экан, Ислом Каримов "Биз  
НАТО билан тобора ривожланиб бораётган ҳамкорлигимиз-  
ни юксак қадрлаймиз ва Куролли Кучларимизни ислоҳ  
қилиш, ҳарбий кадрларни тайёрлаш учун ўқув ва ахборот  
марказларини ташкил этиш, чегараларни замонавий воси-  
талар билан жиҳозлаш, террорчиликка қарши курашиш бо-  
расида тайёргарликни янада такомиллаштиришга йўналти-  
рилган шериклик муносабатларимизни кенгайтириш тараф-  
доримиз"<sup>97</sup>, деди.

Ўзбекистонлик зобитлардан бир гуруҳи бу вақтда Гре-  
ция, Швеция, Руминия, Словения, Туркия ва бир қатор  
бошқа мамлакатларда бўлиб, НАТОнинг "Тинчлик йўлида  
ҳамкорлик" дастури доирасида ташкил этилган танишув  
ҳамда тактик ўқув машғулотида иштирок этди.

Мамлакат ичиди ва халқаро майдонда амалга оширилаёт-  
ган саъй-ҳаракатларга қарамасдан, халқаро террористик гу-  
руҳларнинг чет эллардаги раҳнамолари Ўзбекистонга нис-  
батан қабих ниятларидан қайтмадилар. Боз устига, АҚШ  
қўшинларининг 2003 йили Ироққа бостириб кириши, Аф-  
ғонистондаги аксилтеррористик хатти-ҳаракатларнинг чўзи-  
либ кетганлиги, натижада халқаро террористик гуруҳлар-  
нинг, энг аввало, "Ал-Қоида" ўз стратегия ва тактикасини  
ўзгартирганлиги Марказий Осиё давлатлари учун ҳам жид-  
дий таҳдид сола бошлади.

2004 йилнинг 29-30 март ва 1 апрель кунлари Бухоро  
вилояти ва Тошкент шаҳрида портлашлар содир этилди. Бу  
мудҳиш террорчилик ҳаракатлари оқибатида 9 нафар ички  
ишлар ходими ва 5 нафар фуқаро ҳалок бўлди<sup>98</sup>. Ўтказилган  
тезкор-қидирув ва тергов ҳаракатлари натижасида бир неча  
жиноятчилар қўлга олинди. Тергов материалларининг таҳ-

<sup>96</sup> Каримов И.А. Биз танлаган йўл - демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-ж. - Т.: Ўзбекистон, 2003. - Б. 68.

<sup>97</sup> Ўша манба.

<sup>98</sup> Терроризм - инсоният душмани / «Халқ сўзи» газетаси, 2004 йил 1 апрель.

лили ушбу террористик хатти-ҳаракатларнинг илдизи мамлакатимиз ташқарисида жойлашган террористик ва диний-экстремистик марказларга бориб тақалаётганлигидан далолат берар эди.

2004 йилнинг 17 июнида Тошкентда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг навбатдаги саммити бўлиб ўтди<sup>99</sup>. Тошкент саммити давомида қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилинганлиги, бинобарин, халқаро терроризм ва экстремизмга қарши биргаликда курашиш, аъзо давлатлар ўртасида иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги келишувларга эришилганлиги унинг аввалги йиғилишлардан нуфузи ошганлигини кўрсатди.

Саммит доирасида Ўзбекистон ва Россия Федерациясининг Президентлари И.А. Каримов ва В.Путин ўртасида музокаралар ўтказилди. Музокаралар якунида Ўзбекистон ва Россия ўртасида стратегик шериклик тўғрисидаги Шартнома имзоланди<sup>100</sup>. ШХТ саммитида иштирок этган Хитой, Россия ва Марказий Осиё давлатларининг раҳбарлари Тошкент шаҳрида "Минтақавий аксилтеррор тузилмаси"нинг очилиши маросимида ҳам ҳозир бўдилар. Минтақавий аксилтеррор тузилманинг мақоми, фаолиятининг муҳим йўналишлари ШХТнинг давлат раҳбарлари даражасида тасдиқланган асосий ҳужжатлари билан белгилаб берилди<sup>101</sup>. Тошкент саммити ШХТнинг ташкилий шаклланишида энг муҳим босқичлардан бири бўлди.

2004 йил 30 июль куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, АҚШ ва Исроил давлатларининг элчихоналари олдида яна портлашлар содир этилди<sup>102</sup>. Ушбу фожиали воқеалар чоғида бир неча киши ҳалок бўлди, Бош прокуратура ва элчихоналарга моддий зиён етди. Тергов натижалари асосида қилинган таҳлилларнинг натижаси июль ойидаги

---

<sup>99</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов фаолияти хроникаси. 1-ж. (1989 - 2005 йиллар). - Т.: Ўзбекистон, 2006. 175-бет.

<sup>100</sup> Ўзбекистон ва Россия - стратегик ҳамкор / «Халқ сўзи» газетаси, 2004 йил 17 июнь.

<sup>101</sup> Қаранг: «Халқ сўзи» газетаси, 2004 йил 18 июнь.

<sup>102</sup> Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз уз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродаимизга боғлиқ, 12-ж. -Т.: Ўзбекистон, 2004. -Б. 383.

портлашлар 2004 йилнинг март-апрель ойларида Тошкент ва Бухорода амалга оширилган портлашлар билан узвий боғлиқлигини кўрсатди. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, айти шу кунлари Ўзбекистон Олий судида март-апрель ойларида содир этилган террористик хатти-ҳаракатларга алоқадорликда гумон қилинган 15 нафар шахс устидан суд жараёни кетаётган эди.

Юқорида санаб ўтилган барча террористик воқеаларда иштирок этган, суд қарори билан айбдор деб топилган шахсларга нисбатан турли жазо муддатлари белгиланди. Суд жараёни давомида уларнинг орқасида турли террористик ва диний-экстремистик ташкилотларнинг, жумладан, "Ҳизб ут-таҳрир"нинг хорижий мамлакатлардаги раҳнаомлари турганлиги аён бўлди. "Ҳизб ут-таҳрир" ўта махфий шароитда фаолият олиб борар экан, ўзининг Марказий Осиёда жойлашган дунёвий давлатлардаги конституцион тузумни ўзгартиришга ҳаракат қилаётганини, ушбу давлатларга нисбатан жиҳод эълон қилганлигини, 2001 йил июнь ойида нашр этилган "Ҳизб" журналида ёзилганидек, "кофирларга қарши курашда барча усуллар, жумладан, ўлдириш йўли билан"<sup>103</sup> ҳам ўз мақсадларига эришмоқчи эканлигини яширмаётган эди.

2004 йилнинг охири - 2005 йилнинг бошларига келиб, МДХ давлатларида аввал Грузияда, кейин Украинада, 2005 йилнинг март ойида эса қўшни Қирғизистон ҳудудида "рангли инқилоб"лар амалга оширилди. МДХ давлатларида "демократик тамойиллар"ни жорий қилиш ва янада чуқурлаштириш учун АҚШ маъмурияти "Демократияни ёйиш тўғрисида" Қонун (Advance Democracy Act) қабул қилди<sup>104</sup>. Қонунга кўра, "рангли инқилоб"ларни молиялаштиришда ҳам давлатга қарашли, ҳам нодавлат ташкилотлар (ЮСАИД, Фридом Хаус ва бошқ.) ва турли жамғармаларнинг ишти-

---

<sup>103</sup> См.: Джоши Н. Дестабилизация региона: кому это выгодно? Проблемы безопасности в Центральной Азии // Материалы международной научно-практической конференции. - Т.: TURON-IQBOL, 2006. - С. 78.

<sup>104</sup> See: Ele Lake. Universal Democracy is the Goal as Congress Eyes New Legislation / The New York Sun, July 27, 2005; Cohen A. and Helle C. Dale. The Advance Democracy Act: A Dose of Realism Needed / www.new.heritage.org / Research / National Security / em 968. cfm



рок этиши назарда тутилган эди. Жумладан, "рангли инқилоб"ларни молиялаштириш махсус равишда давлат томонидан ташкил этилган "Инсон ҳуқуқлари ва демократияни қўллаб-қувватлаш жамғармаси" (Human Rights and Democracy Fund) томонидан амалга ошириладиган бўлди. Ушбу жамғарманинг 2005-2007 молиявий йилларга белгиланган бюджети 250 млн. АҚШ долларини ташкил этди<sup>105</sup>.

Бу вақтда Ўзбекистон ҳудудида АҚШнинг икки етакчи сиёсий партияларининг тегишли институтлари - Халқаро Республикачилар институти ва Миллий демократик институт вакиллари фаол иш олиб бормоқда эди. Ушбу ташкилотлар ва уларнинг ёнида фаолият олиб борган юзлаб нодавлат, нотижорат ташкилотлар (ННТ) "рангли инқилоб"лар нафасини Ўзбекистонга ҳам етказиб келишга уришиб, аста-секин Ўзбекистондаги сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотларининг фаолиятига аралаша бошлади.

Лекин Ўзбекистон ҳукумати бу масалага жиддий баҳо берди ва қонуний йўл билан ННТларнинг мамлакатимиз сиёсий, ижтимоий ва мафқуравий ҳаётидаги ўрнини аниқ белгилаб берди. Шу билан бир қаторда, Ўзбекистонда ташкил этилган жамоат ташкилотларининг мақомини кўтариш, уларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш борасидаги қатор ҳукумат қарорлари эълон қилинди<sup>106</sup>, "Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти" ташкил этилди.

Ўзбекистон ҳукумати мамлакат миллий хавфсизлик стратегиясини ҳаётга изчил татбиқ этиб борар экан, ҳам республика ичидаги, ҳам ташқи сиёсатдаги устувор йўналишларни белгилаб олди.

2005 йилнинг 28 январида Тошкент шаҳрида янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Ушбу мажлисдаги ўз нутқида Ўзбекистон Президенти депутатлар ва Сенат аъзоларининг диққат-эътиборларини жа-

---

<sup>105</sup> Ўша манба.

<sup>106</sup> Ўзбекистон Республикаси: энциклопедия. - Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2006. - Б. 220-225.

миятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш масалаларига қаратди.

2005 йилнинг баҳорида Қирғизистонда эришилган "инқилобий" ютуқлардан илҳомланган айрим кучлар эндиги навбат Ўзбекистонга деган хом хаёлга берилдилар.

2005 йилнинг май ойида Андижон шаҳрида террористик ва диний-экстремистик кучлар ўзларининг навбатдаги жинояткорона хатти-ҳаракатларини амалга оширдилар. Шу йилнинг 12 майдан 13 майга ўтар кечаси қуролланган 30 га яқин, ўзларини "Акромия" деб номлаган диний-экстремистик ташкилотнинг жангарилари аввал Андижон шаҳридаги милиция навбатчилиқ қисмига, кейин ҳарбий қисмлардан бирига ҳужум қилиб, 4 нафар милиция ходими ва 5 нафар ҳарбий хизматчини ўлдириб, кўплаб ўқотар қуроллари ва юк ташиш автомашинасини қўлга киритади. Орадан бироз вақт ўтгач, жангарилар шаҳарда жойлашган тергов изоляторини ишғол этиб, 527 нафар ҳукм қилинган ва терговда бўлган шахсларни у ердан чиқариб юборди. (Кейинчалик ана шу кимсаларнинг 470 нафари ўз хоҳишларига кўра турмага қайтиб келади, 15 нафар озод этилган жиноятчи қўлга олиниб, турмага қайтарилади). 20 га яқин одам гаровга олинади. Жангарилар Андижон вилоят ҳокимияти биносини босиб олиб, ҳукуматга ақлбовар қилмас шартлар қўя бошлайди. Бу орада Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизматининг Андижон вилоят бошқармалари ўққа тутилади, шаҳардаги кўплаб бинолар портлатиб, ёндириб юборилади. Ўз қабиҳ ниятларига эриша олмаган жангариларнинг кўпчилиги ўз олдиларига тинч аҳолидан "жонли девор" ясаб, шаҳардан чиқиб кетишга эришади. Ушбу воқеалар натижасида 180 дан зиёд киши қурбон бўлади, улардан 32 нафари ҳарбийлар ва милиция ходимлари эди<sup>107</sup>.

Андижонда содир этилган воқеалар дунё афкор оммасини ларзага солди. Кимлардир қамоқхонадаги жиноятчи ва гумондорларни чиқариб юбориб, ҳар қандай халқаро ҳуқуқ нормаларига, инсонийлик деган тушунчаларга мос келмайдиган хатти-ҳаракатларни содир этган жангарилар ва улар-

---

<sup>107</sup> Қаримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-ж. -Т.: Ўзбекистон, 2005. - Б. 306-419.

нинг ортида турган кучларни қаттиқ қоралаган бўлса, Андижонда бўлиб ўтган воқеаларни баҳолашда айрим Фарб мамлакатларининг сиёсатдонлари бир ёклама ёндашдилар.

Бу ўринда таниқли америкалик сиёсатшунос олим Збигнев Бжезинскийнинг бир фикрини таъкидлаб ўтиш жоиз: "АҚШда сиёсий қарорларни қабул қилишга масъул шахслар демократияни зўрма-зўраки сингдириш каби хом хаёлларга берилмасликлари ўта муҳим масаладир. Ҳақиқий ва мустақкам демократия аста-секинлик билан, қадамба-қадам, ҳар қандай зўравонликларсиз амалга оширилган жойдагина керакли маромда шаклланади. Фақат ана шундай ёндашувгина сиёсий маданиятни ҳақиқатан ҳам ўзгартиришга қодирдир"<sup>108</sup>.

Андижон воқеалари халқимизнинг сабр-тоқатини, дошишманд ва бағрикенглигини, меҳнатсеварлик фазилати ҳамда бунёдкорлик қудратини, эзгу мақсад сари, аввало, ўз кучи ва салоҳиятига таянган ҳолда қатъият билан боришга қодир эканлигини бутун дунёга намоён этди.

Андижон воқеаларидан сўнг Ўзбекистон атрофида юзага келган оғир халқаро сиёсий аҳвол вақтида мамлакатимизни қўллаб-қувватлаган давлатлардан бири Россия Федерацияси бўлди. Россия тарафи Ўзбекистонга шу вақтда ҳам моддий, ҳам маънавий кўмак берди. Ушбу ҳамкорлик натижасида 2005 йилнинг 14 ноябрь куни Москва шаҳрида "Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисида Шартнома" имзоланди. 2006 йилнинг 6 мартда Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисида шартномани ратификация қилиш ҳақида"ги Қонуни қабул қилинди<sup>109</sup>.

2006-2007 йилларда республикамызда миллий хавфсизликни таъминлаш борасида бир қатор кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Шу даврда минтақада юзага келган вазият, мамлакат атрофида авжига чиққан сиёсий уйинлар Ўзбе-

---

<sup>108</sup> Бжезинский З. Зыбучие пески гегемонии. США и Центральная Азия / Время. №63. - 13 апреля 2004 г.

<sup>109</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2006. 10-сон. 68-модда.



кистон Республикасини ўз миллий хавфсизлигини таъминлаш борасида халқаро ҳамкорлик масалаларини янада кучайтиришга ундар эди. Шу муносабат билан, Ўзбекистон-Америка муносабатлари 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан сўнг янгича руҳда ривожланди. 2002 йил ноябрь ойида Ўзбекистон Республикаси ва АҚШ ўртасида "Стратегик шерикчилик тўғрисида"ги Шартнома имзоланди. Шу вақтдан бошлаб сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, ҳарбий-техник, ижтимоий-гуманитар соҳалар борасидаги алоқалар янгича мазмун касб эта бошлади. Ушбу даврда Ўзбекистон Афғонистондаги халқаро кучларга ёрдам кўрсагиш орқали халқаро терроризмга қарши кураш борасида салмоқли ишларни амалга оширди.

2001-2008 йиллар оралиғида Ўзбекистон Республикасининг Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШХТ) доирасида олиб борган фаолияти мамлакат миллий хавфсизлигини таъминлашда муҳим омиллардан бири бўлди. Шу вақтда ШХТ доирасида давлат раҳбарлари, ташқи ишлар вазирлари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари томонидан имзоланган 300 га яқин ҳужжатлар қабул қилинди.

Тошкент ташаббуси билан ШХТ ва Осиё минтақасида фаолият юритаётган ШХТнинг АСЕАН, ЕврАзЭС, МДХ, ЭСКАТО каби турли халқаро ташкилотлар билан алоқалари ўрнатилди. ШХТ, ўз навбатида, Бирлашган Миллатлар Ташкилотида кузатувчи мақомини олди. Покистон, Эрон, Ҳиндистон ва Мўғулистон ШХТ доирасида кузатувчи мақомига эга бўлдилар. "ШХТ - Афғонистон" алоқа гуруҳи ташкил этилди.

Тошкент шаҳрида иш бошлаган ШХТнинг Минтақавий аксилтеррористик тузилмаси фаолияти доирасида 2007-2009 йилларга мўлжалланган терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш борасидаги ҳамкорлик Дастури қабул қилинди ва изчил амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон ҳукумати Афғонистон муаммосига миллий хавфсизликни таъминлашга доимий таъсир этувчи омил сифатида қараб келди. Жумладан, 2008 йил апрель ойида Бухарестда ўтказилган НАТО саммитида Президент И.А.Каримов Афғонистондаги вазиятни тартибга солиш бўйича БМТ шафелигида "6+2" мулоқот гуруҳини Ўзбекистон, Тожикистон, Туркменистон, Покистон, Хитой, Эрон, шунингдек,

АҚШ ва Россия ҳамда Афғонистонда аксилтеррор ҳаракатларини амалга ошираётган ташкилот - НАТОни қўшиб, "6+3" шаклида қайта тиклаш борасида ўта муҳим ташаббус билан чиқди. Ўзбекистон раҳбари дунё ҳамжамияти эътиборини афғон муаммоси глобал аҳамиятга эга бўлганлиги боис, унинг ечимини НАТО давлатлари иштирокида умумжаҳон миқёсида кўриб чиқиш зарурлигига қаратди.

Сўнги йиллар давомида Ўзбекистон Афғонистонга унинг иқтисодийтини тиклаш учун кенг миқёсли амалий ёрдам кўрсатди. Масалан, Осиё Тараққиёт банки кўмагида Ўзбекистон Афғонистоннинг шимолий вилоятларини бошқа давлатлар билан боғлаб турувчи ягона "Термиз - Ҳайратон" темир йўл тармоғини модернизация қилишда, 75 км. дан иборат "Термиз - Ҳайратон - Мозори Шариф" темир йўл қурилишини амалга оширишда ёрдам берди. Ўзбекистоннинг транзит соҳасида кўрсатган яна бир ёрдами бу - 2009 йилнинг февраль ойида фойдаланишга топширилган, НАТОнинг Шимолий тақсимловчи тармоғи таркибидаги сўнги темир йўл тармоғининг мамлакат ҳудудида жойлаштирилиши, бу тармоқ НАТОнинг Афғонистондаги халқаро кучлари учун етказиб берилаётган юklar ҳажми ошишини таъминлади.

Шу даврда Ўзбекистон компания ва мутахассислари томонидан "Мозори Шариф - Қобул" йўналиши бўйлаб 11 та кўприк қуриб, ишга туширилди. Ер шарининг энг мураккаб тоғли ландшафтларидан бири орқали 275 милга тенг юқори кучланишли тармоқни, 150 мегаваттли электр энергиясини Термиздан Қобулгача узатиш имконини берадиган қурилиш ишлари амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистон томонидан оптика-толали алоқаларни ўрнатиш ҳамда Афғонистонни Интернет тармоғи билан таъминлаш борасидаги ишларга ҳам катта эътибор қаратилмоқда.<sup>110</sup>

Ушбу ҳолатлар Ўзбекистоннинг Афғонистонни қайта тиклаш жараёнида фаол иштирокчи сифатида мустақкам ўрин эгаллаганини билдиради. Ўзбекистон Республикаси Афғонистон муаммосининг ечимини топиш бўйича минтақавий саъй-

---

<sup>110</sup> Қаранг: Афғонистондаги геосиёсий ва стратегик вазиятга прагматик баҳо // "Халқ сўзи" газетаси, 2009 йил 10 ноябрь.

ҳаракатларга етакчилик қилиб келмоқда, десак муболаға бўлмайди.

Ўзбекистон ўз ташқи сиёсатида доимо миллий манфаатлар устуворлиги мезонларига асосланган ҳолда, "очиқ қўл" сиёсатини юргизиб келган. Мамлакат ўз миллий хавфсизлик стратегиясини изчиллик билан амалга оширар экан, Ўзбекистон ҳукумати собитқадамлик билан бунёдкорлик йўлидан бормоқда. Қурулли Кучларнинг, Миллий хавфсизлик хизмати ҳамда ички ишлар органларининг, бинобарин, мамлакат хавфсизлигини таъминлашга масъул барча идора ва жамоат ташкилотларининг истиқлолимизнинг бардавомлигини таъминлаш, юртимизда тинчлик ва барқарорликни, чегараларимиз дахлсизлигини, мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигини сақлаш, давлат қурилиши тизимини мустаҳкамлаш, минтақавий хавфсизликни таъминлаш борасидаги мавқелари кундан-кун ортиб бормоқда.

### **3.9. Маҳаллий давлат органларининг шаклланиши.**

#### **Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари миллий демократик институт сифатида**

Ўзбек жамиятида жамоа бўлиб яшашнинг энг олий шакли маҳалладир. Ўзини ўзи бошқаришнинг мазкур шакли асрлар оша яшаб келмоқда.

Маҳалла мамлакатимизда кўп асрлардан буён мавжуд бўлса-да, Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришганидан кейингина у муносиб ижтимоий-ҳуқуқий мақомга эга бўлди.

1992 йил 12 сентябрда Президентимиз И.А. Каримовнинг Фармони билан "Маҳалла" Республика хайрия жамғармаси<sup>111</sup> ташкил этилгани, 1993 йил 2 сентябрда "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонун<sup>112</sup>

---

<sup>111</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Республика "Маҳалла" хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони // "Халқ сўзи" газетаси. 1992 йил 12 сентябрь.

<sup>112</sup> Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1999. 5-сон. 110-модда.



қабул қилинганнинг ўзиёқ маҳалла институтининг давлат томонидан қўллаб-қувватланаётганининг ёрқин далилидир.

Жамият тараққиёти такомиллашган сари ҳамда бозор муносабатларига ўтиш даврида, айниқса, фуқаролик жамиятини шакллантиришга оид янги ижтимоий муносабатларнинг вужудга келиши билан ушбу Қонунни маълум нормалар билан тўлдириш эҳтиёжи сезилди. Шу боисдан 1999 йил 14 апрелда Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида" янги таҳрирдаги Қонуни қабул қилинди.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган ҳужжатлар жумласига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 23 апрелдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони<sup>113</sup>, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 апрелдаги "Маҳалла посбони" жамоат тузилмалари ва Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги яраштириш комиссиялари тўғрисидаги Низомларни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимининг ривожланишида муҳим роль ўйнади.

Юртимиздаги тинчлик ва осойишталикни, халқимизнинг хотиржам меҳнат қилишини таъминлашда маҳалланинг хизмати катта. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олишда фуқароларнинг онгли иштирок этишини мақсад қилиб, 1999 йил 19 апрелда "Жазони ўташ жойларидан озод қилинган шахсларга ижтимоий-маиший жиҳатдан ва ишга жойлашишда ёрдам кўрсатиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва ҳокимликлар ҳузуридаги махсус комиссиялар, "Маҳалла посбони" жамоат тузилмалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги яраштириш комиссиялари

---

<sup>113</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1998. 4-сон, 65-модда.

туғрисида"ги низомларни тасдиқлаш ҳақида Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилиниб, республикамизнинг барча ҳудудларида "Маҳалла посбони" жамоат тузилмалари ташкил этилди.

Маҳалла олдидан турган энг долзарб масалалардан бири - фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, оилаларни мустаҳкамлаш, одамларни лоқайдлик, боқимандалик каби иллатлардан фориғ этиш, аҳолини том маънодаги фуқаролик жамиятини барпо этишга сафарбар қилиш.

Ўзбекистонда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ажралишларнинг олдини олиш ва низолашаётган тарафларни яраштириш масаласида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Таъкидлаш жоизки, фуқаролар йиғинларида фаолият олиб бораётган Яраштириш комиссияларининг вазифаси фақат низоли оилалардан келиб тушган аризаларни кўриб чиқишдангина эмас, балки низони келтириб чиқарувчи сабабларни атрофлича ўрганиб, оилаларда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилишдан ҳам иборат ҳисобланади.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, "Оилавий келишмовчиликларни нари борса маҳалла доирасида, кўпни кўрган кексалар, фаоллар ёрдамида, ҳеч кимга овоза қилмай, ортиқча расмийчиликка йўл қўймай ҳал этиш - бу ота-боболаримиз амал қилиб келган азалий одатдир. Бундай ярашув жараёнларини маҳаллаларда амалга ошириш учун обрўли оқсоқоллар, ота-оналар бор, керак бўлса, жамиятда одоб-ахлоқ, шарму ҳаё каби фазилатларни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган маънавият фаоллари, маҳалла имомлари бор. Биз уларнинг билим ва тажрибаси, куч ва имкониятларини жамият ҳаётининг устуни бўлган оилани мустаҳкамлашга қаратмоқчимиз. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, биз юртимизда эркин демократик жамият барпо этяпмиз. Лекин ҳар бир ҳаётий масалада бизнинг ўз фикримиз, ўз қарашимиз бор".<sup>114</sup>

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг муқаддимасида халқлар ўртасида дўстона муносабатларни ривож-

---

<sup>114</sup> Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродаимизга боғлиқ. 12-ж. - Т.: Ўзбекистон, 2004. - Б 101-108.

лантиришга кўмаклашиш зарурлигига эътибор қаратиш лозим, деб белгиланган. Ғарб мамлакатларининг айрим сиёсатчилари ҳам Ўзбекистондаги фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари тизимининг ўзига хослигини юқори баҳолашган. Жумладан, немис сиёсатчиси Артур Файнберг: "Маҳалла - инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилгани ҳолда ёшларни тарбиялашга, унинг камол топишига кўмак берувчи жамият инструменти", деб баҳо берган.<sup>115</sup> Шу билан бирга, индивидуализм сингиб кетган Ғарб мутахассислари учун бу тизимнинг туб моҳиятини тушуниш мушкуллигини ҳам объектив тавсифлаб беришган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, фан ривожини учун бошланғич мактаблар қандай вазифани бажарган бўлса, маҳалла институтлари мустақилликни мустаҳкамлаш учун худди шундай вазифани бажаради. Маҳалла халққа ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланиш йўлини очади, шунингдек, унга осойишта ҳаётдан баҳраманд бўлишни ўргатади. Маҳалла тақдири мамлакат тақдири билан чамбарчас боғлиқ. Маҳалла обод бўлса, юрт обод, маҳалла тинч бўлса, юрт тинч бўлади.

### **3.10. Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизимининг юзага келиши. Мамлакатни модернизациялаш ва демократик ислохотларнинг чуқурлашиб боришида сиёсий партиялар, нодавлат ва жамоат ташкилотларининг роли**

Ўзбекистон сиёсий тизими замонавий сиёсий муносабатлар шарт-шароитлари ва омилларига мослашиш ҳамда уйғунлашиш сифатларига эга. Мазкур жараённинг таркибий қисмларидан бири бўлган кўппартиявийлик тизими бугунги кунда изчил ривожланмоқда. Сиёсий партияларнинг жамиятни янгилаш ва модернизация қилиш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишдаги роли ва аҳамияти ортиб бораётир. Партиялар фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий, молиявий шарт-шароитлари мустаҳкамланмоқда, уларнинг халқ

---

<sup>115</sup> Файнберг А. Узбекская махалля: традиции, основа государства и безопасности // <http://www.centrasia.ru/newsA.php4?str 1106777880>. 2005.



орасидаги обрўси ортиб, давлат аҳамиятига молик қарорлар қабул қилишдаги таъсири тобора кучайиб бормоқда.

Сиёсий плюрализм ва кўппартиявийлик мамлакатимизда жамият ижтимоий ҳаётининг ажралмас қисмига айланди. Ушбу қонданинг Конституция даражасида мустаҳкамланиши сиёсий партияларнинг фуқаролик жамияти ва давлат ўртасидаги воситачилик роли, конституциявий-ҳуқуқий мақоми олий даражада эътироф этилганлигини англатади.

Жамиятда сиёсий партияларнинг эркин фаолият кўрсатиши демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишнинг асосий гаровидир. Партияларнинг демократияни шакллантиришдаги бевосита таъсири уларнинг жамоат ташкилоти эканликларидан келиб чиқади, яъни сиёсий партия халқ ҳокимиятчилигини амалга ошириш мақсадида аҳолининг ижтимоий фикрини ифодаловчи йирик ижтимоий ташкилот сифатида намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, "Партия дегани - бу мансаб учун, лавозим учун кураш эмас, балки муайян гоё учун, унинг жамиятда устувор бўлиши ва рўёбга чиқиши учун кураш демакдир. Агар партия маъносини мана шу нуқтаи назардан тушунар эканмиз, қанча партия бўлса бўлаверсин, уларнинг фаолиятига тегишли шароит яратиб берилади".<sup>116</sup>

Ўтган асрнинг 20-йиллари бошларига келиб, мамлакатимиз ҳудудида якка партиявийлик билан бир қаторда якка ҳокимлик ўрнатилди. Турли ном ва кўринишдаги барча партияларнинг фаолияти тугатилди. Большевиклар партияси ҳамма жабҳага кириб бориб, асосий бошқарув жиловини қўлга олди. Ҳукмрон партия давлат ва ҳукуматнинг асосий функциялари мазмун-моҳиятини белгилаб берувчи кучга айлана борди. Бундай шароитда демократия ва унинг асосий институтларидан нишон ҳам қолмасди. Коммунистик партиянинг гоёсига кўра, ҳар бир инсоннинг дунёқараши коммунистик мафкура асосида шаклланиши керак эди. Коммунистлар туб аҳолининг манфаати, менталитети ҳамда давлатчилиқ тарихи билан умуман ҳисоблашмасди.

Компартиянинг тузилиши ва фаолиятининг асосий қоида-

<sup>116</sup> Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-ж. -Т.: Ўзбекистон, 1996. -Б. - 351.

лари - демократик централизм деб аталса-да, аслида ўтакетган марказлашув (авторитар, бюрократик бошқарув)ни англатарди. Фикрлар хилма-хиллигига йўл қўймаслик, сиёсий ташкилотга хос бўлмаган маъмурий-хўжалик масалалари билан шуғулланиш, давлат идоралари, шунингдек, жамоат бирлашмалари ишларига аралаштириш ва бошқалар партия фаолиятининг асосини ташкил этарди.

Компартия бутун сиёсий ҳокимият тизими ўзагини ташкил қилар эди: "У раҳбарликнинг шундай бир қисми эдики, бу қисм қолган жамики раҳбарликка раҳбарлик қиларди, яъни олий мақомдаги раҳбарият эди. Раҳбарликнинг ва жамиятни бошқаришнинг барча тизимлари бевосита партия бошқаруви назорати остида ишлар, амалда ҳам унинг узвий бир давоми ва бамисоли шахобчасидай эди".<sup>117</sup>

Ушбу партия ва унинг келажакни ўйламай ишлаб чиқилган хом мафкураси XX асрнинг 90-йилларига келиб сиёсий инқирозга юз тута бошлади. Буни ҳар хил сиёсий ўйинлар ва бошбошдоқлик ҳамда давлат тўнтаришларида кўриш мумкин эди. Шунга ўхшаш турли хил сиёсий инқирозлар компартиянинг бундан кейин фаолият юрита олмаслигини амалда исботлади.

Шу даврга келиб, партия аъзолари орасида ҳам мустақиллик ҳоялари кучайиб, улар амалий ишларга айлана бошлади. Ўзбекистонда 1989 йилда партия раҳбариятига Ислон Каримов келгандан сўнг ички ва ташқи сиёсатда жиддий ўзгаришлар юз бера бошлади. Аҳолининг ижтимоий аҳволини яхшилаш мақсадида турли тадбирлар амалга оширилди. 1990 йилнинг 20 июнида Мустақиллик Декларациясининг қабул қилиниши мустақиллик сари дадил ҳаракат нишонаси эди.

Олий Кенгаш томонидан 1991 йил 15 февралда "Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида"ги Қонуннинг<sup>118</sup> қабул қилиниши билан мамлакатда жамоат бирлашмаларининг эркин ва мустақил фаолият юритишлари учун илк бор мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилди.

---

<sup>117</sup> Левитин Л., Карлайл Д. Ислон Каримов - янги Ўзбекистон Президенти. - Т.: Ўзбекистон, 1996. - Б. 58.

<sup>118</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1992.9-сон. 363-модда.

Собиқ иттифоқдош республикаларда бўлганидек, Ўзбекистонда ҳам турли хил сиёсий гуруҳлар ва ҳаракатлар вужудга кела бошлади. Хусусан, 1989 йил 28 майда "Бирлик" халқ ҳаракати ташкил этилди. Ушбу ҳаракат илк сиёсий жамоат бирлашмаси бўлганлиги учун ўз фаолиятида кўплаб хатоларга йўл қўйди. Улар фаолият нуқтаи назаридан кўпроқ ҳаракат эмас, балки сиёсий партиёга ўхшаб кетар эди. Ҳаракат аъзолари ўша пайтдаги сиёсий вазиятдан фойдаланиб, турли хил митинг, намойишлар ўтказиш орқали ўзларини "халқпарвар" қилиб кўрсатишга ҳамда шу йўл билан сохта обрў олишга ҳаракат қилар эдилар. Аслида эса ушбу ҳаракат Литва Республикасида ўша пайтда фаолият юритаётган "Саюдис" ташкилотига тақлиддан бошқа нарса эмас эди.

"Бирлик"чилар ўз фаолиятларини Болтиқбўйи республикаларидаги ҳаракатларнинг дастурларини кўчиришдан бошлади. Бунда улар Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятларини - мавжуд шароитни, сиёсий муҳитни, кишиларнинг сиёсий маданияти даражаси ва бошқа омилларни ҳисобга олмасдан туриб, Болтиқбўйи республикаларидаги ташкилотларнинг фаолиятини айнан такрорлашга ҳаракат қилдилар"<sup>119</sup>, "...улар ўтиш давридаги иқтисодий ва ижтимоий қийинчиликларни бартараф қилишга киришган ҳукумат ва унинг маҳаллий органларига ёрдам бериш ўрнига, аксинча, улар томонидан олиб борилаётган хайрли тадбирларни пайқамасликка, ҳаттоки, энг халқчил ва ижобий ислохотларни ҳам танқид қилишга интилар эдилар. Шунинг учун ҳам ҳаракат халқ ичида ўз илдизига эга бўлмади".<sup>120</sup>

Ташкилотда ички низолар авж олиб, сиёсий поракандаликка юз тутилди ҳамда у иккига бўлиниб кетди. 1990 йил 30 апрелда "Эрк" партиясига таъсис қурултойи бўлди, унда партиянинг дастури ва низоми қабул қилинди. Ушбу ташкилотнинг ўз олдига қўйган мақсади баландпарвоз гаплар бўлиб, уни амалга ошириш механизми ишлаб чиқилмаган эди. Мазкур партиё ҳам "Бирлик" ҳаракати сингари ҳиссиётга берилиш, митинглар, инқилобий чақириклар, ёлғон ваъ-

<sup>119</sup> Азизхўжаев А.А. Мустақиллик: курашлар, изтироблар, қувончлар. - Т.: Академия, 2001. -Б. 60.

<sup>120</sup> Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: сиёсий партиядлар, мафқуралар, маданиятлар. - Т.: Шарқ, 1998. -Б. 116.



далардан нарига ўта олмади. Халқдан ажралиб қолган партия ўзининг айрим "сиёсатчилари"дан ташқари тарафдорларига ҳам эга эмас эди.

"Эрк"чилар сайловда мағлубиятга учраганларидан кейин ўзларини демократия тарафдорлари деб атасалар-да, энди ғайридемократик йўллар билан сиёсий ҳокимиятни қўлга киритишга ҳаракат қилдилар. Улар ҳеч қандай қонунни, ҳаттоки Конституцияни менсимайдиган жиноятчилар гуруҳига айландилар"<sup>121</sup>.

Аниқ дастурий ҳужжатларнинг йўқлиги, номаъқул қадами, ўзаро муросасизлиги, сул-экстремистик ва фундаменталистик кучларни қўллаб-қувватлаши натижасида айрим партия ва ҳаракатларга нисбатан республика раҳбарияти томонидан бу хавфнинг олдини олиш чоралари кўрилди.

Шу тариқа "Эрк" партияси 4 йилдан ошиқ фаолияти давомида сиёсий ўйинларни қанчалик намоёиш этмасин, тор манфаатлар гирдобидан чиқа олмади. Шу ўринда, мазкур масала юзасидан партиянинг ўша пайтдаги фаолларидан бирининг матбуотдаги қуйидаги фикрларини келтириб ўтиш жоиз: "Бутун бир сиёсий партия бугунги кунда хусусий ташкилотга айланиб қолди ва ўз эгасига хизмат қилмоқда. Партия раиси ёлғиз ўзи партия номидан қарорлар ва баёнотлар қабул қилмоқда, қурултой ва пленумларда сайланадиган шахсларни лавозимга тайинлаб, лавозимдан олмоқда. Коммунист диктаторлар ҳам бундай ишларни қилмаган эди"<sup>122</sup>.

Ўзбекистонда миллий мустақилликнинг эълон қилиниши, Иттифоқдан мустақил давлат тузилмаларининг шаклланиши, собиқ коммунистик партия ташкилотларининг бутунлай тугатилиши натижасида фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш учун шарт-шароитлар яратилди. Мамлакатда халқ ўз манфаатлари ва сиёсий иродасини эркин билдириш, эркин ифода этиши учун ҳуқуқий асослар ҳамда муносиб сиёсий муҳит яратилиши билан сиёсий партиялар ҳам тузила бошлади.

---

<sup>121</sup> Азизхўжаев А.А. Мустақиллик: курашлар, изтироблар, қувончлар. - Т.: Академия, 2001. - Б. 67.

<sup>122</sup> Йигиталиев С. Мен халқ билан биргаман // "Халқ сўзи" газетаси, 1993 йил 29 декабрь.

Ҳозирги давр жаҳондаги демократиянинг асосий мезонларидан бири сайловларнинг кўппартиявийлик асосида ўтказилишидир. 1991 йилнинг 18 ноябрида қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонунда сайловнинг кўппартиявийлик асосида ўтказилиши ҳуқуқий жиҳатдан эътироф этилди. Мазкур Қонунда сиёсий партиялар мамлакат Президентлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига эга эканлиги баён этилди.

"Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида"ги Қонуннинг кўппартиявийлик тизими шаклланишининг ҳуқуқий жиҳатларини таъминлаб бериши натижасида мамлакатда янги сиёсий партияларнинг юзага келиш жараёни бошланди. Миллий мустақиллик даврида ташкил топган илк сиёсий партия Ўзбекистон Халқ демократик партиясидир. Партияга 1991 йил 1 ноябрда бўлиб ўтган таъсис қурултойида асос солинди. Қурултой мустақил Ўзбекистон тарихидаги муҳим сиёсий воқеа, яъни Ўзбекистон ХДП таъсис этилганлигини эълон қилиб, унинг Дастури ва Низомини қабул қилди.

Лекин, Халқ демократик партияси ташкил этилгандан сўнг, унинг ривожланиши бир текисда кетди, деб бўлмайди. Хусусан, ХДПнинг кўпгина маҳаллий кенгашлари партия қуйи бўғини тизимини тезроқ шакллантиришга берилиб, улар таркибининг сифатига, аъзоларнинг умумий сони ва уюшганлик даражасига етарли эътибор бермадилар. Оқибатда аъзолар сони 10 кишигача бўлган бошланғич партия ташкилотлари сони уларнинг умумий сонининг қарийб ярмини ташкил этди.

Мазкур партия ташкил этилганидан ҳозирги кунга қадар уч маротаба Президент сайловларида ҳамда парламент сайловларида иштирок этиб, ўз сайловчилари ишончини қозонган ҳолда парламентда ўз фракциясини ташкил этишга эришди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси бугунги кунда парламент партияси сифатида фаолият юритмоқда.

Ўзбекистонда кўппартиявийликнинг ривожланиш тарихида ўз ўрнига эга партиялардан яна бири Ўзбекистон "Ватан тараққиёти" партияси бўлди. Ушбу партия 1992 йил 24 майда бўлиб ўтган таъсис қурултойида ташкил топган. Партия ўз олдига Ватан ва халқ келажаги учун шахсий масъу-

лиятни ўз зиммасига олишга қодир ҳурфикрли инсонларни танлаш, ўзбек халқининг мустамлакачилик даврида мамлакатимиз ҳудудидан олиб кетилган моддий ва маънавий бойликларни қайтариш учун курашиш, тараққиётга ҳов бўлаётган бюрократия, коррупцияга қарши курашишда уларни келтириб чиқарадиган сабабларни бартараф қилишга, Ўзбекистондаги экологик вазиятга жаҳон жамоатчилиги эътиборини жалб қилиш, илм-фан тараққиётининг иқтисодий омиллари қайта кўриб чиқиш каби вазифаларни мақсад қилиб қўйган эди.<sup>123</sup>

Мазкур партиянинг дастлабки беш йиллик фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, уни ибрат оладиган даражада деб бўлмайди. 2000 йил 14 апрель куни "Ватан тараққиёти" партияси ва "Фидокорлар" миллий-демократик партиясининг қўшма қурултойи бўлиб ўтди. Унда ҳар икки партия ҳаракати, фаолият дастури яқдиллиги муҳокама қилинди, уларнинг бирлашиб ишлашлари мақсадга мувофиқ, деган хулосага келинди ва иккита партия бирлашди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида ташкил топган партиялардан яна бири Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидир. Ушбу партия 1995 йил 18 февралда биринчи таъсис Қурултойида тузилган. Ушбу Қурултойда унинг Дастури ва Низоми қабул қилинган. Таъсис қурултойида аввалги сайловларда сайланган ташаббускор гуруҳнинг 47 депутати иштирок этиб, улар "Адолат" социал-демократик партиясининг парламентдаги фракциясини ташкил этди.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Ўзбекистонда шакланган илк социал-демократик партиядир. Ҳозирги кунда кўплаб мамлакатларда социал-демократик йўналишдаги партияларнинг мавқеи анча устун. Социал-демократик партияларнинг асосий мақсади жамиятдаги ижтимоий муаммоларни ҳал этишга қаратилган бўлади. Партия шунинг учун ҳам ривожланган мамлакатлардаги социал-демократик йўналишдаги партиялар билан алоқаларни йўлга қўйишга ва халқаро социал демократик ҳаракатларда фаол иштирок этишга интилоқда.<sup>124</sup>

---

<sup>123</sup> Ўзбекистон "Ватан тараққиёти" партиясининг Низоми ва Дастури. - Т.: 1992. - Б. 4-5.

<sup>124</sup> Куч - адолатда. // "Халқ сўзи" газетаси, 1999 йил 19 октябрь.



Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ўрта синф ва эҳтиёжманд аҳоли табақасига таянади, уларнинг сиёсий ва ижтимоий иродаларини ифодалашга интилади. Аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий муҳофаза этишга кўмаклашади, ижтимоий адолат тамойилларига қатъий амал қилиб, уларнинг манфаатларини, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилади.<sup>125</sup>

Мустақиллик йилларида ташкил топган партиялардан яна бири Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидир. Ушбу партия 1995 йил 3 июнда биринчи таъсис Қурултойида тузилган.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг асосий мақсад-вазифаси миллий анъаналар ва кадритларни асрашдан иборат.<sup>126</sup>

Президентимиз Ислом Каримов мазкур партия фаолиятига баҳо бериб қуйидаги фикрларни билдирган эди: "Бу партиянинг, менинг назаримда, бошқалардан фарқли ўлароқ, халқимизда миллий ўзликни англаш, миллий гуруҳ ва ифтихор туйғуларини юксалтириш ҳақида кўпроқ қайғуриши табиийдир. Биз киммиз? Кимнинг авлодимиз? Миллатимиз нима ҳисобидан улғу бўлган, дунёга танилган? Бугун дунёга чиқишнинг қандай имкониятлари бор? Келажак буюк давлат қуришни ният қилган эканмиз, бунинг учун қандай ҳаётий асослар мавжуд?" деган саволларга жавоб топиш Миллий тикланиш партиясининг асосий фаолият йўналишига айланиши керак".<sup>127</sup>

2008 йил 20 июнь куни Ўзбекистон "Фидокорлар" миллий демократик партияси ва Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг бирлашув қурултойи бўлди. Унда асосий масала Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ва "Фидокорлар" миллий демократик партиясини бирлаштириш тўғрисидаги масала кўриб чиқилиб, иккала партиянинг бирлашиши тўғрисида қарор қабул

---

<sup>125</sup> Ўзбекистонда сиёсий партиялар. - Т.: Минтақавий сиёсат жамғармаси, 2007. -Б. 7.

<sup>126</sup> Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Дастури. - Т.: 2008.

<sup>127</sup> Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. 8-ж - Т.: Ўзбекистон, 2000. -Б. 480-481.

қилинди. Қурултойда партияларнинг мақсадли дастурий вазифалари мазмун-моҳиятига кўра бир-бирига яқин, яъни, миллий тикланиш ва ватанпарварлик ғоясини рўёбга чиқариш, миллий анъана ва қадриятларни ҳимоя қилиш, асраб-авайлаш ҳамда ривожлантириш эканлиги таъкидланди.<sup>128</sup>

2009 йилги Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ўтказилган сайловлар якунига кўра, Миллий тикланиш демократик партиясининг 31 та депутатдан иборат фракцияси рўйхатга олинган.

Ўзбекистон сиёсий тизимида ўзига хос ўринга эга бўлган Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг (ЎзЛиДеП) Низоми ва Дастури унинг 2003 йил 15 ноябрда бўлиб ўтган Таъсис Қурултойида тасдиқланган.

Ўзбекистон либерал-демократик партияси умуммиллий сиёсий ташкилот сифатида мулкдорлар қатлами, кичик бизнес, фермерлик ва деҳқон хўжаликлари вакиллари, ишлаб чиқаришнинг юқори малакали мутахассислари ва бошқарув ходимлари, ишбилармонлар манфаатларини ифодалайди ва ҳимоя қилади. Партия 2009 йилги сайлов натижаларига кўра, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 53 та депутатдан иборат фракцияга эга.

Ўзбекистон Республикасида сиёсий партияларнинг ўтган йиллар давомидаги фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, уларнинг ривожланиши учун ҳуқуқий асос яратилганини кўрамиз. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги, "Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида"ги ҳамда "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонуни шулар жумласидан. Табиийки, сиёсий партияларнинг жамиятда қанчалик мавқега эга эканлигини белгиловчи асосий мезон уларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига бўладиган сайловларда қандай натижаларга эришганлиги ҳисобланади.

2004 йил 30 апрелда Ўзбекистон Республикасининг "Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида"ги Қонуни

---

<sup>128</sup> Миллий тикланиш - ўлмас ғоя. // "Fidokor" газетаси, 2008 йил 24 июнь.

қабул қилинди. Ушбу Қонуннинг мақсади сиёсий партияларни молиялаштириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат бўлиб, унда сиёсий партияларни молиялаштириш манбалари, давлат томонидан молиялаштириш тартиби, хайрия ёрдами олиш қоидалари ҳамда молиявий маблағлардан белгиланган тартибда фойдаланиши устидан назорат қилиш тартиблари мустақкамлаб қўйилган. Таъкидлаш жоизки, ушбу Қонунда илк маротаба сиёсий партияларни давлат томонидан молиялаштириш турлари белгилаб қўйилди.

Сиёсий партияларнинг жамият ҳаёти ва давлат бошқарувидаги ролини оширишга қаратилган ҳуқуқий асослардан бири сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилган ва парламент томонидан қабул қилинган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонунини<sup>129</sup> қўрсаатиш мумкин. Ушбу Қонунни қабул қилишдан асосий мақсад сиёсий партиялар фракцияларининг давлат ва жамият қурилиши тизимидаги роли ва аҳамиятини янада кучайтириш, уларнинг функциялари самарадорлигини ошириш, аҳолининг манфаатларини бевосита фракциялар орқали қонунчилик даражасига кўтариш ва ҳал қилиш, партиянинг йўналиш ҳамда дастурини парламент ва маҳаллий Кенгашларда мустақкамлаш ва барқарорлаштириш имкониятини шакллантиришдан иборат.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ўз олдига эркин, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришни мақсад қилиб қўйди. Мазкур мақсадга эришиш жараёнида босқичма-босқич фуқаролик жамияти институтларини, хусусан, унинг муҳим бўғини ҳисобланган сиёсий партиялар, нодавлат ва жамоат ташкилотларининг

---

<sup>129</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборот-номаси. 2007. 4-сон. 161-модда.



жамият ҳаётидаги ўрни ва ролини мустаҳкамлаш борасида ислоҳотлар амалга оширилиб келинмоқда.

Президентимиз Ислоом Каримов таъкидлаганидек, "Биз учун фуқаролик жамияти - ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришига монелик қилмайди, аксинча ёрдам беради. Шахманфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада руёбга чиқишига ёрдамлашади. Айни вақтда, бошқа одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари камситилишига йўл қўйилмайди. Яъни, эркинлик ва қонунга бўйсунуш бир вақтнинг ўзида амал қилади"<sup>130</sup>.

Мустақилликнинг илк кунлариданоқ давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини қуриш борасидаги мақсадларга эришишда сиёсий партияларнинг давлат ва жамият қурилиши тизимидаги роли ва аҳамиятини тубдан кучайтириш бўйича изчил, босқичма-босқич ислоҳотлар амалга оширилиб, фуқаролик жамияти институтларининг, шу жумладан, сиёсий партиялар, нодавлат ва жамоат ташкилотлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамлаб борилмоқда.

### **3.11. Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг эркинлаштирилиши ва ривожлантирилиши**

Ислоҳотларни тадрижий йўсинда амалга ошириш стратегияси бошқа соҳалар қатори оммавий ахборот воситалари фаолияти учун ҳам алоҳида аҳамият касб этди.

Мустақилликнинг илк йилларида аксарият ҳолларда матбуот эркинлиги масаласига ўта жўн ва бирёқлама муносабатда бўлингани сир эмас. Ўша йилларда сўз эркинлигининг шарти битта - мутлақ эркинлик берилса бўлди, олам гулистон, жамият ҳам, матбуот ҳам демократлашади-қўяди деган қарашлар ҳукмрон эди. Ваҳоланки, реал ҳаёт бундай

---

<sup>130</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997. -Б. 173.

тушунчаларнинг тамомила аксини кўрсатди. Оммавий ахборот воситалари:

- жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида етакчи ўрин тутиши, омма билан ҳокимият ўртасида фаол мулоқот воситасига айланмоғи;

- амалда "тўртинчи ҳокимият" даражасига эришмоғи ва шу орқали жамиятда ошкоралик муҳитини яратиши, демократик тамойилларнинг кенг ёйилишида жонбозлик кўрсатиши, матбуотнинг, демакки, журналистнинг ўрни ва аҳамиятини мустаҳкамлаш учун, энг аввало, ҳуқуқий база, ҳуқуқий муҳит яратилмоғи зарур эди. Ўзбекистон бу борада жаҳон тажрибасида синовлардан кўп бор ўтган энг тўғри йўлни танлади.

Эътироф этиш керакки, истиқлол йилларида мамлакатимизда миллий қонунчилик институти, профессионал Парламент тажрибаси вужудга келди, шаклланди. Буни матбуот ва оммавий ахборот воситалари, умуман, жамиятни ахборотлаштириш соҳасига доир қабул қилинган қонунлар миқсолида ҳам кўриш мумкин. Иккинчидан, қабул қилинган ва амалиётга киритилган ҳар қандай қонун, у қайси соҳага дахлдор эканидан қатъи назар, журналист фаолиятида ё билвосита, ё бевосита аҳамиятга эга. Чунки эълон қилинган ҳар қандай йўналишдаги, ҳажмдаги (ҳатто қисқа ахборотнинг ҳам) мақола-материалнинг салмоғини муаллифнинг қонунлардан бохабарлик даражаси белгилайди. Зеро, ана шу шароитдагина қонун ишлайди, ҳаётга татбиқ этилиш кўлами кенгая боради, ҳуқуқий меъёрлар кундалик турмушга сингади, ниҳоят, қонун бандларининг мумкин қадар кенг тарғиб этилиши йўлга қўйилади. Бевосита оммавий ахборот воситаларига тааллуқли туркум қонунларга келсак, жамиятнинг эркинлашувини оммавий ахборот воситалари иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмаганидек, оммавий ахборот воситалари эркинлашувининг қонуний асосларини яратмай туриб, матбуот сўзига тўлақонли эркинлик бағишлаш ҳам мумкин эмас. Ўзбекистон Республикасида яратилган ва ҳаётга татбиқ этилган, бевосита оммавий ахборот воситалари соҳасига тегишли қонунлар истиқлол даври миллий журналистикасининг босқичма-босқич замонавий мақомларга кўтарилишида улкан аҳамият касб этди.

Давлатимиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ ҳаёт ва давр ҳар бир соҳа вакиллари олдига янгидан-янги вазифаларни қўя бошлади. Жумладан, демократик жамият қуришнинг асосий масалаларидан бўлмиш матбуотни эркинлаштиришнинг ўзига хос хусусиятларини, талабларини, қонуниятларини ўрганиш ва уларни амалиётга татбиқ этиш, умуминсоний ва миллий қадриятлар, манфаатлар уйғунлигига эришиш, хусусан, оммавий ахборот воситалари тизимидаги ислоҳотларни, чунончи, улар фаолиятини эркинлаштириш, номарказлаштириш, ўзини ўзи бошқариш механизмини яратиш, оммавий ахборот воситаларини бозор муносабатлари шароитида соғлом рақобат асосида фаолият юритишга тайёрлашдек жараёнлар даври келган, бундай серқатлам ва мураккаб жараёнларни тартибли, айтиб чоғда самарали тарзда ташкил этиш учун ҳам, юқорида таъкидланганидек, оммавий ахборот воситалари тизимини ислоҳ этишнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш зарур эди. Шу маънода, 1997 йил миллий матбуотимиз тарихи саҳифаларига алоҳида сана сифатида киради. Шу йили мамлакатимиз Парламенти томонидан "Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида"ги, "Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги ҳамда "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги Қонунлар қабул қилинди.

Матбуот жамиятнинг демократик институтларидан бири бўлиб, жамият олдида қандай вазифа турган бўлса, матбуот олдида ҳам айтиб шундай вазифа туради. Бундан англашиладики, турли жамиятларга мансуб ахборот воситалари матбуотнинг умумий принципларига (воқеаларни холис, ҳаққоний ва вақтида ёритиш) риоя қилган ҳолда, жамиятнинг тараққиёт даражасига қараб, бир-биридан фарқ қилиши ҳам мумкин. Буни ривожланган ва тараққий топган мамлакатларнинг матбуоти билан миллий ривожланиш йўлига энди-энди қадам қўяётган мамлакатларнинг матбуоти мисолида аниқ кўриш мумкин.

Мустақиллик даври матбуотидаги изланишлар, жаҳон тажрибасининг илғор намуналаридан ибрат олиш маҳсули ўлароқ, журналист текшируви ўзбек матбуоти саҳифаларидан ҳам ўрин олди, журналист текширувиغا ихтисослашган журналистлар гуруҳи етишиб чиқди.



"Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонун 1997 йил 26 апрелда қабул қилинган бўлса, шу йилнинг декабрь ойида қабул қилинган "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги Қонуннинг 9-моддаси ҳам "Журналистик текширув"га бағишлангани бежиз эмас. Аввалги Қонуннинг 9-моддасидагига нисбатан, янги Қонуннинг 9-моддасида журналист текшируви бирмунча кенгроқ баён этилган, ушбу йўналишга ихтисослашаётган журналистлар фаолияти учун янада кенг имкониятлар берилган.

Мустақиллик даври матбуотининг ўзига хос хусусиятлари оммавий ахборот воситалари сонининг ортиши, номарказлашуви, мулкӣй жиҳатдан хилма-хиллашувида, айниқса, нодавлат ОАВнинг кўпая боришида ўз ифодасини топа бошлади. Бундай ҳолатда оммавий ахборот воситаларини ташкил этиш, улар фаолиятини юритиш ёки тўхтатиш билан боғлиқ муносабатларга доир ҳуқуқий меъёрларни ишлаб чиқиш кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан эканлиги табиӣй. 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги Қонун айна шу мақсадларга хизмат қилди. Мазкур Қонундаги муҳим янгиликлардан бири мамлакатимизда давом этаётган жамиятни эркинлаштириш жараёнларига бевосита тааллуқли эди. Яъни, республикаимизда юридик шахслар қатори жисмоний шахсларга ҳам оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ҳуқуқи берилиши мутлақо янгилик бўлди.

"Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги Қонуннинг 3 ва 4-моддалари халқимизнинг, хусусан, ижодкорларнинг асрий орзуларини рўёбга чиқарди, дейиш мумкин. Чунки "Ҳар ким оммавий ахборот воситаларида чиқиш, ўз фикри ва эътиқодини ошкора баён этиш ҳуқуқига эга"лиги, мазкур ҳуқуқий меъёрнинг изчил давоми бўлмиш "Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситаларини цензура қилишга йўл қўйилмайди. Эълон қилинаётган хабарлар ёки материаллар олдиндан келишиб олинишини, шунингдек, уларнинг матни ўзгартирилишини ёки бутунлай нашрдан олиб қолинишини (эфирга берилмаслигини) талаб қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ", дея белгиланиши ахборот соҳасида мустабид тузумдан қолган энг катта иллатга барҳам берди.

Гарчи "Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонун бандлари журналистнинг ижод чоғидаги ва ундан олдинги босқичга дахлдор фаолиятига тааллуқли бўлса-да, унинг "Журналистнинг жавобгарлиги" деб аталган 15-моддаси журналист асарининг чоп этилгандан кейинги босқичига ҳам бевосита тааллуқли. Унда журналистнинг ўзи тайёрлаган ва тарқатган хабар ва материалларнинг ҳаққонийлиги учун жавобгарлиги белгиланганки, мазкур модда ҳаётга кенг татбиқ этилгани сайин "Цензурага йўл қўйилмайди" деган модданинг тўла ишлашига имкон яратади. Чунки журналист ёзаётган сўзи учун шахсий жавобгарлигини чуқурроқ ва амалийроқ идрок эта бориши, биринчидан, унинг шахсий салоҳияти ортиб боришига асос яратса, иккинчидан, матбуот сўзининг таъсирчанлиги, матбуотнинг жамиятдаги назоратчилик вазифасининг соғломлашуви учун хизмат қилади. "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги Қонуннинг "Раддия бериш ва жавоб қайтариш ҳуқуқи" деб номланган 27-моддаси ҳам журналист сўзининг, нуқтаи назарининг пухта ва мустаҳкам бўлишига асос яратади.

Мамлакатимиздаги янгиланиш жараёнлари замон ва глобал ўзгаришлар шиддатига ҳамоҳанг тарзда кечмоқда. Ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, мамлакат ҳаётини модернизациялаш, жамиятдаги демократик эврилишлар, фуқаролик жамияти таянч мезонларининг қарор топиши, жумладан, сон ва миқёс жиҳатидан кенгайиб бораётган оммавий ахборот воситалари "майдони"нинг вужудга келиши соҳага доир қонунларни қайта кўриб чиқиш, зарурат туғилган ҳолларда уларни янги таҳрирда қабул қилишга эҳтиёж туғдирди. 2007 йилнинг январь ойида янги таҳрирда қабул қилинган "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги Қонун ана шундай эҳтиёж маҳсули эди.

Мазкур Қонуннинг амалдаги Қонунга нисбатан янгилиги нимада?

Аввало, шуни айтиш керакки, 1997 йили амалга киритилган "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги Қонунга 2002 йилнинг август ойида ўзгартиришлар киритилган эди. 2007 йилнинг январь ойида эса Қонун янги таҳрирда қайта қабул қилинди. Унда қуйидаги янгиликлар бўлди:

- Қонун шаклан жиддий ўзгарди, 6 бобнинг ҳар бирида

ОАВ фаолияти билан боғлиқ алоҳида босқичлар қамраб олинди ва умумлаштирилди;

- "Оммавий ахборот воситалари" тушунчаси кенгайди, жумладан, электрон ОАВ билан боғлиқ янгиликлар киритилди;

- ОАВ муассиси ва муассислари, ОАВ таҳририяти, бош муҳаррир, таҳририят ходими мақоми мустаҳкамланди.

Миллий оммавий ахборот воситалари тизими, биринчи навбатда, аҳолининг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади. Фуқаролик жамиятининг асосий шартларидан бири жамиятда эркин ахборот алмашинуви жараёнлари таъминланишидир. Эмин-эркин ахборот алмашинуви яратилган жамиятгина "ахборотлашган жамият" мақомига эга бўлади. Жамият миқёсида кечадиган турли жараёнлар, муносабатлар анъанавий "матбуот" ёки "оммавий ахборот воситалари" тушунчаларига "сиғмайди", шу боис жаҳон таърибасида, чунончи, кейинги йилларда матбуотга доир илмий тадқиқот ишлари ва амалиётда "оммавий коммуникация" атамаси кенг оммалашмоқда. Амалий жиҳатдан олганда, мамлакатимизда оммавий коммуникация талаблари ва эҳтиёжлари ҳар жиҳатдан, айниқса, ҳуқуқий жиҳатдан замонавий талабларга жавоб беришини таъкидлаш лозим.

1992 йилнинг январь ойида "Алоқа тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатда демократик ислохотлар бошланаётганидан далолат эди. Зеро, алоқанинг ҳуқуқий асослари моҳият-эътибори билан жамиятда очиқ ахборот муҳити шаклланишига замин яратади. "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Қонун (1993 йил, май) бу йўналишдаги навбатдаги муҳим қадам бўлди. "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун (1994 йил, май) жамиятда шахс ҳуқуқининг мустаҳкамланиши, унинг ўрни, фикри ва сўзига эътиборни янада кучайтиришга хизмат қилди. "Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида"ги (1995 йил, декабрь), "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги (1996 йил, август), "Ноширлик фаолияти тўғрисида"ги (1996 йил, август), "Реклама тўғрисида"ги (1998 йил, декабрь), "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги (1999 йил, август) қонунлар ҳам билвосита, ҳам бевосита жамиятда демократик қадриятлар ва талабларга жавоб берадиган, ахборот майдонини



яратишга хизмат қиладиган, пировард натижада, республикадаги ҳаёт тарзини тараққий этган давлатлар даражасига кўтаришга хизмат қиладиган ҳужжатлардир.

Замонавий тараққиётни ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ)сиз тасаввур қилиш қийин. Айни чоғда, шахс, жамият ва давлатнинг ахборот эҳтиёжини АКТсиз йўлга қўйиш қийин. Давлат бошқаруви, иқтисодиёт, сиёсат, илм-фан, маданият ва санъат, маиший шароит сингари инсон ҳаёти билан боғлиқ жабҳаларда соғлом турмуш тарзининг қарор топиши кўп жиҳатдан АКТга чамбарчас боғлиқ. Мана шундай талаб ва эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда, давлатимиз раҳбари ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган амалдаги айрим қонунларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, янги қонунлар қабул қилиш таклифи билан чиқди. Чунончи, Президент томонидан "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги, "Телерадиоэшиттириш тўғрисида"ги, "Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида"ги, "Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Қонунларни қабул қилиш юзасидан киритилган таклифлар ҳар жиҳатдан муҳим ва долзарб эканлигини алоҳида таъкидлаш зарур.

Мамлакат ҳаётида муҳим ўзгаришлар юз бераётганида, жамият янгиланаётганида оммавий ахборот воситаларига бўлган талаб кескин ошади. Чунки янги шароитда бошқарув тизими, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий тамойиллари, маънавий-ахлоқий кадриятлар ўзгаради, миллий ривожланиш ва тараққиётнинг яқин-узоқ истиқболга мўлжалланган асосий йўналишлари белгилаб олинади. Матбуот жамиятнинг фаол ва эркин демократик институтларидан бири сифатида янги ғоялар тарғиботчисига, жамоатчилик фикрини шакллантиришнинг таъсирчан, самарали минбарига айланади. Одамларда жамият ҳаётида, дунёда юз бераётган муҳим ўзгаришларни матбуот орқали билишга, ижтимоий-сиёсий жараёнда фаол иштирок этишга қизиқиш кучаяди.

Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Кон-

цепцияси"да (2010 йил 12 ноябрь) парламент фаолиятини, сиёсий партияларнинг ролини янада ошириш, партиялараро рақобатни кучайтириш ва унинг самарадорлигига эришиш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситаларига доир ҳуқуқий қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган асосий ва-зифалар белгилаб берилди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий ҳаётида эришилган ютуқларни, халқимизнинг дунёқараши ва онги-шуурида, турмуш тарзида, давлат - жамият - шахс муносабатларида рўй бераётган ўзгаришларни таҳлил қилиш билан бирга, давлатимизнинг умумий тараққиётини янги сифат босқичига кўтариш, халқимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмаган фаровон турмушини таъминлаш, мамлакатда ижтимоий адолат принципларини тўла қарор топтиришга доир ҳаётнинг ўзи кун тартибига қўяётган масалалар юзасидан ғоят муҳим таклифларни ўртага ташлади.

Глобаллашув ва рақобат дунё миқёсида кучайиб бораётган бир пайтда ҳар бир мамлакат дунё ҳамжамиятида ўзи эгаллаб турган ўрнини холис ва танқидий баҳолаши, ҳар томонлама чуқур ўйланган, ижтимоий-иқтисодий асослари пухта ишлаб чиқилган тараққиёт дастури ҳамда уни амалга ошириш стратегиясига эга бўлиши керак. Президентимиз таклиф этган Концепцияда мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётининг бошқа муҳим масалалари қатори ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситалари фаолиятини демократлаштириш, уларнинг эркинлиги ва иқтисодий асосларини мустақамлашга ҳам жиддий эътибор берилди.

Мустақиллик йилларида оммавий ахборот воситаларининг эркин фаолиятини, сўз эркинлигини таъминлайдиган, демократик талаб ва стандартларга мос келадиган мустақам қонунчилик базаси яратилди. "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши одамларнинг ўзлари истаган ахборотни ҳеч бир монеликсиз олишини, айтиш чоғда, ахборотни муҳофаза қилиш, шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминлаш имконини берди. Натижада матбуотимиз саҳифаларида собиқ тузум шароитида мутлақо қўл

урилмаган, ҳеч ким журъат этмаган, расман тақиқлаб қўйилган кўплаб мавзулар, чунончи, танқидий мушоҳадалар, қиёсий таҳлиллар, ижтимоий-сиёсий шарҳлар пайдо бўлди. Мамлакатимизнинг етакчи нашрларида эълон қилинаётган материалларнинг таъсирчанлиги сезиларли даражада ошди. Янги мустақил матбуот бироз сусткашлик, қийинчилик билан бўлса-да, ўзининг янги йўли ва мақомини топиб олди.

Президент ОАВ имкониятларини янада кенгайтириш, уларнинг жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётидаги ўрнини мустаҳкамлаш, журналистлар фаолиятини ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлаш зарурлигини яна бир бор кун тартибига қўйди: "Оммавий ахборот воситаларининг мамлакатимизда юз бераётган жараёнларга турлича қарашларни эркин ва холис ифодалашга қодир бўлиши, ҳокимият билан жамият ўртасида холис воситачи бўлиши ва, муҳими, инсон ҳамда жамият манфаатларининг фаол ва изчил ҳимоячиси бўлиши учун профессионал журналистлар ва ОАВ ходимларини тайёрлаш жараёнини қайта кўриб чиқиш, ахборот олиш, таҳлил қилиш, ишлаш ва етказишнинг замонавий усуллари ва воситаларини ўзлаштиришда уларга ёрдам бериш зарур"<sup>131</sup>.

Давлатимиз раҳбарининг асарлари, нутқ ва маърузалари, матбуот ва ОАВ ходимларига табриклариди мустақиллик даври матбуотининг бош вазифалари аниқ-лўнда ифодалаб берилган. "Ахборот соҳасини жадал ривожлантириш, оммавий ахборот воситалари - матбуот, радио-телевидение фаолиятини эркинлаштириш фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш жараёнининг узвий таркибий қисмига айланиши зарур. Қисқа қилиб айтганда, оммавий ахборот воситалари том маънода "тўртинчи ҳокимият" даражасига кўтарилмоғи лозим. Бу тўғрида гапирганда, оммавий ахборот воситалари фаолиятига оид бўлган баъзи бир масалалар ҳақида тўхталиб ўтиш ўринли деб биламан. Шунини очиқ айтишимиз керакки, мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари узоқ вақтлар давомида мафкуравий ва маъмурий назорат остида ишлагани туфайли уларнинг ҳали-бери бу ҳолатдан чиқиши, аввало, психологик жиҳатдан ўзини эркин ҳис этиши

<sup>131</sup> Каримов И.А. Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. 19-ж. -Т.: Ўзбекистон, 2011. -Б. 70-79.



қийин кечмоқда. Шу сабабли улар ўзи учун янги бўлган ҳозирги вазиятда баъзан ҳали ҳам нима қилиш ёки нима қилмаслик ҳақида юқоридан кўрсатма кутиб ўтиргандек кўринади. Ўйлайманки, ҳақиқий демократик матбуот кўрсатма асосида яшай олмайди ва яшаши ҳам мумкин эмас. Эркин матбуот реал вазият шароитида фаолият кўрсатиши, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётнинг долзарб муаммоларини дадил кўтариб чиқиши, одамларни безовта қилаётган барча масалаларни жамоатчилик муҳокамасига ҳавола этиши, ҳокимият ва бошқарув тузилмалари фаолиятига танқидий, шу билан бирга, ҳолис баҳо бериб бориши керак” (Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлис 2002 йилги 9-сессиясида сўзлаган нутқидан).

“Халқимиз оммавий ахборот воситаларидан мамлакатимиз ва хорижда содир бўлаётган воқеалар тўғрисида ҳолис ва тезкор ахборотлар олишни, шу билан бирга, биринчи навбатда, ҳокимият органлари ва бошқарув тузилмалари фаолияти ҳақидаги танқидий фикрларни, ислохотлар ва янгиланишлар йўлидан илгари юришимизга тўсиқ бўлиб турган нуқсонлар, ҳаётдаги долзарб муаммолар хусусида ошқора, профессионал таҳлилий материалларни кутади”.<sup>132</sup>

Матбуот сўзининг таъсирчанлиги ва самарадорлигига эришишда иқтисодий эркинлик муҳим аҳамиятга эга. У ёки бу нашр иқтисодий жиҳатдан мустақил эмас экан, бу ҳолат унинг сўзига салбий таъсир кўрсатади. Харажатларини қоплай олмаётган таҳририятлар аксарият ҳолларда турли ташкилотларга, масалан, банкларга, тижорат йўналишидаги корхоналарга, тадбиркорларга ёрдам сўраб, мурожаат қилдилар. Улар ҳомийлик ёрдами кўрсатишлари мумкин, аммо бунинг учун газета саҳифаларида ўз фаолиятларига доир қуруқ мақтов-тарғибот материалларини эълон этилишини талаб қилишади. Бу эса нашр мавқеини сусайтиради.

Президентимизнинг яна бир таклифи - “Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида” Қонун қабул қилиниши матбуотда ҳолислик ва ҳаққонийлик принципларининг тўла қарор топишига замин яратади. Чунки тижорат ишлари билан шуғуланмайдиган ижтимо-

<sup>132</sup> Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-ж. - Т.: Ўзбекистон, 2005.-Б. 403.

ий-сиёсий, маънавий-маърифий нашрларнинг реклама материалларига зўр бериши уларни асосий вазифадан чалғитади, тахририятга моддий ёрдам кўрсатаётган норасмий ҳомийларнинг таъсирига тушиб қолиш хавфи юзага келади. Мустақиллик йилларида мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари янгиланиш ва қайта шаклланиш йўлини босиб ўтди. Матбуот жамиятда сиёсий ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда, жамоатчилик фикрини шакллантириш, жамият аъзоларининг ижтимоий фаоллигига, хусусан, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ошкоралигига таъсир кўрсатиш, халқимизнинг миллий ва маънавий қадриятларини асраб-авайлашда муҳим роль ўйнамоқда. ОАВ фаолиятини ривожлантириш ва эркинлаштиришда жамоат ташкилотлари, жумладан, Нодавлат электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди фаолияти фикримизга далил бўла олади.

Миллий матбуотимиз тизимида янги тармоқлар, жумладан, хусусий газета-журналлар, радио ва телевидение, нашриёт ва босмаҳоналар пайдо бўлди. Сиёсий партияларнинг нашрлари матбуотда фикр эркинлиги, ижодий рақобат, баҳс-мунозара руҳини кучайтирди. Вазирлик ва ташкилотларнинг жамоатчилик билан алоқасини кучайтириш мақсадида уларнинг матбуот хизматлари ташкил этилди. Фаол, фидойи ижодкорлар меҳнатини қўллаб-қувватлаш мақсадида "Олтин қалам", "Йилнинг энг фаол журналисти", "Энг улуғ, энг азиз" танловлари ўтказилмоқда. Матбуотда узоқ йиллар ишлаган фидойилар давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлишмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари таркибида газеталарнинг бош муҳаррирлари ҳам борлиги, айниқса, қувонарлидир.

Хулоса қилиб айтганда, Ватанимиз мустақиллигининг дастлабки даврида ўтказилаётган кенг қамровли ислоҳотлар, ҳаётимизнинг барча соҳалари қатори оммавий ахборот воситалари фаолиятида ҳам ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

### 3.12. Фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнининг эркинлашуви. Инсон ҳуқуқларига эътибор — давлат сиёсатининг устувор йўналиши

Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси, халқаро ташкилотларнинг фаол иштирокчиси сифатида халқаро майдонда ўзининг муносиб ўрнига эга. Истиқлолнинг илк йилларидан тараққиёт йўли аниқ белгилаб олинган юртимизда, миллий анъаналар, кадриятлар, шарқона хусусиятларни инобатга олган ҳолда, ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини қуриш борасида дадил одимлар ташланмоқда.

Ўтган давр мобайнида мамлакат парламенти инсон ҳуқуқларига оид 70 дан зиёд халқаро ҳужжатни ратификация қилди. Чунки, БМТ ва бошқа халқаро ташкилотларнинг фаолиятида асосан инсон, унинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор берилади. БМТ Низомининг 55-моддасида БМТ халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаш тамойилини ҳурмат қилишга асосланган миллатлар ўртасида тинчлик ва дўстона муносабатлар учун зарур барқарорлик ва фаровонлик шароитини вужудга келтириш мақсадида "Инсон ҳуқуқларига, кишиларнинг ирқи, жинси, тили ва динидаги тафовутлардан қатъи назар, ҳамманинг асосий эркинликларига ялпи ҳурмат билан қараш ва уларга риоя қилишга қўмаклашади", дейилган. Бу ер юзида барча давлатлар ўртасида халқаро муносабатларни ривожлантиришнинг стратегик йўлидир.

Бугунги кунда халқаро ташкилотларнинг иштирокчиси бўлган бошқа давлатлар қатори Ўзбекистон ҳам умумэтироф этилган халқаро ҳужжатларнинг устунлигини тан олиб, бевосита инсон ҳуқуқларига оид миллий қонунчилик нормаларини қабул қилмоқда ва такомиллаштирмоқда.

Ўзининг бой маънавий тарихига эга бўлган юртимизнинг ўтмишига назар ташлайдиган бўлсак, инсонни қадрлаш ва ҳурмат қилиш ҳамда уни маънавий стукликка чорловчи кадриятлар халқимиз урф-одати ва миллий маданиятида муҳим ўрин тутган. Жаҳон цивилизациясига бебаҳо ҳисса қўшган буюк алломалар Абу Наср Форобий, Муҳаммад ибн Умар аз-Замахшарий, Юсуф Хос Хожиб, Алишер Навоий, Хожа Аҳмад Яссавий ва бошқаларнинг асарларида инсонни



эъозлаш, унинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида кўплаб қимматли фикр-мулоҳазалар бор.

Масалан, Абу Наср Форобий "Маданиятли шаҳар аҳолисининг қарашлари" асарида "Фозил жамиятда адолат ва ҳақиқат саодат бўлиб, у жамият билимдон ҳукмрон томонидан бошқарилишини, у жамиятда тартиб-қоида ўрнатилган бўлиб, жамият аъзолари орасида бир-бирлари билан ёрдамлашиш руҳи кучли бўлиши" таъкидланган. Натижада инсонларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланиб, зарарли ишлардан узоқ юрилган. Бундай жамиятда инсонлар тинч ва бахтиёр ҳаёт кечириши эътироф этилган. Шунингдек, буюк мутафаккир шоир, шеърият мулкининг султони Алишер Навоий ўз даврида инсонларнинг ижтимоий ўрни, мансаби ва мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенг бўлишини алоҳида таъкидлаган.

Маълумки, Ўзбекистон кўҳна ва бой тарихга эга бўлган мустақил давлатдир. Чунки, ўзбек давлатчилиги тарихий илдиэлари уч минг йилдан кўпроқ даврга бориб тақалади.

Мустақил ўзбек давлатчилиги пойдеворига улуг аждодларимиз, олиму донишмандлар, давлат арбоблари, буюк саркардалар тамал тошини қўйган бўлса, Ислом Каримов томонидан 1991 йил 1 сентябрда Ўзбекистон Республикаси мустақил, деб эълон қилиниши ўзбек халқининг асрий орзуси рўёби ва олиб борилган машаққатли курашнинг маҳсулидир. Эндиликда мустақилликни кўз қорачиғидек асравайлалш ҳар бир Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг муқаддас бурчидир.

Президент Ислом Каримовнинг "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" номли маърузасида Ўзбекистонни демократик янгилашнинг бугунги босқичидаги энг муҳим йўналишлардан бири сифатида қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштириш эканлиги алоҳида таъкидланган. Мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар иқтисодиёт, сиёсат, давлат бошқаруви тизими, миллий қонунчилик, мамлакатни модернизация қилиш ва суд тизими соҳасида амалга оширилган барча ўзгаришлар, фуқароларнинг қонуний манфаатларини

ҳимоя қилиш, ҳар бир инсонга ўзининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларидан фойдаланиш учун кенг имкониятлар яратиш беришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини турли мафкуравий "изм"лардан ҳоли тадқиқ этиш асосан XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида бошланди. Айниқса, 1996 йил 29 августда бўлиб ўтган биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессиясидан сўнг инсон ҳуқуқларини ўрганиш ва уни тадқиқ этиш масаласига эътибор кучайди. Президент Ислам Каримов ташаббуси билан барча мактаб ва олий ўқув юртларига инсон ҳуқуқлари бўйича махсус ўқув курслари киритилди.

Мамлакатимизда қонун устуворлиги, ислохотларни босқичма-босқич жорий этиш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш айнан фуқаролик жамиятини шакллантириш мақсадида амалга оширилмоқда ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштиришни тақозо этмоқда.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланиб, юртимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, уларнинг қонуний манфаатларини таъминлаш каби устувор вазифалар барча давлат идоралари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари ва мансабдор шахсларнинг асосий вазифаси бўлиб қолаверади.

### **3.13. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва диний сиёсат**

Мустақиллик йилларида кўп миллатли республикада фуқаролар ўртасида тинчлик ва миллатлараро тотувликнинг таъминлангани Ўзбекистон қўлга киритган катта ютуқлардан биридир. Кўп миллатли мамлакатимизда турли миллатга мансуб аҳолининг ўзига хос миллий-маънавий эҳтиёжларини қондиришга шароит яратиш ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаб бориш ижтимоий-маънавий таракқиётнинг муҳим йўналишларидан бирига айланди.

Маълумотларга кўра, бундан юз йил аввал ҳозирги республикамиз ҳудудида 70 га яқин миллат вакиллари истиқомат қилган. 1926 йилда республикамизда 90 миллат ва элат яшаган бўлса, 1959 йилда уларнинг сони 113 тага, 1979 йилда 123 тага етди<sup>133</sup>. Ҳозир эса 130 тадан зиёддир.

Миллатлараро муносабатларни тўғри йўлга қўйиш борасида Ўзбекистон ўзига хос тажриба орттирди. Бунда фақат миллий ўзликни англаш, миллий гуруҳ ва ифтихор туйғуларини тарбиялаш, миллатларнинг тили, маданияти, урф-одатларини асраб-авайлаш билан чекланмаслик, балки мамлакатдаги барча миллатларнинг умумий бирдамлигига эришиш тамойилига амал қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 8-моддасида "Ўзбекистон халқини, миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади", дейилади<sup>134</sup>. Ўзбекистонда туғилган, унинг заминида яшаб, меҳнат қилаётган ҳар бир киши, миллати ва ирқий мансублигидан, диний эътиқодидан қатъи назар, мамлакатимизнинг тенг ҳуқуқли фуқароси бўлишга муносиб. Демак, Ўзбекистон фуқаролари ўзларининг насл-насаби, ирқи, ижтимоий келиб чиқиши ва бошқа ҳолатларидан қатъи назар, Ўзбекистон халқини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-моддасида "Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади," деб таъкидланган<sup>135</sup>.

Юртбошимиз Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" номли китобида таъкидлаб ўтилганидек, "Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида асосий устувор йўналишларга айланган масалалар - тинчлик ва барқарорликни сақлаш, миллатлараро ҳамжиҳатликни асраш, аҳоли-

---

<sup>133</sup> Мансуров А.Д. Ўзбекистон Республикасининг миллатлараро муносабатлар масалалари ва дин ишлари бўйича давлат сиёсати. // Миллатлараро ҳамжиҳатлик - барқарорлик омили. -Т.: 1999. -Б 8.

<sup>134</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2012. -Б. 5.

<sup>135</sup> Ўша манба.



ни ижтимоий муҳофаза қилиш, иктисодиётни тубдан ислоҳ этиш, миллий армияни шакллантириш, суд-ҳуқуқ тизими-ни янги асосда барпо этиш, инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ижтимоий-сиёсий ҳаётни эркинлаштириш, аҳоли саломатлиги, илм-фан, таълим-тарбия, маданият ва спорт жабҳаларига эътибор қаратиш, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш каби кўпдан-кўп долзарб вазифалар мустақиллигимизнинг пойдевори қўйилаётган даврлардаёқ ҳар томонлама ўз ифодасини топган эди".<sup>136</sup>

Президент И.А. Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва изчил татбиқ этилаётган тараққиётнинг ўзбек модели туфайли юртимизда миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатлик қарор топди. Мазкур масалага тўхталиб, Президентимиз "Ўзбекистоннинг бойликлари кўп, лекин бизнинг энг катта бойлигимиз, энг юксак қадриятимиз, бу - жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликдир", деган эди<sup>137</sup>.

Бундай натижага ўз-ўзидан эришилгани йўқ, албатта. Шу ўринда, энг аввало, Юртбошимизнинг қатъий сиёсий иродаси туфайли 1980 йиллар охирида собиқ тузум тарафдорлари томонидан атайлаб уюштирилган Фарғона ва Ўш воқеалари, 2010 йили Қирғизистоннинг Жалолобод ва Ўш вилоятларидаги нотинчликлар, этник кескинликлар баргараф этилди. Мамлакатимизда бундай воқеаларнинг авж олишига йўл қўйилмади, халқимиз орасидаги ҳамжиҳатлик ва яқдиллик муҳити сақлаб қолинди.

Республикаимизда миллатлараро тотувликни таъминлаш орқали тинчлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаб бориш ғояси давлатимиз раҳбарининг доимий диққат марказида бўлиб келган. "Юксак маънавият - енгилмас куч" асарида бу хусусда шундай дейилади: "Бу ҳаётнинг шифқатсиз бир қонунияти бор. Яъни, тарихнинг мураккаб ва ҳал қилувчи бурилиш палласида ҳар қандай миллат ва элат ўз аҳиллиги ва бирдамлигини сақлаб, ўз миллий манфаатлари йўлида қатъ-

---

<sup>136</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. -Т.: Ўзбекистон, 2011. -Б 414-421.

<sup>137</sup> Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-ж. - Т.: Ўзбекистон, 1996. -Б. 141.

ият билан турмаса, масъулият ва ҳушёрлигини йўқотадиган бўлса, охир-оқибатда ўзининг энг катта, тенгсиз бойлиги бўлмиш мустақиллиги ва озодлигидан жудо бўлиши шубҳасиз".<sup>138</sup>

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг, нафақат мамлакатга ном берган ўзбек халқи, балки шу муқаддас заминда истиқомат қилаётган турли миллат вакилларининг ҳам миллат сифатида сақланиб қолиши ва ривожланиши учун тенг шароит ва имкониятлар яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратди. Жумладан, кўпмиллатли диёримизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш ва янада мустақамлашнинг муҳим омили бўлган миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш, мамлакатимизда истиқомат қилаётган турли миллатга мансуб аҳолининг маънавий-маданий эҳтиёжларини кондиришга йўналтирилган миллий-маданий марказлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш учун Президент ташаббуси билан 1992 йил 13 январда Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилди. Унинг асосий вазифаси вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари, шунингдек, жамоат ташкилотлари билан биргаликда миллатлараро муносабатлар соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишида қатнашиш, миллий-маданий марказлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва ўзига хос анъана, урф-одат ва расм-русумларни тиклаш ҳамда ривожлантиришда уларга кўмаклашиш деб белгиланди.

Мамлакатимизда миллий-маданий марказлар йилдан-йилга кўпайиб борди. Ҳозир Ўзбекистонда 140 дан зиёд миллий-маданий марказлар республикамизнинг жамоат ташкилотлари қаторида самарали фаолият кўрсатмоқда. Шуниси диққатга сазоворки, бу марказлар фаолиятида, миллатидан қатъи назар, барча юртдошларимиз қатнашишлари мумкин.

Миллатлараро муносабатлар йўналишидаги яна бир долзарб масалалардан бири аҳолининг миллий таркибига мос келадиган таълим-тарбия тизимини ташкил қилиш. Бу бо-

---

<sup>138</sup> Қаримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008. -Б. 51.

рада республикамизда бутунги кунга келиб, 10 мингта яқин мактаб фаолият юритаётгани, шундан 845 та мактабда рус тилида, 491 та мактабда қозоқ тилида, 259 та мактабда тожик тилида, 52 та мактабда туркман тилида, 40 та мактабда қирғиз тилида, 7 та мактабда корейс тилида таълим бериш йўлга қўйилганини таъкидлаш керак. Булар орасида икки ёки уч тилда ўқув машғулоти олиб борилаётган мактаблар ҳам бор. Халқ таълими вазирлигига қарашли педагогика институтларида ўзбек тилидан ташқари рус, тожик, туркман, қирғиз, қозоқ, қорақалпоқ тилларида ҳам машғулоти олиб бориладиган мактаблар учун мутахассислар тайёрланмоқда.

Республикамиздаги оммавий ахборот воситаларининг фаолияти ҳам аҳоли миллий таркибининг ранг-баранг эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилмоқда. Ўзбекистонда 8 тилда, яъни ўзбек, қорақалпоқ, рус, қозоқ, тожик, туркман, инглиз, корейс тилларида газета ва журналлар чоп этилмоқда.

Ўзбекистон телевидениеси орқали қатор хорижий тиллардаги кўрсатувларнинг мунтазам равишда намойиш қилиниши ва махсус радиоэшиттиришларнинг турли тилларда эфирга узатилаётгани ҳам диққатга сазовор. Зеро, 12 (ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ, қирғиз, тожик, озарбайжон, рус, инглиз, татар, бошқирд, корейс, уйғур) тилларида телерадиоэшиттиришлар эфирга чиқмоқда. Бундан кўринадики, Ўзбекистоннинг миллатлараро сиёсати инсонийликка, демократияга қарши бўлган сиёсатнинг ҳар қандай кўринишларини тўлиқ ва мутлақ рад этишга асосланган.

И.А. Каримов 2012 йилда Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 20 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш иштирокчиларига йўллаган табригида қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: "Бизнинг энг катта бойлигимиз, энг асосий ютуғимиз - бу, аввало, Ватанимиз осмонининг мусаффолиги, жамиятимизда ҳукм сураётган миллатлар ва фуқаролараро аҳиллик ва ҳамжиҳатлик, дўстлик ва бирдамлик муҳитидир... Таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни ривожлантириш учун барча ҳуқуқий асослар ва зарур шарт-шароитлар яратилди. Бағрикенглик маданияти-



ни тарбиялаш ва янада мустақкамлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди”.<sup>139</sup>

Узоқ вақт давомида мустамлакачилик зулми остида яшаб келган ҳар қандай халқнинг ўз миллий мустақиллигини таъминлашида унинг маънавий-диний қадриятларининг тикланиши гоят муҳим роль ўйнайди. Бу фикрнинг тасдиғини мустақиллик учун бўлган курашлар тарихи мисолида яққол кўриш мумкин.

Мамлакатимизда маънавий-диний қадриятларни тиклаш жараёни истиқлол арафасида республикаимиз раҳбари Ислоҳ Каримовнинг ижтимоий-сиёсий соҳадаги дадил ва шижоатли қарашлари билан чамбарчас боғлиқ. Шу даврда қадимий Наврўз байрами, Рамазон ва Қурбон ҳайитлари қайта тиклангани, муқаддас ҳаж зиёрати учун йўллар очилгани, тилимиз ва динимизга, миллий қадриятларимизга муносабат тубдан ўзгаргани фикримизнинг тасдиғидир.

Халқимизнинг миллий маънавиятини муқаддас ислом дини ва унинг асрий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам Юртбошимиз томонидан истиқлол арафасида ва мустақил тараққиёт йилларида миллий маънавиятимиз билан бирга, унинг ажралмас қисми бўлган муқаддас динимиз ва диний қадриятларимизни тиклаш, ҳар томонлама ривожлантириш масаласига доимий эътибор берилмоқда.

И.А.Каримовнинг "Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли", "Ўзбекистон - келажаги буюк давлат", "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари", "Буюк алломага юксак эҳтиром", "Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда", "Ўзбекистон XXI асрга интилоқда", "Ўзбекистон маънавий юксалиш йўлида", "Улуғлари эъзозланган юрт заволи кўрмагай", "Ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган беқиёс ҳиссасининг юксак эътирофи", "Юксак маънавият — енгилмас куч" ва бошқа асарларида бугунги мураккаб замонда дину диёнатимизнинг аҳамияти тобора ортиб бораётгани, диний қадриятларимиз ва шу орқали ҳар

<sup>139</sup> Мустақил Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ривожини. // Развитие межнациональных отношений в независимом Узбекистане, - Т.: Ўзбекистон, 2012. -Б. 1.

бир юртдошимиз қалбида яшаётган ҳамда ота-боболаримиздан табарруқ мерос бўлган эзгулик ҳисси ва бу нозик туйғуларни зарарли таъсирлардан асраш ҳақида ўта долзарб фикрлар илгари сурилган. Айниқса, Президентимизнинг қуйидаги фикрлари бугунги кунда нафақат диндорлар, балки бутун халқимизнинг қалбига, онгу шуурига сингиб, миллий дунёқарашнинг асосига айланиб кетган десак, муболаға бўлмайди: «Исломи дини - бу ота-боболаримиз дини, у биз учун ҳам имон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат эканини унутмайлик... Биз ўз миллатимизни мана шу муқаддас диндан айри ҳолда тасаввур қила олмаймиз. Диний қадриятлар, исломий тушунчалар ҳаётимизга шу қадар сингиб кетганки, уларсиз биз ўзлигимизни йўқотамиз»<sup>140</sup>.

Бу ҳақда сўз борганда, юртимизда 1991 йил 14 июнда, хали совет мафкураси ҳукмрон бўлиб турган бир пайтда "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Қонун қабул қилинганини эсга олиш жоиз. Шу биргина мисолнинг ўзиёқ ислом динига муносабат Президентимиз фаолиятида аввалбошданок муҳим ва долзарб аҳамият касб этиб, бу масалага мамлакатимизнинг мустақил тараққиёт йўлини белгилаш, янги жамият пойдеворини мустаҳкам асосда қуриш ишида устувор йўналиш сифатида қаралганидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида "Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар"<sup>141</sup>, деб белгилаб қўйилган. Конституция фуқароларнинг виждон эркинлиги бўйича ҳақ-ҳуқуқларини кафолатлайди. 31-моддада "Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди," деб таъкидланган<sup>142</sup>.

---

<sup>140</sup> Каримов И.А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. - Т.:Ўзбекистон, 1999. -Б. 5-7.

<sup>141</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2012. -Б. 6.

<sup>142</sup> Ўша манба.

Конституциянинг мазкур моддасида қайд этилган тушунчалар халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойиллари ва 1998 йилда янги таҳрирда қабул қилинган "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Қонунда ўз аксини топган. Унга кўра:

- Ўзбекистон Республикасида дин давлатдан ажратилган. Ҳеч бир динга ёки диний эътиқодга бошқаларига нисбатан бирон-бир имтиёз ёки чеклашлар белгиланишига йўл қўйилмайди;

- давлат турли динларга эътиқод қилувчи ва уларга эътиқод қилмайдиган фуқаролар, ҳар хил эътиқодларга мансуб диний ташкилотлар ўртасида ўзаро мурося ва ҳурмат ўрнатилишига кўмаклашади, диний ва ўзга мутаассибликка ҳамда экстремизмга, муносабатларни қарама-қарши қўйиш ва кескинлаштиришга, турли конфессиялар ўртасида адоватни авж олдиришга қаратилган хатти-ҳаракатларга йўл қўймайди;

- давлат диний конфессиялар ўртасидаги тинчлик ва тотувликни қўллаб-қувватлайди. Бир диний конфессиядаги диндорларни бошқасига қарши қўйишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм), шунингдек, ҳар қандай миссионерлик фаолияти ман этилади. Ушбу қонуннинг бузилишига айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортиладилар;

- давлат диний ташкилотлар зиммасига ўзининг ҳеч қандай вазифасини бажаришни юкламайди, уларнинг қонун ҳужжатларига зид бўлмаган фаолиятига аралашмайди. Диний ташкилотлар давлат вазифаларини бажармайди. Давлат диний ташкилот ҳамда даҳрийлик тарғиботига оид фаолиятни ҳам маблағ билан таъминламайди;

- Ўзбекистон Республикасида диний моҳиятдаги сиёсий партия ва жамоат ҳаракатлари, шунингдек, республикадан ташқарида тузилган диний партияларнинг филиаллари ва бўлимларини тузишга ва уларнинг фаолият юритишига йўл қўйилмайди;

- диний ташкилотлар амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этишлари шарт. Диндан давлатга ва Конституцияга қарши тарғибот олиб боришда, душманлик, нафрат, миллатлараро адоват уйғотиш, ахлоқий негизларни ва фуқаровий тотувликни бузишда, бўҳтон, вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмаларни тарқатишда, аҳоли ўртасида ваҳима чиқаришда ҳамда давлат, жамият ва шахсга қарши қара-



тилган бошқа хатти-ҳаракатларда фойдаланишга йўл қўйилмайди. Терроризм, наркобизнес ва уюшган жиноятчиликка кўмаклашадиган, шунингдек, бошқа ғаразли мақсадларни кўзловчи диний ташкилотлар, оқимлар, секталар ва шу кабиларнинг фаолияти ман этилади;

- давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига, мансабдор шахсларга таъйиқ ўтказишга қаратилган ҳар қандай уриниш, шунингдек, яширин диний фаолият қонун билан тақиқланади<sup>143</sup>.

Айтиш мумкинки, дин дунёвий тузум билан нафақат муроса қилиши, балки умуммиллий юксалиш йўлида у билан самарали ҳамкорлик қилиши ҳам мумкин. Айни пайтда, дин соҳасида олиб бориладиган сиёсат аввалбошданок, давлатимиз раҳбари Ислам Каримов томонидан илгари сурилган демократик тамойилларга асосланмоқда. Булар қуйидагилардан иборат:

- диндорларнинг диний туйғуларини ҳурмат қилиш;
- диний қарашларга амал қилувчи фуқароларнинг ҳам, уларга амал қилмайдиган фуқароларнинг ҳам ҳуқуқларини тенг кафолатлаш ҳамда уларни таъқиб қилишга йўл қўймаслик;
- диний эътиқодни фуқароларнинг ёки улар уюшмаларининг хусусий иши деб тан олиш;
- маънавий тикланиш, умуминсоний ахлоқий қадриятларни қарор топтириш ишида турли диний уюшмаларнинг имкониятларидан фойдаланиш учун улар билан мулоқот қилиш йўлларини излаш;
- диндан бузғунчилик мақсадларида фойдаланишга йўл қўйиб бўлмаслигини эътироф этиш.

Ушбу қоидалар юртимизда давлат ва нодавлат ташкилотлари, турли жамоат уюшмаларининг динга бўлган муносабатига дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонда динга мамлакатдаги маданий-маънавий анъаналарнинг ажралмас қисми ва аҳоли маънавий камолотининг асоси сифатида қаралади. Дин ўз олдига ҳеч қандай сиёсий мақсад қўйиши мумкин эмас. Бу меъёр давлатнинг дунёвий бўлиши ва мамлакатдаги барча динларга нисбатан

---

<sup>143</sup> "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Қонун. - Т.: Ўзбекистон, 1998.

тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро тотувликни таъминлаб беришининг гаровидир.

Республикаимизда дин ва давлат ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштириш мақсадида 1992 йил март ойида Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Дин ишлари бўйича қўмита тузилди. Бугунги кунда Ўзбекистонда турли дин вакилларининг ҳеч қандай тўсиқларсиз, ўз динларига эмин-эркин эътиқод қилишлари учун барча шароитлар яратилган. Советлар даврида республикаимизда атиги 89 та масжид ва иккита мадраса фаолият кўрсатган бўлса, 2014 йил ҳолатига кўра, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 16 та конфессияга мансуб 2222 та диний ташкилот ҳамда Ўзбекистон Библия китоб жамияти рўйхатдан ўтган. Шундан 2049 таси ислом дини, 174 таси бошқа диний конфессияларга қарашли ташкилотлардир. Булар қаторида Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Қорақалпоғистон мусулмонлари қозияти, Тошкент Ислом институти, 9 та мадраса ва 2037 та масжидни келтириш мумкин. Улар мустақил юридик шахс сифатида мамлакат ижтимоий ҳаётида қатнашиш, диний адабиётлар нашр қилиш, зарур бўлган мутахассисларни тайёрлаш, муқаддас жойларга зиёратлар ташкил қилиш каби ҳуқуқларга эгалар.

Ислом динига эътиқод қилувчи Ўзбекистон фуқароларига муборак ҳаж зиёратини амалга ошириш имконияти яратилди. Ҳар йили 5 мингдан ортиқ мусулмонлар ҳаж, 6 минг киши эса умра сафарига бормоқда. Худди шундай, бошқа дин вакиллари ҳам Россия Федерацияси, Греция, Исроил каби давлатларда бўлиб, диний расм-русумларини юқори савияда адо этмоқдалар. Улар хорижга-эътиқодий зиёратга йўл олувчилар учун бериладиган имкониятлардан тўла фойдаланмоқдалар.

1991 йилда Ўзбекистон Президенти Фармонига кўра "Рўза ҳайити" ва "Қурбон ҳайит" кунлари дам олиш кuni деб белгиланди. Шунингдек, юртимизда "Пасха", "Рождество", "Пурим", "Ханука" ва бошқа диний байрамлар ҳам кенг нишонланмоқда. Бундай тадбирларда бир дин вакилларининг бошқаларини байрам билан табриклашлари яхши анъанага айланди.

1999 йил 7 апрель кuni Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига асосан, ислом динига оид бой маънавий-маданий меросни асраб-авайлаш, диёримиздан етишиб чиққан буюк алломаларнинг илмий ғоялари ва асарларини чу-

қур, ҳар томонлама ўрганиш ва таҳлил этиш ҳамда замонавий руҳда ривожлантириш, шу соҳада илмий-назарий тадқиқотлар олиб бориш, замон талаблари даражасида малакали мутахассис кадрлар тайёрлашни таъминлаш, уларга лозим бўлган шарт-шароитлар яратиш, аجدодларимиздан қолган ноёб манбалар асосидаги тадқиқ этилган маълумотлар билан халқимизнинг диний саводхонлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурда Тошкент Ислом университети ташкил этилди.

Муқаддас динимизга бўлган юксак эътиборнинг яна бир муҳим омили қадимдан она-диёримизда диний қадриятлар улуғлангани, буюк азиз-авлиёлар, буюк пири комилларга нисбатан ҳурмат-эҳтиром улкан даражага кўтарилгани билан боғлиқ. Айнан шундай муносабат туфайли Бухоро "шариф шаҳар", "қуббатул Ислом" деган олий эътирофларга сазовор бўлган. Самарқанд, Кеш, Насаф, Термиз, Хива, Марғилон, Шош каби шаҳарларимиз ҳақли равишда Ислом дини ва маданиятининг марказлари сифатида бутун дунёга донг таратган. Исломий илм-маърифатни юксак чўққига кўтарган улуғ аجدодларимизнинг мақбаралари муқаддас қадамжоларга айланиб кетган. Миллий тарихимизнинг турли даврларида, айниқса, Соҳибқирон Амир Темур ва теурийлар ҳукмронлиги пайтида бундай забардаст олиму алломаларнинг хотирасига маҳобатли ёдгорлик мажмуалари барпо этилгани тарихий манбалардан яхши маълум.

Юртимиз мустақилликка эришганидан сўнг бу борадаги анъаналаримиз қайта тикланиб, изчил давом этмоқда. Ўтган давр мобайнида улуғ авлиё ва аллома боболаримизнинг диний ва илмий меросини тиклаш, кенг тарғиб этиш, уларнинг таваллуд саналарини халқаро миқёсда нишонлаш, қадамжоларини ҳар томонлама обод қилиш бўйича улкан ишлар амалга оширилди. Жумладан, 1993 йилнинг сентябрь ойида Баҳоуддин Нақшбанднинг 675 йиллиги, 1994 йилнинг ноябрь ойида Хожа Аҳрор Валийнинг 590 йиллиги, 1995 йилнинг ноябрь ойида аз-Замахшарийнинг 920 йиллиги ва Нажмиддин Кубронинг 850 йиллиги, 1998 йилнинг октябрь ойида Имом Бухорийнинг 1225 йиллиги, 2000 йилда Имом Мотуридийнинг 1130 йиллиги, 2003 йил ноябрида Абдуҳолик Ғиждувонийнинг 900 йиллиги, 2004 йил декабрида Хожа Аҳрор Валийнинг 600 йиллиги кенг миқёсда нишонланди.



Шунингдек, 1995 йилда "Бир само остида" халқаро христиан-мусулмон конференцияси, 1996 йилнинг ноябрь ойида Рус Православ черкови Тошкент ва Ўрта Осиё Епархиясининг 125 йиллиги, 1996 йилнинг декабрь ойида Марказий Осиёдаги ягона Евангель-лютеранлар жамоасининг 100 йиллиги, 2000 йилда ЮНЕСКО "Жаҳон динлари: тинчлик маданияти йўлида" халқаро конференция, 2002 йилда "Рим-католик черковининг Марказий Осиёда жойлашининг 100 йиллиги" ва бошқа тадбирлар ўтказилди.

Маълумки, 2007 йили Халқаро Ислом Ҳамкорлиги Ташкилотининг Таълим, фан ва маданият бўйича тузилмаси (АЙСЕСКО) томонидан Тошкент шаҳри "Ислом маданияти пойтахти" деб эълон қилинди. Халқаро ҳамжамият томонидан пойтахтимизга берилган бу гоётада фахрли мақом ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган беқиёс ҳиссаси ва айнан шу йўналишда мамлакатимизда истиқлол йилларида амалга оширилган улкан ўзгаришлар эътироф этилганлигининг яна бир тасдиғидир.

Шу муносабат билан Тошкент шаҳри ва мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида бўлиб ўтган халқаро диний-маданий тадбирлар эл-юртимизнинг диний қадриятлари тарихида ўчмас из қолдирган воқеалар ҳисобланади. Жумладан, 2007 йил 14-15 август кунлари Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида "Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси" мавзuida халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Президентимиз И.А. Каримов анжуманда муқаддас динимизнинг бой тарихи ва дунё цивилизациясига қўшган муносиб ҳиссаси, бу ишларнинг маъно-моҳияти ҳақида маъруза қилди. Бугунги кунда ислом дунёси олдида турган муҳим вазифалар ҳақида фикр юритиб, бу борадаги энг долзарб масалаларни алоҳида таъкидлаб ўтди. Шунини алоҳида айтиб ўтиш жоизки, бу анжуманда Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган барча конфессия вакиллари иштирок этди.

Албатта, ўта қалтис ва мураккаб бир вазиятда амалга оширилган бундай ишлар бугунги кунда буюк жасорат намунаси сифатида баҳоланади ва қабул қилинади. Буларнинг бари Хельсинки Яқунловчи акти, Вена ва Копенгагенда қабул қилинган ҳужжатларда қайд этилган шахснинг виждон ва дин эркинлиги борасидаги тамойилларга тўла мувофиқ келади.

Лекин, минг афсуски, юқорида зикр этилган эркинлик-

ларни суиистеъмол қиладиган, улардан ўз ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланадиганлар ҳам учраб туради. Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" китобида таъкидлаганидек, "Биз дин бундан буён ҳам аҳолини энг олий руҳий, ахлоқий ва маънавий қадриятлардан, тарихий ва маданий меросдан баҳраманд қилиши тарафдоримиз. Лекин биз ҳеч қачон диний давлатлар ҳокимият учун курашга, сиёсат, иқтисодиёт ва қонунчиликка аралашиб учун байроқ бўлишига йўл қўймаймиз. Чунки бу ҳолни давлатимизнинг хавфсизлиги, барқарорлиги учун жиддий хавф-хатар деб ҳисоблаймиз"<sup>144</sup>.

Бу ўринда мустақилликнинг илк даврида мисли кўрилмаган даражада фаоллашган диний гуруҳларнинг сиёсий, ҳатто ҳарбийлашган ташкилотлар тузишга қаратилган амалий ҳаракатларини эслаш жоиз. Ўшанда бундай гуруҳлар Ўзбекистонни исломий давлат деб эълон қилишни талаб қилиш даражасигача бориб етган эди. Мафкуравий маркази Фарғона водийси бўлган ушбу ҳаракат ўз даврида мамлакатимизнинг бошқа минтақаларида ҳам муайян акс-садо бериб, умуммиллий хавфсизликка жиддий таҳдид туғдирганини инкор этиб бўлмайди.

Диннинг асл ижтимоий моҳияти, унинг жамият ҳаётида тутган ўрни ҳамда вазифаларини теран англаган инсон ҳеч қачон сохта ғоялар ва алдовлар таъсирига тушиб қолмайди. Шу маънода, республикамиз раҳбарияти томонидан ишлаб чиқилган ва амалга ошираётган дин ва конфессиялараро муносабатлар ҳақидаги сиёсатнинг асл моҳиятини ҳамда мустақиллик йилларида бу йўналишда амалга оширилаётган улкан ва хайрли ишларнинг кўламини чуқур билиш ва теран англаш давр талабидир.

### **3.14. Мустақил Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ўрни ва роли**

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини кўтариш, манфаатини ҳимо-

<sup>144</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: Ўзбекистон, 1998. -Б. 449.

ялаш, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Мустақилликка эришиш арафасида юзага келган мураккаб ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий вазиятда Президент Ислам Каримов қуйидаги фикрларни билдирган эди: "Хотин-қизлар масаласига муносабатимизни тубдан ўзгартириш тадбирлари ҳақида ўйлаб қўришимиз керак. Биз хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳуқуқларини, нуфузи ва қадр-қимматини ҳимоя қилишнинг етарли кафолати учун, уларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда ва бошқаришда иштирок этиши учун энг қулай шароитларни яратишимиз лозим. Оналар ва болалар соғлигини, аҳолининг билим ва маданият даражасини сақлаш ҳар томонлама ижтимоий-иқтисодий ва мафкуравий жиҳатдан таъминланиши керак"<sup>145</sup>.

Маълумки, хотин-қизлар масаласи ва жамиятни демократлаштириш ўзаро боғлиқ жараёндр. Шунинг учун ҳам бугунги кунда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ҳамда мамлакатни модернизациялаш даврида хотин-қизлар ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларидаги ислоҳотлар жараёнида фаол иштирок этаётган экан, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларга мос ҳолда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш, уларнинг оила, жамият ва давлат қурилишидаги вазифаларни ҳал этишдаги ўрни ва нуфузига эътиборни кучайтиришга ҳукуватимиз алоҳида эътибор қаратмоқда. Жумладан, Республика Президентининг 1995 йил 2 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони, 1998 йил қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида хотин-қизлар аҳволини яхшилаш бўйича миллий ҳаракат дастури", 1999 йилнинг "Аёллар йили" деб эълон қилиниши, Президентимизнинг 1999 йил 17 мартда имзоланган "Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони, 2000 йилнинг "Соғлом авлод йили", 2001 йилнинг "Оналар ва болалар йили" деб эълон қилиниши, давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар

<sup>145</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. - Т.: Ўзбекистон, 2011. - Б. 207.



қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 30 июндаги "Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги қарори хотин-қизларнинг ижтимоий, иқтисодий, давлат ва жамият қурилишидаги мавқеини таъминлаш, уларнинг давлатни бошқариш фаолиятидаги иштирокини кучайтириш, ижтимоий муҳофазасини ҳимоялаш тизимини жорий этиш, оналик ва болалик муҳофазасини амалга ошириш, хотин-қизларнинг ўз истеъдодларини намоён қилишдаги таълим ва ўсиб-улғайиш учун яратилган шарт-шароитлари билан боғлиқ ҳуқуқларини ҳимоялашга қаратилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган барча қонун ҳужжатлари халқаро ҳуқуқий меъёрларга асосланади. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг "Инсон ҳуқуқлари ва озодлиги ҳақидаги Декларацияни ратификация қилиш тўғрисида"ги (1991 йил 30 сентябрь) қарори мустақил Ўзбекистоннинг дастлабки қонуний ҳужжатларидан бири бўлган бўлса, аёлларни қўллаб-қувватлаш борасидаги халқаро ҳужжатлар қуйидагиларни ташкил этди:

- Аёлларни камситишнинг барча шаклларини бартараф этиш тўғрисидаги Конвенция;
- Ҳаракатнинг Пекин платформаси (1995 йил, сентябрь);
- БМТ Бош ассамблеясининг XXI асрда эркаклар ва аёллар тенглиги ҳақидаги якуний ҳужжатлари (2000 йил, июнь);
- Мингйиллик ривожланиш декларацияси ва мақсадлари (2000 йил, сентябрь).

Ўзбекистон Марказий Осиёда биринчи бўлиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг "Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида"ги Конвенцияга қўшилди<sup>146</sup>. Ушбу Конвенция жамият

---

<sup>146</sup> Конвенция о ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин, принятая Генеральной Ассамблеей ООН 18 декабря 1979 года. -Т.: Бюро Гендер и развитие, 1998. - С. 18.

тараққиёти ва демократлаштириш жараёнини тезлаштиришдек долзарб вазифада аёлларнинг иштирокини таъминлаб, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда. Конвенция асосида 1995 йилда "Тинчлик, тараққиёт ва тенглик" шиори остида Пекин шаҳрида Бутунжаҳон хотин-қизларининг IV конференцияси бўлиб ўтди, унда ўзбек хотин-қизлари иштирок этиб, аёллар аҳволини яхшилашга қаратилган Пекин декларацияси платформасига ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги ҳужжатга имзо чекдилар. Шу асосда республика хотин-қизларининг ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофазасини кафолатловчи ҳукумат даражасидаги "Ўзбекистон Республикасида хотин-қизлар масалалари бўйича Концепция ва дастурий ҳужжатлар" ишлаб чиқилди.

Хотин-қизлар билан эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги энг асосий конституциявий принциплардан бири бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 46-моддасида "Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар"<sup>147</sup>, деб белгилаб қўйилган. Айнан, хотин-қизларнинг давлат бошқарув тизимларидаги лавозимларда, Олий Мажлиснинг қўйи ва юқори органларига депутатликка сайланиш жараёнида, сиёсий партиялар ва ҳаракатлар фаолиятида кенг иштирок этаётганлиги республикада жинслараро тенг ҳуқуқлилиқ таъминланганидан далолат.

Мамлакатимизда ҳозирги замон аёллар ҳаракатининг янги босқичи 1991 йилдан бошланди, дейиш мумкин. Ўзбекистон хотин-қизларининг Термиз конференциясида 1991 йил 27 декабрда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташкил топди. Қўмитанинг асосий мақсади - хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий-сиёсий ва меҳнат фаоллигини ошириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий, маиший аҳволини янада яхшилаш ва истеъдодини юзага чиқариш бўйича пухта ва самарали фаолиятни таъминлаш, оилада маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришда аёлларнинг ролини кучайтириш. Қўмита ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси доирасида жамоат ташкилотлари, партиялар ва ҳаракатлар билан ҳам-

---

<sup>147</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2012.

корликда барча вилоят, шаҳар, туман ва қишлоқларда тегишли бўлимлари орқали олиб боради. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, бу борада хотин-қизлар учун ҳуқуқий ва ижтимоий кафолатни таъминлаш юзасидан дастурий ҳужжат бўлиб қолган махсус Концепция ишлаб чиқилди<sup>148</sup>.

Маълумки, Ўзбекистон хотин-қизлари республика мустақилликка эришганидан кейин илк бор 1994 йилда, сўнгра 1999 ва 2004 йилларда кўппартиявийлик асосида ўтказилган сайловларда фаол иштирок этиб, Олий Мажлис, вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари депутатлари этиб сайландилар. 1994 йилда хотин-қизлар Олий Мажлис депутатларининг 6 фоиз (15 нафар), 1999 йилда эса 9,4 фоиз (17 нафар)ни ташкил этган бўлсалар, 2004 йилда икки палатали парламентнинг ташкил топиши ва хотин-қизларнинг сайловларда иштироки учун "Сайловлар тўғрисида"ги Қонуннинг 22-моддасига киритилган ўзгартириш, яъни мамлакат Парламентига бўладиган сайловларда депутатликка номзодлар кўрсатиш жараёнида хотин-қизлар учун 30 фоизлик квота жорий этилиши натижасида Қонунчилик палатаси депутатларининг 18 фоизи ва Сенат аъзоларининг 15 фоизи хотин-қизлардан сайланди.

2009 йилги парламентнинг қуйи палатасига бўлган сайловларда барча номзодларнинг 31 фоизини аёллар ташкил этган бўлса, сайлов якунларига кўра бу кўрсаткич 22 фоизни таъминлади. Маҳаллий вакиллик органларида фаолият кўрсатаётган аёллар эса жами депутатлар сонининг 20 фоиздан ортиғини ташкил этди. Бугунги кунги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси таркибида 33 нафар, Сенат таркибида 16 нафар аёл депутат фаолият олиб бормоқда. Бу борада Президент И.А. Каримовнинг қуйидаги фикрларини келтириш ўринли: "Шуниси эътиборга сазоворки, бизнинг сайлов тизимимиз хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, уларнинг давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги мавқеини оширишда муҳим аҳамият касб этди. Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига сиёсий партиялардан кўрсатиладиган депутатликка номзодларнинг камида 30 фоизини аёллар таш-

---

<sup>148</sup> ЎЗРМДА. М-69 фонд, 1-рўйхат, 88-йиғмажилд. - Б. 53.



кил этиши шарт экани тўғрисидаги норманинг киритилгани бунинг яққол тасдиғидир"<sup>149</sup>.

### Сиёсий партияларда хотин-қизларнинг улуши, фоизда

Партиянинг номи	2003 йил	2005 йил	2010 йил
Ўзбекистон Халқ демократик партияси	32,2	34,2	39
Тадбиркорлар ва ипбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон либерал-демократик партияси	28,3	33,1	35
Ўзбекистон "Миллий тикланиш" партияси	40	45,6	46,3
Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси	30	38	48,6

2007 йил 11 апрелда қабул қилиниб, 2008 йилнинг 1 январидан кучга кирган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституцион Қонуннинг қабул қилинганлиги аёлларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаол иштирокини янада оширишда муҳим аҳамият касб этди. Шунингдек, мазкур Қонун хотин-қизларни сиёсий жараёнларга кенгроқ жалб этиш, қонунлар ва қарорлар қабул қилишда эркаклар билан бирга хотин-қизларнинг ҳам тенг иштирок этишларига имкон яратди, аёллар салоҳиятини намоён этиш йўллари белгилаб берди.

Мамлакатимиз хотин-қизларининг интеллектуал салоҳияти анча юқори бўлиб, ана шу бойликдан жамият тараққиёти йўлида самарали фойдаланиш ҳамда аёлларни жамиятимизнинг янгилашиш жараёнларига сафарбар этиш долзарб вазифадир. Буни, аввало, аёлларнинг ўзлари англаши ва ҳаётларини янги жамият истиқболи учун бағишлашлари зарур.

<sup>149</sup> Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш-мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. 19-ж. -Т.: Ўзбекистон, 2011. -Б. 85.

Мамлакатимизда барпо этилаётган ҳуқуқий давлат, эркин демократик фуқаролик жамияти барча бунёдкорлик ишларида эркаклар билан хотин-қизларнинг тенг иштирокини тақозо этаётганлиги хотин-қизларнинг халқ ҳужалиги барча тармоқлари ҳамда хусусий сектордаги иштирокини ҳам тўла таъминланишига асос бўлмоқда. Яъни, хотин-қизлар бугунги кунда ишлаб чиқаришда, уни бошқариш ҳамда муҳим қарорлар қабул қилиш жараёнларида фаол қатнашиш масъулиятини ҳам ўз зиммаларига олган ҳолда фаолият олиб боришмоқда. Юртбошимиз ибораси билан айтганда: "...мамлакатимиз иқтисодиётининг барча соҳа ва тармоқларида меҳнат қилаётган аҳолининг 50 фоизга яқинини айнан хотин-қизлар ташкил этаётганининг ўзи кўп нарсани англатади...."<sup>150</sup>.

1998 йилда мамлакатимизда "Хотин-қизлар аҳволини яхшилаш бўйича Миллий ҳаракат дастури"нинг қабул қилиниши<sup>151</sup> хотин-қизларга оид иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал этиш борасида давлат ва жамоат тузилмалари фаолиятини мувофиқлаштиришда муҳим аҳамият касб этди. Ўзбекистон Халқаро Меҳнат ташкилоти томонидан 1952 йил 10 мартда қабул қилинган "Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги, 1958 йилда қабул қилинган "Меҳнат ва бандлик соҳасида камситишлар тўғрисида"ги Конвенцияга қўшилди<sup>152</sup>, бу билан ҳар бир меҳнат аъзосига меҳнат ва бандлик масалаларида ҳар қандай камситишларни тугатишга қаратилган миллий сиёсат ўтказиш мажбуриятини олди. Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида ўз мажбуриятларини амалга ошириш мақсадида халқаро нормаларни миллий қонунчиликка уйғунлаштиришни изчиллик билан амалга оширмоқда. Бу жараён республика аҳолисининг ярмидан кўп қисмини ташкил этган хотин-қизларга гамхўрлик масаласига оид ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам ўз аксини топди.

---

<sup>150</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизни янада обод этиш ва модернизация қилишни қатъият билан давом эттириш йўлида. 21-ж. -Т.: Ўзбекистон, 2013. -Б. 219.

<sup>151</sup> Аёлга эҳтиром. - Т.: Ўзбекистон, 1999. 17-бет; Ўзбекистон аёлларининг нодавлат ва нотижорат ташкилотлари: маълумотнома. - Т.: 2000. 202-бет.

<sup>152</sup> Ганиева Г. Ўзбекистонда хотин-қизлар масаласи: янгича ёндашув, муаммолар ва ечимлар (1991-2005 йиллар.). Тарих фан. номз. ... дисс. автореф. - Т.: 2006. - Б. 26.

Ҳозирги вақтда самарали фаолият юритиб келаётган Ўзбекистон ишбилармон аёлларининг "Тадбиркор аёл" уюшмаси мамлакат иқтисодиётида бозор муносабатларини жорий этишда хотин-қизларнинг фаол иштирок этиши учун қулай шарт-шароит яратиш, уларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, бизнесда ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш каби хайрли ишларни амалга оширмоқда. Ҳозир уюшмага 5 минг нафардан ортиқ тадбиркор аёл аъзо бўлиб, улар ўз фаолиятлари давомида 70 мингдан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этишди. Шунингдек, 18 мингдан зиёд хотин-қизга бизнес юритиш асослари ўргатилди, аввал ишсиз бўлган 12 минг нафар хотин-қизнинг касб-ҳунар эгаллашига кўмак берилди<sup>153</sup>.

"Тадбиркор аёл" уюшмасининг фаолияти ва тажрибаси нафақат республикада, балки халқаро миқёсда ҳам намунали деб топилиб, БМТнинг Хотин-қизлар манфаати йўлидаги тараққиёт жамғармасининг (ЮНИФЕМ) махсус мукофоти, "Касбга ўқитиш ва микрокредитлаш орқали хотин-қизларнинг иқтисодий мавқеини оширишга кўмаклашиш" йўналиши бўйича мазкур ташкилотнинг сертификат ҳамда мукофотларига сазовор бўлди.

Умуман, мустақиллик йилларида хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислоҳотлар жараёнида фаол иштироки ҳамда улар ўртасида тадбиркорлик фаолиятининг авж олиши айнан аёлларнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Жамиятда илғор фикрли, маънавий камолот чўққисига эришган аёллар қанча кўп бўлса, миллатнинг маънавияти ҳам шунчалик юксак бўлади. Чунки, аёл миллат таянчи экан, айнан миллатнинг шаклланиши аёлнинг билими, маънавияти ва маданияти билан узвий боғлиқ ҳолда кечади. Зеро, келажак тараққиётини таъминловчи ёшларни вояга етказиш, уларни комил инсон даражасига кўтариш, юксак маънавиятли шахслар этиб тарбиялаш маънавий-маърифий ишлар

---

<sup>153</sup> Қаримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2010. - Б. 42.



қай даражада ҳал этилиши ҳамда аёлларнинг маънавий даражасига боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 10 июндаги "Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони иқтидорли ёш қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадида имзоланган, дунёдаги бошқа давлатларда мавжуд бўлмаган ва замонавий тарихга янги, такрорланмас ҳодиса бўлиб кирган ўзига хос воқеликка айланди. Фармон ижросини амалга ошириш учун 2000 йил 6 мартда Вазирлар Маҳкамасининг "Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш тўғрисида"ги махсус қарори эълон қилинди<sup>154</sup>. Фармонга мувофиқ, мактаб, лицей, коллеж ва олий таълим муассасаларида аъло ҳулқи, зукколиги, донолиги, ташаббускорлиги, истеъдоди, ўқишдаги муваффақиятлари, иқтидори билан таълим олаётган қизларга адабиёт, маданият, санъат, фан ва таълим соҳаларида алоҳида ютуқлари учун танлов асосида Давлат мукофоти берилиши жорий этилди. Бугунги кунда 14 ёшдан 22 ёшгача бўлган Зулфияxonим қизларининг сони 182 нафарга етди:

- Адабиёт йўналиши - 37 нафар;
- Маданият йўналиши - 35 нафар;
- Санъат йўналиши - 35 нафар;
- Фан йўналиши - 23 нафар;
- Таълим йўналиши - 38 нафар.

Хотин-қизларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, ёш иқтидор эгаларини илмий фаолиятга йўналтириш, уларни рағбатлантириш, вилоятларда илмий изланиш олиб боришга ҳаракат қилаётган аёлларни қўллаб-қувватлашни ўз олдига мақсад қилиб олган "Олима" аёллар уюшмаси 1993 йилда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташкилотчилигида тузилди.

Мустақиллик йилларида оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Бугунги кунда республикада оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш давлат сиёсатининг муҳим ус-

---

<sup>154</sup> Бўронова Д. Ўзбекистонда ёшлар сиёсати: бош тамойиллар ва уларнинг моҳияти -Т.: F.Фулом нашриёти, 2008. - Б. 52.

тувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам мазкур йўналиш бўйича ишлаб чиқилган давлат дастурларига мувофиқ, соғлиқни сақлаш, она ва бола соғлиғини самарали муҳофаза қилишни таъминлаш, аёлларнинг тиббий маданиятини ошириш йўлида замонавий усулларни, илғор шаклларни яратиш мақсадида кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели яратилган, мазкур модель асосида "Соғлом она - соғлом бола" дастури умуммиллий ҳаракатга айлангани, унинг мукамал ижроси учун барча шарт-шароит яратиб берилгани гоят ибратли.

Мамлакатда соғлом авлод учун ҳаракатнинг хотин-қизлар мавқеи нуқтаи назаридан амалга оширилиши "Соғлом аёл - соғлом она, соғлом она - соғлом авлод, соғлом авлод - соғлом фуқаролар, соғлом фуқаролар - соғлом давлат" гоёсига таянган миллий мафқурани шакллантириш давлат аҳамиятига молик вазифалардан эканлигини кўрсатади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 ноябрдаги "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ёшлар саломатлигини сақлаш, уни моддий жиҳатдан таъминлаш, ёшлар саломатлигига давлатчилик нуқтаи назаридан қараш, улар саломатлигини олдиндан муҳофаза қилишга қаратилган чора-тадбирлар моҳиятини белгилаб берган бўлса, 2012 йилнинг "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилиниши эса бу борадаги вазифаларни амалга оширишда масъулиятни янада кучайтириш, она ва бола саломатлигини асраш, буюк келажак ва ёш авлод истиқболи йўлида кўрсатилаётган ғамхўрликнинг мантиқий давоми бўлди<sup>155</sup>.

Мустақиллик йилларида "Соғлом она - соғлом бола" тамойили асосида мамлакатдаги барча мутасадди институтлар, давлат ва жамоат ташкилотлари фаолиятининг соғлом авлод гоёси асосида бирлаштирилиши ва ана шу эзгу мақсадга йўналтирилиши миллат генофондини асрашга қаратилган умуммиллий ҳаракатга айланди. Ҳозирда Ўзбекистон дунёнинг 125 та давлати орасида хотин-қизлар учун қулай шароит

<sup>155</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори // "Халқ сўзи" газетаси. 2011 йил 30 ноябрь.

яратиш ва оналикни муҳофаза қилиш борасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Мамлакатда соғлом авлодни шакллантириш борасидаги амалга ошириладиган чора-тадбирлар мажмуи қуйидаги йўналишларда мужассам этилди:

- соғлом оилани шакллантириш;
- давлат, жамият ва оиланинг соғлом авлод туғилишига эътиборини кучайтириш;
- болалар саломатлигини мустақкамлаш;
- хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий мақомини ошириш;
- аҳоли ва ёшлар учун ота-оналик мажбуриятлари ва соғлом авлод тарбиялаш борасидаги ялпи билим бериш тизimini яратиш ва ривожлантириш;
- жамиятда соғлом авлод тарбияси учун масъуллик психологиясини шакллантириш.

Маълумки, оила жамиятнинг энг кичик бирлиги, жамият негизи ва асосидир. Оилада маънавий-руҳий ва тиббий саломатлик базасини яратиш, аҳоли тафаккурини соғлом турмуш тарзи асосида қайта шакллантириш, рационал овқатланиш, дам олиш, маданий ҳордиқ чиқариш, соғлом бола туғилишини таъминлаш, оила қўрғонининг ҳам чиройи, ҳам чароғбони бўлган хотин-қизларга, шунингдек, ҳомиладор аёлларга алоҳида муносабатда бўлиш, ёшлар ўртасида турли касалликлар ва нохуш ҳолатларнинг олдини олиш, тиббий маданиятни тарғиб этиш ва шакллантириш чора-тадбирларини кўриш мана шу даврда давлат ва жамоат ташкилотлари иш фаолиятининг бош мазмунига айланди. Инсон ўз саломатлиги посбони бўлиб, саломатлик масъулияти, аввало, инсоннинг ўзига тегишли мажбурият эканлиги, ўз саломатлигини асраш давлат ва жамият саломатлигини асраш демаклиги, ёшлар саломатлиги давлатнинг бойлиги эканлиги каби масалалар мустақиллик йилларида ўз моҳиятини тўла намоён этди.

Республикада қабул қилинган 2009 йил 13 апрелдаги "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"-ги, 2009 йил 1 июлдаги "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустақкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга ет-



казиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги қарорлар оналик ва болаликни муҳофаза қилишга йўналтирилган бўлиб, бу борада репродуктив саломатлик масалалари алоҳида аҳамият касб этади. Олиб борилган саъй-ҳаракатлар ва давлат дастурларининг амал қилиши натижасида хотин-қизлар саломатлигини муҳофаза қилишнинг яхлит тизими яратилди. Аҳоли, хусусан, ёшлар, аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш ва саломатлик муҳофазасини кучайтириш масалалари мамлакатда "Камолот" ЁИХ, Хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла", "Соғлом авлод учун", "Экосан", "Болалар" жамғармалари, Қизил ярим ой жамияти, "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик кенгаши, Ибн Сино жамғармаси, "Оила" Республика илмий-амалий маркази ҳамда бошқа давлат ва нодавлат ташкилотлари фаолиятининг устувор иш йўналишларидан бирига айланди.

Мустақиллик шарофати билан аёллар фаоллигини ошириш имкониятлари кенгайди. Бу имкониятлар, аввало, бозор иқтисодиётига ўтишнинг беш тамойили асосида республикада амалга оширилаётган ҳуқуқий демократик давлат, адолатли фуқаролик жамияти қуриш жараёнида аёл ҳуқуқи ҳимоя этилаётганлигида, шахс манфаати ва таълим устуворлиги қарор топиши муносабати билан аёллар фаоллашувининг юз бераётганида, миллий ва умуминсоний қадриятларнинг тикланиши асосида шахс маънавиятини, жамият маънавиятини юксалтириш ишлари изчил олиб борилаётганида намоён бўлмоқда.

### **3.15. Ўзбекистоннинг ёшларга оид сиёсати**

Ўзбекистон демократик тараққиёт, модернизация ва янгиланиш борасида белгиланган мақсадларга эришишда ҳал қилувчи куч бўлган билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялашни ўзининг асосий устувор вазифаси деб билади. Президент Ислам Каримовнинг узоқни кўриб илгари сурган ва амалиётга татбиқ этилган концептуал гоялари, аниқ таклиф ва ташаббуслари мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатининг самарадорлигини оширмоқда. "Биз фарзандларимизнинг нафақат жисмоний ва маънавий соғлом

ўсиши, балки уларнинг энг замонавий интеллектуал билимларга эга бўлган, уйғун ривожланган инсонлар бўлиб, ХХI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган баркамол авлод бўлиб вояга етиши учун зарур барча имконият ва шароитларни яратишига ўз оддимизга мақсад қилиб қўйганмиз"<sup>156</sup>, деб таъкидлайди И.А. Каримов.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон аҳолисининг ижтимоий-демографик ҳолатига назар ташланса, унда ёшлар асосий ижтимоий-сиёсий куч эканлигини кўриш мумкин. Чунки мамлакатда ёшларнинг аҳоли таркибидаги салмоги 64,0 фоизни ташкил қилади<sup>157</sup>. Зеро, ҳар йили 600 мингдан зиёд<sup>158</sup> бутунлай янгича шарт-шароит ва муҳитда камол топган ёш авлод вакиллари катта ҳаётга йўлланма олаётганининг ўзи Ўзбекистон ёшлар давлати эканлигини яна бир қарра тасдиқлайди.

Миллат равнақи учун ҳамisha ҳам энг буюк бойлик бўлиб келган маънавиятнинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти беқийсдир. Дунёда ўзига яраша юксак салоҳияти, беназир нуфузига мос равишда ўрин эгаллаётган мустақил Ўзбекистон аталмиш давлат бўлиб, бу юртда ана шу номга муносиб миллат яшамоқда. Бу заминда унинг ота-боболари, авлод-аждодлари, буюк зотлари яшаб ўтган. Дунёда миллатлар кўп, улар ичида буюк ўтмишга эга бўлган ўзбек миллати ҳам бор. Жаҳон аҳли Ўзбекистонга қараб, бизнинг миллат сифатидаги қиёфамизни, ўзимизга хос бўлган бағрикенглигимиз ва юксак даражадаги маънавий камолотимизни кўради. Шунинг учун Президентимиз И.А. Каримовнинг "Соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш - келажаги буюк давлат пойдеворини қуриш, дунёда ўзимизга юксак обрў эгаллаш демакдир"<sup>159</sup>, деб таъкидлагани бежиз эмас. Ҳар бир миллатнинг маънавиятини шакллантиришда, энг аввало, беқийс таъсир кучига эга "бебаҳо бойлик бўлмиш илму маърифат, таълим ва тарбия инсон камолоти ва миллат равнақининг энг асосий шарти ва гарови"<sup>160</sup> сифатидаги ўрни катта.

<sup>156</sup> Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. 18-ж. -Т.: Ўзбекистон, 2010. -Б. 185.

<sup>157</sup> Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодийтимизни барқарор ривожлантириш йўлида. 16-ж. - Т.: Ўзбекистон, 2008. -Б. 163.

<sup>158</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизни янада обод этиш ва модернизация қилиш-ни қатъият билан давом эттириш йўлида. 21-ж. -Т.: Ўзбекистон, 2013. -Б. 94.

<sup>159</sup> Уша манба. -Б. 223.

<sup>160</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. -Т.:Маънавият, 2008. -Б. 60.

Ёшларнинг билим олиши, таълим-тарбияси, касбий тайёргарлиги масалалари Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат қуриш, фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, ушбу жараёнлар, яъни Ўзбекистонда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар самараси, юксак билимли ҳамда интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялашда давлатнинг роли, бу борада тушланган тажриба билан халқаро ҳамжамиятни кенг таништириш мақсадида 2012 йилнинг 16-17 февраль кунлари "Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш - мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti" мавзуида халқаро конференция ўтказилди. Унда қарийб 1000 нафар иштирокчи, жумладан, дунёнинг 48 давлати, 8 халқаро ташкилот ва таълим жамғармаларидан 270 нафар вакил иштирок этди<sup>161</sup>. Халқаро конференция очилиш маросимида Президент И.А. Каримов нутқ сўзлаб, Ўзбекистонда таълим соҳасини ислох қилиш, юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш бўйича 1997 йилда қабул қилинган ва дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилган "Таълим тўғрисида»ги қонун"<sup>162</sup> ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"<sup>163</sup>нинг асосий мақсад ва вазифалари, мазмун-моҳиятини қисқача баён этиб, "Бугунги кунда фақат юксак билимли, замонавий фикрлайдиган, интеллектуал ривожланган ва профессионал тайёргарликка эга бўлган ёшларгина сифатли, жадал ва инновацион тараққиётнинг энг муҳим шarti ва гарови бўла олиши, айнан улар мамлакатнинг буюк келажagini таъминлаши мумкин ..."<sup>164</sup>, деди.

Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида шахсни ҳар

---

<sup>161</sup> Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз-демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом этиш йўлидир. 20-ж. -Т.: Ўзбекистон, 2012. -Б. 177-197.

<sup>162</sup> // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997. 9-сон. -Б. 67-80.

<sup>163</sup> // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997. 9-сон. -Б. 80-94.

<sup>164</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизни янада обод этиш ва модернизация қилишни қатъият билан давом эттириш йўлида. 21-ж. -Т.: Ўзбекистон. 2013. -Б. 23.



томонлама камолга етказиш ва ривожлантириш энг муҳим вазифалардан биридир. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов раҳнамолигида ёшлар камолотини таъминлашга қаратилган кенг қамровли давлат сиёсати амалга оширилмоқда, бунинг натижаси ўлароқ, ҳар томонлама баркамол авлод шаклланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси демографик ҳолати бўйича ўзига хос жиҳатга эга. Марказий Осиёда Ўзбекистон аҳоли энг зич жойлашган мамлакат бўлиб, 2014 йилга келиб 31 миллион аҳолининг 60 фоизидан ортиғини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этиши муҳим аҳамият касб этмоқда<sup>165</sup>.

Ўзбекистон Республикасида мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб шахсни ҳар томонлама камолга етказиш ва ривожлантириш масаласига алоҳида ғамхўрлик кўрсатилиб, ёшларга оид қонун, қарор ва давлат дастурлари қабул қилинди ҳамда изчиллик билан ҳаётга татбиқ этиб келинмоқда. Бу сиёсатнинг мазмун-моҳияти, асосий йўналишлари, ёшларга бериладиган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий кафолатлар Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 20 ноябрда қабул қилинган "Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида" ги Қонунда<sup>166</sup> белгилаб қўйилган. Ушбу ҳуқуқий ҳужжат бош ислоҳотчи бўлган давлатнинг ёшлар масаласига доир асосий стратегик йўналишларини изчил ва тизимли равишда босқичма-босқич амалга оширишга имконият яратиб берди.

Мазкур Қонун асосида ёшларга оид давлат сиёсати амалга оширилар экан, 1991-1993 йилларда ёшлар ижтимоий кафолатини таъминлаш ва улар истеъдодини камол топтириш мақсадида 14 та фармон қабул қилинди. Уларда ёшларнинг моддий аҳволини яхшилашдан тортиб, истеъдодини моддий ва маънавий рағбатлантиришгача бўлган тадбирларни амалга ошириш белгилаб берилди.

Ушбу Қонунга кўра, ёшлар масаласи Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб, унинг мақсади ёшларнинг билим олиши, таълим-тарбияси, касбий тайёргарлиги, ижтимоий-сиёсий шаклланиши ва ка-

<sup>165</sup> Каримов И.А. Аждодларимизнинг бебаҳо мероси - абадиятга дахлдор маънавий хазинадир. // "Халқ сўзи" газетаси, 2014 йил 16 май.

<sup>166</sup> "Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида" - ги Қонун. // "Халқ сўзи" газетаси, 1992 йил 8 январь.

мол топиши, ижодий иқтидорининг тўлиқ рўёбга чиқиши учун ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратиш ҳамда уларни кафолатлашдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин мамлакат ёшларини бирлаштириш учун "Ёшлар иттифоқи" ташкилоти тузилган эди. У ўзини оқламагач, 1996 йилнинг 17 апрелида Ўзбекистон Республикаси ёшларининг "Камолот" жамғармаси тўғрисидаги Президент Фармони асосида янги ёшлар ташкилоти тузилди<sup>167</sup>.

2001 йил 25 апрель куни мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, иқтидор ва қобилиятларини рўёбга чиқариш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари ва дуч келган муаммоларни ҳал этишга кўмаклашишда алоҳида ўринга эга бўлган, ёшлар ташкилоти - Ўзбекистон Республикаси "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг<sup>168</sup> таъсис қурултойи бўлиб ўтди.

Таъсис қурултойда ҳаракатнинг Дастури ва Низоми қабул қилинди<sup>169</sup>. 2001-2008 йиллар давомида Ҳаракатнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, 12 та вилоят, 199 та туман (шаҳар) бўлимлари Кенгашлари, 17 мингдан ортиқ бошланғич ташкилотлари фаолият кўрсатди. 7 млн. 200 минг нафардан ортиқ 14 ёшдан 28 ёшгача бўлган ёшларнинг 4 млн. 600 минг нафардан ортиғи ёки 64 фоизи Ҳаракатга аъзо бўлиб кирди<sup>170</sup>.

Ҳаракат Низомига асосан, бошланғич ташкилотлар ёшларнинг ўқиш, иш ва хизмат жойларида ташкил этилади. Республика ёшларини бирлаштириб, кенг қамровли фаолият олиб бораётган янги шаклланган ушбу ёшлар ташкилоти баркамол авлодни тарбиялашда улкан ишларни амалга оширмоқда. Ҳаракат таркибида унинг ҳомийлиги асосида ишлайдиган, "Камалак" болалар ташкилоти 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган ўқувчиларни бирлаштирган бўлиб, 4,2 млн.дан ортиқ бола-

---

<sup>167</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви (ЎзР МДА). М-13-фонд, 1- рўйхат, 1- йиғмажилд, 10- варақ.

<sup>168</sup> "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати. Кейинги ўринларда "Ҳаракат" деб берилади.

<sup>169</sup> Ўзбекистон Республикаси "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг жорий архиви. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг 2001-2008 йиллар давомидаги фаолияти юзасидан ҳисоботи. 1-бет.

<sup>170</sup> Ўша манба.

лар ташкилотга аъзо бўлиб кирган<sup>171</sup>. "Камалак" болалар ташкилоти ўз фаолиятини "Олтин мерос", "Маънавият ва маърифат", "Умид", "Соғлом авлод", "Ватанпарвар", "Меҳр-шафқат" каби йўналишларда ташкил этган<sup>172</sup>.

Бутунги кунга келиб, Ҳаракат ўзининг ёшларга хос жушқин фаолияти, соғлом гоё ва ингилишлари билан ҳар бир йигит-қизнинг қалбидан чуқур жой олмақда. Бу Ҳаракат республика миқёсидаги йирик ёшлар ташкилоти сифатида шаклланиб, ўз атрофида 5,5 миллион, яъни мамлакатимиздаги 10 ёшдан 30 ёшгача бўлган барча ёшларнинг 56 фоизини ихтиёрий равишда 15 600 дан ортиқ таълим муассасалари ва меҳнат жамоаларидаги бошланғич ташкилотлари<sup>173</sup> орқали бирлаштириб, республикамиздаги энг йирик нодавлат ноижорат ташкилотларидан бирига ҳамда ёшлар сиёсатини амалга оширишда давлатнинг энг яқин ҳамкорига айланди. Ҳар бир бошланғич ташкилот фаолиятида унинг аъзолари - ёшлар кенг иштирок этиши, мунтазам равишда ҳисобот-сайловлар ўтказилиши, уларда етакчилар ёшлар томонидан, ўз ичидан сайланиши муҳим аҳамиятга эга. Бу улар онгига мактаб давридан демократик тамойилларнинг сингиб, уларнинг ижтимоий фаоллашуви ва ўзига бўлган ишончи ортиб боришига, мустақил фикрлайдиган, атрофидаги воқелик ва сиёсий жараёнларга бефарқ бўлмаган, кенг тафаккурли, сиёсий онги юксак фуқароларни тарбиялашга хизмат қилаётгир. Ҳаракат турли лойиҳалар орқали ёшлар орасига фаол кириб бормоқда. Ёшлар бандлигини ошириш, уларни касб-ҳунарга йўналтириш, оммавий таҳдидлар таъсиридан асраш, спортни оммалаштириш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш ҳаракат фаолиятининг устувор йўналишларига айланган. Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида мамлакатда турли фестиваллар, кўргазма ва ижодий танловлар ўтказилмоқда. Бир сўз билан айтганда, Ҳаракат ёшларнинг ҳар томонлама камол топишида муҳим ўрин тутмоқда.

---

<sup>171</sup> Ўша манба. 2-бет.

<sup>172</sup> Ўша манба. 3-бет.

<sup>173</sup> Ганиев Б. Ёшлар сиёсатини амалга оширишда ёшлар ҳаракатининг ўрни//Ўзбекистон Республикасида ёшлар сиёсатини амалга оширишнинг долзарб масалалари. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. - Т.: Маънавият, 2013. -Б. 5.



Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг ёшлар камолотини таъминлашга қаратилган кенг қамровли давлат сиёсати туфайли Ўзбекистонда баркамол авлод шаклланиши масаласига асосий эътибор қаратилди. Таълим ва тарбия инсон камолоти ва маънавиятини шакллантиришнинг энг асосий шarti ҳамда гарови, шу билан бирга, мамлакат ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ғоявий, маданий ҳаётининг муҳим бўғини ҳисобланади. Ёш авлодни ижодкорлик руҳида тарбиялаш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш тараққиётимизнинг муҳим омили экани "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури"да ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилган. Айниқса, дастурда ёш авлодни ижодкор этиб тарбиялаш ҳамда уларни ижод қилишга бўлган мойилликларини ўстиришга катта эътибор берилган. Президент таъкидлаб ўтганидек, "Бугунги кунда олдимизга қўйган буюк мақсадларимиз, эзгу ниятларимизга эришишимиз, жамиятимизнинг янгиланиши, ҳаётимизнинг тараққиёти ва истиқболи амалга ошираётган ислоҳотларимиз, режаларимизнинг самараси, тақдири - буларнинг барчаси, авваламбор, замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали, онгли мутахассис-кадрлар тайёрлаш муаммоси билан чамбарчас боғлиқлигини барчамиз англаб етмоқдамиз".<sup>174</sup> Ушбу фикрлар илм-фан, таълим, илмий-тадқиқот ва технологик фаолият соҳаларида ёш кадрлар томонидан амалга ошириладиган илмий ижодиётни, унинг қонуниятлари ва механизмини ўрганиш замон талаби эканлигини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди.

Ўзбекистон ёшлари мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий муносабатларни шакллантиришда етакчи куч бўлиб, уларнинг интилишлари, муаммолари ҳамда Ўзбекистонда ислоҳотларни амалга оширишдаги иштирокини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 28 августдаги "Ўзбекистон ижодкор ёшларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони<sup>175</sup>, Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 28 октябрда "Ўзбекистонда театр ва музика санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғриси-

<sup>174</sup> Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Т.: Ўзбекистон, 1997. - Б. 5-6.

<sup>175</sup> XXI аср: истиқболимиз тимсоллари. - Т.: Ўзбекистон, 2001. - Б. 188.

да" қарори қабул қилинди. Мазкур ҳужжатлар мамлакатимиз маънавий маданияти ривожда катта аҳамиятга молик бўлиб, натижада минглаб иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг истеъдодини рўёбга чиқариш, ижтимоий-маданий ҳаётини янада яхшилаш имкони туғилди. "Шарқ тароналари", "Симфоник мусиқа", "Тошкент баҳори", "Шарқ ва Ғарб" каби мусиқа ва театр фестиваллари, тасвирий санъат асарлари кўргазмалари ҳамда халқаро кўрик-танловларда республика ёшлари юқори ўринларни эгалладилар<sup>176</sup>.

Ўзбекистонда 2012 йилда ёш иқтидорларни тарбиялаб вояга етказиш мақсадида 3 та олий таълим муассасаси, 20 та санъат ва маданият коллежлари, академик лицейлар фаолият олиб борди. Уларда 15 минг 441 нафар ўқувчи ва талабалар таълим олмоқда<sup>177</sup>.

Мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар ва тараққиёт даражамиз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини янада кенг ривожлантириш иқтисодиётимизни тараққий эттиришдаги муҳим омил эканлигини кўрсатди. Бугунги кундаги энг муҳим ва долзарб масалалардан бири аҳолини, аynиқса, ёшларни иш билан таъминлашдан иборат. Бу эса, ўз навбатида, мазкур соҳани ривожлантириш қулай тадбиркорлик муҳитини яратиш билан чамбарчас боғлиқ.

Истеъдодли ва иқтидорли ёшларни моддий рағбатлантириш ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш салоҳиятли ёшларнинг келажакда юртимиз равнақи йўлида собитқадамлик билан фаолият юритишларини таъминлашнинг муҳим шарти ҳисобланади. Шу мақсадда мамлакатимизда ёшларни моддий рағбатлантириш ва маънавий қўллаб-қувватлашнинг самарали тизими шаклланди. Истеъдодли ёшларни излаб топиш, уларга қўмаклашиш, уларнинг қобилияти ва истеъдодини ўстириш бўйича махсус жамғармалар ташкил этилди. Ёшларни рағбатлантириш мақсадида олий ўқув юртларида бакалавр, магистр ва ёш тадқиқотчилар учун давлат стипендияларининг турли шакллари жорий этилган. Уларнинг энг

---

<sup>176</sup> ЎзР МДА. М-7- фонд. 1- рўйхат, 1- йиғмажиш, 33- варақ.

<sup>177</sup> Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги жорий архиви материаллари.

юқори даражадагиси Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендиясидир. Ушбу стипендия 11 йўналиш бўйича бакалавр ва магистрларга ҳамда 5 йўналиш бўйича ёш илмий ходимларга берилади. Бакалаврлар учун муайян йўналишлар бўйича Алишер Навоий, Улуғбек, Беруний, Ал-Бухорий, Ибн Сино номидаги давлат стипендиялари ҳам мавжуд<sup>178</sup>.

Мустақиллик йилларида мамлакатда ёш оилалар манфатларини таъминлаш давлат сиёсатининг муҳим йўналишига айланди. Президент Ислам Каримов томонидан 2007 йил 18 майда қабул қилинган "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармон<sup>179</sup> ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни янада кучайтиришга йўналтирилган эзгу ишларнинг мантқиқий давомидир. Шунингдек, 2012 йилга "Мустақкам оила йили" деб ном берилиши, бутун замон талаб этаётган оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, Оила кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, "Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида"ги ва шунга ўхшаш бир қатор қонунлар қабул қилиш шулар жумласидан. Шу йили оила, биринчи навбатда, ёш оилаларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, уларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш, моддий ва маънавий жиҳатдан кенг қўллаб-қувватлаш каби ўта муҳим масалалар диққат марказда бўлди. Ана шу мақсадда "Ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида"га ҳукумат қарори қабул қилинди. Ўзбекистонда шу йили 2 минг 400 та квартира фойдаланишга топширилган, ана шу уйларни сотиб олишда қулай имконият яратиш учун минглаб ёш оилаларга 15 йил муддатга мўлжалланган 210 миллиард сўмга яқин имтиёзли ипотека кредитлари берилди. Оилаларнинг фаровонлиги ва даромад манбаларини ошириш учун тижорат банклари томонидан қарийб 80 миллиард сўмга яқин, касб-ҳунар коллежлари

---

<sup>178</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий ва урта махсус таълим вазирлиги жорий архиви. Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармасининг 1993-2008 йил ҳисоботлари.

<sup>179</sup> Ёшларга оид Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ҳужжатлар тўплами. - Т.: 2008. -Б. 16-18.



битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини молиялаштириш учун эса салкам 47 миллиард сўм миқдорда микрокредитлар ажратилди.<sup>180</sup> Ёшларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, рағбатлантириб борилиши, умуман, истеъдодли ёшларга берилаётган эътибор уларнинг ҳаётга қизиқишларини кучайтиради, ижодий ва илмий фаолиятга, тадбиркорликка жалб этилганлар сафини янада кенгайтириш имконини беради. Бу эса республикада олиб борилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг энг яхши самараларидан биридир.

Мустақил Ўзбекистондаги ижтимоий ўзгаришлар ёш авлоднинг жамиятдаги ўрни масаласига янгича ёндашишни тақозо этмоқда. Мамлакат интеллектуал ва маънавий салоҳиятини юксалтиришдан манфаатдор эканлиги, глобаллашув шароитида билимлилик мамлакатни иқтисодий ривожлантириш ва унинг миллий бойлигини кўпайтиришнинг муҳим таркибий қисмига айланиб бораётганлиги, аҳолининг юксак маънавий даражаси эса ёшларда ҳуқуқий маданиятни, эркин ва демократик ҳуқуқий давлатда яшаш ҳамда меҳнат қилиш қобилиятини шакллантириш, ўз ҳуқуқ ва эркинликларини англаш, улардан шахс, давлат ҳамда жамият манфаатлари йўлида фойдаланиш имконини беради. Ёшларнинг маънавий даражаси юқори бўлган тақдирдагина улар ижтимоий ҳаётнинг тараққиёт қонунларини, ҳуқуқий давлат моҳиятини ва унинг инсониятга адолатли ҳаёт кечиришда ягона кафолат эканлигини чуқур идрок этиши мумкин.

Президент И.А. Каримов "Бугунги кунда давлат ва жамият тараққиёти билан бевосита боғлиқ бўлган, кенг қамровли мақсадларни амалга оширишда ҳал қилувчи ўрин эгаллайдиган, ўта мураккаб, оғир синов ва қийинчиликни енгишга қодир, "янги ва замонавий шароитларда вояга етаётган, эски тузумнинг барча асоратларидан ҳоли бўлган, ўз келажагига қатъий ишонадиган, юксак билимли, мустақил фикрлайдиган, баркамол ўғил-қизлар ҳақли равишда бизнинг гуруримиздир"<sup>181</sup>, деб таъкидлайди. Бинобарин, ҳуку-

---

<sup>180</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизни янада обод этиш ва модернизация қилишни қатъият билан билан давом эттириш йўлида. 21-ж. -Т.: Ўзбекистон, 2013.-Б.100.

<sup>181</sup> Ўша манба. -Б. 288.

матимиз ёшлар билан ишлашда, энг дадил истиқбол режаларини тузишда асосий эътиборни, аввало, уларни табиатимизга бегона бўлган ғаразли оқимлардан асраб, замонавий билим ва тажрибага, интеллектуал салоҳият ва илғор технологияларга эга, маънавий юксак, комил инсонлар этиб воёга етказиш, уларнинг жамиятда ўз олдига қуйган стратегик мақсадларига эриша олишига, "XXI аср - билим ва тафаккур асри" талабларига мос бўлишига ва бундай ҳаётда муносиб ўрин эгаллашига қаратади.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш лозимки, таълим ва тарбия инсон камолоти ҳамда маънавиятини шакллантиришнинг энг асосий шarti, шу билан бирга, мамлакат ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ғоявий, маданий ҳаётининг муҳим тармоғи ҳисобланади. Чунки, жамият тараққиёти маънавий етук ва ахлоқан баркамол ёшларни тарбиялаш билан бевосита боғлиқдир. Модомики, юртимизнинг эртанги кунини, тақдири бугун таълим масканларида улғаяётган миллионлаб ёшлар қўлида эканини кўз олдимизга келтирсак, Президентимизнинг ёш авлод тарбиясини давлат сиёсатининг етакчи масалаларидан бири даражасига кўтарганининг моҳияти аён бўлади. Зеро, Юртбошимизнинг 2014 йил 6 февралда эълон қилинган "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш, юксак маънавиятли, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни воёга етказишга қаратилган ёшларга оид давлат сиёсатини кенг қамровли, изчил ва жадал суръатда давом эттиришда дастуриламал бўлмоқда.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ёшларга оид сиёсат, бу - келажак учун қайғуриш, келгуси авлод учун ғамхўрликнинг ёрқин намунаси бўлиб қолмоқда. Зеро, мустақил Ўзбекистоннинг буюк келажағи ёшлар — бизнинг эртанги кунимиз, умидимиз, ишончимиздир. Уларнинг давлат томонидан ҳимоя қилиниши, ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши - юксак ишонч эканлигини ҳам унутмаслик керак.

Мустақиллик туфайли суверен давлат ва адолатли жамияти барпо этиш борасида қарийб чорак асрлик шарафли тарихий йўл босиб ўтилади. Давлат ва фуқаролик жамият институтлари (сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари)нинг ҳамкорлиги ва ижтимоий шерикчилигини таъминлашга қаратилган комплекс демократик ислохотлар амалга оширилиши самарисида мамлакатимизда кўппартиявий тизим, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини таъминлашнинг конституциявий-ҳуқуқий механизми ва самарали институционал тузилмалари шакллантирилишига эришилди. Сиёсий плюрализм жамият ҳаётининг ажралмас қисмига айланди. Замонавий ахборот технологиялари тизими, "электрон ҳукумат" шаклланди, фуқароларнинг ахборот излаш, уни олиш ва фойдаланиш ҳуқуқлари қатъий кафолатларга эга бўлди. Оммавий ахборот воситаларининг эркин фаолият кўрсатиши учун зарур қонунчилик кафолатлари ва ижтимоий шарт - шароит яратилди.

Фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнларида хотин - қизлар ва ёшларнинг ўрни ва иштирокига алоҳида эътибор қаратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Хотин-қизларнинг давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирок этиши таъминланмоқда. Оила институтини ривожлантириш, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, ёшларни маънан етук ва баркамол қилиб тарбиялашга оид мақсадли дастурлар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Миллатлараро муносабатлар конституциявий асосга эга бўлди, фуқаролар ўртасида тинчлик ва миллатлараро тотувлик ўзаро тенглик, ҳурмат ва байналмилалчилик асосида таъминланмоқда. Диний бағрикенглик, диний конфессиялараро муроса, келишув ва ҳамкорлик ижтимоий ҳаёт мезонига айланди.

Буларнинг бари мустақиллик маҳсули ва ижтимоий, маънавий-маданий соҳаларда олиб борилаётган оқилона сиёсатнинг, давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётган "ўзбек модели" дастурининг самараси бўлди.



#### **IV боб. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш, янги иқтисодий муносабатларнинг шаклланиши ва иқтисодий мустақилликнинг мустақкамланиши**

##### **4.1. Бозор муносабатларига ўтишнинг миллий модели: эволюцияси, хусусиятлари ва устувор йўналишлари**

Ўзбекистоннинг ҳаёти деярли 130 йил мобайнида чор Россиясига, Совет тузумига, ҳокимият тепасига келиб-ке-тиб турган раҳбарларнинг гайриинсоний сиёсатиغا, жамиятдаги ҳукмрон партия тутган йўлга боғлиқ бўлган.

Совет Иттифоқи ўз моҳияти билан унитар империя бўлиб, бошқарувнинг фақат маъмурий-буйруқбозлик усуллари-дан фойдаланди. Ундаги раҳбарлик вазифаси географик, сиёсий, иқтисодий ва этник жиҳатдан Россия қўлида мужассамлашди. Шунга биноан, марказ билан этник чекка жойлар (шу жумладан, Ўзбекистон ҳам) ўртасидаги муносабатлар, асосан, марказга мутлоқ бўйсунуш ҳолатида бўлиб келди<sup>1</sup>.

Мустабид тузум даврида давлат мамлакат бошқарув тизимидан тортиб, одамларнинг кундалик турмушига дахлдор бўлган барча катта-кичик масалаларни ҳал этишни ҳам ўз зиммасига олгани учун мамлакат тараққиёти сушлашиб, халқ турмуш даражаси кундан-кунга пасайиб борган. Давлатлаштирилган иқтисод дефицитли иқтисодга айланди. Мустақиллик арафасида энг зарур товарларнинг илгари сезилмаган тақчиллиги шиддат билан кучайиб борди. Дефицит замонавий товарлар у ёқда турсин, ҳатто кундалик эҳтиёж товарларни ҳам қамраб олди, инфляция жараёни кучайди. Иқтисодиётдаги объектив қонуниятларнинг кўр-кўрона инкор этилиши ишлаб чиқаришнинг ўсишига салбий таъсир

---

<sup>1</sup> Қаранг: Абдуллаев Ш.М. Этносоциальные и этнополитические процессы в Ферганской долине. (Основные проблемы, тенденции и противоречия. 70-80-е годы XX в.) Автореф. Дисс... док.ист. наук. - Т.: 1994. -С.12.

қилиб, тангликни келтириб чиқарувчи омилларнинг зўрайишига шароит яратди. Мулкка нисбатан давлат монополиясининг ўрнатилиши, товар-пул муносабатларидан оқилона фойдалана билмаслик, унинг ўрнига маъмурий тақсимлашга асосланган партия-давлат бошқарув тизимининг чексиз ҳукмронлиги халқнинг бунёдкорлик хислатлари йўлида тўғаноқ бўлди. Натижада, собиқ Иттифоқда йиллар давомида шакланган хўжалик алоқаларининг узилиши ишлаб чиқариш даражасининг ниҳоятда пасайиб кетишига олиб келди.

Иттифоқ таркибидаги давлатлар ичида, айниқса, Ўзбекистоннинг бир ёқлама иқтисодиёти билан мавжуд вазиятдан чиқиб кетиши анча қийин эди. Чунки республикада кўп йиллар давомида шакланган халқ хўжалиги таркиби, яъни унда пахта яккаҳоқимлигининг ўрнатилгани, хом ашё ресурсларининг Иттифоқ эҳтиёжлари учун аёвсиз ишлатилиши, технологик жиҳатдан охирига етказилмаган ва ишлаб чиқаришнинг хом ашё ёки ярим тайёр маҳсулотни тайёрлашга мослаштирилгани, аксарият саноат, ҳатто озиқ-овқат маҳсулотларининг четдан келтирилиши ва бошқа бир қатор сабаблар республиканинг марказга қарамлигини мустаҳкамлаб, импорт маҳсулотларга бўлган эҳтиёжнинг ортишига олиб келди.

Республикада юзага келган бундай ҳолатни Президент Ислом Каримов таҳлил қилиб, шундай деган эди: "Бир неча ўн йиллар давомида республикада сценарийси узоқ марказда тўқилган қарорлар амалга оширилди, "кампания"лар ўтказилди. Ўзбекистоннинг чинакам манфаатлари, ўзига хос шароити ва имкониятлари писанд қилинмади. Натижада халқ хўжалигининг нуқсонли, бир томонлама хом ашё тузилмаси шаклланди. Республика айрим хом ашё турларини, ёқилғи, асбоб-ускуналар ва технологиянигина эмас, балки ҳаётий муҳим озиқ-овқат маҳсулотларини, халқ истеъмоли молларини четдан келтиришга мажбурдир"<sup>2</sup>.

---

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-ж. - Т.: Ўзбекистон, 1996. - Б. 61.

Мустамлакачилик сиёсати оқибатида Ўзбекистон иқтисоди заиф бўлгани ҳолда, ўз еридаги бойликни ўзи тасаруф этиш ҳуқуқидан ҳам маҳрум эди. Ўзбекистоннинг ер ости бойликлари умумиттифоқ мулки деб қаралар, ҳатто, "...олтин, қимматбаҳо ва рангли металлар, стратегик аҳамиятга эга материаллар, жаҳон бозорида ўта харидоргир бўлган бошқа қимматбаҳо маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотишдан келадиган фойда Ўзбекистон хазинасига тушмас эди"<sup>3</sup>. Фақат совет даврининг сўнгги 15 йили ичида "... камида 35 миллиард долларлик бойлик - пахта ва олтин Марказ эҳтиёжи учун олиб чиқиб кетилган"<sup>4</sup>. Улар Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига хизмат қилмас эди, албатта.

Боз устига, бу даврга келиб марказ ўзининг кўплаб нуқсонларини яшириш ва мамлакатдаги мавжуд етишмовчиликларни ўз бўйнидан соқит қилиш мақсадида, озиқ-овқат, халқ истеъмоли моллари ва моддий ресурслар билан таъминлашни иттифоқдош республикалар зиммасига мажбуран юклаган эди. Бу ҳол азалдан шаклланган хўжалик алоқаларининг бузилишига, товар айирбошлаш тадбирларининг натура (маҳсулот билан айирбошлаш) шаклига ўтишига олиб келди, минтақавий хўжалик юритиш гоёсини вужудга келтирди ва ғайриинтеграцион жараёнларга туртки бўлди.

Йиллар давомида тўпланиб қолган ва ҳал этилмаган ана шундай ижтимоий-иқтисодий ва экологик муаммолар охиروқибатда республикада танглик ҳолатини юзага келтирди. "Бугун очиқ айтаверсак ҳам бўлади, 1991 йилнинг охири ва 1992 йилнинг бошида кўп нарсаларда узилиш бўлиб, жуда оғир аҳволга тушиб, нақ очарчилик остонасида турар эдик"<sup>5</sup>.

Ўзбекистонни бундай иқтисодий тангликдан тараққиёт йўлига чиқариш учун мамлакат иқтисодий тизимини янгилаш, эски мустабид-режали иқтисоддан янги бозор иқтисо-

<sup>3</sup> Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-ж. - Т.: Ўзбекистон, 1999. - Б. 371.

<sup>4</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-ж. - Т.: Ўзбекистон, 1996. - Б. 188.

<sup>5</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-ж. - Т.: Ўзбекистон, 1996. - Б. 3.



дига ўтиш тақозо этиларди. Шундай ўта оғир вазиятда, Ислом Каримов Ўзбекистон раҳбари этиб сайланганининг эртаси куниёқ, 1989 йил 24 июнда, ҳукумат мажлисида нутқ сўзлаб, республикада вужудга келган мураккаб ижтимоий-иқтисодий вазиятга объектив баҳо беради ва унинг келиб чиқиш сабабларини чуқур таҳлил қилиб, шундай мантиқий хулоса чиқаради: "Биз бундан буён эскича яшолмаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймайди"<sup>6</sup>. Президентнинг бу хулосасида Ўзбекистоннинг истиқболи учун ҳар қандай синов ва машаққатларни енгиб ўтиш, бу борада бутун масъулиятни ўз зиммасига олишга тайёр эканлиги яққол ифодаланган.

Ислом Каримов раҳбарлигида Ўзбекистоннинг шароити ва манфаатлари ҳисобга олинган ҳолда янги дастурлар қабул қилинди. Ўзбекистоннинг янги тарихида биринчи дастур 1990 йил октябрь ойида, Ўзбекистон ССР Олий Советининг учинчи сессиясида қабул қилинди, у "Ўзбекистон халқ хўжалигини барқарорлаштиришнинг асосий йўналишлари ва бозор иқтисодига кириб боришнинг тамойиллари", деб номланади.

Бу ҳужжатда қуйидаги чора-тадбирлар белгиланди:

- аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг давлат тизимини барпо этиш;
- республика фуқароларининг ҳамжиҳатлигини таъминлаш, миллатлараро дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш;
- Ўзбекистоннинг бошқа республикалар билан бўладиган иқтисодий муносабатларини тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли асосда қайта қуриш;
- бошқаришдаги буйруқбозлик усулидан воз кечиб, иқтисодий, яъни манфаатни ҳисобга оладиган бошқариш усулларига ўтиш;
- молия-кредит ва солиқ тизимини қайта кўриб чиқиб, иқтисодий тараққиётни таъминловчи янги молиявий воситаларни ишга солиш;

---

<sup>6</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. - Т.: Ўзбекистон, 2011. - Б. 32-45.

- турли мулкчилик шакли ва ҳўжалик юритишга ўтиш;
- суверен ва бевосита ташқи иқтисодий алоқаларни ўрна-тиш;
- ўз табиий ва моддий ресурсларига таянган ҳолда ишлаб чиқаришнинг бир ёқлама ривожланишига чек қўйиш ва бу ишларнинг комплекс боришини таъминлаш.

Дастурда юқорида санаб ўтилган чора-тадбирларни 3 босқичда амалга ошириш мўлжалланган эди:

биринчи босқич - иқтисодиётни барқарорлаштириш юзасидан дастлабки фавқуллодда тадбирларни амалга ошириш ва ислохотларга илк қадам қўйиш (1990-1992 йиллар);

иккинчи босқич - бозор иқтисодиётининг асосий белгиларини шакллантириш, унга асос солиш (1992-1993 йиллар);

учинчи босқич - бозор механизми, яъни янги ҳўжалик юритиш усуларини кенг қўлоқ ёйдириш (1994-1996 йиллар).

Бу дастурда етти йил давомида Ўзбекистонда бозор иқтисодиётини шакллантириш назарда тутилган бўлиб, уни сиёсий мустақиллик йўлидан қайтмаган ҳолда, собиқ Иттифоқнинг иқтисодий тизими доирасида, унинг салоҳиятидан фойдаланган ҳолда амалга ошириш режалаштирилган эди. Ушбу дастур амалга ошмаган бўлса-да, ютуқ ва камчиликларидан қатъи назар, Ўзбекистон раҳбариятининг мавжуд ҳолат юзасидан ўз позицияси борлиги ҳамда таназзул аломатлари кучайган ва бошбошдоқлик авж олган даврда, биринчи навбатда, унда республика аҳолисининг манфаати устуворлиги алоҳида кўрсатилиши муҳим аҳамият касб этади. Ушбу ҳужжатнинг тарихий аҳамияти ҳам ана шундадир.

Ўзбекистоннинг энг янги тарихида мамлакатнинг аниқ ва пухта ривожланиш стратегияси мустақилликка эришилганидан сўнг ишлаб чиқилди ва изчиллик билан амалга оширилмоқда. Таъкидлаш жоизки, истиқлолга эришилганидан сўнг нафақат аввалги тузум даврида шаклланган, балки, қўлаб янги, ўтиш даври билан боғлиқ муаммолар ҳам юзага қалқиб чиқди. Бу, албатта, ижтимоий-иқтисодий соҳада қатор долзарб муаммоларни ҳал қилиш, бозор муносабатларига мос инфратузилмани шакллантириш, иқтисодиётда чуқур тузилмавий ўзгаришларни амалга ошириш, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришни талаб қилар эди. Ижтимоий-иқтисодий жараёнларни бошқаришнинг маъмурий-

буйруқбозлик тизимидан эркин бозор муносабатларига асосланган моделига ўтиш эҳтиёткорлик ва секин-асталик билан амалга оширилиши керак эди.

Ушбу моделнинг асосий тамойиллари, уни амалга ошириш йўллари, бошқичлари Президент Ислон Каримов томонидан ишлаб чиқилди ва у илмий асосланган машҳур беш тамойилда ўз аксини топди. Бу тамойиллар умумлашган ҳолда 1993 йилда Ислон Каримовнинг "Ўзбекистон: бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли" асарида эълон қилинди.

Биринчи тамойил - иқтисодиётнинг сиёсатга нисбатан устуворлигини таъминлаш. Бу қоида иқтисодий фаолият ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари учун пойдевор вазифасини ўташини, яъни Ўзбекистонда иқтисодиёт ижтимоий тараққиётнинг асоси бўлишини аниқлатади. Тамойилда иқтисодиётнинг ўзига хос объектив қонунлари мавжудлиги, уларни эътиборга олмасдан иш юритиш мумкин эмаслиги акс этган. Иқтисодий қонунларнинг объективлигини тан олиб, хўжалик фаолиятини улар талабига мос ҳолда юритиш - ўтиш даври учун муҳим аҳамиятга эга эканлиги қайд этилган. Иқтисодиёт ўз қонунларига эга бўлгани сабабли уни сиёсий курашлар, турли мафкуралар қурбонига айлантириш мумкин эмас. Иқтисодиёт мафкуравий тазйиқларсиз, ўзига хос ички қонунларга мувофиқ ривожланиши лозим. Бироқ, бу иқтисодиётга сиёсат таъсиридан тамомила холи деб қарашни билдирмайди. Ўзбекистондаги тараққиёт заруратидан келиб чиққан сиёсат иқтисодиётга фаол таъсир қилиши лозим бўлади.

Иккинчи тамойил - давлат бош ислохотчи бўлиши лозим. Давлат ислохотларнинг устувор йўналишларини белгилаб бериши, уларни амалга ошириш йўлларини ишлаб чиқиши ва унга изчиллик билан риоя этиши, эскилик тарафдорлари қаршилигини бартараф этиши шарт. Бу қоида маданий бозор иқтисодиёти концепциясига таянади. Ўзбекистон мустабид-режали, маъмурий-буйруқбозлик услубида бошқарилган иқтисодиётдан эркин демократик иқтисодиёт томон борар экан, Фарб мамлакатлари асрлар давомида бошидан кечирган тарихий жараёнини ўташи шарт эмас. Фарбда "беаёв ва тартибсиз" бозор иқтисодиёти "ёввойи капитализм" номини олган ва узоқ давр амалда бўлган.



Ўзбекистонда эса маданий бозор иқтисодиётига тартибли равишда ўтиш маданий рақобатни шакллантириши, шериклик алоқалари, иқтисодий барқарорликнинг устун бўлиши, оммавий фаровонлик каби белгиларга эга бўлиши керакки, уларни давлатнинг иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Иккинчи тамойил давлат иқтисодиётга минимал даражада аралашиб, уни ўз ҳолига қўйиши зарур, деган ғояларни инкор этади ва давлатнинг бу борада фаоллигини билдиради. Жаҳонда давлатнинг иқтисодий соҳалаги функциясига оид тўпланган тажриба демократик жамиятда давлатдан ўзга умуммиллий манфаатни ифодаловчи сиёсий институт бўлмаслигини кўрсатди.

Учинчи тамойил - қонунлар ва уларга риоя қилишнинг устуворлигини таъминлаш. Бунинг маъноси шуки, демократик йўл билан қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларини ҳеч қандай истисносиз ҳамма ҳурмат қилиши ва уларга сўзсиз риоя қилиши лозим. Бу тамойилга кўра, қонунлар сиёсий ҳокимиятни таъминловчи куч, уларга жамият аъзоларини юридик қонунларга бўйсундирувчи механизм сифатида қаралади. Қонунлар ва қонуности ҳужжатлар барчанинг фаолиятига тегишли, аммо улар ҳам эскиради, уларни ҳаёт тақозосига кўра янги қонунлар билан алмаштириш зарур, яъни қонунчиликка ижодий ёндашув талаб қилинади. Иқтисодий ҳаётга хос бўлган ўзгарувчанлик юридик қонунларни ҳам ўзгартиришни талаб қилади. Учинчи тамойил талаблари янгича қонунчиликни яратишни тақозо этадики, бу, биринчидан, Ўзбекистоннинг миллий мустақиллигини, иккинчидан, бозор ислохотларини амалга ошириш учун ҳуқуқий база яратади. Учинчи тамойил сиёсий тизимнинг бозор иқтисодиёти талабларига монанд тарзда демократлашувини билдиради. Бу тизим шароитида инсон ҳуқуқлари, эрки, фаровонлигини таъминлаш бош вазифага айланади.

Тўртинчи тамойил - фаол ижтимоий сиёсат олиб бориш. Ўзбекистонда бозор муносабатларини жорий этиш билан бир вақтда, аҳолининг демографик ҳолатини ҳисобга олган ҳолда, уни ижтимоий ҳимоялаш юзасидан олдиндан таъ-

сирчан чоралар кўриш лозим бўлади. Бу тамойил иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларнинг диалектик алоқадорлигига таянган ҳолда социал сиёсат юритиш зарурлигини асослайди. Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиёти ижтимоий соҳанинг моддий базасини мустаҳкамлаши, ижтимоий соҳанинг ривожланиши эса инсон омилини фаоллаштириб, иқтисодиётга кучли таъсир кўрсатиши зарур. Икки соҳанинг диалектик алоқадорлиги ишлаб чиқаришнинг моддий ва инсоний омиллари яхлитлигидан келиб чиқади. Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш модели бозор иқтисодиётидаги ижтимоий йўналтирилган, халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилган бозор ҳужалиги бўлишини англатади. Шу мақсад йўлида юритиладиган ижтимоий сиёсатнинг кучлилиги ижтимоий адолатни таъминлаши, кишиларда боқимандалик кайфиятини бартараф этиши ва уларда фаолликни юзага келтириши билан жамиятдаги социал иноқлик, социал гуруҳлар ўртасидаги мувозанатни таъминлашни билдиради. Бу сиёсат инсон омилини кучайтириб, шу орқали иқтисодий тараққиётга кучли таъсир этади.

Бешинчи тамойил - бозор иқтисодиётига аста-секин, босқичма-босқич ўтиш. Бу тамойил Ўзбекистон моделининг тамал тоши, унинг асосий мезонидир. Бозор иқтисодига ўтиш - мавжуд иқтисодий тузумни таъмирлаб такомиллаштириш эмас, балки тамоман янги бозор тизимини яратишни билдиради. Бу йўл революцион эмас, балки эволюцион йўлдир. Бу ўтиш даври бир қанча босқичларни ўз ичига олувчи узоқ давр эканини билдиради ва одамлар учун мутлақо янги ҳаёт фалсафаси ҳисобланади. Мазкур тамойилга биноан ислохотлар тадрижий йўл билан, улар мустабид-режали иқтисоддан секин-аста бозор тизимига ўтишини, аммо бу талофатсиз, ларзаларсиз бўлишини билдиради. Шошма-шошарлик билан бозор қоидаларини ҳаётга жорий этиб бўлмайди. Бунинг учун тайёргарлик ва муайян вақт талаб қилинади. Бозор муносабатлари шаклланиб улгурмаган шароитда мавжуд алоқаларни бузиб юбориш иқтисодни издан чиқариши, аҳоли турмуш даражасини кескин пасайтириб, социал туқнашувларга олиб келиши мумкин. Шу сабабдан ислохотлар эволюцион тарзда ва шароитга қараб кетма-кет ўтказилиши

керак. Секин-асталик ва эҳтиёткорлик қويدаси "фалаж терапияси" тамойилини инкор этади. Бу Ўзбекистоннинг янги тузумга, бозор иқтисодиётига ўтишдаги ўзига хос хусусиятга эга бўлган миллий йўли эди.

Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов ишлаб чиққан миллий модель ўзига хос бўлиб, унда бозор иқтисодиётининг маълум бир тури ёки муайян бир давлат йўли тўғридан-тўғри кўчириб олингани йўқ. Уни танлашда мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий шароити ва салоҳиятидан, халқимизнинг тарихи, миллий урф-одатлари, диний эътиқодидан келиб чиқилди. Бунда кўплаб ривожланган давлатлар тажрибаси мукамал ўрганилди ва инобатга олинди.

Дунё амалиётида ўтиш даври учун мукамал моделнинг узи йўқ. Негаки, бир давлатнинг йўли бошқалар учун мутлақо тўғри келмаслиги мумкин. Ҳар бир мамлакат ўзига хос сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, геополитик ва табиий-географик шароитга эга. Шу маънода, ҳар бир давлат ўз иқтисодий ривожланиш моделига эга бўлиши керак.

Амалда "Ўзбек модели" атамаси Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда барқарор ривожланаётган давлатлардан бирига айланиши билан боғлиқ тарзда пайдо бўлди. Мутахассислар томонидан ушбу атама 1993 йилдан қўллана бошлади, чунки шу даврдан бошлаб Ўзбекистонда олиб борилаётган кенг қамровли иқтисодий ислохотлар ўзида иқтисодий ўсиш билан ҳамроҳанг тарзда ижтимоий-сиёсий барқарорликни муҳассамлаштирган эди. Бу, айниқса, собиқ Иттифоқ парчаланган даврнинг дастлабки йилларида кўзга ташланарди. Албатта, ҳар қандай прогрессив ғоянинг эволюцияси бўлгани каби, Ўзбекистон раҳбари томонидан таклиф этилган ривожланиш концепцияси, ислохотларнинг кўлами йўналишларидан келиб чиққан ҳолда такомиллашиб, чуқурлашиб бормоқда.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг назарий асослари, стратегик мақсадлари, устувор йўналишлари, муаммолари ва уларнинг ҳал этиш йўллари дастлаб, Президент Ислам Каримовнинг "Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли", "Ўзбекистон — келажаги буюк давлат", "Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли", "Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисо-



дий истиқболиннинг асосий тамойиллари" асарларида ўз ифодасини топди. Кейинчалик ушбу концепция "Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида", "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари", "Ўзбекистон XXI асрга интиломда", "Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари", "Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишидир" каби асар ҳамда маърузаларда такомиллаштирилди.

Таҳсиллар ҳозирги давргача ўзбек модели ўз ривожланишида бир неча босқични босиб ўтганини кўрсатмоқда.

Биринчи босқич ўз ичига 1989-1991 йилларни қамраб олади, яъни бу даврда собиқ Иттифоқ таркибига кирган ҳар бир республика ўз имконияти ва умумиттифоқ тақсимотидан келиб чиқиб, минтақавий хўжалик ҳисобига ўтмоқда эди. Бу борадаги асосий муаммо мажбуран жорий этилган социалистик муносабатлар ва Ўзбекистоннинг реал имкониятлари ўртасидаги зиддиятларда ўз ифодасини топди.

Иккинчи босқич мустақилликнинг илк даври (1991-1993 йиллар), яъни ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини излашнинг энг мураккаб ва қийин палласи ҳисобланади. Ўз тараққиёт йўлини топиш Ўзбекистон учун яна шу билан мураккаб эдики, кўплаб Европа давлатларидан фарқли ўлароқ, халқимиз ўзига хос эксперимент объектига айланган эди. Нокапиталистик муносабатлар ҳукмронлик қилган давр республика иқтисодиётининг ривожланишида салбий оқибатларни келтириб чиқарди, чунки бунинг натижасида пишиб етилмаган, мажруҳ ҳолатдаги ишлаб чиқариш муносабатлари шаклланди.

Учинчи босқич - 1993-1995 йиллар, яъни ўзбек модели амалга оширилишининг дастлабки даври. Ушбу босқичда бозор инфратузилмаси вужудга келди, хусусан, унинг норматив-ҳуқуқий базаси, хусусий сектор, банк-кредит механизми учун хизмат кўрсатиш соҳаси, солиқ сиёсати шаклланиб борди. Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, уй-жой фонди, ижтимоий соҳа тармоқларидаги корхоналарни (умумий овқатланиш, савдо, пуллик хизмат

кўрсатиш кабиларда) фаол хусусийлаштириш жараёни бошланди ҳамда йирик корхоналарни акциядорлик жамиятларига айлантиришга тайёргарлик кўрилди. Энг муҳими, Ўзбекистон халқаро иқтисодий муносабатларнинг тўлақонли субъектига айланди.

Тўртинчи босқич - 1995-1999 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда аҳоли танланган йўлнинг тўғрилигини, олиб борилаётган ислохотлар реал йўналиш ва шаклга эга эканлигини англаб етди. Чунки ўзбек модели ислохот ўтказиш усуллари ҳамда дастурларни амалга ошириш механизмлари таллаб даражасида эканлигини кўрсатди. Шунинг учун бўлса керак, кўплаб чет эл экспертлари Ўзбекистон танлаган йўлни Жануби-шарқий Осиёнинг индустриал мамлакатларида олиб борилган ислохотлар йўналишига ўхшата бошладилар. Янги товарлар ва технологик тараққиётга эҳтиёжнинг ўсиши иқтисодиётда юқори технологик тармоқлар улушининг ошишига олиб келди. Бу даврда, айниқса, кимё ва нефть-кимё, фармацевтика саноатининг жадал суръатлар билан ривожланиши кўзга ташланди. Қатор стратегик соҳалар, хусусан, дон ва энергетика мустақиллиги таъминланди. Бозор иқтисодиёти инфратузилмаси шаклланди.

Бешинчи босқич - 1999 йилдан бошланиб, 2010 йилгача давом этди. Импорт ўрнини босувчи ва оммавий экспортга йўналтирилган иқтисодий тизимни тўла ҳажмда шакллантириш, нуфузли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликнинг фаоллашуви бу даврда амалга оширилган ислохотларнинг асосий белгиси бўлди. Аввалги босқичлар доирасида мамлакат иқтисодиётини тубдан таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш, қисқа муддатда мутлақо янги, локомотив ролини бажарадиган тармоқларнинг барпо этилиши, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш дастурларини амалга ошириш, замонавий бозор инфратузилмасини шакллантириш борасида ўз вақтида бошланган, чуқур ўйланган ва узоқ истиқболга мўлжалланган ишлар ўз натижасини берди. Айниқса, мамлакат қишлоқ хўжалигида тўлиқ фермерлик тизимига ўтиш ғояси айнан шу босқичда амалга оширилди. Муҳими шундаки, ушбу босқичда мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар синовдан муваффақиятли ўтди. 2008 йилда бош-

ланган ва жаҳоннинг аксарият мамлакатларида асоратлари тўлалигича бартараф этилмаган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози Ўзбекистон иқтисодиётига жиддий зарар етказмади. Ушбу босқичда «Инқирозга қарши чоралар дастури» ва унда кўзда тутилган тадбирлар миллий моделнинг янада такомиллаштишига хизмат қилди.

Олтинчи босқич - 2010 йилдан бошланди ва унинг туб моҳияти, устувор йўналишлари Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш - устувор мақсадимиздир" номли маърузасида ўз аксини топди. Ушбу ёндашув ривожланишнинг «ўзбек модел»ини назарий ва амалий жиҳатдан янада бойитиб, миллий иқтисодиётни модернизация қилиш ва либераллаштириш бўйича амалга оширилётган ишларни янги босқичга кўтариш имконини берди.

Хусусан, «ўзбек модели», бир томондан, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таҳдид ва хатарларига муносиб қарши туриш, унинг иқтисодиётимизга салбий таъсири олдини олиш амалиёти билан бойитилган бўлса, иккинчи томондан, Ўзбекистон иқтисодий ривожланишнинг юқори суръати, самарадорлиги ҳамда макроиқтисодий мувозанатни таъминлаш, банк-молия тизимининг барқарорлигини ошириш, стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш учун фаол инвестиция сиёсати олиб бориш, халқнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини янада юксалтиришга қаратилган сиёсат доирасидаги қатор вазифаларни тўлиқ ва самарали амалга ошириш борасида тўлланган тажрибага эга бўлди. Энг муҳими, Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридаги ўрни ва мавқеини мустаҳкамлаш, глобал иқтисодий тизимга интеграциялаш масалалари доирасидаги ислохотлар жадаллашди.

Истиқлол йилларида мулкчилик таркибида туб ўзгаришлар юз берди, амалда кўп укладли иқтисодиёт шаклланди. Унинг таркибида хусусий мулк салмоқли ўрин эгаллади. ЯИМ таркибида нодавлат секторининг улуши 80 фоиздан ошишига эришилди.

Собиқ иттифоқдош республикалар орасида фақат Ўзбекистонда 1996 йилдан бошлаб изчил иқтисодий ўсиш суръ-



атлари таъминланмоқда. Агар 1996-2003 йилларда ўртача ўсиш суръати 4,3 фоизни ташкил этган бўлса, 2004 йилдан бошлаб бу жараён янги босқичга кўтарилиб, юқори даражада - йилига ўртача 7,5-9 фоиз ўсишни ташкил этмоқда.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан раҳбарият озиқ-овқат муаммосини ўз имкониятларимиз ҳисобидан ҳал қилиш, айниқса, дон мустақиллигини таъминлаш масаласини кун тартибига қатъий вазифа қилиб қўйди. Пухта ўйлаб юритилган иқтисодий сиёсат натижасида экин майдонлари таркиби, қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш ички талаб ва шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда, қайта кўриб чиқилди. Мамлакатда пахта яккаҳокимлигига барҳам берилди. Натижада, озиқ-овқат хавфсизлиги, ғалла мустақиллиги таъминланди. Ўтган йилларда ғалла етиштириш ҳажми 7 баробар, ҳосилдорлик эса 3 баробардан кўпроқ ошди. Бугунги кунда иқтисодиётда нодавлат сектори улуши 83 фоиздан ортиқни ташкил этмоқда. Ялпи ички маҳсулотда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг салмоғи 54 фоиздан ошиб кетди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг салкам 98 фоизи деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Энг муҳими, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик одамлар учун барқарор даромад манбалари яратишнинг энг муҳим омилига айланди. Ҳозир аҳоли ялпи даромадларида кичик тадбиркорлик фаолиятидан тушаётган даромадларнинг улуши 50 фоиздан ортиқни ташкил қилмоқда.

Истиқлол йилларида Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Шўртан газ-кимё мажмуаси, Қўнғирот сода заводи, Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи, Асакадаги енгил автомобиллар, Самарқанддаги юк автомобиллари ва автобуслар ишлаб чиқарадиган заводлар, юзлаб замонавий енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналари ишга туширилди. Натижада, мустақиллик йилларида мамлакатда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 3,4 баробар ошди. Ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг салкам 40 фоизи экспорт қилинмоқда.

Энг оғир, кескин ижтимоий-иқтисодий муаммолар гирдобиди турган ўтиш даврида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш вазифаси қўйилди. Шу боис ҳам, миллий моделнинг ўзига хос жиҳатларидан бири

- тараққиётнинг барча босқичларида кучли ижтимоий сиёсат юритилиб, аҳолининг кам таъминланган қатлами ишончли ижтимоий ҳимояга эга бўлди. Бу ўтиш даврининг энг оғир босқичларида ҳам жамиятимизда ижтимоий адолат ва барқарорликни таъминлаш имконини берди.

#### **4.2. Мустақиллик йилларида бюджет-солиқ тизимидаги ислоҳотлар**

Мустақил тараққиёт даврида молиявий тизимнинг муҳим соҳаси бўлмиш давлат молиясига тааллуқли туб ислоҳотлар амалга оширилди. Иқтисодий моҳиятига кўра, давлат молияси - ижтимоий маҳсулотни, шунингдек, давлат молиявий ресурсларини шакллантириш ва давлат маблағларини ижтимоий таъминот, мудофаа ҳамда бошқарув харажатларига сарфлаш билан боғлиқ жамият бойлигининг бир қисмини тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнида юзага келадиган пул муносабатларидир. Ушбу соҳада пул муносабатларининг субъекти сифатида давлат, корхона, бирлашмалар, ташкилотлар, муассасалар ва фуқаролар қатнашадилар.

Мустақилликка эришилгунга қадар Ўзбекистонда давлат бюджети асосини пул маблағларининг марказлашган жамғармаси ташкил қилар эди. Марказлашган фонд корхона ва ташкилотларнинг ажратмалари ҳисобига шакллантирилиши кўзда тутилган бўлиб, 1966 йилга қадар давлат бюджетига фақатгина корхоналар маблағлари айланмасидан ва фойдасидан солиқлар ундирилган.

Иттифоқ ҳудудидаги деярли барча корхоналар (кооперативлардан ташқари) давлат мулки бўлганлиги сабабли корхона молиявий маблағлари ва мулки ҳам давлат ихтиёрида эди. Яъни, режали иқтисодиёт моддий ва молиявий ресурсларни жамлаш учун жуда катта имкониятлар яратган, бироқ ушбу ресурсларни жамлаш ва тақсимлашнинг осонлиги уларнинг аҳамиятини тушириб юборган, бу эса социалистик ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида улардан самарасиз фойдаланилишига олиб келган эди. Натижада, 80-йиллар ўрталарига келиб бюджетнинг солиқли даромадлари сезиларли даражада камая бошлади.

1990 йилда солиқ Иттифоқ молиявий ҳолатининг ёмон-

лашуви тезлашди. Бу ижтимоий дастурларнинг кенг жорий этилиши ҳамда аҳоли учун чакана сотиш нархлари ўзгартирилмаган ҳолда, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиб олиш нархлари (1990 йилнинг кузида) ва саноат маҳсулотлари улгуржи нархларини (1991 йил январь ойида) марказлашган тарзда оширилиши учун ажратилган давлат субсидиялари ҳажмининг кескин ошиши билан боғлиқ эди. Бундай ҳолат давлатнинг мураккаб иқтисодий вазиятга тушишига сабаб бўлди.

Ўзбекистон давлат суверенитетини эълон қилиб, давлатни инқироз ҳолатидан олиб чиқиш, иқтисодиётни барқарорлаштириш, иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан мустақил, қудратли, ривожланиб боровчи, кўп қиррали демократик давлат яратиш дастурини белгилаб олди. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Давлат бюджетининг тарихий жиҳатдан жуда қисқа, лекин ёш мустақил давлат учун сермазмун, серқирра даврдаги ривожланиш босқичларини кўриб чиқиш мумкин. Давлат бюджети СССР парчаланганидан сўнг Ўзбекистон молиявий тизими каби ўтиш даврининг иқтисодий жараёнларини акс эттирар эди. Ҳукумат томонидан таркибий ўзгаришларнинг устувор йўналишлари ва бозор механизмларини ишга тушириш чоралари кўрилди, натижада, молия институтларининг самарали фаолияти таъминланди.

Республика Давлат бюджетига ўз ички даромадлари жалб қилинди ва улар 1991 йилгача бўлган СССР Давлат бюджетидан ажратилган трансфертлар суммасидан ошиб кетди. Қатъий молиявий чеклашлар қўлланиши натижасида Давлат бюджети даромадлари, харажатлари ва тақчиллиги ҳажми ЯИМ динамикасига мувофиқ бошқариб турилди. Ижтимоий соҳага харажатларнинг ўсиш суръати умумий харажатларнинг ўсиш суръатига боғлиқ эди. Яъни, Ўзбекистонда амалга оширилган бозор ислохотлари мамлакат бюджетига ўз таъсирини кўрсатди. Ўзбекистон Республикасининг бюджети ўз ривожланиш жараёнида қуйидаги босқичларни босиб ўтди:

- фискал босқич (1991-1995 йиллар);
- ноинфляцион - макроиқтисодий ҳолатни барқарорлаштиришга йўналтирилган босқич (1996-2003 йиллар);
- давлат молиясини бошқаришни ислох этиш доирасида давлат бюджетининг ривожланиш босқичи (2004-2013 йиллар).



Давлат бюджети ривожланишининг биринчи босқичи жуда оғир кечди. Чунки маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиётидан бозор иқтисодиётига ўтаётган давлатнинг бюджетини шакллантириш мамлакатда кечаётган иқтисодий инқироз (мамлакатдаги ишлаб чиқаришнинг кескин пасайиши, ўз навбатида, давлат бюджети даромадларининг қисқариши) шароитида амалга оширилди. Даромадлар ва харажатларнинг самарасиз таркиби бюджет инқирозининг юзага келишига сабаб бўлди.

Бу босқичда давлат бюджети яққол намоён бўлган фискал хусусиятга эга эди. Турли-туман юқори солиқ ставкалари мавжуд бўлиб, улар давлат бюджетининг даромадлар қисмини шакллантирган эди. Бюджетнинг асосий вазифаси давлатни иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ислохотларни амалга ошириш учун зарур бўлган маблағ билан таъминлаш, миллий иқтисодиётни барқарорлаштириш ва янада ривожлантириш учун шароит яратишдан иборат эди.

Давлат бюджети даромадлари барқарорлашиши билан ҳар йили қўшимча қиймат солиғи ставкаларига тузатишлар киритилди. Жумладан, 1992 йилда 30 фоиз даражадаги ставка билан қўшимча қиймат солиғининг жорий этилиши (гарчи у илмий асосланган даражадан анча юқори бўлса ҳам) аввал амал қилинган солиқларга нисбатан солиқ солиш соҳалари ва миқёсини сезиларли даражада кенгайтди. Агар илгари айланма маблағлардан олинadиган солиқ 46,5 фоиз миқдориди саноат халқ истеъмоли товарларига, 28,4 фоиз озиқ-овқат маҳсулотларига белгиланган бўлса, қўшимча қиймат солиғи деярли барча товар ва хизматларни қамраб олди. 1993 йилда қўшимча қиймат солиғи ставкаси 25 фоизгача пасайтирилди (6 фоизи қорхона ихтиёрида қолар эди, яъни амалда солиқ сифатида 19 фоиз туланар эди). 1994 йил 1 июндан 20 фоиз, 1995 йилдан эса 18 фоиз даражада белгиланди.

1992 йилдан акцизлар жорий этилиб, улар 1993 йилдан пахта хом ашёсига, 1994 йилдан нефть маҳсулотларига, 1995 йилдан табиий газ, нефть, газ конденсати ва бошқа товарларга нисбатан қўллана бошланди.

Қўшимча қиймат солиғи ва акцизлар давлат бюджети даромадларининг асосий манбаига айланди ва бюджет умумий даромадларининг 50 фоизини ташкил этди.

1994 йилда маҳсулот турларидан келиб чиқиб, ставкалари табақалаштириладиган божхона божлари киритилди. Давлат бюджетининг даромадлар қисмида божхона божларининг улуши 1992 йилги 0,3 фоиздан 1995 йилда 3,1 фоизга ошди.

1992 йилга қадар фойда солиғи фондлар ва меҳнат ресурслари учун тўловлар билан биргаликда ундирилар эди. Нархларнинг эркинлаштирилиши натижасида юзага келган инфляциянинг юқори даражаси фойда солиғини самарали ишлатишга имкон бермади. Бундай шароитда даромаднинг асосий қисми меҳнатга ҳақ тўлаш фондини шакллантириш учун сарфланиб, солиқ солиш базаси беқарорлаша бошлади. Шу сабабли 1992 йилда даромад солиғи жорий этилиб<sup>7</sup>, у бюджетга зарур бўлган маблағларни жалб этишнинг ишончли воситаси вазифасини бажарди (солиқ ставкаси ўртача 12 фоиз, 1993-1994 йилларда - 18 фоиз). 1995 йилнинг 1 январидан тадбиркорлардан олинадиган фойда солиғи 38 фоиз ставка билан қайта жорий этилди.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солиқ солишнинг прогрессив шкаласига эга бўлиб, унинг максимал ставкаси 45 фоизни ташкил этди. 1991 йилда даромад солиғининг улуши 5,3 фоизни ташкил этган бўлса, 1995 йилда бу кўрсаткич 9,6 фоизга етди.

Давлат бюджетининг даромадлари таркибида тўғри солиқларнинг улуши доимий равишда ўсиб борди ва 1995 йилда 38,5 фоизни ташкил этди.

1994 йилдан бошлаб, юридик шахслар томонидан бюджетдан ташқари жамғармаларга иш ҳақи фондининг 40 фоиз ҳажмида тўланадиган мажбурий тўловлар жорий этилди, шу жумладан:

- 36 фоиз - ижтимоий суғурта фондига;
- 2 фоиз - қасаба уюшмаси Кенгаши федерациясига;
- 2 фоиз - аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш фондига.

Ижтимоий суғурта фондига жисмоний шахслар томонидан амалга ошириладиган мажбурий тўловлар иш ҳақидан 1 фоизни ташкил этди. Шу даврда ер солиғи, транспорт воси-

---

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикасининг "Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуни. 1992 йил 14 январь.

талари эгаларидан солиқ, сув учун тўлов, ер ости бойликларига солиқлар киритилди<sup>8</sup>.

Шундай қилиб, ислохотларнинг биринчи босқичида (1991-1994 йиллар) бюджет харажатлари устувор даражада ижтимоий харажатлардан иборат бўлиб, улар қаторига аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, озиқ-овқат комплекси тармоқларини ривожлантириш, халқ истеъмоли буюмлари ва истеъмол хизматлари ишлаб чиқарувчиларга нарх харажатларини қоплаш, қазиб олиш тармоғи корхоналарига молиявий кўмак бериш кирди. Ислохотларнинг дастлабки 4 йилида ЯИМда давлат харажатларининг улуши 52,7 фоиздан 33,3 фоизга пасайди.

1995 йилдан Ўзбекистон Республикасининг жамланган бюджети шакллана бошлади. Унинг таркибига республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларнинг, шунингдек, давлат бюджетдан ташқари (мақсадли) жамғармаларнинг даромадлари ва харажатлари кирди.

Миллий валюта - сўмнинг жорий этилиши, пул муомаласини тартибга солиш ва пул-кредит сиёсатини қатъийлаштириш ёрдамида пул ислохотларининг ўтказилиши кейинги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва ўсишга шароит яратди. Ўтиш даврида моддий ишлаб чиқариш тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг молиявий эҳтиёжлари давлатнинг яратилаётган миллий даромадини ишлатиш бўйича реал имкониятларидан юқори бўлади. Шу сабабли молия органларининг муҳим вазифаси молия ресурсларининг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг муҳим йўналишларида мужассамлашишини бюджет тақчиллигини ошириш эвазига харажатларни ошириб эмас, балки оқилона солиқ тизимини яратиш эвазига амалга оширишдир. Иқтисодий ўсишнинг муҳим шарти, шунингдек, бюджет тақчиллигини, ички ва ташқи давлат қарзини чеклаш ҳисобланади.

Ислохотлар иккинчи босқичининг муҳим жиҳатлари қуйидагилар:

---

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Транспорт воситалари ва бошқа ўзи юрар машиналар ва механизмлар эгаларига солинадиган солиқ тўғрисида»ги Қонуни. 1992 йил 9 декабрь; Ўзбекистон Республикасининг «Ер солиғи тўғрисида»ги Қонуни. 1993 йил 6 май; Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар тўғрисида»ги Қонуни. 1993 йил 7 май.



- бюджет қонунчилиги шаклланишининг давом этиши;
- солиқ тизимининг такомиллашуви ва унификациялашуви;
- бюджет харажатларини оптималлаштириш, шу жумладан, миллий иқтисодий тармоқларни беғараз молиялаштириш амалиётидан инвестициялашга ўтиш;
- баланслашган бюджетни шакллантириш.

Бюджет қонунчилигининг ривожланиши қуйидаги қонунлар ва норматив ҳужжатлар қабул қилиниши билан тавсифланади:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида солиқларнинг рағбатлантирувчи аҳамиятини кучайтиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги 1994 йил 30 ноябрдаги ПФ-1014-сонли Фармони;

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (1997 йил) - миллий ва хорижий товар ишлаб чиқарувчилар ва инвесторлар учун кенг имтиёзлар ва кафолатлар тизимини ўз ичига олган солиқ сиёсатининг барқарор ҳуқуқий базасини таъминловчи асосий ҳужжат бўлиб, у ички бозорда истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, қишлоқ хўжалигини қўшимча қиймат солиғидан озод этиш ва ягона ер солиғини киритиш ёрдамида тармоқнинг мамлакат иқтисодиётидаги алоҳида мавқеини таъминлаш, кичик ва ҳусусий тадбиркорликни рағбатлантириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш учун қулай молиявий шарт-шароит яратишга қаратилди.

1999 йилда давлат бюджети даромадлари ва харажатларининг янги иқтисодий таснифи киритилиб, у ҳисоботнинг халқаро стандартларга ва миллий ҳисоблар тизимига мувофиқлигини таъминлаш, бюджет маблағларини таҳлил қилиш ҳамда улардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтди.

2000 йилда Ўзбекистон Республикасининг "Бюджет тизими тўғрисида"ги Қонуни қабул қилиниб, у билан бюджет тизими, давлат бюджетини бошқариш, бюджет тизимининг турли даражадаги бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, бюджет жараёни, бюджет ижроси устидан назорат ва давлат қарзини бошқариш масалалари тартибга солинди.

2002 йилда "Давлат бюджетининг Ғазна ижроси тўғрисида"ги Қонунни ишлаб чиқишга киришилди.

Солиқ тизимини такомиллаштириш ва унификация қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида солиқларнинг рағбатлантирувчи аҳамиятини кучайтиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги 1994 йил 30 ноябрда ПФ-1014-сонли Фармони қабул қилинди. Ушбу Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджетини шакллантириш чоғида солиқ тизимини ислоҳ қилишнинг қуйидаги энг муҳим йўналишлари белгиланди: юридик шахслардан олинадиган солиқ миқдорини камайтириш; тадбиркорлик фаолияти ва инвестиция фаоллигини кенгайтиришга солиқларнинг рағбатлантирувчи таъсирини кучайтириш; табиий ресурслар ва мол-мулкдан олинадиган солиқлар улушини ошириш ҳисобига даромадлар таркибини такомиллаштириш; маҳаллий бюджетлар даромад негизини мустаҳкамлаш ҳамда республика ва маҳаллий бюджетлар ўртасида солиқларни чегаралаб қўйиш ҳисобига республиканинг давлат бюджетига маҳаллий бюджетларнинг салмоғини жиддий равишда ошириш; солиқ солиш механизмининг мумкин қадар соддалаштириш ва солиқ тизимининг барқарорлигини таъминлаш.

Даромадлар ягона тизимининг шаклланишида Солиқ кодексининг амалга киритилиши муҳим аҳамият касб этди. У солиқ солиш жараёнини тартибга солувчи амалдаги меъёр ва низомларни тизимлаштириш ёрдамида солиқ тизимини тартибга солди, солиқ қонунчилигидаги тартибсиз ўзгартиришларни бартараф этиб, солиқ муносабатлари қатнашчилари учун ягона қонуний ва меъёрий асос яратди.

Бюджет даромадларининг асосий манбаи ҳисобланган солиқлар соҳасида қуйидаги ўзгаришлар юз берди: 1995 йилда корхоналар даромадига солинадиган солиқ ўрнига фойдага солинадиган солиқ 38 фоиз ставка билан жорий этилди.<sup>9</sup> Давлат томонидан юридик шахсларга солинадиган солиқ юкини пасайтириш, солиқларнинг тадбиркорлик фаолияти

---

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида солиқларнинг рағбатлантирувчи аҳамиятини кучайтиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги Фармони. 1994 йил 30 ноябрь.

ва инвестицион фаолликка рағбатини кучайтириш мақсадида 1996 йилдан бошлаб даромад солиғи йилдан-йилга пасайтириб борилди: даромад солиғи ставкаси 1996 йилда 37 фоиз, 1999 йилда 33 фоиз, 2000 йилда 31 фоиз, 2002 йилда 24 фоизни ва 2003 йилда 18 фоизни ташкил этди. Ушбу чоратадбирлар натижасида давлат бюджетида юридик шахслардан олинadиган даромад (фойда) солиғининг улуши тахминан 2 баравар камайди.

Солиқ юкини пасайтириш ва солиқ механизмини соддалаштиришнинг йуналишларидан бири кичик корхоналар ва микрофирмалар учун ягона солиқни киритиш орқали кичик бизнес субъектлари учун соддалаштирилган солиқ тизими<sup>10</sup>, қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчиларига ягона ер солиғи<sup>11</sup>, савдо ва умумий овқатланиш соҳасидаги ялпи даромадга солиқ<sup>12</sup>, алоҳида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахсларга чекланган солиқнинг<sup>13</sup> жорий этилишидир.

Бюджетга ягона солиқ тушуми динамикаси иктисодиётнинг ушбу сектори фаоллашаётганидан, кичик тадбиркорлик субъектларининг сони ва даромадлари ошиб боришидан далолат беради. Масалан, 1998 йилда давлат бюджети даромадларида ягона солиқнинг улуши 0,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2003 йилда бу кўрсаткич 5 баробар ўсиб, 3,7 фоизни ташкил этди.

Ягона ер солиғи тизимини такомиллаштириш мақсадида 2003 йилда Самарқанд ва Тошкент вилоятида эксперимент тариқасида ягона ер солиғини қишлоқ хўжалик майдонларининг норматив қиймати асосида ҳисоблаш амалга оширилди. Ушбу чора-тадбирлар қишлоқ хўжалиги товарлари

---

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 27 сентябрдаги ПФ-1565-сонли Фармони асосида.

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғини жорий этиш тўғрисида"ги 1998 йил 10 октябрдаги ПФ-2086-сонли Фармони асосида.

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Савдо ва умумий овқатланиш соҳасида солиққа тортиш тизимини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2003 йил 30 июндаги ПФ-3270-сонли Фармони асосида.

<sup>13</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 26 декабрдаги 500-сонли Қарори асосида.



ишлаб чиқарувчиларга солиқ юкини қайта тақсимлашга йўналтирилган бўлиб, бунинг натижасида сабзавот етиштирувчи хўжаликларда солиқ ундирмалари ошди, пахтачилик хўжаликларида эса пасайди.

Жисмоний шахсларга солиқ юкини пасайтириш бўйича амалга оширилган солиқ сиёсати ижтимоий масалалар билан узвий боғлиқ бўлиб, аҳоли даромадини (айниқса, кичик ва хусусий тадбиркорлик соҳасида) легаллаштиришга йўналтирилди.

Бу босқич жисмоний шахслар даромадига солиқлар шкаласи такомиллаштирилгани билан тавсифланади: ставкалар пасайди, солиқ солиш шкаласида даражалар сони камайди.

1998 йилдан 2000 йилга қадар жисмоний шахслар даромадига солиқ солишнинг 5 даражали шкаласи амал қилди. Бунда минимал солиқ ставкаси 3 минимал иш ҳақи даражасигача бўлган ҳажмда - 15 фоиз, максимал ставка 15 минимал иш ҳақи даражасидан юқори маошга нисбатан - 45 фоиз қўлланган. Шу билан бирга, жисмоний шахслар молия йили давомида ҳар ойда ўз даромадидан 1 минимал иш ҳақига тенг суммани чегириб ташлаш ҳуқуқига эга бўлдилар.

2000 йилдан бошлаб ҳокимликларга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчилар даромадига фаолият туридан келиб чиқиб ставка белгилаш ваколати берилди.

Ислохотнинг ушбу босқичида бир хил солиқ солиш базасига эга бўлган солиқларни унификациялаш ёки бирлаштириш амалга оширилиб, бу солиқ солишни соддалаштиришга олиб келди. Масалан, Солиқ кодексини қабул қилиш чоғида бир қатор самарасиз ҳамда бир-бирини қайтарувчи солиқлар ва ажратмалар, масалан, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқларга жуда яқин бўлган геология қидирув ишларига ажратмалар, қўшимча қиймат солиғини такрорий олиб чиқиш солиғи, ўрмон даромадларига солиқ бекор қилинди.

2002 йилда солиқ солиш базаси бир хил бўлган, яъни тўлов соф фойда ҳисобидан амалга оширилган ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга солиқ билан ободонлаштириш ишларига йиғимлар бирлаштирилди. Автотранспорт воситалари эгаларига солиқ ўрнига жисмоний шахс-

лардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилгиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ киритилди.

2007 йил 25 декабрда янги Солиқ кодекси қабул қилиниб, 2008 йил 1 январдан кучга кирди.

Шундай қилиб, бу босқичнинг асосий вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланди:

- замонавий марказлаштирилган ғазначилик тизимини яратиш;

- замонавий, кенг қамровли, ягона бюджет ва ҳисоб тизимини (янги бюджет таснифи ва бухгалтерия ҳисобининг янги ҳисоблар счётини ҳам ҳисобга олган ҳолда) жорий этиш;

- ўрта муддатли бюджет стратегияси (ЎМБ) ва дастурли бюджетлаштиришни жорий этиш;

- бюджет қонунчилигини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш.

Шу билан бирга, мазкур босқичда давлатнинг бюджет сиёсати қуйидагиларга йўналтирилди:

- бюджет харажатларининг ижтимоий йўналтирилганлигини янада кучайтириш;

- давлат харажатлари самарадорлиги ва оптималлигини ошириш.

Бунинг учун бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлиги ва манзиллигини ошириш мақсадида бюджетни режалаштириш методларини такомиллаштириш зарур;

- бюджетни ижро этишнинг ғазначилик тизимини кириштириш асосида давлат молиясини бошқариш ва назорат қилишнинг самарали тизимини яратиш;

- иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар харажатларни қуйидаги йўналишлар бўйича кенгайтиришни назарда тутати: қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш; суғориладиган деҳқончилик ерларини сув билан таъминлаш; фермер хўжалиklarини ривожлантириш; қишлоқда ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш; бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг бошқариш ташкилий тузилмасини жорий этиш; қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг мустақиллигини кенгайтириш;

- марказлашган инвестицияларга харажатларнинг устувор

йўналишлари. Улар қуйидаги вазифаларни ечиш учун зарур капитал маблағлар ҳажмини оширишни назарда тутди:

- ЯИМнинг барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини, бандлик муаммоси ва аҳоли даромадларини ошириш муаммосини, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни давом эттириш, молиявий ресурсларни ишга тушириладиган объектларга йўналтириш, стратегик ижтимоий дастурларни амалга ошириш;

- бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, 2004-2013 йиллар оралигида давлат бюджети тақчиллигининг юқори чегараси ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1 фоиз ҳажмда режалаштирилган бўлиб, уни бюджет йили бошида республика бюджети маблағларининг бўш қолдиқлари ва бошқа ноинфляцион манбалар орқали қоплаш белгиланди.

Ўзбекистон жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози чуқурлашиб боришига қарамай, «Инқирозга қарши чоралар дастури»даги (2009-2012 йиллар) чора-тадбирларни ўз вақтида амалга ошираётганлиги туфайли 2009-2013 йилларда ялпи ички маҳсулот 8 фоиздан кам бўлмаган даражада ўсди, инфляция даражаси йил бошида белгиланган чегарадан ошмади. Унинг давлат бюджети ЯИМга нисбатан профицит билан ижро этилган оз сонли мамлакатлар қаторидан ўрин олди.

#### **4.3. Иқтисодиётдаги муҳим таркибий ўзгаришларнинг амалга оширилиши ва саноатнинг ривожланиши**

Ўзбекистоннинг собиқ Иттифоқ таркибида узоқ йиллар давомида маъмурий-буйруқбозлик тизими остида бўлганлиги, шундоқ ҳам сусайиб бораётган хўжалик алоқаларининг 1990 йилларнинг бошида батамом узилиб қолиши кучли инқироз ҳолатларини келтириб чиқарди. Ўзбекистон иқтисодиётининг бир ёқлама тарзда, фақат хом ашё етиштирадиган ҳолга тушиб, вақтида комплекс ривожланиш йўлига, аҳоли эҳтиёжларини қондиришга ўтказилмагани ижтимоий ишлаб чиқариш тузилишидаги чуқур номутаносибликларда намоён бўлди (1-жадвал).



**90-йилларнинг бошида Ўзбекистонда ижтимоий ишлаб  
чиқариш тузилишидаги номутаносибликлар<sup>14</sup>**

Курсаткич	Миқдори
Саноатда тайёр маҳсулотнинг улуши	50 фоиз
Қайта ишланмасдан, республика ташқарисига чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг улуши	80 фоиздан купрок
Республикадан олиб кетилаётган маҳсулот таркибида хом ашё, материаллар ва чала тайёр маҳсулотлар улуши	65 фоиздан купрок
Республикага келтирилаётган товарлар таркибида саноат маҳсулотлари (машиналар, асбоб-ускуналар, енгил саноат, ва озик-овқат маҳсулотлари) улуши	60 фоиз

Совет даврининг кейинги ўн йилликлари мобайнида иқтисодиётни ривожлантиришда хом ашё, чала тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган ва четга юбориладиган, меҳнатни нисбатан камроқ талаб қиладиган хом ашё тармоқларини ривожлантиришга устувор аҳамият берилиши ушбу номутаносибликларни янада кучайтирди. Жумладан, ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида енгил саноатнинг улуши кейинги 50 йил ичида 54 фоиздан 37 фоизга, озиқ-овқат саноатининг улуши 30 фоиздан 14 фоизга тушиб қолган, машинасозликнинг улуши атиги 7 фоизга ўсиб, 16 фоизни ташкил этган<sup>15</sup>.

Шунингдек, иқтисодиёт тармоқларини таркиб топтириш ва ривожлантиришда қатор нуқсон ва камчиликларга йўл қўйилган. Жумладан:

- республика машинасозлик комплекси фаолияти пахтачилик, пахтачилик учун машиналар ишлаб чиқариш билан чекланиб, мураккаб уй-рўзғор техникаси, йўл қуриш машиналари, пластмасса буюмлари, озиқ-овқат саноати жиҳозлари, савдо-сотиқ ва маиший хизмат соҳаси учун керакли асбоб-ускуналар деярли ишлаб чиқарилмади;

<sup>14</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" китобини ўрганиш бўйича ўқув-услубий қўлланма. - Т.: "O'qituvchi", 2011. -Б. 45.

<sup>15</sup> Уша манба. -Б. 46.

- кимё соҳасининг ривожланишида йирик корхоналарга афзаллик берилиши республикадаги экологик вазиятни жуда ёмонлаштириб юборди;

- йирик кимё корхоналари нитрон, ацетат, капролактама сингари дастлабки қайта ишланган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашиб, уларнинг маҳсулотлари ҳам, асосан, республикадан ташқарига чиқаришга мўлжалланди.

Истиқлол йилларида мамлакатимиз раҳбари томонидан Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиб, бу борадаги стратегияга қуйидаги ёндашувлар асос қилинди:

- минтақамиз тараққиётининг тарихий асослари, оқилона мантиқ эътиборга олинмай, маъмурий-буйруқбозлик усуллари тазйиқи остида шакланган қарашларнинг ҳаммасига барҳам берилиши керак;

- минтақамиз тараққиётининг истиқболларига, аввало, республика аҳолисининг манфаати нуқтаи назаридан қарамоқ керак.

Республикани иқтисодий мустақиллик йўлига ўтказиш, уни инқироз гирдобидан олиб чиқиш вазифаларини ҳал этишда мамлакатнинг ички ресурслари ва имкониятларига баҳо беришга мутлақо янгича ёндашиш зарурлиги таъкидланди.

Иқтисодий ислоҳотларнинг дастлабки босқичида асосий эътибор мустақил давлатнинг амал қилишини таъминловчи инфратузилмани яратиш, бозор иқтисодиётига ўтишнинг қонунчилик асосларини шакллантириш, нархларни эркинлаштириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, инфляцияга қарши кураш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масалаларига қаратилди.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш Ўзбекистонда давлат суверенитетининг иқтисодий асоси сифатида белгиланди. Бу йўлни шакллантириш учун иқтисодиётни тубдан ислоҳ қилишга киришилди. Бунда, аввало, иқтисодий ислоҳотларнинг қуйидаги стратегик мақсадларига эътибор қаратилди:

- ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини босқичма-босқич шакллантириш, миллий бойликларнинг ўсиши, кишилар турмуши ва фаолияти учун муносиб шаро-

итни таъминлайдиган кучли ва мунтазам ривожланиб боровчи иқтисодий тизим яратиш;

- кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш, хусусий мулкка муносабатни ўзгартириш, ташаббускорлик ва тадбиркорликнинг ҳар тарафлама ўсиши учун асос бўладиган хусусий мулкчиликнинг давлат томонидан ҳимоя қилинишини таъминлаш;

- корхоналар ва фуқароларга кенг иқтисодий эркинликлар бериш, уларнинг ҳўжалик ишларига давлатнинг тўғридан-тўғри аралашувидан воз кечиш, иқтисодиётни бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик усуллариغا барҳам бериш, иқтисодий воситалар ва рағбатлантиришни кенг қўллаш;

- моддий, табиий ва меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш, рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва жаҳон иқтисодиёти тизимига кириб боришни таъминлайдиган чуқур иқтисодий ўзгаришларни амалга ошириш;

- иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришлар қилиш ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш;

- жаҳон иқтисодий тизимига қўшилиш;

- янгича иқтисодий тафаккурни шакллантириш, аҳолининг дунёқарашини ўзгартириш, ҳар бир кишига ўз меҳнати самарасидан баҳраманд бўлиш имкониятини яратиш.

Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш бозорнинг кўп бўғинли инфратузилмасини яратишни талаб қилади. Чунки муайян инфратузилмага эга бўлмасдан бозор механизмлари тўлиқ ишлай олмайди. Ўтиш даврида бозор инфратузилмасини шакллантириш ва кенгайтириш борасида кўплаб амалий тадбирлар амалга оширилди.

Ислоҳотлар даврида республикамызда бозор муносабатларини шакллантириш ва ривожлантиришга хизмат қилувчи инфратузилманинг асосий бўғинлари - турли муассасалар, ташкилотлар ва корхоналар мажмуаси вужудга келди. Авваламбор, ишлаб чиқаришга хизмат қилувчи - транспорт, алоқа, сув ва энергетика таъминоти, йўл ва омбор ҳўжалиги тузилмалари яратилди.

Товар ва хом ашё бозорида хизмат қилувчи - товарлар ва хом ашё биржалари, бизнес-инкубатор, аудиторлик ва консалтинг фирмалари, кўплаб савдо уйлари, аукционлар, тижоратчилик идоралари, реклама фирмалари, савдо-сотиқ ва



уларни назорат қилувчи давлат муассасалари ташкил этилди. Бу соҳадаги дастлабки қадам - маҳсулот етказиб беришга мажбурий давлат буюртмасининг тугатилиши бўлди. Давлат буюртмаси тугатилгач, товар ресурсларини марказлашган тартибда тақсимлашга мутасадди таъминот ташкилотлари ҳам тугатилди. Уларнинг ўрнига товарлар бозорини шакллантирувчи биржалар тизими ташкил этилди. Ўзбекистонда 1991 йилнинг августидан "Ўзбекистон" республика универсал агросаноат биржаси, "Ўзлугуржибиржасавдо" (1994 йил, март), "Тошкент" Республика товар-хом ашё биржаси (1994 йил, 8 апрель) ва бошқа биржалар фаолият кўрсатмоқда.

Бозор муносабатларини ривожлантиришда ахборот инфратузилмаси алоҳида аҳамиятга эга. Шу боис иқтисодий фаолият учун зарур бўлган ахборотлар, хабарлар ва маълумотларни тўпловчи, умумлаштирувчи воситалар, фирмалар вужудга келди.

Хўжалик юритувчи субъектларни молия-кредит муносабатларига хизмат қилувчи инфратузилма - янги банк тизими, ўз-ўзини кредитлаш идоралари, суғурта компаниялари, молия компаниялари, солиқ ундириш идоралари, пул жамғармалари яратилди.

Республикамызда тадбиркорлар ва аҳолини рўй бериши мумкин бўлган турли зарарлардан ҳимоя қилувчи суғурта бозори вужудга келди. Давлат иштирокида бозор муносабатларига хизмат қилувчи "Ўзбекинвест" (1994 йил 13 апрель), "Ўзагросуғурта" (1997 йил 25 февраль), "Кафолат" (1997 йил 14 март) каби учта йирик суғурта компанияси ташкил этилди. Президент фармони билан 2002 йил 1 февралдан бошлаб суғурта ташкилотларининг 3 йил муддатта даромад солиғидан озод қилиниши мамлакатимизда суғурта бозорини янада эркинлаштириш ва ривожлантиришга хизмат қилди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш мулкчилик шакллари, кўп укладли аралаш иқтисодиёт тузилмаларининг хилма-хиллигига асосланади. Бу рақобат бозор иқтисодиётини ҳараклантирувчи куч эканлиги, у кўп сонли бозор субъектларини талаб қилиши билан изоҳланади. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикасининг "Мулкчилик тўғрисида"ги Қонунида мамлакатимизда мулкчиликнинг қандай шакллари амал қилиши аниқ белгилаб берилди. Шунингдек, Ўзбекистонда мулк-

чиликнинг барча шакллари тенг ҳуқуқли эканлиги Конституцияда ҳам белгилаб қўйилди.

Мустақил тараққиёт йўлига ўтган мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим таркибий ўзгаришларни амалга оширишда инвестиция фаолияти муҳим аҳамият касб этди.

Самарали инвестиция сиёсатининг амалга оширилиши иқтисодий ривожланишнинг турли босқичларидаги устувор йўналиш ва механизмларни ўзгартирди.

Иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичи (1991-1995 йиллар)да ЯИМ ҳажмининг камайиб кетиши, миллий валюта девальвацияси ва инфляция ўсиб бориши, ривожланишда юқори даражада беқарорлик кузатилди. Инвестиция ҳажми ва қўлами қисқариб, бундай ҳолатда хорижий инвестициялар улушининг катта қисми турли грантлардан иборат бўлиб, тўғридан-тўғри инвестициялар деярли мавжуд эмас эди.

Республика бюджет маблағларининг инвестиция қилинган асосий қисми (95 фоиз) давлат секторига, иқтисодиётнинг устувор ривожланиш соҳаларига, стратегик муҳим объектларни қуришга йўналтирилди. Шунингдек, республика бюджети харажатлар қисмининг салмоқли улуши (57,3 фоизгача) кадрлар тайёрлаш, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш каби давлат дастурларига ажратилди. Давлат назорати остида иқтисодий ва ижтимоий хавфсизликни таъминлашга хизмат қилувчи муҳим тармоқлар молиялаштирилди.

Иқтисодиётни, шу жумладан, нарх ташкил этишни эркинлаштириш, давлат мулкани хусусийлаштириш, ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва иқтисодиётга давлат аралашувини чеклаш ислоҳотларнинг асосий йўналишларига айланди. Мустақил тараққиёт даврининг дастлабки палласидаги инвестиция жараёнларида қуйидаги масалалар ҳал этилди:

- амалга оширилаётган инвестиция ҳажмининг қисқариб кетишига барҳам бериш ва барқарорлаштириш;
- инвестиция жараёнларини давлат бюджети орқали молиялаштиришни қисқартириш;
- давлат кафолати остида хорижий инвестицияларни жалб этиш;

- инвестиция жараёнларига мамлакат аҳолиси ва тижорат банкларини кенг жалб этиш.

Ўзбекистон Республикаси қатор давлатлар ва хорижий шахслар ўртасида инвестиция баҳсларини ҳал этиш тартиби тўғрисидаги Вашингтон конвенциясига, инвестициялар ка-фолати бўйича Сеул конвенциясига қўшилди, Халқаро ва-люта жамғармаси, Жаҳон банкига аъзо бўлди, Жаҳон савдо ташкилотига кузатувчи сифатида қабул қилинди. Бир қанча ҳукуматлараро инвестицияларни ҳимоя қилиш ва рағбатлан-тириш, иккиёқлама солиқ солмаслик каби келишувларни имзолади.

1996 йилдан бошлаб корхона ва ташкилотлар инвестиция фаолиятини жадаллаштириш учун иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар амалга оширилди. Хорижий инвестицияларни жалб қилишни кенгайтириш учун ҳар йили Инвестиция дас-тури ишлаб чиқилиб, қабул қилина бошлади.

Иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичида инвес-тиция сиёсатининг асосий натижалари куйидагилар бўлди:

- Марказий Осиё мамлакатлари орасида биринчи бўлиб Асака шаҳрида автомобиль заводи қурилди;

- Нукус, Эликқалъа, Самарқанд ва Наманганда йирик тўқимачилик мажмуалари фойдаланишга топширилди;

- Навоий-Учкудук-Султонуйздоғ-Нукус ва Ғузор-Бой-сун-Қумқўрғон янги темир йўл линиялари қурилди;

- Тошкент-Андижон автомобиль йўлининг Қамчиқ до-вонидан ўтадиган қисми реконструкция қилинди.

Бу даврда замонавий "ЎзДЭУавто" заводининг ишга ту-ширилиши билан автомобилсозлик саноати ташкил этилди, бу эса иқтисодиётни таркибий қайта ўзгартирилишининг асосий яқуни бўлди. "СамКочавто" (автобуслар ишлаб чиқа-риш), "Қабул-ЎзбекКо" (пахта толасини қайта ишлаш), "ЎзСамсунг Электроникс" (маиший электрон аппаратура), "Нестле Ўзбекистон" (озик-овқат маҳсулотлари, ичимлик-лар), "Олтин Дери", "Шарк-текс", "Супертекстиль" тўқи-мачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги кўшма корхоналар ишга туширилди.

Иқтисодий ислоҳотларнинг учинчи босқичи (2004-2011 йиллар)да ЯИМ барқарор суръатларда ўсди ва 7 фоиздан ор-тиқни ташкил этди. Асосий капиталга киритиладиган инвес-



тициялар 2006 йилдан бошлаб ортиб борди ва 2008 йилда деярли 30 фоизга ошди<sup>16</sup>.

2005 йилга келиб, янги иқтисодий ҳолат республика инвестиция фаолияти олдига янги вазифалар қўйди.

Бу вазифаларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги (11.04.2005), "Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги (21.07.2005), "Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасини ташкил этиш тўғрисида"ги (02.05.2006), "Навоий вилоятида эркин иқтисодий-индустириал ҳудудни ташкил этиш тўғрисида"ги (02.12.2008), "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги (24.08.2011), "Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги (10.04.2012), "Ангрен махсус индустриал ҳудудини ташкил этиш тўғрисида"ги (13.04.2012) фармонлари ва бир қанча қарорлар қабул қилинди.

Иқтисодий ислоҳотларнинг учинчи босқичи 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароити ва таъсирида амалга оширилди. Мазкур инқирознинг Ўзбекистон иқтисодиётига салбий таъсирини камайтириш мақсадида 2009-2012 йилларга мўлжалланган «Инқирозга қарши чора-тадбирлар дастури»нинг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши ўз натижасини берди.

Инвестициялар ҳажми 2011 йили 2003 йилга нисбатан 3,1 баробарга ошди. Бу, биринчи навбатда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йилда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони билан боғлиқ бўлди.

Жамғарманинг асосий вазифаси - иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизациялаш ва техникавий қайта қурулантириш билан боғлиқ лойиҳаларнинг амалга оши-

---

<sup>16</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2005-2011 йиллардаги маълумотлари асосида тайёрланган.

рилишини таъминлаш, мамлакатни муттасил, барқарор ва мутаносиб равишда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга эришиш, шунингдек, самарали таркибий ва инвестициявий сиёсатни амалга ошириш, деб белгиланди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини шароитида инвестицияларнинг барқарор ўсиши Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарорлиги, ташқи инқирозлар таъсирини минималлаштириш имкониятига нисбатан хорижий инвесторларнинг ишончи юқориликдан далолат беради. Чунончи, тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари 2011 йили 2003 йилга нисбатан 8 баробарга кўпайди.

Ислохотларнинг учинчи босқичида бир қатор йирик инвестиция лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилди. Жумладан, Шўртан газ-кимё мажмуаси ишга туширилди, Навоий шаҳридаги аэропорт реконструкцияси якунланди, "Тошғузур-Бойсун-Қумқўрғон" темир йўли ишга туширилди, Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинати реконструкция қилинди, Резаксой сув омбори қурилиши тугатилди.

Инвестицияларнинг иқтисодиёт соҳалари бўйича таркиби ўзгарди. 2003 йилга нисбатан солиштирганда, инвестициялар машинасозликда 12,2 баробар, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда 10,2 баробар, ёқилғи-энергетика мажмуида 5,4 баробар, озиқ-овқат саноатида 4,2 баробарга ошди.

Халқаро кузатувчилар Ўзбекистоннинг инвестицион фаоллиги ва ривожланиш йўли тўғри эканини эътироф этдилар. Ислохотларни амалга ошириш қийинчиликлари ва ҳар бир босқичнинг ўзига хослигига қарамасдан, Ўзбекистон МДХ давлатлари орасида яхши кўрсаткичларга эришди. Мамлакатимизда инвестиция ҳажми бўйича бошқа МДХ давлатлари каби кескин пасайишлар рўй бермади. Ўзбекистон МДХ давлатлари ичида 1995 йилдан бери инвестиция ҳажми индекси салбий миқдорни кўрсатмаган ягона давлат бўлиб қолмоқда.<sup>17</sup>

Мустақилликка эришиш арафасида ва мустақил тараққиётнинг дастлабки йилларида иқтисодиётимизда жиддий таркибий деформациялар мавжуд бўлиб, улар орасида саноатнинг ҳаддан ортиқ тарзда хом ашёга йўналтирилгани катта салбий таъсирга эга эди.

<sup>17</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2004-2011 йиллар маълумотлари асосида тайёрланган.

Ўзбекистон олдида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий таркибини тубдан қайта қуриш, хом ашё ва қайта ишловчи соҳалар ўртасидаги номутаносибликларни бартараф этиш, жаҳон ҳужалигига кириб боришга қодир бўлган диверсификациялашган саноат комплексини шакллантириш вазифаси турарди.

Шуни таъкидлаш керакки, иқтисодиётнинг асосий соҳалари бўлган энергетика, нефть ва газ саноати, олтин қазиб олиш ва кимё саноати, қора ва рангли металлургия корхоналари қаторида қайта ишлаш саноати соҳаларини жадал суръатлар билан ривожлантириш, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш асосида мамлакатнинг асосий табиий ва минерал хом ашё ресурсларини кўпроқ ишлаб чиқаришга жалб қилиш устувор вазифа ҳисобланади. 1999 йилдан бошлаб иқтисодиётнинг реал секторида мулкчиликнинг янги шаклига ўтиш бўйича чоралар амалга оширилди. Бунинг учун иқтисодиётнинг асосий соҳалари бўлган ёқилғи-энергетика мажмуаси, металлургия саноатининг йирик корхоналари хусусийлаштирилди. Иқтисодиётнинг асосий соҳаларидаги йирик инвестицион лойиҳаларнинг рўёбга чиқарилиши ва янги қайта ишловчи корхоналарнинг фаол жалб қилиниши иқтисодиётдаги ўсиш даражасининг бир меъёрда ошишига имкон яратди. Саноат маҳсулотлари экспортининг ошиши ҳисобига ижобий тулов баланси шаклланди ва олтин-валюта заҳиралари ошди. Валюта бозорининг либераллаштирилиши доирасида 2000 йилга қадар давлат валюта алмаштириш курси ва валюта операцияларини қатъий маъмурий назорат қилиш экспорт ҳажми кўпайиши ва чет эл валютаси кириб келишини рағбатлантирди<sup>18</sup>. Миллий валютани девальвация қилиш, унинг конвертация бўлишини таъминлаш орқали биржа ва биржадан ташқари айирбошлаш курсларини унификация қилиш масалалари ҳал этилди.<sup>19</sup>

<sup>18</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 5 июндаги "Экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-2613-сонли Фармони.

<sup>19</sup> Амалга оширилган миллий валюта девальвацияси натижасида миллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулотлари нархлари пасайди, ички нарх-наво структураси такомиллаштирилди, параллел бозор тугатилди ва буларнинг барчаси макроиқтисодий индикаторларда ўз аксини топди, тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари оқими сезиларли даражада кенгайди ва ҳоказо.



Шундай қилиб, 2004-2007 йилларда таркибий ислохотлар куламини янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш, иқтисодийни модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш бўйича стратегик вазифа бажарилди. У экспортга мўлжалланган тараққийни таъминлаши лозим эди.<sup>20</sup>

Бу даврда олдинги босқичларда яратилган иқтисодий салоҳиятни янада ривожлантиришга қаратилган амалий ишлар давом эттирилди ва тайёр маҳсулот экспортини янада рағбатлантириш чоралари кўрилди.

Хусусийлаштириш жорий босқичининг ўзига хос жиҳати шундаки, давлат мулкнинг, биринчи навбатда, биржа бозорларида асосий соҳалар корхоналарининг акцияларини сотиш имкониятлари кенгайди, танловли савдолар ўтказиш ва инвесторлар билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш механизми жорий этилди. Натижада, активларнинг янги эгалари зиммасига фақатгина хусусийлаштирилаётган объектнинг қайтарма қийматини (корхонанинг ўзини, акциялар пакедини ва ҳоказо) тўлаш мажбуриятигина эмас, балки уни ривожлантириш, модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш мажбурияти ҳам юкланди.

2008-2011 йилларда Ўзбекистон иқтисодийи жаҳонда юз берган молиявий инқироз шароитида ривожланди, "иқтисодийимизнинг жаҳон хўжалик ва молиявий-иқтисодий алоқаларга ўсиб бораётган суръатлар билан киришиб кетаётганлигини ҳисобга олганда жаҳон инқирози, биринчи навбатда, унинг оқибатлари бизга салбий таъсир кўрсатди ва кўрсатиб келмоқда. Биринчи навбатда бу таъсир экспортга йўналтирилган асосий соҳаларнинг ва улар билан боғлиқ бўлган ўхшаш ишлаб чиқаришларнинг фаолиятида экспорт қилинадиган маҳсулотларнинг муҳим турларига жаҳон бозорида талабнинг кескин камайиши ва нархларнинг тушиб кетиши билан ўз аксини топмоқда. Бу эса, ўз навбатида, умуман иқтисодийнинг мувозанатлашувига ва самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда, мўлжалланган лойиҳаларни амалга оширишда, қўйилган мақсадларга эришишда муаммоларни юзага келтирмоқда"<sup>21</sup>.

<sup>20</sup> Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-ж. Т.: Ўзбекистон, 2005. -Б. 174-222.

<sup>21</sup> Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари. -Т.: Ўзбекистон, 2009. -Б. 14.

Глобал молиявий инқирознинг салбий таъсирини енгиб ўтиш мақсадида ҳукумат томонидан 2008 йилдаёқ инқирозга қарши чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.<sup>22</sup>

Дастурга кўра, биринчи навбатда, экспорт қилувчи корхоналарнинг барқарор ишлашини қўллаб-қувватлаш ва таъминлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Ички талабни рағбатлантириш бўйича ҳам тегишли тадбирлар ишлаб чиқилиб, уларга кўра, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш мақсадида маҳаллийлаштириладиган маҳсулот ҳажмини 3,5-4 баравар ошириш кўзда тутилди.

Саноат секторининг жадал ўсиш суръатлари Ўзбекистон иқтисодиётидаги таркибий қайта ўзгартиришлар ижобий динамикасини таъминлади. Умуман олганда, 1995-2011 йилларда саноатнинг ЯИМ таркибидаги улуши 17,1 фоиздан 24 фоизгача ўсди.

Иқтисодиётдаги таркибий қайта ўзгартиришлар самарадорлиги экспорт таркибида эришилган ижобий силжишлар билан изоҳланади. 1995-2011 йилларда хом ашё экспортининг улуши сезиларли даражада, жумладан, пахта толаси 48,4 фоиздан 9 фоизгача камайди. Тайёр маҳсулотлар улуши 7,1 фоиздан 34,6 фоизгача ошди, шу жумладан, машиналар ва асбоб-ускуналарнинг улуши 2 фоиздан 6,7 фоизгача, тўқимачилик маҳсулотлари 3,1 фоиздан 9,7 фоизгача, озиқ-овқат маҳсулотлари 1,7 фоиздан 13,2 фоизгача ошди.

Шу йилларда иқтисодиётнинг саноат тармоғида нодавлат секторининг роли кескин равишда ўзгарди. Нодавлат корхоналарнинг саноат субъектларининг умумий таркибидаги улуши 1991 йилдаги 17 фоиздан 87 фоизгача ошди, улардан 30 фоизи хусусий корхоналардир. Ҳозирги пайтга келиб, нодавлат корхоналарда саноатдаги ишлаб чиқариш ходимларининг 80 фоиздан ортиғи меҳнат қилаётир, улар томонидан саноат ишлаб чиқариши умумий ҳажмининг 70 фоиздан ортиғи яратилмоқда.

---

<sup>22</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги "Иқтисодиётнинг реал секторини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги ПФ-4058-сонли Фармони.

#### 4.4. Қишлоқ хўжалигида янги иқтисодий муносабатларга ўтишнинг асосий йўналишлари ва босқичлари

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, халқ хўжалигининг барча соҳаларида туб ислоҳотлар ўтказиш жараёни бошланди. Бу, табиийки, қишлоқ хўжалиги соҳасига ҳам хос бўлиб, натижада соҳа, мулк эгалари ўзгариб, янги истиқболли хўжалик юритиш шакллари пайдо бўлди.

Мамлакат раҳбари томонидан мустақиллик арафаси ва унинг илк йилларидаёқ аграр соҳадаги ислоҳотларнинг устувор йўналишлари белгилаб берилган эди. Жумладан, қишлоқ хўжалигини диверсификациялаш, пахта яккаҳоқимлигидан воз кечиш, қишлоқда турли хўжалик юритиш шаклларини жорий қилиш асосида кўп укладли иқтисодиётни барпо қилиш, тадбиркорлик, хусусан, фермер хўжаликлари ташкил этишни кўллаб-қувватлаш ва уларнинг ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, аҳолини, аввало, маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш саноатини ривожлантириш ҳамда қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон ўтган асрнинг 90-йиллари бошида аҳолини оддий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан ҳам таъминлай олмайдиган даражага тушиб қолган эди. Маълумотларга қараганда, 1990 йилда аҳоли истеъмоли учун зарур бўлган ғалланинг 82 фоизи, картошка, гўшт ва гўшт маҳсулотларининг 50 фоизи, сут ва сут маҳсулотларининг 60 фоизга яқини четдан келтирилар эди. Мамлакат импорти таркибида озиқ-овқат маҳсулотларининг улуши 70 фоиздан ортиқни ташкил қилган.

Пахта монополияси туфайли республикада гўшт ва сут етиштириш имкониятлари чеклаб қўйилди, илмий асосланган алмашлаб экишнинг бузилганлиги ер эрозиясига сабаб бўлди, сув манбаларининг имкониятлари тобора камайиб бориши қишлоқ хўжалигини ҳалокат ёқасига олиб келди. Жумладан, қишлоқ хўжалигида экстенсив ривожланишни "молиялаштириш" оқибатида 1971-1985 йилларда биргина Ўзбекистонда 1,6 млн. гектар суғориладиган ерлар хўжалик оборотига қўшимча киритилган эди. Бу эса Марказий Осиё-



да Орол денгизи қуришини жадаллаштирди ва экологик инкирозни келтириб чиқарди. Шу билан бирга, республика иқтисодиёти пахтага қанчалик боғлиқ бўлмасин, уни қайта ишлаш ва ундан тайёр маҳсулот тайёрлаш марказ томонидан монополлаштирилган эди. Масалан, мустақиллик арафасида тайёрланаётган пахта хом ашёсининг фақат 4-5 фоизи Ўзбекистонда қайта ишланган. Яъни 4,5-5 млн. тонна пахта хом ашёси етиштирилгани ҳолда, республикадаги корхоналар тўла қувват билан ишлаб, атиги 150 минг тонна пахтани қайта ишларди.<sup>23</sup>

Шу билан бирга, қишлоқларимизда 240 минг оиланинг ери йўқ, 1,8 миллиондан кўпроқ ҳовли эса уй-жой қурилиши ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун кенгайтиришга жуда муҳтож эди. Шунга қарамасдан, ҳайдаладиган ерларнинг атиги 5 фоизига эга бўлган шахсий ёрдамчи хўжаликлар қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг тўртдан бир қисмини ишлаб чиқарган. Етиштирилаётган сабзавот, полиз экинлари, гўштнинг ярмидан кўпроғи ва сутнинг учдан икки қисми улар ҳиссасига тўғри келган.

Юқорида қайд этилган муаммолар ҳамда мустақиллик арафасида республикада юзага келган ижтимоий-сиёсий кескинликнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этди.

Собиқ Иттифоқ давридаёқ, қишлоқ аҳолисининг иқтисодий ва моддий аҳволини яхшилашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган, ижтимоий ҳимоя қилиш, улар даромадини ошириш ва озиқ-овқат масаласини ҳал этиш мақсадида Ислом Каримов раҳнамолигида 1989 йил 19 августда "Қишлоқда яшовчи ҳар бир оилани томорқа билан таъминлаш, уларга якка тартибда уй-жой қуриш учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш ҳақида" қарор қабул қилинди. Ушбу тарихий ҳужжатда қишлоқда яшовчи ҳар бир кишига ўртача 25 сотихдан ер ажратиб бериш ва томорқа майдонларини қарийб 4,5 баробар кўпайтириш кўзда тутилган эди. Бу борадаги амалий ишлар натижасида 1989-1990 йилларда бир ярим миллиондан кўпроқ оилага қўшимча ер ажратилди, 700 минг оилага янги томорқа ерлари берилди. Бундан ташқари, юз

<sup>23</sup> «Правда Востока», 30 сентября 1989.

минглаб гектар суғориладиган ер техник экинлар оборотидан чиқарилди, пахта етиштириш режаси 700 минг тоннага камайтирилди. Бу - пахта яккаҳокимлигини бартараф этиш йўлидаги дастлабки, аммо ўта муҳим амалий қадам эди<sup>24</sup>. Бундай ижтимоий, иқтисодий, қолаверса, сиёсий тадбир натижасида мамлакатнинг 2 миллиондан ортиқ оиласи ёки ўртача 10 млн.дан зиёд қишлоқ аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий муаммоси ҳал этилди.

Мазкур йирик ижтимоий-иқтисодий тадбир мамлакатимизда ерни унинг ҳақиқий эгасига бериш ва маҳсулотларни кўпайтириш йўлидаги илк қадамлардан бири бўлди.

Ҳақиқатан ҳам кўп йиллар давомида иқтисодиётда бир томонлама сиёсат олиб борилиши натижасида қишлоқ хўжалиги республика иқтисодиётининг энг муҳим тармоғига айланган эди. Чунончи, мустақиллик арафаси ва унинг дастлабки йилларида саноатнинг аксарият қисми иқтисодиётнинг аграр тармоғига боғлиқ эди.

Мустақил Ўзбекистон бошидан оғир кунларни кечирганида, қишлоқ хўжалигидан олинган маҳсулот республиканинг қийин вазиятдан чиқишида муҳим омил бўлди. Президент Ислоҳ Каримов 90-йиллар бошида Самарқанд вилояти фаоллари билан бўлган учрашувда республика аҳолисини фақат озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун ҳар ойда 55 минг тонна пахта толасини истеъмол маҳсулотларига алмаштиришга тўғри келаётганлигини таъкидлаган эди.

Кейинги даврда ҳам қишлоқ хўжалиги ўз мавқеини йўқотмади. Чунки мамлакат ялпи ички маҳсулотининг тўртдан бир қисми иқтисодиётнинг ана шу тармоғига тўғри келар эди. Бундан ташқари, республика ишлаб чиқариш ва интеллектуал салоҳиятининг ярмидан зиёди қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлиб, 1992 йилда давлатга келаётган жами валютанинг 50 фоиздан ортиғи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг экспортидан тушди. Ижтимоий нуқтаи назардан олиб қараганда, республика аҳолисининг асосий қисмини (60 фоиздан ортиқроғи) қишлоқ аҳолиси ташкил қилиб, уларнинг турмуш даражаси ва моддий-маънавий фаровонлиги бевосита ушбу тармоқ билан боғлиқ эди.

---

<sup>24</sup> Ўша манба. 12-бет.

Шу билан бирга, иқтисодиётнинг ушбу муҳим тармоғида йиллар давомида тўпланган ва ечимини кутаётган муаммолар қишлоқ хўжалигига нисбатан давлат сиёсатини тубдан ўзгартиришни талаб қиларди. Шу ўринда бир мисол келтириш ўринли. Голландияда бир нафар фермер 80 кишига етадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиради. Яъни, бу мамлакат фермерлари ўз мамлакатининг аҳолисини боқибгина қолмай, Европанинг кўпгина мамлакатларига озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт ҳам қилади. Ўзбекистон давлат ва жамоа хўжаликлариде эса бир деҳқон кўпи билан 2-3 кишига етадиган маҳсулот ишлаб чиқарар эди. Бу республикада қишлоқ хўжалиги меҳнат унумдорлигининг пастлигини кўрсатар, унинг сабабларини бартараф этиш учун эса янгича иқтисодий муносабатларни шакллантиришни талаб этар эди.

Айни пайтда, қишлоқ хўжалигига нисбатан давлат сиёсатида икки хил ҳолат кузатилди: биринчидан, қишлоқ хўжалигига нисбатан саноат учун хом ашё базаси сифатида қараш ва унга асосан хом ашё базаси сифатида муносабатда бўлиш (совет даври амалиёти); иккинчидан, саноат билан қишлоқ хўжалигининг уйғунликда ривожланиб боришини таъминлаш, яъни аграр соҳани саноат асосига қўйиш орқали мамлакатнинг сиёсий-ижтимоий, иқтисодий-маънавий истиқболини таъминлаш чора-тадбирларини кўришга алоҳида эътибор бериш ва қўллаб-қувватлаш (мустақиллик даври).

Дунё тажрибаси шуни кўрсатадики, давлат сиёсатида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг иккинчи йўлини танлаган мамлакатларда мавжуд ижтимоий, иқтисодий муаммоларни ҳал этишда катта ютуқларга эришиш мумкин. Шундан келиб чиққан ҳолда, қишлоққа нисбатан сиёсати илғор бўлган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва уларнинг республика учун маъқул томонларини олиш, ўзбек халқининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш борасидаги тарихий анъаналарига, миллий ва маҳаллий хусусиятларига таяниш аграр ислоҳотлар моҳиятини ташкил этди.

Албатта, республика қишлоқ хўжалигининг ҳолати кескин чоралар кўриш ўрнига, босқичма-босқич, кент қамровли, ислоҳотларнинг бевосита мавжуд шарт-шароитлар ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилишини тақозо этар эди.



Шу нуқтаи назардан ҳам қишлоқ хўжалигида ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилди.

Биринчи босқичда (1991-1997 йиллар) бу соҳада ривожланишнинг "ўзбек модели" асосида олиб борилаётган туб ислоҳотларнинг ҳуқуқий пойдеворини яратишга катта эътибор қаратилди, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини самаралари ташкил қилиш ва ривожлантириш борасида янги қонунлар ва норматив ҳужжатлар қабул қилинди. 1991 йил 21 декабрда қабул қилинган "Деҳқон (фермер) хўжаликларини янада мустақамлаш ва тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан кўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармон, 1992 йил 3 июлда қабул қилинган "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"-ги Қонун, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил февралдаги "Чорвачиликда ислоҳотларни такомиллаштириш ва деҳқон (фермер) хўжаликлари ҳамда хусусийлаштирилган фермаларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қарори ва бошқа ҳужжатлар қишлоқда янги ҳуқуқий муносабатларни жорий этиш, кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш, тадбиркорлик, фермерлик ва шахсий томорқа хўжаликларини ривожлантириш имконини берди.

Ушбу босқичда қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш борасидаги муҳим чора-тадбирлардан бири соҳага раҳбарликни яхшилаш эди. Ушбу жараён 1991-1996 йилларда амалга оширилди. Бу даврда қишлоқ хўжалиги комплексига раҳбарликни яхшилаш, қишлоқда ўтказилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосини яратиш чоралари кўрилди. 1992 йилда Президент Фармони билан Вазирлар Маҳкамаси раисининг биринчи ўринбосари бошчилигида қишлоқ хўжалиги масалалари билан шуғулланувчи комплекс ташкил қилинди. Соҳага раҳбарликни такомиллаштириш ишлари доимо давлат раҳбарининг диққат марказида бўлди.

1994-1995 йилларда Вазирлар Маҳкамасининг қишлоқда ислоҳотлар ўтказишга доир 10 дан ортиқ қарори қабул қилинди. Уларда қишлоқ хўжалиги комплексига раҳбарликни яхшилаш, замонавийлаштириш борасида қатор тадбирлар ишлаб чиқилди. Шу асосда 1996 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон

Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фаолиятни ташкил этиш масалалари тўғрисида"ги Қарори билан Қишлоқ ва Сув хўжалиги вазирликларининг бирлаштирилиши ана шу сиёсатнинг мантиқий давоми бўлди.

Бундан ташқари, барча қишлоқ хўжалик корхоналари билан тенг шароитда фермер хўжаликларининг тракторлар, асбоб-ускуналар, ёқилги мойлаш, қурилиш материаллари, минерал ўғитлар ва бошқа ресурслар билан таъминланиши ҳамда дастлабки икки йил мобайнида фойда (даромад) солигидан озод қилиниши, уларга чорва моллари сотиб олиш учун кредит ажратилиши, жамоа, давлат ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари томонидан уларни зарур минерал ва органик ўғитлар билан таъминлаш кўзда тутилди.

Фермер хўжаликларининг дастлабки шаклланиш даврида бундай шарт-шароитлар яратилиши ва қўллаб-қувватлашлар натижасида қишлоқ хўжалигида тадбиркорликни ривожлантиришда қўшимча имкониятлар бўлди.

Қишлоқ хўжалигидаги ислохотларнинг дастлабки босқичида янгидан шаклланаётган хўжаликларнинг фаолият юритиш механизмини такомиллаштириш жараёнлари мунтазам равишда амалга оширилди. Уларни ўз меҳнат натижаларидан манфаатдорлигини ошириш, давлатнинг хўжаликлар фаолиятига аралашувини қисқартириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Биринчидан, қишлоқ хўжалик корхоналарини давлат томонидан саралаб олинган ҳолда қўллаб-қувватлаш бошланди, улар даромад, қўшилган қиймат ва бошқа солиқлардан озод этилди, фермер (деҳқон) хўжаликлари ташкил этилганидан бошлаб икки йилгача солиқ тўламайдиган бўлди.

Иккинчидан, қишлоқ хўжалиги ходимлари моддий манфаатдорлиги ҳамда турмуш шароитини яхшилаш учун деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг харид нархлари муттасил ошиб борди. Картошка, мева-сабзавот, чорва, парранда, суг, тухум, қорақўл тери ва жун маҳсулотларига 1995 йил бошига келиб эркин (келишилган) нархлар жорий қилинди. Доимий равишда қишлоқ хўжалигининг асосий маҳсулоти ҳисобланган пахта етиштиришни қўллаб-қувватлашга эътибор қаратилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 22 октябрдаги "Пахта хом ашёсига ха-

рид нархларини ошириш тўғрисида"ги Фармонига асосан, давлат буюртмаси учун харид нархи 1992 йил ҳосилидан бошлаб 1,5 мартага оширилди.

Учинчидан, давлат эҳтиёжларига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш учун давлат буюртмаси тизими ҳам мунтазам равишда қайта кўриб борилди. Бунда давлат буюртмаси ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун экин майдонлари ва маҳсулот етиштириш миқдорини назорат қилишни чеклаш, яъни маълум қишлоқ хўжалик экинлари экиш учун хўжаликларга қатъий талаблар қўйишдан воз кечиш ва етиштирилган маҳсулотларнинг маълум қисмига бўлган талабни бекор қилиш назарда тутилган эди.

Давлат буюртмасини босқичма-босқич бекор қилишда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг аҳоли эҳтиёжидagi тутган мавқеи ва уларни етиштираётган хўжалик шакллари-нинг давлат тасарруфида эканлиги инобатга олинди. Дастлаб, 1994 йилдан бошлаб сабзавот, полиз, картошка, мева, узум, канош, тамаки, жун, пилла, қорақўл териға, 1995 йилдан бошлаб гўшт, сут ва тухумға давлат буюртмаси бекор қилинди. Стратегик аҳамиятға эға бўлган пахта бўйича ҳам давлат буюртмаси 1991 йилда 95 фоиздан 1995 йилда 60 фоизгача ва дон бўйича, мос равишда 100 фоиздан 50 фоизгача қисқартирилди. Бундай жараён қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини бозор иқтисодиёти тамойилларига кўникишлари учун шарт-шароит яратиб берди.

Биринчи босқичда эришилган катта ютуқ - ғалла мустақиллигига эришилишидир. Биргина 1994 йилда мамлакат "Дон мустақиллиги Дастури"нинг амалға оширилиши натижасида дон экинлари майдони 1,5 марта, ҳосилдорлик 2,7 марта, яппи ҳосил эса 3,9 мартаға ошиб, аҳоли жон бошиға дон ишлаб чиқариш бир неча баробар ортди, бир вақтнинг ўзида сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш имконини берди.

Шундай қилиб, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш амалиёти ва мақсадларининг ҳуқуқий асоси замон талабларидан ортда қолаётганлигини инобатға олиб, бу соҳа бўйича яқин йилларға мўлжалланган дастур ишлаб чиқиш зарурати юзаға келди ва 1998 йил 18 мартда "1998-2000 йиллардаги даврда қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислохотларни чу-



қурлаштириш дастури тўғрисида"ги Президент Фармони қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги ва "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги Қонунлари ҳамда 1998 йил 22 апрелдаги "Деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарори ушбу дастурни амалиётга киритишда муҳим асос бўлиб хизмат қилди.

Мамлакат қишлоқ хўжалиги соҳасида ислохотлар ўтказишда ерни хусусий мулк қилиб бериш мулкдорлар синфини шакллантиришнинг бошланиши эди. Бу йўналишда қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилди:

- собиқ колхозлар ҳақиқий ҳиссаси ва хўжаликнинг йил давомидаги иш натижаларига кўра, ҳар бир аъзога дивиденд олиш имкониятини берувчи кооператив пайчилик хўжаликларига айлантирила бошланди. 1999 йилда 898 та хўжалик кооперативга (ширкатларга) бирлашди;

- давлат томонидан қишлоқ хўжалик корхоналарига чексиз муддатга тақдим этилган ер майдонларини пудратчиларга бириктириб берган ҳолда, ширкат хўжалиги корхоналари аъзолари ўртасида ижара пудратининг турли кўринишлари (жамоа, оила пудрати кабилар) жорий этилди. 1998 йилда ер пудрат жамоаларига 1 йилга берилган бўлса, 1999 йилдан бошлаб 3 йилдан кам бўлмаган муддатга топширилди;

- кўп сонли хусусий фермер хўжалиklarини ташкил қилиш сиёсати давом эттирилиб, уларга ер узоқ муддатли ижарага, яъни 50 йилдан кўп бўлмаган, лекин камида 10 йиллик муддатга бериладиган бўлди. 2000 йилнинг 1 январига келиб республикада 31,1 мингта фермер ва 1,541 млн.та деҳқон (оилавий деҳқон) хўжаликлари фаолият кўрсатди. Фермер ва деҳқон хўжалиklarига бириктирилган ер майдони 1996-2000 йилларда 18,7 минг гектардан 21,4 минг гектаргача кенгайди. 1998 йилда фермер хўжалиklarининг ҳиссаси ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг умумий ҳажмида 3,5 фоизни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 1999 йилда 4,4 фоизга етди.

Бундан ташқари, ҳукумат кўплаб хўжалиklarнинг молиявий аҳволини ўнглаш мақсадида, хўжалиklarни санация қилиш тадбирларини белгилади. Яъни Ўзбекистон Республикасининг "Банкротлик тўғрисида"ги ва "Қишлоқ хўжа-

лик корхоналарини санация қилиш тўғрисида"ги Қонунлари орқали санация тadbирларини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари яратилган бўлса, Республика Президентининг қатор фармонлари ва ҳукумат қарорлари асосида санацияни амалга ошириш механизмлари ишлаб чиқилди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борилган ислоҳотлар юзасидан қилинган таҳлил ҳамда республика ҳукуматининг бу соҳада олиб борган сиёсати натижалари фермер хўжалигининг афзаллигини исботлади. Янги аср бошига келиб ҳукумат миқёсида зарар билан фаолият кўрсатаётган ширкат ва жамоа хўжаликлари негизида фермер хўжаликлари ташкил этиш тadbирларига катта эътибор берилди.

Шу тариқа 2004 йилдан республика қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ислоҳотларнинг янги - учинчи босқичи бошланди. Бунга қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, қишлоқда ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартдаги "Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида"ги Фармони ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди. Мазкур Фармонда фермер хўжаликларини тузиш ҳамда улар фаолиятини ташкил қилиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ер ресурслари давлат кўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ҳокимликлари амал қилиши зарур бўлган асосий қоидалар қатъий белгилаб берилди. 2004 йилда "Фермер хўжалиги тўғрисида" янги таҳрирдаги қонун қабул қилинди. Ушбу Қонунга мувофиқ, фермер хўжалиги аксарият ҳолларда ортиқча меҳнат ресурслари бўлмаган ерларда ва ҳудудларда ташкил этиладиган бўлди. Фермер хўжаликларига ер участкалари захира ерларидан, юридик ва жисмоний шахсларга берилмаган, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан, қайта ташкил этилаётган ва тугатилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ер участкаларидан берилиши белгилаб қўйилди.

Натижада, қишлоқ хўжалигининг тармоқ тузилишида

анчагина таркибий силжишлар юз берди, мамлакатнинг қишлоқ хўжалигида буткул янги институционал тузилма вужудга келди. Мулкдорларнинг фермерлик синфи яратилди, хўжалик юритиш ва мулкчиликнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари тубдан ўзгартирилди; чорвачилик ва деҳқончиликда фаолият юритиш тизими, қишлоқ хўжалиги ва унга хизмат қилувчи соҳалар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар такомиллаштирилди; фаолият турини танлашда фермерларнинг ҳуқуқи ва мустақиллиги кенгайтирилди, фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкалари майдони мақбуллашди; фермер хўжаликлари фаолиятини тартибга солиш, қўллаб-қувватлашнинг бозор тамойилларига мос механизмларига асосланган Республика фермерлар кенгаши ва унинг ҳудудлардаги тузилмалари ташкил этилди.

Президентнинг 2006 йил 9 январдаги "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ва ушбу фармон ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорининг қабул қилиниши республикамызда мева-сабзавотчилик соҳасини ривожлантиришга кенг миқёсдаги эътибор қаратилаётганидан далолат берди.

Янгидан ташкил этилган боғдорчилик йўналишидаги фермер хўжаликлари ягона ер солиғи тўлашдан 5 йил муддатга, фермер хўжаликлари, қайта ишлаш ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари иштирокида ихтиёрийлик асосида янгидан ташкил этилган агросаноат фирмалари эса даромад (фойда) солиғи, ер солиғи, мулк солиғи, қўшилган қиймат солиғи (импортга қўшилган қиймат солиғидан ташқари), ягона солиқ тўлови тўлашдан 3 йил муддатга озод қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорида кам таъминланган, ижтимоий муҳофазага муҳтож оилаларга мол бериш, чорвачилик ва инфратузилма объектларини ривожлантириш масалалари бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.



2006-2010 йиллар даврида шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари, биринчи навбатда, қорамоллар сонини кўпайтиришни рағбатлантириш дастури ишлаб чиқилди. Дастурга мувофиқ, минтақалар бўйича шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида қорамоллар сонини кўпайтириш, зооветеринария пунктлари ва чорва молларини сунъий урчитиш пунктлари тармоғини кенгайтириш, зотдор молларни шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларига аукционлар орқали сотиш, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ўздонмахсулот" акциядорлик компанияси билан биргаликда дон маҳсулотлари корхоналари томонидан ишлаб чиқариладиган омухта ерни шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига беришни кенгайтириш чора-тадбирлари амалга оширилиши, туман марказлари ва йирик аҳоли пунктларида ихтисослаштирилган савдо шохобчаларини ташкил этиш учун зарур омборхоналар тайёрлаш кўзда тутилган эди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимлари, ҳомийлар ва нодавлат хайрия ташкилотлари маблағи ҳисобига кам таъминланган оилаларга сигир тарқатиш эвазига, фақатгина 2007 йилнинг ўзидаёқ, барча тоифадаги хўжаликларда қорамоллар сони 6571,4 минг бошдан 7042,5 минг бошга, шу жумладан, деҳқон хўжаликларида 6061,3 минг бошдан 6537,0 минг бошга ҳамда фермер хўжаликларида 332,3 минг бошдан 374,7 минг бошга кўпайди.

2008 йилга келиб дастлаб ташкил топган аксарият фермер хўжаликларида ер майдони ҳажмининг кичиклиги маҳсулот ишлаб чиқариш рентабеллигининг ўсишига ва барқарор фойда олишга тўсқинлик қилиши, иқтисодий аҳоли ночор бўлган фермер хўжаликлари ўзларини зарур техника воситалари ва айланма маблағ билан таъминлашга, банкдан кредит олиш учун гаров таъминоти қўйишга имконияти етмаётганлиги, олинган қарз мажбуриятларини қоплаш учун тўловга қобиллик (ликвидлик) даражасининг пастлиги маълум бўлиб қолди.

Шундан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 6 октябрдаги "Фермер хўжалик-

лари тасарруфидаги ер участкалари майдонини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда 2009 йил 22 октябрдаги "Фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкалари майдонларини янада мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармойишлари қабул қилинди.

Ўзбекистон аграр соҳасининг муаммоларидан бири - суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш масаласи эди. Хусусан, 2008 йилга келиб суғориладиган ерларнинг қарийб 8 фоизи мелиоратив жиҳатдан ёмон ҳолатга келиб қолган бўлиб, бу аввало, тупроқнинг шўрланиш даражаси юқорилиги ва ер ости сувларининг кўтарилиши билан боғлиқ эди. Салкам 330 минг гектар ер мелиоратив ҳолатига кўра қониқарсизлиги туфайли қишлоқ хўжалиги учун яроқсиз ҳисобланарди<sup>25</sup>.

Мазкур муаммони ҳал этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 31 октябрдаги 718-сонли Қарори асосида "2008-2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури"ни амалга ошириш бошланди. "Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш" Давлат дастури доирасида жами 130,0 млрд. сўм ажратилган бўлиб, шу ҳисобдан 2009 йилда 102 та лойиҳа бўйича 702 километр узунликда коллектор-дренаж тармоғи, 136 километр ёпиқ-ётиқ дренаж, 195 та тик қудуқ, 6 та мелиоратив насос станцияси ҳамда 485 та кузатув қудуқлари қурилди ва реконструкция қилинди. Бундан ташқари, 263 та лойиҳа бўйича 12 минг 696 километр коллектор-дренаж тармоғи тозаланди, 1311 километр ёпиқ-ётиқ дренаж ювилди, 1249 та вертикал дренаж, 57 та мелиоратив насос агрегатлар таъмирланиб, 48 млрд. 142 млн. сўмлик (101,8 фоиз) маблағ ўзлаштирилди.

Бу тадбирлар, шубҳасиз, фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер майдонларининг яхшиланиши ва самарадорлигининг ошишига ижобий таъсир кўрсатди. Масалан, 2012 йилда 2003 йилга нисбатан пахта ҳосилдорлиги 4,9 центнерга, ғалла эса 9,5 центнерга кўтарилди.

---

<sup>25</sup> Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодийтимизни барқарор ривожлантириш йўлида. 16-ж. -Т.:Ўзбекистон, 2008.-Б.226.

Қишлоқ хўжалигининг яна бир муҳим тармоғи - чорвачилик соҳасида ҳам ижобий ўзгаришлар юз берди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 апрелдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига асосланиб, тўйимли озуқа етказиб бериш ва сотишга ихтисослашган 13 та ҳудудий ва 170 та туман бирлашмалари ҳамда 1448 та ҳудудий шохобчалар ташкил қилинди. Чорвачиликни ривожлантириш дастурининг ижроси доирасида 2008 йил кимошди савдоларида 20300 бош, 2009 йилда яна 24600 бош қорамол сотилди. Агар 2007 йилда қорамол сотиб олиш учун 42,5 млрд. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилган бўлса, 2008 йилда бу рақам 48,2 млрд. сўмни ташкил этди. 2010 йилда қишлоқ аҳолиси турмуш фаровонлигини янада яхшилаш мақсадида 2835 нафар фуқарога қорамол сотиб олиш учун 4,0 млрд. сўм имтиёзли кредит маблағлари ажратилиб, кам таъминланган оилаларга ҳомийлар ҳисобидан жами 2355 бош қорамол бепул етказиб берилди.

Республика қишлоқ хўжалигининг моддий техника базасини мустақкамлаш, соҳа ишлаб чиқаришини комплекс механизациялаш мақсадида янги турдаги юқори унумли техника воситаларини ишлаб чиқариш, уларнинг таъминотини йўлга қўйиш, машина ва механизмларнинг чидамлилигини ошириш ва улардан самарали фойдаланишга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Ўтган даврда республика олимлари ва конструкторлари томонидан 82 турдаги янги техника яратилди ва 144 та машина янада тақомиллаштирилди.

Германия, АҚШ, Италия, Франция ва Россия давлатлари билан ташкил этилган ва замонавий технологияларга асосланган қўшма корхоналарда бир неча турдаги янги қишлоқ хўжалиги тракторлари ва машиналари ишлаб чиқарилиб, машина-трактор парклари ва фермер хўжаликларига етказиб берилмоқда.

Шуниси диққатга сазоворки, замонавий техникалардан фойдаланиш салмоғи йилдан-йилга ошмоқда. Масалан, 1998



йилда жами ҳайдалган майдонларнинг 53 фоизи, 2005 йилда 66 фоизи, 2010 йилда эса 80 фоиздан ошиқроғи юқори унумли замонавий гилдиракли ва занжирли ҳайдов тракторлари билан шудгор қилинди.

Ғалла ҳосилини унумли комбайнлар билан ўриб-йиғиб олишда янада юқори кўрсаткичларга эришилди. Агар 1998 йилда ғалла ҳосилининг 45 фоизи, 2005 йилда 65 фоизи ана шундай комбайнлар ёрдамида ўриб олинган бўлса, 2010 йилда ўриб олинган ғалланинг 98 фоизи улар улушига тўғри келди. Шу билан бирга, замонавий техникалардан самарали фойдаланишни ташкил этиш, уларга юқори савияда техник сервис хизмати кўрсатишни йўлга қўйиш мақсадида республикамиз ҳудудида чет эл техникаларига хизмат кўрсатадиган 22 та сервис маркази ташкил этилди.

Техника воситаларидан унумли фойдаланиш, фермер хўжалиklarининг механизациялашган ишларини буюртмалар асосида бажариб бериш учун туман таъмирлаш-ишлаб чиқариш қорхоналари негизида 184 та машина-трактор парклари ва хўжаликлар, машина-трактор саройлари таркибида 1757 та муқобил МТПлар ташкил этилиб, шартномалар асосида фермерларга хизмат кўрсатилди. Ҳозирги кунда фермер хўжаликлари ва машина-трактор паркларида 160 минг нафардан ортиқ малакали операторлар ишламоқда, уларнинг 115 минг нафари ёки 68 фоизи 1-ва 2-тоифага эгадир.

Учинчи босқичнинг ўзига хос хусусияти сифатида ўсиш суръатларининг барқарорлашгани натижасида дон майдони 39 минг гектарга, пахта 147,5 минг гектарга қисқариб, картошка, сабзавот ва полиз экинлари майдони 237 минг гектарга, ем-хашак 32,4 минг гектарга кўпайди. Шунингдек, барча экин турлари, чорва ва парранда бош сони ҳамда аҳоли жон бошига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш бўйича юқори кўрсаткичларга эришилди.

Республикамизнинг умумжаҳон хўжалик тизимида босқичма-босқич ва самарали интеграциялашуви мамлакатимизда амалга оширилаётган аграр сиёсатнинг стратегияси ва тактикасини оқилона белгилашга кўп жиҳатдан боғлиқ. Шунингдек, аграр соҳанинг барқарорлиги, самарадорлиги ва янги иқтисодий муносабатларнинг жорий этилиши мамла-

кат келажаги ва унинг иқтисодий қудратини белгилашда муҳим омилдир.

#### **4.5. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг шаклланиши ҳамда ривожланиши**

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, совет тузуми даврида эгалитаризм тамойили асосида мажбуран жорий этилган марказлашган "режали иқтисодиёт" тартиб-қоидалари шахсий манфаатдорлик ва тадбиркорликни халқ онгу шууридан чиқариб ташлай олмади. Бинобарин, сунъий тарзда ташкил этилган серхаражат ва самарасиз иқтисодий тизим нуқсонлари ва камомадини қоплашда айнан тадбиркорлик - аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликлари (ШЁХ) муҳим роль ўйнади. Масалан, мустақиллик арафасида картошка, тухум ва қорақўлнинг 39 фоизи, сабзавот ва гўштнинг 50 фоизга яқини, суг ва жуннинг 65 фоизи (Қорақалпоғистон, Бухоро, Хоразм ва Қашқадарёда чорвачилик маҳсулотининг 70 фоизи), ШЁХ ҳиссасига тўғри келган. Республика давлат статистика қўмитаси маълумотларига қараганда, ШЁХлар томонидан тайёрланган маҳсулот оила бюджетининг чорак қисмини ташкил этган.

Мустақилликнинг қўлга киритилиши Ўзбекистонни тадрижий тараққиёт йўлига қайтишига имкон яратди. "Ўзбек модели" концепцияси асосида бошланган туб иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар республикада тадбиркорликнинг ривожланишига кенг имкониятлар очиб берди. "Ислохотнинг асосий маъноси ва, керак бўлса, негизи бу - мулкни ҳақиқий эгасига топшириш, тадбиркорликка кенг имкониятлар очиб беришдир"<sup>26</sup>, деб таъкидлаган эди Президент Ислом Каримов.

Мамлакатимизда ўтказилаётган ислохотларнинг босқичма-босқичлик тамойилидан келиб чиққан ҳолда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бир неча босқичда олиб борилди.

---

<sup>26</sup> Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-ж. - Т.: Ўзбекистон, 1996. - Б. 336.

Биринчи босқич - 1991-1996 йиллар. Бу босқичда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ҳамда бозор иқтисодиётини барпо этишнинг асоси бўлган кичик мулкдорлар синфини шакллантиришдан бошланди. Шу билан бирга, бу босқичда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароит, хусусий мулкни ҳимоя қилишнинг конституциявий ҳуқуқ ва кафолатларини таъминловчи қонунлар қабул қилинди. Натижада, 1995 йил охирига келиб, кичик корхона ва микрофирмалар сони 42,4 мингга етиб, 1991 йилга нисбатан 4,5 баробар ўсди. Уларда банд бўлганлар сони 441,0 минг кишидан ошиб кетди. ЯИМ таркибида кичик бизнес улушининг 1991 йилдаги 1,5 фоиздан 1995 йилда 16,9 фоизга бориб етишини туб маънода миллий иқтисодиётнинг ютуғи сифатида эътироф этиш мумкин.

1995 йил 5 январда Юртбошимизнинг "Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Ушбу Фармонга биноан ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, халқ истеъмол моллари ва бир қатор бошқа ишлаб чиқариш соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари фойда солиғидан озод қилинди.

Иккинчи босқич - 1996-2000 йиллар. Қисқа муддат бўлишига қарамай, ушбу давр мамлакат ҳаётида барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тенденциялари билан таснифланади. Бундан ташқари, ушбу босқичда кенг қамровли хусусийлаштириш амалга оширилди, иқтисодиёт соҳаларига хусусий капитални жалб қилиш имкониятлари кенгайтирилди, дастлабки хусусий тижорат банклари ва банкдан ташқари молия институтлари (кредит уюшмалари) ўз фаолиятини бошлади.

1996 йилда халқаро иқтисодий маконда юз берган пахта инқирози унинг нархи пасайиб кетишига, айтини вақтда, республика иқтисодига валюта тушумини таъминлаб турган ушбу хом ашёнинг экспортидан тушадиган даромад шу йилнинг ўзида 15 фоизга қисқаришига сабаб бўлди. Боз устига, 1998-1999 йиллардаги ноқулай об-ҳаво шароити пахта ҳосилдорлигига жиддий зарар етказди, натижада



унинг экспорти 25 фоизга қисқарди<sup>27</sup>. Бунга жавобан мамлакат раҳбарияти тегишли чора-тадбирлар кўришга мажбур бўлди. Улар импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш ва бу даврда катта қийинчилик билан топилаётган валюта захирасини сақлаш, ундан унумлироқ фойдаланишга қаратилди. Бинобарин, давлат томонидан қўллаб-қувватланишига қарамай, кичик бизнес ҳам алоҳида муаммолар ва мураккабликларга дуч кела бошлади, уларнинг сони бир қадар қисқарди.

Юзага келган вазият давлат бошқарув органлари тузилмалари ва иқтисодийнинг ушбу сектори учун бозор инфратузилмаларини такомиллаштириш заруриятини кун тартибига қўйди. Шуларни назарда тутган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шундай деб таъкидлаган эди: "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш учун ҳамма йўлни очиб бериш керак. Тадбиркорлик тузилмаларининг молия, банк ва бошқа бозор тузилмалари билан муносабатларини мустақамлаш, энг муҳими, кредит олиш йўлида мавжуд тўсиқларни олиб ташлаш лозим. Уларнинг хом ашё ресурсларидан фойдаланишларига кенг йўл очиб бериш, улар ишлаб чиқараётган маҳсулот мамлакатнинг ўзида ҳам, унинг ташқарисида ҳам сотиладиган бозорни кафолатловчи тизимни барпо этиш даркор".<sup>28</sup>

Иқтисодий ислохотларни янада эркинлаштириш ва чуқурлаштиришга доир вазифалардан келиб чиққан ҳолда, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, рағбатлантиришни кучайтиришга қаратилган давлатнинг барқарор ва ҳар томонлама асосланган сиёсатини юритиш мақсадида, ушбу босқичда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика мувофиқлаштирувчи кенгагининг фаолияти кучайтирилди. Давлат мулк қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Марказий банк, Адлия вазирлиги, Монополиядан чиқариш, Рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси, тижорат банклари ва бошқа-

<sup>27</sup> Ўзбекистан: общая оценка страны. ООН, 2003. - С. 13.

<sup>28</sup> Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-ж. -Т.: Ўзбекистон, 1999. - Б. 375.

ларнинг хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасидаги функциялари, фаолият доиралари ҳамда йўналишлари кенгайтирилди. Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида кичик бизнес субъектларининг мамлакат ялпи ички маҳсулотигаги улуши 2000 йилда 31 фоизга етди.

Учинчи босқич - 2000-2010 йиллар. Бу даврда макроиқтисодий жабҳа, шу жумладан, тадбиркорлик соҳасида ҳам иқтисодиётни либераллаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар иқтисодий ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини ташкил этди. Ушбу босқичнинг тенденция ва хусусиятлари, бир томондан, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, саноат тармоқларини модернизациялаш, техник ва технологик қайта қурулантириш бўйича дастурларни қабул қилиш, бошқа таркибий ўзгаришлар билан изоҳланса, иккинчи томондан, кичик бизнеснинг ривожига кенг имкониятлар яратувчи, улар фаолиятига ноқонуний аралаштиришларни чекловчи, рўйхатдан ўтказиш тартибини енгилаштирувчи бир қатор ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши билан тавсифланади.

Мазкур босқичда хусусий тадбиркорликни кенг қўламда ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш ва уни кафолатлашга қаратилган қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, 2000 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни<sup>29</sup> муҳим аҳамият касб этди. Мазкур Қонун билан тадбиркорлик фаолияти субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш механизми соддалаштирилди, фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятида эркин иштирок этиши ва манфаатдорлиги учун кафолатлар ҳамда шароитлар яратилди, тадбиркорларнинг имтиёзли кредит олиш учун ҳуқуқлари мустаҳкамланди. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 июндаги "Валюта бозорини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқарувчи кичик бизнес субъектларига махсус имтиёзлар тақдим этган бўлса, мамлакат Президентининг 2003 йил 24 январдаги "Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан оши-

---

<sup>29</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000, 5-6-сон, 140-модда.

риш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони хусусий секторнинг миллий иқтисодиётдаги улушини оширишнинг асосий стратегияси билан бирга, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришнинг янги механизмлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги "Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида"ги 357-сонли Қарори ягона солиқ тўловини жорий этиш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштиришни<sup>30</sup> таъминлади.

Тўртинчи босқич - 2010 йилдан бошланади. Президент Ислом Каримов томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимда 2011 йилни "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилиниши ҳамда Президент Ислом Каримовнинг 2010 йил 27 январда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш - устувор мақсадимиздир" номли маърузаси<sup>31</sup> ушбу тармоқда янги босқичнинг бошланишига асос бўлди. Дастур ва маърузада қайд этилган фикрлар иқтисодиётнинг муҳим соҳаси ва ҳаракатлантирувчи кучи бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига устувор аҳамият бериш бўйича аввалги йилларда бошланган ишларнинг узвий давоми эди. Маърузада: "...аҳолимизни иш билан таъминлаш, унинг даромадларини янада ошириш, қисқача айтганда, барқарор ҳаётимизни янада мустақамлашдек ўта

---

<sup>30</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 июндаги "Валюта бозорини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 263-сонли Қарори; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги "Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида"ги 357-сонли Қарори; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги "Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-3202-сонли Фармони.

<sup>31</sup> Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. 18-ж. -Т.:Ўзбекистон, 2010.-Б. 121-153.



долзарб масалаларни ҳал қилишда алоҳида ўрин эгаллаб бораётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига янги туртки бериш, бу соҳа олдида турган тўсиқларни бартараф қилиш бугунги ва эртанги кунимиз учун нечоғли катта аҳамиятга эга..."<sup>32</sup>, деб таъкидлаган эди Президент Исом Каримов.

Бу босқичда белгиланган вазифалар 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш юзасидан қабул қилинган «Инқирозга қарши чоралар давлат дастури»дан келиб чиқиб, унда кичик бизнесни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш сиёсати аниқ манзилли хусусият касб этганлигини алоҳида қайд этиш зарур. Дастур бўйича тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўйича пухта чора-тадбирлар амалга оширилди, кичик бизнес субъектларининг тижорат банклари кредит ресурсларидан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилди, ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси янада пасайтирилди.

Молиявий-иқтисодий инқироз даврида кичик тадбиркорликни ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари сифатида рақобатбардошликни ошириш, ишлаб чиқариш ва маҳсулот экспортини диверсификациялаш, янги маҳсулотлар яратиш ва сифатини ошириш мақсадида кичик корхоналарнинг йирик саноат корхоналари билан кооперацион алоқаларини кенгайтиришга эътибор қаратилди. Бу эса ички ва ташқи бозорда уларнинг маҳсулотларига бўлган талабнинг ўсишини таъминлади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни мамлакат ялпи ички маҳсулоти таркибида ҳал қилувчи тармоққа айлантириш ва унинг барқарор ўсиш суръатини таъминлаш муҳим вазифа этиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2011-2015 йилларда Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш чоралари тўғрисида"ги ва "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" давлат дастури тўғрисида"ги

---

<sup>32</sup> Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз - демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. 20-ж. -Т.: Ўзбекистон, 2012. -Б78-82.

қарорларига мувофиқ, иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва модернизациялаш ҳамда мамлакатимизда қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 25 августдаги "Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан хусусий мулкчиликни ривожлантириш йўлидаги ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ҳамда маҳсулотларни экспортга етказиб беришда кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлашнинг янги механизмлари амалиётга жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йилдаги "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг "Марказ-саноатэкспорт" давлат-акциядорлик ташқи савдо компанияси қошида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича "Ўзтадбиркор-экспорт" ихтисослаштирилган ташқи савдо компанияси ташкил этилди. Унинг асосий вазифаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига уларнинг товарларини тўғридан-тўғри экспорт қилиш шартномалари бўйича, шунингдек, хорижда ташкил этиладиган савдо уйлари орқали сотишда кўмаклашиш; кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари буюртмаларига кўра республикада ишлаб чиқарилмайдиган технологик асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар, хом ашё ва материалларни етказиб бериш; экспорт маҳсулотларини сертификатлаштиришда кичик бизнес корхоналарига кўмаклашиш, реклама тадбирларини ўтказиш, халқаро ярмаркалар ва кўргазмалар ташкил этиш ва қатнашиш, манфаатдор кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ахборот ва маслаҳат хизматлари билан таъминлашдан иборат, деб белгиланди.

Дастурнинг устувор вазифаларини бажариш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар натижасида 2011 йилда иқтисодиётда кичик бизнес секторининг барқарор ўсиши таъминланди. ЯИМдаги унинг улуши 2000 йилдаги 31,0 фоиздан

2011 йилда 54 фоизга етиб, шундан 33,7 фоизи кичик корхона ва микрофирмалар, 20,3 фоизи якка тартибдаги тадбиркорлар ҳисобига тўғри келди.

Иқтисодиётнинг ушбу секторида ўсишга, энг аввало, ички омиллар таъсирида эришилди: изчиллик билан амалга оширилаётган, биринчи навбатда, солиқ юкини камайтиришга қаратилган оқилона солиқ сиёсати, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ишбилармонлик фаоллиги ва молиявий барқарорлигини юксалтиришга хизмат қилди. Шунингдек, инвестициялар киритаётган ва янги маҳсулотларни ўзлаштираётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига қўшимча имтиёзлар берилиши ва қўлайликлар яратилиши, шубҳасиз, муҳим роль ўйнади. Бугунги кунда қўплаб кичик бизнес субъектлари ўн мингдан ортиқ номдаги тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда. Жумладан, импорт ўрнини босувчи ва йирик корхоналар билан кооперациялашувни таъминловчи маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ҳам ишлаб чиқарилмоқда.

Янги тадбиркорлик тузилмаларини ташкил этиш ва фаолият йўналишлари ўзгарганларини тугатиш тартибининг соддалашуви ва арзонлашуви ҳисобига фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари сони 2011 йилда 487,4 мингга, фермер ҳўжаликларисиз 218,9 мингга етди. 2010 йилда бу кўрсаткич мос равишда 472,8 ва 201,7 мингни ташкил этган эди.

Секторда янги иш ўринлари яратиш ва аҳолини иш билан таъминлашда ҳам барқарор ижобий ўсиш кузатилди. Фаолият юритаётган субъектлар сонининг ўсиши 604 минг янги иш жойлари ташкил этилишини таъминлади. Бу умумий яратилган янги иш ўринларининг 65,0 фоизини ташкил этди. Натижада, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик секторида банд бўлганлар сони 8,9 млн. кишига етиб, умумий банд бўлганларнинг 74,8 фоизини ташкил этди.

Кичик тадбиркорлик субъектларининг фаоллик даражаси 2011 йилда ҳам сезиларли ўсган, фаолият кўрсатаётган субъектлар сонисида янги ташкил этилганларнинг улуши ошиб, умумий рўйхатга олинган субъектлар таркибида вақ-



тинча фаолият кўрсатмаётган субъектларнинг салмоғи пасайган.

2011 йилда кичик тадбиркорлик тармоқлари таркибида ҳам ижобий ўзгаришлар рўй бериб, саноат ва қурилишда ишлаб чиқариш ҳажми 2000 йилдаги 15,4 фоиз ўрнига 29,0 фоизга етди. Шундан 16,6 фоизи саноат ишлаб чиқариши, 12,4 фоизи қурилиш соҳасига тўғри келади. Бунга йирик саноат корхоналари билан кичик корхоналар ўртасида кооперацион муносабатларнинг кенгайиши, касаначиликнинг ривожланиши, ишлаб чиқаришнинг маҳаллий хом ашё ва материаллар ҳисобига маҳаллийлаштирилиши ҳисобига эришилди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда ишлаб чиқариш жараёнига замонавий ахборот технологияларининг кенг жорий этилиши, кичик инновацион ишлаб чиқариш ташкил этилаётгани, инновация фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлашнинг меъёрий-ҳуқуқий базаси, солиқ ва божхона масалалари тартибга солингани, технологиялар трансфери ва интеллектуал бозорнинг шаклланиши, кичик тадбиркорликни рағбатлантириш учун имтиёзли кредитлаш ва молиялаштириш каби зарурий механизмларнинг жорий этилаётгани инновацион салоҳиятнинг ошиб бораётганлигидан далолат беради.

Шундай қилиб, кучли рақобат шароитида миллий корхоналаримизнинг жаҳон ҳўжалик тизимига изчил кириб боришида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик муҳим аҳамият касб этди. Айнан иқтисодиётда таркибий қайта қуришнинг жадаллашуви, модернизациялаш ва барқарор узоқ муддатли иқтисодий ўсишни таъминлашга эришиш кўп жиҳатдан кичик тадбиркорлик ривожига боғлиқдир.

#### **4.6. Замонавий транспорт-коммуникация тизимининг шаклланиши**

Мазкур соҳада ҳам жиддий ислоҳотлар амалга оширилди. Чунончи, республика мустақилликка эришганидан кейин транспортнинг иқтисодиётга ва аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини тубдан яхшилаш ва соҳани бошқариш тизимини

такомиллаштириш мақсадида "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси (1992 йил 28 январь), "Ўзбекистон автомобиль транспорти" ("Ўзавтотранс") давлат-акциядорлик корпорацияси (1993 йил 8 январь, 1998 йил 11 июлдан Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги); "Ўзбекистон темир йўллари" давлат-акциядорлик компанияси (1994 йил 7 ноябрь) каби идоралар ташкил этилди. Мамлакатда транспорт корхоналари давлат иштирокидаги акциядорлик компаниялари, корпорациялари, очиқ турдаги акциядорлик ва масъулияти чекланган жамиятларга, жамоа корхоналарига айлантирилди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида халқаро талабларга жавоб берадиган автомобиль йўллари қуриш, мавжудларини халқаро андозаларга мослаштириш, йўлларни сақлаш ва таъмирлаш, янги барпо этилаётган саноат ҳудудларини халқаро магистраллар билан боғлайдиган йўллар қуриш масалаларига эътибор кучайди. Ўзбекистон Республикасининг Марказий Осиёда тутган ўрни, саноат ва бошқа соҳаларнинг тараққиёти, қўшни давлатлар билан иқтисодий алоқаларни жадал ривожлантириш мақсадида 1995-2010 йилларга мўлжалланган миллий дастур ишлаб чиқилди. Бу дастур доирасида 1996 йилдан Тошкент-Андижон-Ўш магистралининг 100 км.дан ортиқ тоғли участкаларида қурилиш ишлари бошланди. Қамчиқ ва Резак тоннеллари фойдаланишга топширилди. Алмати-Бишкек-Тошкент-Термиз ва Самарқанд-Бухоро-Ашхабот-Туркманбоши автомобиль йўли, Европани Кавказ орқали Осиё билан боғлайдиган автомобиль йўли (Европа-Кавказ-Осиё транспорт йўлаги)нинг республика ҳудудидан ўтадиган қисмини таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Ўзбекистонни Қозоғистон орқали Россия Федерацияси билан боғлайдиган 340 километрли Қўнғирот-Бейнов автомобиль йўли қурилишининг биринчи босқичи якунланди.

Фуқаро авиациясини ривожлантириш борасида стратегик йўналишлар аниқлаб олинди. 1993 йил 7 майда Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси қабул қилинди.

Ўзбекистоннинг ягона темир йўл тармоғини вужудга келтириш бўйича 1994-2001 йилларда узунлиги 700 километрга яқин Навоий-Учқудуқ-Нукус темир йўли қуриб битказилди.

Республика ҳудудида барча транспорт турларининг юк ва йўловчилар ташиниш ишларини мақбул ҳолга келтириш, самардорлигини ошириш, коммуникацияларни жадал ривожлантириш, транспортда юк ва йўловчиларни ташиниш соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда трансмиллий транспорт йўлакларини ривожлантириш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида 2004 йил 11 октябрда "Ўзбекистон транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмаси" ташкил этилди. Уюшма таркибига "Ўзбекистон темир йўллари" давлат-акциядорлик компанияси, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, "Ўзавтойўл" компанияси, транспорт коммуникациялари қурилиши билан шуғулланувчи республика лойиҳа ва қурилиш ташкилотлари киритилди.

1995-2005 йилларда Ўзбекистонда 2500 км. умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари қурилди, 1435 км. автомобиль йўллари реконструкция қилиниб, юқори тоифага ўтказилди, 47046 км. йўл таъмирланди ҳамда 460 дан ортиқ кўприк қурилди.

Бу даврда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" белгиси билан парвоз қилаётган самолётлар турли давлатларда жойлашган 40 дан зиёд аэропортга мунтазам қатнай бошлади. Авиация соҳасида амалга оширилган чуқур ўзгаришлар мамлакатимиз иқтисодиётини мустаҳкамлашда, унинг дунё миқёсидаги обрў-эътиборини янада оширишга хизмат қилди.

Ислохотларнинг учинчи bosқичида (2003 йилдан бошлаб ҳозирги вақтгача) ишлаб чиқариш инфратузилмасини ислох қилиш, қўшни давлатлар ҳудудидан ўтмайдиган, мамлакат ҳудудларини боғловчи янги темир ва автомобиль йўллари қуриш ишларини давом эттириш, баъзи ишлаб чиқариш инфратузилма объектларини дунё талаблари даражасига етказиш, транспорт-коммуникация соҳаларининг барқарор ривожланишини таъминлаш вазифалари устувор аҳамият касб этди. Бу bosқичда республика темир йўл тармоғини янада такомиллаштириш мақсадида янги Фузор-Бойсун-Қумқўрғон темир йўлининг қурилиши амалга оширилди.

2007 йил 24 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислom Каримов Тошғузор-Бойсун-Қумқўрғон темир йўлининг тантанали очилишида нутқ сўзлаб, "Асрий тоғу



тошлар, дашту биёбонлар бағрида туну кун мардона меҳнат қилиб, 223 километрдан иборат бўлган бу темир йўлни қисқа даврда, ҳаммаси бўлиб 33 ойда, муддатидан икки йил олдин ишга топширилишининг ўзи, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимиз тарихида ҳар томонлама улкан бир воқеа, десак, ўйлайманки, айна ҳақиқатни айтган бўламиз", деб таъкидлаган эди.

Амалга оширилган бу буюк ишларнинг муҳим аҳамияти ва моҳияти шундаки, ўзбек халқи ўз куч-қудрати, нима-ларга қодир эканини яна бир бор намоён этди. Буни денгиз сатҳидан 1800 метр баландликда, қаттиқ қоя тошлардан иборат тоғли ҳудудлар бўйлаб, ёзнинг жазирама иссиғи, гарм-селлари, қишнинг изғирин шамоллари остида темир йўл излари ёғқизилгани, Тошғузор ва Деҳқонобод, Оқработ ва Дарбанд, Бойсун ва Қумқўрғон каби 6 та янги станция ва йўловчи платформаларига эга бўлган 9 та бекат барпо этилгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Барча станцияларда йўл хавфсизлигини таъминлайдиган ишлаб чиқариш объектлари, мактаб, тиббиёт масканлари, сув ва газ тармоқлари каби ижтимоий инфратузилма иншоотлари барпо қилингани бу лойиҳанинг энг замонавий талаблар даражасида амалга оширилганини кўрсатади.

Янги темир йўл фойдаланишга топширилиши билан Қашқадарё вилоятидаги Тубагат калий туз кони асосида Деҳқонобод калий ўғитлар заводининг қурилиши лойиҳасини тайёрлаш ва унга хорижий мамлакатларнинг инвестицияларини жалб этиш бўйича ишлар бошланди. Сурхондарё вилоятида Хонжиза полиметалл, Шарғун ва Бойсун тошкўмир конларини ўзлаштириш, янги цемент заводлари қуриш юзасидан тайёргарлик ишлари давом этмоқда. Темир йўл тармоғининг ишга туширилиши натижасида юк ташиш ва йўловчилар қатновини ташкил қилиш, темир йўлларга хизмат кўрсатиш ва йўл хавфсизлигини таъминлаш учун 2-2,5 минг қўшимча янги иш ўрни яратилди. Янги ташкил этилган корхоналар ва хизмат шохобчаларида, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларида қўшимча 3-4 мингта иш ўрнига эга бўлингани улкан муваффақиятдир.

Бу йўл Ўзбекистоннинг чет давлатларга, аввало, Трансафғон темир йўл йўлаги орқали яқин келажақда тўғридан-тўғри Ҳинд океани, Жанубий ва Жануби-шарқий Осиё мамла-

катлари портларига чиқиш имкониятини кенгайтиради. Шу билан бирга, республиканинг транзит салоҳиятини кескин оширади.

Республикада 2011-2015 йилларда транспорт ва коммуникация инфратузилмаси қурилишини жадал ривожлантириш дастурининг амалга оширилиши ишлаб чиқариш, транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси тармоғини янада ривожлантириш имконини берди.

2012 йилнинг 5 январида темир йўлларни электрлаштириш ва замонавий технологияларни қўллаш асосида йўловчи ва юк ташиш самарадорлигини ошириш, сифатли хизмат кўрсатишни таъминлаш мақсадида Осиё Тараққиёт банки иштирокида "Мароқанд-Қарши темир йўл участкасини электрлаштириш" лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Юртбошимизнинг Қарори қабул қилинди.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган "Навоий" халқаро интермодалъ логистика маркази ва "Ангрен" логистика марказининг имкониятлари жуда кенг. Таъкидлаш жоизки, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ҳудудида ягона бўлган ушбу марказда товарларни юклаш ва тушириш, уларни тарқатиш ва омборларга жойлаш ишлари замонавий техника воситалари ёрдамида тезкорлик билан амалга оширилади.

2012 йилга келиб авиакомпания замонавий ҳаво кемалари билан таъминланди. Жумладан, Ўзбекистон ҳукумати ёрдамида авиакомпания парки "Боинг-757", "Боинг-764", А-310, RJ-85 самолётлари билан тўлдирилди. "Ўзбекистон ҳаво йўллари" авиакомпанияси дунёнинг 25 дан ортиқ мамлакатига парвозларни амалга ошириб, йилига қарийб 75 минг транзит йўналишини бошқармоқда. Шунингдек, авиакомпания таркибида фаолият кўрсатаётган, сўнгги авлод авиация техникаларига техник хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш бўйича Марказий Осиё минтақасида ягона бўлган марказнинг хизматларидан 320 та хорижий авиакомпания самолётларига аэронавигация хизмати кўрсатилаётир.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" авиакомпанияси таркибида 11 та (Тошкент, Нукус, Самарқанд, Бухоро, Урганч, Термиз, Қарши, Наманган, Андижон, Фарғона, Навоий) замонавий аэропортлар жаҳон андозалари даражасида модернизация қилинди. Тошкент аэропорти Марказий Осиёдаги энг

йирик халқаро аэропорт ҳисобланади. Бухоро, Самарқанд ва Урганч аэропортлари халқаро аэропорт мақомини олди.

"Навоий" халқаро аэропорти негизида ташкил этилган ва замонавий аэронавигация ускуналари билан жиҳозланган халқаро ингермодаль логистика маркази, об-ҳаво шароити қандай бўлишидан қатъи назар, барча турдаги авиалайнерларни қабул қилиш имконига эга бўлди.

Ўтган йиллар давомида "Ўзбекистон ҳаво йуллари" авиакомпаниясининг кўп миллатли жамоаси шаклланиб, фуқаро авиациясининг янада равнақ топишида ишончли пойдевор бўлмоқда.

\* \* \*

Мустабид тузум даврида иқтисодиётнинг ўта давлатлашуви мамлакатдаги иқтисодий фаоллик, ташаббускорлик, тадбиркорлик каби жиҳатларга тўсқинлик қилиши оқибатида тақчил иқтисодиёт вужудга келди. Ўзбекистонда кўп йиллар давомида шаклланган иқтисодиётнинг самарасиз таркиби, яъни унда пахта яккаҳокимлигининг ўрнатилгани, хом ашё ресурсларининг иттифоқ эҳтиёжлари учун аёвсиз ишлатилиши, технологик жиҳатдан охирига етказилмаган ва ишлаб чиқаришнинг хом ашё ёки ярим тайёр маҳсулотни тайёрлашга мослаштирилгани, аксарият саноат, ҳатто озиқ-овқат маҳсулотларининг четдан келтирилиши ва бошқа бир қатор сабаблар республиканинг марказга қарамлигини мустаҳкамлаб, импорт маҳсулотларга бўлган эҳтиёжнинг ортishiга олиб келди. Йиллар давомида тўпланиб қолган ва ҳал этилмаган ана шундай ижтимоий-иқтисодий ва экологик муаммолар охир-оқибатда республикада танглик ҳолатини юзага келтирди.

Ўзбекистоннинг энг янги тарихида мамлакатнинг аниқ ва пухта ривожланиш стратегияси мустақилликка эришилганидан сўнг ишлаб чиқилди ва изчиллик билан амалга оширилмоқда. Таъкидлаш жоизки, истиқлолга эришилганидан сўнг нафақат аввалги тузум даврида шаклланган, балки, кўплаб янги, ўтиш даври билан боғлиқ муаммолар ҳам юзга қалқиб чиқди. Бу, албатта, ижтимоий-иқтисодий соҳада қатор долзарб муаммоларни ҳал қилиш, бозор муносабатларига мос инфратузилмани шакллантириш, иқтисодиётда



чуқур тузилмавий ўзгаришларни амалга ошириш, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришни талаб қилар эди. Ижтимоий-иқтисодий жараёнларни бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик тизимидан эркин бозор муносабатларига асосланган моделига ўтиш эҳтиёткорлик ва секин-асталик билан амалга оширилиши керак эди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг ўзига хос моделини ишлаб чиқишда шахсан Президентимиз томонидан миллий давлатчилик асосларини шакллантириш, мамлакатимизни иқтисодий жиҳатдан юксалтириш, миллий қадриятлар ва ғурурни қайта тиклаш, жамиятнинг ижтимоий-синфий тузилмасини тубдан янгилаш, янгича дунёқарашга эга бўлган авлодни - юсак маънавиятли шахсни тарбиялаш каби долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг натижасида, жаҳондаги бошқа миллий моделлардан ўзининг фақат иқтисодий ривожланиш эмас, балки шу билан бир қаторда давлат қурилишини, ижтимоий соҳа ва маънавиятни, жамият ҳаётининг барча соҳаларини ҳам қамраб олганлиги билан фарқ қиладиган миллий тараққиётнинг ўзбек моделига асос солинди.

Мустақил Ўзбекистоннинг мавжуд салоҳият ва имкониятларни тўлиқ ҳисобга оладиган, самарали миллий иқтисодиётни шакллантириш ва мутаносиб ривожлантириш, энг аввало, мамлакатимиз хавфсизлигига таҳдид солиб турган аҳолининг озиқ-овқат, хусусан, ун маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришни тақозо этар эди. Шунга кўра, қишлоқ хўжалигида пахта яккаҳокимлигига барҳам берилиб, экин майдонларининг катта қисми дон маҳсулотларига ажратилди. Натижада озуқабоп ғалла импортига қарамлик барҳам топиб, тез орада ғалла мустақиллиги қарор топди. Агар 1991 йилда 4003 минг тонна миқдордаги дон маҳсулотини импорт қилишга мажбур бўлган бўлсак, мустақилликнинг дастлабки олти йили ичида бу эҳтиёжни кескин равишда 5,4 барабар қисқартиришга, кейинчалик эса миллий ишлаб чиқариш ҳисобига қондиришга эришилди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда чуқур таркибий ўзгаришларнинг амалга оширилиши натижасида республиканинг ёнилғи-энергетика ресурсларига бўлган эҳтиёжи ўзи

ҳисобидан тўла таъминланди. Истиқлол даврида иқтисодиётда янги тармоқлар - автомобилсозлик, целлюлоза-қоғоз, қанд-шакар, фармацевтика ва бошқа тармоқлар вужудга келди. Республика саноатида юксак технологияга асосланган ва истиқболли тармоқларнинг, яъни машинасозлик, ёқилғи-энергетика, кимё ва енгил саноат қабиларнинг ҳиссаси ортиб борди. Ўзбекистон иқтисодиётининг тармоқ тузилишини ўзгартиришда янги нефть конлари, Мингбулоқ ва Кўкдумалоқ конларининг ишга туширилиши, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг қурилиши, Янги Ангрен ва Толимаржон ГРЭСлари қурилишининг жадаллаштирилиши, металл ишлаб чиқарилишининг кўпайтирилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Республикамиз учун тамомила янги бўлган автомобилсозлик саноатининг вужудга келтирилиши оқибатида Автотранспорт ишлаб чиқарувчилар халқаро ташкилотининг 33-тўлақонли аъзоси сифатида қабул қилинди.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида олиб борилган иқтисодий ислоҳотлар, айниқса, таркибий ўзгаришлар тез орада ўз натижаларини кўрсатди. Жумладан, миллий хўжалик иқтисодий жиҳатдан мустақамланиб, маъмурий-буйруқбозлик тизимдан мерос бўлиб қолган бир томонламалик ва инқироз ҳолатидан чиқарилди; иқтисодиётнинг барқарор ўсиши таъминланди, макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик мустақамланди, иқтисодиёт ва унинг айрим соҳаларидаги мутаносиблик кучайди; бозор механизмнинг таркибий қисмлари қарор топди ва унинг инфратузилмалари шакллантирилиб, ривожлантирилди.

Биз танлаган ислоҳотлар моделининг тўғри эканлиги ва халқимизнинг манфаатларига тўлиқ жавоб бераётганини кейинги йилларда иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ўсиб, янги марраларга кўтарилиб бораётгани орқали кўриш мумкин. Ўзбекистонда 1996 йилдан бошлаб иқтисодий ўсиш таъминланиб, унинг суръатлари 2001-2003 йилларда ўртача 4% дан, 2004-2006 йилларда 7% дан, 2007 йилдан буён ўртача 8-9% дан юқори бўлиб келмоқда.

Энг муҳими, Президентимиз И.А.Каримов ўз маърузаларида қайта-қайта таъкидлаганларидек, мамлакатимиздаги ялпи ички маҳсулотнинг юқори суръатлар билан ўсиши анъанавий хом ашё тармоқлари ҳисобидан эмас, жаҳон бозори-

даги қулай конъюнктура ва айрим хом ашё турлари ҳамда материаллар нархининг юқорилиги ҳисобидан эмас, балки биринчи навбатда рақобатга бардошли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда замонавий хизмат кўрсатиш соҳаларини жадал ривожлантиришни белгилаб берадиган жиддий таркибий ўзгаришлар ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш эвазига таъминланмоқда.

Мамлакатимиз ижтимоий ҳаёти, шу жумладан, иқтисодиёт соҳасида эркинлаштириш, яъни хўжалик юритувчи субъектларнинг эркинлиги ва иқтисодий мустақиллигини, иқтисодий фаолиятнинг бозорга хос механизмларининг самарали амал қилишини таъминлашга қаратилган жараёнларининг кенг амалга оширилиши тараққиёт ва ўзгаришларга янги куч бахш этди.

Давлатнинг кўплаб бошқарув функцияларини маҳаллий ва ўзини-ўзи бошқарув органларига ўтказилиши, назоратчилик ва бошқарувчилик вазифалари қисқартирилиб, унинг корхоналар хўжалик фаолиятига, биринчи галда, хусусий бизнес фаолиятига аралашуви чекланиши, солиқ юкининг пасайтирилиши, бюджетга тушумларнинг кўпайиши, давлат бюджети харажатларининг оптималлаштирилиши натижасида республикамызда узоқ йиллардан бери амал қилиб келаётган бюджет тақчиллигининг олди олиниб, 2005 йилдан буён бюджетнинг профицит билан бажарилиши таъминланди.

Иқтисодий ислоҳотлар орқали, энг аввало, иқтисодий манфаатларни рўёбга чиқаришнинг муҳим воситаси ҳисобланган мулкчилик муносабатларини мазмунан ўзгартиришга ҳаракат қилинди. Мамлакатимизда амалга оширилган иқтисодий ислоҳотларнинг марказий йўналиши кўп укладли иқтисодиётни яратиш, ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш муаммоларига қаратилди. Иқтисодиёт нодавлат секторининг шаклланишида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларининг таъсири аҳамиятли бўлди. Бу борадаги ислоҳотларнинг мақсадга йўналтирилганлиги, ҳар томонлама асосланганлиги ва изчиллигини таъминлаш мақсадида ҳукумат даражасида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури ишлаб чиқилиб, иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларида босқичма-босқич



амалга оширилди. Жумладан, 1991-2000 йилларда 83,5 мингдан ортиқ давлат мулки объектлари хусусийлаштирилган бўлса, 2001-2013 йиллар мобайнида 9260 дан ортиқ давлат тасарруфидаги корхона ва объектлар хусусийлаштирилиб, улардан тушган пул маблағлари ҳажми 750 млрд. сўмдан ошиб кетди<sup>33</sup>. Мазкур маблағларнинг барчаси корхоналарнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни техник жиҳатдан қайта қурулантириш ва модернизациялаш, ишлаб чиқариш инфратузилмасини такомиллаштириш каби тадбирларга йўналтирилди.

Мамлакатимизда ҳақиқий мулкдорлар синфининг қарор топиши жадал суръатларда амалга ошиб, тез орада ўзининг ижобий натижаларини кўрсатди. Ўзбекистонда иқтисодиётнинг нодавлат сектори аҳамиятли салмоққа эга бўлиб борди. Агар 1990 йилда республика ЯИМ умумий ҳажмининг атиги 38,1 фоизи иқтисодиётнинг нодавлат секторида ишлаб чиқарилган бўлса, 2013 йилга келиб бу кўрсаткич 82,8 фоизни ташкил этди. Айниқса, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ва чакана савдо айланмаси энг юқори салмоқ -99,9 фоизга етди.

Кичик бизнеснинг ихчамлиги, ҳаракатчанлиги, иқтисодий манфаатларни нисбатан тўлароқ намоён эта олиши, бозор конъюнктураси ўзгаришларига тез мослаша олиши каби хусусиятлари унинг иқтисодиётни тубдан ўзгартиришда энг самарали ва қулай воситалардан бирига айлантирди. Мазкур соҳа тараққиёти учун алоҳида шарт-шароитларнинг яратилиши, солиқ, божхона ва бошқа тўлов имтиёзларининг белгиланиши, нисбатан арзон кредит ресурсларининг тақдим этилиши натижасида қисқа давр ичида кичик бизнес корхоналарининг сони аҳамиятли даражада ошиб борди. Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида кичик бизнес субъектларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 1990 йилдаги 1,5 фоиздан 2013 йилда 55,8 фоизга етди.

Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар асосан ернинг ҳақиқий эгаси, омилкор ва тадбиркор мулкдорларни қўллаб-қувватлашга қаратилган бўлиб, бу асосан фермерликни жадал ри-

---

<sup>33</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

вожлантириш орқали амалга оширилди. Бунда зарар кўриб ишловчи ва истиқболсиз ширкат хўжалиklarини қайта тузиш асосида фермер ва деҳқон хўжалиklarига айлантириш ўз самарасини берди. Натижада, қишлоқ хўжалигининг тармоқ тузилишида анчагина таркибий силжишлар юз берди, мамлакатнинг қишлоқ хўжалигида буткул янги институционал тузилма вужудга келди. Мулкдорларнинг фермерлик синфи яратилди, хўжалик юритиш ва мулкчиликнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари тубдан ўзгартирилди; чорвачилик ва деҳқончиликда фаолият юритиш тизими, қишлоқ хўжалиги ва унга хизмат қилувчи соҳалар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар такомиллаштирилди; фаолият турини танлашда фермерларнинг ҳуқуқи ва мустақиллиги кенгайтирилди, фермер хўжалиklари тасарруфидаги ер участкалари майдони мақбуллашди; фермер хўжалиklари фаолиятини тартибга солиш, қўллаб-қувватлашнинг бозор тамойилларига мос механизмларига асосланган Республика фермерлар кенгаши ва унинг ҳудудлардаги тузилмалари ташкил этилди.

Мамлакатимизда таркибий ўзгаришларни изчил амалга оширишда қулай инвестиция муҳитининг яратилгани асосий омил бўлиб келмоқда. Инвестиция жараёнларини кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар натижасида йилдан-йилга инвестиция ҳажми сезиларли даражада ортиб бормоқда. Хорижий инвестицияларни жалб қилишни кенгайтириш учун ҳар йили Инвестиция дастури ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилиб бормоқда. Халқаро кузатувчилар мамлакатимизнинг инвестицион фаоллиги ва ривожланиш йўли тўғри эканини эътироф этдилар. Ўзбекистон МДҲ давлатлари ичида 1995 йилдан бери инвестиция ҳажми индекси салбий миқдорни кўрсатмаган ягона давлат бўлиб қолмоқда.

Банк тизимини такомиллаштириш борасида олиб борилган ислохотлар натижасида, жаҳонда молиявий инқироз рўй берганига қарамай, Ўзбекистон банк тизими ишончлилиги ва барқарор ривожланаётгани, хорижий молиялаштириш манбаларига қарам эмаслиги ва ташқи инқироз ҳолатларининг салбий таъсирига берилмаслик хусусиятлари билан ажралиб турди. Кейинги йилларда банк тизимини янада такомиллаштириш, тижорат банкларининг капиталлашув даражасини ошириш, барқарорлигини таъминлаш, инвестиция жараёнла-

рида иштирокини кенгайтириш, уларнинг эркинлигини мустақамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мустақиллик даврида республикамизнинг ташқи иқтисодий фаолияти янги мазмун ва йўналишларда деярли қайтадан ташкил этилди. Маълумотларга кўра, Ўзбекистонда хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликда ташкил этилган хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар сони 1991 йил 1 январь ҳолатига атиги 30 тани ташкил этар эди. 2014 йилнинг бошига келиб бундай корхоналар сони 4,7 мингтадан ошиб кетди, яъни 156 баравардан зиёд ўсди. Агар ташқи савдо айланмаси 1995 йилда 6,6 млрд. АҚШ доллари ҳажмига ташкил этган бўлса, 2013 йилда бу кўрсаткич 4,4 баравар ўсиб, 28,9 млн. АҚШ доллари ҳажмига етди.

Республикада 2011-2015 йилларда транспорт ва коммуникация инфратузилмаси қурилишини жадал ривожлантириш дастурининг амалга оширилиши ишлаб чиқариш, транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси тармоғини янада ривожлантириш имконини берди.



## V боб. Мустақил Ўзбекистоннинг ижтимоий сиёсати

### 5.1. Фаол ижтимоий сиёсат - аҳолини кучли ҳимоя қилиш омили

Ўзбекистоннинг янгиланиш ва тараққиёт йўлига асос қилиб олинган етакчи тамойиллардан бири кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишдир. Бу ҳар қандай иқтисодий ислохотнинг халқ манфаатлари ва унинг ижтимоий ҳимоясини таъминлашга қаратилишини англатади.

Мустақилликкача бўлган даврда, собиқ Иттифоқнинг мустабид сиёсати натижасида 80-йилларнинг иккинчи ярмига келиб, Ўзбекистоннинг давлат бюджети дефицити ҳамда инфляция даражасининг ортиб бориши, халқ истеъмоли товарларининг етишмаслиги, ишлаб чиқариш ва меҳнат самардорлигининг пасайиб кетиши каби бир қатор салбий тенденциялар мамлакатда иқтисодий-сиёсий вазиятнинг кескинлашувига олиб келди.

Ушбу даврда республика аҳолисининг ўсиш суръатлари собиқ Иттифоқнинг бошқа давлатларига нисбатан 3 баробар юқори бўлган, шу жумладан, болалар улуши ҳам. Шу билан бирга, узоқ йиллар давомида мутаносиб суръатда иш жойлари ва яшаш шароитлари яратилмаганлиги оқибатида ишсизлик даражасининг ўсиши, ишлаб чиқариш самардорлигининг пасайиши аҳоли даромадларининг камайишига олиб келди. Буларнинг умумий оқибати эса аҳоли фаровонлиги даражасининг тушиб кетишига сабаб бўлди. Статистик маълумотларга кўра, ушбу даврда мамлакат аҳолисининг 45 фоизи даромадлари яшаш минимумидан паст даражада бўлган.

Бу даврда республика аҳолисининг ижтимоий ҳолати, ижтимоий таъминоти ва ижтимоий ҳимояси масалалари қониқарсиз ҳолатда бўлган. Бунда қишлоқ аҳолисининг 5 фоизигина водопровод ва канализация билан, тахминан 50 фоизи ичимлик суви билан, 17 фоизи табиий газ билан таъ-

минланган, уй-жой, соғлиқни сақлаш муассасалари, мактаблар, болалар боғчалари, маданият объектлари етишмас эди.

Мана шундай кескин бир шароитда Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритди.

Туб ўзгаришларнинг бошланғич босқичи - 1991 - 1995 йилларда асосий эътибор озиқ-овқат маҳсулотлари ва но-озиқ-овқат моллари истеъмол қилиш кескин камайиши, оммавий ишсизлик пайдо бўлишининг олдини олиш, аҳоли турмуш даражасининг кескин тушиб кетишига йўл қўймаслик, ижтимоий соҳалар - соғлиқни сақлаш, таълим, фан ва маданият тармоқлари доимий ишлашини таъминлашга қаратилди.

Ислохотларнинг бу босқичида Ўзбекистон ижтимоий ҳимоя сиёсатининг асосий вазифаси - имкон қадар ялпи ишсизликка йўл қўймаслик ҳамда нархларнинг эркинлаштирилиши натижасида аҳоли даромадларидаги "йўқотишлар"-ни камайтириш бўлди.

Давлатнинг ижтимоий-иқтисодий, миллий ва демографик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, истеъмол бозорлари ҳимояси ва давлатнинг истеъмол хавфсизлигига асос солинди. Асосий озиқ-овқат ва истеъмол молларининг кескин камайиб кетишига йўл қўймаслик учун чегараланган маҳсулотларнинг нормалаштирилган тизими ишлаб чиқилди. Шунингдек, ҳимоя чораси сифатида истеъмолчиларга субсидиялар бериш тизими ва истеъмол бозоридаги асосий озиқ-овқат товарларини мамлакатдан ташқарига чиқиб кетишига йўл қўймасликнинг турли шакллари билан кенг фойдаланилди.

Қишлоқ аҳолисига хусусий томорқалар ажратилиши, шунингдек, аҳоли асосий қисмининг реал маоши камайишини компенсация қилиш мақсадида тadbиркорлик фаолияти қўллаб-қувватланди. Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, бу йиллар ичида қишлоқ аҳолиси хусусий тасарруфидаги ер ҳажми икки баробарга ошди, натижада, ҳар бир оила тасарруфидаги томорқалар 1990 йилдаги 12 сотихдан 30 сотихга етди. Бу чора-тадбирлар бозор муносабатларига хос юқори самарали томорқа хўжаликларини ташкил этиш имконини яратди.

Бозор иқтисодиёти тизимида ишлашга мослашмаган таълим ҳамда соғлиқни сақлаш тизими ҳам ислохотларнинг дастлабки босқичида туб ўзгаришларни талаб қиларди. Бунда аҳолининг соғлиғи ва таълим даражасини бир бутун тизим сифатида сақлаб қолишга қаратилган чора-тадбирлар муҳим аҳамият касб этди.

Бу сиёсат ўтиш даврининг энг мураккаб - бошланғич даврларида ижтимоий соҳадаги асосий мақсад ва вазифаларни амалга оширишга кўмак берди. Шундай ёндашув туфайли ислохотлар арафасида энг ноқулай бошланғич шарт-шароитлар ва сезиларли ижтимоий зиддиятларга эга бўлган Ўзбекистон ижтимоий можароларни четлаб ўтишга муваффақ бўлди.<sup>1</sup>

Бу давр ичида Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг ижтимоий таъминоти ҳамда ҳимоясининг ҳуқуқий асослари яратилди. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида" (20.11.1991), "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида" (13.01.1992), "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида" (02.07.1992), "Таълим тўғрисида" (02.07.1992), "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида" (06.05.1993), "Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида" (07.05.1993), "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида" (03.09.1993) каби бир қатор ижтимоий муҳим аҳамиятга эга қонунлар қабул қилинди.

Иккинчи босқичда (1996 - 2003 йиллар) макроиқтисодий мувозанатни таъминлаш, инфляция даражасини пасайтириш, иқтисодиётда тузилмавий ўзгаришни амалга ошириш, истеъмол бозорини тўлдириш орқали аҳоли турмуш даражасини кўтариш учун шарт-шароитлар яратилди. 1996 йилдан бошланган иқтисодий юксалтириш аҳоли даромадлари ўсишининг табиий манбаига айланди. 1997-2003 йиллар давомида аҳолининг реал пул даромадлари йиллик ўртача 22 фоиздан ўсди.

Ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналишлари аҳолининг умумий ижтимоий ҳимояси ўрнига ижтимоий ҳимоянинг

---

<sup>1</sup> Узбекистан: десять лет по пути формирования рыночной экономики. РАН, 2001.



манзилли шаклларига ўтишда намоён бўлди. Иш билан таъминлаш, аҳоли даромадларини, инсон капитали салоҳиятини ошириш ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналишларига айланди.

Аҳоли турмуш даражасини яхшилаш мақсадида қишлоқ аҳолисини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш дастури ишлаб чиқилди. Натижада аҳолининг, айниқса, қишлоқ жойларда яшовчиларнинг ичимлик суви ва табиий газ билан таъминланганлик даражаси ошди. 1997-2003 йилларда аҳолининг ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси, хусусан, қишлоқ жойларда 36,8 фоиздан 47 фоизга, табиий газ билан таъминлаш 69 фоиздан 78,3 фоизга етди.

1997 йилдан бошлаб ижтимоий соҳанинг барча тармоқларида ижтимоий дастурлар тизими амалга оширила бошланди. Таълим соҳасида "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" қабул қилиниб, унинг асосида янги мактаблар, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари қурилди, мавжудлари капитал таъмирланди. Ўқув бинолари замонавий жиҳозлар, ўқув қуроллари, компьютер синфлари билан таъминланди. Янги миллий таълим стандартлари, дарсликлар ишлаб чиқилди. Бу тадбирларнинг амалга оширилиши учун ҳар йили давлат бюджетининг ижтимоий соҳага йўналтирилган қисмининг деярли ярми сарфланди.

Бу даврда «Соғлиқни сақлашни ислоҳ қилиш Давлат дастури» асосида тиббий хизмат кўрсатиш тизими қайта кўриб чиқилди, қишлоқ жойларда соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини ислоҳ қилинди, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш тизими яхшиланди.

Ушбу даврда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни қўллаб-қувватлаш мақсадида йиллик давлат дастурлари амалга оширилди. Булар қаторида "Инсон манфаатлари йили" (1997), "Оила йили" (1998), "Аёллар йили" (1999), "Соғлом авлод йили" (2000), "Она ва бола йили" (2001), "Қарияларни қадрлаш йили" (2002), "Обод маҳалла йили" (2003) каби йиллик давлат дастурлари ижтимоий сиёсатнинг янада кучайишида алоҳида ўрин тутди.

Учинчи босқичда 2004 йилдан бошлаб бугунги кунга қадар иқтисодиётда, банк тизими, солиқ-бюджет сиёсатида ўтқа-

зилган институционал ва тузилмавий ислоҳотлар натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, янги иш жойлари яратиш ҳамда аҳоли даромадлари ўсишига қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилди. Натижада, сўнгги саккиз йил ичида аҳоли даромадларининг реал ўсиши 20 фоизни ташкил этди.

Ушбу босқичда мамлакатимиз ривожланишида 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даври алоҳида ўрин тутати. Ўзбекистон Республикасида 2009 йили қабул қилинган "Инқирозга қарши чоралар дастури" доирасида бир қатор инвестицион дастурлар амалга оширилиб, аҳоли бандлиги ва даромадларининг ўсишига, ижтимоий инфраструктура ва хизматлар соҳасининг ривожланишига, аҳолининг ўз-ўзини бошқариш органлари орқали манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор берилди.

Бу босқичда энг асосий эътибор таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида барчага тенг имкониятлар яратиш, мазкур хизматларнинг сифатини ошириш ҳамда ёшларнинг меҳнат бозорида фаол иштирокини таъминлашга қаратилди.

Шунингдек, таълим тизимидаги ислоҳотлар бир қатор ихтисослаштирилган дастурлар ва қарорлар асосида янада такомиллаштирилди. Хусусан, "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури", "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими педагог ва муҳандис-педагог кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш дастури", "2005 - 2009 йилларда умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни нашр этиш дастури", "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури", "2011-2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини модернизация қилиш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш дастури", шунингдек, "Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ҳамда "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш

чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори таълим соҳасида туб ўзгаришларга сабаб бўлди.

Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш ҳамда аҳоли саломатлигини ошириш мақсадида бир қатор ҳукумат қарорлари ва давлат дастурининг амалга оширилиши натижасида ташҳис қўйиш ва тиббий ёрдамнинг барча турлари сифатини тубдан яхшилаш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 24 мартдаги "Соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш тўғрисида"ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 28 ноябрдаги "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда 2011 йил 21 ноябрдаги "Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасини Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси этиб қайта ташкил қилиш тўғрисида"ги қарори тизимни ислоҳ қилишда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

## **5.2. Таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг тақомиллашуви**

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, таълим соҳасини ислоҳ қилиш мамлакат олдида турган муҳим йўналишлардан бири сифатида қабул қилинди. Давлат томонидан, жумладан, қуйидагиларни амалга ошириш йўлга қўйилди:

давлат ва нодавлат таълим муассасаларини ривожлантириш;

таълим ва кадрлар тайёрлаш давлат дастурлари асосида бепул ўқитиш;

барча турдаги таълим муассасалари битирувчиларининг кейинги босқичдаги ўқув юртларига киришда тенг ҳуқуққа эга бўлишини таъминлаш;

бошқа давлатларнинг фуқаролари Ўзбекистон Респуб-



ликасида халқаро шартномаларга мувофиқ билим олиш ҳуқуқига эга бўлиши;

республикада истиқомат қилаётган фуқаролиги бўлмаган шахслар билим олишда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг ҳуқуққа эга бўлиши.

Таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг асосий йўналишлари унинг демократик, инсонпарварлик тамойилларини қарор топтириш, халқимизнинг тарихий анъаналари ва педагогикаси, шунингдек, жаҳон халқлари педагогикасининг илғор ютуқлари асосида таълим мазмунини тубдан ўзгартириш, шу мақсадда ўқитувчилар, педагогик жамоаларнинг ташаббускорлигига кенг имкониятлар очиб бериш ва уни ҳар томонлама рағбатлантириш, билим ва кўникмаларининг пухталигини таъминлайдиган замонавий дидактик воситалар қўллашни кенг кўламда йўлга қўйиш, шу асосда таълим мазмунини яхшилашга эришишдан иборат бўлди.

Ўтган давр мобайнида Ўзбекистонда таълим соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ва унинг тараққиёт истиқболларига мос келадиган таълим тизимини ташкил қилишга олиб келди. Унда қуйидагилар кўзда тутилган:

- таълим тизимини бозор иқтисодиёти ва очиқ жамиятга мослаштириш;

- аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишнинг зарур шarti бўлган таълим олиш учун тенг имкониятлар яратиш;

- таълим хизматларининг барқарор ва сифатли кўрсатилишини таъминлаш мақсадида таълим соҳасини молиялаштириш тизимини яхшилаш ҳамда ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;

- таълим сектори бошқарувини такомиллаштириш.

Ўзбекистонда давлатнинг бу соҳадаги сиёсати ва Таълимни ислоҳ қилиш Концепцияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1997 йил 29 августда янги таҳрирда қабул қилинган "Таълим тўғрисида"ги Қонун ҳамда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да ўз аксини топди.

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" 3 босқичда амалга оширилди. I босқич - 1997-2001 йилларда Дастурни амалга ошириш учун зарур бўлган ҳуқуқий-меъёрий, илмий-методик, молиявий-моддий шарт-шароитлар яратилди. Бунинг

учун давлат томонидан қўшимча 65 миллиард сўм сарфланди. Бу босқич «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг моддий-техник базасини яратиш даври деб номланди. II босқич - 2001-2005 йилларни ўз ичига олиб, миллий дастур кенг миқёсда жорий этилди. Бу босқич "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг сифат босқичи деб ном олди. III босқич - 2005 йилдан бошланиб, ундан кейинги йилларни ўз ичига олади. Бу босқичда Дастур ижроси якунига етказилиб, эришилган натижалар, тўпланган тажрибалар умумлаштирилиб, таҳлил этилмоқда ҳамда шу асосда юртимизда янги таълим тизими янада такомиллаштирилмоқда. Шу боисдан бу босқич "Таълим тизимини модернизациялаш даври", деб аталмоқда.

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" асосида қуйидаги мақсадларга эришилди:

- таълим тизимида кадрларнинг салоҳиятини ҳар томонлама такомиллаштириш ҳамда ўқитувчилар, устозлар ва илмий ходимларнинг профессионал нуфузини ошириш;

- таълим тизимини таркибий қайта қуриш, таълим ва профессионал дастурларни тубдан ўзгартириш, таълим, фан, технология, иқтисодиёт ва маданият соҳасидаги жаҳон ютуқларига таяниш;

- мажбурий ўрта умумтаълим, ўрта махсус, профессионал таълим-тарбия тизимига ўтишни таъминлаш.

"Таълим тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳрири ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" қабул қилинганидан сўнг республикамиз бутун таълим тизими, жумладан, олий маълумотли кадрлар тайёрлаш ҳам тубдан ислоҳ қилишнинг аниқ стратегик дастурига эга бўлди.

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг Ўзбекистонга хос энг муҳим хусусияти - янги турдаги 3 йиллик ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимини яратиш собитқадамлик билан амалга оширилди. Замонавий ўқув ва ишлаб чиқариш ускуналари билан жиҳозланган касб-хунар коллежлари, академик лицейлар барпо этилди, янги таълим стандартлари ва ахборот технологиялари, интерактив усуллар ўқув жараёнига татбиқ этилди.

Олий таълимда бакалаврият ва магистратура тизими жорий қилинди. Жаҳон стандартларига хос олий таълим тизимига ўтилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Исло

Каримов таъбири билан айтганда: "Билимдон, профессионал жиҳатдан саводли ҳамда гайрат-шижоатли шахсларни, ўз мамлакатимизнинг чинакам ватанпарварларини тарбиялай оладиган, уларни буюк миллий маданиятнинг улкан маънавий мероси билан бойита оладиган, жаҳон фани ва маданияти дурдоналаридан баҳраманд эта оладиган мамлакатгина, миллатгина буюк келажакка эришиши мумкин".<sup>2</sup>

Таълим тизими Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни асосида мактабгача таълим, умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим, олий профессионал таълим, олий таълимдан кейинги таълим, малака ошириш ва кадрларни қайта тайёрлаш, мактабдан ташқари таълим шаклларида ташкил қилинди.

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг амалга оширилиши натижасида Ўзбекистонда нисбатан қисқа муддатда дунёнинг етакчи давлатларида таълим соҳасида эришилган илғор ютуқлар, миллий анъаналарни ўз ичига олган принцип жиҳатдан янги модели яратилди.

1999-2000 ўқув йилидан бошлаб умумтаълим ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ўқитиш жараёни янги ўқув режалари ва дастурлари асосида олиб борилмоқда.

Олий таълим Ўзбекистонда давлат тасарруфидаги олий таълим муассасалари тизими орқали амалга оширилмоқда. Ҳозирги пайтда Ўзбекистондаги олий таълим муассасаларида икки босқичли олий маълумот берилади: камида 4 йил муддатли бакалаврият ва камида 2 йил муддатли магистратура. Бундай тизим олий таълимнинг мосланувчанлиги, турли босқичларда танланган мақсад ва вазифага мувофиқ таълим йўналиши ва мутахассисликларни танлаб олиш имконини беради. Икки босқичли олий таълимнинг жорий этилганлиги Ўзбекистон олий таълимининг жаҳон таълим маконига кириб боришини таъминламоқда.

Президентимизнинг доимий эътибори натижасида ўтган йиллар давомида юртимизда жаҳондаги нуфузли университетлар билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди. Нати-

---

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-ж. -Т.: Ўзбекистон, 2012. -Б. 177-197.



жада, юксак халқаро обрў-эътибор ва чуқур тарихий илди-ларга эга Европа ва Осиёнинг етакчи олий ўқув юртлари — Буюк Британиянинг Халқаро Вестминстер университети, И.Губкин номидаги Россия нефть ва газ давлат университе-ти, Италиянинг Турин политехника университети, Синга-пур менежментни ривожлантириш институти, Г.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси, М.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент шаҳ-ридаги филиаллари ташкил этилди ҳамда муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Ушбу олий ўқув юртларида машинасозлик, нефть-газ иши, ахборот технологиялари, иқтисодиёт ва бизнес бош-қаруви, молиявий менежмент, тижорат ҳуқуқи каби меҳ-нат бозорида талаб юқори бўлган мутахассислар тайёрлан-моқда ва уларнинг битирувчилари бутун дунёда тан олина-диган дипломларга эга бўлмоқда.

Мамлакатимизнинг юқори малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёжи асосида янги замонавий йўналишлар бўйи-ча кадрлар тайёрлаш ишлари бошлангани ҳам эътиборга са-зовор. Юртимиз ва хориждаги ўқув юртларида юзлаб иқти-дорли ёшлар таълим олмоқда ва ўз малакасини оширмоқда<sup>3</sup>. Бунда хорижий таълим муассасалари билан икки томонлама талаба ва тажриба алмашиш йўлга қўйилгани муҳим аҳами-ят касб этмоқда. Мамлакатимизда нуфузли халқаро ташки-лотлар, чет эллик таниқли эксперт ва мутахассислар, таҳ-лилчи ва кузатувчилар иштирокида таълим сифатини оши-ришга доир кўплаб симпозиумлар, конференция ва семи-нарлар ўтказилмоқда.

2012 йил Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган халқаро конфе-ренцияда кўплаб йирик халқаро ташкилотлар ва молия институтлари, жумладан, БМТ, Осиё Тараққиёт банки, Жа-ҳон банки, Ислон Тараққиёт банки вакиллари, Буюк Бри-тания, Германия, Италия, Хитой, АҚШ, Жанубий Корея, Япония, Россия каби дунёнинг 48 давлатидан таълим тизи-ми раҳбарлари, 8 та халқаро ташкилот ва таълим жамғарма-

---

<sup>3</sup> Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз-демократик ислохотларни чуқурлашти-риш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. 20-ж. -Т.: Ўзбекистон, 2012. -Б. 177-197.

ларидан 270 нафар вакил, олимлар ҳамда мутахассислар иштирок этиб, узлуксиз таълим соҳасини ривожлантириш ва ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашнинг миллий моделини яратишда Ўзбекистон тажрибасини ўргандилар. Улар юртимизда фаол, интилувчан, иқтидорли ва юксак маънавий фазилатларга эга, замонавий билим ҳамда касбларни чуқур эгаллаган, бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлган ёшларни вояга етказиш учун барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилганига гувоҳ бўлдилар.

Президентимиз Ислон Каримов таъкидлаганидек, "Бизнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган Дастур - бу бошқа моделларни қандайдир такрорлаш ёки улардан нусха кўчириш эмас, аксинча, биринчи навбатда, ривожланган демократик давлатларда тўпланган тажрибани ўзида мужассам этган ва айна пайтда шиддат билан ўзгариб бораётган ҳозирги замон талабларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган дастурдир"<sup>4</sup>.

Таълим тизимида ўқувчиларнинг нафақат кенг билим ва профессионал кўникмаларни эгаллаши, айна пайтда, чет мамлакатлардаги тенгдошлари билан фаол мулоқот қилиш, бугунги дунёда рўй бераётган барча воқеа-ҳодисалар, янгилик ва ўзгаришлардан атрофлича хабардор бўлиш, жаҳондаги улкан интеллектуал бойликни эгаллашнинг энг муҳим шarti ҳисобланган хорижий тилларни ҳам чуқур ўрганишга катта аҳамият берилмоқда.

Бугунги кунда таълим соҳасидаги барча саъй-ҳаракатлар дастлабки натижаси сифатида бир неча хорижий тилларда эркин гаплаша оладиган, шу билан бирга, ўз фикрини она тилида раvon, гўзал ва лўнда ифода эта оладиган янги мутахассислар авлоди тайёрланди.

Олий ўқув юртларида кадрлар тайёрлаш, таълим тизими-ни ислоҳ қилишнинг жаҳонда тан олинган, тажрибада и-сботланган 4 та модели мавжуд. Булар АҚШ, Франция, Гер-мания ва Япония мамлакатларининг моделларидир. Улар,

---

<sup>4</sup> Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз-демократик ислоҳотларни чуқурлашти-риш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. 20-ж. -Т.: Ўзбекистон, 2012. -Б. 190.

гарчи, умумий ҳолида ва йўналишлар бўйича бир-бирига яқин бўлса-да, лекин ушбу мамлакатларнинг ҳозирги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳолати, миллий хусусиятлари ҳамда фуқароларнинг яшаш шароитидан келиб чиқиб, фарқ қилади. Масалан, Япония таълим тизимида "Оила" омилига катта эътибор берилади. Америка ёки Францияда эса, маҳаллий шароитдан келиб чиққан ҳолда, пуллик мактаблар жорий этилган. Лекин айрим мамлакатларда ўзини оқлаган ва самара берган моделларни ўзга давлатлар учун тўғридан-тўғри қўллаб ёки татбиқ этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам ривожланган мамлакатлар тажрибалари чуқур ўрганилиб, миллий ҳамда Ўзбекистон Республикасига хос бўлган хусусиятлар, шароитлар инobatга олинган ҳолда кадрлар тайёрлаш тизимининг янги модели ишлаб чиқилди. Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмлари: шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқариш тизимлари яхлит маърифий-тарбиявий, ижтимоий-маънавий иерархияси (ҳукмронлиги)нинг узвий муштараклигидан иборат.

Турли давлатларда "баркамол инсон" тушунчасига турли сифатлар берилади. Ҳар бир давлат ўз фуқароларида замон талабларига мос сифатлар ва жамият мақсадларига мос қадриятларни қарор топтиришга ҳаракат қилади. Доимий юксалиш ҳақида қайғурадиган етакчи давлатларнинг бу борадаги тажрибаси билан танишиш фойдадан холи эмас.

Ўзбекистонда таълим сиёсати ва унинг узвий қисми бўлган "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" мамлакатимизнинг қўлга киритаётган салмоқли кўрсаткичлари бежиз эмаслигини исботлаб турибди. Ўз навбатида, ўзбек ёшларининг халқаро фан олимпиадалари ва спорт ареналарида эришаётган ютуқларининг ўзиёқ бу фикрнинг тасдиғи бўла олади. Юртимизда 1 октябрь - Ўқитувчи ва мураббийлар куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланиши, ҳар йили ушбу соҳа вакилларининг давлатимиз юксак мукофотларига сазовор бўлаётгани, улар ўртасида "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" республика кўрик-танлови мунтазам ўтказиб келинаётгани ҳам бунинг ёрқин тасдиғидир.

Ўзбекистонда фуқаро тарбияси давлат сиёсатининг устувор соҳаси бўлиб, асосан уч йўналишда: "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" доирасида, миллий гоёни сингдириш во-



ситасида, "Мақтаб умуммиллий давлат дастури" асосида амалга оширилмоқда. Кўриниб турибдики, мамлакатимизда мактаб фуқаро тарбиясини амалга оширувчи асосий маскан сифатида танланган. Чунки мактабда бола билим олишдан ташқари шахс сифатида ҳам шаклланади. Демак, маориф зиммасига миллат фуқаросини тарбиялашдек масъулиятли вазифа юкланган. Маориф, халқ таълими ва олий таълим йўли билан комил инсонни тарбиялаш зарур. Ўзбекистонда ҳар жиҳатдан фаол инсонни вояга етказиш, ғоявий тарбия воситасида шахснинг салоҳиятини юксак даражада юзага чиқаришга эришиш, ҳар бир бола иқтидорини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

XXI аср - интеллектуал билимлар асрида инсон капиталига инвестициялар йўналтиришни устувор вазифа сифатида танлаган мамлакатларгина юксак тараққиётга эришиши мумкин. Фақат шундай жамиятгина замонавий таҳдид ва муаммоларни енгиб ўтишга қодир бўлади. Бугунги кунда ҳар қандай мамлакатнинг жаҳон бозорида рақобатбардошлиги нафақат табиий ресурсларнинг мавжудлиги, балки, биринчи навбатда, замонавий мунтазам янгилашиб турадиган технологияларни ўзлаштиришга қодир, юксак билим ва интизомли ишчи кучини тайёрлашга ҳам боғлиқ. Бундай ишчи кучисиз иқтисодиётнинг юқори технологияларига асосланган замонавий тузилмасини шакллантирадиган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиб бўлмайди.

Ўзбекистонда бугунги кунда таълим соҳасида алоҳида эътироф этиб келинаётган ютуқлар сифатида мактаб таълими мамлакатда яшаётган турли миллатлар эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда, 7 тилда - ўзбек, қорақалпоқ, рус, қozoқ, қирғиз, тожик ва туркман тилларида олиб борилаётганини айтиш мумкин. Бунда ҳар бир битирувчи мажбурий таълимдан сўнг, ўз хоҳишига кўра, олий ўқув юртиларида ўқишни давом эттириши ва бакалавр ҳамда магистр даражасини олиши мумкин. Ҳар бир коллеж тегишли корхоналар билан алоқа боғлаган. Республиканинг ҳар бир ўқув юртида оптик-толлалли алоқа линиялари асосида қурилган ягона "ZiyoNet" ахборот таълим тармоғига уланган ахборот ресурс марказлари ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти бошчилигида таш-

кил этилган махсус жамғарма томонидан болалар спортини ривожлантиришга устувор эътибор қаратилмоқда. Мамлакатда иқтидорли ўқувчи-талабалар давлат томонидан қўлаб-қувватланаётир. Имтиёзли стипендия ва мукофотлар жорий этилган. Турли кўрик-танловларни мунтазам ўтказиш яхши анъанага айланган. Ўзбекистонлик ёшлар халқаро олимпиядалар, санъат ва маданият кўргазмаларида фаол қатнашиб келмоқда. Буларнинг барчаси мамлакат раҳбарининг таълим-тарбия соҳасига қаратаётган юксак эътибори, бу борада рўёбга чиқарилаётган изчил ислоҳотлар ва комплекс чора-тадбирлар самарасидир.

Ўзбекистон таълим соҳасидаги ислоҳотлар республикадаги мазкур тизим фаолиятининг ижтимоий-иқтисодий шароитида туб ўзгаришларга, унинг янгидан барпо этилишига олиб келди, бошқарув усуллари демократлашди, таълим муассасаларининг, биринчи навбатда, мактабгача таълим муассасаларининг нодавлат сектори, таълим фаолиятини молиялаштиришнинг янги манбалари пайдо бўлди, таълим хизматлари спектри кенгайди ва истеъмолчилар (аҳоли, иш берувчилар) томонидан бу хизматларга бўлган эҳтиёж кучайди.

Ўзбекистонда таълим тизимини ислоҳ этиш дастурини жорий этиш бўйича амалга оширилган ва амалга оширилаётган барча ишлар, биринчи навбатда, мамлакатимизнинг узоқ муддатли манфаатларига, унинг ҳозирги анча мураккаб ривожланиш босқичининг мавжуд ҳолати ва хусусиятларига тўла жавоб беради.

### **5.3. Ўзбекистонда илм-фан ва илмий-техника соҳасининг ривожланиши**

**Ўзбекистон Фанлар академиясининг илм-фан ривожига қўшган ҳиссаси.** Мамлакат ва миллат келажаги кўп жиҳатдан илм-фан ҳамда жамиятнинг интеллектуал салоҳиятига боғлиқ. Энг замонавий илмларни эгалламасдан, мамлакат миллий манфаатларига хизмат қилувчи фан соҳаларини ривожлантирмасдан, фундаментал, назарий тадқиқотлар олиб бормасдан жамиятни тараққий эттириш мумкин эмас.

Ислом Каримов республикага раҳбар бўлиб тайинланган кунданоқ бошқа соҳалар сингари илм-фан соҳасига ҳам муҳим эътибор қаратди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси республика тараққиётида амалга оширилаётган ва барча соҳаларда содир бўлаётган ислохотлар самарадорлигини оширишда муҳим ўрин туради.

1989 йил 28 ноябрда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясида бўлиб ўтган учрашувда Ислом Каримов илм-фанни юксалтириш борасида мавжуд муаммо ва вазифаларга атрофлича тўхталиб, фан соҳасидаги кадрларни кўпайтириш ва ёшартириш зарурлигини алоҳида таъкидлаган эди.

Республика раҳбарияти томонидан 1990 йилдан бошлаб мамлакат ва чет эллардаги нуфузли илмий марказлар докторантураларида амалиёт ўташ учун ёш олимларимизга юзта ўрин ажратиш масаласини СССР Фан ва техника давлат комитети олдига қўйилиши бу борадаги улкан амалий тадбирларнинг дебочаси эди. Мазкур таклифда биотехнология, молекуляр генетика, робототехника системаси, машинасозлик технологиялари, демография иқтисодиёти каби соҳаларда, фан-техника тараққиётининг бошқа асосий йўналишларида илмий кадрлар тайёрлаш кўламини кенгайтириш масаласи ҳам илгари сурилган эди. Унда илм-фан ютуқларини амалиётга татбиқ этиш, олимлар фаолиятини республика хўжалиги тараққиёти учун устувор бўлган соҳаларга йўналтириш белгиланди. "Фанга истеъдодли ёшларнинг кириб келишини таъминлаш учун олий мактабнинг, ҳатто, умумтаълим мактабларининг фаолияти такомиллаштирилиши режалаштирилди. Ушбу режаларни муваффақиятли амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар белгиланди:

- истеъдодли ва иқтидорли ёшларни излаб топиш, қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг қобилиятини ривожлантириш учун барча шарт-шароитларни яратиш;

- махсус республика фондини ташкил этиш ҳамда иқтидорли болалар учун мактаблар ва интернатлар тармоғини вужудга келтириш, ёш олимлар учун турли мукофотлар таъсис этиш;

- фанни маблағ билан таъминлаш муаммоларини пухта ишлаб чиқиш, янги институтлар ташкил этиш, мавжуд институтларни ўзгартириш;



– сув муаммолари ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш институти ва бошқа бир қанча институтларни тузиш;

– республикада узоғи билан 2010 йилгача илмий сиёсат концепциясини ҳамда Ўзбекистонда фан ва техникани ривожлантиришнинг тегишли дастурини ишлаб чиқиш.”<sup>5</sup>

Ўзбекистон раҳбари жамият тараққиётида олимларнинг ўрни масаласига тўхталиб ўтар экан, “Ҳозир ҳар бир олим, айниқса, жамиятшунос олим ўз илмий фаолиятини республика муаммоларига, ўз халқи ва бутун мамлакатимиз тақдирига мувофиқлаштириши лозим. Равшанки, бундай интилиш жамиятшунос олимлар илмий ва ижтимоий фаолиятининг бирлиги характерини, уларнинг республика ижтимоий ҳаётидаги амалий иштирокини белгилаб бериши керак”<sup>6</sup>, деб таъкидлаш билан бирга, илмий ходимлар ўз фикрларини эркин, масъулият билан ифода этишлари учун шароит яратиш, уларнинг ижодий ва ижтимоий фаоллигини рағбатлантириш, илмий тадқиқотларни бажариш учун давлат буюртмаларининг танлов тизимини шакллантиришни ҳам баён этди.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида илм-фаннинг ривожланиши учун барча шарт-шароитлар яратилди. Иқтисодий қийинчиликлар, ўтиш даври муаммоларига қарамасдан, мавжуд илм-фан инфраструктураси бир томондан сақлаб қолинди, бошқа томондан эса унинг янада ривожланиши учун ҳуқуқий, маънавий, иқтисодий асослар яратилди.

Илм-фан ривожига мамлакат ривожланишининг устувор йўналиши сифатида қаралди. Ўзбекистон Республикаси раҳбари таъкидлаганидек, “Мамлакатни жадал ривожлантириш борасидаги дастурий вазифаларни амалга оширишда фанни ва илмий инфраструктурани ривожлантириш ғоят муҳим аҳамиятга эга. Тарихан Ўзбекистон Республикасида шаклланган интеллектуал салоҳият XXI аср бўсағасида ўзининг ривожланиш даражаси жиҳатидан, инновацион кашфиётлар,

---

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобини ўрганиш бўйича ўқув-услубий қўлланма. -Т.: "O'qituvchi" NMIU, 2012. - Б. 109.

<sup>6</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. - Т.: Ўзбекистон, 2011. - Б. 89.

имкониятлари билан ҳозирги вақтда жаҳондаги кўпгина ривожланаётган мамлакатлардан илгарилаб кетган".<sup>7</sup>

Мустақилликнинг дастлабки йилларида республика Фанлар академияси олдида қисқа вақт ичида илмий тадқиқотларни режалаштириш соҳасида замонавий талабларга мос тизимни яратиш, Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар ва тажриба-конструкторлик ишларини маблағ билан таъминлашнинг самарали тизимини шакллантириш, илмий-тадқиқот муассасаларининг моддий-техникавий ҳамда тажриба базасини ривожлантириш каби аниқ ва муҳим вазифалар турарди.

1991 йилга келиб, Ўзбекистон Фанлар академиясида асосий фондларнинг 34 фоизи, фондлар фаол қисмининг 46 фоизи емирилиб, ишдан чиқиб бўлганди. Уларни сотиб олиш учун берилган талабномалар СССР Фанлар академиясининг моддий-техника таъминоти идоралари томонидан атиги 25-28 фоизга қондирилганди, холос. Мазкур эҳтиёжлар учун валюта маблағлари деярли ажратилмаганди.

Ўзбекистон ҳукумати бундай зиддиятли вазиятни ўз вақтида англаб етди. 1992 йил январда Ўзбекистонда фан-техника тараққиётини янада жадаллаштириш мақсадида Республика Кенгаши ташкил этилди. Илм-фаннинг устувор аҳамиятга эга эканлигини эътиборга олиб, мамлакат Президенти 1992 йил 3-4 март кунлари бўлиб ўтган Фанлар академиясининг йигилишида қатнашди ва нутқ сўзлади. Шунингдек, 1991-1992 йилларда Ўзбекистонда илм-фанни ривожлантириш, уни халқаро андозалар даражасида тараққий этишини таъминлашга оид қатор тадбирлар ўтказилди. Бу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг 1992 йил 18 февралдаги Фармонида биноан Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника Давлат қўмитаси тузилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Шунингдек, мамлакат раҳбарининг 1992 йил 31 мартдаги Фармонида биноан Олий Аттестация Комиссияси (ОАК) ҳам ташкил этилди.

1992 йил 5 майда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси умумий мажлисида янги Низом қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1992 йил 14

---

<sup>7</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. - Т.: Ўзбекистон, 1998. - Б. 625.

августда ўз қарори билан мазкур Низомни тасдиқлади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси муассасалари ва ташкилотлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш шартлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 26 декабрдаги ягона тариф жадвалига мувофиқ қайта кўриб чиқилди. Янги Низомга биноан, илмий-тадқиқотлар мавзулари Ўзбекистон Фанлар академияси муассасалари ва ташкилотларининг таклифлари асосида, фундаментал тадқиқотлар кўламини кенгайтириш ва савиясини оширишни, илмий ишланмаларнинг амалий аҳамиятини, уларнинг устувор йўналишларга мувофиқлигини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилиши белгиланди.<sup>8</sup>

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 1992 йил 8 июлдаги "Фан ва инновация фаолиятининг ривожланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони, уни амалга ошириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Фаннинг ривожланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тадбирлари ва инновацион фаолият ҳақида"ги қарори мамлакат илмий салоҳиятини янада оширишда муҳим омил бўлди.

Ўзбекистонда илм-фанни янада ривожлантириш, бу борадаги иш самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йилда "Фан ва инновация фаолиятини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Ушбу ҳужжат Фанлар академияси фаолиятини тубдан яхшилаш, умуман, илм-фаннинг моддий-техника базасини ривожлантиришда катта аҳамият касб этди. Фанлар академияси институтларининг 64 та ишланмалари халқ ҳужалиги турли тармоқларига жорий этилди, яна 55 та ишланма амалда фойдаланишга тайёрлаб қўйилди. Илмий-тадқиқот ишлари режасини бажариш учун 1992 йилда давлат бюджетидан 440,1 млн. сўм ажратилди. Бу 1991 йилдагига нисбатан 366,4 млн. сўм кўп эди.<sup>9</sup>

Ўтиш даври муаммоларини ҳал қилиш учун, энг аввало, Ўзбекистон хорижий давлатлар билан илмий, илмий-техникавий ҳамкорликни йўлга қўйиши лозим эди. Шу мақ-

<sup>8</sup> ЎзР ФА жорий архиви. 1-фонд, 1-рўйхат, 4650-иш, 2-варақ.

<sup>9</sup> ЎзР ФА жорий архиви. 1-фонд, 1-рўйхат, 4650-иш, 3-варақ.



сада Ўзбекистон раҳбарининг ташаббуси билан 1992 йил 3 мартда Ўрта Осиё, Қозоғистон ва Озарбайжон Фанлар академияси Президентларининг учрашуви бўлди. Унда мазкур давлатлар Фанлар академиялари Президентлари илмий ва илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги шартномага имзо чекдилар.<sup>10</sup>

1991 йилнинг охирларида АҚШ, Канада, Франция, Польша ва Португалиядан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига ҳамкорлик шартномаларини имзолаш бўйича таклифлар келди.<sup>11</sup> 1992 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси 25 давлат билан илмий-тадқиқот ишлари бўйича ҳамкорлик қилди. АҚШ, Канада, Бельгия, Жанубий Корея, Италия, Германия билан тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатилди. 1992 йил май ойида республика Фанлар академияси Ядро физикаси институти ва Канаданинг "Триумф" ядро маркази ўртасида илмий-техникавий ҳамкорлик шартномаси имзоланди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси хорижлик шериклар билан фундаментал тадқиқотлар асосида ҳамкорликда қўшма корхоналар ва лабораториялар қуришга ҳам эътибор қаратди. Масалан, АҚШнинг Монсанто компанияси муассасаси билан республика Фанлар академияси Генетика институти ҳамкорликда биотехнологиялардан фойдаланиш асосида "Монсанто" қўшма корхонасини барпо этди. Шу билан бирга, Фанлар академияси илмий ходимларининг хорижий сафарлари ҳам кўпайиб борди. Масалан, 1992 йилда 140 нафар ходим хориждаги илмий марказларга сафарга борган бўлса, хориждан 216 нафар олим Ўзбекистонга келди. 1992 йили Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси халқаро илмий иттифоқ Кенгашига аъзо бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 1993 йил 5 ноябрда Республика Фанлар академиясининг 50 йиллик юбилейига бағишлаб ўтказилган тантанали йиғилишда нутқ сўзлаб, мазкур илмий даргоҳ олдида турган муҳим вазибаларни белгилаб берди:

"Биринчидан, маънавий ҳаётимизни, илм-фанимиз фао-

<sup>10</sup> ЎзР ФА жорий архиви. I-фонд, I-руйхат, 4573 -иш, 11-варақ.

<sup>11</sup> ЎзР ФА жорий архиви. I-фонд, I-руйхат, 4680- иш. 14-варақ.

лиятини, изланишларимизни мана шу эски мафкура қолип-ларидан халос этиш, керак бўлса, тафаккуримизни мутелик исканжасидан фориф қилишимиз зарур. Олимларимиз ҳар қандай тазйиқдан озод бўлишлари керак.

Иккинчидан, биз дунёдаги тараққий топган давлатлар сафига киришни мақсад қилар эканмиз, авваламбор, олимларимиз, уларнинг илми, обрўси оламда машҳур бўлиши, жаҳон илм-фанининг юксак мезонларига мос бўлиши даркор. Бугун биз олиб бораётган барча илмий изланишлар дунёдаги энг нуфузли илм даргоҳлари билан ҳамкорликда амалга оширилиши, уларнинг кўмаги, тажрибалари билан бойитилиши керак.

Учинчидан, юртимизда нодир истеъдодли олимлар кўпайиши лозим, аммо биз уларнинг сонига қараб эмас, сифатига қараб баҳо берамиз. Замон эҳтиёжларини уларнинг олдига вазифа қилиб қўяр эканмиз, албатта, бугунги замонга муносиб шарт-шароитлар ҳам яратиб беришимиз зарур. Шундагина биз бошқа эл-элатлар орасида ажралиб турадиган буюк миллатга айлана оламиз.

Тўртинчидан, илму фан тараққиёти биз учун энг устувор соҳалардан биридир. Бу соҳада хизмат қиладиган одамларнинг савияси, обрўси ҳақида ғамхўрлик қилишимиз, уларнинг ҳаётимизга қўшадиган ҳиссасига қараб эътибор беришимиз шарт".<sup>12</sup>

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тизимида фаолият кўрсатаётган илмий ходимларнинг ёш жиҳатлари ҳам юқоридаги каби чора-тадбирларни кўришни тақозо этарди. Масалан, 1995 йил маълумотларига кўра, Республика Фанлар академиясида 503 нафар фан докторлари орасида 1 нафари 35 ёшгача, 11 нафари 40 ёшгача бўлган.

Ўзбекистон Фанлар академияси фаолиятини янада ривожлантиришда мамлакат Президенти томонидан 1996 йилда ташкил этилган "Фундаментал тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш" жамғармаси катта аҳамият касб этди. Мазкур жамғарма фаолиятини белгиловчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва жамгарма Кенгаши тузилди. Фанлар

<sup>12</sup> Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-ж. - Т.: Ўзбекистон, 1996. - Б. 79-80.

академиясига ажратилган давлат бюджетининг 5 фоизини ташкил этувчи бу жамғарма маблағлари ҳисобидан энг долзарб илмий муаммоларни ҳал этишга бағишланган 131 та танлов лойиҳаларини бажариш учун 16 млн. сўм ажратилди. Бундан ташқари, академиянинг 26 та илмий лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси ўтказган танловда ғолиб чиқди ва 2,23 млн. сўм миқдорида маблағ олди. 1996 йилда 29 та халқаро конференция ўтказилди.<sup>13</sup> 1998-2000 йилларда ташкил этилган 230 та республика ва халқаро конференцияларда кўплаб хорижий давлатлар олимлари қатнашди.<sup>14</sup> 1997 йилда Президент фармони билан Хоразм Маъмур академияси қайта ташкил этилди.

Давлат томонидан сарфланаётган маблағларнинг самарадорлиги жуда паст бўлганлиги сабабли мамлакат Президенти Ислам Каримовнинг 1998 йил 27 июлдаги 277-сонли фармойишига асосан Ўзбекистон Фанлар академияси илмий-тадқиқот институтлари раҳбарлари аттестациядан ўтказилди. 1998 йилнинг октябрь ойида илмий-тадқиқот институтларининг 1829 нафар илмий ходими давлат аттестациясидан ўтказилиб, уларнинг 3,1 фоизи эгаллаб турган лавозимига нолайиқ, деб топилди.

Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий вазифаларига мувофиқ тарзда илмий устуворликларни шакллантириш ва илмий-техник ривожлантиришни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Илмий-техника тараққиётини ривожлантириш Кенгаши тузилди. Ушбу Кенгашга катта ваколатлар берилиб, уни республика Бош вазири бошқариши белгилаб қўйилди. Бу фан-техника соҳасида ягона давлат сиёсатини ўтказишда у ёки бу тармоқ манфаатлари ва юзага келиши мумкин бўлган тармоқлараро зиддиятларни бартараф этиш имконини берди. Мувофиқлаштириш Кенгаши қошида ташкил этилган икки ижро органи - Фан ва технологиялар маркази ва йирик илмий ҳамда инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш Кенгаши қабул қилинган

---

<sup>13</sup> ЎзР ФА жорий архиви. 1-фонд, 1-руйхат, 4776-иш, 12-варақ.

<sup>14</sup> Зиямов Ш. Роль Узбекистана в развитии международного экономического и культурного сотрудничества стран Центральной Азии (1991-2001). - Т.: 2002. - С.20.



қарорлар самарадорлиги мониторингини амалга ошириш, шу билан бирга, "Қарор - ижро" халқаси бўйлаб айланма алоқа-ни таъминлашга қаратилди.<sup>15</sup>

Ўзбекистон ҳукумати мамлакатда илм-фан ривожига катта ҳисса қўшган олимларни доимо қўллаб-қувватлаб, рағбатлантириб келди. Хусусан, қатор олимларимиз Ҳабиб Абдуллаев, Содиқ Азимов, Убай Орипов, Тошмуҳаммад Саримсоқов, Саъди Сирожиддинов, Обид Содиқов, Ҳамид Сулаймонов, Собир Юнусов, Тошмуҳаммад Қори-Ниёзий, Яҳё Гуломовлар Президентнинг 2002 йил 23 августдаги Фармонига биноан "Буюк хизматлари учун" ордени билан тақдирланди. Шунингдек, Фанлар академияси Ал-Хоразмий номидаги, Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги, Ҳабиб Абдуллаев номидаги медалларни таъсис этди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси таркибида 107 нафар академик бўлиб, улардан 8 нафарини аёллар ташкил этади.

Ўзбек олимлари томонидан топилган ихтирога Президентимиз Ислон Каримовнинг ташаббуси билан "Самарқанд" номи берилди. 2010 йил 27 майда Гарвард Халқаро кичик сайёралар маркази олимлари бу янгиликни эътироф этиши ва бу янгилик 70135 циркуляри орқали бутун дунёга эълон қилинди.<sup>16</sup>

2012 йил 24 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Ушбу Фармонга кўра, 2013 йил 1 январдан бошлаб, қабул қилинган умумий талаб ва стандартларга мувофиқ, диссертация ҳимоя қилиш ва фан доктори илмий даражасини бериш бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизими жорий қилинди.

### **Таълим муассасаларининг илм-фанга оид фаолияти**

Ўзбекистонда илм-фанни, хусусан, уни олий таълим тизимида ривожлантириш йўлида қатор концептуал муаммо-

<sup>15</sup> "Фан ва турмуш" журнали. 2002. 2-сон. - Б. 3.

<sup>16</sup> "Маърифат" газетаси. 2010 йил 21 август.

лар мавжуд эди. Биринчидан, СССР томонидан миллий республикаларда илм-фаннинг барча соҳаларини ҳар томонлама ривожлантиришдан манфаат йўқ эди, зеро, бу нарса миллий кадрларнинг шаклланишига, пировард натижада миллий ўзликни англаш жараёнига таъсир этар эди. Иккинчидан, собиқ марказ миллий республикаларда асосан хом ашё соҳасини ривожлантиришга, фақат қишлоқ ҳўжалигида зарур бўлган илмий ишланмаларни тадқиқ этишга эътибор қаратди. Учинчидан, олий таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар асосан "ижтимоий буюртма" асосида "ривожланди".

1990 йилда Ўзбекистонда 44 та олий таълим муассасаси фаолият кўрсатган бўлса, мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ, уларнинг сони ва сифатини оширишга эътибор берилди.<sup>17</sup> Президентнинг 1992 йил 28 февралдаги Фармони билан 8 та вилоятдаги педагогика институтлари университетларга айлантирилди. Шу билан бирга, Қуролли Кучлар академияси, Ички ишлар вазирлиги академияси, Банк-молия академияси, Тошкент молия институти, Навоий кончилик институти ва бошқа энг зарур замонавий мутахассисликлар бўйича олий ўқув юртлари очилди. 1997 йилда олий таълим тизимидаги 58 та олий ўқув юрти, жумладан, 16 та университет ва 42 та институтда 164 минг талаба таълим олди. 16 та университетнинг 12 таси мустақиллик йилларида ташкил этилди. Олий ўқув юртларида ишлаётган 18,5 минг профессор-ўқитувчиларнинг 52 фоизини фан докторлари ва фан номзодлари ташкил этди.<sup>18</sup> Олий ўқув юртларининг 14 таси техник, 3 таси иқтисодий, 15 таси гуманитар, 6 таси педагогик, 7 таси тиббий, 4 таси аграр, 12 таси тармоқ мутахассисликларини тайёрлашга ихтисослашган.<sup>19</sup>

Кучли илмий асосга эга бўлган илмий мактаблар ҳақида сўз юритганда, Ўзбекистон Миллий университетини алоҳи-

---

<sup>17</sup> Қаранг: Социальное развитие СССР в 1989 г. / Стат.сборн. - М.: Финансы и статистика, 1991. - С. 266.

<sup>18</sup> Янги Ўзбекистоннинг 7 зафарли йили. - Т.: Шарқ, 1999. - Б.168.

<sup>19</sup> Ўзбекистон иқтисодиёти асослари. - Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2006. - Б.51.

да таъкидлаш лозим. 1990 йилда бу муассасада 1563 нафар киши илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланди. Уларнинг 116 нафари фан докторлари, 911 нафари фан номзодлари эди. 1990 йилда илмий-тадқиқот ишлари 43 бўлим, лаборатория ва илмий гуруҳлар томонидан амалга оширилди. Ваҳоланки, 1986 йилда уларнинг сони 12 та эди, холос.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Миллий университети "Евроосиё Университетлар Ассоциацияси" аъзоси бўлди. Университетнинг Физика факультети Россия, Япония, Германия, Туркия, Исроил каби давлатлар билан илмий ҳамкорликни йўлга қўйди. Химия факультети Россия Фанлар академияси, Белград, Стамбул университетлари билан жиддий ҳамкорликда илмий-тадқиқотлар олиб борди.<sup>20</sup>

2000 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида биноан, Тошкент Давлат университетига "Ўзбекистон Миллий университети" номи берилди.

Самарқанд давлат университети илмий жамоаси ҳам университетда ишлаб чиқилган янгилик ва ихтироларни ишлаб чиқаришга жорий этишда муайян ютуқларга эришди. Бунда "Биология", "Химия", "Физика", "Амалий математика" ва "География" факультетлари фаоллик кўрсатди. Биргина 2000-2002 йилларда университетнинг илмий кутубхонасига 100 минг АҚШ доллари ҳажмида турли тиллардаги адабиётлар олинди.

Фарғона Политехника институти олимлари Москва Авиация институти, Санкт-Петербург Иқтисод-муҳандислик, Технология институтилари, Саратов давлат техника, Қозон давлат энергетика, Тюмень давлат университетлари, Бельгиянинг Монс политехника институти, Брюссель университети каби нуфузли илмий марказлар билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйди.<sup>21</sup>

Нукус педагогика институти профессор-ўқитувчилари 2000-2002 йилларда 3 та лойиҳа бўйича 6,3 млн. сўмлик илмий-тадқиқот ишларини бажарди. 2003 йилда фан ва технологиялар

---

<sup>20</sup> ЎзМУ жорий архиви. 1994 йилги ҳисоботлар. 57-варақ.

<sup>21</sup> Фарғона политехника институти жорий архиви. 2008 йилги ҳисоботлар. 31-32-варақлар.



маркази танлови ғолиби бўлган 8 та мавзу бўйича йилига 21 млн. сўмлик илмий-тадқиқот ишларини олиб борди.

2011 йил 20 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим муассасаларининг моддий техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди. Унда олий таълим муассасаларини модернизация қилиш, уларни замонавий ўқув ва илмий лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш, таълим жараёнини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, илғор педагогик технологиялар ҳамда ўқитиш шаклларини жорий этиш, ўқитувчи кадрлар меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш асосида иқтисодиётнинг соҳа ва тармоқларида талаб қилинадиган олий маълумотга эга мутахассисларни тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш мақсадларини амалга ошириш назарда тутилди.

Қарорга биноан 2011-2016 йилларга мўлжалланган дастур ишлаб чиқилди ва уни амалга ошириш учун 277 млрд. сўм маблағ йўналтирилди. Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрда имзоланган "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қароридан чет тилларни ўқитишнинг комплекс тизими, яъни уйғун камол топган, юксак маърифатли, замонавий фикрлайдиган ёш авлодни шакллантириш, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувига йўналтирилган тизимни янада кучайтириш назарда тутилган. Ушбу қарорда ёшларни чет тилларга бўлган қизиқишларини ошириш, уни эгаллашларига замин яратиш мақсадида 2015-2016 ўқув йилидан бошлаб олий ўқув юртларига қабул жараёнида кириш тестлари блокига чет тилининг киритилиши белгилаб қўйилди.<sup>22</sup>

2012 йил 16-17 февраль кунлари пойтахтимиздаги Симпозиумлар саройида Юртбошимиз ташаббуси билан "Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш - мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарт" мавзуида халқаро конферен-

---

<sup>22</sup> Ҳайитов Ў. Таълим, шахс ва жамият уйғунлиги- шу асосда мамлакатнинг барқарор тараққиёти кафолатланади // "Маърифат" газетаси, 2013 йил 23 февраль.

ция ўтказилди, унда давлатимиз раҳбари маъруза қилди. Халқаро конференцияга дунёдаги 8 та нуфузли халқаро ташкилот ва молия институтлари, шунингдек, 48 та давлатдан олим ва мутахассислар иштирок этиб, узлуксиз таълим соҳасини ривожлантириш ва ёш авлодни баркамол этиб тарбиялашнинг миллий моделини яратиш бўйича Ўзбекистон тажрибасини ўргандилар. Бугунги кунда 65 та олий ўқув юртининг 32 таси вилоятларда фаолият кўрсатмоқда. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторида таълим йўналишлари сони 139 тадан 195 тага, мутахассисликлари сони 1145 тадан 1395 тага кўпайди.

Ўзбекистонда илмий-техника ва инновация сиёсатининг такомиллашиб янада жадал тус олишига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 августдаги "Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва 2008 йил 15 июлдаги "Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари катта туртки берди.

2008 йил 30 апрель-2 май кунлари республикада илк маротаба "Инновацион ғоялар ва лойиҳалар" ярмаркаси ташкил этилди. Мазкур ярмаркада 559 та шартнома ва протоколлар имзоланди. Уларнинг умумий қиймати 22119,05 млн. сўмни ташкил этди. Шулардан 278 таси ҳўжалик шартномалари, 281 таси эса ҳамкорлик баённомалари. Тузилган 559 та шартноманинг 109 таси тоғ-металлургия, нефть-газ ва кимё тармоқлари, 42 таси фармацевтика ва тиббиёт, 47 таси маҳсулотларни қайта ишлаш, 99 таси энергетика, янги материаллар ва қурилиш, 220 таси қишлоқ ҳўжалиги, 10 таси ахборот-коммуникация технологиялари, 32 таси мутахассисликлар тайёрлаш, маркетинг соҳаларига тегишли эди.

2009 йил апрель ойида Тошкентда II Республика инновация ғоялари, технологиялари ва лойиҳалари ярмаркаси ўтказилди. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси ва Иқтисодиёт вазирлиги томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда мамлакатимиз олимларининг иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа ривожига хизмат қилувчи энг ис-

тиқболли ишланмалари намойиш қилинди. Ярмарка давомида 13 млрд. сўмлик 300 та шартнома ва баённомалар имзоланди. Жами 600 та янгиликлар тақдим этилган бўлса, уларнинг 80 фоизи ўзбек олимлари томонидан сўнгги икки-уч йил ичида яратилган лойиҳалар эди.

2013 йил 24–26 апрель кунлари VI Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси бўлиб ўтди, унда олимлар ва мутахассислар томонидан яратилган янги ишланмаларни жорий этиш бўйича қиймати 12 млрд. 300 млн. сўмдан ортиқ 360 дан зиёд шартномалар имзоланди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда кучли илмий-техник ва инновация жараёнлари юз берди. Илмий-техника ва инновация сиёсати туфайли республикада илмий салоҳият ошди. Илмий салоҳият фундаментал илмий тадқиқотларни амалга ошириш шарт-шароитлари ва ресурсларининг мужасами сифатида республика ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий равнақига ўзининг сезиларли таъсирини кўрсатди.

#### **5.4. Соғлиқни сақлаш тизимининг ривожланиши**

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритиши билан мамлакат соғлиқни сақлаш инфратузилмасини ривожланган давлатлар даражасига кўтариш, аҳоли соғлигини ҳимоя қилиш тизимидаги камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш вазифаси юзага келди.

1996 йилнинг 29 августида "Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида"ги Қонун кучга кирди, унда давлат сиёсатининг соғлиқни сақлаш тизимига янгича ёндашуви ифодоланди.

Соғлиқни сақлаш соҳасида муаммоларни ҳал қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 1998 йил 10 ноябрда "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури ҳақида"ги Фармонни имзолади.

Ушбу Дастур соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, аҳолининг ижтимоий муҳофазаси принципларига тўлақонли амал қилиш, тиббий ёрдамнинг кафолатлилиги ва оммабоплигини таъминлашга қаратилган эди. Давлат дастурида қуйидаги муҳим йўналишлар ўз аксини топди:



- соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаштириш тизимини мукамаллаштириш;
- тиббий ёрдамнинг дастлабки босқичини ислоҳ қилиш;
- давлат томонидан кафолатланган, самарали тез тиббий ёрдам тизимини яратиш;
- она ва болага кўрсатилаётган тиббий ёрдамни такомиллаштириш;
- давлатнинг мустаҳкам санитар-эпидемиологик тинчлигини таъминлаш.

Шу мақсаддан келиб чиқиб, Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимининг мақсадли дастури ҳаётга татбиқ этилди. Дастурда тиббий хизматлар кўрсатиш тизимини тубдан модернизация қилиш, муҳим йўналиш бўлган махсус амбулатор-поликлиника ва профилактик тиббиётни ривожлантириш, шунингдек, она ва бола соғлиғини ҳимоя қилиш тизими сифатини ошириш, ташхис қўйиш ва даволаш жараёнида янги тиббий технологиялардан кенг фойдаланиш, юқори тоифали тиббиёт ходимлари тайёрлаш тизимини мукамаллаштириш кўзда тутилган эди.

Соғлиқни сақлаш тизимида қабул қилинган чора-тадбирлар аҳоли саломатлигини яхшилаш самарадорлигининг жаҳон тажрибасида умумқабул қилинган мониторинг кўрсаткичларига асосланди. Уларнинг ичида асосийси - инсоннинг ўртача умр кўриш кўрсаткичи ҳисобланади. Ушбу кўрсаткич ўзида аҳолининг турмуш тарзини акс эттиради. Шунингдек, ушбу индикатор миллатнинг саломатлиги ҳолатини белгилайди, давлат олиб бораётган ижтимоий-иқтисодий сиёсат, тиббиёт хизматлари, ташқи муҳит муҳофазаси, таълим ва бошқа омилларга боғлиқ.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида умр кўриш давомийлиги тез суръатларда ўсди, (1990 йилда 67,2 ёш, 2012 йилда 72,9 ёш). Ушбу кўрсаткич эркакларда 70,7 ёш, аёлларда 75,2 ёшни ташкил этиб, МДХ давлатларининг кўрсаткичларига қараганда анча юқори.

Давлат ижтимоий-иқтисодий ҳолатининг муҳим индикаторларидан бири, бу - она ва бола саломатлиги кўрсаткичидир. Ўзбекистонда она ва бола соғлиғи муҳофазаси бўйича халқаро стандартларни ҳаётга татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Она ва боланинг репродуктив саломатли-

ги бўйича олиб борилаётган ишлар ХСХТ ҳамда БМТнинг UNISEF ва UNFPA агентликлари томонидан юқори баҳоланган. Халқаро "Save children" (Буюк Британия) ташкилотининг маълумотларига қараганда, аёллар учун яратилган шарт-шароитлар борасида Ўзбекистон жаҳондаги 125 та давлат ўртасида 19-ўринни, оналикни ҳимоя қилиш бўйича эса 27-ўринни эгаллайди.

Давлатимизда амалга оширилаётган профилактик ва эпидемияларга қарши фаолият натижасида кўп касалликларнинг кўрсаткичлари пасайди, айримлари бутунлай барҳам топди.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизими бугун етарли даражада моддий-техника базаси ва кадрлар потенциалига эга. Янги, жаҳон талабларига жавоб берадиган "Тез тиббий ёрдам" кўрсатиш марказлари барча вилоятларда ўз филиалларига эга, махсус тиббий (кардиология, жарроҳлик, урология, кўз микрожарроҳлиги), илмий-амалий (педиатрия, акушерлик ва гинекология, терапия ва тиббий реабилитация, дерматология ва венерология, эндокринология, фтизиатрия ва пульмонология) марказлар ташкил этилди.

Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотлар кадрлар сиёсатига ҳам ўзгартиришлар киритди. Қишлоқ жойлардаги врачлик пунктларида фельдшерлар ўрнига юқори малакали, олий маълумотли шифокорлар хизмат кўрсатмоқда. Ҳозирда фаолият юритаётган 3 мингдан ортиқ ҚВПларнинг ярми замонавий лойиҳалар бўйича қурилиб, аҳолига қониқарли хизмат кўрсатилмоқда.

Ўзбекистон сил касаллигининг олдини олиш бўйича ижобий натижага эришган давлатдир. Бу йўналишда халқаро DOTS дастури бўйича чора-тадбирлар ҳаётга самарали татиб этиб келинмоқда.

Соғлом авлодни тарбиялаш мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий сиёсатнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Мустақилликнинг ўтган йиллари давомида болалар спортини ривожлантириш миллат генофондини соғломлаштиришнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилди. Ўзбекистонда дунёнинг бошқа давлатларидан фарқли ўлароқ, болалар спортини ривожлантиришга ихтисослашган жамғарма ташкил этилган. Ушбу жамғарма олдига қўйилган вазифа - ёш авлод маънавий ва жисмоний жиҳатдан соғлом

булиши учун болалар спортини оммалаштириш ва ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш.

Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган "Соғлом она - соғлом бола" давлат дастурида бу йўналишга алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу дастур ХССТ, ЮНИСЕФ ҳамда "Ўзбекистонда она ва бола соғлиғини ҳимоя қилиш миллий модели: "Соғлом она - соғлом бола" халқаро Тошкент симпозиумининг обрўли иштирокчилари томонидан юқори баҳоланган. 2010 йилда мамлакатимизда мутлақ соғлом болалар сони кўрсаткичи 62,6 фоизга етди.

Мустақиллик йилларида болаларга мўлжалланган спорт иншоотларининг сони 1825 тадан 5980 тага етди ёки 3,3 баробар ошди, ёш спортчилар сони 7,4 фоиздан 34,3 фоизга кўтарилди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан қурилган 1199 та болалар спорт иншоотлари зарур анжом ва ускуналар билан таъминланди. 2012 йилда 96 та объектнинг қурилиши ва реконструкциясига жамғарма томонидан 81,6 млрд. сўм ажратилди. Жамғарма ташкил топгандан бери 1400 дан ортиқ замонавий болалар спорти иншоотлари қуриб, фойдаланишга топширилди.

### **5.5. Ўзбекистон Республикасининг экологик сиёсати. Трансчегаравий муаммолар**

Собиқ Иттифоқ даврида табиат устидан ҳукмронлик қилишдек узоқ давом этган номақбул сиёсат натижасида кўплаб, ҳамдўстлик мамлакатлари сингари, Ўзбекистонда ҳам оғир экологик вазият юзага келди.

Бу вазиятни бартараф этиш учун бир қатор масалаларни ҳал қилиш лозим эди. Булар - ер, ҳаво ва сувнинг ифлосланиши билан боғлиқ зарарли таъсирларни камайтириш, саноат корхоналарида замонавий тозалаш қурилмаларини ўрнатиш, мавжуд ер ва қазилма бойликларидан оқилона фойдаланиш, жонли табиат генофондини сақлаб қолиш, шаҳар ва қишлоқларда аҳоли учун қулайликлар яратиш, жаҳон жамоатчилиғи эътиборини минтақанинг экологик муаммоларига қаратиш каби долзарб масалалар эди.

Бундай мақсадга эришиш учун Ислом Каримов ташаб-



буси билан 1989 йил 17 августда "Қишлоқда яшовчи ҳар бир оилани томорқа ер билан таъминлаш, уларга якка тартибда уй-жой қуриш учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш ҳақида"<sup>23</sup> қарор қабул қилинди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ мамлакатимизда табиат объектлари муҳофазасини кучайтириш орқали экологик муаммоларнинг олдини олиш ва бартараф қилишга алоҳида эътибор берилди. Президентимиз Ислом Каримов табиий ресурслардан тўғри ва самарали фойдаланиш, уни асраб-авайлаш келажак авлод ҳаёти учун ҳам муҳимлигини англаш зарурлигини кўп бора уқтириб ўтди.

Давлатимиз раҳбари экологик муаммоларни ҳал қилиш борасидаги ўз фикрларини БМТ Саммитининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисида: "Экологияни муҳофаза қилиш ва атроф муҳитни асраб-авайлаш, айниқса, ҳозирги аномал табиий ўзгаришлар шароитида Мингйиллик декларациясида белгиланган мақсадларга эришишда катта аҳамият касб этади"<sup>24</sup>, дея фикр билдирди.

Республикада бугунги кунда табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик муаммоларни ҳал этиш мақсадида олиб борилаётган сиёсатнинг ҳуқуқий асослари тўла шакллантирилган. Конституциянинг 50-моддасида "Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар", деб кўрсатилган. Шунингдек, Асосий Қонуннинг 55-моддасида "Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир",<sup>25</sup> деб кўрсатилган. Бу фуқаролар томонидан ер, сув, ўрмон, ер ости бойликлари, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси ва бошқа табиий заҳиралардан оқилона фойдаланишни, уларни тиклаш ва муҳофаза қилиш ҳамда ушбу мажбуриятларни ўз вақтида бажаришни талаб этади.

<sup>23</sup> "Совет Ўзбекистони" газетаси, 1989 йил 18 август.

<sup>24</sup> Каримов И.А. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мажлисидаги нутқ. Хорижий ижтимоий-сиёсий доиралар вакилларининг муносабатлари ва шарҳлари. - Т.: Ўзбекистон, 2010. -Б. 7.

<sup>25</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2012.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси талаблари асосида қабул қилинган 40 га яқин қонун ва мингга яқин қонуности ҳужжатлари атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик муаммоларни ҳал қилиш каби муҳим вазифаларни бажаришга хизмат қилмоқда. Булар: "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида" (1992 й.), "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида" (1993 й.), "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида" (1996 й.), "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида" (1997 й.), "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида" (1997 й.), "Ўрмон тўғрисида" (1999 й.), "Экологик экспертиза тўғрисида" (2000 й.), "Ер ости бойликлари тўғрисида" (2002 й.), "Чиқиндилар тўғрисида" (2002 й.), "Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида" (2004 й.)-ги қонунлар ва Ер кодекси (1998 й.).

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасининг ер майдони 44896,9 минг гектарни ташкил этади. Суғориладиган ерлар 4313,1 минг гектарни ёки умумий майдоннинг 9,7 фоизини ташкил қилади.

Мамлакатимиз суғориладиган деҳқончиликка асосланган агро-индустириал давлат ҳисобланади. Мамлакат ҳудудида суғориладиган ерлар 4,3 млн. гектарни ташкил этса-да, у қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 90-95 фоизини етиштириб беради, яъни аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондиришда суғориладиган ерлар алоҳида аҳамиятга эга.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикасининг ер ресурслари нақадар бой ва ўзига хос хусусиятга эга. Шу маънода, ер ресурсларини ҳуқуқий экологик муҳофаза қилиш ва ундан самарали фойдаланишни таъминловчи асосий манба сифатида Ер кодекси<sup>26</sup> қабул қилинган. Унга асосан, ер умуммиллий бойлик бўлиб, Ўзбекистон аҳолисининг ҳаёти, фаолияти ва фаровонлигини таъминлашда ундан оқилона фойдаланиш зарур ва у давлат томонидан муҳофаза қилинади.

Кейинги пайтларда ер ресурсларидан оқилона фойдала-

---

<sup>26</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1998, 5-6-сонлар. 82-модда.

ниш ва уни экологик муҳофаза қилиш, ерларнинг мелиоратив ва ирригация ҳолатини яхшилаш давлатимизнинг алоҳида эътиборида бўлмоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги<sup>27</sup> Фармони муҳим аҳамиятга эга. Мазкур Фармон асосида ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва уларнинг унумдорлигини ошириш борасида самарали чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасида халқаро конвенцияларнинг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилиниши унинг экологик барқарорликни таъминлашда тенг иштирокчи эканлигидан далолатдир. Чунончи, 1994 йил 17 июнда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг "Қурғоқчилик ва чўлланишга қарши кураш бўйича Конвенция"си қабул қилинганида Ўзбекистон Осиё мамлакатлари орасида биринчи бўлиб ушбу Конвенцияни имзолади ва ратификация қилди. 1999 йилда мамлакатимизда Конвенция мажбуриятларини самарали амалга ошириш мақсадида чўлланишга қарши кураш "Миллий ҳаракатлар дастури" ишлаб чиқилди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 23 декабрдаги 496-сонли қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасида ер мониторинги тўғрисида"ги Низомда ҳам чўлланишга алоҳида эътибор қаратилди. Бу каби қонун ҳужжатлари мавжуд экологик муаммоларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишга хизмат қилади.

Ўзбекистон замини турли фойдали қазилма заҳираларига бой. Бугунги кунда Ўзбекистонда 1800 дан ортиқ ҳамда тахминан 1000 га яқин истиқболли қазилма бойликлари мавжудлиги аниқланган. Бугунги кунда мавжуд 118 турдаги минерал хом ашёдан 65 тури ўзлаштирилмоқда. Ўзбекистон ҳудудида 1500 дан ортиқ кон разведка қилинди, шу жумладан, 188 та нефть, газ ва кондендат, 48 та нодир металл, 43 та рангли, ноёб ва радиактив металл, 5 та қора металл, 3 та кўмир, 37 та тоғ-кон рудаси, 22 та тоғ-кон кимё ва 30 та рангдор тош хом ашёси, 525 хилдаги қурилиш материаллари

---

<sup>27</sup> "Халқ сўзи" газетаси, 2007 йил 30 октябрь.



ҳамда 357 та чучук ва минерал ер ости сувлари манбалари мавжудлиги аниқланган.<sup>28</sup>

Табиат неъматлари орасида сув алоҳида ўринга эга. Шу сабабдан, Ўзбекистон Республикасида сув билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солиш, ундан тежамкорлик асосида аниқ мақсадли ва оқилона фойдаланиш масаласи муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда республика бўйича 17 мингдан ортиқ, жумладан, Амударё ҳавзасида 9,9, Сирдарё ҳавзасида 4,9 ва ушбу дарёлар оралиғида 2,9 мингта табиий сув оқими мавжуд. Ҳозирги пайтда республикада ирригация мақсадида 51 та сув омборидан фойдаланилади. Уларнинг тўлиқ лойиҳавий ҳажми 18,8 км<sup>3</sup>., фойдали ҳажми - 14,8 км<sup>3</sup>.ни ташкил қилади. Энг йириклари Гуямуён, Чорвоқ, Тўдақўл, Каттақўрғон сув омборларидир. Ўзбекистоннинг йирик сув омборлари комплекс равишда ишлатилади, улар, асосан, ирригация, энергетика ва саноат мақсадларига мўлжалланган.<sup>29</sup>

Мустақиллик йилларида сув қонунчилигини такомиллаштириш бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Хусусан, 1993 йилда Ўзбекистон Республикасининг "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонуни<sup>30</sup>, Вазирлар Маҳкамасининг "Сув хўжалигини бошқаришни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида"ги<sup>31</sup> қарори, "Давлат сув кадастрини ишлаб чиқиш ва юритиш тартиби тўғрисида"ги Низом<sup>32</sup>, Ўзбекистон Республикасининг "Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонуни<sup>33</sup>, "Ирригация ти-

---

<sup>28</sup> Ўзбекистон Республикасида атроф муҳит ҳолати ва табиий ресурслардан фойдаланиш тўғрисида миллий маъруза. (1988-2007 йиллар бўйича ретроспектив таҳлил) - Т.: Chinog ENK, 2008. 98-бет.

<sup>29</sup> Ўзбекистон Республикасида атроф муҳит ҳолати ва табиий ресурслардан фойдаланиш тўғрисида миллий маъруза. (1988-2007 йиллар бўйича ретроспектив таҳлил) - Т.: Chinog ENK, 2008. 39-бет.

<sup>30</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1993. 5-сон, 221-модда.

<sup>31</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари тўплами. 2003, 7-сон, 65-модда.

<sup>32</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари тўплами. 1998, 1-сон, 1-модда.

<sup>33</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1999. 9-сон, 223-модда.

зимлари ҳавза бошқармаси тўғрисидаги Намунавий Низом<sup>34</sup> қабила қабул қилинди.

Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш, умуман олганда, сув ресурслари билан боғлиқ барча муаммолар Ўзбекистон Республикасининг "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"<sup>35</sup> ги 2009 йил 25 декабрдаги янги таҳрирдаги Қонунида ўз аксини топди.

Мамлакатимиз шароитида сув заҳираларининг тақчиллиги, Орол муаммоси, қишлоқ хўжалик экинларини суғоришга сув ресурсларининг етишмаслиги Ўзбекистоннинг изчил ривожланишига салбий таъсир ўтказиши мумкин бўлган асосий сабаблардир. Сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, сувни адолатли тақсимлаш, эҳтиёжга қараб иш тутиш, дарёларнинг юқори ва қуйи оқимларидаги минтақалар сув истеъмолчилари ва экотизимлар ўртасида келишувга эришиш Ўзбекистон ва Орол денгизи ҳавзасидаги бошқа давлатлар учун муҳим ҳаётий масалалардир.

Давлатимиз раҳбарининг Тожикистон Республикасида Роғун ГЭСи қурилиши муносабати билан БМТ ва унинг ваколатли тузилмалари шафелигида мазкур лойиҳанинг нечоғлик асосли эканини, у келтириши мумкин бўлган оқибатларни, жумладан, экология, сув мувозанати масалалари, техноген фалокатлар хавфини ҳолис баҳолайдиган мустақил экспертиза ўтказиш лозимлиги тўғрисидаги қатъий фикри ҳам эътиборга молик.

Шу ўринда сув ресурслари Ўзбекистон учун фақат аҳоли, саноат ва деҳқончиликни сув билан таъминлайдиган манба бўлибгина қолмасдан, балки ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва экологик ҳолатни маълум даражада сақлаб турувчи омил эканлигини ҳам таъкидлаш жоиз.

Ўрмон инсон яшаш шароитини яхшилаш билан биргаликда, ер, сув, ўсимликлар дунёси, атмосфера ҳавоси ва бошқа табиат бойликларини ҳамда атроф муҳитни муҳофаза қилишда, кўпайтиришда алоҳида ўрин эгаллайди.<sup>36</sup> Ўрмон-

<sup>34</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари тўплами. 2003, 7-сон, 65-модда.

<sup>35</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1993. 5-сон, 221-модда.

<sup>36</sup> Ўрмон ҳуқуқи. Дарслик. -Т.: ТДЮИ, 2011. - Б. 218.

ларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш аждодларимизнинг ҳам доимий диққат эътиборида бўлган. Масалан, зардуштийларнинг муқаддас китоби "Авесто"<sup>37</sup> да Ислом динининг асоси бўлган "Қуръони карим"<sup>38</sup>да, шариат қонунларининг шарҳи ҳисобланган "Ал Ҳидоя"<sup>39</sup>да ўрмонларни муҳофаза қилиш муқаддас иш дейилган.

1999 йил 15 апрелда қабул қилинган "Ўрмон тўғрисида"ги Қонунда<sup>40</sup> ўрмонларни муҳофаза қилишнинг қатор ҳолатлари ўз ифодасини топган. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 30 мартдаги 160-сонли қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузурдаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси тўғрисида"ги Низомга<sup>41</sup> мувофиқ, ушбу бошқарма ўрмончилик хўжалигини юритишнинг давлат бошқарувини амалга оширади, ўрмонларнинг муҳофазаси, ҳимояси ва кўпайтирилишини ташкил этади, ўрмон ресурсларидан фойдаланиш ҳуқуқини беради, ўрмонларнинг давлат ҳисоби ва давлат кадастрини юритади ҳамда бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ўрмонлар Ўзбекистон Республикасининг умуммиллий бойлиги, биосферада мувозанатни сақлашнинг муҳим омили, табиий муҳитда биологик ранг-барангликнинг ажралмас қисми, сайёрамиздаги кислород манбаларидан бири, сув миқдори, атмосфера ҳавоси ҳарорати, тупроқдаги эрозия жараёнларини тартибга солувчи табиий бойлик ҳисобланади. Ўрмонларни Ўзбекистон халқининг маънавий ва моддий эҳтиёжларини қаноатлантириш ва саломатлигини асраб-авайлаш нуқтаи назаридан ҳам муҳофаза қилиш талаб қилинади.

Собиқ шўро ҳокимияти даврида республикамизнинг географик, экологик ва иқтисодий хусусиятлари, иқлим шароитини ҳисобга олмаган ҳолда, жумладан, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш қоида ва талабларига зид равишда тур-

<sup>37</sup> Авесто. - Т.: Шарқ, 2001. - Б. 384.

<sup>38</sup> Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. - Т.: Чўлпон. 1992.

<sup>39</sup> Хўжа Бурхониддин Рушдоний - Марғинович. Ал Ҳидоя. -Т.: Чўлпон. 2001.-Б. 342.

<sup>40</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 1999. 5-сон, 122-модда.

<sup>41</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари тўплами. 2001. 163-сон.



ли хил саноат корхоналарининг қурилиши атмосфера ҳавосининг ифлосланишига олиб келди. Мамлакатимизда барқарор экологик вазиятни вужудга келтириш, инсон ҳаёти ва фаолияти учун қулай экологик шарт-шароит яратиш, барча табиат бойликлари қатори, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш, унинг мусаффо ҳолда сақланишини таъминлаш долзарб вазифалардан биридир.

Ҳисоб-китобларга кўра, ҳар йили атмосферага 100 миллион тоннадан ортиқ углеводород чиқарилади. Шунинг 74 фоизи ривожланган давлатлар ҳиссасига тўғри келади. Олимпларнинг фикрича, ўрмон ёнгинлари оқибатида атмосферага чиқаётган карбонат кислотаси саноат чиқиндиларининг 50 фоизига тенг. Ҳавога кўтарилган тутун атмосферанинг юқори қатламида куйинди зарраларини кўпайтиради. Оқибатда сайёрамизга қуёшдан келаётган иссиқлик энергияси қайтадан коинотга ёйилиши ўрнига Ернинг ўзида қолиб, "буғхона ҳодисаси"ни келтириб чиқармоқда.<sup>42</sup>

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш масаласига ҳам алоҳида эътибор берилга бошланди. Жумладан, 1993 йил 7 майда Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси қабул қилинди. 1996 йил 27 декабрда эса Ўзбекистон Республикасининг "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди. Мазкур Қонунда атмосфера ҳавоси табиий ресурсларнинг таркибий қисми бўлиб, умуммиллий бойлик ҳисобланиши ва давлат муҳофазасида эканлиги қатъий ифода этилган.

Таъкидлаш жоизки, атмосфера ҳавосининг трансчегаравий ифлосланиши озон қатлами бузилишига ҳам олиб келади. 1993 йил 18 майда Ўзбекистон Республикаси Вена конвенцияси ва Монреал протоколида ўзининг иштироки бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларини тасдиқлади ва мазкур ҳужжатларга қўшилишдан келиб чиқувчи мажбуриятларни зиммасига олди.

1998 йил 1 майда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Монреал протокоliga Лондон ва Копенгаген ўзгарти-

---

<sup>42</sup> Аҳмедов Т. Иқлим ўзгаришлари: дунё ҳамжамияти эътиборида.// "Жамият" газетаси, 2012 йил 30 ноябрь.

ришларини ратификация қилди. БМТ хати бўйича мазкур ўзгартиришлар 1998 йил 8 сентябрдан кучга кирди.

1993 йилда Ўзбекистон Иқлим ўзгариши ҳақидаги БМТнинг Доиравий конвенциясига (РКИК) қўшилди. 1998 йилда Киота протоколини имзолади.

Ўзбекистоннинг табиий флораси мевали, доривор, санатбоп, манзарали, эфир мойли ва бошқа ёввойи ўсимликларга бойлиги билан ажралиб туради. Бу ранг-баранг ёввойи ўсимликлардан инсон манфаати йўлида оқилона фойдаланиш ва уларни келажак авлод учун сақлаб қолиш давлатимиз ҳамда кенг жамоатчилик олдидаги энг муҳим вазифалардан биридир.<sup>43</sup>

Ҳозир Ер қуррасида учрайдиган 600000 турдан ортиқ ёввойи ўсимликлардан Ўзбекистонда бор-йўғи 4000 тури учрайди, холос.<sup>44</sup> Ўзбекистон Республикасининг "Қизил китоби"даги маълумотларга кўра, кейинги 14 йил ичида 138 хил ёввойи ўсимликлар камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги турлар қаторидан жой олди. Чунончи, 1984 йилда уларнинг сони 163 та бўлса, 1998 йилга келиб 301 тагача кўпайди<sup>45</sup>. "Қизил китоб"га йўқолиб кетиш хавфи бўлган ўсимликларнинг 42 та оиласи, 111 та авлодига мансуб 301 та тури киритилган. Уларнинг кўпчилиги қимматбаҳо доривор ўсимликлардир. Ўзбекистон ҳудудида маълум шароитлардагина учрайдиган, фан оламида эндем деб юритиладиган ўсимликларнинг 390 та тури мавжуд бўлиб, улар республикамизнинг бебаҳо умуммиллий бойлиги ва фахри ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси "Ботаника" ИИЧМ маълумотларига кўра, Ўзбекистон ўсимликлар дунёси таркибида ҳозирги кунда 4100 дан ортиқ ўсимлик турлари мавжуд. Улардан 3000 дан ортиқ тур ёввойи ўсим-

---

<sup>43</sup> Холмўминов Ж. Табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг экологик-ҳуқуқий муаммолари. - Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2009. - Б. 189.

<sup>44</sup> Флора Ўзбекистана. Справочник. - Т.: 6. - Т.: Фан, 1995. - С. 236.

<sup>45</sup> Красная книга Узбекской ССР. Том II. Растения. - Т.: Фан, 1984.; Ўзбекистон Республикаси Қизил китоби. 4-ж. Ўсимликлар. - Т.: Chino ENK, 1998.; Экологический обзор Узбекистана, основанный на индикаторах, 2008. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, EIS Uzbekistan, БМТ Тараққиёт дастури. - Т.: Mega Basim, 2008. - С.66.

ликлар, 9 фоизи эндемиклардир. Бу Ўзбекистонда ўсимлик дунёсининг нечоғлик бойлигини кўрсатади.<sup>46</sup>

Шуларни инобатга олган ҳолда, уларнинг экологик муҳофазасини такомиллаштириш мақсадида ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари шакллантирилди. Булар жумласига Ер кодекси, "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида", "Ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш тўғрисида"<sup>47</sup>, "Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида", "Ўрмон тўғрисида"ги қонунлар, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикаси ўсимлик дунёси объектларининг давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори киради.

Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 31 августдаги "Ўсимликлар карантини тўғрисида"ги Қонуни<sup>48</sup> ҳам ўсимликлар дунёси объектларини муҳофаза қилишда ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, унда камёб ва йўқолиб бораётган ўсимликлар дунёси объектларини муҳофаза қилиш бўйича янги талаблар кўзда тутилган.

Шунингдек, шифобахш ўсимликларни муҳофаза қилиш қонун-қоидалари ер сатҳининг кўриниши, манзараси, ўсимликлар дунёсининг турли-туманлиги, кам учрайдиган ўсимликлар, экологик тизим ва уларнинг ўзаро алоқасини ҳисобга олган ҳолда атроф муҳитни муҳофаза қиладиган объектларни ташкил қилиш масаласига эътибор қаратиш зарур. Чунки алоҳида муҳофаза этиладиган жойларда ўсимликларнинг барча турлари маълум мутаносибликда сақланади.

Шу мақсадда 2004 йил 3 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида"ги Қонуни<sup>49</sup> катта аҳамиятга эга бўлди.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида собиқ Иттифоқ дав-

---

<sup>46</sup> Ўзбекистон Республикасида атроф муҳит ҳолати ва табиий ресурслардан фойдаланиш тўғрисида миллий маъруза. - Т.: Chinor ЭНК, 2008. - Б. 124.

<sup>47</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 1998, 1-сон, 12-модда.

<sup>48</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномалари. 1995, 9-сон, 188-модда.

<sup>49</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2005, 1-сон, 1-модда.



рида республикамизнинг бой табиий-жўгрофий бойликларидан аёвсиз фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ чора-тадбирларнинг бажарилмаслиги оқибатида 80-йилларда табиий мувозанат бузилиши ва иқлим шароити ўзгарди. Бу эса ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ноёб турлари йўқолиб кетишига, генетик фонди ва зарур шарт-шароитлар бузилишига сабаб бўлди.

Ўзбекистон табиати ҳайвонот дунёси турларига ниҳоятда бой бўлиб, у қўшни республикалар ҳайвонот дунёсига ўхшаш ҳамда субтропик кўринишдадир. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг маълумотларига кўра, республика фаунаси 97 турдаги сут эмизувчи, 424 турдаги қуш, 58 турдаги рептилия ва 83 турдаги балиқларни ўз ичига олади. Шундан 24 турдаги сут эмизувчи, 48 турдаги қуш, 16 турдаги рептилия ва 18 турдаги балиқ Ўзбекистон Республикаси "Қизил китоби"га киритилган.<sup>50</sup>

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 3 сентябрдаги "Қимматбаҳо ва йўқолиб бораётган ўсимликлар ва ҳайвонлар турларини муҳофаза қилишни кучайтириш ва улардан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида" - ги 937-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 сентябрдаги қарори билан тасдиқланган "Ҳайвонот дунёсининг давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги Низом", "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонун нормаларида камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ҳайвон турларини сақлаб қолиш чора-тадбирларини амалга ошириш билан боғлиқ муносабатлар тартибга солинган.

Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш бўйича муносабатларни тартибга солишда Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонуни<sup>51</sup> муҳим ҳуқуқий асослардан биридир. Ушбу Қонунда қуруқликда, сувда, атмосфера ва тупроқда

<sup>50</sup> Ўзбекистон Республикасида атроф муҳит ҳолати ва табиий ресурслардан фойдаланиш тўғрисида миллий маъруза. - Т.: Chinor ЭНК, 2008. 126-127-бетлар.

<sup>51</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 1998, 1-сон, 14-модда.

табий эркинлик ҳолатида яшайдиган, Ўзбекистон ҳудудида доимий ва вақтинчалик турадиган ёввойи ҳайвонларни, шунингдек, илмий ёки табиатни муҳофаза қилиш мақсадида ярим эркин шароитда ёки сунъий яратилган яшаш шароитида боқилаётган ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиди.

Ўзбекистон Республикаси ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш мақсадида халқаро конвенцияларга қўшилиш ва уларни ратификация қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратди. Биоресурсларнинг турларини сақлаб қолиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси 1995 йилда "Биохилма-хиллик тўғрисида"ги Конвенцияга<sup>52</sup> қўшилди, ушбу Конвенция 1992 йилда Рио-де-Жанейрода имзоланиб, 1995 йилда кучга кирган. Ўзбекистон Республикаси 2001 йилда "Асосан сувда сузувчи қушларнинг яшаш жойи сифатида халқаро аҳамиятга молик сув-ботқоқ майдонлари тўғрисида"ги Конвенцияга қўшилди, ушбу Конвенция 1971 йилда имзоланиб, 2002 йилда кучга кирган. Бу Конвенциянинг асосий мақсади ёввойи ҳайвонот дунёси ва табиатдан ажратилган ҳолда боқилаётган ҳайвонот дунёси объектларини, сувда яшовчи барча турдаги ҳайвонот дунёси объектларини муҳофаза қилишни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга қаратилган.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда давлат ва жамоат экологик экспертизаларини амалга оширувчи қатор ташкилотлар шаклланди, шунингдек, экологик экспертизани амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари вужудга келтирилгани ҳам қувонарли ҳолдир. Экологик хавфсизлик ва давлат экологик стратегиясининг муҳим ва устувор йўналишларидан бирига айланиб бораётган экологик экспертиза бугунги кунда диёримизда бир неча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шу жумладан, 2000 йил 25 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Экологик экспертиза тўғрисида"ги Қонуни<sup>53</sup> ҳамда "Ўзбекистон Республикасида давлат экологик экспертизаси тўғрисида"ги Низом<sup>54</sup> билан тартибга солинади.

<sup>52</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 1995, 6-сон, 98 -модда.

<sup>53</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2000, 5-6-сон, 144-модда.

<sup>54</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2001, 22-24-сон.

Миллий сиёсат ва халқаро ҳамкорликнинг асосий йўналишлари мамлакатнинг экологик салоҳиятини сақлашга қаратилган. Ушбу мақсадда Ўзбекистон Республикаси "Озон қатламини муҳофаза қилиш бўйича" Вена конвенцияси (18.05.1993 й.), "Табиий муҳитга ҳарбий ёки бошқа ҳар қандай зўравонлик билан таъсир қилишни тақиқлаш тўғрисидаги" Конвенция (26.05.1993 й.), "Бутунжаҳон маданий ва табиий меросларни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Конвенция (22.12.1995 й.), "Йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган ёввойи фауна ва флора турлари билан халқаро савдо қилиш тўғрисида"ги Конвенция (01.07.1997 й.), "Ёввойи ҳайвонларнинг кўчиб юривчи турларини муҳофаза қилиш бўйича Конвенция" (01.05.1998 й.), "Асосан сувда сузувчи қушларнинг яшаш жойи сифатида халқаро аҳамиятга молик сувботқоқ майдонлари тўғрисида"ги Рамсар Конвенцияси (08.02.2002 й.), шунингдек, табиатни муҳофаза қилиш бўйича ҳамкорлик соҳасидаги қатор давлатлараро битимларга қўшилди.

Ўзбекистон Республикасида экологик муаммоларни бартараф қилиш мақсадида олиб борилган ишларнинг энг асосийларидан бири - Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов тавсиясига кўра, 2008 йил 2 августда мамлакатимиз эколог олимлари, шу йўналишда иш олиб бораётган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фаол жамоатчилик иштирокида тузилган Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг бугунги давр талаби ҳамда халқаро андозаларга мос келишини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Эътироф этиш ўринлики, 2008 йил 2 августда Экоҳаракатнинг ташкил этилгани мамлакатимизда экологик жамоат бирлашмалари ривожланишининг янги босқичини бошлаб берди. Айниқса, юртимизда фаолият юритаётган экологик жамоат бирлашмалари Экоҳаракат тимсолида атроф табиий муҳит ва инсон саломатлиги муҳофазаси бўйича барча саъй-ҳаракатларни бирлаштириш ҳамда сафарбар этиш имкониятига эга бўлди.

Яна шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Мамлақати-



мизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" маърузасида атроф муҳитни ҳимоя қилишни таъминлаш тизимида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг роли ва ўрнини белгилашга қаратилган "Экологик назорат тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва бошқа қатор қонун ҳужжатларини қабул қилиш таклифи олға сурилди,<sup>55</sup> ва ниҳоят, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан 2013 йил 12 ноябрда қабул қилинган ва Сенат томонидан 2013 йил 12 декабрда маъқулланган, Ўзбекистон Республикасининг "Экологик назорат тўғрисида"ги Қонуни<sup>56</sup> қабул қилинди. Давлатимиз раҳбари томонидан таклиф этилган мазкур қонун экологик муаммоларнинг 2008 йил 19 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланган "2008-2012 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш ишлари Дастури" ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 27 майдаги 142-сонли қарори асосида қабул қилинган "2013 - 2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар Дастури"<sup>57</sup> билан бирга ана шу мақсадларга хизмат қилади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, мамлакатимизда экологик муаммоларни ҳал қилиш борасидаги фаолият ўзига хос бўлиб, атроф муҳитни мусаффо сақлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Мустақиллик йилларида ушбу соҳада қилинаётган ишлар ҳозирги ва келажак авлод манфаатлари учун табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш ҳамда экологик хавфсизликни таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

---

<sup>55</sup> Каримов И.А. Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш—мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. 19-ж. -Т.: Ўзбекистон, 2011. -Б.35-107.

<sup>56</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2013, 52-сон, 688-модда.

<sup>57</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2013, 22-сон, 282-модда.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ислохотлар мақсади инсон ва унинг манфаатлари, фаровонлигини таъминлаш ҳамда инсонни ҳар томонлама камолга етказишга қаратилган. Мустақиллик йилларида республика аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш "Ислохот - ислохот учун эмас, инсон ва унинг манфаатлари учун" деган тамойил асосида давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Мустақилликкача бўлган даврдаёқ, 1990 йил 5 июнда Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов "Ўтмишдан сабоқ чиқариб, келажакка ишонч билан" номли маърузасида "Биз бугун иқтисодиётга ижтимоий йўналиш бахш этишни, уни инсонга, унинг талаб ва эҳтиёжларини қондиришга қаратишни ўзимизнинг асосий вазифамиз деб биламиз"<sup>58</sup>, деб қатъий таъкидлаган эди.

Босқичма-босқич амалга оширилган фаол ижтимоий сиёсат - аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, моддий фаровонлигини ошириш, ижтимоий соҳаларнинг доимий ва самарали ишлашини таъминлашга қаратилди. Бу борада эришилган натижаларни сарҳисоб қилганда, мураккаб ва ўта долзарб муаммоларни ҳал этиш учун улкан бунёдкорлик ишлари, чуқур ва кенг қамровли ижтимоий-иқтисодий ислохотлар амалга оширилганига гувоҳ бўлиш мумкин. Иқтисодиётнинг жадал ривожланиши мамлакатда туб ижтимоий ислохотларни амалга оширишга ва ижтимоий соҳада катта ютуқларга эришишга замин яратди. Ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналишлари аҳолининг умумий ижтимоий ҳимояси ўрнига ижтимоий ҳимоянинг манзилли шаклларига ўтишда намоён бўлди. Иш билан таъминлаш, аҳоли даромадларини, инсон капитали салоҳиятини ошириш ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналишларига айланди. Таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида барчага тенг имкониятлар яратиш, мазкур хизматларнинг сифатини ошириш ҳамда ёшларнинг меҳнат бозорида фаол иштирокини таъминлашга қаратилаётгир.

Ижтимоий соҳанинг ривожланиши кўп жиҳатдан уни молиялаштиришга боғлиқ. Мустақиллик йилларида ижтимоий соҳа ва аҳоли ижтимоий муҳофазаси учун йўналтирилган давлат харажатлари 5 баробардан зиёд ошди.

<sup>58</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. - Т.: Ўзбекистон, 2011. - Б.205.

Шуни таъкидлаш лозимки, таълим ва тарбия инсон камолоти ҳамда маънавиятини шакллантиришнинг энг асосий шарти, шу билан бирга, мамлакат ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ғоявий, маданий ҳаётининг муҳим тармоғи ҳисобланади. Чунки, жамият тараққиёти маънавий етук ва баркамол ёшларни тарбиялаш билан бевосита боғлиқ. Модомики, юртимизнинг эртанги куни, тақдири бугун таълим масканларида улғаяётган миллионлаб ёшлар қўлида эканини кўз олдимизга келтирсак, Президентимизнинг ёш авлод тарбиясини давлат сиёсатининг етакчи масалаларидан бири даражасига кўтарганининг моҳияти аён бўлади. Шу ўринда Юртбошимизнинг "Бугунги кунда бизнинг қилаётган барча ишларимиз фарзандларимизнинг бахтусаодати, уларнинг ёруғ келажаги учун амалга оширилмоқда" деган сўзларини эслаш ўринли. Ёшларга ҳар томонлама пухта таълим-тарбия беришга қаратилган миллий моделimiz мазмуни миллий турмуш тарзимиз, халқимизнинг қадимий урф-одатлари, маънавий-ахлоқий анъаналари билан узвий боғланиб кетган.

Бугунги кунда етакчи олий ўқув юртлирида Ўзбекистон Фанлар академияси иштирокида фан, техника ва технологияларнинг энг истиқболли йўналишлари бўйича ўқув-илмий лаборатория мажмуалари яратилган. Йилдан-йилга илмий даражага эга ёш истеъдодли олимлар сони ортиб бормоқда. Истеъдодли ёшларни илмий фаолиятга жалб қилиш йўли билан олимларнинг янги авлоди етишиб чиқмоқда.

Соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш учун 2012 йилнинг ўзида Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси ҳисобидан 154 та тиббиёт муассасасини қуриш ва реконструкция қилишга 255 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Тиббиёт муассасаларини замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозлаш учун Жамғарма томонидан 8 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди<sup>59</sup>. Буларнинг барчаси келажагимиз эгалари бўлган соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш борасида амалга оширилаётган давлат сиёсатининг ёрқин ифодасидир.

---

<sup>59</sup> Каримов. И.А. Бош мақсадимиз - кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. // «Халқ сўзи» газетаси, 2013 йил 19 январь.



## **VI боб. Ўзбекистонда маданий ҳаёт: маданий мерос, маънавий қадрият ва анъаналарнинг тикланиши ҳамда ривожланиши**

### **6.1. Маънавият ва маърифат — давлат сиёсатининг устувор йўналиши**

Ҳар қандай жамият тараққиёти, унинг даражаси фуқаролар маънавияти, турмуш тарзи, кишиларнинг маънавий-моддий, ижтимоий эҳтиёжлари ҳамда уларнинг қай даражада қондирилишига боғлиқ. Мустақиллик давригача ва ундан кейинги ўтган тарихан қисқа муддат ичида мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ва тарбиявий мафкуравий соҳаларда улкан ўзгаришлар рўй берди.

Маънавият жамият ҳаётида муҳим ўринга эга бўлди. Маърифий-маънавий ислохотлар давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишига айланди. Жойларда маънавият билан боғлиқ тадбирларнинг амалга оширилиши учун бутун масъулият ҳокимлар, вазирликлар, идоралар, ташкилотларнинг биринчи раҳбарлари зиммасига юклатилди. Маънавияти юксак миллат ва давлатнинг келажаги буюк бўлиши мумкинлиги омма онгига сингдирилди. Тарихий, маданий-ахлоқий, ижтимоий-сиёсий қадриятларга жамиятни поклантирувчи, келажакни маънавий жиҳатдан мустаҳкамловчи омил, деб қарала бошланди.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов қайд этганидек, мустақиллик даврида бажарилиши лозим бўлган энг устувор вазифа "халқимиз орасида катта маърифий-амалий ишларни олиб бориб, миллий мафкурамизга куч-қувват берадиган, уни янги-янги марралар сари сафарбар этадиган, кенг оммага таъсир ўтказишга, халқни ўзига тарафдор этишга хизмат қиладиган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий манбаларни тўғри белгилаб олишдир".<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. -Т.: Ўзбекистон, 1999. -Б. 16.

Дарҳақиқат, мустақил Ўзбекистонда маънавият соҳасидаги вазифалар ижтимоий-сиёсий, иқтисодий барқарорлик шароитида муттасил равишда бажариб келинмоқда. Чунончи, истиқлолнинг дастлабки йилларида жамият маънавий ҳаётидаги бош вазифа — эскича фикрлаш сарқитларини бартараф этиш бўлган бўлса, ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги босқичидаги энг муҳим вазифа эркин фуқаролик жамиятининг маънавиятини шакллантириш. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, озод, ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши танийдиган, боқимандаликнинг ҳар қандай кўринишларини ўзи учун ор деб биладиган, ўз кучи ва ақлига ишониб яшайдиган, айна замонда ўз шахсий манфаатларини халқ, Ватан манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган комил инсонларни тарбиялашдан иборат бўлди.

Истиқлол йилларидаги Ўзбекистон маданияти хусусида фикр юритганда, алоҳида қайд этилиши лозим бўлган масалалардан яна бири маънавият соҳасидаги сиёсатнинг тобора конкретлашиб бориши, вазифаларни ҳал этиш йўлларининг ойдинлашувидир. Маънавият жамият аъзоларини руҳан поклантирувчи, маънан юксалтирувчи, инсон ички дунёсига, иродасига куч-қувват берувчи, миллат виждонини уйғотувчи ва доимий ҳаракатдаги кучдир. Мамлакатимиз Президентининг таъкидлашича, янги аср бўсагасида маънавият соҳасидаги стратегик мақсадимиз "миллий қадриятларимизни тиклаш, ўзлигимизни англаш, миллий ғоя ва мафқурани шакллантириш, муқаддас динимизнинг маънавий ҳаётимиздаги ўрнини ва ҳурматини тиклаш каби мустақиллик йилларида бошланган эзгу ишларимизни изчиллик билан давом эттириш, уларни янги босқичга кўтариш ва таъсирчанлигини кучайтиришдир".<sup>2</sup>

Шу боис, маънавий омиллар ҳамда миллатлараро муносабатлар масаласига қараш ҳам тубдан ўзгарди. Ўзбекистонда истиқомат қилаётган кўп миллатли халқларнинг маданий тараққиёти, уларнинг ўзликларини англашга бўлган интилишларини қонуний-ҳуқуқий асосда қондириш масалалари энг муҳим вазифалардан бирига айланди.

---

<sup>2</sup> Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. 8-ж. -Т.: Ўзбекистон, 2000. - Б. 24.

Шу асосда 1994 йил 23 апрелда мамлакатимиз маънавий ҳаётида муҳим воқеа юз берди. Президент Ислон Каримовнинг Фармони билан Республика Маънавият ва маърифат жамоатчилиқ маркази ташкил этилди. Ушбу марказ қисқа давр ичида халқимизнинг бой маънавий меросини ўрганиш, миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида мамлакат ва миллат келажagini белгилайдиган илғор гоёларни юзага чиқариш бўйича катта ишларни амалга оширди. Шу билан бирга, маънавият ва маърифат масалаларини бевосита жамоатчилиқ йўли билан ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу йўналишдаги фаолиятни янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 9 сентябрдаги "Маънавият ва маърифат жамоатчилиқ маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги Фармони жамиятни маънавий барқарорлаштиришда муҳим аҳамият касб этди.

Фармонга асосан, 1997 йилдан бошлаб 1 октябрь - "Ўқитувчилар ва мураббийлар куни" деб эълон қилинди, "Маънавият" нашриёти ташкил этилди, "Маънавият ва маърифат" жамоатчилиқ маркази қошида "Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси тузилди.

Бу борадаги ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 1999 йил 3 сентябрда "Республика маънавият ва маърифат кенгашини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармонга имзо чекди. Ушбу Фармон маънавият ва маърифат соҳаси давлат сиёсатининг устувор йўналиши эканлигини янада мустаҳкамлади.

Истиқлол йилларида Ўзбекистонда миллий маданиятни ривожлантириш, айниқса, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга катта эътибор берилди. Маълумки, мамлакатимиз жаҳон цивилизациясининг муҳим ўчоқларидан бири сифатида қўллаб тарихий-маданий, меъморий ёдгорликларга эга. Бироқ, собиқ Иттифоқ даврида уларни сақлаш, таъмирлаш ишлари қониқарсиз аҳволда эди. Истиқлол эса ноёб обидаларни сақлаш, уларни келгуси авлодларга бекаму кўст етказиш имконини берди. Собиқ тузум даврида 6700 дан ортиқ маданий ва тарихий ёдгорликларни таъмирлаш ишларига 1990 йилда 12,4 млн. сўм ажратилган бўлса, 1992 йилда республика бюджетидан бу мақсадга ажратилган маблағлар



65,4 млн. сўми ташкил этди. Жумладан, 1991-1997 йиллар давомида Самарқанд маданият ва тарихий ёдгорликларни таъмирлаш устахонаси томонидан бажарилган ишлар ҳажми 20, Шаҳрисабз устахонаси бажарган ишлар ҳажми 23 баробар ошди.

1997 йилда Бухорода 366 млн. сўм, Хивада 185 млн. сўм, Амир Темури номи билан боғлиқ қадамжоларни таъмирлаш ишларининг иккинчи босқичи бўйича 250 млн. сўм ҳажмидаги ишлар амалга оширилди. 1999 йилда ушбу мақсадлар учун 700 млн. сўм ажратилган бўлса, бу рақам 2000 йилда 750 млн. сўмга етди.<sup>3</sup>

Мамлакат Президентининг "Биз халқни номи билан эмас, балки маданияти, маънавияти орқали биламиз, тарихининг таг-томиригача назар ташлаймиз"<sup>4</sup>, деган фикрларида жуда катта маъно бор. Бироқ советлар мустабид тузуми шароитида ўзбек миллий маданияти кўп зарар кўрди. Барча мустамлакачилар каби коммунистик мафкура намоёндалари ҳам ўзбек халқини қул қилиш учун, энг аввало, унинг миллий маданиятини йўқ қилишга уриндилар.

Ўзбек халқи катта йўқотишларга қарамасдан, ўзлигини, ўз миллий маданиятини сақлаб қола билди. Бу эса мустамлакачилар даврида йўқотилган, топталган маданий меросни тиклаш, ўзлигини англаш имконини берди.

Ҳозир Ўзбекистонда 36 та драматик, мусиқали драма ва комедия, опера ва балет, кўғирчоқ театрлари фаолият кўрсатмоқда. 1998 йил 26 мартда Ўзбекистон Президентининг "Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди. Унга биноан, томоша санъатининг кўп асрлик анъаналарини ўрганиш, бойитиш ва тарғиб қилиш, театр санъатини ҳар томонлама ривожлантириш, унинг моддий негизини янада мустаҳкамлаш, мамлакатимизда маънавий-маърифий ислохотларни амалга оширишда театр арбобларининг фаол иштирокини таъминлаш, бадиий-замонавий саҳнабоп асарлар яратиш мақсадида Маданият ишлари вазирлиги тизимида "Ўзбектеатр" ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этилди.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг жорий архиви.

<sup>4</sup> Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-ж. -Т.: Ўзбекистон, 1999. -Б. 144.

Давлатимиз раҳбари халқимизнинг миллий қўшиқчиликка бўлган эҳтиёжини эътиборга олиб, миллий руҳдаги, халқона мусиқа асарларини яратишга бўлган қизиқишни доимий равишда рағбатлантириб келмоқда. Истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ мусиқа санъати бўйича қатор кўрик-танловлар ўтказила бошланди. Хусусан, 1992 йил март ойида Тошкент шаҳрида танбур, сетор, қўшнаё, сурнай ва бошқа миллий соз ижрочилигининг "Асрларга тенгдош наволар" деб номланган республика кўрик-танлови ўтказилди. 1992 йил май ойида Хоразм вилоятида бўлиб ўтган фольклор жамоалари, аскиячи, қизиқчи ва масхарабозларнинг кўрик-танлови, июль ойида Қўқонда ўтказилган IX анъанавий лапар, ялла ижрочилари танлови каби тадбирлар миллий санъатимиз ривожига катта ҳисса бўлиб қўшилди.

1995 йил декабрь ойида "Ўзбекистон - Ватаним маним" республика қўшиқ танлови эълон қилинди. Мазкур танлов барча вилоят, шаҳар ва туманларда кўтаринки руҳда ўтказилди, натижада юзлаб мазмунан теран янги қўшиқлар яратилди.

Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ музейларга алоҳида эътибор қаратилди. 1994 йилда Маданият ишлари вазирлиги тизимида турли соҳалар бўйича 68 та музей мавжуд эди. 1999 йилда уларнинг асосий фондига 7544 та экспонат қабул қилинди. Шу йилда музейларга 1655400 киши ташриф буюрди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 12 январдаги "Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони соҳада бурилиш ясади. Фармонга биноан, барча турдаги музейлар фаолиятини мувофиқлаштириш, қўллаб-қувватлаш ва уларга зарур илмий-услубий ёрдам кўрсатишни таъминлаш мақсадида Маданият ишлари вазирлиги қошида "Ўзбекмузей" жамғармаси ташкил этилди, ўзбек, инглиз, рус тилларида чоп этиладиган илмий-амалий, маънавий-маърифий, рангли "Мозийдан садо" журнали нашр этила бошланди.

Ҳозир Ўзбекистонда 133 та музей фаолият кўрсатмоқда. Улардан 98 таси Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфида бўлиб, 4 та музей Фанлар академияси қошида, 2 та музей Ўзбекистон Республикаси Бадий академияси қошида, 7 та музей бошқа вазирлик ва ташкилотлар қошида иш олиб бормоқда.

Ўзбекистон фуқароларини, айниқса, ёшларни музей муассасаларига жалб этиш, мазкур муассасаларнинг тарбиявий ролини оширишга алоҳида аҳамият берилди. 2014 йил 11 июлда Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат музейларини болалар ва уларнинг ота-оналарига очиқлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори шу маънода жуда аҳамиятли бўлди.

Музейларнинг ижтимоий-маданий аҳамияти ошди, уларнинг ўзбек халқи миллий ўзлигини англаш жараёнидаги роли кучайди. Музейларга эътибор хорижлик фуқароларнинг Ўзбекистонга, унинг бой ва қадимий маданиятига бўлган қизиқшини оширди.

Мустақиллик йилларида мамлакат аҳолисига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни яхшилаш, уни янги сифат даражасига кўтариш, фуқароларнинг илмий, таълим, ахборот ва маданият соҳасидаги қизиқишларини замонавий ахборот технологиялари асосида тезкорлик билан қондириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор берилди. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президенти (2006 йил 20 июль) “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

Ушбу Қарорни амалга ошириш натижасида республикада ахборот-кутубхона муассасаларининг умумий сони 12 мингдан ортди, шу жумладан, ахборот-кутубхона марказлари 1863 тани, давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари кутубхоналари эса 9 мингдан ортиқни ташкил этди. Кутубхоначилик соҳасига замонавий компьютер ва мультимедия технологияларини жорий этиш орқали ахборот-кутубхона муассасаларида тўлиқ матнли электрон ресурсларни ўз ичига олган электрон каталог орқали маълумотларни тезкор излаш имкониятини таъминловчи автоматлаштирилган тизим жорий этилди.

Айни пайтда Ўзбекистонда ёш иқтидорларни қўллаб-қувватлаш, юқори малакали маданият ходимлари тайёрлаш ишига ҳам катта эътибор берилмоқда. Республикада 3 та олий таълим муассасаси, 20 та санъат ва маданият коллежи ва академик лицейларда юқори малакали маданият ходимлари тайёрланмоқда. Уларда 15 мингдан зиёд талаба таълим олмақда. Ёшлар иқтидорини кашф этиш ва қўллаб-қувватлаш



мақсадида турли республика танловлари ва фестиваллари ўтказилмоқда.

Ўрта махсус таълим муассасалари, болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчилари орасида ўтказилаётган турли танловлар, жумладан, М.Турғунбоева номидаги республика рақс танлови, "Санъат ғунчалари", "Янги авлод", "Келажак овози" каби республика фестиваллари ёш истеъодларни кашф этмоқда. 2002-2012 йилларда 463 нафар ўрта махсус ва олий таълим муассасалари ўқувчи-талабалари жаҳоннинг турли мамлакатлари ва республикада ўтказилган фестиваль ҳамда танловларнинг совриндорлари бўлдилар.

Истеъодли ёш ижрочиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан 2000 йил 25 августда таъсис этилган "Ниҳол" мукофоти алоҳида ўрин тутади. Мисол учун, 2012 йили ушбу танловда 10688 нафар иштирокчи қатнашди, ушбу мукофот совриндорлари сони 137 нафарга етди.

Жамият ижтимоий-маданий, сиёсий барқарорлигини таъминлашда миллий истиқлол ғоясининг роли тобора ортиб бораётгани каби, бошқа томондан, мазкур қадриятларнинг ижтимоий аҳамиятини кенг тарғиб этишда маданият муассасаларининг ўрни янада ошмоқда.

Таъкидлаш лозимки, мустақиллик йилларида замон, ҳаёт талабига биноан маънавий-маърифий ишларни янги давр талаби ва манфаатларига мос такомиллашган тизими шакллантирилди. Бунда таълим тизими, музейлар, маданият уйлари ва саройлари, ахборот ресурс марказлари, маданият ва истироҳат боғлари оммавий маданият муассасалари сифатида миллионлаб аҳолига маънавий-маърифий хизмат кўрсатмоқда.

Истиқлол туфайли маънавий турмушимиздаги қўллаб-қувватлаш муаммолар ҳал этила бошлади. Қурилаётган демократик, ҳуқуқий, инсонпарвар жамият, бозор муносабатларига ўтиш, жаҳон ҳамжамияти билан мафкуравий тазйиқларсиз ўзаро ҳамкорлик қилиш имконияти Ўзбекистон маданиятини юксалтирди. Ўзбекистон, ўзбек халқининг дунёда ўзига хос ва мос ўрни борлиги, унинг жаҳон цивилизациясига қўшган бебаҳо ҳиссасининг эътирофи этилиши туфайли маънавий ҳаётнинг гуллаб-яшнаши учун мустаҳкам замин яратилди.

## 6.2. Ўзбек халқининг маданий мероси, маънавий қадрият ва анъаналарининг тикланиши ҳамда ривожланиши

Ўтган асрнинг 80-йиллари иккинчи ярмида ўзбек халқи азалдан ардоқлаб, авайлаб-асраб келган миллий урф-одат, анъана, қадриятлар, айниқса, миллий байрамларга қарши собиқ марказнинг асоссиз кураши бошланди, кўплаб миллий маросимлар чекланди. Натижада, авваллари нишонланган "Ҳосил байрами", "Қовун сайли", "Гул байрами" ва бошқа халқ байрамлари унутилиб, "Наврўз" байрами тақиқлаб қўйилди.

Президент Ислом Каримов ўз фаолиятининг дастлабки кунларидан бошлаб жамиятни маънавий поклантириш, миллий маданиятларнинг ўзаро уйғун ривожланишига эришиш, халқимизнинг анъана, урф-одат ва қадриятлари, маросимларини тиклашга алоҳида эътибор бера бошлади.

"Мустақил Ўзбекистоннинг куч-қудрати манбаи халқимизнинг умуминсоний қадриятларига содиқлигидадир, - деб таъкидлайди Юртбошимиз. - Халқимиз адолат, тенглик, аҳил қўшничилик ва инсонпарварликнинг нозик куртакларини асрлар оша авайлаб-асраб келмоқда. Ўзбекистонни янгилашнинг олий мақсади — ана шу анъаналарни қайта тиклаш, уларга янги мазмун бағишлаш, заминимизда тинчлик ва демократия, фаровонлик, маданият, виждон эркинлиги ва ҳар бир кишини камол топтиришга эришиш учун зарур шарт-шароит яратишдир".<sup>5</sup>

Бугунги кунда ижтимоий ҳаётда юз бераётган туб ўзгаришлар халқимизда ўзлигини англаш туйғусини, миллий тараққиётдан манфаатдорлик ҳиссини кучайтирмоқда. Бу ҳолат халқимизнинг миллий қадриятлари, маданий ва маънавий бойлигини қайта мушоҳада этишни, уларнинг моҳиятини янада чуқур англашни тақозо қилмоқда.

Президентимизнинг 1990 йил 2 майдаги Фармони билан мамлакатимизда Наврўз анъанавий байрами қайта тикланди, тарихий ҳақиқат ва адолат қарор топди. Наврўзнинг халқимиз томонидан кенг нишонланишининг ўзига хос моҳияти ва аҳамияти очиб берилди. Наврўз кунлари табиат-

<sup>5</sup> Каримов И. А. Истиқлол ва маънавият. - Т.: Ўзбекистон, 1994. -Б. 5.

да юз бераётган уйғониш-янгилиниш жараёни инсонлар ҳаётидаги ўзгаришлар билан уйғунлашиб кетади, санъаткорлар қўшиқ ва куйларида юрт равнақи учун сидқидилдан меҳнат қилаётган халқимизни, турли миллат ва элат вакиллари ўртасида тобора мустаҳкамланиб бораётган дўстлик ва ўзаро ҳамкорликни, энг муҳими, байналмилалчилик руҳини кенг тараннум этадилар. Байрам тантаналаридаги шоду хуррамлик, кўтаринки руҳ республикамизнинг жами аҳолиси — ёш- ялангдан тортиб, улуг ёшдаги отахону онахонларимизгача — барча-барчанинг онгу шуурига чуқур сингади, салоҳиятли иқтисод ва юксак маданият заминида энг демократик ҳамда ҳуқуқий давлат тизими сари комил ишонч билан бораётган Ўзбекистонга — она-Ватанга нисбатан уларда миллий гурур туйғусини камол топтиради.

Наврўз нафақат ўзбекларнинг, балки жаннатмакон диёримизда яшаётган жамики миллат ва элат вакилларининг ҳам ардоқли, сеvimли байрамига айланди.

Наврўз каби "Меҳржон", "Ҳосил байрами", "Қовун сайли" ва бошқа халқ байрамлари, спортнинг миллий турлари ҳамда тарихий халқ ўйинларидан кенг фойдаланилган ҳолда бадий-спорт байрамларининг тикланиши фуқароларимиз, айниқса, ёшларимиз дунёқараши - эътиқодини шакллантиришда, уларда она заминга меҳр-муҳаббат туйғуларини уйғотиш, сувни тежаб-тергаб сарфлаш, табиатни, унинг ер ости ва ер усти бойликларини асраш, бободехқон меҳнатини эъозлаш, хуллас, ўлкамиздаги жамики жонзот ва гўзалликларни асраб-авайлаш руҳида тарбиялашда муҳим омил ҳисобланади. Буларнинг барчаси, пировард натижада, мамлакат бойлигининг ортиши, демакки, халқимиз турмуш фаровонлигининг юксалиши учун хизмат қилади.

Мамлакатимиз раҳбарининг 1992 йил 7 мартдаги Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Дин ишлари бўйича қўмита ташкил этилди. Бу билан мамлакатимиз аҳлининг диний эътиқоди эркинлигига кафолат берилди. Диний-ахлоқий мавзуда қўплаб китоблар чоп этилди, бу хайрли иш давом этмоқда. Республикамиз раҳбарияти кишилар маънавий камолотида Исломи динининг катта аҳамият касб этаётганини инобатга олиб, диний таш-



килотларнинг эркин фаолият кўрсатиши учун шарт-шароит яратиб берди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 7 апрелдаги Фармонида биноан Тошкент Ислон Университети ташкил этилди. Эндиликда Халқаро Ислон тадқиқотлар маркази ва Тошкент Ислон Университети самарали фаолият кўрсатмоқда.

Маълумки, мустабид совет тузуми даврида мамлакатимиз ҳудудида яшаб, ижод этган ўнлаб, юзлаб олиму мутафаккирлар маънавий-илмий мероси таъқиб остига олинган эди. Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ мазкур маданий меросни тиклаш ва уни халққа етказиш бўйича жиддий ишлар амалга оширилди. Айниқса, 1991 йилнинг "Алишер Навоий йили" деб эълон қилиниши катта ижтимоий-маданий аҳамият касб этди. Шунингдек, улуғ олим ва давлат арбоби Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллиги кенг нишонланди, 1996 йил машҳур саркарда, давлат арбоби Амир Темур номи билан боғланди. Шунингдек, Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1210 йиллиги, афсонавий саркарда Жалолиддин Мангубердининг 800 йиллиги, "Алпомиш" достонининг 1000 йиллиги, Ислон оламининг донишмандлари Абу Исо ат-Термизийнинг 1200 йиллиги, Имом Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги, Имом Абу Мансур Мотурудийнинг 1130 йиллиги, Маҳмуд аз-Замаҳшарийнинг 920 йиллиги, Нажмиддин Кубронинг 850 йиллиги, Бурхониддин Марғинонийнинг 910 йиллиги, Баҳоддин Нақшбанднинг 675 йиллиги, Хўжа Аҳрор Валийнинг 600 йиллиги кенг нишонланди.

Таъкидлаш лозимки, юртимиздан етишиб чиққан ва ўзининг улкан илмий, маданий мероси билан жаҳон цивилизациясига ижобий таъсир ўтказган аллома, мутафаккирларимизга эҳтиром кўрсатиш ғоят савобли ишдир. Истиқлол йилларида буюк алломаларимиз меросини ўзбек тилига ўтириш ишлари амалга оширилди. Бу жараённинг муваффақиятли кечиши учун "Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси ташкил этилди. Хоразмда Маъмур академияси қайта тикланди. Шунингдек, 2008 йилда Самарқанд шаҳрида Имом ал-Бухорий халқаро маркази фаолият бошлади.

Ўзбек халқининг миллий-маданий меросида маърифатпарвар мутафаккирларнинг ўрни алоҳида. Шунинг учун ҳам

уларнинг меросини тиклашга, халқимиз онгига сингдиришга алоҳида эътибор берилди. Юртбошимиз таъкидлаганидек, «Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори, Абдулла Авлоний, Исҳоқхон Ибрат, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулхамид Чўлпон, Усмон Носир каби юзлаб маърифатпарвар, фидойи инсонларнинг ўз шахсий манфаати, ҳузур-ҳаловатидан кечиб, эл-улус манфаати, юртимизни тараққий топтириш мақсадида амалга оширган эзгу ишлари авлодлар хотирасидан асло ўчмайди».<sup>6</sup>

Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан Самарқанднинг Регистон майдони, Улуғбек мадрасаси, Гури Амир меъморий мажмуаси, Бухоро ва Ғиждувондаги Улуғбек мадрасалари, Шаҳрисабздаги Дорудтиловат меъморий мажмуасида кенг қўламли таъмирлаш ишлари олиб борилди.<sup>7</sup> Маданият ёдгорликларини сақлаш, таъмирлаш, консервациялаш, илмий тадқиқот ва лойиҳа смета харажатларини тайёрлаш ишлари такомиллаштирилди.

Истиқлолга эришганимиздан сўнг миллий қадриятларимизни тиклаш, кўп асрлик маданий меросимизни ҳозирги ва келгуси авлодларга етказиш масаласи муҳим аҳамият касб этди. Бу борада Маданият вазирлиги, "Усто" халқ амалий санъати бирлашмаси эътиборга молик ишларни амалга оширди.

Маълумки, халқ маънавияти замиридаги инсонийлик, байналмилаллик каби азалий фазилатлар миллий байрамларда ўз аксини топади. Яхши анъанага айланган "Гул байрами" ҳар йили август ойининг охирида Наманган шаҳрининг "Бобур" номидаги маданият ва истироҳат боғида ўтказиб келинади. Ушбу байрам гулга, гўзалликка ошuftа бўлган турли миллат вакилларини яқинлаштиришга хизмат қилмоқда. Бу байрамга, нафақат, Ўзбекистон, балки қўшни республикалар, ҳатто чет эллардан ҳам меҳмонлар ташриф буюриб, гўзалликдан баҳраманд бўлмоқдалар.

Асрлар давомида шаклланган, анъанага айланган "Алла" қўшиқнинг қадимий туридир. Чақалоқлар, гўдакларни ух-

<sup>6</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч.-Т.: Маънавият, 2008. -Б. 49.

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг жорий ахиви. 1993 йил ҳисоботи.

латиш, ором олдириш учун уларни бешикка белаб, беланчакка солиб, тебратиб, оналар "алла" айтади. Қўшиқчилик санъатининг бу йўналишига алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан, Марғилон шаҳри маданият ва истироҳат боғида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 5 йиллиги, Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб "Алла" қўшиғи ижрочиларининг анъанавий республика кўрик-танлови ўтказилди.

Мустақиллик йилларида миллий спорт тури — ўзбек курашига муносабат тубдан ўзгарди. 1992 йилдан бошлаб омавий равишда Бухорода Баҳоуддин Нақшбанд, Хоразмда Паҳлавон Маҳмуд, Шаҳрисабзда Амир Темур, Термизда ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига, шунингдек, "Алпомиш" достони яратилганлигининг 1000 йиллигига бағишланган мусобақалар бўлиб ўтди.

1992 йил май ойида Тошкент шаҳрида кураш бўйича 1-жаҳон чемпионати ўтказилди. 1998 йили Кураш халқаро ассоциацияси тузилди. 2000 йилда эса Туркиянинг Анқара шаҳрида 2-жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. 2003 йил 24 январда Осиё Олимпия кенгашининг Қувайтда ўтган XXII Бош ассамблеясида ўзбек кураши Осиё ўйинлари дастурига киритилди. Ўзбек кураши жаҳонга юз тутиши билан янада байналмилал хусусият касб этди. Эндиликда гиламда Кураш халқаро ассоциациясига аъзо бўлган давлатларнинг кўплаб вакиллари кўриш мумкин. Дунё давлатлари кураш ареналарида ўзбекча чала, дакки, танбеҳ, гирром, ёнбош, ҳалол каби атамалар баралла янграмоқда.

Ўзбекистон - дунёдаги кўп миллатли давлатлардан бири. Ўзбекистонда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилмоқда.

Мамлакатимизда 1992 йили ўнта миллий-маданий марказ фаолият олиб борган бўлса, 2000 йилга келиб, вилоятлар билан ҳисоблаганда, уларнинг сони 138 тани ташкил этди. Миллий-маданий марказлар фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида 1992 йил январда Республика байналмилал маданий маркази ташкил қилинди.<sup>8</sup> Ушбу марказ олди-га миллий-маданий марказларга амалий ва методологик жи-

---

<sup>8</sup> Мустақиллик: изоҳли илмий-оммабоп луғат. -Т.: Шарқ, 2006. -Б. 445.



ҳатдан кўмаклашиш, улар фаолиятини мувофиқлаштириш, Ўзбекистонда яшаётган миллат ва элатларнинг миллий урф-одатлари ва анъаналари, маданияти, маънавий қадриятларини ривожлантиришга кўмаклашиш, МДХ ва чет элдаги миллий ҳамда байналмилал маданий марказлар билан алоқалар ўрнатиш каби масъулиятли вазифалар қўйилди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг биринчилардан бўлиб, қозоқ, қирғиз, тожик, уйғур, дунган ва Бухоро яҳудийлари миллий-маданий марказлари ташкил этилди.

1992 йил Тошкентда "Авдет" номли қрим-татарлари миллий маданий маркази ташкил этилиб, унинг қошида "Аккалфак" уюшмаси тузилди. Шу йили татар-бошқирд маданий маркази ҳам ташкил топиб, "Яшлик" деб аталган татар-бошқирд халқ ашула ва рақс ансамбли иш бошлади.

1994 йилнинг январь ойида Рус миллий-маданий марказининг очилиши мазкур миллат вакиллари томонидан қизгин кутиб олинди.

Ўзбекистонда салмоғи ва салоҳияти билан алоҳида урин тутувчи миллатлардан бири корейслардир. XX аср 30-йилларида корейслар Ўрта Осиёга мажбуран кўчириб келтирилган, 1937 йилнинг октябрь-ноябрь ойларида уларнинг сони 74.500 киши эди. Ҳозирда Ўзбекистонда 220 мингга яқин корейслар яшаб, жамият ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳаётида фаол иштирок этмоқда. Ўзбек халқининг бағрикенглиги, меҳмондўстлиги туфайли бу юрт уларнинг иккинчи Ватанига айланди.<sup>9</sup>

Мамлакатимизда миллий қадриятлар, урф-одат, анъана ва турли маросимларни тартибга солиш, шунингдек, кенг халқ оммасини уларга жалб этишни яхшилаш борасида қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Бу борада "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги (2001 йил 30 август), "Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги (2009 йил 13 октябрь) Қонунлар, Ўзбекистон

<sup>9</sup> Ким П., Юсупова С. Корейская диаспора в Узбекистане//Узбекистан на пути межнационального согласия. -Т.: Университет,1996.-С.155.

Республикаси Президентининг "Халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"-ги (1997 йил 31 март), "Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида"ги (1998 йил 12 январь) Фармонлари, "Қатағон қурбонлари хотираси музейининг фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги (2008 йил 5 май) қарорларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Кейинги йилларда халқаро ҳамжамият номоддий маданий мерос ёдгорликларини тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, миллатлар ва давлатлараро ҳамкорликни янада яхшилаш омили сифатида баҳоламоқда. Ўзбекистонда ушбу жиҳатларга алоҳида аҳамият берилиб, 2007 йил 12 декабрь куни "Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги халқаро конвенцияни (Париж, 2003 йил 17 октябрь) ратификация қилиш ҳақида" Қонун қабул қилинди.

Таъкидлаш лозимки, мазкур Қонун қабул қилингандан сўнг номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш ишлари янада кучайди. Бу борада 10 йилга мўлжалланган дастур ишлаб чиқилди. Дастурнинг қабул қилиниши ЮНЕСКО ташкилоти томонидан алоҳида эътироф этилди.

2011 йил 11 ноябрда ЮНЕСКОнинг Осиё ва Тинч океани минтақаси билан номоддий маданий мерос бўйича халқаро ахборот ва ҳамкорлик маркази, Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази ўртасида "Номоддий маданий мерос объектларини инвентаризация қилиш" лойиҳаси бўйича шартнома имзоланди. Унга биноан Жиззах вилояти (Жиззах шаҳри, Зомин, Фориш, Бахмал, Ғаллаорол туманлари), Самарқанд вилояти (Самарқанд шаҳри, Самарқанд, Ургут, Булунғур туманлари), Қашқадарё вилояти (Қарши, Китоб шаҳарлари, Шаҳрисабз, Китоб, Чироқчи, Нишон туманлари), Сурхондарё вилояти (Шўрчи шаҳри, Шўрчи, Қизириқ, Бойсун туманлари)да комплекс илмий экспедиция ўтказилиб, унинг натижасида 30 соатлик видео, 1,5 соатлик видеоинтервью, 240 турдаги

анъанавий мусикали аудиоёзувлар, 4000 дан ортиқ фото материаллар тўпланди.<sup>10</sup>

Номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айланди. Бу нарса, шубҳасиз, ўзбек халқи миллий ўзлигини англаш, маданий меросга тўғри муносабатда бўлиш, пировард натижада, жамиятда юксак соғлом маънавий муҳитни шакллантириш билан боғлиқ эди. Шунинг учун ҳам бу борада республиканинг барча ҳудудларида катта ҳажмдаги тадбирлар ўтказила бошланди. 2013 йилда республика бўйлаб "Бой мерос ва боқий қадрият" шиори остида ҳафталиклар ўтказилди. Сурхондарё вилоятида "Ўзбекистон - умумий уйимиз" деб номланган V Республика дўстлик ва маданият фестивали уюштирилди. Ўзбекистон Бадиий академияси кўرғазмалар залида "Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон" шиори остида кўрғазма ташкил этилди. Мамлакатимизда қадимий урф-одатлар, қадриятлар, маросимларни тарғиб этишда 2013 йил май ойида "Асрлар садоси" маданият фестивали доирасида Навоий вилоятида ташкил этилган тадбир катта аҳамиятга эга бўлди.

Ўзбекистонда маданият ва санъатни ривожлантириш, хусусан, урф-одат, қадриятлар, маросимларни тиклаш, уларга замонавий, янги миллий руҳ бериш мамлакат ҳукуматининг асосий вазифаларидан бирига айланган. Бу борада, айниқса, "2011-2015 йилларда маданият ва истироҳат боғларининг моддий техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари Дастури" алоҳида аҳамият касб этади. Унга биноан, 2015 йилга қадар 77 та янги боғ ташкил этиш, мавжуд 148 та боғлардан 105 тасини капитал реконструкция қилиш, 29 тасини капитал, 14 тасини жорий таъмирлаш кўзда тутилган.

Хуллас, мустақилликнинг илк кунларидан мамлакат Президенти раҳнамолигида урф-одат, миллий қадриятлар, маросимлар, умуман, маданий меросни тиклаш йўлида иж-

---

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг жорий архиви. 2013 йил ҳисоботи.



тимоий маданий вазифалар босқичма-босқич амалга оширила бошлади. Совет мустабид тузуми даврида топталган қадриятлар тиклана борди. Бу пировард натижада мамлакат ва жамият маънавий қиёфасини ўзгартирди, халқимизда миллий ўзликни англаш жараёнини янада чуқурлаштирди.

### **6.3. Миллий истиқлол гоёси: шаклланиши ва ривожланиш босқичлари**

Ўзбек халқининг давлатчилик тарихи яқин 3 минг йиллик даврни ўз ичига олади. Бу давр турли тарихий воқеалар билан характерланади. Унда халқларни жипслаштириш ягона мақсад бўлган, унга муяссар бўлган даврлар ҳам, айни пайтда, мамлакат тарқоқ, пароканда бўлган даврлар ҳам бўлганлигига гувоҳмиз. Албатта, бу муайян ички ва ташқи сабаблар билан боғлиқ. Улар мамлакатимиз халқларини тобе қилиш, бойликларига эга бўлиш истаги учун келганлар. Бунга қарши кураш мамлакатнинг "мафкуравий иммунитет" ҳолатига, халқларнинг ўз мақсадларини аниқ идрок этишига бевосита боғлиқ. Мафкуравий иммунитетни мустақамлаш учун мамлакатнинг мустақил тараққиётини таъминлайдиган, миллатлараро тотувликни, қардошлик туйғуларини кучайтирадиган, юрт тинчлигини сақлаш, мафкуравий чиниқишда муҳим роль ўйнайдиган тарихий хотирага эғалик, мафкуравий иммунитетнинг ўзаги бўлган Ватанга садоқат, ўзликни англаш туйғуларини кучайтириш ҳаётий зарурат ҳисобланади. Бу борада Президент Ислом Каримов «Маълумки, ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун, аввало, киши организмда унга қарши иммунитет ҳосил қилинади. Биз ҳам фарзандларимиз юрагида она-Ватанга, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига соғлом муносабатни қарор топтиришимиз, таъбир жоиз бўлса, уларнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришимиз зарур"<sup>11</sup>, деб фикр билдирган эди.

Мустақиллик даврида миллий истиқлол гоёсини халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончига айлантириш, жами-

<sup>11</sup> Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. 8-ж. - Т.: Ўзбекистон. 2000. -Б. 494.

ягда "мафкуравий бўшлиқ" ҳосил бўлишининг олдини олиш вазифасини ҳал этиш дастурий мақсад сифатида қўйилгани бежиз эмас.

Мустақиллик йилларида фикрлар хилма-хиллиги ва қарашлар ранг-баранглиги ривож, мафкуравий плюрализм қарор топиши учун барча ҳуқуқий асослар вужудга келди. Улардан бири миллий ғоя ва мафқуранинг илмий-назарий, методологик асосларини ишлаб чиқиш кун тартибидаги энг долзарб вазифалардан бирига айланди. Зеро, вояга етиб келадиган ёш авлод қалбида миллий ғоя, миллий мафкура, ўз Ватанига меҳр-садоқат туйғуларини уйғотиш, ўзлигини англаш, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш масаласи асосий ўринда турар эди.

Мустақиллик йилларида Президент Ислом Каримов томонидан асослаб берилган ғоя - юртимизда озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишга хизмат қиладиган яхлит ва изчил таълимотни ёшлар қалби ва онгига сингдириш каби вазифаларни ўз ичига олган "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" концепцияси ишлаб чиқилди. Шунингдек, "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" фани бўйича таълим дастурлари яратиш ва республика таълим тизимида жорий этиш тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши (2001 йил 18 январь) қабул қилинди.

Мустақил Ўзбекистоннинг демократик тараққиётида унинг талабларига жавоб берадиган жамият мафқурасини ишлаб чиқишда 1991-1992 йиллар ўзига хос, унинг ҳуқуқий асосини белгилаш босқичи бўлди, деб айтиш мумкин. Бунда миллий истиқлол ғоясининг жамият ижтимоий ҳаёти соҳаларида қандай тамойилларга асосланишини аниқ ифодалаб бериш муҳим аҳамиятга эга эди. Мустақиллик туфайли биринчи маротаба Конституциямизда фикрлар хилма-хиллигига кенг ўрин берилди. Конституциянинг 12-моддасида "Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафқуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч қайси мафкура давлат мафқураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас", деб белгилаб қўйилди. Бу қоида республикада ижтимоий-сиёсий барқарорлик ва ис-

тиқлол мафкурасини ишлаб чиқишда ҳамда мустақилликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ижтимоий ҳаёт соҳаларида сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллигининг эътироф этилиши жамият ҳаётининг ривожланишига тамомила янгича қараш ва ёндашув эканлигини таъкидлаш зарур. Бу, биринчидан, миллий истиқлол ғоясини "ягона коммунистик ғоя"дан тубдан фарқ қилишини кўрсатади. Иккинчидан, ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмаслиги миллий истиқлол ғоясининг давлат мафкураси эмас, балки жамият мафкураси сифатида шаклланиши ва ривожланиши учун кенг имконият яратиб берди ва уни ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлади.

"Ҳаёт мавжуд экан, жамият, давлат бор экан, ҳар қайси миллат, ҳар қандай халқ ўз йўлини, мақсадини, лунда қилиб айтганда, ўзининг миллий ғоясини, миллий мафкурасини аниқлаб олишга ҳаракат қилади. Ҳаёт тараққий этган сари бундай масалалар янада бойиб, янада такомиллашиб бораверади. Шу маънода, бу борада турлича қарашлар, муҳокамалар бўлишини табиий ҳол сифатида қабул қилиш керак"<sup>12</sup>. Миллий ғоянинг яна бир муҳим аҳамияти шундан иборатки, у миллатимизнинг, халқимизнинг ўзлигини англашига, ўзининг миллий қадриятларини, урф-одатларини йўқотмасдан, уларни тиклаб, авайлаб, эъзозлаб, янги, ўсиб келаётган авлодга етказиб бериш учун хизмат қилиши керак.

Миллий истиқлол ғоясининг шаклланиши ва ривожланишида 1993-2000 йилларда амалга оширилган ўзгаришлар муҳим аҳамият касб этади. Бу давр жамият мафкурасини янада бойитиш, уни ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида намоён бўлиш ва илмий истиқлол ғояси билан боғлиқ бўлган тушунча ва тамойилларни, мақсад ва вазифаларни ҳамда унинг асосий ғояларини, шунингдек, жамият мафкураси билан боғлиқ концепция, яъни «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар»и ишлаб чиқилганлиги билан характерланади. Буни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан амалга оширилган ташкилий, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маданий-маърифий ишлар ўзининг кенг кўламлилиги билан муҳим аҳамиятга эга.



Мустақилликнинг ўнинчи йили (2000 йил, апрель) миллий ғоянинг асосий тушунча ва тамойиллари билан боғлиқ концепцияни ишлаб чиқишда алоҳида амалий аҳамиятга эга бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида Оқсаройда бўлиб ўтган миллий ғоя концепциясини ишлаб чиқишга бағишланган анжуман уни амалий жиҳатдан ишлаб чиқиш ва ҳаётга жорий этишда янги босқични бошлаб берди. Бу соҳада сўздан амалий ишга ўтишда алоҳида масъулият юкланди.

2007 йилдан ҳозиргача бўлган давр "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"ни амалга ошириш билан узвий боғлиқ бўлиб, айтилган пайтда, миллий ғоянинг мақсадлари ҳамда унинг муҳим негизи бўлган демократик принциплар билан муштаракдир. Ўзбекистон Республикаси миллий ғоя негизига таянган ҳолда демократик ислохотларни олиб бораётганлиги ижтимоий ҳаёт соҳаларида муҳим ютуқларни қўлга киритишга ва дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилишига сабаб бўлмоқда. Мустақилликнинг ўтган тарихий давридаги ютуқларни миллий ғоя мақсадлари билан муштарак ҳолда амалга оширилганлигини кўрамиз. Бу Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 12 июндаги "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қароридан илгари сурилган "Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!" шиори асосида ўтказилганлиги ўзига хос фалсафий-тарихий маънога эга. Бу фуқароларни мустақилликнинг қадр-қиммати, таянч ва ифтихори билан узвий алоқадор эканлигига даъват этади.

Шуни айтиш мумкинки, биринчидан, мустақиллик Ўзбекистон жамияти ижтимоий ҳаёт соҳаларида миллий истиқлол ғояси негизларининг тикланиши, шаклланиши ва ривожланиш босқичлари бўлди, деб айтишга асос беради. Мамлакатнинг барқарор тараққиётини миллий ғоя билан боғлиқ омилларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Миллий ғоя шаклланиши ва ривожланишидаги ҳар бир босқич ўзига хос тарихий маъно ва аҳамиятга эга.

Иккинчидан, миллий истиқлол ғоясининг шаклланиши

ва ривожланиши боққичларида унинг асосий ғояси у билан узвий боғлиқ ҳолда кечганлигини кўрамиз, бу турли халқлар ва миллатлар ўртасида, динлар ўртасида миллий тотувлик ва ҳамжиҳатликни, динлараро бағрикенгликни таъминлашга хизмат қилди.

Учинчидан, миллий истиқлол ғоясининг шаклланиши турли халқлар ва миллатларни миллий ўзлигини англашига, миллий маънавий тикланишига ҳамда тараққий топишига зарур шарт-шароит яратди.

Тўртинчидан, мустақиллик йиллари ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳалари каби миллий ғоянинг ишлаб чиқилиши ва ҳаётга татбиқ этилиши ҳамда уни ишонч ва эътиқодга айланиши даври бўлди. Кўпчиликнинг онг ва тафаккури орқали ишонч ва эътиқодига айланди. Уларнинг фаолиятида дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Бешинчидан, миллий ғоя туфайли халқимизда ҳақиқий ватанпарварлик туйғуси, миллий ғурур, ўзликни англаш амалга ошмоқда. Сохта ғоя ва мафкуравий ақидалар билан боғлиқ тушунча ва қарашларга барҳам берилмоқда. "Фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш" (И.А.Каримов) асосида инсон тафаккури, маданияти шаклланиб, мустақил фикрга ва фикрлашга асос бўлмоқда.

Олтинчидан, мустақиллик йилларида миллий ғоянинг негизлари бўлган миллий маданий мерос ва умуминсоний қадриятларга бўлган муносабат ўзгарди. Унинг ўзаро уйғун ва муштараклиги ҳаётинг ҳақиқат, демократик тараққиёт қонунияти эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб бермоқда.

Еттинчидан, мустақиллик туфайли миллий ғоя таълим-тарбияни янги асосга, халқимизнинг тарихий мероси, миллий маданий урф-одатлари, анъаналарига таянган ҳолда, умумэътироф этилган демократия принциплари асосида миллийлик ва умуминсонийликнинг уйғунлигини таъминламоқда. Ҳозирги ёшлар дунё фани, таълим соҳасида эришилган ютуқлардан баҳраманд бўлмоқда.

Саккизинчидан, миллий ғоя негизида янги авлод шаклланди. Уларнинг миллий қадриятларнинг ҳурмат қилиши турли соҳалар бўйича ўзининг самарасини бермоқда. Бу ай-

рим ёшларнинг хулқ-атвори, тафаккур тарзида учрайдиган миллий ғояга зид ҳолатларнинг олдини олмоқда. Ёшларнинг ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуришда масъулияти ошиб боришига хизмат қилмоқда. Бу мустақилликнинг янада мустақамланишида муҳим омилдир.

Тўққизинчидан, мустақилликнинг йигирма уч йилида амалга оширилган ўзгаришлар миллий ғоя мақсадлари билан ҳамоҳанг эканлигини, бу мамлакатда белгиланган демократик ислохотларни амалга оширишда, маънавий кучқудрат манбаи бўлиб хизмат қилаётганлиги эришган ютуқларимизнинг маънавий ғоявий кафолати эканлигини ҳаётнинг ўзи исботлаб турибди.

Ўнинчидан, миллий ғоя - Ўзбекистон жамиятининг мафкураси сифатида ўз истиқболига эга. У жамият ривожига доимо зарур. Фуқаролик жамиятининг ривожланишига хизмат қилади. Мамлакат аҳолисини турли хил зарарли ёт ғоялардан асрайди, ҳимоялайди. Мустақиллигимизни янада мустақамланишига, янги ютуқларга маънавий-руҳий куч бўлиб хизмат қилиши билан тарихий аҳамият касб этади.

Миллий ғояни ўрганишнинг умумий қонуниятлари турли халқлар, мамлакатлар, жамиятлар ҳаётида амал қиладиган умумий асосга эга бўлган ички зарурий боғланишлар бўлиб, у жамият ва мафкуралар (ғоялар)нинг бир-бири билан узвий боғлиқлиги қонунидир. Жамият мафкурасиз, мақсадсиз яшай олмайди. Демак, биринчидан, мафкура ҳар қандай жамият ҳаётида зарур. Мафкура бўлмаса, одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррар. Иккинчидан, қаердаки мафкуравий бўшлиқ вужудга келса, ўша ерда бегона мафкура ҳукмронлик қилиши ҳам тайин. Бунинг исботи учун хоҳ тарихдан, хоҳ замонамиздан кўплаб мисоллар келтириш қийин эмас.<sup>12</sup>

Ўзбекистон халқининг миллий истиқлол мафкураси жамиятни жипслаштиришга, буюк келажак йўлида ҳамжиҳатлик билан ҳаракат қилишга, барпо этилаётган эркин фуқаролик жамиятида ҳар бир юртдошимизнинг ўзига хос ўрни бўлишига эришишга сафарбар этади.

<sup>12</sup> Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-ж. -Т.: Ўзбекистон, 1999. -Б. 84-85.



Бинобарин, миллий мафкура ҳар қандай халқни - халқ, миллатни - миллат қиладиган, унинг йўли ва мақсадларини аниқ-равшан чароғон этадиган маёқдир.

Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг умумий йиғилишидаги (1994 йил 7 июль) нутқида Шарқ фалсафасини теран ўрганиш ҳақида сўзлаб, яқин ўтмишдаги қарамлик мафкурасидан халос бўлиш учун асрлар синовидан ўтган, улуғ аждодларимиз қолдирган миллий мафкура ва тафаккуримизни тиклаш, уни замонавий умумбашарий руҳ билан бойитиш вазифамиз эканлигини алоҳида таъкидлаган эди. Миллий мафкура қандай бўлиши эса давлатимиз раҳбарининг "Тафаккур" журнали бош муҳаррири саволларига жавобларида аниқ кўрсатиб берилган: "Миллий ғоя, биринчи навбатда, ёш авлодимизни ватанпарварлик, эл-юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбига инсонпарварлик ва одамийлик фазилатларини пайванд қилишдек олийжаноб ишларимизда мадакор бўлиши зарур. Миллий ғоя Ватанимизнинг шонли ўтмиши ва буюк келажагини узвий боғлаб туришга, ўзимизни улуғ аждодларимиз боқий меросининг муносиб ворислари деб ҳис қилиш, шу билан бирга, жаҳон ва замоннинг умумбашарий ютуқларига эришмоққа йўл очиб берадиган ва шу мақсадларга муттасил даъват қиладиган ғоя бўлиши керак. Миллий ғоя, миллий ифтихор кундалик машаққатли ишларимизда ва бунёдкорлик фаолиятимизда кучимизга куч, гайратимизга гайрат қўшиб, ҳақиқатан ҳам келажаги буюк давлат қураётганимизга мустаҳкам ишонч багишлаб, руҳимизни баланд, белимизни бақувват қилишига ишонаман".<sup>13</sup>

Президентимиз "Миллий мафкура - давлатимиз ва жамиятимиз қурилишида биз учун руҳий-маънавий куч-қувват манбаи"<sup>14</sup> номли нутқида миллий ғоя, миллий мафкура нима учун, ким учун керак, унинг маъно-моҳияти нимадан иборат, деган муҳим масалага яна бир бор ойдинлик киритиб, қуйидагиларни таъкидлаган:

<sup>13</sup> Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-ж. -Т.: Ўзбекистон, 1999. -Б. 92.

<sup>14</sup> Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. 8-ж. -Т.: Ўзбекистон. 2000. -Б. 462.

«Биринчидан, ўзининг келажагини кўрмоқчи ва қурмоқчи бўлган ҳар қандай давлат ёхуд жамият, албатта, ўз миллий ғоясига суяниши ва таяниши зарур.

Табийки, давлат тизими, уни бошқариш ва олиб борилаётган сиёсат, аввало, аниқ ва равшан ифодаланган мафкура асосига қурилмоғи лозим. Яъни, олдин давлат қурилиши ва ундан кейин мафкура пайдо бўлиши ўзи ғайритабиий ҳол. Буни яхши англаб олишимиз лозим. Яъни, олдин ғоя пайдо бўлади, ундан кейин ғоя асосида мафкура, мафкура асосида эса тизим, сиёсат пайдо бўлади.

Агар биз ҳозирги ҳаётимизга, сиёсатимизга танқидий кўз билан қарайдиган бўлсак, шунга ўхшаш ҳолатни пайқашимиз мумкин. Бундан шундай хулоса чиқадики, биз, қандай жамият қурмоқчимиз, ўз келажагимизни қандай тасаввур этамиз, деган саволларга ўз жавобларимизни яна бир бор аниқлаштириб олишимиз, шундан кейин одамларимизни ана шундай олижаноб мақсадлар атрофида бирлаштиришимиз зарур. Ўз миллий ғоясига таянмаган жамият инқирозга дучор бўлиши, ўз йўлини йўқотиб қўйиши муқаррарлигини унутмаслигимиз лозим.

Бу масаланинг яна бир жиҳати шундаки, онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб, биз кўзлаган олий мақсад - озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди. Миллат ўзлигини тўла англаган тақдирдагина буюк ўзгаришлар қилишга қодир бўлади.

Иккинчидан, бугун биз тарихий ўзгаришлар даврида - яъни мустабид, тоталитар бир тузумдан эркин ва озод тузумга ўтиш шароитида яшамоқдамиз.

Бу ўтиш даври ўзига хос, жуда катта ғов ва тўсиқларга дуч келиши, қаттиқ курашлар орқали кечиши барчамиз учун аён бўлмоғи даркор. Бу даврда халқимиз ва жамиятимизни янги уфқлар сари бошлаш, даъват қилишда мақсадларимиз аниқ бўлиши керак. Бундай мақсадларга эса, аввало, чуқур ўйланган ва пухта ишланган мафкура асосида етишиш мумкин.

Учинчидан, ўрта ва катта ёшли авлод эски тузум даврларини бошидан кечирган ва охирги ўн йил давомида қандай оғир йўлларни босиб ўтганимизни яхши билади. Кўпчилигимиз кечаги ҳаётимиз, кечаги тарихимизга жонли гувоҳимиз. Гувоҳгина эмас, ўша жараёнларнинг бевосита ишти-

рокчиларимиз. Лекин, энди вояга етаётган ёшларимиз қандай гоё асосида, қандай гоё негизида тарбия олиши, қандай эзгу мақсадларга интилиши керак? Қандай мафкура ва тафаккур улар учун қурол бўлиб хизмат қилмоғи лозим?

Тўртинчидан, тарбиявий-ахлоқий масалаларда, маънавий ҳаётда, керак бўлса, миллий манфаатларимизга мос келадиган сиёсатни изчил олиб боришда ўз йўлимизни йўқотмаслигимиз учун ҳеч қандай гоёвий бўшлиққа йўл қўймаслигимиз даркор.

Нега деганда, бугун дунёда бораётган курашлар ичида энг катта, энг таъсирчан кураш, аввало, мафкура майдонларида олиб борилмоқда. Шу курашда енгиш учун жуда катта маблағ, имконият ва кучлар сафарбар қилинмоқда.

Илгари ҳам кўп бора айтганман, яна бир марта таъкидламоқчиман: мамлакатимиз сарҳадларини қўриқлаш, дахлсизлигини таъминлаш, фуқароларимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилишга армиямизнинг салоҳияти, давлатимизнинг куч-қудрати етарли. Лекин мени ҳали суяғи қотмаган, онги эндигина шаклланиб келаётган фарзандларимизнинг ёт гоёлар таъсирига тушиб қолиш эҳтимоли кўпроқ хавотирга солади. Ёшларимизнинг баъзан сохта гоёлар орқасидан эргашиб кетаётгани биз учун энг катта хавф, десам муболага бўлмайди.

Шунинг учун ҳам уларни асрашимиз, бугунимиз учун, келажагимиз учун сувдек, ҳаводек зарур бўлган миллий гоё, миллий мафкура ҳақида жиддий бош қотиришимиз керак.

Бешинчидан, миллий гоёнинг яна бир муҳим аҳамияти шундан иборатки, у миллатимизнинг, халқимизнинг ўзлигини англашига, ўзининг миллий қадриятларини, урф-одатларини йўқотмасдан, уларни тиклаб, авайлаб, эъзозлаб, янги, ўсиб келаётган авлодга етказиб бериш учун хизмат қилиши керак.

Олтинчидан, миллий гоё олдига қўйиладиган асосий талаблар ҳақида гапирмоқчи бўлсак, аввало унинг икки суянган тоғи - таянчи ҳақида фикр юритишимиз зарур.

Биринчи навбатда, миллий мафкурамиз халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, динига, руҳиятига, бир сўз билан айтганда, ўз миллий қадриятларимиз, халқимизнинг дунёқараши ва тафаккурига асосланиб, шу



билан бирга, замонавий, умумбашарий, умуминсоний ютуқлардан озиқланган, уларни ўзига қамраб олган ҳолда, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ манфаати, унинг фаровонлиги йўлида хизмат қилмоғи даркор.

Еттинчидан, миллий мафкура ҳеч қандай шаклда давлат мафкураси мақомига кўтарилмаслиги, айланмаслиги керак. Яна бир бор таъкидламоқчиман, бу масалага алоҳида эътибор қаратиш зарур. У жамиятимиздаги қарашлар ранг-баранглиги, гоёлар хилма-хиллигини сақлаган ҳолда, уларни бир-бири билан мунозара қилишига, курашишига, баҳслашувига, ҳар қандай партия, ҳаракат, ҳар қайси инсон, фуқаронинг ўз фикрини эркин ифода этиши ва уни ҳимоя қилишига зиён ёки таъйиқ кўрсатмаслиги лозим.<sup>15</sup>

Миллий истиқлол гоёси ва унинг тамойилларини ҳаётга татбиқ этиш йўлида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Миллий истиқлол гоёси: асосий тушунча ва тамойиллар"и фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисида"ги Фармойиши (2001йил 18 январь) алоҳида аҳамият касб этади. Натижада, "Миллий истиқлол гоёси: асосий тушунча ва тамойиллар"и бўйича ўқув дастурлари яратилди, таълим тизимининг барча босқичларида фан сифатида ўқитиш жорий қилинди ва ҳозиргача у давом этмоқда. Фан дастурлари, дарсликлар ҳаёт ўзгаришлари билан боғлиқ ҳолда доимий равишда янгиланиб, такомиллаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги "Миллий гоё тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги Фармони миллий гоёни ҳаётга татбиқ этишда алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Ташкил этилган "Миллий гоё ва мафкура илмий-амалий маркази" ва "Маънавият тарғибот марказ"лари томонидан миллий гоёнинг илмий ва амалий масалаларини ўрганишда ҳамда маънавий ишлар тарғиботини ташкил этишда кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Булар маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўлида эришган ва эришаётган ютуқларида миллий гоёнинг ишлаб чиқилгани ва унга таянилганлиги ўзига хос ва мос мустақил тараққи-

<sup>15</sup> Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. 8-ж.-Т.: Ўзбекистон, 2000. -Б. 464-467.

ёт йўлидан боришида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Чунки мустақилликнинг дастлабки йилларида Ислом Каримовнинг: "Бундан кейин биз ягона ҳукмрон бўлган коммунистик ғоя билан яшамаймиз. Ўзбекистоннинг ўз ғояси бўлади", деган амалий қарашлари мустақил тараққиёт йўлининг миллий ғоявий-мафкуравий асосларини белгилаб олишда туб ўзгаришлар даврини бошлаб берди ва у оқилона амалга оширилди. Шу жиҳатдан миллий ғоя нафақат мамлакатимиз аҳолиси томонидан, ютуқларимизнинг муҳим омили сифатида бутун дунёда эътироф этилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бугун мустақиллик йилларида эришилган улкан ўзгаришларда миллий ғоянинг мақсадлари, асосий тушунча ва тамойиллари билан боғлиқ бунёдкорликни кўриш мумкин. Миллий ғоя халқ ишонч ва эътиқодига сингиб бориши, фуқароларда уни англашга бўлган хоҳиш ва истакнинг ортishi билан, мамлакат аҳолиси қадрлайдиган ва қадриятга айланиб борадиган тушунча ва ғоялар мажмуи сифатида мустақил тараққиётимизга хизмат қилиб, унинг келажагини кафолатлайди. Эришилган ютуқларимиз, миллий ғоямизнинг дунё мамлакатлари томонидан эътироф этилаётгани, барқарор тараққиётимизнинг кафолати сифатида қабул қилинаётгани ҳар бир кишида фахр-ифтихор туйғусини уйғотади. Фуқароларимиз ўз ҳаётида маънавий-маърифий соҳага алоҳида эътибор бераётганлиги миллий ғоянинг ўзига хос эътирофи эканлигидан далолатдир.

#### **6.4. Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг ривожланиши**

Жамиятда аҳоли ҳуқуқий маданияти даражасининг юксаклиги — демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятининг муҳим шартларидан бири. Ўзбекистонда мустақилликнинг илк йилларидан мазкур масалага алоҳида эътибор қаратилди. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди.

Мамлакатимизнинг ривожланиши ва ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан аҳолининг ҳуқуқий онги ҳамда ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқ. Шахснинг сиёсий-

ҳуқуқий фаоллиги, унинг чинакам фуқаровий позицияси, демократик ислоҳотларга нисбатан дахлдорлик ҳисси давлатимиз ўз олдига қўйган буюк мақсадларга эришишининг муҳим омили ҳисобланади.

Ҳуқуқий маданият - умумий маданиятнинг ажралмас таркибий қисми. Жамиятда шундай ишонч қарор топиши керакки, ҳуқуқий билимларга эга бўлган ва уларни амалиётда татбиқ эта оладиган кишигина маданиятли ва билимли, деб ҳисобланиши мумкин.

Ҳуқуқий маданият фуқаролар томонидан амалдаги қонунчиликка юксак ҳурмат, уларга тўлиқ амал этиш, бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат билан муносабатда бўлишда ифодаланадиган ижтимоий маданиятнинг ўта муҳим шаклларида биридир. Ҳуқуқий давлат барпо этиш, биринчи навбатда, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришдан бошланади.

Мамлакатимизда мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди, бир қатор норматив ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 13 июнда қабул қилган "Ёшларнинг ҳуқуқий таълимини такомиллаштиришнинг комплекс дастури тўғрисида"ги қарори, 1997 йил 29 августда тасдиқланган "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури", Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 29 майдаги "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори, Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури", Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 25 июндаги "Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида"ги, 1997 йил 6 октябрдаги "Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида"ги Фармонлари, 2001 йил 4 январдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил



этиш тўғрисида"ги Фармойиши, Ўзбекистон Республикаси Вази­рлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 январдаги "Вояга ет­маганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомил­лаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори шулар жумласидан.

Ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтиришда ҳуқуқий тар­бия, ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарғибот тўғри йўлга қўйи­лиши ва самарали амалга оширилиши лозим. Ўзбекистонда бу масалага, айниқса, мустақиллик даврида эътибор кучай­тирилди. Ҳуқуқий маданиятни ривожлантиришда ҳуқуқий таълим ва тарбия ўрнининг юксаклигини эътиборга олган ҳолда ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясини самарали йўлга қўйиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди.

"Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дас­тури"да қайд этилишича, "Ҳуқуқий таълим узлуксиз бўлиб, ёшлиқдан бошлаб бериб борилиши лозим. Болалар мактабгача тарбия муассасаларидаёқ хулқ-атвор қоидаларидан хабардор бўлиши, маънавий ва баъзи ҳуқуқий нормалар тўғрисида бош­ланғич тушунчалар олиши, келгусида ўқув давомида бу би­лимлар кенгайтирилиши ва чуқурлаштирилиши, аниқ ифо­даланган ҳуқуқий хусусият касб этиши зарур".<sup>16</sup>

Ҳуқуқий давлатда қонун устуворлиги тамойилини ёшлар­нинг онгига сингдириб бориш муҳим аҳамиятга эга. Халқи­миз тилидаги "Ёшлиқда олинган билим - тошга ўйиб би­тилган нақш" ҳикмати бежиз айтилмаган. "Кўп йиллик ил­мий кузатиш ва тадқиқотлар шуни кўрсатадики, инсон ўз умри давомида оладиган барча информациянинг 70 фоизи­ни 5 ёшгача бўлган даврида олар экан. Боланинг онги асосан 5-7 ёшда шаклланишини инобатга оладиган бўлсак, айнан ана шу даврда унинг қалбида оиладаги муҳит таъсирида маъ­навиятнинг илк куртаклари намоён бўла бошлайди".<sup>17</sup> Буни ўз вақтида англаган мамлакатимиз раҳбари ёшларнинг ҳар томонлама етук, билимли ва доно бўлишига юксак даража­да эътибор қаратмоқда. Мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқий

<sup>16</sup> "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури". Ўзбеки­стон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997. 9-сон. 227-модда.

<sup>17</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч.- Т.: Маънавият. 2008. -Б. 53.

тарбияси учун етарли шарт-шароит, ташкилий-ҳуқуқий ва институционал механизмлар яратиб берилмоқда.

Ёшлар онгида ҳуқуққа оид илк қарашлар, тасаввурлар айнан оилада шаклланади. Оиладаги ҳуқуқий маданият даражаси фарзандлар ҳуқуқий онгининг шаклланишида дастлабки асос бўлади. Вояга етмаганларни ҳуқуқий тарбиялашда "оила - маҳалла - мактаб" концепциясига таянган ҳолда иш олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда вояга етмаган ёшларнинг ҳуқуқий тарбияси билан ҳар бир давлат ва нодавлат ташкилотлари шуғулланади. Чунки, ёшлар камолоти билан боғлиқ масалага барча бирдек масъулдир. Чунончи, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрдаги 360-сонли қарори вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни янги босқичга кўтаришга ҳамда мутасадди идораларнинг бу борадаги фаолияти самарадорлигини таъминлашга ҳуқуқий замин яратди. Вояга етмаганларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, улар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш мақсадида жойларда вояга етмаганлар билан ишлаш борасида 57 та замонавий марказ ташкил этилган.

Мамлакатимизда аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш билан боғлиқ фаолиятни мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан амалга оширилмоқда. Бундай ислохотлар мамлакатимиздаги ҳуқуқий модернизация жараёнларининг янада янги босқичга кўтарилишига, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш орқали ҳуқуқий жиҳатдан баркамол авлодни вояга етказишга самарали таъсир этади. Бу эса, ўз навбатида, умумдавлат миқёсида ҳуқуқий мезонлар асосида фаолият юритилишига, қонунийлик муҳитининг қарор топишига хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов таъбири билан айтганда, "Қонуннинг устуворлигини таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, фуқароларни қонунга бўйсунтириш ва ҳурмат руҳида тарбиялаш - бу ривожланган бозор иқтисодига асосланган чинакам демократик, ҳуқуқий дав-

лат ва эркин фуқаролик жамияти қуришнинг нафақат мақсади, балки унинг воситаси, энг муҳим шарти ҳисобланади".<sup>18</sup>

Мамлакатимизда ҳуқуқий тарбияни самарали ташкил этишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги Фармойиши муҳим манба бўлиб хизмат қилди. Унга асосан, Халқ таълими вазирлигининг мактабгача таълим муассасаларида "Конституция сабоқлари", умумий ўрта таълим муассасаларининг 1-4-синфларида "Конституция алифбоси", 5-7-синфларда "Конституция оламига саёҳат", 8-синфда "Давлат ва ҳуқуқ асослари", 9-синфда "Конституциявий ҳуқуқ асослари", 10-11-синфларда "Ҳуқуқшунослик" фанларини ўқитиш йўлга қўйилди. Мамлакатимизнинг барча олий ўқув юртларида "Давлат ва ҳуқуқ асослари" ва "Конституциявий ҳуқуқ" фанлари ўқув режасига киритилди, ҳуқуқшунослик соҳасига ихтисослашган олий ва ўрта махсус билим юртларида ҳуқуқшуносликнинг қирққа яқин йўналишлари бўйича ўқув машғулоти амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда аҳолининг ҳуқуқий тарбиясига оид механизм халқаро андозаларга, халқимизнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда бой маънавий меросимизга таянган ҳолда шакллантирилди.

Президентимизнинг 2013 йил 28 июндаги "Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори мамлакатда ўтказилаётган демократик ва ҳуқуқий ислоҳотлар, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва замонавий халқаро стандартларнинг юксак талабларига жавоб берадиган юқори малакали юридик кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди.

Мазкур Қарорга кўра, олий юридик таълим тизимида етакчи ўқув муассасаси сифатида фаолият юритиб келаётган Тошкент давлат юридик институти Тошкент давлат юридик университетига айлантилди. Шунингдек, давлат ҳуқуқи ва бошқаруви, жиноят ҳуқуқи ва процесси, фуқаролик ҳуқуқи ва процесси, тадбиркорлик ҳуқуқи (бизнес ҳуқуқи), халқаро,

---

<sup>18</sup> Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-ж. -Т.: Ўзбекистон, 2002. -Б. 28.



халқаро тижорат (хусусий) ҳуқуқи ва юридик таълимнинг бошқа устувор соҳалари бўйича талабаларнинг фундаментал базавий, шунингдек, амалий касбий тайёргарлигини таъминлайдиган дастур ва ўқув режалари асосида бакалаврлар, магистрлар тайёрлаш; давлат қурилиши ва бошқаруви, суд-ҳуқуқ тизимини модернизация қилиш, бозор ислоҳотларини чуқурлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини ривожлантиришнинг долзарб ҳуқуқий муаммолари бўйича комплекс илмий тадқиқотлар ўтказиш, ушбу соҳадаги халқаро тажрибани ўрганиш; талабаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқий, сиёсий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш бўйича самарали тизим яратиш, уларда ватанпарварлик, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш ва ривожлантириш қабилар университетнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари сифатида белгиланди.

Ўзбекистонда ҳуқуқий таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг қуйидаги босқичлари кузатилади:

Биринчи босқич (1991-1996). Маъмурий-буйруқбозлик тизими ва унинг мафкураси сингдирилган дастурлар, дарсликлар, тадқиқотлардан воз кечиш ишлари амалга оширилди, мустақиллик мафкураси, ҳуқуқий демократик давлат талабларига жавоб берувчи янги фан ва таълим тизими шакллантирилди. Бу босқичда сиёсий-ҳуқуқий, конституциявий, халқаро ҳуқуқ масалалари бўйича малакали мутахассислар тайёрлаш учун тегишли норматив-ҳуқуқий база, институционал тузилмалар яратилди.

Иккинчи босқич (1997-2000). 1997 йил 20 май куни республика ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар билан учрашувда Президент Ислон Каримов юридик фан ва таълим соҳасида фаолият кўрсатаётган кадрларнинг малакаси, онги ва тафаккури ҳақида алоҳида тўхталиб, жумладан қуйидагиларни таъкидлади: "Мамлакатимизда давлат қурилиши, сиёсат, иқтисодиёт, маънавият соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар ана шу эзгу мақсадни рўёбга чиқаришга қаратилган. Бу олий мақсадга эришишда халқнинг ҳуқуқий жиҳатдан билимли бўлиши, жамиятнинг сиёсий фаоллиги, демократик тамойилларнинг кишилар онгига теран сингиб бориши муҳим аҳамият касб этади. Бизнинг қонунларимиз одамлар онгида ана шу тушунчаларни

шаклантиришга хизмат қилиши даркор. Бу эса ҳуқуқ-тартибот идоралари, шу соҳа ўқув юртлари, ҳуқуқшунос олимлар олдида турган долзарб вазифадир".<sup>19</sup>

Учинчи босқич (2001-2004). Ушбу босқичда таълим жараёни ҳамда юридик амалиётни илмий жиҳатдан таъминлаши лозим бўлган ҳуқуқшунослик фанини замон талаблари асосида ташкил қилишга асосий эътибор қаратилди.

Мазкур босқичда юридик фан ва таълимни ривожлантиришнинг давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган устувор йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлди: ҳуқуқшунослик соҳасида кадрларни замон талабларига мос ҳолда тайёрлаш; малакали ҳуқуқшунос кадрларни тарбиялашда эскича услуб, тафаккур билан ёндашишдан воз кечиш; ўқув дастурларининг мазмунини ҳуқуқнинг янги устувор йўналишларини ўзида қамраб олишини таъминлаш; профессор-ўқитувчиларнинг ўқитиш услуби ва энг асосийси тафаккур тарзини янгича қараш ва ёндашувлар асосида ўзгартириш; ихтисослашган юридик адабиётларни, дарслик ва услубий қўлланмаларни нашр этиш; жойларда етарлича илмий салоҳияти бўлмагани ҳолда олий маълумот берувчи олий ўқув юртлари фаолиятини қайта кўриб чиқиш; Адлия вазирлиги ва юридик кадрлар тайёрлайдиган бошқа ўқув ва илмий марказлар томонидан юридик кадрлар тайёрлашга қўйилаётган талабларни қайта кўриб чиқилишини таъминлаш; Тошкент давлат юридик институтининг жиддий илмий база асосида ҳуқуқий тизимни ислоҳ қилиш билан боғлиқ дастурлар, қарорлар лойиҳалари тайёрланадиган илмий ва ташкилий марказга айланишига эришиш; Тошкент давлат юридик институтининг ҳуқуқшунослик фани илмий ва амалиётининг долзарб муаммоларига доир очиқ ва кенг баҳс-мунозаралар олиб бориладиган, ҳуқуқий тизимни такомиллаштириш, қонунлар тайёрлашнинг истиқболли дастурлари тайёрланадиган марказга айланишига эришиш.

Бу даврдаги белгилаб берилган ислохотларнинг ҳуқуқий базасини шаклантириш мақсадида 2003 йил 16 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Олий

---

<sup>19</sup> Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-ж. -Т.: Ўзбекистон, 1998. -Б. 25.

таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 20 февралдаги "Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони, Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 4 мартдаги "Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2003 йил 27 августдаги "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2004 йил 7 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг илмий ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2004 йил 20 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорлари қабул қилинди. 2004 йил 13 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида давлат ва жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ тизимининг қонунчилик асосларини ислоҳ қилиш бўйича кенгаш тузиш тўғрисида"ги Фармойиши қабул қилинди.

Тўртинчи босқич (2005-2009 йиллар). Бу босқичда мустақил ривожланиш йилларида тўпланган амалиётни таҳлил этиш ва умумлаштириш, ривожланган давлатларнинг юридик фан ва таълим бўйича тажрибаларини чуқур тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 мартда "Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш дастури тўғрисида"ги Қарори, 2005 йил 2 апрелда "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтини ташкил қилиш тўғрисида"ги Фармони, 2005 йил 18 октябрда "Ўзбекистон Республикасида юридик журналлар тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди.

Бешинчи босқич (2010 йилдан ҳозиргача). Бу босқич мантақан 2010 йил 12 ноябрдан бошланди. Шу кунга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлисида "Мамлакатимизда демократик ислоҳот-



ларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" кенг жамоатчиликка тақдим этилди. Концепцияда ҳуқуқий маданиятнинг замонавий шакли ҳисобланган инсон ҳуқуқлари маданиятини юксалтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Унга асосан "...Инсон ҳуқуқлари соҳасида миллий ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш долзарб аҳамиятга эга. Ушбу дастур, энг аввало, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш, жамиятда инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятни шакллантириш ва шу каби бошқа соҳаларга оид қонунларга риоя этилиши устидан жамоатчилик мониторингини олиб боришга қаратилган чора-тадбирларни ўзида мужассам этиши керак".<sup>20</sup>

#### **6.5. Мустақил Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортнинг ривожланиши**

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов давлат раҳбари сифатида ўз фаолиятини бошлаган дастлабки даврда, Иттифоқнинг спорт соҳасидаги марказлашган сиёсатидан ҳоли равишда, ўзбек спортини мустақил ва жадал ривожлантириш ҳаракатлари бошланди.

1990 йил 24 март куни Олий Кенгашнинг биринчи сессиясида Ислом Каримов "Бундан буён барча режаларимизда маданият, маърифат, жисмоний тарбия ва спорт биринчи даражали вазифалар қаторидан жой олиши лозим"<sup>21</sup>, деб таъкидлади.

Албатта, бу давр тарихини ўрганиш учун ўтган даврга ҳам назар ташлаб, ҳаққоний баҳо бериш керак бўлади. Ўрта Осиё худудида жисмоний тарбия ва спорт қадимдан ривожланиб келган ва улар асосан аҳолининг турмуш тарзи билан

---

<sup>20</sup> Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш - мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. 19-ж. -Т.: Ўзбекистон, 2011. -Б. 96-97.

<sup>21</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. - Т.: Маънавият, 2008. -Б. 79.

боғлиқ бўлган. Даствлабки жисмоний ҳаракатлар ва тайёргарлик ўзини, оиласини, Ватанини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлиб, улардан ҳарбий мудофаа мақсадида фойдаланилган. Маҳаллий аҳоли орасида ҳозирги кўринишдаги спорт турлари учрамаса-да, миллий байрам ва тўй-томошаларда эркаклар ўртасида ўзига хос мусобақалар ташкил этилган. Халқ миллий ўйинлари (кўпкари, улоқ, човгон, дорбозлик, кураш) бугунги кунга асл ҳолича етиб келди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, ўзбек халқи миллий давлатчилиги ва маданияти тарихида янги давр бошланди. Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб иқтисодий, сиёсий, маданий соҳаларда туб ислохотлар амалга оширилди. Натижада, маънавий-маърифий фаолиятимиз, маданиятимиз асоси бўлган миллий қадриятларни тиклаш, таълим, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида янги йўналишлар юзага келди.

Аҳолининг саломатлигини яхшилаш, ўқувчи ёшлар ва талабаларнинг жисмоний баркамоллигини таъминлаш, иқтидорли спортчиларнинг маҳоратини давр талаби ва халқаро андозалар асосида такомиллаштириб бориш, шунингдек, зиёлиларнинг иш қобилияти ва меҳнат унумдорлигини ошириш, энг муҳими, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, соғлом авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор берилди.

Республикада спорт соҳасини ривожлантиришга йўналтирилган дастурларнинг бош мақсади - аҳоли барча қатламларининг жисмоний тарбияга қизиқишини ошириш ва зарур шарт-шароитлар яратиш, деб белгиланди. Жисмоний тарбия ва спортнинг ижтимоий-тарбиявий хусусияти шундаки, у инсон саломатлигини мустаҳкамлаш, ёш авлоднинг жисмоний баркамоллиги ҳамда спорт маҳоратини оширишнинг муҳим омили ҳисобланади. Унинг тарихий хусусияти эса таълим-тарбия ва ижтимоий турмушдаги афзалликларни янада такомиллаштиришга хизмат қилувчи муҳим жараён эканлигида. 1-босқичда, 1991-2001 йилларда жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантиришга қаратилган тегишли қонунлар, Президент Фармонлари ва Вазирлар Маҳка-

масининг қарорлари қабул қилинди.<sup>22</sup> Уларда жисмоний тарбия ва спортнинг ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий асослари белгиланиб, спорт турларини ривожлантириш чора-тадбирлари кўрсатиб берилди. Чунончи, жисмоний тарбия ва спортни бошқаришнинг ташкилий асослари такомиллаштирилди. Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси ҳамда спорт турлари бўйича федерациялар ташкил этилди, жисмоний тарбия-соғломлаштириш, оммавий спорт, миллий спорт турлари ва ўйинлари ривожлантирилди. Республикамизда МДХга аъзо давлатлар ичида биринчилардан бўлиб, 1992 йил 14 январда Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди. 1999 йил 27 майда Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди. Унда жойларда аҳоли саломатлигини яхшилаш мақсадида спорт-соғломлаштириш клублари ташкил этиш, уларнинг фаолиятига спортнинг оммавий, миллий турлари ва халқ ўйинларини кенг жорий этиш белгиланди.

Шу йилларда оммавий спорт турларини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилди бошланди. Хусусан, 1992 йилдан миллий кураш бўйича жаҳон чемпионатлари, 1994 йилдан теннис бўйича "Президент кубоги" халқаро турнири, 1996 йилдан "Тошкент Опен" халқаро аёллар турнири, шунингдек, Фарғона, Самарқанд, Гулистон, Бухоро, Қарши шаҳарларида "Челенжер", "Фьючерс" ва "Сателлит" каби халқаро турнирлар ўтказила бошланди. Бундан ташқари, бокс бўйича Осиё чемпионати (1996) ва кураш, бокс, шарқ яккакурашлари бўйича расмий мусобақалар, халқаро турнирлар Тошкент, Бухоро, Қарши, Термиз ва бошқа шаҳарларда

---

<sup>22</sup> Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги Қонуни; Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори; Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида"ги Фармони; Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Халқаро кураш" ассоциациясини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони; Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги Қонуни.



Ўтказилди, уларда дунё мамлакатларининг нуфузли спортчилари иштирок этди. Бу, ўз навбатида, ушбу спорт турларига бўлган қизиқувчилар сонининг ошиши, оммавийлигининг ўсишига сабаб бўлди.

Ўзбекистон мустақил давлат сифатида халқаро спорт ҳамжамиятига аъзо бўлиб кириш мақсадида 1992 йил 21 январда Миллий Олимпия қўмитаси (МОҚ)ни ташкил этди. Халқаро Олимпия қўмитаси (ХОҚ) хартияси асосида ва жаҳон спорт ҳаракатининг илғор тажрибаларига таянган ҳолда МОҚ Низоми ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

Олимпия ўйинларида мустақил равишда қатнашиш осон бўлмади. 1992 йили Барселонада (Испания) ўтказилган Олимпия ўйинларида республикамиз мустақил бўлганига қарамасдан, ҳали ХОҚ таркибига расмий равишда аъзо бўлмаганлиги сабабли Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) терма жамоаси таркибида иштирок этишга мажбур бўлди. Бу ўйинларда юртимиз вакиллари спорт тарихида илк бор 17 кишидан иборат жамоа билан қатнашди. Кам сонли бўлишига қарамасдан, спортчиларимиз Ватанимизга 3 та олтин, 2 та кумуш ва 1 та бронза медалларини олиб келишга муваффақ бўлдилар (О.Чусовитина, Р.Галиева - спорт гимнастикаси, М. Шмонина - енгил атлетика, А. Асрабоев - мультқдан ўқ отиш, С. Сирцов - оғир атлетика, В. Захаревич - қиличбозлик).

1993 йилда ХОҚнинг 101-сессиясида Ўзбекистон ХОҚ аъзоси сифатида тан олинди, халқаро спорт ҳамжамиятининг тўлақонли субъектига айланди. Бу мамлакатимизга ўз жамоа ва спортчилари билан барча халқаро мусобақаларда, Олимпия ва Осиё ўйинларида мустақил равишда қатнаша олиш имконини берди. Бу спорт оламида энг муҳим ва оламшумул воқеа бўлди.

1993 йилдан буён Ўзбекистон МОҚ таркибида ташкил этилган Олимпия Академияси олимпия ҳаракати, голяри, жисмоний тарбия ва спорт назарияси ҳамда амалиётини ўрганиш ва уларни тарғибот қилишга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистоннинг халқаро спорт тарихидаги энг муҳим воқеа - 1994 йил февралда XVII қишки Олимпия ўйинларида республикамиз спортчилари мустақил равишда биринчи маротаба қатнашишлари билан бошланди. Унда чанғида акробатик сакраш бўйича ҳамюртимиз Л. Черязова яна бир

бор ўз маҳоратини намоиш этди ва олтин медаль соҳиби бўлиб, Ўзбекистон байроғини баланд кутариш ва республика мадҳиясининг янграшига эришди.

1994 йил 2-15 октябрда Япониянинг Хиросима шаҳрида XII Осиё ўйинлари бўлиб ўтди. Унда илк бор Ўзбекистон спортчилари ҳам иштирок этди, футбол бўйича мамлакатимиз терма жамоаси финал учрашувида хитойлик футболчилар устидан голиб келди. Республикамиз спортчилари ушбу ўйинларда жами 40 та медални (10 та олтин, 11 та кумуш, 19 та бронза) қўлга киритди.

1995 йил 3-8 сентябрда Тошкентда Марказий Осиё республикаларининг ўйинлари ўтказилди. Тантанали очилиш маросимида ХОҚ Президенти Х.А. Самаранч табрик сўзи билан қатнашди.

1994-2001 йилларда Республика Президенти кубоги учун теннис бўйича халқаро турнирлар, бокс бўйича Осиё чемпионати (1996 йил сентябрь), кураш, бокс, шарқ яккакурашлари бўйича расмий мусобақалар бўлиб ўтди. Айниқса, теннис бўйича "Президент кубоги" халқаро турнирида Марат Сафин, Евгений Кафельников, Тим Хенман, Карлос Моя каби таниқли теннис юлдузларининг иштирок этиши ушбу мусобақа нуфузини янада оширди. Халқаро теннис федерацияси бу турнирни "Йилнинг энг аъло турнири", деб эътироф этди.

Мамлакатимизнинг халқаро спорт ташкилотлари билан амалий алоқаларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ҳиссаси катта бўлди. ХОҚ Президенти Х.А. Самаранч Ўзбекистоннинг олимпия ҳаракатига қўшаётган улкан ҳиссасини юқори баҳолаб, Халқаро Олимпия Қўмитасининг бош штаби Лозаннада (Швейцария) Ислом Каримовга "Олимпия олтин ордени"ни тантанали равишда топширди.

1996 йил августда Тошкентда "Олимпия шон-шухрати" музейи очилди. Унда мамлакатимиз спорт тарихи, Олимпия ҳаракати, спортчилар эришган ютуқлар ўз ифодасини топди. ХОҚнинг Президентимиз Ислом Каримовга топширган "Олимпия олтин ордени", Осиё Олимпия кенгашининг "Олтин ордени", бешта қитъа рамзи бўлган олтин занжир ва кумуш пластина, Халқаро ҳаваскорлар кураш федерациясининг "Олтин маржони" ҳамда кўплаб спортчиларнинг голиблик нишонлари музей экспонатлари қаторидан ўрин олди.

1996 йилда XXVI ёзги Олимпия ўйинларида (Атланта, АҚШ) Ўзбекистон спортчилари мустақил жамоа сифатида илк бор қатнашди. Унда 76 нафар спортчи иштирок этиб, 13 спорт тури бўйича беллашувларда қатнашдилар. Ўзбекистон медаллар сони бўйича 197 мамлакат ичида 58-ўринни эгаллади. А. Багдасаров дзюдо бўйича кумуш медалга, К. Тулаганов бокс бўйича бронза медалига сазовор бўлди. Бошқа спорт турларида ҳам спортчиларимиз яхши натижаларга эришиб, кучли ўнликдан жой олишга муваффақ бўлишди. Ушбу Олимпия ўйинларида голибликни қўлга киритган спортчи ва мураббийлар Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг Фармониға кўра орден ва медаллар билан тақдирланди.

1998 йил XIII Осиё ўйинларида (Бангкок) республикаимиз спортчилари 21 тур бўйича беллашишди, умумий ҳисобда 10-ўринни эгалладилар. В. Шин бошчилигидаги боксчилар жамоаси аъзолари: М. Абдуллаев, С. Михайлов, Р. Чагаев Осиё ўйинлари чемпиони бўлишди. Сув спорти турларида жамоаларимиз 2-3-ўринларни эгаллади. Енгил атлетикачиларимиз 6 та олтин, 2 та кумуш, 12 та бронза медалини қўлга киритишди.

1999 йил Тошкентда бокс бўйича Осиё чемпионати бўлиб ўтди. Унда Д. Йўлдошев, А. Раҳимов, Т. Турғунов, С. Михайлов, Р. Чагаев, Р. Саидовлар олтин медалга сазовор бўлишди. Шу йил Хьюстонда бокс бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Ў. Ҳайдаров ва М. Абдуллаевлар жаҳон чемпиони унвониға сазовор бўлдилар.

Мустақиллик йилларида Л. Черязова (фрестайл), А. Таймазов (эркин кураш), О. Чусовитина (спорт гимнастикаси), А. Багдасаров (дзюдо), Р. Қосимжонов (шахмат), А. Ряхов (байдаркада сузиш) каби кўплаб спортчилар жаҳон чемпионатларида муваффақиятли қатнашиб, давлатимиз спорти шарафини дунёға тараннум этдилар.

Сидней (Австралия) шаҳрида XXVII Олимпия ўйинлари 2000 йил 15 сентябрдан 1 октябргача давом этди. Бунда Ўзбекистондан 77 нафар спортчи спортнинг 13 тури бўйича қатнашди. Умумий медаллар сони бўйича Ўзбекистон 41-ўринни, Осиё минтақасидаги давлатлар орасида эса 7-ўринни эгаллади. Бокс бўйича спортчилар гоят қаттиқ кураш олиб боришди. Муҳаммадқодир Абдуллаевға олтин медал, эркин курашчи Артур Таймазовға кумуш медал насиб этди.



Боксчилар Сергей Михайлов ва Рустам Саидов бронза медаллари соҳиби бўлдилар.

1998 йили "Алпомиш" дostonининг 1000 йиллигига бағишлаб Термизда "Алпомиш ўйинлари" республика фестивали бўлиб ўтди. 2000 йилдаги фестиваль Фарғона шаҳрида, учинчи фестиваль эса Гулистон шаҳрида 2002 йилда ташкил этилди. Халқ миллий ўйинлари республика мусобақалари ва "Алпомиш ўйинлари" дастурларидан кураш, пойга, кўпкари (улоқ), "Бўрон", арқон тортиш, биллак кучини синаш, "Минди", "Қирқ тош" (қизлар ўйини) каби ҳаракатли ўйинлар ўрин олди.

Ушбу миллий ўйинлар фестивалларини ўтказишдан мақсад қадимий анъана ва урф-одатларимизни асраш, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган миллий тадбирларни тиклаш, келажак авлод учун уларни асл ҳолида етказиб беришдан иборат.

Иккинчи босқич 2002-2014 йилларни ўз ичига олиб, бу давр юқоридаги амалий ишларни узвий ва мантиқий давом сифатида жисмоний тарбия ва спортнинг изчил ривожланиш даври бўлди. Бу даврда давлатимиз раҳбари томонидан миллий спорт турлари, профессионал ва оммавий спорт, аёллар ва болалар спорти, халқ миллий ўйинларини ривожлантириш учун махсус қарорлар қабул қилиниб, чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

2002 йил 24 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди. Болалар жисмоний тарбия ва спортини ривожлантириш борасида давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ўсиб келаётган ёш авлодни жисмоний камолотга интиштириш, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, қишлоқ жойларда спортнинг моддий-техник базасини шакллантириш, замонавий спорт мажмуаларини барпо этиш, тиббиёт муассасалари ва ташкилотлари билан ҳамкорликда иш олиб бориш жамғарманинг асосий вазифаси деб белгиланди.

Мустақиллик йилларида республикамизнинг барча вилоят, шаҳар ва туманларида спортни оммалаштириш ва ривожлантириш мақсадида спорт иншоотлари қурилиши жадаллашди. Республикада бугунги кунда 51198 та спорт ин-

шоотлари оммавий спорт ҳамда болалар спорти ривожланишига хизмат қилмоқда.

Ўқувчи ва талаба ёшларнинг "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", "Универсиада" спорт мусобақаларини уч босқичда ўтказиш анъана тусини олди.

2000 йилда Наманганда ўтказилган биринчи универсиада қатнашчиларига йўллаган табригида Ислом Каримов қўйидагиларни изҳор этди: "Спорт нафақат жисмоний, балки маънавий камолотга эришишда ҳам муҳим омилдир. У иродани тоблайти, аниқ мақсад сари интилиш, қийинчиликларни чидам ва бардош билан енгишга ўргатади. Инсон қалбида галабага ишонч, ғурур ва ифтихор туйғуларини тарбиялайди. Соғлом, билимли ва фидойи фарзандлари бўлган халқ, албатта, ўзининг буюк келажагини барпо этади"<sup>23</sup>.

Дастлабки "Баркамол авлод" спорт мусобақасининг финал қисми 2001 йилда Жиззах шаҳрида, 2003 йилда Андижонда, 2005 йилда Тошкент вилоятида, 2008 йилда Нукус, 2011 йилда Сурхондарё, 2014 йилда Наманганда ўтказилиб, бўлажак касб-ҳунар эгаларининг жисмоний баркамоллиги синовдан ўтказилди.

Ўтган йиллар давомида ушбу мусобақалар кўплаб иқтидорли спортчиларни кашф этди, улар кейинчалик халқаро беллашувларда иштирок этиб, мамлакатимиз шарафини улуғладилар.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида республика миқёсидаги 14577 та жисмоний жамоаларда 5,5 млн. киши жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланган бўлса, 2012 йилга келиб жисмоний жамоалар сони 16 425 та, шуғулланувчилар сони 7,2 млн. нафарга етди.

Мустақиллик йилларида Президент ва ҳукумат томонидан хотин-қизлар саломатлиги, уларнинг ижтимоий-моддий жиҳатдан таъминланиши ва доимий равишда тиббий хизмат кўрсатишни яхши йўлга қўйиш каби масалалар борасида олиб борилаётган ибратли тадбирлар ҳам эътиборга молик. Хотин-қизлар спортини ривожлантириш, улар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида

---

<sup>23</sup> И.А. Каримовнинг Универсиада қатнашчиларига табрикомаси // "Халқ сўзи" газетаси, 2000 йил 28 май.

ҳукуматимиз томонидан қарор, фармойишлар қабул қилинди, чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.<sup>24</sup>

Бугунги кунда ижтимоий турмуш ва маданий ҳаётда аёлларнинг ўрни беқиёс ва катта аҳамият касб этмоқда. Ҳар йили хотин-қизларнинг 8 Март байрамига бағишлаб вазирлик ва ташкилотлар ўртасида аёллар спорти ўн кунлигини ўтказиш яхши анъанага айланди. Мазкур мусобақаларда стол тенниси, бадминтон, шахмат, шашка, бадий гимнастика ва енгил атлетика бўйича 1 миллиондан ошиқ хотин-қизлар фаол иштирок этмоқда<sup>25</sup>.

2004 йилда Республика хотин-қизлар қўмитаси ва Миллий Олимпия қўмитасининг ташаббуси билан "Аёл ва спорт" комиссияси иш бошлади. Комиссия хорижий мамлакатлар билан ҳам ҳамкорликни йўлга қўйиб, айнан мазкур йўналишда фаолият юритаётган Буюк Британия, Янги Зеландия, Чехия, Финляндия, Австрия, Қатар, Хитой, Мўғилистон, Украина, Белорус каби давлатлар билан доимий ҳамкорликни йўлга қўйган.

2004-2005 йилларда бадий гимнастика тарихида илк бор мамлакатимизда "Шарқ гўзали", 2011-2012 йилда "Бахт карвони" каби жаҳон кубоги мусобақалари юксак даражада ўтказилди. Бунда дунёнинг энг кучли спортчилари, Олимпия ва жаҳон чемпионлари иштирок этди. 1998 йилдан буён синхрон сузиш бўйича "Сув париси" халқаро мусобақалари юқори савияда ўтказиб келинмоқда. Айнан шу нуфузли мусобақалар мамлакатимиз ёшларининг бу нафис спорт турига бўлган қизиқиши ортишига, унинг аҳоли ўртасида оммавийлашувига сабаб бўлмоқда.

Оксана Чусовитина (спорт гимнастикаси), Ирода Тулаганова, Оқгул Омонмуродова (теннис), Саида Бурхонхўжаева (стол тенниси), Зарина Муҳитдинова, Ульяна Трофимова,

---

<sup>24</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони; Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қишлоқ жойлардаги болалар спорти объектларида банд бўлган аёл спорт устозлари меҳнатини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, Қарори. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Бадий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган республика олимпия заҳира спорт мактабини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарори.

<sup>25</sup> Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитасининг 1999-2011-йиллардаги ҳисоботидан.



Замирахон Санақулова (бадий гимнастика), Екатерина Хилько (трамплин), Юлдуз Ҳамроқулова (шахмат), Гузал Хуббиева, Светлана Радзивиллар (енгил атлетика) жаҳон спорти юлдузларига айланишди. Спорт мактаблари ва турли жамоаларда маҳаллий миллат қизларининг иштироки кенгайиб бормоқда. Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчи хотин-қизлар сони 1996 йилда 1180 кишини ташкил қилган бўлса, 2012 йилга келиб уларнинг сони 3 237 169 га етди.<sup>26</sup>

2006 йилда хотин-қизлар спортини ривожлантириш, республикамизнинг барча вилоятлари учун олий маълумотли аёл кадрлар сонини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан ЎзДЖТИда хотин-қизлар учун қўшимча 221 ўрин ташкил қилиниб, улар (91 давлат гранти, 130 шартнома асосида) вилоятлар бўйича тақсимлаб берилди<sup>27</sup>. Бундан ташқари, қишлоқ жойлардаги хотин-қиз мураббийлар меҳнатини рағбатлантириш мақсадида қабул қилинган қарор ҳам аёл мураббийлар фаолигини ошириш, улар сонининг ўсишига сабаб бўлди.<sup>28</sup> Бугунги кунда қишлоқ жойларда 2 553 309 нафар хотин-қиз мунтазам равишда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланмоқда.<sup>29</sup> Республика Халқ таълими вазирлиги ҳузурида "Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси" фаолият кўрсатиб келмоқда. Унинг ташкилий ва бошқарув фаолиятига Республика Президенти Ислом Каримов бевосита раҳнамолик қилмоқда. Шу боис, вилоятлар, шаҳар, туманлардаги халқ таълими бошқармалари, бўлимлари таркибида мазкур жамғарманинг филиаллари иш олиб бормоқда.

2003 йил Пусанда (Корея) ўтказилган XIV Осиё ўйинларида спортчиларимиз катта ғалабага эришганларини алоҳида таъкидлаш зарур. Улар 51 медални қўлга киритиб, 5-ўринни эгаллашди. Бу - Осиё ўйинларида кўрсатилган энг яхши натижа бўлди.

2004 йил Афинада (Греция) ўтказилган XXVIII Олимпия ўйинларида мамлакатимиз спортчилари муносиб ишти-

<sup>26</sup> Ўзбекистон Давлат статистика қўмитасининг 1996 йил ва 2011 йил 1ФИС ахборотномасидан.

<sup>27</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта таълим вазирлигининг 2006 йил 27 июлдаги 138-сонли буйруғи.

<sup>28</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қишлоқ жойлардаги болалар спорти объектларида банд бўлган аёл спорт устозлари меҳнатини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори.

<sup>29</sup> Ўзбекистон Давлат статистика қўмитасининг 1ФИС ахборотномасидан.

рок этиб, А. Докторашвили олтин (юнон-рум кураши), А. Таймазов олтин (эркин кураш), М. Ибрагимов бронза (эркин кураш), Б. Султонов кумуш (бокс), Ў. Ҳайдаров бронза (бокс) медалларига сазовор бўлишди.

2006 йилда мамлакатимиз терма жамоаси Дохада (Қатар) XV Осиё ўйинларида қатнашиб, умумжамоа ҳисобида 7-ўринни эгаллади.

2008 йил Пекинда ўтказилган XXIX ёзги Олимпия ўйинларида 205 давлатдан 10500 спортчи қатнашди. Мамлакатимиз шарафини 15 спорт тури бўйича 58 нафар спортчи ҳимоя қилиб, умумжамоа ҳисобида 40-ўринни эгалладилар. Артур Таймазов икки карра Олимпия чемпиони унвонига сазовор бўлиб, олтин медални қўлга киритди. Унинг жамоадоши Сослан Тигиев - кумуш, Ришод Собиров - бронза (дзюдо), Антон Фокин - бронза (спорт гимнастикаси), Екатерина Хилько - бронза (трамполин) медали соҳиблари бўлдилар.

2010 йили Гуанжоуда (Хитой) ўтказилган XVI Осиё ўйинларида ҳам спортчиларимиз муваффақиятли қатнашиб, умумжамоа ҳисобида 8-ўринни эгаллади, жами 56 та (11та олтин, 22 та кумуш ва 23 та бронза) медаль қўлга киритилди.

Сунгги ёзги Олимпиада 2012 йилнинг июль ойида Буюк Британиянинг Лондон шаҳрида бўлиб ўтди. Унда эркин курашчи Артур Таймазов уч карра Олимпия чемпиони унвонига сазовор бўлди.

2013 йили ўзбек шахматининг ёш вакиллари Баҳора Абдусатторова 14 ёшгача бўлган жаҳон чемпионатида иккинчи ўринни, 5 ёшли Исломбек Синдаров ва 8 ёшли Нодирбек Абдусатторов Осиё чемпионлари бўлишди.

Хулоса қилиб айтганда, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда жисмоний маданият ва спорт ишларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Мазкур ишларни амалга ошириш учун етарли даражада ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, улар асосида спортни ривожлантириш, халқаро мусобақаларда қатнашиш билан бирга, миллий спорт турларини тарғиб қилиш фаоллашди. Юқорида айтиб ўтилган қарор ва фармонларнинг амалда бажарилиши натижасида спорт давлат сиёсатининг муҳим йўналиши эканлигини, унинг тобора юксалиб бораётган ўрнини юртимизда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, инсонларнинг ёши, жинси, миллатидан қатъи назар, спортга жалб этиш, спортдаги эришилган ютуқлар миллий гурурнинг ошишига хизмат қилаётганини кўришимиз мумкин.

Истиқлол йилларида халқимизнинг миллий ва маданий мероси, маънавий қадрият ва анъаналари қайта тикланиши ҳамда уларни ривожланиши учун ҳам кўплаб ишлар амалга оширилди. Жамиятни маънавий поклантириш, миллий маданиятларнинг ўзаро уйғун ривожланишига, халқимизнинг анъана, урф-одат ва қадриятлари, маросимларини тиклашга алоҳида эътибор бера бошланди. Шу тариқа халқимизнинг кўп асрлик тарихи билан чамбарчас боғлиқ бўлган урф-одат ва анъаналари, миллий байрамлари қайта тикланди. Бугунги кунда ижтимоий ҳаётда юз бераётган туб ўзгаришлар халқимизда ўзлигини англашдан иборат миллий туйғуни, ўз миллий тараққиётидан манфаатдорлик ҳиссини кучайтирмоқда. Бу эса халқимизнинг миллий қадриятлари, маданий ва маънавий бойлигини қайта мушоҳада этишни, уларнинг моҳиятини янада чуқур англашни тақозо этмоқда.

Мустақиллик йилларида фикрлар хилма-хиллиги ва қарашлар ранг-баранглиги ривожи, мафкуравий плюрализм қарор топиши учун барча ҳуқуқий асослар яратилди. Президентимиз Ислом Каримов томонидан асослаб берилган гоя - юртимизда озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишга хизмат қиладиган яхлит ва изчил таълимотни ёшлар қалби ва онгига сингдириш каби вазифаларни ўз ичига олган "Миллий истиқлол гояси: асосий тушунча ва тамойиллар" концепцияси ишлаб чиқилди. Шунингдек, "Миллий истиқлол гояси: асосий тушунча ва тамойиллар" фани бўйича таълим дастурлари яратиш ва республика таълим тизимида жорий этиш тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойиши қабул қилинди. Ёшларимиз бугун "Мафкуравий бўшлиқ", "Мафкуравий таъсир", "Мафкуравий тарбия", "Мафкуравий профилактика", "Мафкуравий иммунитет" каби тушунчалар моҳиятини яхши идрок этмоқдалар.



## **ҮII боб. Ўзбекистон Республикаси ва жаҳон ҳамжамияти**

### **7.1. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий принциплари**

Мустақиллик даврида мамлакатимиз ва жаҳон ҳамжамияти ўртасидаги муносабатлар мазмунан янги сифат даражасига кўтарилди. Дунё харитасида янги суверен давлат - Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди. Миллий истиқлолни қўлга киритган Ўзбекистон жаҳон аренасида халқаро муносабатларнинг ўз овозига эга бўлган тенг ҳуқуқли субъекти сифатида намоён бўла бошлади.

Мустақил Ўзбекистон олдида ўта мураккаб синов - мамлакат ичкарасида амалга оширилаётган ислохотлар, янгилаш жараёнлари учун қўлай ташқи шароитлар яратиш, халқ тинчлиги, мамлакат хавфсизлиги ва иқтисодий барқарорлигини ташқи таҳдидлардан ҳимоя қилиш, турли таҳликали вазиятларни бошидан кечираётган жаҳон ҳамжамиятига халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари асосида қўшилиш, кучли рақобатга бардош бериб, унда муносиб ўрин эгаллаш каби қатор вазифалар турарди. Мамлакат мустақиллигини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш машаққатли вазифаларни қанчалик муваффақиятли адо этишга боғлиқ эди.

Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилинган ва уни мустаҳкамлаш йўлида илк қадамлар қўйилган тарихий давр - XX асрнинг сўнги ўн йиллигида дунёда туб ўзгаришлар юз берди. Турли қарама-қаршилиқлар авж олиб, халқаро вазият алғов-далғов ҳолатига келиб қолди. 1991 йил 19-21 августда Москвага қўшин киритилиб, СССР ҳудудида Фавқулодда ҳолат давлат комитети (ГКЧП) тузилиши, республикаларнинг мустақилликни қўлга киритишига йўл қўймасликка уриниш, собиқ Иттифоқ таркибига кирган қатор республикаларда миллатлараро қарама-қаршилиқларни ташкил этиш, уларнинг сиёсий, иқтисодий барқарорлигига путур етказишга

уриниш ҳолатлари империя кучларининг ўз мақсадлари йўлида ҳар нарсага тайёр эканлигидан далолат бериб турарди.<sup>1</sup>

Табиийки, Ўзбекистоннинг бой табиий заҳиралари, муҳим географик жойлашуви, буюк мероси, бағрикенг, танги ҳамда заҳматкаш халқи, мамлакатнинг бошқа қатор ўзига хос жиҳатлари ҳам жаҳон ҳамжамиятида катта қизиқиш уйғотар, айрим ғаразли кучларнинг "иштаҳасини" кўзғотар эди. Мамлакатимиз теварак атрофида унга гўёки "беғараз ёрдам" қўлини чўзаётган, нима қилса "тўғрию", нима қилса "нотўғри" бўлишини четдан туриб "ургатишга", "йўриқномалар" бериб туришга ҳаракат қилаётган давлатлар йўқ эмасди.

Бу даврда қўшни мамлакатлардаги ижтимоий-иқтисодий танглик, сиёсий бошбошдоқлик, айниқса, айрим давлат бошқарув органларининг "фалажлик" ҳолатига тушиб қолиши Ўзбекистоннинг тинчлигига раҳна солувчи ички ва ташқи кучларга қулай шароит яратди. Буларнинг ҳаммасини таҳлил қилган хорижий шарҳловчилар Болқон ярим оролида юз бераётган фожиаларнинг Марказий Осиёда такрорланиши ёки Афғонистон можароси минтақани ўз домига тортиб олишини "башорат" қиларди. Бу ҳудуднинг "болқонлашуви" ёки "афғонлашуви" ҳақида турли сиёсий шарҳлар тайёрлаб қўйилган эди.

Ана шундай шароитда Ўзбекистонни турли таҳдидлардан асраб қолишда, унинг дунё ҳамжамиятида обрў-эътибор топишида, нуфузи ортиб, мавқеи мустақамланиб боришида, энг аввало, мамлакат раҳбарининг хизматлари беқиёс бўлди. Мустақилликнинг илк йилларида ва ундан кейин ҳам Ўзбекистон жуда катта синовларга дуч келди, мамлакат атрофида турли мураккаб вазиятлар, қуроли можаролар, фожиавий воқеалар тўхтовсиз юз бериб турган бир пайтда давлат ва жамиятни тараққиётга етаклаш, халқнинг тинчлиги ва барқарорлигини таъминлаш мамлакат раҳбаридан ўта донолик, мислсиз шижоат ва метин иродани талаб этарди. Президент Ислам Каримов Ўзбекистон аҳолисини ана шундай синовлардан, бўҳрон ва ларзалардан эсон-омон олиб

<sup>1</sup> Karimov I.A. O'zbekiston mustaqillikka erishish ostonasida. - T.: O'zbekiston, 2011. - B. 432.

чиқиш шарафига муяссар бўлди. Бу жиҳатдан олиб қараганда, Юртбошимиз нисбатан қисқа вақт ичида ўта масъулиятли тарихий вазифани адо эта олди.

Президент Ислом Каримов 1992 йили чоп этилган "Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йули" номи асарида "Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига мос келадиган, кўп томонлама фаол ташқи сиёсатни амалга ошириш - давлатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодий қийинчиликларни бартараф этиш ва халқ турмушини яхшилашнинг зарур шарти ва ғоят муҳим воситасидир"<sup>2</sup>, деб таъкидлади. Мамлакат раҳбари уч минг йилдан ортиқ тарихий давлатчиликка эга бўлган ўзбек халқининг дунё аренасида яна қад ростлашига эришиш учун ҳар томонлама ўйланган, фаол ва дадил, вазмин ва прагматик характерга эга бўлган ташқи сиёсат стратегиясини мустақилликнинг дастлабки давриданоқ шакллантира олди. Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти ўртасидаги муносабатларнинг барча жабҳаларини ўзида мужассам этган яхлит давлат сиёсати амалга тадбиқ этилди.

#### **Халқаро сиёсат ва хавфсизлик соҳасидаги муносабатлар**

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, бирон мустақил давлатнинг жаҳон сиёсат майдонидаги ўрнини биров четдан келиб, тайёрлаб бермайди. Давлат бу йўлда хорижий ҳамкорлар томонидан кўрсатиладиган дўстона муносабат, қўллаб-қувватлаш билан бирга, жиддий муаммоларга, кутилмаган вазиятлар, шунингдек, баъзи халқаро кучлар томонидан билдириляётган ишончсизлик, очиқдан-очиқ тазйиқ ўтказишга уриниш ҳолатларига доимо тайёр туриши керак. Бу фикримизга мустақил Ўзбекистон тарихи мисол бўла олади.

Ҳар бир давлат ва унинг раҳбари, аввало, ўз халқи кучига ишониб, беминнат ташқи ҳамкорликка таянган ҳолда, Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлигини таъминлашга, мамлакатни турли қалтис вазиятлардан талофатсиз олиб чиқишга эришмоғи даркор. Ҳозирги кунда Ер юзи-

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йули. -Т.: Ўзбекистон, 1992. -Б. 24.



да 3,5 мингдан ортиқ миллат ва элатлар яшаб туриб, улардан фақат 200 га яқинигина ўз давлатчилигига эга эканлиги - бундай вазифа нақадар мураккаб ва уни амалга ошириш қатъиятли, энг собитқадам халқ учунгина муносиб бўлишини тасаввур қилиш қийин эмас.

Ўзбекистон раҳбари қатъий ирода ва вазминлик билан мамлакат ҳамда унинг теварак атрофидаги реал вазиятни инобатга олиб, узоқ келажакни олдиндан кўра билгани ҳолда, ташқи сиёсатнинг асосий тамойилларини ишлаб чиқди. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига давлат ташқи сиёсатининг бош тамойилларини ўзида аниқ ва очиқ-ойдин ифода этган алоҳида боб киритилди. Қомуснинг "Ташқи сиёсат" деб номланган боби "Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади", дея баён этилди. У 17-моддада "Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин"<sup>3</sup>, деган қоида муҳрлаб қўйилди. Ташқи алоқаларнинг қонуний асосини яратиш жараёни билан бир пайтда хорижий мамлакатлар билан дипломатик муносабатлар ўрнатиш ва изчил ривожлантириб бориш механизмларини зудлик билан шакллантиришга киришилди. Шу тариқа Ўзбекистон Республикасининг Ташқи ишлар вазирлиги, чет эллардаги элчихоналари ва консуллик хизматлари ташкил этилди. Давлат учун янги бўлган халқаро муносабатлар соҳасини миллий кадрлар билан мунтазам таъминлаб бориш мақсадида 1992 йил 23 сентябрда мамлакат тарихида ва Марказий Осиёда биринчи бўлиб, Тошкентда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети очилди.

1992 йил 2 мартда Ўзбекистон ўз хоҳиш-иродасига кўра,

---

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2012. -Б. 6.

дунёдаги мустақил давлатларнинг асосий қисмини ўзида мужассам этган энг йирик, энг универсал халқаро ташкилот — Бирлашган Миллатлар Ташкилотига (БМТ) тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кирди. Ўзбекистоннинг давлат байроғи Нью-Йоркдаги БМТ бош қароргоҳи олдидаги дунё мамлакатлари байроқлари қаторида ҳилпирай бошлагани — халқимиз, аждодларимизнинг азалий орзуси — миллий истиқлолимизнинг халқаро ҳамжамият томонидан тан олинганининг рамзий ифодаси эди. Шу тариқа Ўзбекистон мазкур тузилма доирасида глобал ҳамда минтақавий масалаларни муҳокама қилишда ўз манфаатларини тўғридан-тўғри ҳимоя қилиш ва ўз ташаббусларини илгари суриш имкониятини қўлга киритди. Ўша йилиёқ Ўзбекистон Жаҳон банки, Халқаро Валюта фонди, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти, Иқтисодий Ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа қатор халқаро институтларга аъзо бўлди, улар билан ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантира бошлади.

Миллий манфаатларни собитқадамлик билан илгари суриш, давлат мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, Марказий Осиёда геосиёсий мувозанатни сақлаш; сиёсий, иқтисодий, савдо-сотиқ, транспорт ва бошқа соҳалардаги халқаро алоқаларни кенг диверсификация қилиш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари этиб белгиланди. 1991-2001 йилларда Ўзбекистонни дунёнинг 165 та давлати тан олди, 120 дан ортиқ давлатлар билан дипломатик муносабатлар ўрнатилди.<sup>4</sup> Мамлакатимиз 100 дан зиёд халқаро ташкилотларнинг, шу жумладан, БМТ тизимидаги ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ<sup>5</sup>, Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти<sup>6</sup> ва бошқа глобал институтлар, Шанхай Ҳамкорлик

---

<sup>4</sup> Тўлиқ маълумот учун қаранг: Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Матбуот хизмати портали - <http://www.mfa.uz/uz/>; Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги портали - <http://www.mfer.uz/uz/>

<sup>5</sup> Қўшимча маълумот учун қаранг: ЮНИСЕФнинг расмий портали - <http://www.unicef.org/>

<sup>6</sup> Қўшимча маълумот учун қаранг: БССТнинг расмий портали - <http://www.who.int/countries/en/>; мазкур ташкилотнинг Ўзбекистондаги вазоратхонаси расмий сайти - <http://www.euro.who.int/en/countries/uzbekistan>

ташкилоти<sup>7</sup>, Ислом ҳамкорлик ташкилоти каби минтақавий тузилмаларнинг тўлақонли аъзоси бўлди. Ўзбекистон дунёнинг 46 давлатида ўзининг дипломатик ва консуллик ваколатхоналарини очди. Мамлакатимиз пойтахти Тошкентда 44 хорижий давлатларнинг элчихоналари, 9 консуллик вакиллари, 15 халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналари фаолият кўрсата бошлади.

Ўзбекистон нафақат сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан барқарор мамлакат, халқаро майдонда ишончли ҳамкор сифатида, балки глобал ва минтақавий хавфсизликни, халқаро барқарорликни таъминлашга бевосита дахлдор давлат сифатида ҳам жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллади. Бу борада Ўзбекистон халқаро "хавфсизликнинг бўлинмаслиги тамойилига"<sup>8</sup> амал қилди, глобаллашув даврида ҳар қайси давлатнинг тараққиёти ва равнақи нафақат яқин ва узоқ қўшнилар, балки жаҳон миқёсида бошқа минтақа ва ҳудудлар билан чамбарчас боғлиқ эканлиги, бирон мамлакатнинг бу жараёндан четда туриши ижобий натижаларга олиб келмаслигини яхши англаган ҳолда иш тутди.<sup>9</sup>

Ўзбекистон Америка Қўшма Штатлари, Хитой Халқ Республикаси, Россия Федерацияси, Япония, Корея Республикаси, Ҳиндистон каби дунёдаги етакчи давлатлар билан стратегик шерикчилик муносабатларининг мувозанатли ва кўп қиррали тизимини шакллантириб борди, бир давлат билан яқинлашиш ҳисобига бошқасидан узоқлашмаслик тамойилига амал қилди. Ўзи илгари сурган илк халқаро ташаббуслардаёқ Ўзбекистон Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлашга ва шу орқали глобал барқарорликни мустаҳкамлашга ҳисса қўшиш йўлидан бориши аниқ намоён бўлди. Хусусан, Президент Ислом Каримовнинг минтақавий хавф-

---

<sup>7</sup> Қўшимча маълумот учун қаранг: ШХТ расмий сайти - <http://www.sectsc.org/>; ШХТнинг Тошкентда жойлашган Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси расмий сайти - <http://ecrats.org/ru/>

<sup>8</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997. -Б. 167 ва 325.

<sup>9</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008. -Б.111.



сизлик тизимини яратиш ва шу орқали жаҳонда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган муҳим ташаббуслари қаторида БМТ Бош ассамблеясининг минбаридан туриб, (1993 йил 28 сентябрь) Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона тузиш ғоясини айтиб ўтиш ўринлидир. Ушбу ташаббусни амалга ошириш бўйича олиб борилган халқаро музокаралар, тинимсиз саъй-ҳаракатлар натижасида 2009 йили 21 мартда минтақадаги бешта давлат томонидан имзоланган "Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд тузиш тўғрисида"ги шартнома кучга кирди. Бу халқаро ҳужжатга биноан, минтақа давлатлари ядровий қурол ишлаб чиқармаслик ва уни ўз ҳудудида жойлаштирмаслик мажбуриятини зиммаларига олдилар. Мазкур шартноманинг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, у Марказий Осиёдаги бешта давлатни бир-бирига боғлаб турувчи хавфсизлик соҳасидаги энг биринчи ва шу кунгача ягона фундаментал шартномадир.

Минтақада барқарорлик ва тинчликни сақлашга йўналтирилган энг муҳим ташаббуслардан бири сифатида Юртбошимизнинг қўшни Афғонистондаги қуролли можарога чек қўйиш, минтақа хавфсизлиги ва барқарорлигига хавф солаётган терроризм ва ақидапарастлик, ноқонуний қурол ва гиёҳванд моддалар савдосига қарши биргаликда курашиш билан боғлиқ ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий масалаларни қамраб олган қатор амалий таклифлар мажмуасини айтиб ўтиш мумкин.<sup>10</sup>

Жумладан, 1997 йили Президент Ислон Каримов Афғонистон билан қўшни олти мамлакат, шунингдек, АҚШ ва Россия давлатлари иштирокида БМТ шафелиги остида афғон муаммосини музокаралар йўли билан ечишга қаратилган "6+2" мулоқот гуруҳини тузиш ташаббуси билан чиқди. Ушбу ташаббусни амалга ошириш мақсадида қатор сиёсий-дипломатик чора-тадбирлар кўрилди. Тошкент, Нью-Йорк ва Афғонистон ҳудудида мазкур мамлакатда давом этаётган қуролли тўқнашувларнинг иштирокчилари билан махсус му-

---

<sup>10</sup> Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-ж. - Т.: Ўзбекистон. 1996. - Б. 30-38.

зокаралар олиб борилди ва 1999 йилга келиб, Ўзбекистонда БМТ шафелигида "6+2" мулоқот гуруҳининг Афғонистон муаммоси ечимига багишланган халқаро анжуманини ўтказишга эришилди. Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган ушбу тадбирда биринчи бор Афғонистонда ўзаро нифоқлашаётган кучлар вакиллари умумий музокаралар даврасида жамлашга муваффақ бўлинди. Бу ўзбек дипломатиясининг тарихий ютуқларидан бири эди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур йиғилишда қабул қилинган "Афғонистондаги зиддиятни тинч йўл билан ҳал этилишининг асосий тамойиллари" тўғрисидаги Тошкент декларацияси БМТнинг муҳим ҳужжати сифатида эътироф этилган.

Мустақилликнинг илк давриданоқ давлатимиз раҳбари Афғонистонда йиғилиб қолган муаммоларга ўз вақтида эътибор қаратилмаса, тегишли халқаро чора-тадбирлар амалга оширилмаса, мазкур мамлакатда юз бераётган қонли воқеалар авж олиши, охир-оқибатда, нафақат қўшни давлатларга, балки, халқаро барқарорликни таъминлашга ҳам салбий таъсир кўрсатиши ҳақида огоҳлантириб келди. Жаҳон ҳамжамиятини афғон муаммосини ҳал этишга чорловчи чақириқлар БМТ Бош ассамблеяси мажлиси минбаридан туриб айтилган пайтларда, "бу муаммо Ўзбекистон учун жуда долзарбдир, лекин биз учун жуда йироқда" деган фикрда бефарқ ўтирган сиёсатдонлар қаттиқ янглишди. Террорчи кучлар томонидан 2001 йил 11 сентябрда айнан БМТ қароргоҳи жойлашган Нью-Йорк шаҳрини ларзага солган даҳшатли террористик тажовуз натижасида минглаб кишиларнинг қурбон бўлишигина уларни уйғота олди.

Ушбу воқеадан кейин Афғонистонда ҳарбий операцияларни бошқараётган НАТОнинг 2008 йил 2 апрелда Бухарестда ўтказилган ялпи йиғилишида Президент И.А. Каримов "афғон муаммоси"ни фақат ҳарбий куч ишлатиш йўли билан бартараф этиб бўлмаслиги, бу заминда тинчлик ва хотиржамликка асосан мулоқот йўли билан эришиш мумкинлигини таъкидлади. Ўз пайтида ижобий натижа берган "6+2" мулоқот гуруҳини "6+3" шаклида, яъни мавжуд воқеликни инобатга олиб, ушбу гуруҳ таркибига Афғонистон-

даги вазиятга бевосита алоқадор бўлган НАТОни қўшган ҳолда қайтадан ишга тушириш ташаббусини илгари сурди.

Энг муҳими, Ўзбекистон ўзининг таклиф ва гоёларини амалий ишлар билан мустаҳкамлаб борди. Чунончи, мамлакатимиз Афғонистонда йўллар, темир йўллар, кўприклар қурилишида фаол иштирок этди. Афғонистон тарихида энг биринчи замонавий темир йўл айнан Ўзбекистон томонидан "Термиз - Ҳайратон - Мозори Шариф" йўналишида қуриб битказилди ва 2010 йили ишга туширилди. Қўшни мамлакат пойтахти - Қобул шаҳрини узлуксиз электр энергияси билан таъминлай бошлаган мамлакат ҳам айнан Ўзбекистон бўлди. Ҳозирги кунда ҳам Ўзбекистон мазкур қўшни мамлакат иқтисодий инфраструктурасини ривожлантиришга катта ҳисса қўшиб келмоқда. Икки томонлама муносабатларда ўзаро фойдали савдо-сотиқ алоқаларини равнақ топтириш, сиёсат борасида ички ишларга аралашмаслик, яхши қўшничилик анъаналарига содиқ қолиш йўлидан бормоқда.

Ўзбекистон раҳбариятининг бутун Марказий Осиё тақдирини ҳал қила оладиган даражада ўта кескин, ўта таҳликали вазиятларда ҳам вазминлик билан энг мақбул қарорлар қабул қилишга қодирлигини амалда тасдиқлаган яна бир машаққатли синов - 2010 йили 10 июнь куни Қирғизистон жанубида юз берган хунрезлик ва фожиали воқеалар бўлди.

Ўша йилнинг 11-14 июнь кунлари қўшни Қирғизистоннинг Ўш ва Жалолобод вилоятларида ўзбек миллатига мансуб фуқароларга қарши хунрезликлар минтақамизда мисли кўрилмаган гуманитар ҳалокат юз беришига олиб келди. Қирғизистоннинг қарийб ярим миллион аҳолиси ҳалокатли қирғинбаротдан қутулиш илинжида ўз уй-жойларини ташлаб, бошқа ҳудудларга қочиб ўтишга мажбур бўлди. Юз мингдан кўпроқ ўзбек миллатига мансуб кишилар нажот излаб Ўзбекистон чегарасида тўпланди. Уларни қутқариш учун чегарани очишга ва Андижон вилоятида қочқинлар учун зарурий шарт-шароитларни зудлик билан яратишга тўғри келди.

Чегара ҳудуди ва Ўзбекистоннинг ичкарасида, айниқса, қирғиз ва ўзбек миллатига мансуб аҳоли ёнма-ён истиқомат қиладиган жойларда осойишталикни сақлаш, мамлакатимизда қутилмаганда пайдо бўлган юз мингдан ортиқ қочқинлар, болалар, хотин-қизлар, қарияларни вақтинчалик яшаш



жойлари, озиқ-овқат, кийим-кечак, тиббий ёрдам ва бошқа зарурий нарсалар билан таъминлаш мақсадида катта куч, меҳнат ва ресурслар сафарбар этилди.

Президент Ислом Каримов БМТ Бош қотиби Пан Ги Мун билан телефон орқали мулоқотида мазкур ташкилотни Қирғизистон жанубида содир этилаётган хунрезликларни тўхтатиш, вазиятни ўнглаш, жабрдийдаларга зудлик билан ёрдам кўрсатишга даъват этди. Шу билан бирга, томонлар ўртасида юзага келган мураккаб вазиятдан тинч йўл билан чиқиш йўллари, аввало, Қирғизистондаги вазиятни барқарорлаштириш юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон раҳбарияти хунрезлик ва зўравонликларни жазосиз қолдирмасликка, бу мусибат бўйича мустақил халқаро текширув ўтказиш, ушбу қонли ваҳшийликларнинг барча буюртмачилари, ташкилотчилари ва ижрочиларини жиноий жавобгарликка тортишда БМТ бошчилигида халқаро ҳамжамият амалий ишларни бажариши лозимлигини таъкидлади. Ўзбекистон раҳбарияти қабиҳ ниятда ташкил этилган ушбу воқеаларнинг янада ривожланишига, шафқатсиз зўравонликнинг авж олиб, миллатлараро низодан давлатлараро можарога айланишига йўл қўймаслик, томонлар орасида ўзаро қаҳру ғазабни жиловлаш, экстремизмнинг шиддатли тус олишининг олдини олишда тезкор ва кенг қамровли чоралар кўрди. "Фақат ақл-идрок, оддий ҳақиқатни, яъни ушбу заминда кўп асрлар давомида ўзбеклар ва қирғизлар ёнма-ён яшаб келгани ва бундан буён ҳам уларнинг фарзандлари ҳамда авлодлари кўп асрлар мобайнида бирга яшашини теран англаш бизга ва халқимизга мазкур фожианинг Марказий Осиёда қарама-қаршиликларнинг янги, кенг кўламли ўчоғига айланиб кетишининг олдини олишда муҳим омил бўлди", деб таъкидлади Президент Ислом Каримов.

Ўзбекистон раҳбари айтиб ўтганидек, ўша кунлари қирғизларнинг ўзи ҳам, Қирғизистон жанубида яшаётган кўп сонли ўзбеклар ҳам учинчи кучлар томонидан пухта ўйланган ва уюштирилган акциянинг қурбонига айланди, дейиш учун бугун барча асослар бор. Қабиҳ ниятда амалга оширилган бу тўқнашувдан мақсад мамлакатда нафақат тартибсизлик ва парокандаликни юзага келтириш, балки Ўзбекис-

тонни ушбу ваҳшиёна хунрезликка тортиш, пировард натижада, миллатлараро қарама-қаршиликни икки қўшни мамлакат - Қирғизистон ҳамда Ўзбекистон ўртасидаги давлатлараро қарама-қаршиликка айлантиришдан иборат эди.<sup>11</sup>

Ана шундай вазиятда Ўзбекистоннинг вазмин ва оқилона позицияси жаҳон жамоатчилиги томонидан юқори баҳоланди. Жумладан, Кембриж университети профессори, Марказий Осиё бўйича Кембриж форуми раиси Сидхарт Саксенанинг Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга йўллаган мактубида қуйидаги сўзлар битилганди: "Бундай мусибатли дамларда Ўзбекистон халқи ўзининг метин иродасини намоён қилди, Сизнинг тезкор ҳаракат қилиш ва шу қадар кўп одамларга зудлик билан зарур ёрдам кўрсатишни таъминлаш борасидаги қарорингиз улкан тарихий воқеа бўлди. Сиз ва Ўзбекистон халқи билан ҳамкорлик бизга катта фахр-ифтихор бағишлайди. Сиз Ўзбекистон минтақада барқарорлик маёғи эканини, теранлик, донолик ва вазминлик билан мушоҳада юритишни яна бир бор намоён этдингиз. Том маънодаги йўлбошчиликнинг асл моҳияти мана шундан иборат. Биз умид қиламизки, Сизнинг бундай фазилатингиз бутун дунё мамлакатлари раҳбарларига ўрнак бўлади".<sup>12</sup>

Ўзбекистон ўзининг ташқи сиёсатида Марказий Осиёда тинчлик ва хавфсизликни сақлаш, ушбу минтақани барқарор тараққиёт ҳудудига айлантиришга йўналтирилган бошқа қатор ташаббусларни ҳам илгари суриб, минтақавий масалалардан тортиб, Ер шари ва инсоният тақдирига дахлдор бўлган улкан вазифаларни ҳам жаҳон ҳамжамияти эътиборига ҳавола этмоқда. Оролбўйи ҳудудидаги экологик фожиа оқибатларини бартараф этиш, минтақадаги трансчегаравий сув заҳираларидан оқилона фойдаланиш, Ўрта Осиё - Форс кўрфази транспорт коридорини яратишга қаратилган таклиф ва ташаббуслар шулар жумласидан.

Тажриба шуни кўрсатадики, мавжуд муаммоларни ҳал

---

<sup>11</sup> Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш-мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. 19-ж. - Т.: Ўзбекистон. 2011. -Б. 13-14.

<sup>12</sup> Ўша манба.

этишда асосий ролни минтақа давлатларининг ўзлари ўйнашлари даркор. Бу гоёя 2012 йил 10 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Ташқи сиёсий фаолияти концепцияси"да<sup>13</sup> расман эълон қилинган.

Ушбу Концепцияда Марказий Осиё минтақасига алоҳида эътибор қаратилган ва "Ўзбекистоннинг ҳаётий муҳим манфаатлари шу минтақа билан боғлиқ" эканлиги расман эътироф этилган. Унда Марказий Осиё ўзининг муҳим геосиёсий жойлашуви ва минерал хом ашё ресурсларининг улкан заҳираларига эга эканлиги туфайли жаҳон миқёсида кучли эътибор объектига, йирик давлатларнинг стратегик манфаатлари тўқнашадиган ҳудудга айланиб бораётгани таъкидланган. Йирик давлатлар Марказий Осиё давлатларининг ўз ривожланиш модели ва сиёсий йўлини белгилашига таъсир ўтказишга уринаётгани, минтақада ўз мақсадларининггина кўзлаётган ташқи кучларнинг ўзаро рақобати кучайиб бораётгани кўрсатилган. Шунингдек, дунёнинг йирик давлатлари томонидан минтақада олиб борилаётган ўзаро геосиёсий рақобат инobatга олиниб, "Марказий Осиё муаммолари ташқи кучларнинг аралашувисиз, минтақадаги давлатларнинг ўзлари томонидан ечилмоғи зарур", деган фикр баён этилган.

Концепцияда хавфсизликка раҳна солаётган анъанавий ва ноанъанавий таҳдидларнинг турлари кенгайиб бораётгани, мамлакатимиз чегаралари яқинида кескинлик ва танглик ўчоқларининг сақланиб қолаётгани эътироф этилган. Шу муносабат билан ушбу ҳужжатда баён этиладиги, Ўзбекистон тинчликсевар сиёсат юритади ва ҳарбий-сиёсий блокларда иштирок этмайди, ҳар қандай давлатлараро тузилмалар ҳарбий-сиёсий блокка айланган тақдирда, улардан чиқиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Концепцияда биринчи бор қуйидаги муҳим қоидалар муҳрлаб қўйилди: "Ўзбекистон ўзини қўшни давлатлардаги қуроли зиддиятларга тортилишининг олдини олиш мақсадида тегишли чораларни кўради; ўз ҳудудида хорижий давлатларнинг ҳарбий базала-

---

<sup>13</sup> Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепцияси. // "Халқ сўзи" газетаси, 2012 йил 7 август.



ри ва объектлари жойлаштирилишига йўл қўймайди; Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари хориждаги тинчлик-парварлик операцияларида иштирок этмайди"<sup>14</sup>.

Ўзбекистон халқаро муносабатларда тинчликсеварлик йўлидан бориб, халқаро ва давлатлараро муаммоларни уруш йўли билан ҳал этишга қатъиян қарши чиқади ва жаҳон ҳамжамияти давлатлари ўртасида ҳарбий можаролар чиқишини превентив дипломатия воситасида бартараф қилишда фаол иштирок этишни, зиддиятларни кескинлаштирадиган сабабларга барҳам беришга ёки уларни енгишга куч-ғайрат сарфлашни ўз ташқи сиёсатининг асосий вазифаси деб ҳисоблайди. Мудофаа доктринасига биноан, Ўзбекистон жаҳондаги бирорта ҳам давлатни ўзининг душмани деб ҳисобламайди, ўз ҳарбий қўшинларини фақат миллий чегаралар доирасида жойлаштириш, айти вақтда, ўз фуқароларининг ҳаёти ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш вазифасини ўз зиммасига олади, ўзини ўзи мудофаа қилишдек муҳим ҳаётий ҳуқуқини амалга оширади, давлатнинг ҳарбий қудрати ва мудофаа қобилияти оқилона зарурат даражасида бўлишини таъминлайди, хорижий давлатлар билан ҳарбий-техникавий ҳамкорликни изчиллик билан ривожлантириб боради.

Бундай оқилона сиёсат бутун дунёда қуроли можаролар бораётган бугунги даврда умумбашарий тинчликни сақлаш йўлида миллий даражада ташланган муҳим қадамлардан бири бўлди, десак муболага бўлмайди. Яна шунини ҳам таъкидлаш керакки, ҳозирги замонда дунё ҳамжамиятига изчил интеграциялашувни таъминлашда, энг аввало, ҳарбий куч эмас, балки оқилона сиёсат ва дипломатия, ақл-идрок, фикр-мулоҳаза ҳамда изчил ривожланиб бораётган иқтисодий салохият хал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

### **Ташқи савдо ва иқтисодий алоқалар**

Жаҳон тарихидан маълумки, глобаллашув даврида мустақил тараққиёт йўлига кирган ҳеч бир мамлакат ўз қобилиятига ўралган, халқаро ҳамжамиятдан ажралган ҳолда ривожлана олмайди. Ўзбекистон ҳам бундан мустасно эмас, Пре-

---

<sup>14</sup> Ўша манба.

зидент Ислом Каримов "Иқтисодиётимизнинг келажаги унинг жаҳон ҳўжалигига қўшилишига боғлиқ", деб таъкидлаган эди.<sup>15</sup> Бунга эришишнинг муҳим шартларидан бири - собиқ мустабид тузумдан қолган ёпиқ, маъмурий буйруқ-бозлик асосида ишлайдиган иқтисодиётни очиқ, бозор муносабатлари негизида ривожлана оладиган бутунлай янгича моделга ўтказишдан иборат эди. Шу боис Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалари учун мустаҳкам пойдевор яратиш, зарур сиёсий, ҳуқуқий ва ташкилий механизмларни шакллантириш йўлидан борди. Бу йўлда учраган машаққатли вазиятларни қатъият билан енгиб ўта бошлади.

СССР парчаланганидан кейин илгари ягона механизми ҳосил қилган ишлаб чиқариш тизими ҳам парокандаликка юз тутди. Марказ эса МДХ доирасидаги қатор келишувларга қарамасдан, Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодиётини "ортиқча юк" деб ҳисоблай бошлади, ўз муаммоларини ҳал қилиш билан банд бўлиб, шерик давлатлардаги долзарб масалаларга керакли даражада эътибор қаратмади.

Бундан ташқари, МДХ давлатлари билан савдо-сотикда эркин валюта билан эмас, имкон қадар бартер йўли билан ҳисоб-китоб қилишга уриниш авж олди. Собиқ Иттифоқ давридан қолган марказий банк тизими эса, асосан, Россия Федерацияси манфаатлари доирасида иш юрита бошлади. Бутун МДХ доирасида пулнинг қадрсизланиши жараёни мисли кўрилмаган гиперинфляция даражасига кўтарилди, Ҳамдўстлик давлатларининг барчасида иқтисодий беқарорлик вужудга келди.

Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўлини танлаш жараёнида ривожланган мамлакатларнинг кўп асрлик тажрибасига, шунингдек, ўзбек халқининг миллий тарихий мероси, турмуш тарзи, анъаналари ва руҳиятига таянди.<sup>16</sup> Президент Ислом Каримов томонидан халқимизнинг "Янги уйни қурмасдан, эскисини бузманг", деган фикрига асосланиб, "Давлат — бош ислоҳотчи" тамойили асосида иқтисодий ислоҳотларнинг ижтимоий йўналтирилган,

<sup>15</sup> Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-ж. - Т.: Ўзбекистон, 1996. - Б.248.

<sup>16</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-ж. - Т.: Ўзбекистон, 1996.-Б.278.

босқичма-босқич усули танлаб олинди. Миллий иқтисодий тизим асослари, институт ва бошқарув механизмларини яратишда, миллий валюта, миллий банк ва молия инфратузилмасини шакллантиришда, ташқи савдо, иқтисодий ҳамкорлик, чет эл сармояларини жалб этиш соҳаларида ўта масъулиятли тарихий қадамлар ташланди.

1992 йил 26 мартда Ўзбекистон Республикасининг Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси "Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида"ги Қонуни қабул қилиниши ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишда асосий тамойилларни белгилаб берди, бу борада ягона давлат сиёсатини олиб боришда муҳим омил бўлди. Бу "аввал иқтисод, кейин сиёсат" шиори остида иш тутиб, халқаро ҳамкорлар билан уларнинг мафкуравий қарашларидан қатъи назар, тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли шерикчилик муносабатларини ўрнатишга киришилди. Бунда умум-эйтироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларига риоя қилиш, халқаро тартиблар ва стандартларга изчиллик билан ўтиш кўзда тутилди.<sup>17</sup>

1993-1994 йиллар давомида босқичма-босқич тарзда ўта масъулиятли вазифа - миллий валютани жорий этиш чоратадбирлари амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 122-моддаси ва "Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида"ги Қонуннинг 11-моддаси, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1993 йил 3 сентябрдаги қарорига мувофиқ 1994 йил 1 июлдан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонуний тўлов воситаси бўлган миллий валюта - "сўм" муомалага киритилди.

1994 йилдан Ўзбекистон Жаҳон Савдо ташкилотининг савдо ва тарифлар бўйича бош битими (ГАТТ)га қўшилди ва унинг халқаро савдо-сотик борасидаги қоидаларини босқичма-босқич тарзда амалга тадбиқ қила бошлади. Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятидаги ўрнини мустаҳкамлаш ва тобора кенгайтириб бориш мақсадида ташқи савдо ва иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини тартибга солувчи қонунлар, норматив ҳужжатларнинг дастлабки мажмуаси

<sup>17</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-ж. -Т.: Ўзбекистон, 1996.-Б. 211.



яратилди. Ўзбекистон Республикасининг "Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги (1998 йил 30 апрель)<sup>18</sup>, "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги (1998 йил 30 апрель)<sup>19</sup>, "Хориждан маблағ жалб қилиш тўғрисида"ги, "Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида"ги (2000 йил 26 май)<sup>20</sup> ва бошқа қатор қонунлар шулар жумласидан. Уларда юртимизнинг хорижий мамлакатлар билан фаол ва кенг кўламли ҳамкорлик ўрнатиши учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратиб берилди.

Миллий истиқдолнинг илк давриданоқ чет эл инвесторлари иштирокида стратегик аҳамиятга эга бўлган қатор устувор лойиҳаларни амалга оширишга эришилди. Улардан энг йириклари қаторида АҚШ ва Япония фирмаларининг "Келлог-Нишо Иваи" консорциуми билан ҳамкорликда Кўкдумалоқ конида замонавий конденсат компрессор станцияси қурилиши, Франциянинг "Текнип" ва Япониянинг "Марубени - Джей Джиси" компаниялари билан ҳамкорликда Бухоро нефтни қайта ишлаш заводини қуриб битказиш, Марказий Осиёдаги энг йирик Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини Япониянинг "Мицуи" фирмаси кўмагида модернизация қилиш, АҚШнинг "АББ Луммус Глобал" фирмаси билан Шўртан газ-кимё мажмуини қуриш ва бошқа шу каби йирик лойиҳаларни санаб ўтиш мумкин.

Халқаро ҳамкорлар билан самарали шерикчилик асосида ишлаб чиқариш ва экспорт борасида Ўзбекистон учун мутлақо янги соҳалар яратилди. Бунга мисол тариқасида Президент Ислам Каримов ташаббуси билан Асака шаҳрида қурилиб, 1996 йилнинг 19 июлида ишга туширилган автомобиль заводини айтиб ўтиш жоиз. Бу йирик лойиҳанинг амалга оширилиши халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг, мамлакатимиз иқтисодиёти, хусусан, саноат ишлаб чиқаришининг ёрқин тимсолларидан бирига айланди. Автомобилсозлик са-

---

<sup>18</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2012 йил. № 5-6. - 117-128 бетлар.

<sup>19</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2012 йил. № 5-6. - 129-135 бетлар.

<sup>20</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2012 йил. № 5-6. - 83-92 бетлар.

ноати мустақил Ўзбекистон иқтисодиётининг энг ёш, аммо шиддат билан ривожланаётган муҳим тармоқларидан бирига айланди. Юртимиз дунёда автомобиль ишлаб чиқарувчи 28 давлат сафига қўшилди. Автомобилсозлик, моторсозлик ва уларга бутловчи қисмлар тайёрлайдиган, нефть ва газни илғор замонавий технологиялар ёрдамида қайта ишлайдиган, замонавий уй жиҳозлари ва бошқа қатор янгидан-янги маҳсулот ва товарлар ишлаб чиқарувчи соҳалар ривожланиши натижасида мамлакатимизнинг дунё бозорларидаги ўрни мустақамланиб борди. Мамлакатда 900 турдаги янги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди. Дунё бозорлари маҳсулотларида "O'zbekistonda ishlab chiqarilgan" "Made in Uzbekistan" деган белги пайдо бўлди.

2000 йилда республика экспорти дунёнинг 80 дан ортиқ мамлакатлари бозорларига кириб борди. Бу даврга келиб, Ўзбекистон узоқ хориж мамлакатларининг 38 таси билан ўзаро қулай савдо-иқтисодий режимига эга бўлиб, улар билан "Сармояларни ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисида" битимлар тузди. Бундай битимлар Германия, Буюк Британия, Туркия, Миср, Индонезия, Малайзия, Покистон, Финляндия, Корея Республикаси, АҚШ, Франция каби давлатлар билан имзоланди. Канада, Хитой Халқ Республикаси, Туркия, Голландия, Германия, Швейцария банклари ва фирмалари билан ҳукуматлараро 32 та йирик кредит битимларига имзо чекилди.

Шу аснода мустақилликнинг дастлабки йилларидан бери изчиллик билан билан ҳаётга тадбиқ этиб келинаётган ва хорижий мутахассислар томонидан "тараққиётнинг ўзбек модели" деб эътироф этилган ислоҳотлар стратегияси амалиётда ўз ижобий натижасини бераётгани яққол намоён бўлди. Бу жараёнларга изоҳ берар экан, Президент Ислом Каримов ўзининг БМТ саммитининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқида шундай деди: "Биз аввал бошдан "шок терапияси" деб аталган усулларни четдан туриб жорий этишга уринишлардан, "бозор иқтисодиёти ўзини ўзи тартибга солиди", деган ўта жўн ва алдамчи тасаввурлардан воз кечдик, "янги уйни қурмасдан туриб, эскисини бузманг" деган ҳаётий тамойилга та-

янган ҳолда, маъмурий буйруқбозлик, мустабид тизимдан бошқарувнинг бозор тизимига ўтиш жараёнида тадрижий ёндашувни танладик".<sup>21</sup>

2008 йил 14 июлда Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) Ижрочи директорлари кенгаши Ўзбекистонни иқтисодий ривожлантиришнинг юқори иқтисодий ўсиш суръатлари, макроиқтисодий барқарорликни изчил мустаҳкамлаш ва муваффақиятли амалга оширилаётган таркибий ўзгаришларда ўз ифодасини топаётган натижаларини юксак баҳолади. ХВЖ мутахассислари Ўзбекистонда юритилаётган қатъий солиқ-бюджет сиёсати, пухта ўйланган макроиқтисодий стратегия ва изчил амалга оширилаётган тузилмавий ислохотлар юқори иқтисодий ўсиш суръатлари барқарорлиги, савдо ва тўлов балансининг ижобий сальдосини янада мустаҳкамлаш, олтин-валюта заҳирасини кўпайтириш, шунингдек, мамлакат қарзини ўтиш даври иқтисодиётини бошидан кечираётган мамлакатлар орасида энг паст даражагача камайтиришни таъминлади, деган хулосага келишди.<sup>22</sup>

Жаҳон иқтисодий инқирози даврида Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотининг йиллик ўсиши 8 фоиздан камаймади. Бундай ўсиш суръатини дунёнинг камдан-кам давлатларида кузатиш мумкин. 2008-2011 йиллари глобал молиявий-иқтисодий инқироз туфайли кўплаб ривожланган мамлакатларда ишлаб турган завод ва фабрикалар фаолияти тўхтаб қолаётган бир пайтда Ўзбекистонда янги заводлар ишга туша бошлади. Тошкент вилоятида "Женерал Моторс" компанияси билан ҳамкорликда 2009-2011 йилларда қуриб ишга оширилган General Motors Powertrain Uzbekistan<sup>23</sup> автомобиллар учун мотор ишлаб чиқариш корхонаси бунга мисол бўла олади.

Халқаро ҳамжамият томонидан Ўзбекистон ютуқларининг, қолаверса, унинг глобал рецессия пайтида ишлаб чи-

---

<sup>21</sup> Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш — мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. 19-ж. -Т.: Ўзбекистон, 2011-Б.19.

<sup>22</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий сайти - <http://www.cbu.uz/uzc/node/39321>

<sup>23</sup> Завод ҳақида маълумот учун қаранг: General Motors Powertrain Uzbekistan кўшма корхонасининг интернет-портали - <http://www.gmpt.uz/>



қилиб, амалга оширилган "Инқирозга қарши чоралар дастури" муваффақиятининг тан олингани 2010 йили Осиё Тараққиёт банки бошқарувчилари йиллик йигилиши мамлакатимиз - Тошкент шаҳрида ўтказилганида ҳам ёрқин намён бўлди.

Ҳозирги кунга келиб, Ўзбекистон дунёнинг 160 дан ортиқ мамлакати билан савдо-иқтисодий алоқалар ўрнатган, ташқи савдо бўйича географик қамровини сезиларли даражада кенгайтира олган. Республикамиз ташқи савдо айланмаси муттасил ўсиб бормоқда. Бу кўрсаткич 2011 йилда 25,5 млрд. АҚШ долларини ташкил этиб, 2000 йилга нисбатан 4,1 баробар ўсди. Экспорт ҳажмининг 2011 йилда 2010 йилга нисбатан ўсиши 15,4 фоизни ташкил этди. 2000-2011 йиллар давомида экспортни диверсификация қилиш, унинг таркибини такомиллаштириш борасидаги чора-тадбирлар амалга оширилди.

Истиқлол йилларида мамлакатимиз иқтисодиётида 165 миллиард доллардан ортиқ капитал маблағ ўзлаштирилган бўлиб, бунинг 56 миллиард доллардан зиёди хорижий инвестициялар. 2013 йил капитал инвестициялар ҳажми 14 миллиард долларни ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 23 фоизни ташкил этди.<sup>24</sup>

Жаҳон бозоридаги конъюнктуранинг беқарорлигига қарамасдан, 2013 йилда Ўзбекистон экспорти ҳажмининг ўсиши 10,9 фоиздан иборат бўлди. Ташқи савдо фаолиятидаги умумий сальдо 1 миллиард 300 миллион долларни ташкил этди. Сўнгги йилларда экспорт таркибида рақобатбардош тайёр маҳсулотлар улуши барқарор суръатлар билан ўсиб бораётгани яққол кўзга ташланмоқда. 2013 йилда умумий экспорт ҳажмининг 72 фоизидан ортиғи тайёр товарлар ҳиссасига тўғри келгани иқтисодиётимизнинг диверсификация қилинаётгани, унда модернизация жараёнлари жадал кечаётганидан далолат.

2013 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, "Ўзбекистоннинг жами ташқи қарзи миқдори ялпи ички маҳсулотга нисбатан

---

<sup>24</sup> Қаранг: Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси.

16,0 фоиздан ошмагани, бу кўрсаткич эса халқаро мезонлар бўйича "Уртачадан ҳам кам" даражада баҳолангани буни исботлаб бермоқда".<sup>25</sup>

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳўжалик тизимида муносиб ўрин эгаллашида мамлакатимизда ташкил этилган тармоқлараро кўргазмалар ўзининг ижобий натижаларини бера бошлади. "Пахта ва ипак", "Нефть ва газ маҳсулотлари", "Курилиш моллари" ва бошқа қатор шу каби муҳим халқаро ярмаркалар мамлакатимизнинг дунё бозорларида ўз ўрнига эга бўлишида муҳим аҳамият касб этди. Бугунги кунда Ўзбекистонда яна бошқа қатор соҳаларда халқаро кўргазмалар мунтазам ўтказилиб келинмоқда.

Ўзбекистонда транспорт ва хизмат кўрсатиш инфраструктурасининг жадал ривожланиши, мамлакатдаги сиёсий-иқтисодий барқарорлик иқтисодиётимизнинг яна бир муҳим сектори - туризм соҳасининг ҳам равнақ топишига шароит яратди. Истиқлол шарофати билан Бухоро, Хива, Самарқанд, Шаҳрисабз, Термиз, Қўқон каби илм-фан, маданият ва маърифат марказлари жойлашган муътабар замин, Амир Темур, Имом ал-Бухорий, Мирзо Улуғбек, Ибн Сино каби буюк саркарда ва уламолар, машҳур давлат арбоблари ҳамда мутафаккирлар киндик қони тўкилган она-Ватанимиз жаҳоннинг сайёҳлик соҳаси тараққий этган мамлакатларидан бирига айланди. Мамлакатимизда қадимий ёдгорликларни реконструкция қилиш, маҳаллий туроператорларни қўллаб-қувватлаш, уларга ўз фаолиятларини амалга оширишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш, жойларда соҳага оид инфратузилмани барпо этиш, шунингдек, туризмнинг бошқа йўналишларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Натижада Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган юртимиз бетакрор осори-атиқалари, урф-одатлару миллий таомлари, гўзал табиатини бутун дунёга намоён қилиш имкониятига эга бўлди.

Бу эса бой тарихга эга ва замон билан ҳамнафас яшаётган Ўзбекистонни ўз кўзи билан кўрмоқчи бўлган сайёҳлар

---

<sup>25</sup> Каримов И. А. Мамлакатимизни янада обод этиш ва модернизация қилишни қатъият билан давом эттириш йўлида. 21-ж. -Т.: Ўзбекистон, 2013.-Б. 165-212.

сонининг йилдан-йилга ортиб боришига хизмат қияпти. Хусусан, 90-йилларда мамлакатимизга бир йилда 150 минг сайёҳ ташриф буюрган бўлса, 2013 йилда бу кўрсаткич 1,2 миллион нафардан ортди. Бундай натижага осонликча эришилгани йўқ, албатта. Бинобарин, кейинги йилларда қадимий шаҳарларимизда замонавий меҳмонхоналар қурилиб, сайёҳлар учун барча қулайликлар яратилгани, "Евро-4" талабларига жавоб берадиган автобуслар, "Boeing-767", А310, А320 русумли ҳаво лайнерлари, "Afrosiyob" тезюрар поездлари қатновининг йўлга қўйилгани сабаб бўлмоқда. Ҳозирги пайтда "Ўзбектуризм", "Ўзбекистон ҳаво йўллари" ва қатор бошқа миллий компаниялар, туристик агентлик ва корхоналар давлат ёрдамида катта ютуқларга эришмоқда. МДХ мамлакатлари ва 15 та узоқ хориж юртларига "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпаниясининг самолётлари тўғридан-тўғри парвоз қилмоқда. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Термиз, Фарғона ва Наманган шаҳарларида халқаро тоифадаги аэропортлар ишлаб турибди.

Бу янгилинишлар 2012 йилда Ўзбекистонни Бутунжаҳон туристик ташкилоти Ижроия қўмитасига киришида муҳим омил бўлди. 2013 йили Жаҳон саёҳат ва туризм кенгаши (World Travel and Tourism Council - WTTC) эълон қилган янги ҳисоботда Ўзбекистон туризм тармоғи дунёда энг жадал ривожланаётган давлатлар рўйхатига киритилди. Жаҳон саёҳат ва туризм кенгаши ҳар бир давлатнинг миллий ялпи ички маҳсулотида туризмнинг улушини ўрганиб чиққан ҳолда мазкур рўйхатни тузади. Ўзбекистон рўйхатнинг бешинчи поғонасидан ўрин олган.

### **Маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик**

Миллий қадриятларимизни тиклаш, тарихий ёдгорликлар, муқаддас қадамжоларни асраб-авайлаш, аждоқларимизнинг бой меросини ўрганиш ва тарғиб этиш, илм-фан, таълим, маданият ва спорт соҳаларини изчил ривожлантириш, шу йўл билан умумбашарий тараққиётга ҳисса қўшиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли давлат сиёсати Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятидаги ўрнини мустаҳкам-



лашда, унинг халқаро миқёсда кенг танилишида муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистон давлат бюджети харажатлар қисмининг 60 фоизга яқини таълим, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳалари ривожланишига сарфланаётгани бу борада ижобий натижалар бермоқда.

Алоқаларимизнинг ушбу соҳалардаги муҳим йўналишлари хорижий давлатлар билан икки томонлама муносабатлар ва халқаро ташкилотлар, жумладан, ЮНЕСКО, ISESCO ва бошқа тузилмалар доирасида изчил ривожланиб бормоқда.

1993 йил 26 октябрда Ўзбекистон БМТнинг таълим, фан ва маданият бўйича тузилмаси - ЮНЕСКОга мустақил давлат сифатида аъзо бўлиб кирди, у билан фаол, ўзаро манfaatли ҳамкорликни йўлга қўйди.<sup>26</sup> 1996 йил 26 апрелда мазкур ташкилот Бош директори Федерико Майор таклифига биноан Президент Ислом Каримов ЮНЕСКОнинг Париж шаҳрида жойлашган бош қароргоҳига расмий ташриф буюрди. Ташриф мобайнида мамлакатимизнинг мазкур ташкилот билан ҳамкорлиги истиқболлари белгилаб олинди. Олий даражадаги музокаралар Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ўртасидаги муносабатларнинг йилдан-йилга ривожланиб, доираси кенгайиб боришида муҳим омил бўлди.

1997-2001 ва 2009-2013 йиллари Ўзбекистон ЮНЕСКОнинг Ижроия кенгашига сайланди ва ушбу глобал ташкилот ишини бошқаришда бевосита иштирок этди.

Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабзнинг қадимий обидалари ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси рўйхати-га киритилиб, халқаро муҳофазага олинди. "Шашмақом" ва Наврўз байрами инсониятнинг оғзаки ва номоддий мероси дурдонаси деб эълон қилинди. Тошкент шаҳрида сақланаётган Усмон Куръони ва Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтидаги нодир

---

<sup>26</sup> Қўшимча маълумот учун қаранг: ЮНЕСКОнинг расмий портали ва унда Ўзбекистон билан ҳамкорлик тўғрисидаги ахборотлар - <http://whc.unesco.org/en/statesparties/UZ/>; ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси расмий сайти - <http://www.unesco.org/new/ru/tashkent/home/>; Марказий Осиёни тадқиқ этиш бўйича ЮНЕСКОнинг Самарқандда жойлашган халқаро институти расмий сайти - <http://www.unesco-iicas.org/index.php/en/>

қўлғезмалар "Жаҳон хотираси" рўйхатига киритилди. ЮНЕСКО қарорига мувофиқ, 2001 йилда Бухоро "Тинчлик шаҳри" деб эълон қилинди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ЮНЕСКО шафелиги остида дунёнинг энг қадимий шаҳарларидан бўлиши Самарқандда ташкил этилган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали халқлар ўртасида ҳамкорлик ришталарини мустақамлаш, мусиқа ва қўшиқ орқали одамлар қалбида эзгу туйғуларни уйғотиш, муштарак томирларни бир-бирига яқинлаштиришдек олижаноб мақсадларга хизмат қилмоқда.

Миллий маданиятни ривожлантириш, маданий-тарихий ёдгорликларни асраб-авайлаш ва бу борада халқаро ҳамкорликни мустақамлашга қўшган ҳиссаси, халқлар ўртасидаги дўстлик ришталарини, маданиятлараро ва динлараро мулоқотни ривожлантириш, маданий ранг-барангликни қўллаб-қувватлаш борасидаги улкан хизматлари учун Президент Ислом Каримов 1998 йилда ЮНЕСКОнинг "Абу Али ибн Сино" олтин медали, 2006 йилда эса "Боробудур" олтин медали билан тақдирланди.

ISESCO томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинганини ҳам алоҳида эътироф этиш зарур. Бундай юксак мақомни қўлга киритиш Ўзбекистон халқи учун улкан тарихий воқеа бўлди.

## **7.2. Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлар билан ўзаро муносабатлари**

Президент Ислом Каримов бошчилигида ишлаб чиқилган Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий йўли, бу йўлнинг халқаро ҳуқуқ нормаларига мослиги, шунингдек, мамлакат ташқи сиёсий фаолиятининг ҳуқуқий асослари ва идоравий тузилмаларини шакллантириш бўйича бошланган жараён мустақилликнинг биринчи йилларидаёқ дунё ҳамжамияти эътиборига тушди. Бунинг далилини мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ уни хорижий мамлакатлар тан олиб, дипломатик муносабатлар ўрната бошлаганларида кўриш мумкин.

1991 йилнинг охиригача Ўзбекистон Республикаси билан Озарбайжон Республикаси (19 октябрь), Россия Федерацияси (26 октябрь), Қирғизистон Республикаси (31 ок-

тябрь), Молдова Республикаси (14 ноябрь), Қозоғистон Республикаси (7 декабрь) ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик принциплари тўғрисидаги келишувлар имзоланди. Шу вақт орасида Ўзбекистон Республикасининг Украина (28 октябрь) ва Беларусь Республикаси (6 ноябрь) билан давлатлараро муносабатлари асослари тўғрисидаги шартномаларга имзо чекилди.<sup>27</sup>

Ўзбекистон Россия Федерацияси билан ўзаро ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Икки давлат раҳбарлари имзолаган ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон - Россия давлатлараро муносабатлари ва ҳамкорлиги ривожланишининг кафолати бўлди. Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштиришга қаратилган ҳужжатлар: 1992 йил 30 майда имзоланган Давлатлараро муносабатлар, Дўстлик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги шартнома; 1998 йил октябрда имзоланган 1998-2007 йиллар учун иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш тўғрисидаги шартномалардан иборат.<sup>28</sup>

Кейинги йилларда Ўзбекистон - Россия муносабатлари ҳар икки давлат раҳбарлари саъй-ҳаракатлари туфайли янги босқичга кўтарилди. Бунда, хусусан, 2004 йил 18 июнда имзоланган Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома муҳим аҳамият касб этди.<sup>29</sup> 2005 йил 14 ноябрда Москвада имзоланган Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги иттифоқ муносабатлари тўғрисидаги шартнома<sup>30</sup>, шунингдек, икки мамлакат раҳбарларининг 2012 йил 4 июнда Тошкентда бўлиб ўтган учрашув якунига кўра қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида стратегик шерикликни чуқурлаштириш тўғрисидаги декларация» икки давлат ўзаро муносабатларида алоҳида воқеа бўлди.

---

<sup>27</sup> Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг жорий архиви (ЎР ТИВ ЖА) МДХ мамлакатлари бошқармаси ахборот-маълумот материаллари.

<sup>28</sup> ЎЗР ТИВ ЖА. МДХ мамлакатлари бошқармаси ахборот-маълумот материаллари.

<sup>29</sup> "Народное слово", 17 июня 2004 г.

<sup>30</sup> "Народное слово", 15 ноября 2005 г.



Икки мамлакат ўзаро муносабатлари ва ҳамкорлигининг янада ривожланиши ва чуқурлашишига 2013 йил 14-15 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Россия Федерацияси Президенти В.В.Путин ўртасидаги Москва учрашуви янги туртки берди. Ушбу учрашув чоғида давлатларнинг кенг қамровли ўзаро муносабатларидаги ҳамкорликни ривожлантириш ҳолати ва истиқболи кўриб чиқилди. Бунга, хусусан, учрашув якунлари бўйича имзоланган "Инвестицияларни қўллаш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисида"ги битим, "2013-2017 йиллар учун иқтисодий ҳамкорлик дастури", шунингдек, "2013-2015 йиллар учун маданий-гуманитар ва илмий-техника соҳаларида ҳамкорлик қилиш дастури" мисол бўла олади. Мазкур учрашувда атроф муҳитни муҳофаза қилиш, божхона ва солиқ хизматлари бўйича муассасалар ўртасидаги ҳамкорликка доир ҳужжатлар ҳам қабул қилинди.

Ҳар икки давлат мустақилликка эришгандан кейинги давр ичида Ўзбекистон ва Россия ўртасида 160 дан ортиқ халқаро шартнома ва 40 дан зиёд бошқа ҳужжатлар имзоланди. Бу ҳужжатлар икки мамлакатнинг давлатлараро муносабатлари ва ҳар томонлама ҳамкорлиги ривожининг мустаҳкам ҳуқуқий базаси бўлиб хизмат қилмоқда.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси ва Туркменистон раҳбарларининг олий даражадаги 13 та расмий учрашуви бўлиб ўтди. Ушбу қўшни давлатда Гурбангули Бердимухамедов Президент этиб сайланганидан кейин икки томонлама манфаатли алоқалар янада ривожланди. Ўзбекистон ва Туркменистон давлатлари раҳбарларининг расмий учрашувида ўзаро ҳамкорликка оид бир қатор янги ҳужжатлар имзоланди ва ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда.

Тожикистонда ўтган асрнинг 90-йилларида юзага келган оғир ички сиёсий вазият минтақадаги қўшни мамлакатлар билан давлатлараро муносабатларнинг ривожланишини орқага суриб юборди, Марказий Осиё минтақаси хавфсизлиги ва барқарорлигига жиддий хатар юзага келди. Шунга қарамасдан, Ўзбекистон Республикаси ва Тожикистон давлат раҳбарлари учрашуви чоғида кўплаб давлатлараро шартнома ва битимлар имзоланди. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ҳар доим Тожикистон билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқа-

ларининг ўрнатилиши ҳамда ривожланиши тарафдори бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон давлат раҳбарларининг олий даражадаги бир қатор учрашувлари бўлиб ўтди. Хусусан, Қирғизистон пойтахтида 1997 йилнинг 10 январида бўлиб ўтган Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон давлат бошлиқлари учрашуви алоҳида тарихий аҳамиятга эга. Бу учрашувда истиқболдаги ҳамкорликнинг турли масалалари муҳокама қилиниб, Ўзбекистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси ўртасида абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома имзоланди. Бу ва бошқа кўплаб учрашувларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, уч республика раҳбарлари томонидан давлатлараро муносабатларнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Улар давлатлараро сиёсий мулоқотларни, савдо-иқтисодий, илмий-техника ва маданий-маърифий соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни амалга оширишга ёрдам беради.

Президент Ислом Каримовнинг мустақил Ўзбекистон Республикаси раҳбари сифатидаги дастлабки расмий ташрифи 1991 йилнинг 16-19 декабрида Туркияга бўлди. Икки мамлакат раҳбарлари ва ҳукуматлари турли масалалар бўйича фикр алмашишди ҳамда ўзбек-турк муносабатлари ва ҳамкорлигини ривожлантириш юзасидан тегишли битимларни имзолашди.

Ўзбекистон Республикаси ва Туркия Республикаси ўртасидаги алоқалар асослари ва мақсадлари тўғрисидаги шартнома алоҳида аҳамият касб этди. Унда Ўзбекистон биринчи марта ўзининг миллий ҳамда ижтимоий давлат манфаатлари ва халқаро масалалар бўйича позициясини аниқ баён қилди.

Давлатимиз раҳбарининг бошқа хорижий мамлакатлар раҳбарлари билан ҳам олий даражадаги учрашувлари бўлиб ўтди. Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов расмий давлат ташрифи билан Финляндияда (1992 йил, 25-27 февраль), Хитой Халқ Республикасида (1992 йил, 12-14 март), Саудия Арабистонида (1992 йил, 11-13 апрель), Корея Республикасида, Малайзия ва Индонезияда (1992 йил, 16-23 июнь),

Покистон Ислом Республикасида (1992 йил, 13 август), Австрия Республикасида (1992 йил, 18-20 сентябрь), Эрон Ислом Республикасида (1992 йил, 24-25 ноябрь), Миср Араб Республикасида (1992 йил, 15-17 декабрь), Швейцарияда (1993 йил, 28 январь), Германия Федератив Республикасида (1993 йил, 25-27 апрель), Нидерландия Қироллигида (1993 йил, 8 июнь), Францияда (1993 йил, 27-30 октябрь), Буюк Британия Қўшма Қироллигида (1993 йил, 22-25 ноябрь), Японияда (1994 йил, 16-19 май), Польшада (1995 йил, 11-12 январь)<sup>31</sup> ва бошқа мамлакатларда бўлди.

Мазкур учрашувлар давомида давлатлар икки томонлама ўзаро муносабатлари ва ҳамкорлигининг ҳуқуқий асоси яратилди. Бу эса муҳим сиёсий аҳамиятга эга бўлди. Улар Ўзбекистоннинг дунё хўжалик тизимига тенг ҳуқуқли шериклик ва ўзаро эҳтиром тамойиллари асосида киришига, халқаро ҳамжамият мамлакатлари билан фаол халқаро сиёсий, иқтисодий, илмий-техник ва маданий ҳамкорликни амалга оширишига имкон берди.

Дунё ҳамжамиятининг етакчи мамлакатлари билан ўзаро манфаатли давлатлараро муносабатлар ва ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ва кенгайтириш йўли мустақил Ўзбекистон давлатчилигининг бундан кейинги босқичларида ҳам устувор бўлиб қолади. Бундай йўл давлат раҳбарининг 2005 йилнинг январида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги нутқида аниқ белгилаб берилди. Президент Ислом Каримов мамлакат ташқи сиёсатидаги устувор жиҳатларни сақлаб қолиш ва татбиқ этишининг юқори даражадаги аҳамиятига эътибор қаратар экан, қуйидагиларни таъкидлади: "Ўзбекистон жаҳондаги йирик, халқаро майдонда етакчи ўрин тутадиган давлатлар - АҚШ, Россия, Япония, Хитой, Германия, Франция, Европа Иттифоқининг бошқа мамлакатлари билан ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш ва мустақамлашга алоҳида эътибор беради. Биз Жанубий Корея Республикаси, Ҳиндистон, Жанубий ва Жануби -

---

<sup>31</sup> ЎЗР ТИВ. Сиёсий таҳлил ва истиқболни белгилаш бошқармаси. Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлар билан ташқи сиёсий алоқалари тўғрисидаги ахборот-маълумот материаллари. 2-5 бетлар.



шарқий Осиё, Яқин Шарқ ва Араб Шарқининг қўллаб мамлакатлари билан яқин муносабатлар ўрнатганмиз".<sup>32</sup>

Бинобарин, Ўзбекистон ташқи сиёсатининг ғарбий йўналишида дунёнинг Америка Қўшма Штатларидек етакчи давлати билан ўрнатилган ҳамкорлик муносабатлари жуда муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йилнинг 11-14 мартда АҚШга қилган расмий ташрифи тарихий аҳамиятга эга воқеа бўлди. Мазкур ташриф чоғида давлатлар раҳбарлари томонидан ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг қатор масалалари кўриб чиқилди. Музокаралар якунига кўра, икки томонлама ҳамкорлик ривожланишининг қонунчилик асосини ақс эттирувчи қатор ҳужжатлар имзоланди. Улар орасида Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги шартнома алоҳида аҳамиятга эга. Сиёсий, иқтисодий, гуманитар, ҳуқуқий, ҳарбий ва ҳарбий-техника соҳаларида, хавфсизлик борасида ҳамкорликни назарда тутган бу ҳужжат стратегик шерикликнинг принципларини расмий равишда белгилаб берди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятида Европанинг етакчи мамлакатлари билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш масалаларига катта эътибор қаратилди. Бунинг сабаби сифатида бу мамлакатларнинг ёш мустақил республика учун ўтиш даврида муҳим аҳамиятга эга бўлган бозор иқтисодиётига асосланган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тажрибаларини кенг татбиқ этиш заруратини кўрсатиш мумкин. Бундан ташқари, Европа давлатлари билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш Ўзбекистон Республикасининг жаҳон иқтисодий ҳудудига тўла интеграциялашувига қулай шароит яратади. Мустақилликка эришилган дастлабки йиллардан бошлаб Ўзбекистон халқаро стандартларга жавоб берувчи зарур ҳуқуқий майдонни яратиб, Европа давлатлари билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ва ривожлантиришга киришди. Бу жараён Европанинг Буюк Британия, Германия ва Франция каби етакчи мамлакатлари мисолида ёрқин намоён бўлди.

<sup>32</sup> Қаримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-ж. -Т.: Ўзбекистон, 2005. -Б. 200.

Ўзбекистон ва Буюк Британия ўртасидаги икки томонлама муносабатлар ҳамда ҳамкорликнинг ривожланишига 1991 йил 31 декабрда Бирлашган Қироллик мамлакатимиз мустақиллигини тан олгани ва 1992 йилнинг 18 февралда дипломатик алоқалар ўрнатилгани асосий омил бўлди.

Шунингдек, икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги замон тарихида ўзбек-британ ҳамкорлигининг сиёсий ва ҳуқуқий асосларига йўл очган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримовнинг 1993 йил ноябрда Буюк Британияга қилган ташрифи муҳим аҳамият касб этди. Умуман олганда, кейинги йилларда ўзбек-британ муносабатларида янги қирралар очилмоқда, деб айтиш мумкин. Ўзаро ҳурмат ва тенгликка асосланган шериклик нафақат мамлакатимиз миллий манфаатларини илгари суришга ёрдам беради, балки минтақадаги хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга ҳам катта ҳисса қўшади.

Икки томонлама муносабатларда парламентлараро алоқалар алоҳида аҳамиятга эга. 2009 йилда Британия парламентида таниқли сиёсатчи лорд Жон Вейверли бошчилигида "Британия - Ўзбекистон" умумпартиявий гуруҳи ташкил топди. Ўз навбатида, 2010 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Буюк Британия парламенти билан ҳамкорлик бўйича гуруҳ таъсис этилди. Кейинроқ, 2010 йил сентябрда ушбу гуруҳлар ўртасида Ўзаро англашув меморандуми имзоланди.

Ўзбекистон ва Германия ўртасида ҳам мустақкам муносабатлар ўрнатилган. Бу муносабатлар 1991 йил 31 декабрда Германия Федератив Республикаси Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини тан олган вақтдан бошланган. 1992 йилдан икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

Ўзбек-герман ўзаро ҳамкорлигини ривожлантириш ва мустақкамлашда олий даражадаги ташрифлар муҳим аҳамият касб этди. 1993, 1995 ва 2001 йиллари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримовнинг ушбу мамлакатга ташрифлари давлатларимиз ўртасидаги алоқаларни мустақкамлашга хизмат қилди.

Ўзбекистон ва Франция ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик бўйича ўзаро англашув муҳити яратилган. Икки мамлакат

ўртасидаги дипломатик муносабатлар узоқ асрларга бориб тақалса ҳам, уларнинг ҳозирги самарали шакли Ўзбекистон давлати мустақиллигига эришганидан кейин бошланди.

Ҳозирги замон ўзбек-француз муносабатлари пойдеворига давлат раҳбарларининг расмий ташрифлари давомида асос солинган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Францияга икки бор, яъни 1993 йилнинг 27-30 октябри ва 1996 йилнинг 21-25 апрелида ташриф буюрди. Мамлакатимизга жавоб ташрифи билан Франция Президенти Ф.Миттеран 1994 йилнинг 25-27 апрелида келди. Бўлиб ўтган учрашувлар чоғида давлат раҳбарлари яқин келажак ва истиқболдаги икки томонлама муносабатларга доир кўплаб масалаларни муҳокама қилдилар. Ҳар икки томоннинг давлатлараро муносабатлар ва ҳамкорликни ривожлантиришга бўлган интилишларининг тасдиғи сифатида муҳим тарихий аҳамиятга эга ҳужжатлар имзоланди. Булар - "Ўзбекистон Республикаси ва Франция Республикаси ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома", "Инвестицияларни қўллаш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Маданий, илмий ва техник ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битимлар", икки мамлакат "Ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги Ҳамкорлик тўғрисидаги битим", "Фуқароларнинг эркин ҳаракат қилишлари тўғрисидаги битим", "Ҳаво транспортлари соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма декларация" ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Европанинг бошқа мамлакатлари билан ҳам дўстлик ва ҳамкорликнинг манфаатли муносабатларини ривожлантирмоқда. Президент Ислон Каримов таъкидлаганидек, "Биз Европа қитъасидаги Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти, Европа Иттифоқи ва НАТО каби муҳим тузилмалар билан юртимизда демократик ва бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, мамлакатимизда ва умуман минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасида ҳамкорликни мустаҳкамлашдан манфаатдормиз".<sup>33</sup>

<sup>33</sup> Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-ж. -Т.: Ўзбекистон, 2005. -Б. 199.



Ўзбекистон учун Европа Иттифоқи ишончли шерик ҳисобланади. Европа Иттифоқи билан ҳамкорликка интилар экан, Ўзбекистон унинг ёрдамида транспорт, энергетика, молия соҳаси, хусусийлаштириш, илм-фан, таълим, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, шунингдек, демократия ва инсон ҳуқуқлари соҳаси билан боғлиқ кенг қамровли муаммоларни ҳал этишга ҳаракат қилади.

Ўз навбатида, Европа Иттифоқи, ўз ташқи сиёсий фаолияти тамойиллари ва манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, собиқ совет республикаларини иқтисодий жиҳатдан кучли ва барқарор, Европа мамлакатлари учун ишончли ва тенг ҳуқуқли шерик сифатида кўришни истайди. Шундай экан, собиқ советлар маконида янги мустақил давлатлар ташкил бўлган дастлабки йиллардан бошлаб Европа Иттифоқи томонидан Марказий Осиё минтақасида Ўзбекистон Республикаси билан ўзаро манфаатли муносабатлар ўрнатилиши ва ривожлантирилишига кўпроқ эътибор қаратилди. ЕИнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси бошлиғи Оливье Аллэ таъкидлаганидек, "Ўзбекистон Фарб ва Шарқ йўллари кесишган ерда жойлашгани туфайли Марказий Осиёда нафақат энг қулай географик мавқега эга, балки кўп қўшнилари билан ўз ижтимоий-сиёсий барқарорлиги, кенг ёйилган иқтисодий инфратузилмалари билан ҳам ажралиб туради".<sup>34</sup>

ЕИ билан ҳамкорлик мамлакат ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятининг устувор йўналиши эканини ҳисобга олиб, Ўзбекистон раҳбарияти 1994 йилнинг март ойида ЕИ билан "Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим"ни имзолаш ташаббуси билан чиқди. 1996 йил 21 июнда Флоренцияда (Италия), "Фортеза да Бассо" қалъасида ЕИ аъзо-мамлакатлари давлат ва ҳукумат раҳбарлари учрашувида Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасидаги "Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим"ни имзолаш маросими бўлди. Ҳужжат Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Қаримов ва ўша пайтда ЕИ Кенгашининг амалдаги раиси бўлган Италия Вазирлар кенгаши раиси Романо Проди ва ЕИнинг

---

<sup>34</sup> ЎЗР ТИВ ЖА. Европа мамлакатлари бошқармаси. Европа Иттифоқи ҳамда Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасидаги Шериклик ва ҳамкорлик битими тўғрисидаги информацион папка. 12 -бет.

15 та аъзо-давлатлари ташқи ишлар вазирлари томонидан имзоланди.<sup>35</sup>

1999 йил 1 июль Ўзбекистон ва ЕИ ўзаро муносабатлари тарихига алоҳида сана бўлиб киради. Шу куни "Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасидаги шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида битим" ЕИнинг 15 та аъзо-мамлакати миллий парламентлари ва Европа парламенти томонидан ратификация қилиниб, тўла кучга кирди. Бу Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасида шериклик ва ҳамкорлик муносабатларининг қонуний асосда расмийлаштирилганини англатади.<sup>36</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти ушбу битимга юқори баҳо бериб, "Биз иқтисодий, илмий-техникавий, маданий алоқалар, шунингдек, доимий сиёсий мулоқотга кенг имкониятлар очадиган Европа Иттифоқи билан Шериклик ва ҳамкорлик битимининг амалга оширилишига жуда катта эътибор берамиз", деб таъкидлади.<sup>37</sup>

Ўзбекистон ўзининг шарқий йўналишдаги ташқи сиёсатида Осиё қитъасининг Япония, Ҳиндистон, Хитой ва Корея Республикаси каби мамлакатлари билан давлатлараро муносабатлар ва манфаатли ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берди. Хавфсизлик ва барқарорликка доир ҳам минтақавий, ҳам глобал даражадаги таҳдидларни бартараф этиш бўйича қарашлар ва ёндашишлардаги ўхшашлик мазкур алоқаларнинг ривожига муҳим омил бўлди.

1992 йил 26 январда ўрнатилган дипломатик муносабатлар, 1994 йил 16-19 май, 2002 йил 28-31 июль ва 2011 йил 8-10 февралда Японияда ҳамда 2006 йил 29-30 августда Ўзбекистонда бўлиб ўтган давлат раҳбарлари ўртасидаги олий даражадаги учрашувлар икки мамлакат ўртасидаги манфаатли ва дўстона алоқаларга янгича маъно-мазмун багишлади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2002 йилда Японияга ташрифи доирасида Бош

---

<sup>35</sup> ЎзР ТИВ ЖА. Европа мамлакатлари бошқармаси. ЕИ ҳамда ЎзР ва ЕИ ўртасидаги ШХБ тўғрисидаги информацион папка. 27-бет.

<sup>36</sup> ЎзР. ТИВ. ЖА. Европа мамлакатлари бошқармаси. ЕИ ҳамда ЎзР ва ЕИ ўртасидаги ШХБ тўғрисидаги информацион папка. -Б. 28.

<sup>37</sup> Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. 8-ж. -Т.: Ўзбекистон, 2000.-Б.346.

вазир Жунъитиро Коидзуми билан учрашувида ўзаро дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнот имзоланди.<sup>38</sup> Ушбу баёнот томонларнинг ҳозирги замон халқаро муносабатлардаги қўлаб муаммолар бўйича қарашлари ва муносабатлари ўхшашлиги, шунингдек, уларнинг икки мамлакат кўп қиррали ҳамкорлигини янада кенгайтиришга интилишларини тасдиқловчи расмий ҳужжат бўлиб қолди.

Президентимизнинг 2011 йил 8-10 февралда Японияга қилган навбатдаги расмий ташрифи икки мамлакатнинг ўзаро манфаатли муносабатлари ва ҳамкорлигини янада ривожлантиришга янги куч бахш этди.<sup>39</sup> Ташриф давомида юқори технологиялар соҳасида ихтисослашган йирик компаниялар билан япон технологиялари ва инвестицияларини Ўзбекистоннинг нефть-газ, кимё, энергетика, машинасозлик ва тўқимачилик саноати каби тез ривожланаётган соҳаларига жалб этишга қаратилган қатор битимлар тузишга эришилди.

1992 йил 18 мартда Тошкентда Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасида дипломатик муносабатларнинг ўрнатилиши тўғрисидаги баённома имзоланди. Шу кундан бошлаб икки мамлакат ўзаро муносабатлари сифат жиҳатидан янги поғонага кўтарилди ва доимий равишда фаол сиёсий мулоқот олиб борилмоқда. Бунинг тасдиғи сифатида Ўзбекистон ва Ҳиндистонда ўтказилган олий даражадаги учрашувларни айтиш мумкин. Икки томонлама муносабатлар ривожининг муҳим нуқтаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил майда Ҳиндистонга қилган давлат ташрифи бўлди. Унинг якунлари бўйича 32 та икки томонлама ҳужжат имзоланиб, улар орасида икки давлат муносабатларини сифат жиҳатидан янги даражага кўтаришга қаратилган "Стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма баёнот" гоят муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасида анъанавий дўстлик муносабатлари ўрнатилган. Булар икки мамлакатга ҳар икки томонни қизиқтирувчи қўлаб масалалар бўйича ўзаро манфаатли ва самарали ҳамкорлик

<sup>38</sup> "Народное слово", 2 августа 2002 г.

<sup>39</sup> "Народное слово" 17 февраля 2011 г.



олиб бориш имконини беради. Бундай алоқалар халқлар ўртасидаги ҳурматга, тарихий дўстликка, икки давлат раҳбарларининг ишончли алоқаларига асосланган. Буларнинг барчасига эса 1992 йил 2 январда икки мамлакат ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилган кундан асос солинган.

ХХР Раиси Ху Цзинтаонинг 2010 йилдаги Ўзбекистонга ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012 йилнинг 5-7 июнда Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи тарихий аҳамиятга эга бўлди. Учрашувлар давомида ҳамкорликнинг истиқболлари белгиланди. Бунинг яққол далили сифатида Ўзбекистон раҳбарининг Хитойга ташрифи чоғида давлатлар раҳбарлари томонидан "Стратегик шериклик муносабатлари ўрнатиш тўғрисидаги қўшма баёнот"<sup>40</sup> имзоланганини кўрсатиш мумкин.

Бундан ташқари, икки мамлакат раҳбарлари минтақавий ва халқаро ишлардаги бошқа масалалар бўйича ўхшаш қарашларга эга эканликлари маълум бўлди. ШХТ, БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасида икки томон ўртасидаги яқин алоқалар ва мувофиқлаштириш ишлари алоҳида таъкидлаб ўтилди. Бу эса икки мамлакатнинг ривожланиши ҳам минтақавий, ҳам дунё миқёсида тинчлик ва барқарорлик учун кўмаклашишига қулай муҳит яратади.

Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасида ҳамкорлик муносабатларининг ривожига 1991 йил 30 декабрда Ўзбекистон мустақиллиги тан олинган ва улар ўртасида 1992 йил 29 январда дипломатик муносабатлар ўрнатилган кунда асос солинган эди. Бу тарихий саналар икки давлат ўзаро муносабатларида фаол сиёсий мулоқот олиб бориш ва ҳар томонлама ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг шаклланиши учун йўл очди.

Дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан буён ўтган давр ичида Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасида 11 мартаба олий даражадаги учрашувлар бўлиб ўтди. Учрашувлар асносида давлатлар раҳбарлари томонидан икки мамлакатнинг савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий-гуманитар соҳаларда ривожланиб бораётган ҳамкорлик муносабатларига юқори баҳо берилди. Стратегик шериклик масалалари бўйича томонларнинг ўхшаш қарашларга эга эканлиги маълум бўлди. Бунинг ёрқин далили сифа-

<sup>40</sup> "Народное слово", 8 июня 2012 г.

тида икки давлат президентлари томонидан имзоланган "Стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма баёнот"ни<sup>41</sup> айтиш мумкин.

Ўзбек-корейс ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатлари раънақига Ўзбекистон раҳбарининг Корея Республикасига 2012 йил 19-21 сентябрдаги ташрифи янги туртки берди. Учрашув якунларига кўра, Қўшма баёнот қабул қилиниб, унда томонларнинг кўп тарафлама ҳамкорлиги ҳолатига баҳо берилди ва ҳар тарафлама муносабатларнинг истиқболдаги устувор йўналишлари белгиланди.<sup>42</sup> Улар тўлиқ равишда икки мамлакат халқларининг узоқни кўзлаган манфаатларига жавоб беради ва ҳамкорликнинг амалдаги бой салоҳиятини самарали равишда рўёбга чиқаришга кўмаклашади.

Ўзбекистон ташқи сиёсатида янги индустриал ривожланаётган мамлакатлар билан яқин муносабатлар ва ҳамкорлик ўрнатиш ҳамда ривожлантиришга ҳам катта эътибор берилаётир. Бундай давлатлар тоифасига тўла маънода Жануби-шарқий Осиё мамлакатларини киритиш мумкин.

Жануби-шарқий Осиёнинг Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатидаги ўзига хос ўрни шу билан белгиланадики, бу минтақа ўнта ривожланаётган мамлакатни ўз ичига олади.<sup>43</sup> Улар орасида ижтимоий-иқтисодий ҳаёт даражаси ва ривожланиш суръатлари бўйича Индонезия, Малайзия, Сингапур ва Таиланд каби мамлакатлар ажралиб туради. Уларнинг мустамлака мутелигидан қутулгандан сўнг тўплаган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар борасидаги тажрибаси янги мустақил мамлакатлар учун асқотиши мумкин.

Ўтган йигирма уч йил мобайнида давлат ва ҳукумат раҳбарлари ўртасида бўлиб ўтган расмий учрашувлар натижаси ўлароқ, ўзаро англашув, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ва битимларга эришилиб, улар давлатлараро муносабатларга мустаҳкам пойдевор яратди. Буларнинг бари Ўзбекистон Республикаси ва Жануби-шарқий Осиё мамлакатлари ўртасида савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик муваффақият билан раънақ топишига хизмат қилди.

<sup>41</sup> "Народное слово", 31 март 2006 г.

<sup>42</sup> "Народное слово", 21 сентябрь 2012 г.

<sup>43</sup> Жануби-шарқий Осиё мамлакатлари таркибига кирувчи давлатлар - Бруней, Вьетнам, Индонезия, Камбоджа, Лаос, Малайзия, Мьянма, Сингапур, Таиланд, Филиппин.

### 7.3. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувнинг ташкилий ва ҳуқуқий асослари

Бозор иқтисодиётига эга давлатларнинг шаклланиши ва ривожланиши тажрибаси шундан далолат берадики, давлатнинг фаол мувофиқлаштирувчи ролисиз самарали ташқи иқтисодий сиёсат юритиб бўлмайди. Давлат томонидан миллий бозорнинг қўллаб-қувватланиши ташқи иқтисодий алоқаларнинг эркинлаштирилиши иқтисодиёт очиклигининг зарур шarti ҳисобланади.

Ўзбекистон халқаро меҳнат тақсимоти бозорида ўзининг инсон ресурслари, иқтисодий ва илмий салоҳиятига муносиб ўрин эгаллаш, жаҳон хўжалик жараёнларининг тенг ҳуқуқли иштирокчисига айланиш, иқтисодий ўсиш ва миллий иқтисодиёт таркибини самарали мақбуллаштириш мақсадида халқаро айирбошлаш устуворликларидан фойдаланишга интилади. Бунга ташқи иқтисодий алоқалар соҳасидаги оқилона давлат бошқарувисиз эришиб бўлмайди, айти пайтда, вазият давлатнинг ташқи иқтисодий алоқалар соҳасидаги пухта ўйланган стратегияси, халқаро ҳамкорликнинг ривожланган тизими яратилиши ва республиканинг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашуви жараёнини, шунингдек, унинг оқибатларини бошқариш бўйича воситалар комплекси шакллантирилишини тақозо этади.

Собиқ Иттифоқ даврида Ўзбекистонда ташқи савдо операцияларини амалга ошириш ҳамда ташқи иқтисодий сиёсатни шакллантириш учун масъул бўлган мустақил тузилмалар йўқ эди. Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгаши қошида фақат СССР Ташқи иқтисодий алоқалар министрлиги вакили бошқармаси фаолият кўрсатарди. XX асрнинг 30- ва 50-йилларида тасдиқланган Низом ва Иттифоқ министрлигининг йўриқномасига кўра, бошқарма республика ҳудудида жойлашган барча ташкилотлар томонидан СССР ҳукумати ва Иттифоқ Ташқи иқтисодий алоқалар министрлиги топшириқларининг бажарилишини, экспорт бўйича назорат рақамларининг тузилиши ва Иттифоқ министрлигига тасдиқлаш учун топширилишини назорат қилар эди. Бошқарма республика Министрлар Совети муҳокамасига экспортни кенгайтириш учун зарур бўлган хом ашё ресурс-



ларини кенгайтириш бўйича тадбирлар лойиҳаларини, шунингдек, экспорт дастурларини амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа лойиҳаларни тақдим қилар, ҳукумат органлари ва маҳаллий органлар томонидан экспорт учун мўлжалланган хом ашё ресурсларини аниқлаш ва тайёрлов контингентини тайинлаш билан боғлиқ бўлган масалалар муҳокама-масида иштирок этар эди.

80-йилларнинг ўрталарида амалга оширилган қайта қуриш сиёсати доирасида, 1987 йилда Ўзбекистон СССР Министрлар Кенгаши қошида "Ўзбекинторг" республика хўжалик ҳисобидаги ташқи савдо бирлашмаси ташкил қилинди. Унинг таркибига бешта ихтисослаштирилган ташқи савдо фирмалари кирган эди. Айти пайтда Ўзбекистон ССРнинг қишлоқ хўжалиги бўйича давлат-кооператив қўмитасининг "Узагроинторг" республика ташқи иқтисодий бирлашмаси ва ЎзССР Маданият министрлигининг "Интеркультура" ташқи иқтисодий фирмаси ташкил қилинди.

1990 йилнинг июнида Ўзбекистон ССРнинг Ташқи савдо ва хорижий алоқалар бўйича давлат қўмитаси ташкил қилинди. Низомга кўра, у республика қўмитаси бўлиб, бутун СССР ҳудудида ва чет элда Ўзбекистон номидан ва унинг манфаатлари йўлида барча ташқи иқтисодий масалалар бўйича иш юритувчи ташқи иқтисодий алоқаларни мувофиқлаштириш ва бошқариш ишлари билан шуғулланар эди.

Мазкур қўмита ташқи иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш ва республикада ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш учун масъул бўлган биринчи ваколатли орган бўлди. Қўмитанинг асосий вазифаси республика номидан ягона ташқи иқтисодий сиёсат юритиш, ташқи алоқалар иштирокчиларининг ишини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш, хорижий давлатлар билан ҳамкорликнинг янги шаклларини ривожлантириш, ўзига бириктирилган товарлар номенклатураси бўйича экспорт-импорт операцияларини амалга оширишдан иборат эди.

1991 йилда Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, ташқи иқтисодий фаолиятни бошқариш тизимида ҳам туб ўзгаришлар содир бўлди. Янги мустақил давлат ташқи сиёсатининг асосий масаласи ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солувчи ва мувофиқлаштирувчи тузилмаларни

ва уларнинг институционал асосларини яратишдан иборат эди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, "Биринчи босқич институционал ўзгаришларнинг энг муҳим йўналиши ташқи алоқаларнинг ривожланиши ва мустақамланишини таъминлайдиган бошқарув тузилмаларини вужудга келтиришдан иборат бўлди. Шу муносабат билан республика тарихида биринчи марта Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги тузилди".<sup>44</sup>

Ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва чуқурлаштириш, ташқи савдони эркинлаштириш, ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришда ҳўжалик юритувчи субъектларнинг мустақиллигини кучайтириш, маркетинг тизимини такомиллаштириш ва мамлакат товарларини халқаро бозорларга чиқариш мақсадида 2002 йилнинг октябрида Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигига айлантирилди. Таркибидан давлат-акциядорлик компаниялари чиқарилди ва улар мустақил ҳўжалик юритувчи субъектлар сифатида фаолият кўрсата бошлади.

Ташқи иқтисодий алоқаларни кенг ривожлантириш ва чуқурлаштириш, хорижий инвестицияларни жалб этишни фаоллаштириш ва хорижий сармоядорларга ишончли кафолатларни таъминлаш, ташқи савдони янада эркинлаштириш, мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчилари билан чет эл фирмалари ўртасидаги узоқ муддатли барқарор шериклик муносабатларини шакллантириш мақсадида 2005 йил июлда Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига айлантирилди.

Вазирликнинг муҳим вазифаси - экспорт салоҳиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш билан бирга, республика ҳудудларини ривожлантириш дастурлари ишлаб чиқиш ва иқтисодиёт тармоқлари ва республика ҳудудлари бўйича жалб қилинадиган инвестицияларни мақбул тарзда жойлаштириш бўйича таклифлар тайёрлашда иштирок этиш орқали кўмаклашишга

---

<sup>44</sup> Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-ж. - Т.: Ўзбекистон, 1996. -Б. 232.

йўналтирилган эди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий сиёсати "Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашни, халқаро меҳнат тақсимоотида тенг ҳуқуқлилиқ ҳамда ўзаро манфаатдорлик асосида фаол иштирок этишини таъминлашга даъват этилгандир"<sup>45</sup>.

Ташқи иқтисодий алоқалар соҳасида мустақиллик йилларида эришилган қуйидаги асосий натижа ва ютуқларни алоҳида қайд этиш мумкин:

1. Ташқи савдо, умуман, ташқи иқтисодий алоқаларнинг монополиядан ҳоли қилиниши ва марказдан четлаштирилиши амалга оширилди. Ташқи иқтисодий фаолият эркинлаштириш йўли билан тубдан ўзгартирилди. Давлат монополияси бартараф этилди, корхоналарнинг ташқи бозорларга чиқишининг маъмурий тартибга солиниши чекланди, хорижий инвестицияларнинг мамлакат иқтисодиётига кенг миқёсда кириб келиши таъминланди.

2. Ташқи иқтисодий алоқалар соҳасида халқаро меъёрлар ва стандартларга мос бўлган қонунчилик-меъёрий база яратилди. Бозор муносабатларига ўтиш, ташқи иқтисодий фаолиятнинг янги ҳуқуқий асоси, мамлакат ташқи иқтисодий ҳаётининг асосий йўналишлари учун ҳуқуқий пойдевор яратилишини тақозо этди.

"Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида"ги Қонун 1991 йил июнда қабул қилинган эди. 1992 йил июлда унга тегишли ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилди. Ушбу Қонун иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг биринчи босқичида маъмурий-буйруқбозлик тизимидан иқтисодиётни бошқаришнинг бозор механизмларига ўтишда, ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишда муҳим аҳамият касб этди.

"Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида"ги Қонуннинг 2000 йилда қабул қилинган янги таҳрири концепциясида Бутунжаҳон Савдо Ташкилотининг (БСТ) асосий тамойилларига (қамситмаслик, транспарентлилиқ ва ҳ.з.) алоҳида эътибор берилди. Қонунга ташқи иқтисодий фаолиятнинг либераллашуви жараёнларини ифодаловчи, ташқи иқтисодий фао-

---

<sup>45</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-ж. - Т.: Ўзбекистон, 1996. -Б. 305.



лиятни тартибга солувчи миллий қонунчиликни жаҳон савдо тизими қоидалари ва меъёрларига уйғунлаштиришни акс эттирувчи янги қоидалар киритилди. Янги таҳрир лойиҳасига мазкур қоидаларни киритишда ташқи иқтисодий фаолият соҳасида асосий қонун бўлгани ҳолда, у БСТ ҳуқуқий тизимининг асосий меъёрларини белгилаши, Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолиятини тартибга солишда ўз ривожланиш стратегиясидан келиб чиққан ҳолда уларга амал қилиш кўзда тутилди.

2003 йилда "Муҳофаза чоралари, антидемпинг ва компенсация божлари тўғрисида" Қонун<sup>46</sup> қабул қилинди.

2004 йилда экспорт назорати соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш ва Ўзбекистон Республикасининг оммавий қиргин қуроллари ва бошқа қурол-яроғларни тарқатмаслик соҳасидаги халқаро мажбуриятларини бажариш мақсадида "Экспорт назорати тўғрисида" Қонун<sup>47</sup> қабул қилинди. Бу Қонун Ўзбекистон Республикасининг экспорт назоратига оид асосий тушунча ва тамойилларини, экспорт назоратини амалга ошириш усуллари ва экспорт назорати объектларини олиб чиқиб кетиш тартибини, экспорт назорати объектларини олиб чиқиб кетишда юридик ва жисмоний шахсларнинг мажбуриятларини белгилайди, шунингдек, бошқа масалаларни тартибга солади.

Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солувчи бошқа қонунчилик ҳужжатлари орасида "Валютани тартибга солиш тўғрисида"ги, "Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида"ги, "Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги, "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолати ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги, "Инвестиция фаолияти тўғрисида"ги Қонунларни қайд этиш зарур.

1995 йилда ташқи савдонинг нотариф тартибга солиш чораларидан тарифга оид чораларга ўтилди, импортни тариф орқали тартибга солиш тизими жорий этилди. 1997 йил-

---

<sup>46</sup> Ўзбекистон Республикасининг "Муҳофаза чоралари, антидемпинг ва компенсация божлари тўғрисида"ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2004. 4-сон. 39-модда.

<sup>47</sup> Ўзбекистон Республикасининг "Экспорт назорати тўғрисида"ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2004. 37-сон. 406-модда.

да "Божхона тарифи тўғрисида"ги Қонун ва Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси қабул қилинди, 1997-98 йилларда квоталаш ва лицензиялаш тартиботлари, экспортга доир божхона божлари бутунлай бекор қилинди.

2001 йил 1 мартдан Ўзбекистон Товарларни тарифлаш ва кодлаш бўйича халқаро уйғунлаштирилган тизимга мувофиқ, ташқи иқтисодий савдонинг товар номенклатурасидан фойдалана бошлади. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятининг янгиланган товар номенклатураси амал қилади, унда товарлар классификацияси ўн хонали сонгача аниқлаштирилган<sup>48</sup>. "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолати ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги<sup>49</sup> Қонунга кўра, инвестициялаш шарт-шароитлари ёмонлашса, унда чет эллик инвесторларга нисбатан инвестициялаш санасида амал қилган қонун ҳужжатлари инвестициялаш пайтидан бошлаб ўн йил мобайнида қўлланилади.

Бундан ташқари, давлат бошқаруви органлари ёки жойлардаги маҳаллий ҳокимият органлари томонидан инвесторларнинг ҳуқуқларини камситувчи меъёрий ҳужжатлар қабул қилинса, шунингдек, уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашувга йўл қўйилса, етказилган зарар ушбу органлар томонидан суд тартибида қопланади.

Ўзбекистонда мамлакат ҳудудида хорижий инвестор олган даромадларни реинвестиция қилиш шартларида ҳеч қандай чекловлар мавжуд эмас - улар хорижий инвестор ихтиёрига кўра, ҳар қандай усулда фойдаланилиши мумкин.

2012 йилда мамлакатда бизнес жозибадорлигини оширишга йўналтирилган қўшимча ҳужжатлар қабул қилинди. Сўнги 5 йил давомида Ўзбекистонда инвестицияларнинг

---

<sup>48</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 27 мартда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2008. 14-15-сон. 98-модда.

<sup>49</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. - 1998. 5-6-сон. 93-модда.

йиллик ўсиш суръати 9 фоиздан ошмоқда, бу эса халқаро ҳамжамиятда, айниқса, ҳамон давом этаётган молиявий-иқтисодий инқироз шароитидаги энг юқори ва барқарор кўрсаткичлардан биридир. Шуниси диққатга сазоворки, сўнгги 10 йилда мамлакат иқтисодиётига инвестициялар ҳажми 3,2 баробар ортган бўлса, ушбу даврда тўғридан тўғри инвестициялар ҳажми 20 баробардан кўпроқ ошди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиётига 162 миллиард АҚШ долларида зиёд маблағ жалб қилинган бўлиб, шундан 56 миллиард АҚШ доллари хорижий инвестициялардир.

2013 йилги Инвестиция дастурини амалга ошириш доирасида 13 миллиард долларга тенг маблағ ўзлаштирилди, бунда 2012 йилга нисбатан 11,3 фоиз ўсиш таъминланди. Бунда ўзлаштирилган капитал қўйилмаларнинг деярли ярмини (47 фоиз) хусусий сармоялар ташкил этди. Умуман, мамлакатимиз иқтисодиётига инвестициялар киритиш ҳажми ЯИМга нисбатан 23 фоизни ташкил этди.

Ўзбекистонда Тикланиш ва тараққиёт фондининг яратилиши кўп жиҳатдан хорижий инвестицияларнинг жалб қилинишига кўмаклашди. Ушбу Фонднинг асосий вазифаси хорижий шериклар билан биргаликда иқтисодиётнинг асосий тармоқларида ва йўл-коммуникация соҳасида стратегик аҳамиятга эга инвестициявий лойиҳаларни молиялаштиришда иштирок этишдан иборат.

Фонд фаолият юритаётган қисқа давр ичида 15 миллиард АҚШ долларида зиёд активларга эга қудратли молиявий институтга айланди. Бу эса мамлакат иқтисодиётига киритилган инвестицияларнинг бир йиллик умумий ҳажмига тенг. Фонд ўз воситалари билан умумий қиймати 29 миллиард АҚШ долларига тенг стратегик аҳамиятли лойиҳаларни қўшимча молиялаштиришда иштирок этмоқда. Фақат 2013 йилнинг ўзида Фонд маблағлари иштирокида 780 миллион АҚШ долларлик 33 ўта муҳим лойиҳа амалга оширилди, бу эса 2012 йилга нисбатан 24 фоизга кўп.

Ўзбекистон Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осие Тараққиёт банки, Европа Тикланиш ва тараққиёт банки каби халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотларнинг тўлақонли аъзосига айланди.



Ташқи савдо давлат ташқи иқтисодий фаолиятининг таркибий қисми бўлиб, унинг роли йилдан-йилга ошиб бормоқда, бу эса жаҳон ҳамжамияти доирасида тобора чуқурлашиб бораётган интеграция самарасидир. Аммо турли мамлакатлар ва уларнинг юридик ва жисмоний шахслари билан ташқи иқтисодий муносабатлар фақат ташқи савдо муносабатлари билан чекланиб қолмасдан, анча мураккаб ва кенг савдо-сотиқ, ишлаб чиқариш, илмий-техникавий, молиявий ва бошқа муносабатлар мажмуидир.

Айни пайтда, Ўзбекистон 45 та мамлакат билан энг яхши қулайлик режимини тақдим этиш тўғрисида битим имзолаган. Бундан ташқари, МДХ мамлакатлари билан савдо муносабатларида эркин савдо-сотиқ режими амал қилмоқда<sup>50</sup>.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо алмашинуви 13 баробар, шу жумладан, экспорт 21 баробар кўпайди.

2013 йил якунларига кўра, ташқи савдо алмашинувида ижобий сальдога эришилиб, у 1,3 миллиард АҚШ долларидан ортди. Жаҳон бозори конъюнктурасининг барқарор эмаслигига қарамай, 2013 йилда экспортнинг ўсиши ҳажми 10,9 фоизни ташкил этди. Экспорт ҳажми кенгайди, экспорт қилинаётган маҳсулотлар таркиби ва сифати тобора яхшиланмоқда. Экспортга йўналтирилган маҳсулотларнинг ўнлаб янги турлари, шу жумладан, қишлоқ хўжалик техникаси, енгил ва юк автомобиллари, комплексли минерал ўғитлар ва бошқа маҳсулотларнинг янги турлари ўзлаштирилди. 2013 йил якунларига кўра, экспорт таркибида ноҳомашё тайёр маҳсулотлар улуши 72% дан кўп қисми ташкил этди. Экспорт географияси 179 мамлакатни қамраб олди. Ташқи фаолият миллий банки ҳузурида республиканинг барча ҳудудларида ўз филиалларига эга Кичик бизнес ва хусусий тад-

---

<sup>50</sup> Эркин савдо зонасини ташкил этиш тўғрисидаги Битим иштирокчилари бўлган давлатлар: Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 8 апрелда 429-тартиб рақами билан рўйхатга олинган // Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси. - 1998. 4-сон. 113-бет.

биркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш фондининг ташкил қилиниши мамлакат экспорт салоҳиятининг янада ўсишига хизмат қилади. Унинг асосий вазифалари мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни экспортга жўнатилишига ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий ёрдам курсатишдан иборат.

Қўллаб мамлакатларда давлат қарзининг ўсаётганлиги билан боғлиқ муаммолар сақланиб қолаётган бир пайтда Ўзбекистонда ташқаридан қарз олиш борасида амалга оширилаётган пухта ўйланган сиёсат ташқи қарз ҳажмларини нисбатан паст даражада ушлаб туриш ҳамда мамлакатнинг ўз мажбуриятлари бўйича тўлиқ жавоб берувчи давлат сифатидаги нуфузини сақлаб қолиш имконини бераётир.

\* \* \*

Ўзбекистон Републикасининг сиёсий истиқдолга эришиши нафақат мамлакатнинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий қиёфасининг тубдан янгиланиши йўлидаги тарихий воқеа, балки мустақил ташқи сиёсат юритиш вақтининг бошланиш нуқтаси ҳам бўлди.

Собиқ иттифоқ даврида Ўзбекистон, бошқа республикалар каби, ўз тараққиёт йўлини мустақил белгилаш, айниқса, ташқи сиёсий фаолият юритиш масалалари бўйича элементар ҳуқуқлардан ҳам маҳрум этилган эди.

Президент Ислом Каримов юксак ирода ва сабр-тоқат намоён этиб, мамлакат ташқи сиёсати стратегияси ва тамойилларини ишлаб чиқди ҳамда ёш давлатимиз халқаро фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаб берди. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг бош ғояси мамлакатнинг дунё ҳамжамияти ҳаётининг барча соҳаларига кенг равишда кириб боришига қаратилган эди. Шунингдек, бу ғоя миллий давлат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, дунё мамлакатлари билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини икки томонлама ва кўп томонлама асосларда ривожлантиришни, тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликни минтақа ва глобал миқёсда таъминлашни кўзда тутарди. Мамлакатимиз ташқи сиёсий фаолиятининг стратегик йўналиши, унинг умумжаҳон ва умуминсоний қад-

риятларга мақбуллиги, шунингдек, халқаро ҳуқуқ нормаларига мослиги Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида дунё ҳамжамиятига кириб боришига кенг шароит яратди. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси 100дан ортиқ халқаро ташкилот аъзоси ҳисобланади. Улар орасида БМТ, ЕХХТ, ШХТ, МДХ каби нуфузли тузилмалар бор. Параллел равишда Европа Иттифоқи, Бутунжаҳон реконструкция ва ривожланиш банки, Осиё тараққиёт банки ва Ислом тараққиёт банки каби иқтисодий ва молиявий ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик ривожланмоқда. Ташқи сиёсий фаолиятнинг асосларига қатъий амал қилиш натижаси ўлароқ, Ўзбекистон Республикаси дунёнинг кўплаб мамлакатлари билан тенг ҳуқуқлилиқ асосида ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий, инвестициявий, илмий-техник ва маданий-гуманитар алоқалар ўрнатишга муяссар бўлди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг йирик ютуқларидан бири сифатида ҳақли равишда ҳам минтақавий, ҳам глобал миқёсдаги тинчлик, барқарорлик ва ҳавфсизликни таъминлаш соҳасидаги ютуқларини айтиш мумкин.



## **VIII боб. Ким эдигу ким бўлдик (Хулоса ўрнида)**

Мамлакатимиз мустақилликка эришиб, эркин, демократик жамият қуриш, келажак авлодларга озод ва обод Ватан қолдиришдек улуғ ният йўлига қадам қўйганидан бери орадан йигирма йилдан зиёд вақт ўтди. Тарихан қисқа бу давр ичида халқимиз Президент Ислом Каримов раҳнамолигида ғоят мураккаб, аммо моҳият эътибори билан асрларга тенг миллий тараққиёт ва юксалиш йўлини босиб ўтди, ёш давлатимизга, озодлигимизга, тинч-тотув ҳаётимизга қилинган ички ва ташқи тажовузларни сабр ва бардош билан енгди, собиқ тузум иқтисодиёти ва мафкурасининг нохуш асоратларидан қутулиш, янги жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий асосларни яратиш, бошқарувни янгилаш йўлида фидокорона меҳнат қилди. Шу маънода, бу йилларнинг ҳар куни, ҳар дақиқаси жасорат ва матонатга, эзгулик ва яратувчанликка, мустақил Ўзбекистоннинг буюк келажакка қатъий ишонч туйғуларига йўғрилган бўлди десак, муболаға бўлмайди. Ғоят мураккаб шароитда, мамлакат деярли очарчилик ёқасига келиб қолган, ташқи босим кучайган пайтда ҳам танлаган йўлимиздан қайтмаганимиз, халқимизнинг кучли иродаси, салоҳияти ва тарихий тажрибасига таяниб иш кўрганимиз, "янги уйни қурмай туриб, эскисини бузмаганимиз", ҳар ишни узоқ келажакни, биздан кейин келадиган авлодлар манфаатларини ҳам ўйлаб, пухта режа ва ақл-идрок билан бажарганимиз, истиқлолимизнинг дастлабки қадамларидаёқ миллий тараққиёт йўлини аниқ-равшан белгилаб олганимиз қўлга киритган барча ютуқларимизнинг бош омили бўлди.

Президент Ислом Каримов истиқлол арафасидаёқ мустақил Ўзбекистон давлатининг сиёсати бундан буён инсонийлик ва эзгулик тамойилларига, умуминсоний қадриятларга асосланишини, Ўзбекистон дунёнинг барча мамлакатлари билан манфаатли, миллий истиқлол ғояларига мос,

тенг ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишини расман эътироф этди. Одамларнинг турмуш тарзини тубдан ўзгартириш, янги иш ўринлари яратиш, қишлоқ аҳолисини, айниқса, ризқ-рўзимизни яратаётган деҳқонларни қўллаб-қувватлаш, барча соҳаларда қатъий тартиб-интизом ўрнатиш, раҳбар кадрларни тўғри танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларга нисбатан талабчанликни ошириш, ҳар бир киши ўзига топширилган ишни виждонан ва ҳалол бажаришига, ташаббус кўрсатиб ишлашига эришиш бирламчи вазифалар сифатида белгиланди. Бу - собиқ марказдан туриб, мустақиллигимизга тош отаётган, "Ўзбекистон узоққа бора олмайди, миллий маҳдудликка берилиб, маърифий дунёдан узилиб қолади, хурофотга берилади", дея башорат қилаётган кимсаларга берилган дастлабки зарба эди.

Айтиш керакки, Ўзбекистон танлаган бу йўл, Президент Ислам Каримов таъкидлаганидек, "гул билан қопланган эмас, тоталитаризм меросидан халос бўлиш ва покланиш, мафкуравийлик илллати етказган зиён-заҳматларни бартараф этишнинг қийин, узоқ давом этадиган йўли" эди. Собиқ тузум ўз таъсир кучини сақлаб, мафкура қиличини қайраб турган бир пайтда иттифоқ ҳукуматига: "Бизнинг асосий талабимиз мулкчилик тўғрисида. Ўзини мустақил давлат деб эълон қилган мамлакат ўз ҳудудида бўлган барча ер ости-ю, ер усти бойликларига, ишлаб чиқарувчи кучларга ҳеч сўзсиз фақат ўзи эгалик қилмоғи керак", деган қатъий талаб қўйиши чинакам жасорат эди.

Ўтган йиллар мобайнида ҳаётимизнинг маъно-мазмуни, қадр-қимматимиз ва тақдиримиз бўлиб қолган мустақиллик туйғуси ҳар биримизнинг онг-шууримизга, ақл-идрокимизга шу қадар чуқур сингдики, эндиликда ҳеч ким ўзини бир лаҳза бўлса-да, ундан айро ҳис этмайди. Аксинча, қўлга киритилган улкан, оламшумул ғалабаларда, мислсиз бунёдкорлик ишларида оз бўлса-да ўзининг ҳам ҳиссаси борлигидан, истиқлол тақдирига дахлдорлигидан, ижтимоий фаоллигидан, ҳалол меҳнати, изланишлари самараларидан баҳраманд бўлаётганидан ҳақли равишда фахрланади, халқимиз учун ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт тарзини яратиш - давлатимиз олдида турган муқаддас вазифа эканини дилдан ҳис этади. Шу туйғу барчамизни янада фаол, масъули-

ятли ва фидойи бўлишга ундайди. Президент Ислон Каримовнинг бевосита раҳбарлиги остида ишлаб чиқилган мамлакат Конституциясида республикамизда истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилиниши, уларнинг ривожланиши учун зарур шарт-шароитларнинг яратилиши алоҳида эътироф этилгани жамият аъзоларида ягона Ватан туйғусини, умумий уйда тинч-тотув, аҳил-иноқ яшаш, ўзаро меҳр-оқибатли бўлиш, ўзликни намоён этиш кайфиятини, айни чоғда, шу азиз Ватан бойликларини кўпайтириш, уларни асраб-авайлаш, келажак авлодларга етказиш ниятини кучайтирди, улғаяётган янги ёш авлод қалбида Ватан тинчлиги ва раўнақи учун масъуллик ҳиссини юзага келтирди.

Ватан тараққиёти, миллий юксалиш, табиийки, жамият олдига қўйилган вазифаларнинг бажарилиши учун зарур иқтисодий ва ижтимоий шарт-шароит ҳамда ҳуқуқий асосларнинг мавжудлигига бевосита боғлиқ бўлади. Истиқлол Конституцияси, энг аввало, ана шу шароитларни яратиб берди. Халқимизнинг ҳуқуқий онги ва тафаккурини тарбиялаш, ҳуқуқий маданиятини ошириш, қонун устуворлигига эришиш орқали адолатли ва эркин жамият барпо этиш бош мақсадимизга айланди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йилги қарори билан тасдиқланган "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури", Президент Ислон Каримовнинг "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги Фармойиши (2001 йил), Вазирлар Маҳкамасининг "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори (1998 йил) ва бошқа муҳим ҳужжатлар бу борада дастуриламал бўлди.

Истиқлол йилларида халқимиз, айниқса, ёшларимиз ҳаёти ва дунёқарашида юз берган энг муҳим ўзгариш шундан иборатки, эндиликда биз шу азиз юрт, шу муқаддас Ватан - бизники, ўзимизники, келажак насларимизники, унинг янада гуллаб-яшнаши, дунёнинг ривожланган илгор, иқтисоди бақувват давлатлари сафида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлиши Ўзбекистонда яшаб умргузаронлик қилаётган барча-барчага баробар тааллуқли эканини дилдан ҳис этамиз. Давлатимиз раҳбари бошчилигида, халқимиз-



нинг мустаҳкам иродаси, қатъияти ва фидойилиги, муштарак эзгу мақсад йўлидаги шижоатли меҳнати боис эришган тарихий ғалабаларимизнинг барчаси аҳил-иноқлигимиз, янада фаровон эртамызга бўлган қатъий ишончимиз натижаси эканини англаймиз. Мустақиллик аждодларимизнинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқарди, икки ўн йилликда бутун мамлакат, эл-юрт, одамларнинг ҳаёти, турмуш тарзи бутунлай ўзгарди, жаҳон харитасида янги, ёш, мустақил давлат пайдо бўлди, унинг залворли қадамлари, азму шижоати, эзгу амаллари жаҳон минбарларида расман эътироф этилмоқда.

Мустабид тузум зулмидан озод бўлиб, ўз эркини қўлига олган, аммо миллий тараққиёт йўлини тўғри белгилай олмай, бу имкониятни қўлдан бой берган давлатлар дунё тарихида оз эмас. Бизнинг энг улуг ютуғимиз - мураккаб иқтисодий таназзул шароитида шиддатни сусайтирмаганимиз, хурж ва фитналарга ўз вақтида муносиб жавоб қайтарганимиз, доимо огоҳ бўлганимиз, янги ёш авлод тарбиясига, уларнинг ҳар жиҳатдан комил инсонлар бўлиб вояга етишига бирламчи эътибор берганимиз бўлди.

Ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари бошларида аҳвол ғоят мураккаб эди. Собиқ тузумдан қолган майиб-мажруҳ иқтисодни тиклаш, бир вақтнинг ўзида ҳам иқтисод, ҳам сиёсат, ҳам маданий-маърифий ишлар билан шуғулланишга, энди оёққа тураётган ёш давлатимизга нисбатан қилинаётган тазйиқларни енгишга тўғри келди. Президентимизнинг шу йиллари қабул қилган тарихий фармон ва қарорлари иқтисодий тангликнинг олдини олиш, аҳолининг кам таъминланган, умр бўйи далада меҳнат қилиб, елкаси офтоб кўрмаган табақаларини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, мустақиллик арафасида жамиятда юзага келган парокандалик, бошбошдоқликнинг олдини олиш, кескинликни юмшатиш, хавотир ва ишончсизликка барҳам бериш, одамларда ёруғ кунларга ишонч туйғусини уйғотишга хизмат қилди. Мамлакатимизда хусусий мулкка нисбатан муносабатнинг тубдан ўзгариши, қишлоқ меҳнаткашларига томорқа учун ер ажратилиши, тадбиркорлик ва ишбилармонлик йўлига қўйилган сунъий ғовлар, мафкуравий чекловларнинг олиб ташланиши элнинг руҳини кўтарди, томир-

ларида азалдан мавжуд ишбилармонлик, тадбиркорлик хислатларини уйғотди.

Истиқлол, энг аввало, ўзликка қайтиш ва уни англаш, инсон манфаатлари устувор бўлган янги, эркин, демократик жамият қуриш, миллий ва диний қадриятлар, урф-одат ва анъаналарни тиклаш, уларни асраб-авайлаш, улуғ аждодларнинг бебаҳо илмий ва маънавий меросидан эмин-эркин баҳраманд бўлиш, ўзимизга хос ва мос турмуш тарзини белгилаш имконини берди. Истиқлол боис халқимиз учун дунё эшиклари, манфаатли ҳамкорлик йўллари очилди. Миллатнинг шаън-шавкати, гурури тикланди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида ёш давлатимиз олдида турган муҳим тарихий вазифа - мустақилликни мустаҳкамлаш, жамият ҳаётида тинчлик-тотувликни сақлаб қолиш, таъминотдаги узилишларнинг олдини олиш, одамларнинг онг-шуурига истиқлол ғояларини сингдириш, халқнинг қадр-қимматини кўтариш, эртанги ёруғ кунларга ишончини кучайтириш эди. Бу вазифаларнинг ҳар бири шижоат ва матонатни, қатъиятли, узоқни кўра олувчи раҳбарлик, йўлбошчилик салоҳиятини, ҳар соҳа ва йўналишда ягона тўғри, адолатли, халқимиз манфаатларига зид бўлмаган ечимларни топишни талаб қилар эди. Шу маънода Президент Ислом Каримов раҳбарлиги остида қисқа вақт ичида тараққиётнинг яқин келгусига мўлжалланган, халқимизнинг хоҳиш-истаги, турмуш тарзи ва менталитетига мос ривожланиш модели, яъни машҳур беш тамойилнинг ишлаб чиқилгани айтиш мумкин бўлди. Ўтган йиллар давомида ўзини тўла оқлаган, даврнинг оғир синовларидан ўтган ва дунё миқёсида тан олинган бу модель, аввало, мамлакатда янги, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этди. Бу тамойилларнинг моҳияти ўтиш даврида давлат зиммасига бош ислохотчилик масъулиятининг юкланиши, иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлигини таъминлаш, жамият ҳаётида қонун талабларининг барчага баробарлигига эришиш, аҳолини кучли ижтимоий ҳимоя остига олиш ва ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш каби ўта мураккаб вазифалардан иборат эди. Бир-бири билан узвий равишда боғланган, бири иккинчи-

сини мантиқий тўлдирадиган бу вазифалар янги ёш давлатнинг ўзига хос ижтимоий-сиёсий ташриф қоғози эди.

Эътироф этиш зарурки, дунё мамлакатларида ривожланишнинг хилма-хил моделлари, иқтисодий юксалишга эришишнинг кўпдан-кўп режа ва дастурлари мавжуд. Уларни ўрганиш фойдадан холи эмас, албатта. Бироқ мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки кезларида энг мукаммал модель ёки дастурдан бевосита нусха олиш ҳам ўзини оқламаслиги тайин эди. Собиқ тузумнинг ижтимоий-маънавий асоратлари, бунинг устига, вазиятнинг оғир ҳамда қалтислиги ва бошқа бир қатор нохуш ҳолатлар халқнинг руҳияти ҳамда мамлакатнинг ички имкониятларига мос равишда режа тузишни, баландпарвоз шиорларни ўртага ташламасликни тақозо этарди.

Ўзбекистон ўзи учун, биринчи навбатда, мустақил, аниқ мақсадли халқчил йўл танлади. Шу боисдан ҳам у кўп ўтмай ўзининг ижобий самарасини бера бошлади. Бугун, дунёнинг кўпгина мамлакатлари молиявий-иқтисодий инқироз туфайли мураккаб ижтимоий-иқтисодий муаммолар билан юзмаюз турганида, йирик корпорациялар, концернлар ишчи ўринларини, ижтимоий ҳимоя пакетларини қисқартиришга мажбур бўлаётганларида Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари бир маромда давом этмоқда. Иқтисодчи олимлар, молиячи мутахассислар тўқсонинчи йиллар бошида Ўзбекистон иқтисодий-ижтимоий сиёсат борасида ғоят тўғри ва мақсадга мувофиқ йўлни танлаганини эътироф этмоқдалар. Давлатимиз раҳбарининг "Биз борини асраб-авайлаш ва йўғини яратиш йўлидан борамиз", деган шиори оғир шартлар ҳисобига бошқалардан қарз олмаслик, фақат бугунни эмас, олис келажакни ҳам ўйлаб иш тутиш принципи мустақиллигимизнинг дадил ва ишончли одимларига замин яратди, қисқа вақт ичида мамлакатимизни жаҳон ҳамжамиятининг тўлақонли аъзосига айлантирди. Мураккаб шароитда аҳолини иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, шаҳар ва қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартириш, янги авлод тарбияси, бунёдкорлик ва яратувчанлик ишлари, илм-фан, саноат ва қишлоқ хўжалиги, маданият ва санъат, спорт ва бошқа соҳаларда қўлга киритилаётган оламшумул ютуқларимизга бугун дунёнинг ҳаваси келмоқда.



Албатта, жамиятни, бошқарув тизимини янгилаш, янги дунёқарашга эга бўлган ёшларни тарбиялаш, айти пайтда, барқарор иқтисодий ўсишга эришиш осон кечгани йўқ. Бу жараён эски тузум тамомила вайрон бўлган, янги давлатимиз эса энди-энди оёққа тураётган, унинг ижтимоий муносабатлари аста-секин қарор топаётган бир пайтга тўғри келди. Бир вақтнинг ўзида жамият ҳаётида ижтимоий адолатни қарор топтириш, ҳуқуқ-тартибот, таълим-тарбия ва бошқа соҳаларни тубдан ислоҳ қилиш масалалари юзага чиқди.

Дунё мамлакатлари тарихидан маълумки, чуқур билим ва малакага эга бўлган ёшлар жамият олдида турган энг оғир, масъулиятли вазифаларни ҳал этишга қодир бўладилар. Миллий истиқлолимиз тарихига назар ташлар эканмиз, эришилган ютуқларимизда айти шу йилларда тарбия топган, камолга етган, касб-ҳунар эгаси бўлган ёшларнинг ҳиссаси катта эканига ишонч ҳосил қиламиз. Бу авлод қалбида ватанпарварлик, юртсеварлик, улуғ аждодларга муносиб ворислар бўлиш туйғуси тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Истиқлол шароитида кечган ҳаётимиз давомида юзага чиққан бир ҳақиқат шуки, Ватанни асраш, уни ҳимоя қилиш - ҳар бир фарзанд учун муқаддас инсоний бурч бўлиб, бу ишга бутун вужуд, қалб, имон-эътиқод билан чоғланиш, сергак ва огоҳ бўлиб туриш лозим бўлади. Давлатимиз раҳбарининг "Юксак маънавият - енгилмас куч" асарида таъкидлаб ўтилганидек: "...ҳар қайси давлатнинг чегараларини дахлсиз сақлашда ҳарбий куч-қудрат, қуроли кучлар сув билан ҳаводек зарур. Аммо халқимиз, авваламбор, ёш авлодимиз маънавий оламининг дахлсизлигини асраш учун биз нималарга таяниб-суяниб иш олиб боришимиз керак, деган савол бугун барчамизи ўйлантириши табиий. Мен, ҳаётда кўп бор ўз тасдиғини топган ҳақиқатдан келиб чиққан ҳолда, бу масалада шундай деган бўлардим: тобора кучайиб бораётган бундай хатарларга қарши доимо сергак, огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшашимиз зарур. Бундай таҳдидларга қарши ҳар томонлама чуқур ўйланган, пухта илмий асосда ташкил этилган, мунтазам ва узлуксиз равишда олиб бориладиган маънавий тарбия билан жавоб бериш мумкин".

Бугунги дунёнинг мураккаб хусусиятларидан бири - иқтисодий жиҳатдан юксак ривожланган мамлакатлар ҳам

Ўз ҳудудларидан анча олисда жойлашган бошқа мамлакатларга, биринчи навбатда, уларнинг ер ости ва ер усти бойликларига суқланиб қарайдилар, таъмагирлик манфаатидан келиб чиқиб, Ўзга минтақаларда қарор топган тинч ҳаёт тарзини, миллий маънавиятни издан чиқаришга, бошқа халқларга ўзларига мақбул бўлган қадриятларни сингдиришга ҳаракат қиладилар.

Истиқлол йилларида бундай хуружларга кўп бор дуч келдик, сир эмаски, бундай уринишлар ҳозир ҳам йўқ эмас. Давлатимиз раҳбари огоҳ этаётганидек, келгусида ҳам бўлади. Ватанни, мустақилликни, миллатнинг эртанги кунини ҳимоя қилиш, иқтисодиётда барқарор ўсишга эришиш мана шундай ҳолатларнинг маъно-моҳиятини тўғри тушуниш, бепарволикка, ўзибуларчиликка йўл қўймаслик, ютуқлар таъсирида хотиржамликка берилмаслик дегани ҳамдир.

Шу ўринда 2013 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш билан боғлиқ баъзи маълумотларни келтириб ўтиш ўринлидир. Йилнинг дастлабки олти ойи ичида саноат соҳасида тармоқлар рақобатдошлигини ошириш ва уларни янада диверсификация қилиш билан боғлиқ чоратадбирларнинг амалга оширилиши натижасида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқиш ҳажми 8,2 фоизга ошди, фермер хўжаликлари моддий-техника базасининг мустаҳкамланиши, қишлоқ хўжалигига илғор технологияларни жорий этиш кўламининг кенгайиши соҳада ялпи маҳсулот ҳажмининг 7,3 фоизга ўсишини таъминлади. Аҳоли учун истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида технологик ускуналар харид қилиш ва айланма маблағларни тўлдириш учун ишлаб чиқарувчи корхоналарга банкларнинг 1430 миллиард сўмлик кредитлари ажратилди. Иқтисодиётга хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш, соҳанинг етакчи тармоқларини янгилаш борасида салмоқли ишлар қилинди. Жумладан, инвестициялар ҳажмининг ўсиш суръатлари бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан 43,9 фоиз, аҳоли маблағлари ҳисобидан 26,1 фоиз, тижорат банклари кредитлари ҳисобидан 10,1 фоизга таъминланди. Кичик бизнесни ривожлантириш, бу соҳада ишлаётган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, улар учун қулай иш шароитларини яратиш мақсадида амалга оширилаётган тадбирлар ҳам ўзининг ижобий

самарасини берди. Йилнинг биринчи ярмида кичик бизнес субъектларига умумий қиймати 23,9 миллиард сўмлик давлат активлари сотилди, 19 мингдан ортиқ фойдаланилмаётган давлат мулки объектлари ижарага берилди. Қишлоқ жойларида янги иш ўринлари яратиш, аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш борасида ҳам ижобий ўзгаришлар юз берди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда аҳолининг реал ялпи даромадлари жон бошига 8,2 баробар ошди. Ўзбекистоннинг ташқи давлат қарзи ялпи ички маҳсулотга нисбатан 16 фоиздан ошмаяпти, экспорт ҳажми ва олтин-валюта захиралари кўпайиб бормоқда. Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимиз иқтисодиётида 162 миллиард доллардан ортиқ капитал маблағ ўзлаштирилди, бунинг 56 миллиард доллари хорижий инвестициялардир. Биргина 2013 йилнинг ўзида капитал инвестициялар ҳажми доллар ҳисобида қарийб 14 миллиардни ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 23 фоизни ташкил этгани бу йўналишда Ўзбекистонда ғоят қулай шартшароит мавжудлигини кўрсатади. Бу рақамлар ёнига фойдаланишга топширилган минглаб километрлик темир ва автомобиль йўллари, қишлоқларимизда қад ростлаган замонавий уй-жойлар, спорт ва соғломлаштириш мажмуалари қўшилса, Ўзбекистон тарихан қисқа муддатда иқтисодиёти бирёқлама ривожланган аграр республикадан замонавий саноат тармоғига эга бўлган, барча соҳаларда жадал тараққий этаётган, халқнинг харид қуввати тобора мустаҳкамланаётган мамлакатга айлангани яққол намоён бўлади. Бугун мамлакатимизда автомобилсозлик, моторсозлик ва улар учун бутловчи қисмлар тайёрлайдиган соҳалар, нефть ва газни қайта ишлайдиган, фармацевтика маҳсулотлари, замонавий телевизор ва компьютерлар ишлаб чиқарадиган кўплаб янги саноат тармоқлари ишлаб турибди. Озиқ-овқат, енгил саноат, кимё, қурилиш материаллари саноати ва бошқа тармоқлар тўла модернизация қилинди.

Истиқлол йилларида она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, хотин-қизларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ва маданий-маърифий ҳаётида фаол иштирок этишларига эришиш, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ этиш, халқимизга кўрсатилаётган маи-



ший хизмат самарадорлигини ошириш борасида жуда катта ва кенг қўламли ишлар амалга оширилди, она ва бола соғлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели яратилди. Иқтисослаштирилган замонавий тиббий марказлар, жумладан, қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникаларнинг кенг тармоғи фаолият юрита бошлади. Бунинг натижасида мустақиллик йилларида мамлакатимизда оналар ўлими 3,1 баробар, гўдаклар ўлими 3,2 баробар камайди. "Save the children" халқаро ташкилоти рейтингига кўра, Ўзбекистон дунёдаги болалар саломатлиги тўғрисида энг кўп ғамхўрлик кўрсатаётган ўнта мамлакат қаторидан жой олди.

Президентимиз Ислом Каримов мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимда таъкидлаганидек, "Бугун инсоннинг ўзи ўзгармоқда, унинг гражданлик ва сиёсий онги, ҳуқуқий маданияти ўсмоқда. Биз коммунистик мафкура асоратларидан, боқимандалик кайфиятидан, турли сохта қолиплардан тўла халос бўлиб бормоқдамиз. Мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-ҳунарларга эга, ҳаётга янгича қарайдиган, собиқ мустабид тузумга хос тушунчалардан озод бўлиб вояга етаётган, ўз фикри ва қарашларига эга бўлган навқирон ёшларимиз ҳаётга ишонч билан кириб келмоқда, жамиятимизда мустақкам ўрин олмақда ва мамлакатимизнинг тараққиёти йўлида ҳал қилувчи кучга айланмоқда".

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг натижалари бугун нафақат иқтисодий кўрсаткичларда, балки халқимизнинг турмуш тарзида, яшаш шароитида ҳам яққол кўзга ташланмоқда. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан қишлоқ жойларида маҳаллий ишлаб чиқариш ривожланаётгани, замонавий инфратузилма шаклланаётгани, ёш оилаларга уй-жой қуриш учун тегишли имкониятлар яратиб берилаётгани, қурилишлар намунавий лойиҳалар асосида олиб борилаётгани, спорт, маданият, маданий-маиший хизмат кўрсатиш соҳаларида туб ўзгаришлар юз бераётгани, айниқса, қувонарлидир. Тўқсонинчи йилларнинг бошларида Европа мамлакатларига сафар қилган ватандошларимиз у ердаги осмонўпар биноларни, турли-туман маҳсулотлар билан тўлиб-тошган "Супермаркет"ларни, харид учун тўловни пластик карточка ёрдамида амалга ошириш-

ни, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш самараларини кўриб ҳайратга тушишган. Эндиликда буларнинг ҳаммаси ҳаёти-миздаги, турмуш тарзимиздаги оддий воқеалар бўлиб қолди. Бутун мамлакатимиз улкан қурилиш майдонига айланди, шаҳар ва қишлоқларимиз кўрки-жамоли хорижлик меҳмонларнинг ҳам ҳавасини келтирмоқда, дунёнинг ривожланган мамлакатлари иқтисоди глобал молиявий тангликдан зарар кўраётган бир пайтда Ўзбекистонда замонавий турар-жой бинолари, муҳташам маданият ва санъат қошоналари, спорт, соғломлаштириш мажмуалари қад ростлаётгани чиндан ҳам ҳайратланарлидир

Йигирма икки йил - тарихан жуда қисқа фурсат, халқ ибораси билан айтганда, бир йигит ёши. Шу қисқа давр ичида босиб ўтилган йўлни, собиқ иттифоқни қайта тиклаш ҳаракатларини (бу ҳаракатлар, таассуфки, бугун ҳам мавжуд), миллий муносабатлардаги "катта оға"чилик сиёсати асоратларини эслаб туриш керак. Бу сиёсат бошдан-оёқ ғайриинсоний, ғайриахлоқий эди, шу боисдан ҳам тарихнинг адолатни ҳукмига дучор бўлди.

Биз аввал ким эдик? Дунё тамаддунига зарҳал саҳифалар битган улуғ аждодларнинг ворислари эдик. Асрларнинг не-не синовларига дош берган, ўта оғир дамларда ҳам ўзлигини, инсоф-диёнатини, муқаддас динини йўқотмаган, шаънига доғ туширмаган ориятли, оқибатли, саҳоватли эл эдик. Шўролар салтанати қаддимизни букди, онг-шууримизни занжирбанд этди, қизил салтанат омборхоналарига сув текин хом ашё етказиб берадиган итоаткорларга айлантирди. Бу ҳам етмаганидек, тарихимизни сохталаштирди, маънавий сарчашмаларимизнинг йўлини тўсди. Бу адоқсиз, сон-саноксиз адолатсизликларнинг ҳаммаси истиқлол боис барҳам топди.

Бугун ким бўлдик? Дунёнинг мўътабар давраларига виқор билан кириб борадиган, на кўрқда, на амалий ишларимизда, қўлга киритаётган ютуқларимизда ҳеч кимдан кам жойимиз бўлмаган навқирон, келажаги буюк давлат, нуфузли минбарларда сўз айтишга қодир, ризқи бутун, мартабаси улуғ, фикри тиниқ, ўзига ишончи мустаҳкам, бирор жойда номи тилга олинмаса, ўрни билинадиган эл-юрт бўлдик. Уйғоқлик, огоҳлик, ҳамиша ҳушёр бўлиб яшаш, са-

вобли ишларга қўл уриш, яхши қўшничилик ҳаёт тарзимизга айланди, шу мўътабар кунларга етказганига шукроналар айтиш, сабр-бардошли бўлиш фикру зикримизни эгаллади. Халқ ўзлигига қайтди. Томирларида озод Ватан туйғуси, киндик қони тўкилган юрт тупроғини муқаддас билиш, миллатнинг шаън-шавкати ва гурурини жон янглиг асраш туйғуси жўш ура бошлади. Халқни улугвор мақсадлар йўлида бирлаштириш, мамлакатимизда яшайдиган, миллати, тили, динидан қатъи назар, ҳар бир фуқаронинг ягона Ватан бахт-саодати учун доимо масъулият сезиб яшашга чорлаш, шу муқаддас замин учун фидойиликни ҳаёт мезонига айлантириш - миллий истиқлол ғоясининг бош мақсади деб белгиланганини ҳам шундай изоҳлаш мумкин.

Бугун оптимизга боқиб, истиқлол йиллари солномасига назар ташлар эканмиз, яқин ўтмиш тарихда бу ютуқларга эришиш учун эллик, юз йиллар кураш олиб борилганига, шунда ҳам, кўп ҳолларда кўзланган мақсадга эришилмаганига гувоҳ бўламиз. Истиқлол - улуг, мўътабар неъмат, аммо у шундай ноёб дарахт ҳамки, унинг илдизини муттасил мустаҳкамламоқ, шохию япроғини меҳр билан парваришламоқ, соясида роҳатланмоқ, ногаҳонда эсиб қоладиган "безгак шамол"лар таъсиридан асрамоқ, мевасининг қадрига етмоқ, бу мевадан биздан кейинги авлодлар ҳам баҳраманд бўлишлари тўғрисида ўйламоқ лозим. Бизнинг янада фаровон келажагимиз, тақдиримиз, келажак наслларнинг бутун ризқ-насибаси - мана шу туйғу ва масъулият билан боглиқ.

Халқимизда эллик йилда эл янги бўлар, деган нақл бор. Бугун биз баралла айтишимиз мумкинки, мустақилликнинг дастлабки йигирма икки йилида эл ҳам, юрт ҳам, онггу шуур ҳам янгиланди. Миллий истиқлол мафкураси, янги Конституция, янги иқтисодий сиёсат, янги тафаккур ва қадриятлар руҳида камол топган, замонавий билимларни чуқур эгаллаган, ўтмиш аждодларнинг маънавий меросидан баҳраманд янги авлод вояга етди. Бу авлод - бизнинг энг катта ютугимиз, мамлакатимизнинг, халқимизнинг буюк ишончи ва таянчидир.



## Мундарижа

Сўз боши.....	3
---------------	---

### I боб. Ўзбекистон мустақилликка эришиш арафасида

1.1. Президент Ислоҳ Каримовнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида" китоби - Ўзбекистоннинг энг янги тарихини ўрганишда муҳим методологик манба.....	12
1.2. Мустақиллик арафасидаги сиёсий вазият.....	17
1.3. Мустақиллик арафасида Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи.....	19
1.4. Мустақиллик арафасида "пахта иши" ва унинг оқибатларини бартараф этиш борасидаги ҳаракатлар.....	28
1.5. Ижтимоий-иқтисодий аҳволнинг кескинлашуви оқибатида юзага келган Фарғона, Бўка, Паркент ва Наманган воқеалари.....	30

### II боб. Мустақил Ўзбекистон давлатининг ташкил топиши

2.1. Давлат мустақиллигининг эълон қилиниши ва уни умумхалқ томонидан қўллаб-қувватланиши.....	61
2.2. Ислоҳ Каримов - миллий давлатчилик асосчиси ва Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президенти.....	70
2.3. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва давлат рамзларининг қабул қилиниши .....	76

### III боб. Ўзбекистонда сиёсий ислоҳотларнинг бошланиши ҳамда миллий демократик давлат ва жамият бошқарувининг ўрнатилиши

3.1. Ўзбекистонда ҳуқуқий тизимнинг шаклланиши.....	95
3.2. Ўзбекистонда Президентлик институтининг жорий қилиниши ва такомиллашуви.....	103
3.3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси. Ўзбекистонда парламентаризм асосларининг шаклланиши ва ривожланиши.....	117
3.4. Ўзбекистонда демократик тамойиллар асосида миллий давлат бошқарув тизимининг яратилиши ва мустаҳкамланиши.....	124
3.5. Мустақил Ўзбекистон Республикаси суд ҳокимияти.....	136

3.6. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ташкил этилиши.....	148
3.7. Мустақил Ўзбекистонда ички ишлар идораларининг тикланиши ва ривожланиши.....	157
3.8.Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлик стратегиясининг шаклланиши. Ички ва ташқи таҳдидлар ҳамда мафкуравий тазйиқларга қарши кураш.....	162
3.9.Маҳаллий давлат органларининг шаклланиши. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари миллий демократик институт сифатида.....	188
3.10. Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизимининг юзага келиши. Мамлакатни модернизациялаш ва демократик ислохотларнинг чуқурлашиб боришида сиёсий партиялар, нодавлат ва жамоат ташкилотларининг роли.....	191
3.11. Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг эркинлаштирилиши ва ривожлантирилиши.....	201
3.12. Фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнининг эркинлашуви. Инсон ҳуқуқларига эътибор-давлат сиёсатининг устувор йўналиши.....	212
3. 13. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва диний сиёсат.....	214
3. 14. Мустақил Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ўрни ва роли.....	226
3. 15. Ўзбекистоннинг ёшларга оид сиёсати.....	237

**IV боб. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш, янги иқтисодий муносабатларнинг шаклланиши ва иқтисодий мустақилликнинг мустаҳкамланиши**

4.1. Бозор муносабатларига ўтишнинг миллий модели: эволюцияси, хусусиятлари ва устувор йўналишлари.....	249
4.2. Мустақиллик йилларида бюджет-солиқ тизимидаги ислохотлар.....	262
4.3. Иқтисодиётдаги муҳим таркибий ўзгаришларнинг амалга оширилиши ва саноатнинг ривожланиши.....	272
4.4. Қишлоқ хўжалигида янги иқтисодий муносабатларга ўтишнинг асосий йўналишлари ва босқичлари.....	284
4.5. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг шаклланиши ҳамда ривожланиши.....	298
4.6. Замонавий транспорт-коммуникация тизимининг шаклланиши.....	306

## **V боб. Мустақил Ўзбекистоннинг ижтимоий сиёсати**

5.1. Фаол ижтимоий сиёсат - аҳолини кучли ҳимоя қилиш омили.....	318
5.2. Таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг такомиллашуви.....	323
5.3. Ўзбекистонда илм-фан ва илмий-техника соҳасининг ривожланиши.....	331
5.4. Соғлиқни сақлаш тизимининг ривожланиши.....	344
5.5. Ўзбекистон Республикасининг экологик сиёсати. Трансчегаравий муаммолар.....	347

## **VI боб. Ўзбекистонда маданий ҳаёт: маданий мерос, маънавий қадрият ва анъаналарнинг тикланиши ҳамда ривожланиши**

6.1. Маънавият ва маърифат - давлат сиёсатининг устувор йўналиши.....	363
6.2. Ўзбек халқининг маданий мероси, маънавий қадрият ва анъаналарининг тикланиши ҳамда ривожланиши.....	370
6.3. Миллий истиқлол гоёси: шаклланиши ва ривожланиш босқичлари.....	378
6.4. Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг ривожланиши.....	388
6.5. Мустақил Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортнинг ривожланиши.....	396

## **VII боб. Ўзбекистон Республикаси ва жаҳон ҳамжамияти**

7.1. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий принциплари.....	408
7.2. Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлар билан ўзаро муносабатлари.....	430
7.3. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувнинг ташкилий ва ҳуқуқий асослари.....	443

## **VIII боб. Ким эдигу ким бўлдик (Хулоса ўрнида).....**



# МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ

"Akademiya"  
Тошкент - 2013

Муҳаррирлар *А. Мелибоев, М. Абдуллаева*  
Дизайнер *С. Рашидов*  
Техник муҳаррирлар *М. Толипов, К. Хакимов*  
Нашр учун масъул *Д. Қобулова*

Нашр. лицен. АЛ № 232. Босишга рухсат этилди 22.09.13  
Бичими 60x90/16. Офсет босма. Шартли босма табоғи 29,0  
Наشريёт ҳисоб табоғи 29.0. Адади 400  
Тошкент, Ўзбекистон шоҳ кучаси, 45.

«VNESHINVESTPROM» MChJ matbaa korxonasida  
ofset usulida chop etildi.  
100020, Toshkent sh., Beruniy ko'chasi, B-1.

ISBN 978-9943-368-75-0



9789943368750